«ФАЛСАФА»

ФАНИДАН МАЪРУЗАЛАР МАТНИ

“Фалсафа” фанини ўқитишда педагогик технологик карта тузиб олиш

Мавзу: ФАЛСАФАНИНГ ПРЕДМЕТИ ВА АСОСИЙ МАВЗУЛАРИ

ФАЛСАФИЙ ДУНЁҚАРАШ. (2 соат)

<table>
<tr><td>Мақсад</td><td colspan="2">Ўқитувчи: Фалсафа фанининг ўрганиш объекти, предмети, вазифалари, унинг назарий ва амалий ахамияти тўғрисида тушунчалар бериш.

Талаба: Ўрганиш, дарсда фаол қатнашиш, топшириқларни бажариш.</td></tr>
<tr><td>Вазифалар</td><td colspan="2">Ўқитувчи: Мавзуга оид оғзаки маълумотларни талабалар томонидан жамоа ҳолатида ўзлаштириб олишлари ҳамда ақлий ҳужум орқали фалсафа нима? Унинг луғавий маъноси, қайси тилдан олинганлиги, фалсафанинг илмийлиги, ҳозирги кундаги фан сифатидаги мақоми каби фалсафа мавзулари билан боғлиқ масалалар юзасидан талабаларнинг ўзлаштирган билимларини назорат қилиш.

Талаба:

- Фалсафа сўзининг маъноси, унинг турлича талқинларини ўзлаштириш ва таҳлил қила олиш даражасига эришиш;

- Фалсафа илмининг ўрганиш объектини;

- Дунёқараш ва унинг тарихий шакллари;

-Фалсафада миллийлик ва умуминсонийлик;

-Мустақиллик ва янгича фалсафий тафаккур тарзини шакллантириш заруриятини онгли равишда англаб етишига эришиш.</td></tr>
<tr><td>Дарс жараёнининг ташкил этилиши</td><td>1. Ташкилий қисм
2. Мақсад ва вазифаларни қўйиш.
3. Мавзуни тушунириш , ўрганилганларни умумлаштириш, такрорлаш ва тизимлаштириш
4. Якун ясаш
5. Уйга вазифа</td><td>- 5 дақиқа
- 3 дақиқа
- 57дақиқа

- 10дақиқа
- 5 дақиқа</td></tr>
<tr><td>Дарс жараёнининг мазмуни</td><td colspan="2">Фалсафанинг баҳс мавзуси бир бутун олам, борлиқ, табиат ва жамият ҳамда инсон ва унинг тафаккури умумий қонуниятларини ўрганиш. Айни вақтда фалсафа дунёқарашни шакллантирувчи фан эканлиги.Фалсафанинг асосий йўналишлари, функциялари, фалсафий оқимлар ҳақида умумий маълумот бериш. Дунёқарашнинг фалсафий талқини, унинг афсонавий, диний ва фалсафий тарихий шакилларини тушунтириш. Фалсафа миллий ва умуминсоний характер касб</td></tr>
</table>

	этиши, миллий фалсафий тафаккурни шакллантириш масалалари. Мустақиллик кишиларда айниқса, ёшлар онги ва дунёқарашида янгича фалсафий фикрлашни қарор топтиришни тақоза этиши билан боғлиқ масалаларни талабаларга етказиш. Ўзбек миллий фалсафаси шаклланиши муаммолари.
Ўқув жараёнини амалга ошириш технологияси	**Метод:** оғзаки баён қилиш, “ақлий ҳужум”, “муаммо”…. **Форма:** Маъруза, жамоада ва гуруҳларда ишлаш. **Восита:** А3 форматдаги маълумотлар, чизмалар, нутқ. **Усул:** Тушунтириш, кўрсатиш, сўраш, муаммоли савол. **Назорат:** Кузатиш, оғзаки назорат, якка ва гуруҳий назорат, савол жавоблар.
Кутилаётган натижалар	**Ўқитувчи:** Мавзуни қисқа вақт ичида барча талабалар томонидан ўзлаштирилишига эришади. Талабалар фаоллигини оширади. Талабаларда фанга нисбатан қизиқиш уйғотади. Ўз олдига қўйган мақсадга эришади. **Талаба:** Фалсафа инсоният ҳаёти билан боғлиқ булган энг кичик масалалардан тортиб энг йирик масалалар – бир бутун олам, коинот ҳодисаларини илмий-фалсафий талқин этиш ва тушунишга эришиш. Дунёқараш – инсоннинг атроф муҳитга бўлган турлича қарашлари, тасаввурлари, ўй ва хаёллари, билим ва кўникмаларининг яхлит тизими эканлигини англаш. Дунёқарашнинг тарихий шакллари ва турлича кўринишларини билиб олишига эришиш. Фалсафа муайян халқ ва миллатлар ҳаёти ва менталитетидан келиб чиқиб, умуминсоний қадриятларни тарбияловчи илмий –назарий билим ва қарашларни шакллантирувчи фан эканлигини англаши; Ҳаёт фалсафаси ҳамда илмий фалсафа моҳиятини тушуниб олиши, уларнинг ўзаро боғлиқлиги каби фалсафани баҳс мавзуси ҳақида қисқа вақт ичида кўп маълумотга эга бўлади.
Келгуси режалар	**Ўқитувчи:** янги педагогик технологияларни ўзлаштириш ва дарсда татбиқ этиш, такомиллаштириш. Ўз устида ишлаш. Мавзуни ҳаётий воқеалар билан бойитиш, боғлаш. Аудиторияни умумий савиясини ўрганиб педагогик маҳоратни ошириб боради. **Талаба:** Шу мавзу юзасидан қўшимча материаллар топиш, уларни ўрганиш.

Дарс жараёнининг бориши

1.	Ташкилий қисм	Саломлашиш, йўқлама
2.	Мақсад ва вазифаларни қўйиш	Талабаларга Фалсафа фанининг предмети, баҳс мавзулари билан боғлиқ фалсафий –назарий малакаларни бериш. Оламни фалсафий мушоҳада этиш каби фаннинг илмий-назарий ва амалий аҳамиятини тушунтириш.
3.	Мотивация	Дарс сўнгида фаол талабалар рағбатлантирилади.
4.	Ўрганилганларни умумлаштириш,	1. Фалсафанинг луғавий маъноси нима?

	такрорлаш ва тизимлаштириш	2. Фалсафанинг предмети ва объектини нималар ташкил этади? 3. Баҳс мавзулари деганда нималар кўз ўнгингизда намоён бўлади? 4.Фалсафининг асосий йўналишлари, функциялари, фалсафий оқимларни айтиб беринг? 5.Дунёқараш ва унинг тарихий шаклларини айтиб беринг? 6. Фалсафа миллий бўлиши мумкинми? 7. Фаннинг умуминсоний моҳияти нимада кўринади 8.Мустақиллик фалсафа фани олдига қандай вазифаларни қўймоқда?
5.	Баҳолаш ва фаол талабаларни рағбатлантириш	Талабалар сони кўп бўлганлиги сабабли саволларга аниқ ва тўғри жавоб берган талабалар дарс сўнгида баҳоланади.
6.	Уйга вазифа	Мавзу юзасидан берилган адабиётлар бўйича семинар машғулотига тайёрланиш, янги маълумотларни ўзлаштириш.

1-мавзу: ФАЛСАФАНИНГ ПРЕДМЕТИ ВА АСОСИЙ МАВЗУЛАРИ.

ФАЛСАФИЙ ДУНЁҚАРАШ. (2 соат)

1. Фалсафани баҳс мавзулари.
2.Фалсафанинг асосий йўналишлари, функциялари.
3.Фалсафада миллийлик ва умуминсонийлик. Дунёқараш ва унинг тарихий шакллари.
4. Мустақиллик ва янгича фалсафий дунёқарашни шакллантириш.

АДАБИЁТЛАР

1. Каримов И.А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. Т., Шарқ, 1998.

2. Каримов И. «Донишманд халқимизнинг мустаҳкам иродасига ишонаман». «Фидокор» газетаси, 2000 йил 8 июн.

3. Каримов И. Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда. — Т.: Ўзбекистон, 1999

4. Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда. — Т.: Ўзбекистон, 2000. - 352 б

5. Фалсафа ўқув қўлланма.Т., Шарқ.1999.

6. . «Основы философии». – Т. «Ўзбекистон», 1998.

7. Қ. Назаров (таҳрири остида) Фалсафа асослари. Т., 2005.

8. Ж. Туленов “Фалсафа” дарслик. Т., 2007.

9. Ахмедова “Фалсафа” ўқув қўлланма. Т., 2007.

Фалсафа инсоният тарихидаги энг қадимий илмлардандир. Фалсафий мулоҳаза юритиш, фикрлаш инсон табиатига хос, демак, унинг ўзи каби қадимийдир. У олам ва унинг яшаши, ривожланиши ва тараққиёти, ҳаёт ва инсон, умрнинг моҳияти, борлиқ ва йўқлик каби кўплаб муаммолар ҳақида бахс юритадиган фандир.

Фалсафа қадимги юнон тилидан олинган бўлиб «донишмандликни севиш» («фило» севаман, «софия» донолик) деган маънони англатади. Қадимги Юнонистонда «Философия» атамасини дастлаб, математика фани орқали барчамизга маълум, буюк аллома Пифагор ишлатган. Европа маданиятига эса, у буюк юнон файласуфи Афлотун асарлари орқали кириб келган. Қадим замонларда файласуф деганда, кўпдан-кўп илм соҳаларини эгаллаган, устоз ва муаллим сифатида шуҳрат топган аллома ва мутафаккир кишилар тушунилган.

Фалсафа, аввало, муайян илмий билимлар тизимидир. У, бир томондан, инсоннинг воқеликни ақл воситасида идрок этиши, иккинчи томондан, онгнинг афсона ва ривоятлар асосидаги шакллардан узил-кесил ажралиш жараёни натижасидир. Энг муҳими, фалсафа кундалик турмушда учраб турадиган эскилик асоратлари, бидъат ва чекланишларга мухолиф бўлган хурфикрликдир. Фалсафа айнан ана шундай янги дунёқарашнинг шаклланиши учун асос бўлган.

«Фалсафа» атамаси «философиянинг» Шарқ ижтимоий тафаккуридаги шаклидир. Одатда у тушунча сифатида тор ва кенг маъноларда қўлланади. Кенг маънода уни антик- қадимги фалсафада «донишмандликни севиш» деб тушинилган. Айрим файласуфлар ва фалсафий оқимлар, чунончи инглиз файласуфи Т. Гоббс уни «тўғри фикрлаш орқали билишга эришиш», « немис файласуфи Хегел «умуман предметларга фикрий ёндашиш», Фейербах «бор нарсани билиш», прагматизм таълимоти намояндалари эса, «фойдали нарсаларни билиш жараёни» деб талқин этган.«Фалсафа» тушунчаси тор маънода маданият, санъат, ақлий ёки хиссий билиш усули, воситаси тарзида таърифланади. Ҳар бир фалсафий ғоя, мафкура, билимлар тизими асосан ўз даври хусусиятларини акс эттирган. Улар замон рухи ва маънавиятини ўзида мужассамлаштирган, давр муаммоларини ҳал этишда қўл келган. Шунинг учун Афлотун, Форобий, ва Берунийлар асар ва таълимотларида улар яшаб ўтган давр ғоялари акс этган.

Шунинг учун ҳам буюк фалсафий таълимотларни, бир томондан, маданий интеллектуал ривожланиш самараси, иккинчи томондан, туб ижтимоий ўзгаришлар тақазоси дейиш мумкин. Фалсафа кишиларга олам тўғрисида яхлит тасаввур беради, бошқа фанлар эса, унинг айрим жиҳатларини ўрганади. Масалан, ўсимлик ва хайвонот дунёсини, турларнинг келиб чиқиши ўзгариши ва такомиллашиб бориши каби масалаларни ўрганади. Бинобарин, биолог ҳар қандай ривожланиш жараёни билан эмас, балки фақат жонли танадаги ривожланиш жараёни билан қизиқади. Умуман, ривожланиш жараёнининг ўзи нима, унинг моҳияти қандай? Масаланинг айнан шу тахлитда қўйилиши илмий муаммоларни фалсафий масалага айлантиради. Яъни шу тариқа муайян мавзу оддий илм соҳасидаги йўналишдан фалсафий муаммо тусини олади.

Фалсафа фанининг муаммолари. Ўз хусусиятларига кўра, азалий ва ўткинчи бўлиши мумкин. Азалий муаммолар инсоният пайдо бўлган даврдаёқ вужудга келган бўлиб, токи одамзод мавжуд экан яшайверади. Чунки инсоният тараққиётининг ҳар бир босқичида ушбу муаммолар янгидан кун тартибига қўйилаверади.Уларни ўрганиш жараёнида илм-фан тараққий этиб боради.

Олам ва одам муносабатлари, дунёнинг мавжудлиги, борлиқнинг воқелиги, ундаги ўзаро алоқадорлик ва тараққий этиш, инсоният ҳаётидаги адолат ва ҳақиқат, яхшилик ва ёмонлик, уриш ва тинчлик, умрнинг мазмуни, ва бошқа кўпдан-кўп масалалар фалсафа ва фалсафий билим соҳаларининг азалий муаммолари сирасига киради. Фалсафада оламнинг асосида нима ётади, уни воқе этиб турган нарсанинг моҳияти нимадан иборат, деган масалалар узоқ тарихга эга. Қадимги Юнонистон ва Римда бу масала **«Субстанция»** тушунчаси ва унинг мазмунини қандай тушунилишига қараб ўзига хос ифодаланган. Субстанция деганда олам ва дунёдаги нарсаларнинг моҳияти тўғрисидаги фикр тушинилган. Пифагор ҳамма нарса сонлардан ташкил топган деган бўлса, Афлотун субстанция ғоялар деган, Демокрит эса, оламнинг асосида атомлар ётади деб тушунтирган. Бу масалаларни қай тарзда ҳал қилинишига қараб фарқланадиган фалсафий оқим ва йўналишлар ҳам бор. Масалан, оламнинг асосида нима ётади, унинг моҳияти нимадан иборат деган масалада монизм, дуализм, плюрализм, материализм, идеализм каби фалсафий қарашлар шаклланган.

Фалсафада дунёни англаш, унинг умумий қонуниятларини билиш билан боғлиқ масалалар ҳам муҳимдир. Бу масалалар билан фалсафанинг гносеология (гносис- билиш, логос- таълимот) деган соҳаси шуғулланади. Дунёни билиш мумкин деб хисоблайдиган файласуфларни гностиклар: оламни билиш мумкин эмас, билимларимиз тўғри ва аниқ ҳақикат даражасига кўтарила олмайди дегувчиларни- агностиклар деб юритилади.

Оламдаги ўзгариш, ривожланиш, умумий алоқадорлик ва тараққиётнинг қай тарзда амалга ошиши, қандай содир бўлиши каби масалалар ҳам фалсафанинг азалий муаммолари қаторига киради. Фалсафада ана шу мавзуларга муносабат ва улар билан боғлиқ муаммоларни ҳал қилишга қараб фарқланадиган бир неча таълимот, қараш, усул ва методлар бор. Диалектика, метафизика, софистика, эклектика, догматика кабилар шулар жумласидандир.

Фалсафанинг умумбашарий фан эканлиги унинг бахс мавзулари ва асосий муаммоларини белгилаб беради. Шу маънода одам ва олам, уларнинг ибтидоси ва интихоси, ҳаёти ва ўзаро муносабатлари, инсон тафаккури, табиат ва жамият тараққиётининг умумий қонуниятлари фалсафа учун азалий муаммолардир. Фалсафа янги ғояларнинг туғилишига имкон беради**.** Ҳаёт, ижтимоий тажриба билан узвий боғлиқ ҳолда ривожланади. Ҳар бир тарихий давр, унинг олдига янги масала ва муаммолар қўяди. Масалан, ҳозирги даврда истиқлол мафкураси фалсафий асосларини изоҳлаш зарурати шу билан белгиланади.

2- масала; Аввало, фан нима деган саволга жавоб берсак. Муайян соҳага оид илмий билимлар тизими фан деб аталади. Хилма-хил фанлар бор. Табиий, ижтимоий, аниқ, техника фанлари соҳаларига бўлинади. Тарих, фалсафа, адабиётшунослик, тилшунослик каби жамият ва инсонни ўргатувчи, уларни турли соҳаларини қамраб олувчи ижтимоий фанлар ҳисобланади. Физика, химия, биалогия, математика билим соҳалари эса табиий фанлар соҳасига мансуб. Биз ҳозирги мавзуйимизда, асосан, фалсафий фанлар тизими нима, бу тизим қандай шаклланган деган масалаларга тўхтаймиз. Инсоннинг ўз эҳтиёжларини қондиришга бўлган интилиши азалдан унинг дунёни билишга ҳаракатини юзага келтиради. Жамият тараққиёти юксалиб бориши билан кишиларнинг билим доираси кенгайиб, тафаккури ривожланиб борган. Бошқача айтганда, билимлар тизими инсоният тараққиётини ҳаракатлантирувчи механизмга айланган. Милоддан олдинги VII - II асрларда Юнонистон ва Римда фан ва маданият тараққий этганини яхши биламиз, албатта. Ўша даврларда барча билимлар фалсафа фани доирасида ривожланиб келган эди. Ана шу даврнинг ўрталарига келиб “Риторика” ва “Политика” каби фанлар фалсафадан ажралиб чиқди. Кейинчалик фалсафа тарғибидан математика, физика каби аниқ фанларнинг ажралиш жараёни бошланди. Ижтимоий ва аниқ фанлар тизими шаклланди, баъзи қадимий аниқ фанларнинг ўзи ҳам муайян соҳаларга бўлиниб кетди.

Инсонни билиш жараёни такомиллашиб борган сари мустақил фанлар тизими ҳам шаклланаверади. Жамият ривожининг муайян босқичига келиб мифологик, диний қарашлар оламни билиш талабларига жавоб бера олмай қолди. Фалсафадан фанларнинг ажралиб чиқиши унинг қашшоқлашувини эмас, балки ривожланиш хусусиятларини кўрсатувчи аломатга айланди. Тараққиёт жараёнида фалсафадан табиятшунослик фанлари билан бирга психология, этика, эстетика каби ижтимоий фанлар ҳам ажралиб чиқди. Кейинчалик маданият, қадриятлар ва ҳуқуқ каби соҳаларни ўрганадиган алоҳида йўналишлари ҳам пайдо бўлди.

Фалсафий йўналишлар, тадқиқот олиб борадиган соҳасига кўра ўзига хос бўлиб, асосийлари қуйдагилардир:

Онтология- олам, инсон ва жамиятнинг объектив универсал моҳияти тўғрисидаги фалсафий таълимотдир.

Гносеология- билиш фалсафаси бўлиб, оламни англаш, билиш узиллари, шакли ва имкониятлари тўғрисидаги таълимотдир.

Аксиология- қадриятшунослик ёки қадриятлар тўғрисидаги фалсафий таълимот.

Праксиология-инсоннинг предмети-ўзгарувчан, амалий фаолият тўғрисидаги фалсафий таълинот.

Методология- билиш ва ўзгарувчан фаолият узиллари тўғрисидаги таълимот.

Логика- тафаккур шакллари, қонуниятлари ҳақидаги таълимот.

Этика- аҳлоқ фалсафаси, инсониятнинг аҳлоқий тамойиллари, талаб, тартиб қоидалари тўғрисидаги фан.

Эстетика- нафосат фалсафаси. Гўзалликнинг ўрни қонун қоидалари тўғрисидаги қарашлар мажмуи.

Бундан ташқари, инсон фалсафаси, ижтимоий фалсафа, табиат фалсафаси, маданият фалсафаси, санъат фалсафаси, мафкура фалсафаси (идеология), дин фалсафаси (теология), сиёсат фалсафаси (политология), ҳуқуқ фалсафаси, техника фалсафаси каби соҳалар ҳам мавжудки, улар бир сўз билан ижтимоий-фалсафий фанлар тизими дейилади.

Фалсафий фанлар тизимида фалсафа тарихи билимнинг муҳим тармоғи ҳисобланади. Бунда тадрижий тараққиёт тамойили асосида фалсафий тизимлар ўртасидаги тарихий изчиликка таянади.

Ҳар бир фалсафий билим йўналиши жамият ривожланишида ўзига хос детерменант (сабаб) вазифасини бажаради.

Шуни айтиш керакки, ҳар қандай фалсафий билим, дастлаб ғоя тарзида шаклланади. Фалсафий ғоя инсоният олдида турган муайян муаммони англаш ва уни ҳал қилиш мақсади, услуб ва воситаларнинг ифодасидир.

Фалсафанинг ижтимоий фанлар тизимидаги ўрни ва аҳамияти унинг дунёқарашини шакллантириш, услубий гносеологик, эвристик, педогогик- дидактик, прогсеологик вазифалари (функциялари) билан белгиланади.

Фалсафа фан сифатида дунёқарашни шакллантириш борасида биринчидан инсон қарашларининг шаклланиш имкониятлари, узил ва воситаларини, уларнинг кундалик онг

даражасидан назарий ғоялар даражасига кўтарилиш жараёни, мифологик дунёқарашидан фарқларини, иккинчидан, миллий дунёқарашини шакллантиришдаги турли фан йўналишларини муайян вазифаларини, уларни бир-бири билан ғоявий ҳамкорлик қилиш ва уйғунлашув тамойилини аниқлашда намоён бўлади.фалсафанинг услубий вазифаси унинг бошқа фанлар учун билишнинг узил ва воситаларини аниқлаш методологик ёрдам беришидир.

Унинг гносеологик вазифаси борлиқни билиш учун умумий методлар тизимини яратиш билан боғлиқ. Гносеологик функцияси онг ва дунёни билиш масаласига бағишланган маърузаларимизда анча батафсил маълумотлар бериш кўзда тутилган.

Фалсафанинг эвристик функцияси (“эврика” грекча сўз бўлиб, кашф этиш, деган маънони англатади.) гносеологик вазифаси билан боғлиқ бўлиб, табиат, жамият ва инсон тафаккури ривожланишининг умумий янги қонуниятларини кашф этишни ҳаракатлайди. Шу билан бирга бу функцияга **ўзини ўзи англаши, миллий ўзликни англашни** ҳам киритиш мақсадга мувофиқ. Зеро, инсон ва миллатнинг ўзликни англаши ўз тарихининг хаққоний қирраларини ва келажак истиқболларини кашф этиш билан белгиланади.

Фалсафа тарбиявий вазифани бажаради. Инсоннинг маънавий баркамолликка етишишда фалсафанинг ўрни ва аҳамияти каттадир. Хусусан, “Аҳлоқ фалсафаси” кишида юксак аҳлоқий меъёрлар-ватанпарварлик, меҳнатсеварлик, ғоявийлик, эътиқод, ижтимоий-сиёсий фаоллик ва маъсулияти ҳис этиш туйғуларини тарбиялайди.

“Ҳуқуқ фалсафаси” ҳуқуқий онгни, ҳуқуқий маданиятни, ижтимоий назоратни бошқа ҳуқуқий узил ва воситаларни назарий-амалий жиҳатларидан ишлаб чиқади.

Фалсафанинг проксиологик функцияси фалсафий ғоя ва назарияларнинг ижтимоий ҳаётга амалий татбиқ этиши билан изоҳланади.

Келтирилган функцияларни ўзаро ички боғлиқлиги фалсафанинг муштарак умумназарий ва услубий аҳамиятини белгилаб беради.

3 -масала. Фалсафада миллий ва умуминсонийлик тамойили. Дунёқараш тушунчаси.

Фалсафа умуминсоний фан сифатида башариятга доир умумий муаммоларни қамраб олади.. Маълумки, олам ва одам муносабатлари, жамият ва табиатни асраш, умрни мазмунли ўтқазиш, яхшилик ва ёмонлик каби қадриятлар билан боғлиқ масалаларнинг барчаси инсоният учун умумий. Аммо фалсафада муайян миллий хусусият, мақсад ва интилишлар ҳам ўз ифодасини топади. Умуминсоний фан бўлган фалсафада миллийликнинг акс этишига асос бўлади.

Ватанимиз мустақиллика эришганидан кейин миллий фалсафани шакиллантириш учун имкониятлар очилди. Бугун улуғ аждодларимиз камол тошини қўйган ўзбек миллий фалсафасини ривожлантиришнинг объектив ва субъектив шарт-шароитлари мавжуд. Бу борада Президентимиз Ислом Каримов асарларида ўзбек фалсафасининг тараққиёт қонунлари очиб берилган. Президентимиз фалсафа олдидаги бугунги муаммоларнинг моҳияти, уларни ҳал қилиш йўлларига алоҳида эътибор бермоқда.

Шу билан бирга, бугунги ўзбек фалсафасининг ривожини таъминлашда қуйидаги жиҳатлар алоҳида ўрин тутади.:

-халқимизнинг ўз миллий анъаналарига содиқлиги;

- мамлакатимизнинг буюк келажагига ишончи;

- муқаддас қадриятларимизга ишонч- эътиқоди;

-мехнатсеварлиги, интеллектуал салоҳияти ва бошқалар

Дунёқараш. Ҳар бир кишининг дунёга нисбатан ўз қараши, ўзи ва ўзгалар ҳаёт ва олам тўғрисидаги тасаввурлари, хулосалари бўлади. Шу маънода , дунёқараш инсоннинг теварак атрофини қўршаб турган воқелик тўғрисидаги, оламнинг моҳияти, тузилиши, ўзининг ундаги ўрни ҳақидаги қарашлар, тасаввурлар, билимлар тизимидир. Дунёқараш оламни энг умумий тарзда тасаввур қилиш, идрок этиш ва билишдир.

Дунёқарашнинг бир кишига ёки алоҳида шахсга хос шакли индивидуал дунёқараш дейилади. Гуруҳ, партия, миллат ёки бутун жамиятга хос дунёқарашлар мажмуаси эса, ижтимоий дунёқараш деб юритилади.

Дунёқараш муайян даврда шаклланади. Шу маънода ҳар қандай дунёқараш ижтимоий-тарихий моҳиятга эга бўлиб, кишиларнинг умри, амалий фаолияти, ҳаёти, табиатга таъсири ва меҳнати жараёнида вужудга келади. Дунёқараш жамият ривожига мос равишда аста секин такомиллашиб борган.

Дунёқараш тушунчаси ўзликни англаш, ватанпарварлик, миллий ғурур, тарихий хотира, маънавий баркамоллик каби туйғу ва тушунчалар билан боғлиқ ҳолда шаклланади.

Фалсафий дунёқарашнинг тарихий шакллари инсоният тараққиётининг қонуний натижаси бўлиб, жамият ривожланишининг маънавий мезони сифатида намоён бўлган. Тараққиётнинг дастлабки босқичларида кишиларнинг табиатга, ҳаётга бўлган муносабатлари турли ривоят ва афсоналарда ифодаланган. Улар шу тариқа мифологик дунёқарашни шакллантирган.

Диний қарашлар. Муайян дунёқараш тарғибида диний-илохий қарашлар ўзига хос аҳамият касб этади. Улар инсоннинг илохга бўлган эътиқоди билан боғлиқ бўлиб, вудудга келишига кўра, бошқа дунёқараш сингари муайян асосларга эга. Бу дунёқараш шаклини инсон қалбидаги қуйидаги холатлар белгилайди:

- эмоционал- руҳий холатлар;
- иймон- эътиқод;
- иймон- эътиқоднинг хатти-ҳаракатларда ифода этилиши.

Булар айни пайтда диний дунёқарашнинг асосий тамойилларини ҳам ташкил қилади.

Диний дунёқарашни теология деб аталадиган фалсафий фан ўрганади.

Фалсафий дунёқараш мураккаб тузилишга эга. У муайян билимлар, келажакка қаратилган ғоя ва мақсадлар, табиий ва ижтимоий фан ютуқлари, диний тасаввурлар, қадриятлар, ишонч, эътиқод, фикр, хиссиёт каби тарғибий қисмлардан иборат. Буларнинг ичида эътиқод муҳим аҳамият касб этади. У инсоннинг хиссиёти, иродаси ва фаолиятини белгилайди, уларни бошқаради, шахсни омилғорликка, самарали фаолиятга ундайди.

Фалсафа азал-азалдан дунёқараш бўлган. Чунки, унинг ўзи ҳаёт нима учун берилган, умрни мазмунли ўтқазишнинг қандай йўллари бор, деган саволларга жавоб топиш зарурати туфайли вужудга келган. Фалсафий дунёқараш ўзининг назарий асослангани ва пухта ишлангани билан ажралиб туради. Шу маънода, у бошқа фан ёки фаолият соҳаси учун умумий услуб вазифасини ҳам бажаради.

Фалсафий дунёқараш, моҳият-мазмунига кўра, маънавий фаолият бўлгани боис, у борлиққа бўлган онги, инсоний муносабатнинг муайян йўналишларини вужудга келтирган. Буни тизим тарзида изохлайдиган бўлсак, қуйидагича кўриниш касб этади:

1. Аҳлоқий. 4. Сиёсий

2. Диний. 5. Экологик.

3. Хуқуқий. 6. Эстетик.

Фалсафий дунёқарашнинг асосий йўналишлари. Фалсафий дунёқараш таркибида қуйидаги тамойиллар намоён бўлади;

-турли дунёқараш шаклларининг ўзаро алоқадорлиги кучаймоқда.

-муайян дунёқараш шаклланиш ва ривожланиш жараёнида инсонга муносабатнинг аҳамияти ортиб бормоқда;

-миллий дунёқараш умуминсоний дунёқараш шакли ва унинг тарғибий қисми сифатида юзага келган.

Фалсафий дунёқарашнинг бу умумий тамойиллари ҳар қандай конкрет дунёқараш шакллари учун услубий асос бўлиб хизмат қилади.

Шу билан бирга, унинг яна қуйидаги тамойиллари ҳам бор.

- илмийлик; - мақсадлилик;

- тарихийлик; - ғоявийлик;

- мантиқийлик; - назария ва амалиётнинг бирлиги.

- универсаллик;

Фалсафий дунёқарашнинг вазифалари. Фалсафий дунёқарашнинг зикр этилган тамойиллари, унинг вазифаларини белгилаб беради. Бу вазифалар қуйидагилардир:

- Баҳолаш;
- Бошқариш;
- Назорат қилиш;
- Бирлаштириш
- Тарбиявий.

Хозирги кунда жамиятимизда истиқлол ғояларига асосланадиган янги дунёқарашни шакллантириш асосий вазифа бўлиб турибди. Зеро инсон дунёқарашини, унинг асосий тамойилларини ўзгартирмасдан, янги жамиятни кўриш қийин. Бу жараённинг қонуниятлари ва ўзига хос хусусиятлари Президент Ислом Каримовнинг «Фидокор» газетаси мухбири саволларига берган «халқимизнинг мустаҳкам иродасига ишонаман» мавзусидаги жавобларида асослаб берилган.

4-масала. Истиқлол талаблари даражасида фалсафий тафаккурни янгилаш вазифаларини бажариш ғоят мураккаб бўлиб, қуйидаги бир қатор муаммоларни ҳал қилишни тақазо этмоқда:

- мустабид тузум мафкурасининг ижтимоий, маънавий ва фалсафий соҳалардаги асоратларини бартараф этиш;
- кишилар онги ва турмуш тарзидан собиқ тузумга хос ғайриинсоний тамойилларни сиқиб чиқариш;
- Ўзбекистон фалсафасида жаҳон фалсафий тафакўри ютуқларидан кенгроқ фойдаланиш;

- бозор муносабатларига босқичма – босқич ўтиш жараёнида нафақат оддий фуқаро, балки зиёли ва фалсафа мутахассисларининг онгида ҳамон сақланиб келаётган лоқайдлик ва мутелик каби кайфиятларга барҳам бериш;
- маънавий меросимизни қайта тиклаш ва ижодий ривожлантириш жараёнида буюк аждодларимиз фалсафий меросини янада кенг ва чуқурроқ ўрганиш.
- Истиқлол талабларига мос келувчи соғлом ғояли маънавий баркамол авлодни тарбиялаш заруратига мос тадқиқотлар олиб бориш, улар асосида таълим – тарбиянинг самарали узил ва имкониятларини излаб топиш ва бошқалар.

Ана шу масалаларни уйғун ҳолда ҳал қилиш фалсафий дунёқарашимизни

янгилашга ёрдам беради.

Фалсафий онгнинг янгиланиши серқирра жараён. У кенг ижтимоий мазмунга эга бўлиб, жамият маънавий ҳаёти, мафкураси, маданияти ва таълими тизимидаги янгиланиш, одамларнинг руҳий покланиши, собиқ Иттифоқдан қолган қарамлик кайфиятидан ҳалос бўлиш жараёнининг тарбияий қисмидир.

Фалсафий дунёқараш ўзгаришининг муҳим жиҳатлари қуйидагиларда намоён бўлади:

Биринчидан, фалсафий дунёқарашнинг янгиланиши ижтимоий жараёндир. Яъни у, аввало, тараққиётнинг бир босқичидан иккинчисига ўтаётган мамлакатдаги ижтимоий муносабатлардаги узлуксиз ўзгаришнинг тарғибий қисмидир. У ўзида ижтимоий жараёнларнинг барча асосий хусусиятларини акс эттиради.

Иккинчидан, мустақиллика эришган ва уни мустаҳкамлашга ҳаракат қилаётган мамлакатимиз учун бу тарихий заруратдир.

Президентимизнинг қуйидаги фикрлари ниҳоятда муҳимдир “Бизнинг тушунимизча, қотиб қолган эски ақидалардан воз кечиш ўз тарихий ўтмишимиздан воз кечиш дегани эмас. Бу- бир ёқали ва тор фикрдан воз кечиш демакдир” Айнан бир ёқламаликдан қутилган кенг қамровли дунёқараш асосида бугунги янгиланишни тўғри англаш мумкин.

Мустақиллик йилларда фалсафанинг янгиланиши учун зарур асослар шаклланади.

Моддий-иқтисодий асослар.

Ижтимоий-сиёсий асослар.

Маънавий асослари фалсафанинг янгиланишдан ниҳоятда муҳим аҳамият касб этади.

Фалсафий тафаккур янгиланишнинг мамлакатимиз ҳаётида рўй бераётган туб ўзгаришлар билан чамбарчас боғлиқлигини қуйидаги масалаларни фалсафий таҳлил этиши заруриятга айлантиради.

-бугунги рўй бераётган дунёқарашни янгилаш жараёнинг тарихий илдизларини ўрганиш ва фалсафий таҳлил этиш;

-собиқ иттифоқига ижтимоий таназзул ва унинг тафаккурига оқибатларини тугатиш;

-истиқлолнинг фалсафий тафаккурини ўзгартириш учун янги даврни дошлаб боргани;

-бугунги кунда фалсафий дунёқарашнинг янгиланишига таъсир кўрсатаётган замонавий омиллари ва уларнинг ўзига хос хусуссиятлари.

Фалсафий дунёқараш ўзгартиришнинг муҳим жиҳатлари қуйидагиларида намоён бўлади.

Биринчидан, фалсафий дунёқарашнинг янгиланиши ижтимоий жараёнидар. Ижтимоий жараёнларнинг барча асосий хусусиятларини ўзида хос эттиради.

Иккинчидан, фалсафий дунёқарашнинг янгилаш тасодифий эмас, балки тарихий заруриятдир. Жамиятни ислоҳ қилишда одамларнинг янгича тафаккурини шакиллантиришдаги асосий йўналшларидан биридир.

Учинчидан, унинг янгиланиши ҳар бир жамият аъзосининг ижтимоий қиёфаси, руҳий дунёси, мақсад ва эҳтиёжларининг ўзгариши ҳамдир.

Тўртинчидан, фалсафий онгнинг янгиланиш муайян бир даврда амалга ошади.

Бешинчилан, фалсафий дунёқараш ўзгариши инкор ва ворислик жараёнини ҳамдир. Унда бир томондан, ўзбек фалсафаси муҳим жиҳатлари сақланиб қолади, иккинчи томондан синфий-партиявийлик инкор этилади, учунчидан фалсафий тафаккурда янги йўналишлар ўз ўрнини топади.

Фалсафий дунёқарашни янгилаш зарурияти бир қатор йўналишларда намаён бўлади.

Биринчидан, келажакдаги зарурий вазифаларни масалан, янги ижтимоий-иқтисодий муносабатларни қарор топтириш ғояларни одамлар онги дунёқарашда қарор топтириш;

Иккинчидан, фалсафий онгнинг янгиланиши моҳият эътибори билан ҳуқуқий, демократик тамойилларига, қонун қоидаларига таянади;

Учинчидан, юртимизда бўлаётган ижобий ўзгаришларни ҳалқимиз тўғри тасаввур этишга эришиш;

Тўртинчидан, фалсафий тафаккур янгиланиш тақазо этадиган муҳим вазифа конститутциямиздаги мақсад ва ғояларни амалга ошириш йўлида ҳизмат қилишдир;

Бешинчидан, мамлакат тақдири билан боғлиқ бўлган масалалар, тинчлик, осойишталик, барқарорликка тахдид солувчи омилларни олдини олиш билан боғлиқ вазифалар;

Олтинчидан, фалсафий дунёқараш янгиланиши, моҳият эътибори билан инсондан, унинг ижтимоий хусусиятлари такомиллашуви билан бирга кечадиган жараёндир. У нафақат умумжамият миқиёсидаги балки, ҳар бир инсон комолоти учучн ҳам зарур шарт-шароит яратадиган жараёндир.

Бу ва шу каби вазифаларни амалга оширишда мамлакатимизда кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Бугун ижтимоий фанлар ривожини замон талаблари даражасига етказиш борасида, давлат ва жамият ташкилотлари, олим ва зиёлилар олдида ғоятда маъсулиятли вазифалар турибди. Фалсафий дунёқараш тизимини шакллантириш ва ривожлантириш учун муайян имкониятлар мавжуд. Масалан, мамлакатдаги ижтимоий-сиёсий барқарорлик ўрнатилганлигини; аҳолининг барча хақ-ҳуқуқлари қонуний асосда кафолатланган; жамият барча соҳаларини демократлаштириш ва эркинлаштириш давлат сиёсати даражасига кўтарилмоқда; мамлакат аҳоласининг маънавий-маърифий салоҳиятини ривожлантириш устувор аҳамият касб этган.

Буларнинг барчаси фалсафий дунёқарашни шакллантириш вазифаларини самарали ҳал қилишга асос бўлмоқда. Эндиги вазифалар эса, ана шу имкониятларни амалий ишга

айлантиришга ҳар биримиз ўз мустақиллигимизни қай даражада сезишимиз ва қандай фаолият юритишимизга боғлиқ.

Таянч тушунчалар:

Фалсафа, донишмандлик, бир бутун олам, дунёқараш, афсонавий, диний, фалсафий, илмийлик, мантиқийлик, умумий қонуният, миллийлик, умуминсонийлик, ижтимоий билимлар, фалсафий онг, функция, методологик, тарбиявийлик, аксиологик, онтология, гносология, янгича тафаккур.

Такрорлаш саволлари:

1.Фалсафа сўзининг луғавий маъносини айтинг?

2. Фалсафанинг предмети нималардан иборат?

3. Дунёқарашга таъриф беринг.

4.Дунёқарашнинг тарихий шаклларига изоҳ беринг.

5.Фалсафада миллийлик ва умуминсонийликка мисоллар келтиринг.

6. Фалсафанинг йўналишлари ва функциялари нималардан иборат?

“Фалсафа” фанини ўқитишда педагогик технологик карта тузиб олиш

Мавзу 2 : МАРКАЗИЙ ОСИЁ ФАЛСАФАСИ, УНИНГ ЖАҲОН МАДАНИЯТИДАГИ ЎРНИ. (2 соат)

Мақсад	**Ўқитувчи:** Фалсафа фани тарихи, унинг келиб чиқиш ибтидоси қадимги шарқ хусусан, Марказий Осиёда шаклланган, энг қадимги давр фалсафий таълимот – Зардуштийлик, Буддавийлик, Монийлик диний – фалсафий мероси, Урта аср фалсафаси – тасаввуф, калом ва ислом фалсафаси, Темурийлар даври маданий ҳаёти ва фалсафий тафаккур ривожи ҳақида конкрет маълумотлар бериш. **Талаба**: Ўрганиш, дарсда фаол қатнашиш, конспект қилиш ва топшириқларни бажариш.
Вазифалар	**Ўқитувчи:** Мавзуга оид оғзаки маълумотларни талабалар томонидан жамоа ҳолатида ўзлаштириб олишлари ҳамда ақлий ҳужум орқали фалсафа тарихи

	нималардан иборатлиги, қадимги фалсафий меросни ўрганишдан мақсадни сингдириш. Авесто –Зардуштийликнинг муқаддас китоби, буддавийлик, монийлик таълимотлари нафақат диний балки фалсафий моҳиятга эгалигини тушунтириш. Илк ўрта аср, Темурийлар даври фалсафий таълимотлар хусусиятларини, моҳиятини таҳлил асосида малака ва билим ҳосил қилиш. Фалсафа тарихи билан боғлиқ масалалар юзасидан талабаларнинг ўзлаштирган билимларини назорат қилиш. **Талаба:** - Фалсафа тарихини урганишдан мақсадни тушуниб олиши; -Марказий Осиё фалсафий қарашлар шаклланишининг муҳим омилларини билиши; - Қадимги давр, урта аср, темурийлар даври маданий – фалсафий қарашлар моҳиятини ўзлаштириши; -Мавзу юзасидан олган билимларини бугунги кун долзарб масалалари билан боғлай олиш кўникмасини ҳосил қилиши лозим бўлади.	
Дарс жараёнининг ташкил этилиши	6. Ташкилий қисм 7. Мақсад ва вазифаларни қўйиш. 8. Мавзуни тушуниришҳ ўрганилганларни умумлаштириш, такрорлаш ва тизимлаштириш 9. Якун ясаш 10. Уйга вазифа	- 5 дақиқа - 3 дақиқа - 60дақиқа - 8 дақиқа - 4 дақиқа
Дарс жараёнининг мазмуни	Фалсафа тарихини билиш бугун ва келажакни фалсафий тушуниш имконини беради. Аждодларимиз 3 минг йиллик тарихга эга эканлиги. Энг қадимги диний – фалсафий таълимотлар – Зардуштийлик,Монийлик, Буддавийликнинг инсон ҳаёти билан чамбарчас боғлиқлигини яққол мисоллар билан кўрсатиб бериш. Урта аср фалсафасида Форобий, Беруний, ибн Сино, Фарғоний, Мусо ал Хоразмий каби қомусий олимлар табиий – илмий, фалсафий –ижтимоий қарашларини, уларни ўзига хос ва умумий томонларини очиб бериш, шунингдек, тасаввуф таълимоти, диний бағрикенглик ғоялар асосчиларини – Имом ал Бухорий, Марғиноний, ат Термизий каби ҳадисшунос алломалар қолдирган ўлмас маънавий мерос ҳақида батафсил аниқ маълумотлар бериш. Темурийлар даври олиму-фузолалар яратган илмий фалсафий таълимотлар ўша давр халқимиз ижтимоий –маданий ҳаётида туб ўзгаришларга сабаб бўлганлигини Журжоний,Тафтозоний, Улуғбек, Али Қушчи, Навоий, Бобир каби алломалар амалга оширган эзгу ишлар мисолида тушунтириб бериш.	
Ўқув жараёнини амалга ошириш технологияси	**Метод:** оғзаки баён қилиш, “ақлий ҳужум”, “муаммо”…. **Форма:** Маъруза, жамоада ва гуруҳларда ишлаш. **Восита:** Мультмедиа, доскада ёзиб кўрсатиш, нутқ. **Усул:** Тушунтириш, кўрсатиш, савол-жавоб, муаммоли савол. **Назорат:** Кузатиш, оғзаки назорат, якка ва гуруҳий назорат, савол жавоблар.	
Кутилаётган	**Ўқитувчи:** Мавзу юзасидан фалсафий тафаккур тарихи ривожи босқичма-	

натижалар	босқичлигини, ҳар бир тарихий давр хусусиятларини, ўхшашликларини тизимли илмий асосда ўзлаштиришга эришиш. Қисқа вақт ичида барча талабалар томонидан ўзлаштирилишига эришилади. Талабалар фаоллигини оширади.. **Талаба:** Талабаларда ўз тарихига нисбатан қизиқиш уйғотади. Тингловчиларда тарихий хотира, ватанпарварлик, миллий ўзлигини англаш руҳиятини янада оширади.
Келгуси режалар	**Ўқитувчи:** Янги педагогик технологияларни ўзлаштириш ва дарсда татбиқ этиш, такомиллаштириш. Ўз устида ишлаш. Мавзуни янги илмий манбалар билан бойитиб бориш. Аудиторияни умумий савиясини ўрганиб педагогик маҳоратни ошириб боради. **Талаба:** Шу мавзу юзасидан қўшимча материаллар (илмий – оммабоп, бадиий - фалсафий) адабиётлар топиш, уларни ўрганиш.

Дарс жараёнининг бориши

1.	Ташкилий қисм	Саломлашиш, йўқлама
2.	Мақсад ва вазифаларни қўйиш	Талабаларга Фалсафа фани тарихи ривожи ҳамда утмиш аждодларимиз қолдирган маънавий-фалсафий, маданий – илмий мерослар ҳақида аниқ мисоллар,илмий фактлар, ҳаётий воқеалар асосида батафсил тушунчалар бериб бориш.
3.	Мотивация	Дарс сўнгида фаол талабалар рағбатлантирилади. Пассив талабаларни мавзуга нисбатан қизиқишини ошириш чоралари кўриб борилади.
4.	Ўрганилганларни умумлаштириш, такрорлаш ва тизимлаштириш	1. Фалсафа тарихи бизда қачондан бошланган? 2. Зардуштийлик, монийлик, буддавийликнинг фалсафий моҳиятини тушунтириб беринг? Уларнинг фарқи нимада? 3. Урта аср фалсафаси хусусиятини айтиб беринг? 4.Форобий, ибн Сино, Беруний, Фарғонийларнинг борлиқ тўғрисидаги қарашлари фарқи ва умумийлиги нимада? 5. Тасаввуф қандай таълимот? Унинг асосчилари ва намоёндалари кимлар? 6. Яссавий ва Нақшбандий таълимоти ўзаро фарқини кўрсатиб беринг? 7.Диний бағрикенглик ғояси асосчилари кимлар? Моҳияти нимада? 8.Темурийлар даври мутафаккир -файласуфлари кимлар?

5.	Баҳолаш ва фаол талабаларни рағбатлантириш	Талабалар сони кўп бўлганлиги сабабли саволларга аниқ ва тўғри жавоб берган талабалар дарс сўнгида алоҳида эътироф этилади.
6.	Дил сўзлари	Эътиборингиз учун раҳмат, саломат бўлинг.
7.	Уйга вазифа	Мавзу юзасидан берилган адабиётлар бўйича семинар машғулотига тайёрланиш, янги маълумотларни ўзлаштириш.

ИККИНЧИ БЎЛИМ. ФАЛСАФА ТАРИХИ ВА ТАРИХ ФАЛСАФАСИ.

2-мавзу: МАРКАЗИЙ ОСИЁ ФАЛСАФАСИ, УНИНГ ЖАҲОН МАДАНИЯТИДАГИ ЎРНИ. (2 соат)

1. Марказий Осиёдаги энг қадимги фалсафий қарашлар.
2. Илк ўрта асрлар фалсафасининг моҳияти ва ҳусусиятлари. Ислом ва Калом фалсафаси. Табиий-илмий, ижтимоий-фалсафий қарашлар.
3. Тасаввуф ва унинг тариқатлари.
4. Темур ва темурийлар даври фалсафаси.

АДАБИЁТЛАР

1. Каримов И. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. — Т.:Ўзбекистон, 1998.

2. Каримов И. Маънавий юксалиш йўлида. — Т.:Ўзбекистон, 1999.

3. Каримов И. Миллий истиқлол мафкураси — халқ эътиқоди ва буюк келажакка ишончдир: «Фидокор» газетаси мухбири саволларига жавоблар. Т.:Ўзбекистон, 2000

4. Ўзбекистон XXI асрга интилиокда. — Т.: Ўзбекистон, 2000. - 352 б.

5. Каримов И.А. «Истиқлол ва Маънавият» Т., «Ўзбекистон» - 1995.

7Азимов К. «Ислом ва хозирги замон» Т., 1991.

8.Иброхим Ҳаққўл. «Тасаввуф ва шарият» Т., 1991.

9.Искандаров Б. «Тасаввуф фалсафаси» Т., 1995.

10. Жумабоев Й. «Ўзбекистонда фалсафа ва ахлоʻий фикрлар тараққиёти тарихидан» Т., 1997.
11. Орипов М.К. «Поклик ва комиллик рамзи» Ёш куч. Т., 1994. №1
12. Насафий Хўжа Ахмад Яссавий. Т, 1993.
13. Нажмиддин Комилов. Нажмиддин Кубро. Т., 1995.

1масала Тарихни билиш, ундан тўғри ва холис хулосалар чиқара олиш инсон маънавий камолоти учун нихоятда муҳим. Шуларни назарда тутиб, қуйида биз мамлакатимиз тарихида муайян из қолдирган айрим фалсафий қарашлар ва таълимотлар ҳақида қисқача тўхталиб ўтамиз.

Зардуштийлик таълимоти. Эрамиздан аввалги X асрдан эрамизнинг VII асрларигача бўлган давр маҳсули бўлган диний-фалсафий таълимотлардан бири зардуштийликдир. Бу таълимотга Зардушт асос солган бўлиб, Шарқ ва Ғарбда Заратуштра, Зароастр номлари билан машҳурдир.

У ўз даврида халқни эзгулик ва адолат ғояларига даъват этиш, ҳаётбахш анъаналарни шакллантириш, деҳқончилик ва шаҳар маданиятини ривожлантиришда муҳим аҳамиятга эга бўлган.

Зардуштийликнинг бош китоби «Авесто»дир. Унда қадимги халкларнинг дунё тўғрисидаги тасаввурлари, ўзига хос қадрият ва урф-одатлари акс этган. Унда оламнинг азалий қарама-қарши кучлари яхшилик ва ёмонлик, ёруғлик ва зулмат, иссиқлик ва совуқлик, ҳаёт ва ўлим борасидаги қарашлар ўз ифодасини топтан. «Авесто»да, шунингдек, табиат фалсафаси, тарих, этика, тиббиётга оид маълумотлар ҳам берилган.

Марказий Осиёда буддавийлик ҳам ўз ўрнига эга. У диний-фалсафий таълимот сифатида қадимги Хиндистонда эрамиздан аввалги VI асрнинг охири ва V аср бошларида вужудга келган. У жаҳонда кенг тарқалган динлардан биридир. Бу таълимотга асос солган донишманд Сидҳарта уриғидан чиққан Гаўтама ҳисобланади. Кейинчалик у «Будда», яъни нурланган деган лақабга эга бўлган. Буддавийлик исломга қадар Ўрта Осиёда тарқалган қадимги динлар орасида мавқеи жиҳатидан жуда катта ўрин тутади. Бу таълимот Ўрта Осиёга эрамиздан аввалги II- 1 асрларда кириб келган. Тарихий манбаларга кўра, уни Тоҳаристонга балхлик савдогарлар олиб келишган. Кушонлар даврида буддавийлик дини хукмрон динга айланган эди. «Халқчил бўлганлиги учун Ўрта Осиёга кенг ёйилган. Буддавийликнинг Ўрта Осиёга ёйилиши қуйидаги тўрт босқичдан иборат.

Биринчи босқич. Кушонлардан олдинги давр. Бу эрамиздан аввалги I асрга тўғри келади. Бу даврга оид ёзма манбаалар бизгача етиб келмаган.

Иккиичи босқич. Бу даврда буддавийлик Урча Осиёга кенг тарқалган эди. Айниқса, унинг аҳлоқга оид масалалар, халқ оммасини сабр қаноат ва бардошга даъват этувчи ғояларни илгари сурганлиги муҳим аҳамият касб этган.

Учинчи босқич. Бу даврда Ўрта Осиёда буддавийлик таълимотининг манбалари ёйилган.

Тўртинчи босқич. (IX-XIV асрлар) ислом Ўрта Осиёда хукмрон динга айланиши билан бу дин сиқиб чиқарилган жуда заифлашиб кетган.

Буддавийликнинг Ўзбекистон ва Хиндистон халқи ўртасида ўз даврида маънавий кўприк бўлиб хизмат қилганлиги аниқ. Халқларимиз орасидаги дўстлик ва биродарликнинг илдизлари у даврга бориб тақалади ва бугунги кунда аксарият кишилар, айниқса, ёшларимизнинг ҳинд халқи, унинг маданият ва санъатига қизиқиши тасодифий эмас.

Моний таълимоти юртимизда буддавийликдан кейин кенг тарқалган эди. У зардуштийлик ва христианликнинг натижасида вужудга келган. Моний форс ва араб тилларида бир неча рисолалар ёзган. Лекин улар бизгача етиб келмаган Моний хатто «Монийлик ёзуви» номли алифбо ҳам тузган унинг таълимотича, ҳаётда даставвал нур

дунёси — яхшилик ва зулмат дунёси ёзувлик бўлган. Улар ўртасида абадий кўраш боради, инсон икки унсурдан (рух-нур фарзанди, жисм зулмат махсули) иборат. Монийлик халқ оммаси манфаатларини ҳимоя қилувчи таълимот бўлгани сабабли хукмрон мафкура қаршилигига дуч келган.

Монийлик таълимоти асосида **Маздак таълимоти** юзага келган. У эрамизнинг V-VI асрларида кенг тарқалган эди. Унинг асосчиси Маздак (470-529 йиллар) бўлган. Маздак ва унинг маслакдошлари ўз қарашларида халқ оммасига суянган. Халқнинг озодлик, эркинлик хурлик йўлида олиб борган ҳаракатлариги рахнамолик қилини учун тез фурсатда уларнинг маслакдошлари, издошлари кўпайиб кетган. Маздакийлик ижтимоий тенгсизликни бартараф этиш йўлида кўрашга даъват этувчи мафкура сифатида хизмат қилин. Унда асосий ёзувлик бойликка хирс қўйиш ва ўта камбағалик қораланади. Маздакийлар ҳаракати, эрамизнинг VI асрида бостирилганига қарамай, турли мамлакатларда муайян даражада давом этган. Ўрта Осиёда Муканна, Озарбайжонда Бобак бошлик деҳқонлар ва шаҳар камбағалларининг зулмга қарши кўрашлари бунга мисол бўлади.

Марказий Осиёда вужудга келган қадимги фалсафий таъи**мотлар,** улар илгари сурган ғоялар бугунги кунда ҳам муҳим аҳамиятга эга. Санаб ўтилган қадимги диний-фалсафий таълимотлар, яъни зардуштийлик, унинг бош китоби «Авесто», Моний таълимоти, «Моний ёзуви», маздакийлик ҳаракати жамиятда **адолат,** эркинлик, тенг хуқуқлилик тамойилларини карор топтиришига даъват этган. Ватан озодлиги йўлида жон фидо этган Муқанна бошчилигидаги ҳаракат нафақат Ўрта Осиёда, балки бошқа ўлкаларида ҳам акс-садо берган. Ватанимизнинг ўша даврда шаклланган ва ривожланган бой маданияти, миллий маънавиятимиз, фалсафамиз жаҳон цивилизациясига катта таъсир кўрсатган.

Сирасини айтганда, мамлакатимиз тарихи ислом дини юртимизга кириб келган даврдан бошланмайди. У исломга қадар ҳам минг йиллар мобайнида ривожланиб келган шонли тарихига эга.

2 масала. Мазкур мавзуга асос бўлган давр фалсафаси араб истилоси ва мамлакатимизда ислам динининг тараққий этиши билан узвий боғлиқдир. Бу фалсафа, баъзи чет эллик мутахассислар айтгани каби, фақат араблар маданиятининг бир қисми эмас. Балки бизнинг Ватанимиз фарзандлари улуғ бобокалонларимизнинг ислом динига, ислом фалсафасига, бутун араб дунёси ва жаҳон цивилизациясига катта таъсир кўрсатган таълимотлари дунёга келган давр фалсафаси ҳамдир.

Шу билан бирга, бу аждодларимизнинг босқинчиларга қарши кўрашини акс эттирган, халқимиз маданияти ва маънавияти нихоят даражада ривожланганини бутун жаҳонга яққол намоён қилган давр фалсафасидир.

Бу Муқанна каби миллий қаҳрамонларимиз кенг халқ оммасига бош бўлиб озодлик кўраши олиб борган пайтларда элнинг рухини кўтариб, илхомлантирувчи эзгу ғоялар шаклланган давр фалсафасидир.

Бу Аму ва Сирдарё бўйларида яшаган халқнинг дахоси энг юксак даражага кўтарилган, унинг атоқли намояндалари жаҳон маданияти сахифаларига ўзларининг учмас номларини мухрлаб кетган давр фалсафасидир. Бу фалсафанинг хусусиятлари ўша даврда кечган ижтимоий-сиёсий жараёнларнинг ўзига хослиги билан белгиланади.

Мазкур масалани ўрганишдан мақсад, Президентимиз Ислом Каримов таъбири билан айтганда, ёш авлод қалбида мафкуравий иммунитетни шакллантриш, «Ёшларимизнинг иймон-эътиқодини мустаҳкамлаш, иродасини бақувват қилиш, уларни ўз мустақил фикрига эга бўлган баркамол инсонлар этиб тарбиялашдан иборат.

Араб боскини ва ислом дини.

Мовароуннахрга араблар босқини билан бирга ислом дини ҳам кириб келди. Ислом сўзи арабча тангрига ўзини топшириш, итоат, буйсуниш, тинчлик каби маъноларни англатади. Ислом дини байроғи остида кенг худудга араб кабилалари бирлашган, мавжуд тарқоқликка чек қўйилган, ягона марказлашган араб ҳалифалиги ташкил топган.

Қуръон ва хадисларда исломий таълимотнинг асоси баён қилинган. Қуръон муқаддас китоб. Унда ислом қонун-қоидалари, иймон-эътиқод талаблари, хуқуқий ва аҳлоқий

меъёрлар ўз ифодасини топган. У 114 сура ва улар тарғибидаги оятлардан ташкил топган.

«Сунна» эса хадислар мажмуи бўлиб, Қуръондан кейин туради ва уни тўлдиради. Унда Муҳаммад пайғанбарнинг сўзлари хатги-ҳаракатлари нақллар ва хадис шаклида жамланган. Қуръон ва суннадан кейинги муҳим манба шариатдир Шариат (тўғри йўл, илохий йўл демакдир) исломда хуқуқ аҳлоқий меъёр ва амалий талаблар тизимидир. Исломдаги асосий йўналишлар суннийлик, шиалик ва хорижийлик. Улар диний таълимот, маросимчилик, аҳлоқий-хуқуқий меъёрларга оид масалаларда ўзаро фарқланиб туради.

Хорижийлар йўналиши ўрта асрлар даврида кўпгина оқимларга бўлиниб, кейинчалик йўқолиб кетган. Фақат ибодийлар (абодийлар) оқими сақланиб қолган.

Суннийлик ва шиалик хокимият масаласида (суннийлик ҳалифалик хокимияти, шиалик эса имомат хокимияти тарафдори) айрим диний маросим ва анъаналарда бир-биридан фарқ қилади.

Исломдаги оқимлар ақидавий таълимот ва маросимчилик масалаларида бир-биридан ажралиб турадиган диний гуруҳлардир. Шиаликдан қарматлар, исмоилийлар, зайдийлар, нусайрийлар, алиилохийлар ва бошқалар ажралиб чиққан.

Суннийликдан равшанийлар, ахмадия, жангари ваххобийлар, махдийлар ажралиб чиққан. Мазхабчилик илохиёт масалалари бўйича юзага келган ўзаро келишмовчиликлар натижасидир.

Исломда ханафийлик, ашъарийлар, жабарийлар, қадарийлар, сифатийлар, муржиъийлар, муътазилийлар каби мазхаблар мавжуд. Қадарийлар инсон ирода эркинлигини ёқлаб чиқиб, уни тан олмаган жабарийларга қарши чиққан. Мўтакаллимлар аристотелчилик фалсафаси усул ва воситаларидан фойдаланиб, исломнинг диний-ақидавий таълимотини асослаб беришга ўринган.

Абу Мансур Мотуридий (мелодий 944 йилда вафот этган) **калом илми**нинг ақл мақомига алоҳида эътибор қаратган. Самарқандда Мотуридия мактабини яратган. Муътазилийлар (ажралиб чиққанлар) якка худоликнинг адолатли эканин Қуръоннинг тангри томонидан яратилганлигини, ирода эркинлигини ёқлаб чиққан. Унинг асосчиси Восил ибн Атодир (69-748 йиллар). Унинг охирги вакилларидан бири Замахшарийдир.

Калом ислом илохиётининг ўзига хос фалсафий таълимотидир. У диний ақидаларни асослаб беришга ўринган. Қуръонга таяниб, жаннат ва дўзахнинг азалий эканлигини, инсонда ирода эркинлигининг йўқлигини, лекин инсоннинг Оллох олдида ўз қилмишлари учун масъул эканлигини асослаб беришга ҳаракат қилинган.

Бундай маънавий жараёнлар билан ёнма-ён исломда **машшоийунлар ва таббиийунларнинг** (Арасту фалсафаси ва табиатни ўрганишга ахд қилинларнинг) фалсафий қарашлари шакллана борган. Бу исломий маънавиятнинг дунёвий ва диний масалаларда, жаҳон фалсафий тафаккурида рўй бераётган жараёнлар нисбатан ташаббускор бир куч эканини кўрсатиб турибди.

Қадимги Юнон фалсафаси анъаналарида сиёсий фаолият донишмандлик кўп ҳолларда бир-бирига қарама-қарши қўйилган бўлса, **ислом** фалсафасида сиёсатга, аксинча, инсон фаолиятнинг юксак бир шакли сифатида қаралади. Исломда давлат бошқариш бу санъат, аммо у ижтимоий адолат таомилига амал қилмоғи зарур, ижтимоий адолат эса тенг хуқуқийликка амал қилиш туфайли барқарор бўла олади, деб ҳисобланади.

Ислом фалсафасига кўра, инсоният истиқболи комил инсонни шакллантириш орқали юзага келади, аҳлоқ-одоб эса инсон тафаккурининг ажралмас тарғибий қисмидир. Мусилмон Шарқи мутафаккирларини ақл макоми, мантиқ илми аввалдан қизиқтириб келади, чунки мантиққа таянмаган ҳар қандай билим ишончли ва самарали бўла олмайди. Бу масала ҳам ислом фалсафасида ўз ўрнига эга.

Диний бағрикенглик ва дунёвий билимлар такомили. Ўрта аср Марказий Осиё табиий-илмий, ижтимоий-фалсафий таълимотлар. Мусилмон Шарқи, жумладан ислом жорий этилганидан кейин Ватанимиз худудидан етишиб чиққан буюк мутафаккирлар ижодида Оллох, инсон ва табиат масалалари илохиёт ва дунёвий фалсафани муҳим муаммоларидан бири бўлиб келган. Бирон та буюк аллома ва мугафаккир исломий қадриятлар

мавзуини четлаб ўтмаган.

Диний илмлар соҳаларида имом Бухорий, имом Термизий имом Абу Ханифа, имом Мотуридий ва имом Бурхониддин Маргинонийлар пешқадамлик қилганлар.

Имом Бухорий (810-870йиллар) йирик илохиётчи, мухаддис сифатида 60 мингга яқин хадис тўплаган, улардан ишончли деб топганлирини махсус тўплам холига келтирган. Бу тўплам «Сахихи Бухорий» номи билан машхурдир.

Имом исо Термизийдан (824-892) «Пайғанбарнинг алоҳида фазилатлари», «Хадислардаги ихтилоф ва бахслар ҳақида рисола», «Тарих» ва бошқа асарлар мерос бўлиб қолган. Имом Термизий хадисларни мунтазам равишда тўплаб, муайян тартиб солган ва яхлит бир китоб шаклига келтирган.

Муҳаммад ал-Хоразмий (783-850) ва Ахмад **ал-Фаргоний (тахм.** 797-865) бутун мусилмон Шарқи ва жаҳонда табиий ва аниқ фанлар ривожига салмоқли хисса қўшган буюк алломалардир. Муҳаммад ал-Хоразмий Бағдодда «Донишмандлик маскани» («Байт ул-хикма») га рахбарлик қилган. Унинг «Астрономия жадвали», «Хинд хисоб тўғрисида рисола», «Қуёш соати тўғрисида рисола», «Мусиқа ҳақида рисола», «Тиклаш ва қарши қўйиш хисобига оид мухтасар китоб» каби асарларида алгебра соҳасига асос солинди.

Шарқ, халқлари орасида «Буюк математик» унвонига сазовор бўлган Ахмад ал-Фаргоний (тахм. 798 й. да Кувада туғилган) астрономия ва математика соҳаларида ном таратди. Унинг «Самовий жисмлар ҳаракати ва юлдузлар фанининг мажмуаси ҳақида китоб», «Астрономия асослари», асарларида коинот ҳаритаси тузилди. Ер ва фазовий сайёралар хажми, иқлимлар, жугрофий кенгликлар тўғрисида кузатувчилар орқали асосланган янги маълумотлар берилган, илм-фаннинг янги йўналишларига асос солинган. Қўлга киритилган маълумотларни умумлаштириш, тадқиқотда хиссий ва ақлий мушохада муштараклиги алломага хос хусусиятлар сифатида дунёқашни шакллантиришнинг муҳим омиллари бўлиб келди ва ундан кейин яшаган илм ахлига таъсири сезилиб турди.

Фалсафа, табиатшунослик ва тиббиёт тарихини Форобий, Беруний ва Ибн Синосиз тасаввур қилиб бўлмайди. Абу Наср Форобий (873-950) мусилмон Шарқида Арастудан кейин «иккинчи устоз» унвонига муяссар бўлган йирик мутафаккир ва аллома. Унинг каламига 160 дан зиёд асар мансуб бўлиб, улар асосан қадимги юнон олимлари асарларидаги табиий-илмий ва фалсафий муаммоларни шархлаш ҳамда бу соҳаларнинг долзарб масалаларини таҳлил қилишга бағишланган.» Мутафаккир оламни икки кўринишда: «Вужуду вожиб» (оллох.) ва «вужуди мумкин» (барча моддий ва руҳий нарсалар) мисолида талқин қилади, Барча нарсалар «вужуди вожиб» туфайли яшаш хуқуқига эга бўлади. Улар ўзаро бир-бири билан сабабий тарзда боғланади. Сабабсиз оқибат бўлмаганидек, оқибатсиз сабаб ҳам бўлмайди, дейди Форобий.

Олам сифат, микпор, жавҳар, акциденция (муҳим бўлмаган хосса), имконият, зарурият ва тасодифият, макон ва замон, ҳаракат ва ривожланиш каби тушунчаларда ифодаланади. Улар фазовий жисмлар, ақлли махлук (инсон), ақлсиз жониворлар, ўсимликлар, минераллар ва тўртга унсур сув, олов, хаво ва тупроқ каби олтита кўринишда намоён бўлади.

Билиш жараёни ақл ва сезгилар орқали юзага келади. Билишда ақл ва мантиқ илмининг макоми беқиёсдир. Ақл воситасида инсон илм-фанни яратади. Фан туфайли ходисалар моҳияти очиб берилади. Ҳар бир фан инсоннинг муайян эҳтиёжларини қондиришга хизмат қилади.

Мутафаккир ўз асарларида комил инсон, фозил фуқаро, одил хукмдор, бахт-саодат, унга эришиш йўллари, давлатнинг хусусиятлари, аҳлоқий ва ақлий тарбия, ижтимоий истиқбол тўғрисида илғор ғояларни илгари сурган. Форобийнинг Шарқ, халқлари фалсафий тафаккури ривожига бўлган таъсири сезиларли бўлган.

Абу Райхон Беруний (973 — 1048) деярли барча фан соҳаларида ижод этган буюк комусий аллома ва машхур мутахасис. У яратган 152 та асардан 28 таси бизгача етиб келган. Унинг табиатни ўрганишдаги хизмати каттадир. Аллома жисмларнинг ўзаро тортишуви, Қуёш ва Ойнинг тутилиши, зарра, инерция ва сунъий танланиш, ривожланиш аномалияси, Ер қарида рўй берадиган геотектоник силжишлар, Ер киёфасининг тадрижий тарзда ўзгариб туриши, хилма — хил оламлар тўғрисида илмий башоратларни илгари сурган. Унинг фалсафий қарашлари табиий-илмий қарашлари таъсирида шаклланди. У модда ва замон, қонуният, зарурият ва тасодифият,

ҳаракат ва ривожланиш, зиддият, сабаб ва оқибат каби фалсафий муаммоларга катта эътибор берган.

Берунийнинг асарларида билиш масалалари муҳим макомга эгадир. Билишга бўлган қизиқишнинг иккита сабаби бор. Биринчидан, бу ўзига хос лаззатдир. Иккинчидан, билишдан мақсад одамлар эҳтиёжларини қондиришдир. Билиш сезгилар берган маълумотлардан бошланади. Улар билишнинг босқичи ақлий билиш учун ўзига хос кўмакчи ва асос бўлиб хизмат қилади. Билимнинг чинлиги кузатув ва синов — тажриба орқали белгиланади. Улар туфайли ашёларнинг муҳим жиҳатлари ўрганилади, уларнинг миқдорий томонлари аниқланади, билиш жараёнининг самарадорлиги ошиб боради.

Берунийга кўра, инсон киёфаси табиат таъсирининг натижасидир. Унинг ички киёфасига келсак, уни инсон чексиз саъй-ҳаракатлар оқибатида тубдан ўзгартириши мумкин. Ҳар бир киши ўз хулқ-атворининг сохибидир. Жамият тадрижий ўзгаришлар орқали ривожланиб боради. Адолат, фуқаро учун ғамхўрлик, зулмни бартараф этиш, жамиятни ақл ва адолат туги остида бошқариш мутафаккирнинг идеалидир.

Абу Али ибн Сино (980-1037) буюк аллома ва мутафаккир. Бухоро яқинидаги Афшона қишлоғида туғилиб, Ҳамадон шахрида вафот этган. Ибн Синодан қолган маънавий меърос тахминан 280 дан зиёдроқдир. Улар тиббиёт, фалсафа, мантиқ психология аҳлоқ, мусиқа, фармакология ва бошқа соҳаларга бағишланган Олимнинг «Шифо китоби» «Тиб қонунлари», «Билимлар китоби» «Табиат дурдонаси» каби асарлари машхурдир. Борлиқни талқин этишда Ибн Сино Форобий изидан бориб, уни «вужуди вожиб» ва вужуди мумкин»дан иборат, деб эътироф этади. «Вужуди вожиб биринчи сабаб вазифасини бажаради. «Вужуди мумкин» эса унинг оқибатидир. Яратилиши доимий бўлганлиги учун яратилган «вужуди мумкин» ҳам абадийдир. Олимнинг сабабиятга оид мулоҳазалари эътиборга моликдир. Унга кўра, сабаблар моддий (муайян холатни келтириб чиқарувчи сабаб), фаол (муайян холатни ўзгартирувчи сабаб), шаклий (турли хил қувватлар билан бошанган сабаб) ва тугалловчи (барча сабабларшшг пировард мақсади) сабаблардан иборатдир. Шундай қилиб Марказий Осиёда илк ўрта асрлар даврида кенг тарқалган тасаввуф таълимотидаги комил инсон макоми, нафсни тийшн, бағрикенглик, диний донишмандлик, Мусо ал-Хоразмий ва **Ахмад** -Фаргоний тадқиқотларида илгари сурилган табиий-илмий ғоялар, Форобии, Беруний ва Ибн Синонинг табиий-илмий ва фалсафий қарашлари, фандаги янги йўналишлар биринчи галда мусилмон Шарқи, қолаверса, бутун жаҳон табиий-илмий ва фалсафий тафаккурининг равнақига ҳаётбахш таъсир ўтқазиб келди.

<u>3-масала: Тасаввуф ва унинг тариқатлари.</u> Тасаввуф фалсафий оқим ва диний-маънавий ходиса сифатида ислом дини доирасида (кўпгина ички сабаблар ва баъзи ташқи унсурлар — буддавийлик ва хиндийликнинг илк диний тасаввурлари, шарқий христиан таркидунёчилиги, неоплатонизм кабиларнинг таъсири остида) пайдо бўлди. Тасаввуф учун вахдоният — Оллоҳнинг бирлиги, Оллоҳ ва оламнинг порлаб туриши, фано бўлиш, ориф шахсининг тангри таоло билан руҳан бирлашиб кетиши каби мушохадалар муҳим аҳамият касб этади. Бу оқим намояндалари ва тарафдорларини суфийлар, деб атаганлар ва «суфизм» атамаси шундан пайдо бўлган. Илк суфийлар аҳолининг камбағал тоифаси орасида шаклланган. Уларнинг қарашлари истилочилар зулми, адолатсизлик, ижтимоий тенгсизликка қарши норозилик белгиси сифатида ҳам юзага келган.

Тасаввуфнинг муҳим жиҳатлари йирик мусилмон илохиётчиси Абу Ҳамид Муҳаммад ибн Муҳаммад ал-Газзолийнинг (1059-1111) «Диний илмларнинг тирилтирилиши» асарида баён этилган. Ул зот дунё қонуниятларини ақл орқали билишни эътироф этган. Лекин Оллоҳни ақл билан англаш мумкин эмаслигини таъкидлаганлар. У фақат қалб, махсус руҳий ҳаракатлар — илтижо-ибодатлар кўмагида билиб борилади. Мантиқ, табиатни билиш Оллохни танишга ҳалал бермаса, улар аҳамиятлидир, агар аксинча бўлса, уларниинг макоми чегараланади.

Тасаввуфда **кубравия, яссавия, нақшбандия** тариқат- сулуғлари кенг тарқалган.

Кубравия тариқатининг асосчиси Нажмиддин Куброд (1154-1226). Хивада туғилган, ёзган асарлари орасида «Шархус-сунна вал-масолих", «Узили ашара», «Фавоихул-жамол» кабил машхурдир. Кубравия тариқатининг моҳияти унта узилда мужасамлашган. Булар — тангрига

ўз хохиши билан юзлашиш, зу фи дунё — ҳар қандай лаззатдан ўзини тийиш, таваккўл — Оллохга эътиқоди поқлиги учун барча нарсалардан воз кечиш, қаноат, ўзлат — хилватни ихтиёр қилиш, мулозамат аз-зикр узлуксиз зикр, таважжух — Ҳалкга мухаббат қўйиш, сабр — нафс балосидан озод бўлиш, мурокаба — тафаккурга гарк бўлиш, ризо — тангри хўшнудлигини қозонишдан иборат.

Яссавия тариқатининг асосчиси Хожа Ахмад Яссавийдир (116 вафот этган). У Туркистоннинг Сайрам мўзофотида туғилган, ориф мақомига эришган.

Яссавийнинг оддий халқ тушунадиган услубда ёзилган, тасаввуфий қарашларини акс эттирган хикматлари девонида ўз аксини топтан. Унда илохий ишқ, Ҳақ васлига етишиш, унинг ишқида парвона бўлиш, ундан бошқа нарсага кўнгил қўймаслик ҳақида фикр юритилган. Яссавий риёзат, чилла, зикрга алоҳида аҳамият бериб, ҳаётининг аксариятини чиллахонада ўтқазган. Яссавий тариқати Туркистон ўлкаси, Озарбойжон, Туркия, Шимолда — Козонгача, Ғарбда — Болқонгача кенг тарқалган.

Хожа Ахмаднинг 63 ешида Яссида ер остига кирган унинг ҳаётида сифат жиҳатидан янгича ҳаёти бошланади. Бундай олий холатни Яссавий «улмай туриб улиш» деб атайди.

Ахмад Яссавий (Росоилда) инсон кўрагида беш гумбаз борлигини айтади:

қалб ёки кўнгил; рух; сирр; хофий ёки махфийлик; ихфо, яъни эзгулик.

Ахмад Яссавий руҳий оламнинг барча гунбазларини дилига жо этган. Энди унинг Ҳақ-таоло билан мулоқот қилишига кундалик икр-чикр ташвишлар ҳалал бераолмайди. Донишманд «Хикматлар тўпламида» шундай ёзади:

Чин ошиклар доим тирик улган эмиш
Арвохлари ер остига кирган эмиш
Зохид, обид бу маънони билган эмиш
Чин ошикни ҳалойикнинг Хизри булгай

Умуман тасаввуф, жумладан Ахмад Яссавий Тасаввуфида фано муаммоси ханўзгача тадқиқотчилар томонидан сезиларли даражада тадкик этилмаган. Унинг таълимотида «фано» тушунчасини инсонни гофиллик ва ғафлат деб аталиши бедавоқусурлардан озод этиши, манманликдан покланиш, тубанликдан қутилиш маъносида тушиниш лозим. Кўпгина муаллифлар Аҳмад Яссавийни халқ оммасини синфий кўрашга чорламаганликда айиблашади. У ҳаётида кишиларни хеч қачон хеч қандай синфий кўрашга чорламаган.

Яссавий танлаган йўл ўзига хосдир. Бу йил инсоннинг ўз гунохларини аҳлоқий нухсон ва кусурларини аёвсиз очиб ташлаш ва улардан ҳалос бўлиш кўрашидир. Бу йўл унинг фикрича ягона йўлдир. Ҳар бир киши ўзининг ҳақикий аҳлоқий камолатида, комил инсон бўлиб етишиш жараёнида «Шайтон вас-васаси»дан қутилиш учун ўз жонини ҳам, моли-мулкини ҳам аямаслиги лозим.

Бу тасаввуф учун умумий йўлдир. Мутафаккирларнинг диний-аҳлоқий қарашларида дунёдан бутун юз ўгирилмайди. Чунки инсон ҳаёти учун нози-неъматлар кийим-кечақлар, турар жой зарур эканлигини мутафаккир тушунмайди дейиш ноўрин ҳисобланади. Яссавийда нодонлик, жазолат, банднафслик, молу дунёга хирс қўйиш иллатлари ва уларни шакллантирадиган момиллар қораланади, улардан узоқлашишга даъват қилинади. Мутафаккир «толиб мен» деб, ҳаммага жар солиб, аслида эса номахрамларга ёмон кўз билан боқувчиларни, «кўзларида нами йўқ» кийналмайдиганларни қаттиқ қоралайди.

Яссавийнинг «гунох дарди»ни доимо жони дили билан хис қилиб туриш фалсафасини талқин қилишда юзаки қараганда унга ҳар-хил сифатлар бериш билан кифояланиш мумкин. Агар унга моҳият нуқтаи назардан туриб эътибор берсак, уни дини исломга эътиқод этувчилар учун муҳим аҳамият касб қилинлигини сёзамиз. Бундан ташқари ҳар-бир инсон, у қандай динга имон келтириши ёки келтирмаслигидан қатъи назар ўзини виждон дардидан форигман деб фараз қилмаслиги лозим. Инсондаги виждон осудалиги, унинг сусткашлиги бундай кимсани вахший хайвонлар билан яқинлаштирса, унинг жамият ҳаётида барқарор ходиса сифатида амал қилиши эса умумий инқирознинг

ҳақикий аломатидир. Аҳмад Яссавий тасаввуф фалсафасининг буюк вакили сифатида бу маълум жараённинг содир бўлишини олдиндан кўра билган.

Баҳоуддин Нақшбанд (1318-1389 йиллар) нақшбандия тариқатининг асосчисидир. Бу таълимотнинг моҳияти «**Дил — ба ёру даст — ба кор**» шиорида яққол ифодасини топган. Инсон Оллох иноятн натижаси бўлиб, бу дунёни унўтиб қўймаслиги лозим, унинг қалби доимо Оллохда, қўли эса мехнатда бўлмоғи лозим. У тасаввуфнинг барча тариқатлари сингари шариат, тариқат, маърифат ва ҳақикит макомларини эътироф этади.

Нақшбанднинг таъкидлашича, шариат — ахдга вафо, исломнинг бешта асосий талабига риоя қилиш, дил ва тил бирлиги. Тариқат эса, ўзидан кечиш, фано бўлишдир. Ҳақикат — бехуда ишлардан узоқлашиш, ҳақ ишларга боғланиш. Демак, шариат — қонун, тариқат — йўл. Қонун вужуд ва қалбни тарбиялайди. Йўл эса кўнгилни поқлаб, рухни илоҳий қувватдан бахраманд қилади.

Кубравия, яссавия ва нақшбандия таълимотлари маънавиятимиз тарихида жуда катга ўрин тугган. Улар маънавий тараққиётда муҳим аҳамиятга молик бўлиб, ўз таъсирини ҳалигача йўқотмаган.

Мустақиллик туфайли суфизм таълимотига, унинг вакиллари ижодига, шу жумладан Яссавий ижодига, унинг меросига муносабат ўзгаради. Диношманд асарлари нашрдан чиқмоқда. Ўзбекистонда миллий онг, миллий рухнинг шаклланишида унинг маънавий мероси катта аҳамиятга эга.

4 масала .

Темур ва темурийлар даври худди мағул боскнчиларидан озод бўлган халқимизнинг миллий дахоси энг юксак чуккига кўтарилган даврдир. Бу давр фалсафаси халқимизнинг сохибқирон Темур бошчилигида озодликка эришган ва мустақилликни сақлаш ҳамда мустаҳкамлаш учун амалга оширган буюк ишларининг ифодасидир. Бу халқимизнинг марказлашган давлат тузиш, миллий давлатчилигини тиклаш ва барқарор қилиш, яшаш орзуларининг ўшалган давридир. Унинг фалсафасида ана шу жиҳатлар яққол кўзга ташланади ва бу мерос бугунги миллий онг ва истиқлол мафкурасининг фалсафий негизлари орасида алоҳида ўрин тутади.

Маданиятпарвар ва миллатпарвар Амир Темур ва темурийзодалар ўша давр маънавий тараққиёти учун сиёсий ва иқтисодий асосларни тўла-тўкис яратган арбоблар эди.

Темўрнинг ўлкан хизматларидан муҳими шуки, у маданият ва илм хомийси сифатида машхур бўлди, ўз саройига олиму фўзало арбобларини тўплади. Хожа Афзал, Жалол Хоқий, Мавлоно Хоразмий, Мавлоно Мунший ва бошқалар унинг саройида илм-фан ва бадиий ижод билан машғул бўлдилар. Темур хукмронлиги даврида ички ва ташқи савдо кучайди. Айниқса, Хиндистон, Хитой, Русия, араб мамлари билан алоқаларнинг кучайиши Темур салтанати иқтисодий қудратини оширди. Темур ва темурийлар даврида ислом дини ва тасаввуфга катта эътибор берилди. Ислом дини ўша даврда асосий мафкура бўлиб, марказлашган давлат барпо этищда, иқтисод, маданият ва илм-фан соҳасидаги мақсад ва вазифаларни амалга оширишда назарий асос бўлиб хизмат қилди. Темур ўз фаолиятида унга таяниб иш кўрди.

Темурийлар даврида тасаввуф таълимоти кенг қўлоч ёйди. Сохибқирон тасаввуф қоидаларидан мамлакатдаги салбий иллатларни йўқотишда, турли жанжал ва низоларни бартараф қилишда, ҳақикат ва адолат ўрнатишда, инсонпарварлик ғояларини тарқатишда фойдаланган.

Темурийлардан Шохрух, Улуғбек, Хусайн Бойкаро, Бобур Мирзолар давлатни бошқаришда, дин ва тасаввуф қоидаларига амал қилишда, илм-фан ва маданиятни ривожлантиришда унинг анъаналарини изчил равишда давом эттирдилар.

XIV-XV асрларда Мовароуннахр ва Хуросонда илм-фаннинг кўп соҳаларида юксалиш юз берди. Жаҳонга машхур олимлар, табиатшунослар ва шоирлар етишиб чиқди. Тиббиёт, риёзиёт, хандаса, тарих, адабиёт, жугрофия, педогогика, мантиқ., фалсафа, аҳлоқшунослик ва бошқаларга эътибор берилди. Айниқса, бадиий адабиёт ва адабиётшунослик тез ривож топа бошлади ,уларда ўша даврнинг муҳим ижтимоий муаммолари ва инсонпарварлик ғоялари олга сурилди. «Гул ва Наврўз» муаллифи Лутфий (1366-1465), «Бехрўз ва Бахром» асарини ёзган Биноий (1453-

1512), «Тазкират уш-шуаро» (шоирлар ҳақида тазкира) нинг муаллифи Давлатшох Самарқандий, «Юсуф ва Зулайхо», «Махзан ул-асрор» хазинаси) асарларининг муаллифлари Дурбек (XIV-XV Хайдар Хоразмий ҳамда Камол Хужандий (1402 йилда вафот этган), Хофиз Хоразмий (XIV-XV асрлар), Исмат Бухорий (§65-1436), Яқиний (XV аср), Хилолий (XV аср), Атоий (XV аср) ва бошқалар ўша даврда яшаб ижод этдилар.

Бу даврда тарих фанига эътибор кучайди, йирик тарихнавислар пайдо бўлди. Темурийлар даврида Абдураззоқ Самарқандийнинг (1413-1482) «Матлаа ас-саъдайн ва мажмаъ ал-бахрайн» («икки денгизнинг қўшилиши»), Хофизи Абрунинг «Зубдат ат-таворих» («Тарихларнинг сараси»), Муйиниддин Исфизорийнинг «Равзат ал жаннат— гат фи авсоф мадинат», Фосих Хавофийнинг «Мужмали фосихий», Шарафиддин Али Яздийнинг «Зафарнома»си, Низомиддин Шомийнинг «Зафарнома»си ва бошқалар машхур эди.

Ўша замоннинг энг машхур тарихчилари **Мирхонд ва Хондамир** эдилар. Унинг асосий тарихий асари 7 жилддан иборат бўлиб, «Набиралар, подшохлар ва ҳалифалар таржимаи холлари ҳақида поклик боғлари» деб аталади. У олти жилдини ёзиб вафот этади, еттинчисини набираси Хондамир ёзиб тугатади.

Хондамирнинг муҳим рисолалари» Макорим ул-аҳлоқ.», «Хабиб ус-сияр», «Вазирлар учун қўланма » ва бошқалардир.

X1V-XY асрларда мантиқ, табий-илмий фанлар, айниқса фалакиёт, фалсафа ва аҳлоқшуносликка катга эътибор берилди. Мантиқ илмининг йирик вакилларидан **бири Саъдиддин Тафтазонийдир** (1322-1392). Ёшлигидан илохиёт фанлари, араб тили, нутқ санъати ва мантиқ билан шугулланади. Тафтазоний мадрасаларда мударрислик қилди.

Тафтазоний 40 дан ортиқ рисолаларнинг муаллифидир. Муҳимлари: «Тахзиб ал-мантиқ вал-калом» («Мантиқ ва каломга сайкал бериш») «Мухтасар ал-маоний» (Риторикага оид «Қисқача маънолар»), «Ал-иршод ал-ходий», (Араб тили граматикасига оид «Йўл бошловчи рахбар»), «Ал-макосид ат-толибин» («Фалсафа ва каломга оид «Толиби илмларнинг мақсадлари») ва бошқалар. Тафтазоний ўтмиш олимларинint жуда кўп асарларига шархлар ҳам битган.

Тафтазоний ирода эркинлигига тўхталиб, ҳар қандай эзгу ишлар худонинг моҳиятидан келиб чиқади. худо яратувчи сифатида инсонларни ёмон хатти-ҳаракатлар қилишдан сақлайди, инсонни кўпроқ хайрли ишлар қилишга чорлайди, гунох, ишлардан қочишга даъват этади, деб айтади.

Ўша даврнинг яна бир атоқли алломаси **Мир Саййид Шариф Журжонийдир.**

Журжоний 50дан ортиқ рисолаларнинг муаллифи бўлиб, уларнинг аксарияти мантиқ, фикх, фалсафа ва табиатшуносликнинг муҳим муаммоларига бағишланган. Олимнинг «Ат-таърифот» («Таърифлар»), «Одоб ул-мунозара» («Мунозара олиб боришнинг қоидалари ҳақида рисола»), «Сугро» («Кичик далил бўла оладиган хукм»), «Кубро» (Катта далил бўла оладигай хукм»), «Авсат дар мантиқ», («Мантиқда ўрта хулоса»), «Рисолайи вужудия» («Борлиқ ҳақида рисола») ва бошқа асарлардир

Мугафаккир рисолаларида борлиқ, модда ва унинг шакллари, жисмоний ва руҳий муносабатлар, маниқий фикрлаш, тил ва тафаккурнинг ўзаро алоқаси, коинот, инсон, ақл ва билиш масалалари ёритилади. Журжоний, худди Тафтазоний сингари, ҳамма нарса ва жисмлар бир-бирига сабаб-оқибат нисбатида бўлади, деб хисоблади. Оддий нарсалар асосида тўрт унсур, яъни сув, олов, ва тупроқ ётади. Металл, ўсимликлар ва хайвонот дунёси тўрт унсўрнинг қоришиши нагижасида пайдо бўлади.

Жаҳон илм-фани тараққиётига катта улуш қўшган буюк фалакиётчи олим ва давлат арбоби **Муҳаммад Тарағай Улуғбек** (1394-1449). Улуғбекнинг улкан ишларидан бири унинг Самарқандда, Куҳақ тепалигида, Оби Рахмат ариғининг бўйида расадхона барпо этганлигидир. Ушбу расадхона кўрилиши 1424 йилда бошланиб, 1429 йилда тугалланди. Олимнинг энг муҳим асари «Зижи жадиди Кўрагоний» деб аталади. Ундан ташқари, Улуғбек математикага оид «Бир даража синусни аниқлаш ҳақида рисола», астрономияга бағишланган «Рисолайи Улуғбек» ва тарихга оид «Тўрт улус тарихи» китобларини ёзди. Улутбек мантиқ илми, фикхшунослик, мусиқа ва адабиёт назариясини яхши билар эди. Олимнинг «Зижи» икки қисм, муқаддима ва 1118 юлдузнинг ўрни ва холати аниқлаб

берилган жадваллардан иборат.

Улуғбек сайёраларни ўрганишга турли услубларни қўллайди, булар кузатиш, эксперимент, жонли мушохада, исботлаш, киёслаш, индукция, дедукция ва бошқалардир. Шуни айтиш лозимки, Улуғбек кузатиш ва улчаш асбоблари такомиллашмаган бўлса ҳам, қуёш ва ой ҳаракатларини, уларнинг тутилиши ва вақтларини тўғри хисоблаб чиқди. У ўз атрофига қобилиятли олимларни тўплади, ўзга мамлакатлардан иқтидорли олимларни таклиф этди.

Ана шундай олимлардан бири **Гиёсиддин Жамшид ал-Коший** бўлиб, у йирик риёзиётчи ва фалакиётчидир. Унинг асарлари «Мифтох ул-хисоб» («Хисоб калиди»), «Рисола ал-мухитийа» («Доира ҳақида рисола») ва бошқалардир. XVI асрдан бошлаб Европа мамлакатларида унинг кашфиётидан фойдалана бошладилар.

Тарихда Али Қушчи номи билан машхур бўлган **Алоуддин Али ибн Муҳаммад Қушчи** Улуғбекнинг шоғирдидир. У илмий ишларини фалакиёт ва риёзиёт соҳасида олиб борди. Унинг асарлари: «Арифметика илми ҳақида рисола», «Мантиқ рисоласи», «Астрономияга оид рисола» ва бошқалардир.

Али Қушчи «Астрономияга оид рисола»сида Ой ва Қуёш тутилиши қонуниятларини илмий асослаб берди. Олим табиат сирлари ва унинг қонуниятларини урганди, жисмлар ҳаракати ва уларнинг оддийдан мураккабга ўтиши тўғрисида ўз фикрини илгари сурди.

Умуман шуни таъкидлаш лозимки, Улуғбек ва у асос солган астрономия мактаби коинотдаги ходисаларни ўрганишда муҳим рол уйнади, ўша вақтгача фанга маълум бўлмаган ходисаларни идрок қилиб, инсон ақл-заковатининг билиш имкониятларини кенгайтирди, кейинги даврларда яшаган олимларга самарали таъсир кўрсатди. Улуғбекнинг астрономия сохосидаги ғояларини Европада XVI асрдан бошлаб Коперник, Галилей ва бошқалар ривожлантирдилар.

.Темурийлардан Хусайн Бойкаро хукмронлиги даврида бу ерда илм-фан, адабиёт соҳасида юксалиш юз берди. Абдурахмон Жомий, Алишер Навоий каби жаҳонга машхур мутафаккирлар етишиб чиқди.

Ўрта аср мумтоз адабиётининг вакили, улуғ шоир ва мутафаккир **Абдурахмон Жомий**дир. Жомийни Навоий устоз деб хисоблар эди. Унинг каламига мансуб асарлар «Нафахот ул-унс» «Хужжат ул-асрор», «Мусиқа ҳақида рисола», «Нақши фусус; «Вохид атамаси ҳақида рисола», «Хаж қилиш йўллари ҳақид рисола», «Баҳористон» ва бошқалардир.

Жомийнинг энг йирик асари «Хафт авранг» бўлиб, унг «Тухфат ул-ахрор», «Сухбат ул-аброр», «Юсуф ва Зулайхо» «Сухбат ул-асрор», «Лайли ва Мажнун», «Саламон ва Абсол» « Хирадномайи искандарий» достонлари киради.

Барча мусилмон мутафаккирлари каби Жомий ҳам худо абадий, мутлоқ ва дунёдаги ҳамма нарсаларнинг сабабчисидир, худо мавжуд бўлганда, борлиқ йўқ эди, дунё ўзининг бошланғичини Оллохдан олган, демак, худо ҳамма нарсанинг яратувчисидир, деб хисоблайди. Жомийнинг фалсафий қарашлар унинг инсонпарварлик ғоялари билан чамбарчас боғланиб кетади. Мугафаккирнинг кўпгина асарларида инсон, адолат, мухаббат, эзгулик ғоялари тасвирланади.

Жомий нақшбандийлик таълимотига эътиқод қилиб, унинг назарий ва амалий жиҳатларини ривожлантиради. Суфий, унингча, ҳалол ва поқ бўлиши, бирор касб-хунарни эгаллаши, қаноатли ва олийжаноб бўлиши, тамагирликдан узоқ, юриши, нафсини жиловлаши лозим. Жомий худони «гўзал маъшуқа» сифатида тасвирлаб инсоннинг мақсади унинг васлига етишдир, дейди.

Жаҳон маданияти равнақига ўлкан хисса қўшган сиймолардан бири, улуғ ўзбек шоири ва мутафаккири **Низомиддин Мир Алишер Навоийдир** (1441-1501).

Навоий ижоди бой бўлиб, асарлари турли мавзуларга бағишланган. «Ҳамса» яъни «Хайратул аброр», «Фарход ва Ширин», «Лайли ва Мажнун», «Сабъаи сайёр», «Садди Искандарий» достонлари ҳамда «Лисон ут — тайр», «Мажолисун нафоис», «Махбубул қўлуб», «Холоти Пахлавон Муҳаммад», «Мезон ул-авзон», «Мухокамат ул-лугатайн» ва бошқалар. Булардан ташқари, Навоий «Хазойинул маоний» («Маънолар хазинаси») номли шеърий тўплам яратган бўлиб, у 45 минг мисрага яқин газал, рубоий, китъа ва фардлардан ташкил топтан.

Навоийнинг ижоди фалсафий фикрларга бой бўлиб, унда жамият ва инсон муносабати, инсоннинг бахт-саодати, комил инсон ва фозил жамоа, таълим-тарбия ҳақидаги фикр-уйлари ўз ифодасини топтан.

Шоир ижтимоий-фалсафий қарашларининг муҳим хусусияти шундан иборатки, унда фалсафий фикрлар мажозий тарзда, бадиий ухшатиш ва рамзий иборалар ёрдамида, зохирий ва ботиний маъноларда баён қилинади.

Навоийнинг ижодий меросида инсонпарварлик ва комил инсон ғояси муҳим ўринни эгаллайди — шоирнинг «Ҳамса»сига кирган «Фарход ва Ширин», «Лайли ва Мажнун», «Садди Искандарий» каби достонларининг асосий қаҳрамонлари Искандар, Фарход, Ширин, Лайли, Мажнун ва бошқалар комил инсон сифатида талқин қилинади. Улар мехнатсевар, ўз касбини устаси, доимо ўзгаларга ёрдам берувчи, шижоаткор ва жасур, ақлли ва билимдон, саховатли, тўғри сўз, софдил, камтар, ўзида хулқ,-одоб, адолат, сабр-тоқат, нафсни тийиш, олижаноблик каби фазилатларни мужассамлаштирган шахслардир.

Навоий халқ орасида инсонпарварлик ғояларини таркатди, турли миллат ва элатлар ўртасидаги дўстликни улутлади. Халқни фаровонликка, бахт-саодатга элтувчи, ҳамма тенг, зулм-истибдоддан холи бўлган давлат тузумини орзу қилди. У илм-фан эгаллашни афзал билди, мол-мулкка, бойликка хирс қўйишни, тамагарликни қоралади. Навоийнинг яхшилик, эзгулик, мухаббат, дўстлик, адолат, тинчлик, осойишталик ва бошқа гўзал фазилатлар, маънавий аҳлоқий қадриятлар тўғрисидаги қимматли фикрлари, насихатомўз сўзлари республикамиз мустақилликка эришгандан ҳам баркамол инсонни тарбиялашга хизмат килмоқда.

XV асрнинг охиридан бопшаб Темурийлар давлати секин-аста инқирозга юз тўта бошлади. Темур авлодидан бўлган **Захириддин Муҳаммад Бобур** (14ЎЗ-1530) ўша даврнинг энг маърифатли подшоларидан бири эди.

Ички келишмовчиликлар натижасида ўз юртини ташлаб кетишга мажбур бўлган Бобур аввал Кобулда, сўнгра эса 1526 йилги Панипат жангида иброхим Луди устидан ғалаба козониб Хиндистонда ўз хукмронлигини ўрнатди. «Бобурийлар сулоласи Хиндистонда 300 йилдан ортиқ хукмронлик қилиб, темурийлар давлати ва маданиятинииг давомчиси сифатида машхур бўлди.

Бобирнинг хизмати шундаки, у Хиндистонни марказлашган давлатга айлантирди, мамлакатда тинчлик ўрнатди, ободонлаштириш ва кўрилиш ишларини ривожлантирди, карвонсаройлар, меъморий ёдгорликлар, боғчалар, кутубхоналар барпо қилди, маданият, санъат, адабиёт ва илм-фанни юксалтирди.

Бобурийларнинг кўпчилиги маърифатчилик билан машғул бўлдилар, олиму фўзалолар билан маслахатлашиб турдилар. Уларнинг яна бир хизмати ислом ва будда динига эътиқод қилувчи мусилмон ва хиндуларни келиштиришга, ахил яшашга чиқаришда бўлди.

Бобирнинг машхур тарихий асари «Бобурнома» дир. Булардан ташқари, у хуқуқшуносликка оид «Мубайййн», арўз илмига оид «Муфассал», мусиқа бўйича «Мусикий», ҳарбий ишларга оид «Ҳарб иши» рисолаларини ёзган. «Бобурнома» ўша даврдаги Марказий Осиё, Хиндистон, Афгонистон, Эроннинг сиёсий, ижтимоий ҳаётини, савдо муносабатлари, географияси, хайвонот ва наботот оламини, иқлими, кабила ва элатларнинг урф-одатлари, маросимлари, турмуш тарзини ва маросимларини акс эттирган асардир.

Бобур ўзининг лирик шеърларида ишқ, мухаббат, Ватан соғинчи мехр, вафо, инсонийлик, дўстлик, яхшилик ва мехр-оқибатни қўйилади.

Шундай қилиб, X1Y-XV асрларда Мовароуннахр ва Хуросонда маданий юксалиш юз берди. Буни олимлар Ренессанс даври ҳам деб атамоқдалар. XIV-XV асрлар моддий ва маънавий юксалишининг муҳим хусусияти яна шундан иборатки, инсон ақл- заковати ва унинг энг яхши фазилатларга эътибор кучайди, илм-фан ва санъат ривож топди, Қомусий олимлар етишиб чиқди, маданий меросни ўрганишга қизиқиш ортди. Темур ва темурийлар давридаги маданий юксалиш хозир ҳам ўз аҳамиятини йўқотгани йўқ. Улар мустақил давлатимизни мустаҳкамлашда, маданий-маърифий ва тарбиявий ишлар самарадорлигини оширишда, миллий ғоя ва мафкурани шакллантиришда маънавий озука вазифасини ўтамоқда.

Такрорлаш саволлари:

1.Энг қадимги фалсафий қарашлар хусусияти нимада?

2.Зардуштийлик ва буддавийлик фалсафий жиҳатдан қандай фарқ қилади?

3. Ўрта аср фалсафаси ривожида қайси мутафаккирларни биласиз?

4.Форобийнинг борлиқ тўғрисидаги таълимоти қандай характер касб этади?

5. Тасаввуф қандай таълимот?

6.Яссавий ҳамда Нақшбандий таълимоти фарқи нимада?

7.Ислом динининг фалсафий жиҳатини айтиб беринг.

8.Темурийлар даври нега Ўйғониш даври деб юритилади?

9.Темурнома қандай асар?

10. Навоийнинг билиш назарияси қандай характерга эга?

11. Бобурнома қандай асар?

Таянч сўз ва иборалар:

Авесто, зардуштийлик, ахурамазда, ахраман, эзгу фикр, эзгу сўз, эзгу амал, буддавийлик, монийлик, маздак, Урта аср, Форобий, ибн Сино, Беруний, Фарғоний, Хоразмий, Тасаввуф, суфизм, Яссавий, Кубро, Нақшбандий, диний бағрикенгик, Бухорий, ат Термизий, Марғиноний, калом ва ислом фалсафаси, Темур, Темурнома, Темурийлар, Журжоний, Тафтазоний, Улуғбек, Навоий, хамса, Бобур, Бобурнома.

“Фалсафа ”фанини ўқитишда педагогик технологик карта. 3-**мавзу.**

Мавзу	**ЎРТА АСРЛАР ВА ЯНГИ ДАВР ҒАРБ ФАЛСАФАСИ (2 соат)**
Мақсад	**Ўқитувчи:** Талабаларга Европада илк ўрта аср, ўйғониш даври ва 20-аср фалсафаси хусусиятлари, фалсафий мактаб ва таълимотлар моҳияти ҳақида билим беради. Европа фалсафий таълимотлари, табиий – илмий қарашларини ўрганишнинг бугунги кундаги аҳамиятини уқтиради. **Талаба:** ўрганиш, дарсда фаол иштирок этиш. Топшириқларни бажариш.
Вазифа	**Ўқитувчи:** мавзуга оид мультимедиа материалларини, оғзаки маълумотларни, тарқатма материалларни талабалар жамоа ҳолатида ўзлаштириб олишлари, ҳамда “Ақлий

	ҳужум”, муаммо пед.технологиялари орқали Европа илк фалсафаси хусусиятлари, Ўйғониш давр фалсафаси,инглиз, француз, немис миллий фалсафаси, унинг вакиллари, улар яратган маънавий – фалсафий меросларни мазмун моҳияти ҳақидаги талабаларнинг ўзлаштирган билимларини назорат қилиш. **Талаба:** Европа фалсафий таълимотларини мазмун, моҳиятини чуқур англаб ўзлаштиришига эришиш.	
Дарс жараёнининг ташкил этилиши	1.Ташкилий қисм 2.Мақсад ва вазифаларни қўйиш 3.Ўрганилганларни умумлаштириш, такрорлаш, тизимлаштириш 4.Якун ясаш 5.Уйга вазифа	5 дақиқа 3дақиқа 57 дақиқа 10 дақиқа 5 дақиқа
Дарс жараёнининг мазмуни	Илк ўрта аср, ўйғониш даври, 20-аср ижтимоий-сиёсий, маданий ҳаёти туғрисида маълумот бериш; илк урта аср Европа диний –фалсафий таълимотлар, янги давр табиий-илмий,ижтимоий – фалсафий қарашлар,илмий кашфиётлар, 20-аср турли фалсафий мактаблар ҳақида билим бериб бориш.	
Ўқув жараёнини амалга ошириш технологияси.	**Услуб**: оғзаки баён қилиш, “ақлий ҳужум”, “муаммо” пед технологияси. **Шакл**: маъруза, жамоада ва гуруҳларда ишлаш. **Восита**: презентация, тарқатма материаллари, нутқ. **Усул:** тушунтириш, кўрсатиш, сўраш, муаммоли савол. **Назорат**:, оғзаки назорат, кузатиш.	
Кутилаётган натижалар	**Ўқитувчи:** мавзуни барча талабалар томонидан ўзлаштиришига эришиш. Талабалар фаоллигини ошириш. Талабаларда дарсга нисбатан қизиқишни кучайтириш. Ўз олдига қўйган мақсадига эришиш. **Талаба:** Европа фалсафаси асосий хусусиятлари мазмун моҳиятини билиб олиш орқали фалсафий дунёқарашини бойитади. Кенг фикрга, маълумотга эга бўлади. Нутқи ривожланади, дунёқараши кенгаяди.	
Келгуси режалар	**Ўқитувчи:** янги педагогик технологияларни ўзлаштириш ва дарс жараёнига татбиқ этиш, ўз устида мунтазам ишлаш. Ўтилаётган мавзу ҳаёт билан боғлаши, педагогик маҳортни ошириш.	

	Талаба: мавзу бўйича қўшимча адабиётлар билан танишиш, уларни ўрганиш.
Дил сўзлари	Эътиборингиз учун раҳмат, саломат бўлинг.

3-мавзу: ЎРТА АСРЛАР ВА ЯНГИ ДАВР ҒАРБ ФАЛСАФАСИ
(2 соат)

1. Европа илк ўрта асрларфалсафасининг асосий хусусиятлари. Ренессанс даври фалсафий тафаккури.
2. ХУП аср француз фалсафаси ва маърифатчилиги: Вольтер, Руссо, Ламетри Дидро, Гельвеций, Гольбах.
3. Немис миллий фалсафаси, унинг тарихий илдизлари.
4. ХХ аср жаҳон фалсафасидаги ворислик ва янгилаш, унинг илдизлари.

АДАБИЁТЛАР

1. «Антология мировой философии» в 4-х томах. М., 1971.
2. Асмус В.Ф. «Избранные философские труды». М., 1971.
3. Асмус В.Ф. «Иммануил Кант». М., 1973.
4. Биховский Б.Э. «Людвич Фейербах». М., 1967.
5. Нарский И.С. «Западно-европейская философия XVIII века».
6. «История философии». М., 1971.
7. Нарский И.С. «Западно-европейская философия XIX века».
8. Юсупов Э. «Фалсафа». Т., 1999.
9. Фалсафа асослари. Т.2005

1-масала.

Европа шаҳарларидаги иқтисодий, ижтимоий, маданий ривожланишидаги катта тавофут, феодал тарқоқлик Европада бир пайтда ренессанс юз беришига ҳалақит берди. Шу боис Европада ренессанс икки босқичга бўлиниб қолди: Италия ренессанси ва Европа ренессанси.

Уйғониш даври фалсафаси қуйидаги асосий хусусиятларни ўзига қамраб олганди.

Авваломбор, ренессанс мафкураси икки йўналишга эга эди: феодал муносабатларга ва плебейликка барҳам бериш. Янги тадбирқорлар барқарорлик ва товар-пул муносабатларининг кенгайиши тарафдори эди. Бунинг учун черков ва давлатни ислох қилиш зарур эди.

Иккинчидан, теоцентрик назариядан антропоцентрик йўналишга ўтила бошлади. Бу даврда христиан дини монолитик позициядан махрум бўла бошлади.

Учинчидан, антропоцентрик назария билан бир қаторда, гуманизм мотивлари ҳам ўрта асрлар теократиясига қарши чиқа бошлади. Ренессанс гуманизимнинг асосий намоёндалари Италиялик Данте Алигьери (1265-1321), Франческо петрарка (1304-1374), Марсилий (1278-1348) ва бошқалар эди. Улар аскетизмга қарши чиқиб, ўз ғояларида инсон кучига ишонч билан қарашади. Улар инсон ўз тақдири учун шахсан ўзи жавобгар деб хисоблашади.

Дантенинг фикрича инсониятнинг асосий вазифаси ўз ақлий имкониятидан тўла фойдалана олишдир (реализация).

Тўртинчидан, ренессанс ижтимоий-сиёсий назарияларда ҳам рўй бера бошлади. Давлат ва хуқуқ масалалари олдинлари бир ёқлама, илохий ходиса сифатида қаралган бўлса, энди унинг мансабаларини «осмон» дан эмас, «ердан» излай бошлашди.

Ижтимоий назарияларда асосий ўринни марказлашган давлат мафкураси эгаллади. Марказлашган кучли давлатгина Рим папасига бас келиши мумкин. У ўзининг ижтимоий-иқтисодий манфаатларини ҳимоя қила олади. Марказлашган давлат ғоялари Н.Макиавелли, Жан Боденларнинг ижтимоий қарашларида ўз аксини топди. Улар ўз асарларида сиёсатни тиологиядан, давлат манфаатларини черков манфаатидан устун қўйишади.

Европа фалсафий фикр тараққиётида Ренессанс даври фалсафаси муҳим роль уйнади. Эски феодал тартиботлар таназулла юз тутиб, жамият ҳаётида янги ижтимоий-иқтисодий ўзгаришлар юз берди. Ишлаб чиқаришга бўлган муносабатлар тубдан ўзгарди. Ренессанс фалсафасининг муҳим белгиси шу эдики, у ўз диққат эътиборини «ер»га қаратади. Бу йўналишга италиялик Жордано Бруно асос солди. Бу бурилишга инсоният томонидан амалга оширилаётган ютуқлар асос бўлди. Инсон ўзини мустақил хис эта бошлади, ўз кучига, биринчи навбатда ақл кучига ишонч хосил қилди.

Табиат фалсафаси билан параллел равишда табиатшунослик ҳам ривожланиб борди. Янги кашфиётлар амалга оширилиб, янги фалсафанинг ривожи учун муҳим манба бўлиб хизмат қилди. Ўз даврининг илғор таълимоти хисобланган Париж ва Оксфорд мактабларининг табиат ҳақидаги схоластик таълимотлари ҳам назарий товламачиликдан (спекуляция) бошқа нарса бўлмай қолди. Бу таълимотлардан фарқли равишда Ренессанс ўзига тажриба, эксперемент ва кузатиш услубларини қурол қилиб олди. Жамиятнинг қонсерватив кучлари билан прогрессив кучлари ўртасидаги, дин ва фан ўртасидаги бахслар асосан астрономия соҳасида бўлди. Леонардо да Винчи (1452-1519), Николай Коперник (1473-1543), Иоганн Кеплер (1571-1630) ва Галилео Галилей бу соҳада катта кашфиётлар амалга оширдилар.

Табиат фалсафаси муаммолари билан шуғулланган мутафаккирлар жумласига Н.Кузанский, Бернардино Телезио ва Жордано Бруноларни киритиш мумкин.

Н.Кузанский (1401-1464) нинг табиат фалсафаси ва космологик таълимоти диний таълимотлар доирасидан чеккага чиққан эмас. Унинг борлиқ тўғрисидаги таълимотида теоцентрик қараши асосий ўрин тутади. Гнеосологик таълимотида эса асосий ўринни “docta ignorantia” (билмаслик ҳақидаги билим, билмаслик таълимоти) эгаллайди.

Билишнинг асосини мутлоқ, алоҳида ва шартсиз билимлар ташкил этади. Шартсиз билимларни символлар ёрдамида олиш мумкин. Кузанскийнинг фикрича символиканинг асосини математик символлар ташкил қилади. Символлардаги қарама-қаршиликларсиз уларнинг моҳиятини очиб бўлмайди. Схоластикани рад этиб яратувчини борлиқни ичида

деб хисоблайди. Ўзининг космологик таълимотида эса гелиоцентрик назарияни илгари суради.

Бернардино Телезио (1509-1583). Неаполь табиатшунос файласуфларидан бири ҳисобланади. Университетда таълим олиш жараёнида схоластик таълимоти билан яқиндан танишади. Ўзининг бутун илмий ижодини схоластик тафаккурга қарама-қарши қўяди. Телезио табиатни ўрганиш билан машғул бўлади. Эмпиризм ва эксперемент кузатиш бу жамиятнинг асосий воситаси эди.

Табиатни ўрганиш, кузатиш жараёнига Худони билишни киритмайди. Чунки, унинг фикрича Худо фақат оламнинг яратувчиси ҳисобланади. Табиатдаги кейинги жараёнларга эса яратувчи аралашмайди. Фалсафанинг асосий вазифаси Худони эмас, балки табиатни ўрганишдир. Фалсафа теологиядан озод бўлиши лозим.

Унинг космологик таълимотида оламнинг моддий бирлиги ҳақида фикр юритади. Ҳаракат унинг фикрича ҳар бир ходисага хос хусусиятдир.

Жардано Бруно (1548 - 1600)

Ж.Брунонинг фалсафий пантеизми барча табиатшунослардан ўзининг изчиллиги билан схоластикага, христиан, католик, протестант дунёсига қарши чиқди ва черков билан тукнаш келди.

Бруно ўзининг «О причине, принципе и едином», «О бесқонечности, вселенной и мирах» сингари трактатларида оламнинг моддий бирлиги, чексизлиги ва абадийлиги тўғрисида фикр юритади. Материянинг бирлиги барча нарсаларнинг асосидир. Бу бирликка кирувчи элементларнинг сонига қараб ҳар-хил конкрет ходисалар рўй беради. Шунинг учун ҳам материя шаклсиз мавжуд бўла олмайди. Шаклга эга бўлиш материяга хос бўлган ички хусусиятдир. Шу фикри билан Бруно материяни аристотелча тушунишга қарши чиқди. Умуман олганда, Брунонинг табиий-илмий ва фалсафий қарашлари илмий фалсафа ривожида катта рол уйнайди.

2-масала .XVII асрнинг илмий истиқболи. Оламнинг механистик манзарасининг яратилиши.

XVI асрнинг охири ва XVII асрнинг бошларидаги Ғарбий Европадаги инкилоб фалсафий фикр тараққиётида самарали даврни бошлаб берди. Жамиятнинг, аввало ишлаб чиқариш ресурслари тараққиётининг эҳтиёжи табиат ва ундаги ходисаларнинг илмий билиш жараёнини тезлаштирди, чунки уларнинг ривожланишидан саноатчилар жуда манфаатдор эди. Бу даврда яшаб ижод этган олимлар янги жамиятнинг шакллантириш учун бошланган ғоявий ҳаракатда фаол иштирок этдилар. Ишлаб чиқарувчи кучларнинг ривожи ва у билан боғлиқ бўлган буюк кашфиётлар янги жамиятнинг ақлий имкониятининг кенгайтирди.

Осмон ва ердаги жисмларнинг массасининг механиқаси ўша давр табиат илмининг диққат марказида турган эди. Механиқа фани йирик ютуқларга эришди: моддий жисмларнинг механиқ ҳаракати қонуннинг математик шакли аниқланди. Табиатшуносликнинг бошқа соҳалари ҳали етарли ривожланмаганидан, ўша давр олимлари механиқа ва математикани барча ходисаларга тадбиқ этиш мумкин бўлган умумий фан сифатида олиб қарашди. Механицизм таълимотича, ҳар бир жисмнинг холати бошқа жисмнинг холатига, шунингдек жисмнинг тенглиги ёки ҳаракат сабаби бошқа жисмнинг ҳаракати ёки тенглигига боғлиқ.

Оламнинг механицистик назариясини яратишда **И.Ньютон** (1643-1727) алоҳида ўрин эгаллайди. Унинг «Натурфалсафасининг математик асослари» асарлари механицистик

табиатшуносликда янгича йўналишни бошлаб берди. Ньютон томонидан яратилган оламнинг механиқ манзараси шундай: Коинот ўзаро тортилувчи, ўзаро таъсирида булувчи алоҳида дискрет жисмлардан иборат. Бу жисмларнинг ҳаракати қатъий механиқ сабабли боғланишга эга бўлиб, бу ҳаракат бўм-бўш фазода рўй беради. Олам ўзгармас, унинг физикавий манзарасида тараққиёт ғояларига ўрин йўқ.

Янги давр фан тараққиёти шу билан бирга фалсафада ҳам янги муаммоларни ва уларга янгича ёндашувларни юзага келтирди.

XVII аср фалсафаси қаршисида турган муаммоларни тушуниб олмоқ учун, биринчидан, янгича фан кўриниши тажрибавий-риёзий табиатшуносликни ўзига хослигини ва иккинчидан, бу давр дунёқарашида фан етук ўринни эгаллаганидан, у ҳолда фалсафага ҳам биринчи ўринга билиш назарияси – гнесеология муаммолари чиққанлигини хисобга олиш керак.

Ренессанс ва ренессанс фалсафаси табиатшуносликка янги мазмун бахш этиш учун янги услубларни ўзлаштиришни ўзига байроқ қилиб олган эди. Узоқ вақт бу ўзлаштириш жараёни схоластика гегемонлиги тазйикча учраб келди. Ренессанс фалсафаси билан янги замон фалсафаси ўртасидаги аниқ чегарани кўрсатиш қийин. Италия ва Европада ренессанс ғоялари тўлиқ ғалаба қилмаган бир шароитда Френсис Бэқон ва Рене Декартларнинг фалсафий қарашлари шаклланди.

Ўрта асрлар схоластикадан ренессанс даври тафаккури воз кечаётган бир пайитда, жамиятда энлигина шаклланаётган Т-П муносабатлари феодал тартиботларга қарши чиқаётган эди. Айтиш мумкинки, «англанган манфаат ва англанган қарашлар» давр талаби эди. Бэқон ва Декартлар янги шаклланаётган саноатчилар манфаатини ҳимоя қилиб чиқишган эди.

Френсис Бэкон (1561-1626)

Унинг фикрича, Табиат ҳақидаги билимларни табиатнинг «ўзи»дан олиш мумкинлигига ишонч хосил қилиш керак. Унинг асарларини икки гуруҳга бўлиш мумкин. Биринчи гуруҳга илмий билишга бағишланган асарлар, иккинчи гарахга эса сиёсий асарлар киради. Бэқон фалсафаси жамиятда объектив эҳтиёжлардан келиб чиққан бўлиб, прогрессив кучлар манфаатини ҳимоя қилар эди. Унинг таянчи табиатдаги, жамиятдаги ходисаларни кузатиш эди. У мушохадага (созерцание) асосланган фалсафани инкор этади, тажрибавий билимларни илгари суради. Асари «Естественное и экспериментальное описание основанию философии».

Фаннинг ривожланиши йўлларидан бири тўғри тафаккур этишга ўрганишдир. Бунинг учун эса табиатни билишга ҳалақит берувчи ва киши ақлини чўлғаб олаётган идоллардан ёки адашишлардан ҳалос бўлиш зарур. Бэқон аниқ ва тўғри билим олишда тўсқинлик қилувчи тўрт кўринишдаги идолларни санаб ўтди:

1. Уруғ идоли - бу инсон табиатнинг замонида ётади. Кишилар субъектив сезгиларини табиат буюмларининг хусусияти деб даъво қилишади. Натижада моддий оламни бўзиб, нотўғри акс эттирувчи ёлғон тушунчалар, образлар вужудга келади.
2. Ғор идоли – алоҳида бир одамнинг субъектив дунёсидир. Бу идол туғма бўлиб ёки тарбиядан ҳам келиб чиқиши мумкин. Унда барча нарсалар тўғрисида фақат ўзининг нуқтаи назари бўйича хукм юргизишни одатга айланади.
3. Майдон идоли – Бэқон таълимотича бозор ва майдонларда кўп тарқалган сўзларни нотўғри ишлатиши натижасида вужудга келган.
4. Театр идоли – авторитетлар, хусусан умумий тан олинган фалсафий таълимотларнинг обрўси олдида сажда қилишдир. Бэқоннинг инсоннинг

адашишлари ҳақидаги таълимоти муҳим аҳамиятга эга эди, чунки у билиш масалаларига илмий ёндашиш зарурлигига асосланган эди.

Шунингдек, фалсафа фан тарихида Бэконнинг яна бир хизмати шуки, у индуктив билиш услубини ишлаб чиқди. Бу услуб табиатни тажриба асосида билишга қаратилган асосий илғор услуб эди. Унинг моҳияти қуйидагилардан иборатдир:

а) далилларни кузата бориш;

б) уларни системалаштириш ва турларга бўлиш;

в) уларни кераксиз далиллардан тозалаш;

г) воқеаларни тарғибий қисмларга бўлиш;

д) далилларни тажрибада текшириб чиқиш;

е) далилларни умумийлаштириш.

Шу тарзда Бэкон эмпиризм услубини ишлаб чиқди.

Рене Декарт (1596-1650)

Билиш назарияси тарихида эмпиризм услубига Бэкон асос солган бўлса, рационализм услубига француз Рене Декарт асос солган. У яшаган даврда буржуа муносабатлари яхши шаклланмаган бўлиб, мамлакат мутлоқ монархия тизими хукм сурар эди. Унинг таълимотича табиатни билишнинг бирдан-бир манбаи, йўли, услуби - ақлий билишга асосланган дедуктив услубдир. Илмий билимларнинг келиб чиқиши, ривожланишида ақл бенихоя муҳим роль ўйнайди. Фақат ақлнинг ёрдамида инсон ўзига зарур бўлган ҳақикатга эришиши мумикн. Ҳақикат эса бу ақл нуқтаи назаридан аниқ, равшан ва шубхасиз бўлган назарий хулосалардир.

Билишнинг бирдан-бир манбаи тафаккурдир. Рационалист сифатида Декарт сезгиларнинг билишдаги ролини пасайтиради. Унингча кўз, қўлоқ, тил, бадан ва бурун ташқи дунё тўғрисида нотўғри маълумот беради. Шунинг учун билишнинг манбаи ҳам, билимларимизнинг ҳақикат ўлчови ҳам ақлдир. Ҳар иккала билиш услубини бир-биридан устун қўйиш тўғри эмас. Эмпиризм ва рационализмнинг чекланганлиги ана шунда.

Ўрта асрлардаги **Европа фалсафаси** тараққиётида **Францияда** шаклланган миллий фалсафа мактаби нихоятда катта ўрин тутади. Бу борада Р. Декарт, Ламетри, Гельвеций, Дидро, Голбах ва Рус-соларнинг қарашлари нихоятда муҳим. Р. Декарт (1596-1650) фалсафасида дуализм асосий ўрин тутади. Унинг фикрича материя ва рух борлиқнинг асосида ётади ва худога бўйсунади. Олам, Декарт фикрича чексиз ва абадий, у инсон тафаккурига боғлиқ бўлмаган холда ривожланади ва такомиллашади. Р. Декартнинг «Мен фикр қилаяпман, демак мен мавжудман» деган фикри файласуфлар орасида машхур бўлиб ҳисобланади. Билишда фикр ва сезгиларнинг аҳамиятини нихоятда ортиқча деб билган Р. Декарт рационализм таълимотининг асосчиси бўлиб ҳисобланади. Унингча инсоннинг фикрлаши ва мулоҳаза қилиши шубха остига олиб бўлмайдиган жараёндир, ундан бошқа ҳамма нарсани текшириш шубха остига олиш мумкин. Декарт ўша замоннинг энг буюк математикларидан бири бўлиб, ўз даврида аниқ фанлар сохасида катта аҳамият касб этган дедукция узилини фалсафага киритган олим бўлиб ҳисобланади.

Ламетри ва Гельвеций, Дидро ва Голбах ўз даврида француз ҳаётида нихоятда катта аҳамиятга эга бўлган миллий давлатчилик, инсон эркинлиги ва ҳақ-хуқуқлари муаммоларига алоҳида эътибор қаратганлар. Француз миллатини маънавий жиҳатдан юксакликка кўтариш ва маърифатли халққа айлантириш учун ўз асарларида ана шу қадриятларга эришишнинг йўллари ва узилларини кўрсатиб берганлар. Улар томонидан

яратилган кўп томлик «Энциклопедия» ўша замоннинг маънавий муаммоларини маърифатли йўл билан хал қилиш узиллари ва имкониятлари кўрсатиб берилган «Европа комуси» даражасига кўтарилган эди. Бу китобни яратишда бошқа кўпгина маърифатпарвар француз олим ва мутахассислари ҳам қатнашган бўлиб, ўзининг аҳамияти, муаммоларининг умуминсоний нуқтаи назаридан ечилиши, халқчиллиги ва тилининг француз миллати ҳаёт тарзига яқинлиги билан энциклопедия XVIII аср Европасининг тенги йўқ китоби эди. Айнан ана шу китоб муаллифлари ўзларининг бошқа асарлари ва фаолиятлари билан 1789-1884 йиллардаги Француз истиқболи қабул қилинган «Инсон ва гражданлар хуқуқлар декларацияси»да илгари сурилган умуминсоний қадриятларни жамият тараққиётининг энг устивор маънавий мезонларига айлантирдилар.

3-масала. **Немис классик фалсафаси.**

Ғарбий Европанинг ижтимоий-иқтисодий ва маънавий ҳаётидаги ўзгаришлар Германия фалсафий фикр тарихига ҳам таъсир этмасдан қолмайди. НКФ XVIII асрнинг иккинчи ярми XIX асрнинг бошида вужудга келди. XVII аср Оврупа мамалакатларида саноат тараққиёти билан бирга табиат фанлари тез ривожлана бошлади. Табиат ходисалари ўртасидаги, нотирик ва тирик табиат ходисаларининг ички боғланишлари, ички сифат ўзгаришлари очила борди. Оламнинг ўзгармас манзараси ўрнига, табиатнинг ўзгариши ва ривожи тўғрисидаги илмий назария майдонга келди. Шунинг учун НКФ Европа мамлакатларидаги фалсафий қарашларга нисбатан юқорироқ илмий негизга асосланган эди. НКФсининг асосий вакиллари И.Кант, И.Фихте, Ф.Р.Шеллинг, Г.Ф.Гегель, А.Фейербахдир.

И.Кант (1724-1804) НКФнинг асосчиси бўлиб, унинг фалсафаси асосан икки даврга бўлинади: 1-чи танқидий фалсафагача бўлган давр, (1746-1770); 2-чиси танқидий фалсафа даври (1770-1797).

Дастлаб Кант табиат фанлари, табиат фалсафаси билан шуғулланади. «Энг умумий табиий тарих ва осмон назарияси» асарида қуёш тизимининг космик фазодаги бошланғич катта туманликдан, диффўз моддаси бўлган жуда катта булутдан пайдо бўлганлиги тўғрисидаги гипотёзани ишлаб чиқди.

Физикада Кант ҳаракат ва соқинликнинг нисбийлиги тўғрисидаги таълимотни асослаб, Декарт ва Галилейнинг ғояларини янада ривожлантирди. Биологияда хайвонот дунёсининг генеологиявий таснифи тўғрисидаги ғояни мўлжалланган эди. Яъни унинг бу ғоясига кўра, хайвонларнинг турли синфларга бўлиниши, уларнинг келиб чиқишга боғлиқдир. Нихоят, антропологик тадқиқотларда, у инсонларнинг ирқини табиий тарихи тўғрисидаги ғояни илгари сурди.

Кант ўзининг табиий-илмий қарашларини дин билан келиштиришга ўринган. Унингча табиатнинг тартибга, муайян қонуниятга бўйсиниши худо борлигининг исботидир. Танқидий даврда ёзган энг асосий асарлари «Соф ақлнинг танқиди», «Амалий ақлнинг танқиди», «Мулоҳаза қобилиятини танқиди». Бу даврда Кант табиат фалсафасидан билиш масаласига ўтади. Юқоридаги асарлар яъни учта «танқид»нинг асосини Кантнинг ходисалар ва нарсалар ҳақида уларнинг ўз-ўзига мавжудлиги – «Нарса ўзида» ҳақидаги таълимоти ташкил этади. Билиш Кантнинг фикрича, мана шу «Нарса ўзида» сезги аъзоларимизга таъсир этиб, сезгининг уйғонишидан бошланади. Лекин «Нарса ўзида»ни билиш мумкин эмас. Кант билишни иккига бўлади: Тажрибавий билим (апостериор) ва тажрибагача бўлган билим (априор). Фазо-ташқи хиссий мушохаданинг априор шаклидир. Худди шунингдек вақт ички хиссий мушохаданинг априор шаклидир. Демак, Кантда, фазо ва вақт нарсалар мавжудлигининг шакли бўла олмайди. Кантнинг билиш назарияси уч босқичдан иборат: хисий билиш, идрок, ақл.

«Трансцендентальный» у Канта «то, что по опыту (apriori) хотя и предшествует, но предназначено лишь для того, чтобы сделать возможным опытное познание. Когда эти понятия выходят за пределы опыта, тогда их применения называется трансцидентным и отличается от иманентного применения, т.е. ограничивающегося опытом. Можно сказать, что способности трансцендентальны, а их результаты априорны; трансцендентальное обусловливает возможность априорного, что касается «трансцендентного», то этим термином обозначается то, что находится за пределами опыта и к опыту не касается» (36).

НКФ яна бир йирик намоёндаси Георг Вильгельм Фридрих Гегелдир (1770-1831). Гегелнинг тарихий хизмати диалектик услубнинг муҳим белгиларини очиб таърифлашдир. Гегель диалектикаси тушунчалар диалектикасидир. Гегель Шеллингнинг интеллектуал интуиция фалсафий англашнинг олий шакли ҳақидаги таълимотига қарши чиқиб, рационал билишнинг воситаси сифатида мантиқий тафаккур ва унинг асосий шакли тушунчалар эканлигини кўрсатишга ҳаракат қилди. Аммо бу рационал билиш ўзига хос бўлиб унинг асосида формал мантиқ эмас, балки диалектик мантиқ ётади ва ҳаракатга келтирувчи «мотори» зиддиятдир. Гегель тушунчанинг моҳиятини қайта англашни талаб қилади. Шу чоққала, дейди Гегель, тушунчаларда қандайдир баъзи субъектив тузилмаларни кўрганмиз, аслида эса «мутлоқ тушунча» субъект ва объектнинг мутлоқ айнанлигидир. У соф тушунчани инсонни каласидаги субъектив тушунчалардан фарқлаб, уни нарсаларнинг ўз моҳияти билан айнанлаштиради. «Соф тушунча»нинг тараққиёт диалектикаси табиат ва инсон тафаккури тараққиётининг умумий қонунини ташкил қилади. Борлиқ ва тафаккурнинг айнанлиги Гегель фалсафасининг бошланғич асоси бўлди. Шунинг учун моддий жараёнлар унда мантиқий жараёнлар каби ифода этилади. Тафаккур Гегелга нафақат субъектив, киши фаолияти бўлмасдан, балки инсонга бўлмаган моҳият, барча мавжудоднинг асоси, биринчи манбасидир. бу ерда объектив мавжуд бўлган тафаккурни Гегель, «мутлоқ ғоя», «дунёвий ақл» деб талқин қилади. Тафаккур субстанционал моҳият сифатида оламдан ташқарида эмас, унинг ўзида, ички мазмун сифатида воқеликнинг турли-туман ходисалари гавдаланади. Мутлоқ ғоя мангу. У ходисаларни ҳаракатлантирувчи кучидир. Гегель таълимотича ҳар қандай тараққиёт муайян бир тизим бўйича рўй беради: тасдиқлаш ёки асос солмоқлик (тезис) ана шу тасдиқни инкор этмоқлик (антитезис) инкорни инкор, қарама-қарши томонларни олиб ташламоқ (синтез). Синтезда тезис ва антитезис муросага келади.

Аммо бу учинчи лахзада аввалги иккитаси батамом йўқ бўлиб кетмасдан, ҳамма ҳаётий унсурларни ўзида сақлайди. Ҳар қандай тушунча, демакки, табиат, жамият ва инсон маънавий ҳаётидаги ходисалар мана шундай уч босқич аврийликдан иборат.

Гегель «Мантиқ фани» асарида диалектик услубининг категориялари: моҳият ва ходиса, шакл ва мазмун, зарурият ва тасодиф ва бошқаларни ишлаб чиқди. Диалектиканинг уч асосий қонунини таърифлаб беради. Булар:

1. миқдор ўзгаришларининг сифат ўзгаришларига ўзаро ўтиши қонуни;
2. қарама-қаршиликлар бирлиги ва кўраши қонуни;
3. инкорни инкор қонуни.

4масала. Маълумки, XX аср инсоният тарихига мисли кўринмаган ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, илмий-техникавий ўзгаришлар асрий сифатида кириб келди. Бунга табиат, жамият ва инсон тафаккурининг деярли барча жабҳаларида эришилган муҳим ютуқлар сабаб бўлди. XX аср охирига келиб анъанавий тафаккур услуби ўрнига ноанъавий тафаккур услуби табиатшунослик, техника ва ижтимоий фанлар соҳасида шаклланди. Улар табиийки, инсоният маънавий ҳаётида акс этиб қолмасдан, балки чуқур из ҳам қолдирди, кишиларни фалсафий мушохада қилишга ҳам ундади. Хўш, XX аср фалсафасининг асосий хусусиятлари нималарда намоён бўлди?

Шу нарсани эътироз этиш жоизки, жаҳондаги фалсафий қарашлар, тўғри чизиқ бўйлаб ривожланмасдан, эгри-бугри, маълум пайтда тисарилиш ва илгарилаш кўринишида ривожланди. «Номарксча» деб аталган фалсафий қарашлар доим изланишда бўлди. XX аср фалсафасининг хусусиятларини ғарб мамлакатларида XX асрда рўй берган иқтисодий, ғоявий-сиёсий, маданий, илмий-техникавий ходисалардан келтириб чиқариш ўринлидир.
Бевосита XX аср фалсафасининг кўринишларига келсак улар қуйидагилардан иборат: прагматизм, махизм, экзистенциализм, непозицивизм, неотовизм, герменевтика ва бошқалардир.

XX асрда ривожланган фалсафий оқимлардан бири прагматизмдир. Прагматизм сўзи юнонча «pragmatos» сўзидан олинган бўлиб «иш», «хатти-ҳаракат» деган маънони англатади. Прагматизмнинг асосчиси йирик Америка мутафаккири Чарльз Пирс ҳисобланади.
Прагматизм, Пирс таъвири билан айтганда, шундай фалсафий таълимотки, у тушунча ва эътиқодни маъносини аниқлашга ёрдам беради, ғоя ва тушунчалар фақат тадқиқотчи томонидан текширувдан ўтгандан кейингина муайя аҳамиятга эга бўлади.
Прагматизм учун ҳарактерли бўлган хусусият шундаки, объектлар ҳақидаги тушунча маъноси ва аҳамияти улар келтириб чиқарган амалий натижалардан кидирилади. Пирснинг машхур «принципига асосан объект томонидан келтириб чиқарилган оқибат ҳақидаги тушунча мазкур объект ҳақидаги тушунчадир».

Пирснинг издоши бўлган Жеймс устозининг фалсафий таълимотига хурмат билан муносабатда бўлади. Бироқ Жеймс ўзининг «радикал эмпиризмини» яратишда инглиз мутафаккирлари Ж.Беркли, С.Милл ва бошқа мутаффикирларнинг меросига ҳам мурожаат қилади. Унинг фалсафий таълимоти бир томондан прагматизм билан, иккинчи томондан позицивизм билан чатишиб кетади. Жеймс фалсафага руҳият орқали киради. Табийки унинг фалсафий таълимотида инсон руҳий фаолиятининг табиатини тадбиқ қилиш биринчи галга чиқади. Шунинг учун Жеймснинг фалсафий муаммоларидаги объектив мазмундан кўра субъект билан боғлиқ бўлган томонлари, биринчи галда кишининг сезгилари кўпроқ қизиқтиради.

Прагматизмнинг яна бир намоёндаси Ж.Дьюн ҳисобланади. Унинг фалсафий таълимотидаги асосий тушунча – «тажриба» тушунчасидир. Дьюн ва умуман прагматизм учун ҳарактерли томони шундаки, улар илмий билишда тажрибага катта эътибор беришади. «Прагматизм» асл маънода фойдали фаолиятга ундовчи, «Фойдага» қандай қилиб эришиш йўллари ва узиллари ҳақида мулоҳаза юритувчи таълимотдир. «Фойда» тушунчаси прагматизмда «тажриба» ёки «амалиёт» тушунчаси билан айнанлаштирилади.

Прагматизм АҚШ ижтимоий-маданий мухитининг мевасидир. У АҚШдаги иқтисодий, маънавий эхтиежларга хизмат қилади ва уларнинг манфаатини ифодалайди. У маълум даражада эркин бозор иқтисодиёти фалсафаси ҳамдир. Бизнес учун, ҳар қандай фаолитяни ташкил этиш учун қулай бўлган методологик қурол сифатида Америка ишбилармонлари ўртасида кенг ейилган.

XX асрда кенг тарқалган фалсафий таълимотларидан бири экзистенциализмдир.
Экзистенциализм лотинча «экзистенция» сўзидан олинган бўлиб «мавжудодлик», «мавжуд бўлмоқ» деган маънони англатади. Экзистенциализм дастлаб Россияда вужудга келади. Бердяев, Шестовлар бу таълимотнинг асосий вакиллари бўлишган. Унинг ривожланишида Хайдеггер, Ясперс, Бубер сингари йирик немис фалсафачиларининг ҳиссаси катта бўлди. Экзистенциализм асл маънода XX аср маънавий ҳаётининг эҳтиежларига жавоб сифатида юзага келди ва ривожланди. XX асрда содир бўлган тушкунлик ҳам, пароқандалик ҳам, кўтарилиш ва технологик тараққиёт натижалари ҳам экзистенциализм фалсафасида акс этди.
Экзистенциализм фалсафаси ўта зиддиятли ва мураккаб бўлиб, унда турли туман фалсафий таълимотларнинг унсурлари мужассамлангандир. Экзистенциализм таълимотида, бир томондан Аристотель, Паскаль фалсафий қарашларининг айрим томонлари ифодаланган бўлса, иккинчи томондан Хегель, Ницше, Достоевский

таълимотларидан айрим элементлар ҳам қабул қилинган. Экзистенциализм ичида атсистик ва диний томонларнинг мавжудлиги ҳам унинг зиддиятли эканидан далолат беради.

«Экзистенциализм» таълимотининг ўзагини «мавжудлик» ёки «мавжуд бўлмоқ» категорияси ташкил этади. «Экзистенция» деганда экзистенциалист фалсафачилар кишининг ҳар лахзада ҳаёт ва ўлим бусагасида кечадиган ички кечинмалари ёки «борликда мавжудодлик» жараёнини тушунилади. «Борлиқ» экзистенциалистлар фикрича, на «объект» га, на «субъект»га булинувчи, бевосита идрок этилувчи нарсадир. Анъанавий фалсафадан фарқли ўлароқ, экзистенция қилувчи мутафаккир воқеликка субъектив тарзда қараши, яъни воқеллик фақат унинг индивидуал мавжудлиги ва эмоционал ҳаёти орқали қандай акс этган бўлса, унга худда шундайлигича қараш керак, деб тан олади. Шундай келиб чиққан ҳолда экзистенциалистлар субъектнинг ўз мавжудлигини хис этишни тушунадилар.

Ғарб адабиётида экзистенциализмни эркинлик фалсафаси, деб юритишади. Ҳақикий эркинлик инсонга тахликада, ташвишда, ёлғизликда намоён бўлади. Тахликка, ёлғизлик, маъсулият онгимизнинг сифатини ташкил қилади, чунки бу сифат соф ва оддий эркинликнинг ўзидир, инсон ёлғизликда ўзлигини англайди. Хуллас, экзистенциалистлар фикрига, киши ўзининг мавжудлигини чуқур маънавий зиддият, руҳий тушкунлик холатидагина англай олади.

Шундай қилиб, экзистенциализм фалсафасининг моҳияти қуйидагиларда кўринади:

1. Экзистенциализм инсон ҳақидаги фалсафадир. Ижтимоий-сиёсий соҳада экзистенциалистларнинг қарашлари бир бириларга қарама-қаршидир. Баъзилари қаршилик кўрсатиш фронтининг иштирокчилари бўлишса, баъзилари либерал ҳарактерда фаолият юритишган.
2. Экзистенциализм фалсафасида ижодий томонлар ҳам мавжудлигини айтиб ўтиш лозим.

XX аср фалсафасида инсон ҳақидаги фикрлар, таълимотлар ривожида **диний оқимлар** ҳам салмоқли мавқега эга. Улардан бири **неотомизмдир.** Неотомизм XIII аср итальян фалсафачиси Фома Аквинскийнинг фалсафий-диний таълимоти бўлган томизмни XX аср воқелигида тиклашга ўринувчи фалсафадир.

Неотомизмнинг маънавий ва сиёсий хомийси Рим Католик черкови ва унинг марказий хокимияти Ватикан ҳисобланади. Неотомизм аслида ўтган асрда кўртак ёза бошлаган эди. Хатто Рим Папаси Лев XIII 1879 йили неотомизмни рим католик черковининг расмий мавкўраси деб ҳам эълон қилинди. Неотомизмнинг тарафдоралари ғоят кўпчиликни ташкил қилади. У асосан Италия, Англия, Франция, Испания, Скандинавия ва шунингдек, Лотин Америкаси мамлакатларида кенг тарқалган бўлиб, 600 миллиондан зиёд кишини бирлаштиради. Бу таълимотнинг кўзга кўринган вакиллари Францияда Э. Жилсон, Маритен, Италияда У. Падовании, К. Фарбо, Германияда А.Демф, И. Лоц, М.Грабман ва бошқалар ҳисобланади.

Неотомизм таълимотига кўра, илм ва диний эътиқод бирликда бўлади. Диний эътиқод ва илмий билимлар бир-бири билан тўғри бирлаштирилса, улар бир-бирига зид келмайди эмас, балки бир-бирини тўлдиради ҳам. Дин ва илм аслида битта мақсадга олиб борувчи икки йўлдир. Эътиқоднинг манбаи тафаккуридир. Юқоридаги мазкур мақсад тарзида неотомистлар худони билишни, уни танишни назарда тутитшади. Агар барча дунёвий нарсаларнинг, жумладан инсоннинг яратувчиси худо бўлса, демак уни тафаккури ҳам Оллох томонидан хадя этилган. Шунинг учун ҳам инсон ақл заковатнинг ягона мақсади худонинг марҳаматини англаш, уни билишдир.

Неотомистлар моддий реалик билан бир қаторда, руҳий реалик ҳам тан олиш лозимлигини талаб қилишади. Неотомистлар фан ва динни бир-бирига мослаштирар эканлар, христианликнинг фақат католик масхаби принципларигина асос қилиб олишади. Улар илмий билишнинг чегараси бор деб хисоблашади. Уларнинг фикрича илмий билишнинг мазкур чегараси табиати қоронғудир. Чунки диний ақидалар илмий билишдан

юқоридир. Шунга ўхшаш бир қатор фикрлари билан неотомистлар ўз ишораларидан бутунлай юз ўгиришади. Неотомизм фалсафаси шу кунларда ҳам барҳаётдир.

XX асрда кенг тарқалган фалсафий таълимотлардан яна бири **неопозитивизмдир.** Неопозитивизм, яъни янги позитивизм, XX аср фалсафасининг ғарб мамлакатларида энг кенг оммалашган ва илмий-маънавий мухитда катта таъсир кучига ва мавқега эга бўлган фалсафий оқимдир. Бу таълимотнинг ғоявий отаси кўзга кўринган Австриялик мантиқшунос олим Мариц Шлик ҳисобланади. Неопозитивизмни расмий шаклланиши 1920 йилларнинг бошларига тўғри келади.«Вена тўгараги» деган уюшма тузишади. Улар методологик муаммолар билан шуғулланишган. Дастлаб унинг қатнашчилари ўз қарашларини «мантиқий эмпиризм», «илмий эмпиризм» ва «мантиқий ютивизм» деб аташади. «Эмпиризм» дейишига сабаб шу эдики, улар билишимизнинг чегараси фақат «тажриба» орқалигини маълум бўлади дейишади. Позитивизм дейишларининг сабаси Мах, Пирсон ва бошқаларнинг қарашларини асос қилиб олишган эди. «Мантиқий» дейишларининг сабаби эса улар эмпирикларнинг кўпчилигидан фарқ қилин ҳолда XX асрда «Мантиқий тафаккур» да содир бўлган инқилобга катта аҳамият беришган эди. «Илмий» дейишларининг сабаби эса улар фақат илмий методларгина тан олишар эди. Тўгаракнинг шаклланишига айниқса Л. Витгенштейннинг таъсири катта бўлди. У ўзининг «Мантиқий фалсафий рисола» номли асарида неопозитивизмниг асосий мазмунини ифодалаб берган эди.

Неопозитивизмнинг фалсафий таълимоти моҳиятига келсак, у асосан уч кўринишда намоён бўлади.

1 кўриниш. «Мантиқий позитивизм» номи билан машхур эди. «Мантиқий позитивизм»нинг маъноси шундаки, неопозитивистлар XIX аср охири ва XX аср бошларида шакллана бошлаган, янги фан соҳалари-математик, мантиқ, семиотека ва бошқа формал фан соҳаларига ортиқча баҳо беришади. Уларнинг фикр юритиши мантиқи тахминан қуйидагича: агар инсон билиши тафаккур асосида содир бўлса, демак, у тушунчаларидан фикрлаш воситаси тарзида фойдаланади. Тушунчалар эса нарсаларнинг белгиларидир. Билишнинг асосий мақсади шу белгиларнинг маъносини аниқлашдан иборат. «Мантиқий позитивизм»нинг асосий гносиалогик хатоси шундан иборатки, улар математика ва мантиқ фанлари ишлатадиган символ ва белгиларнинг кишининг хиссий тажрибасидан ажратиб олишади.

Неопозитивизмнинг яна бир **кўриниши «лингвистик таҳлил»** фалсафаси номи билан машхурдир. Бу йўналиш XX асрнинг 30 йилларида пайдо бўлади. (Англия, АҚШ). «Лингвистик таҳлил» фалсафаси «Мантиқий позитивизм» фалсафаси билан яқин бўлиб методологик нуқтаи назаридан битта асосга эга.

«Лингвистик таҳлил» фалсафаси илмий «тил» ни кундалик турмуш «даражаси»га яқиндаштиришни асосий мақсад қилиб олишади. Илмий билиш билан кундалик билиш ўртасидаги фарқни йўқотиш, илмий тушунчалар табиатини кундалик онги тушунчалари даражасига тушунтиришга ўриниш «лингвистик таҳлил» фалсафасига хос хусусият ҳисобланади. Агар «мантиқий позитивистлар» илмий тилдан ҳар қандай антологияни ва фалсафани чиқариб ташлашга, илмий билишни математик символлар тилига ўтқазмоқа уринишган бўлса, «лингвистик таҳлил» тарафдорлари эса, илмий «тил»ни «кундалик турмуш тили» даражасига тушуришни, уни мавхум табиатга эга бўлган тушунчалардан «ҳалос» қилишни асосий мақсад қилиб олишади.

Неопозитивизмнинг яна бир кўриниши **қонвенционализм ва физикализмдир**.

Такрорлаш саволлари:

1. **Ўрта аср Европа фалсафаси хусусиятини айтиб беринг.**
2. **Ақидачилик ва дунёвийлик нима?**
3. **Европада дастлабки диний –фалсафий мактаблар қайсилар?**
4. **Схоластика нима?**
5. **Номинализм ва реализм қандай таълимот?**
6. **Коперник таълимоти моҳиятини изоҳланг.**
7. **Бекон ва Декарт билиш назарияси фарқини сўзлаб беринг.**
8. **Ж.Руссонинг ижтимоий –фалсафий қараши нималардан иборат?**
9. **Немис миллий фалсафаси намоёндалари кимлар?**
10. **Гегельнинг фалсафадаги хизмати нимада кўринади?**
11. **XX-аср Европа фалсафасидаги оқимларни номларини келтиринг?**
12. **Физикализм қандай таълимот?**

Таянч сўз ва иборалар:

Христианлик, черков, диний – фалсафий мактаблар, Абельяр, Кузанский, Ўйғониш даври, Коперник, Бруно, Табиий-илмий қарашлар, натур фалсафа, Нюьтон қонунлари, Бекон, Локк, Декарт, француз маърифатчилари, немис фалсафаси,Кант, нарса ўзида ғояси, Гегель, мутлоқ руҳ, Фейрбах, ноананавий фалсафий йўналишлар.

“Фалсафа”фанини ўқитишда педагогик технологик карта. 4**-мавзу.**

Мавзу	**ОЛАМ ВА ОДАМ: ФАЛСАФИЙ ТАЛҚИН. БОРЛИҚ ВА ТАБИАТ ФАЛСАФАСИ. (2 соат)**
Мақсад	**Ўқитувчи:** Талабаларга Олам ва одам, борлиқ, табиат ўзаро муносабатлари, мазмун ва моҳияти, мавжудлиги ва намоён бўлиш хусусиятлари ҳақида билим бериш. **Талаба:** ўрганиш, дарсда фаол иштирок этиш. Топшириқларни бажариш.
Вазифа	**Ўқитувчи:** мавзуга оид мультимедиа материалларини, оғзаки маълумотларни, тарқатма материалларни талабалар жамоа ҳолатида ўзлаштириб олишлари, ҳамда “Ақлий ҳужум”, муаммо пед.технологиялари орқали Олам ва одам, борлиқ, табиат тушунчаси мазмун моҳиятини фалсафий билим олиш, таҳлил қилиш салоҳиятини шакллантириш, талабаларнинг ўзлаштирган билимларини назорат қилиш. **Талаба:** Олам, борлиқ, табиат тушунчасини унда инсонни тутган ўрнини фалсафий англаш малака ва кўникмасини

	ҳосил қилиши лозим.	
Дарс жараёнининг ташкил этилиши	1.Ташкилий қисм 2.Мақсад ва вазифаларни қўйиш 3.Ўрганилганларни умумлаштириш, такрорлаш, тизимлаштириш 4.Якун ясаш 5.Уйга вазифа	5 дақиқа 3дақиқа 57 дақиқа 10 дақиқа 5 дақиқа
Дарс жараёнининг мазмуни	Олам ва одам, борлиқ ва унинг шакллари, мавжудлик усуллари, табиат тушунчаси, даражалари, намоён бўлиши билан боғлиқ куплаб масалалар ташкил этади. Уларнинг тарбиявий аҳамияти.	
Ўқув жараёнини амалга ошириш технологияси.	**Услуб**: оғзаки баён қилиш, “ақлий ҳужум”, “муаммо” пед технологияси. **Шакл**: маъруза, жамоада ва гуруҳларда ишлаш. **Восита**: презентация, тарқатма материаллари, нутқ. **Усул:** тушунтириш, кўрсатиш, сўраш, муаммоли савол. **Назорат**:, оғзаки назорат, кузатиш.	
Кутилаётган натижалар	**Ўқитувчи:** мавзу барча талабалар томонидан ўзлаштирилишига эришиш. Талабалар фаоллигини ошириш. Талабаларда дарсга нисбатан қизиқишни кучайтириш. Ўз олдига қўйган мақсадига эришиш. **Талаба:** Олам ва одам, борлиқ ва табиат ҳақида илмий - фалсафий тушунчага эга бўлади. Кенг фикрга, маълумот олиш орқали нутқи ривожланади, дунёқараши кенгаяди.	
Келгуси режалар	**Ўқитувчи:** янги педагогик технологияларни ўзлаштириш ва дарс жараёнига татбиқ этиш, ўз устида мунтазам ишлаш. Ўтилаётган мавзуни ҳаёт билан боғлаши, педагогик маҳортни ошириш. **Талаба:** мавзу бўйича қўшимча адабиётлар билан танишиш, уларни ўрганиш.	
Дил сўзлари	Эътиборингиз учун раҳмат, саломат бўлинг.	

<u>УЧИНЧИ БЎЛИМ.</u> ОЛАМ ВА ОДАМ. ДУНЁНИ АНГЛАШ

4- мавзу: ОЛАМ ВА ОДАМ: ФАЛСАФИЙ ТАЛҚИН. БОРЛИҚ ВА ТАБИАТ ФАЛСАФАСИ. (2 соат)

1. Олам ва Одам тўғрисидаги турлича фалсафий қарашлар. Олам тушунчаси.
2. Борлиқ тушунчасининг моҳияти ва маъноси.
3. Табиат тушунчаси, унинг фалсафий моҳияти ва мазмуни.
4. Табиатни фалсафий тушунишнинг аҳамияти ва экологик тарбия.

АДАБИЁТЛАР

1. Каримов И. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. — Т.: «Шарқ», 1998.

2. Каримов И. Донишманд халқимизнинг мустаҳкам иродасига ишонаман: «Фидокор» газетаси мухбири саволларига берган жавоблар. – «Фидокор» 2000 йил 8 июн.

3. Основы философии. — Т: «Ўзбекистон», 1999.

4. Канке В.А. Философия. — М: «Логос», 1999.

5. Философский энциклопедический словарь. М. 1999.

6. Фалсафа. Ўқув қўлланма. Т.Шарқ.1999

7. Фалсафа асослари. Т.2005.

8. Фалсафа маъруза матнлари Т.2000

1-Масала.. Олам тўғрисидаги қарашлар одамзоднинг тарихи қанчалик қадимий бўлса, шунчалик қадимийдир.

. Олам тушунчаси, энг аввало, одам ва унинг фаолияти кечадиган маконни акс эттиради. Агар одам бўлмаганида эди, бу олам хақидаги тасаввурлар ҳам бўлмас эди. Демак, олам одам билан мазмундордир. Олам уни ташкил этувчи нарсалар билан биргаликда намоён бўлади. Хеч нарсаси йўқ олам йўқликдир. У мавхум тушунча, яъни абстракциядир.

Қадимги даврлардан буён одам ўзини англагач, оламнинг таркибий қисми эканлигини тушуна бошлади. Дастлаб, унинг ҳаётини таъминловчи тирихчилик воситаларининг аҳамиятини тушуниб етди ва уларни эъзозлаш, авайлаб-асраш туйғуси шакллана бошлади.

Шу туфайли, олам асосида ётувчи тўрт элементни: хавони, сувни, тупроқни ва оловни муқаддаслаштириш сингари ғоялар вужудга келди ҳамда олам тўғрисидаги содда космологик қарашлар пайдо бўлган. Айрим кишилар одамнинг тирикчилигини таъминловчи нарсаларни одам учун, унинг яшаши учун худо томонидан яратилган неъматлар деб билди. Бундай қарашдан олам одам учун яратилган деган маъно келиб чиқади. Аслида қандай? Бу фалсафий муаммодир.

Олам, энг аввало, тор маънода бу одам яшайдиган жой. Аслида одамзод ва хайвонот олами, ўсимлик ва хашаротлар дунёси, жисмоний, руҳий, маънавий олам ва бошқа шу сингари кўплаб тушунчалар бор. Улар дунёда мавжуд бўлган нарса ва ходисалар номи билан аталади. Масалан, одамнинг руҳий олами унинг билим, тажриба ва хаёлотини ўз

ичига олувчи ўта кенг қамровли тушунчадир. Бунда биз олам одам яшайдиган жой, деган маънога қараганда янада кенгроқ мазмунга эга бўламиз.

Нимаики мавжуд бўлса, уларнинг ҳаммаси биргаликда сиз билан биз мансуб бўлган дунёни ифодалайди. Аммо табиат, жамият ва инсон тафаккурининг асосида етувчи ва уларни бирлаштирувчи шундай бир умумлаштирувчи тушунча ҳам борки, у объектив оламнинг мазмунини ифода этади. Бундай тушунча хақидаги тасаввурлар бутун фан тарихи мобайнида ривожланиб келган. Дастлаб, бу умумлаштирувчи тушунча, нарсаларнинг асосида нима ётади, деган нуқтаи назардан келиб чиқиб, субстанция (лотинча, substantia — ниманингдир асосида ётувчи моҳият деган маънони беради) деб аталди.

Субстанция – муайян нарсалар, ходисалар, воқеалар ва жараёнларнинг хилма-хил кўринишлари ички бирлигини ифода этувчи ва улар орқали намоён бўлувчи моҳиятдир. Оламнинг асосида битта моҳият субстанция ётади, деб хисобловчи таълимотни монизм деб аташади. Файласуфлар субстанция сифатида бирор жисмни, ходисани, материяни, ғояни ёки рухни олишган. Субстанция сифатида моддий жисмларни, материяни олувчилар материалистик монизм тарафдорлари. ғояни, рухни олувчилар эса – идеалистик монизм тарафдорлари ҳисобланадилар. Шунингдек, оламнинг асосида ҳам моддий жисм ёки материя, ҳам ғоя ёки рух ётади деб хисобловчи файласуфлар дуалистлар (дуализм лотинча, dualis — иккиланган деган тушунчани англатади) деб ҳисобланади. Арасту, Моний, Р. Декарт ва бошқалар дуалистлардир. Оламнинг асосида кўп субстанциялар ётади деб хисобловчиларни эса плюрализм (лотинча pluralis — кўпчилик сўзидан олинган) тарафдорлари деб аташади.

Оламнинг асосида ётувчи моҳиятни ахтариш тарихи ҳам фаннинг узоқ ўтмишига бориб тақалади.

Оламнинг асосида ётувчи субстанцияни ахтаришнинг яна бир йўли нарсаларнинг таркибидаги бўлинмас энг кичик унсўрни, яъни нарсаларнинг таркибидаги умумий субстрат (лотинча substratum — асос маъносини англатади) ни ахтаришдир. Бундай йўналишга мансуб оқимлардан бири атомистик оқим ҳисобланади.

Оламни англаш тўғрисида турлича, хатто бир-бирига қарама-қарши қарашлар мавжуд. Бундай қарашлар одамларнинг оламга ўз ўлчовлари билан қарашлари оқибатида пайдо бўлади. Биров учун олам яхши ва ёмон, оппоқ ва қора ранглардан ташкил топган, бошқа рангларнинг бўлишини улар тасаввурига ҳам сигдира олмаслиги мумкин.

Олам тушунчаси кенг қамровли ва кенг йўналишли тушунча бўлиб, маълум маънода воқеликка тизимли, яъни системали ёндошишни талаб қилади. Масалан, элементар заррачалар олами тушунчаси одамга маълум бўлган ва хали маълум бўлмаган барча элементар заррачаларни қамраб олади.

Агар биз яшаётган бутун коинотни элементар заррачалардан ташкил топган деб хисобласак, бу тушунча бутун коинотни ҳам акс эттириши мумкин. Ёки ўсимликлар олами тушунчасини олайлик. Бу тушунчага фақатгина ўсимликлар киради, хайвонлар ва одамлар бу оламдан четда қолади. Шу нуқтаи назардан олам тушунчаси нисбий моҳиятга эга. Баъзи кишилар олам деганда барча нарсаларни, жисмларни, ходисаларни қамраб олувчи универсал системани тушунади. Бу маънода олам космологик коинот тушунчасига мос келади. Айримлар уни чексиз ва чегарасиз, бошқалар эса коинот маъносидаги оламни чекланган объект сифатида талқин этади.

Диний-космологик қарашларда олам илохий кудрат кучи билан яратилган деб талқин этилади. Бу оламнинг вақтда бошланиши борлигига, яъни унинг чекли эканлигига

ишорадир. Ислом динидаги космологик қарашларда ўн саккиз минг олам хақида гапирилади ва мазкур қараш бўйича биз яшаётган моддий оламдан ташқари, ундан мустақил бўлган кўплаб бошқа оламлар ҳам мавжуддир, дейилади.

Хозирги замон космологиясида ҳам фанга асосланган бир қанча қонцепцияларда олам уткинчи, табиий равишда пайдо бўлган, деган ғоя илгари сурилади. Бу нуқтаи назарларда оламнинг пайдо бўлишидан олдинги холати «хеч нима» ва «йўқлик» тушунчалари билан изохланади. Англиялик олим Стивен Локинг «Олам вужудга келмасдан илгари нима бўлган?» деган саволнинг мантиқсизлигини, вақтнинг фақатгина келажакка йўналган оқимини ифодаловчи модели воситасида асослашга ҳаракат қилиган. Унинг фикрича, бу шимолий қутб нуқтаисидан туриб қараганда, ҳамма нуқталар фақат жанубга олиб борадиган холатни эслатади. Бундай холат оламнинг бошланғич холатидир. Вақтнинг келажакка олиб борувчи йўналишигина мавжуд бўлган холати оламнинг бошланишидир. Бу холатда ўтмиш йўқ, фақат келажак мавжуд. Олам хақидаги диний тасаввурлар унинг келажаги, яратилиши ёки ўтмишига оид мураккаб масалаларни, асосан, илохий кудратнинг хосиласи сифатида талқин этади. Динда оламни «бу дунё» — уткинчи олам ва «нариги дунё» абадий оламга ажратиб тушунтиришади. Бу дунёдаги машаккатлари эвазига одам нариги дунёда рохат-фароғатга муяссар бўлади, деган ғояга асосланилади.

Фан олам тўғрисида ўзига хос фикр юритади. Унда оламга оид мураккаб масалаларни амалий тажрибалардан келиб чиқувчи мантиқий далиллар асосида исботлашга ўринилади. Мавжуд илмий мантиқ доирасидан четга чикувчи ходисалар эса изохланмайди. Айрим ажойибот ходисаларининг фан тадқиқот объектига киритилмаганининг сабаби ана шунда.

Фалсафа оламни изохлашда фаннинг, диннинг, санъат ва адабиётнинг, хуллас, фан билан биргаликда бошқа хилма-хил билимларга таяниб, умумлашган хулосалар чиқаради. Демак, фалсафадаги олам тушунчаси космологиядаги, диндаги ва бошқа билим сохаларидаги олам тушунчаларига нисбатан бойроқ, сермазмунроқ ва кенгроқдир.

Оламнинг намоён бўлиш шакллари хилма хилдир. Фақат моддий жисмларнигина ўзига қамраб олувчи оламни моддий олам дейишади. Айрим кишилар уни жисмоний, яъни физик олам деб аташади. Одамнинг маънавий, руҳий дунёсини қамраб олувчи оламни маънавий олам дейишади. Айнан шу пайтда биз билан биргаликда мавжуд бўлган олам актуал олам дейилади. Келажакда мавжуд бўлиш имконияти бор ва бўлиши мумкин бўлган олам потенциал олам дейилади. Масалан, сизнинг бугунги кундаги талабалигингиз актуал оламга мансуб бўлса, келажакда мутахассис бўлиб етишишингиз эса потенциал оламга мансубдир.

Оламнинг мавжудлиги шубхасиз бўлган ва барча эътироф этадиган қисми реал олам дейилади. Келажакда мавжуд бўлиши эхтимоли бўлган олам виртуал олам деб аталади (виртуал сўзи лотинча virtualis — эхтимолдаги деган маънони беради). Аниқ маълум бўлган олам конкрет олам дейилади, хаёлдаги, тасаввурдаги, идеалдаги олам образи абстракт олам дейилади.

Одамнинг кундалик ҳаётидаги ҳаммага маълум бўлган, тан олинган ҳаёти реал оламга мансуб бўлса, унинг хаёлий режалари виртуал оламга, унинг ўзи ва атрофидагилар конкрет оламга, келажакка йўналган орзу-умидлари эса абстракт оламга мансубдир. Одам ўз режаларини реал оламга асосланиб тўзса, потенциал оламининг конкрет реалликка айланиш эхтимоллиги ошади.

Одамнинг жамиятдаги бошқалар билан биргаликдаги ижтимоий фао-лияти, уларнинг ҳар бирига хос бўлган такрорланмас индивидуал оламларига боғлиқдир. Индивидуал олам, айни пайтда ташқи оламни ҳам, ижтимоий оламни ҳам акс эттиради, ўзида ифодалайди. Булар бир-бирлари билан чамбарчас боғлиқдир.

Хуллас, олам хақидаги хилма-хил тасаввурлар мавжудликнинг энг умумий фалсафий тушунчаси шаклланишига асос бўлиб келди. Бундай тушунча **борлиқ** хақидаги тушунчадир.

2-масала. Файласуфлар кадим замонлардан буён «борлиқ» ва «йўқлик» хақида бахс юритишган. Улар борлиқнинг вужудга келиши, моҳияти, хусусиятлари ва шакллари хақида кўплаб асарлар ёзишган. Хўш, борлиқ нима? Бу савол бир қарашда жуда оддий кўрингани билан унга шу чоқгача барча кишиларни бирдай қаноатлантирадиган жавоб топилгани йўқ. Бу холат борлиққа турлича нуқтаи назарлардан қарашларнинг мавжудлиги билан изохланади. Масалан, айрим файласуфлар борлиқни моддийлик, моддий жисмлар билан боғлаб тушунтиришади. Уларнинг нуқтаи назарларича, борлиқ объектив реалликнигина қамраб олувчи тушунчадир. У холда фикр, инсон тафаккури, уй-хаёлларимиз борлиқ тушунчасидан четда колар эканда, деган саволга улар, бундай тушунчалар объектив реалликнинг хосиласидир, деб жавоб беришади.

Фалсафанинг борлиқ хақидаги таълимотни изохлайдиган қисми — онтология деб аталади. (Бу тушунчани фалсафада биринчи бор Х. Вольф куллаган). Олам ва борлиқ масалаларини фалсафанинг ана шу сохаси ўрганади.

Йўқлик хеч нима демакдир. Ҳамма нарсани хеч нарсага айлантирувчи, ҳамма нарсанинг ибтидоси ҳам, интихоси ҳам йўқликдир. Бу маънода йўқлик чексизлик, нихоясизлик ва мангулик билан бирдир. Йўқлик чёкинган жойда борлиқ пайдо бўлади. Демак, борлиқнинг бунёдкори ҳам, кўшандаси ҳам йўқликдир. Борлиқ йўқликдан йўқликкача бўлган мавжудликдир. Йўқликни хеч нарса билан киёслаб бўлмайди. Фанда йўқлик нима, деган саволга жавоб йўқ.

Борлиқ хақидаги турлича караш ва қонцепциялар. Тарихдан маълумки, файласуфлар борлиқ хақида турлича ғояларни илгари суришган. Марказий Осиё тупроғида вужудга келган зардуштийлик таълимотида борлиқ қуёш ва оловнинг ҳосиласидир, алангаланиб турган олов борлиқнинг асосий моҳиятини ташкил этади, деб ҳисобланган. Чунки бу Ғоя бўйича, ҳар қандай ўзгариш ва ҳаракатнинг асосида олов ётади ва у борлиққа мавжудлик бахш этади.

Қадимги юнон файласуфи Сукрот борлиқни билим билан қиёслайди ва унингча, бирор нарса, биз уни билсаккина бор бўлади, инсоннинг билими қанча кенг бўлса, у шунча кенг борлиқни қамраб олади, деб хисоблайди.

Қадимги дунёнинг атомист олими Демокрит борлиқ атомлар мажмуасидан иборат деб тушунтирган. Унинг фикрича, борлиқнинг моҳияти унинг мавжудлигидадир. Мавжуд бўлмаган нарса йўқликдир.

Ислом таълимотида эса борлиқ бу илохий воқеликдир. Яъни у Оллох яратган мавжудликдир. Бу борада ваҳдати вужуд ва ваҳдати мавжуд таълимотлари бўлган.

Ислом динига мансуб мутафаккирлар борлиқ хақидаги таълимотни ҳар тарафлама ривожлантирганлар. Масалан, Форобий фикрича, илк борлиқ азалий Оллоҳнинг ўзидир. Беруний фикрича, борлиқ шундай умумийликки, у ҳамма нарсанинг асосида ётади, демак, борлиқ ҳамма нарсанинг асосидир. Европада ўтган олимлар Давид Юм ва Жорж Беркли борлиқни сезгиларимиз мажмуаси деб талқин этишган.

Хегел эса борлиқни мавҳумлик, мутлоқ рухнинг намоён бўлиши, деб таърифлайди. Кўпгина натурфалсафий қарашларда борлиқни ҳозирги замон билан, яъни шу актуал оламга боғлаб тушунтирдилар.

Аслида, борлиқ кенг фалсафий тушунча бўлиб ўзига бутун мавжудликни, унинг ўтмиши, ҳозир ва келажагини ҳам қамраб олади. Материалистик адабиётларда борлиқни объектив реаллик билан, материя билан айнанлаштириб тушунтиришади.

Борлиқ ўзига объектив ва субъектив реалликни, мавжуд бўлган ва мавжуд бўладиган оламларни, моддийлик ва маънавийликни, ўтмиш ва келажакни, ўлимни ва ҳаётни, рух ва жисмни қамраб олувчи умумий тушунчадир.

Борлиқ ва мавжудлик. Атрофимиздаги одам, олам, табиат, жамият, тафаккур, ғоялар, уй-хаёлларимиз барчаси бирдай мавжуддир, улар турли тарзда ва шаклларда намоён бўлиб, ҳаммаси мавжудлик белгиси остида умумлашиб, борлиқ тушунчасига киради.

Материалистик мазмундаги борлиқ тушунчаси таърифига фақат объектив реал олам, онгдан ташқаридаги, унга боғлиқ бўлмаган жисмоний моҳиятга эга бўлган нарсаларгина киритилади. Борлиқнинг идеал, виртуал, потенциал, абстракт, маънавий шакллари бу таърифдан ташқарида қолади.

Аслида эса, борлиқ категорияси умумий абстракция бўлиб, мавжудлик белгиси билан барча нарса ва ходисаларни ўзига қамраб олувчи ўта кенг тушунчадир. У ўзига нафақат объектив реалликни, балки субъектив реалликни ҳам қамраб олади.

Борлиқ мавжудлик ва реаллик тушунчаларига қараганда ҳам кенгроқ тушунчадир. **Мавжудлик - борлиқнинг ҳозирги пайтда намоён бўлиб турган қисми бўлиб, ўтган ва мавжуд бўладиган нарса ва ҳодисалар ҳам борлиқ тушунчасига киради. Реаллик** эса, мавжудликнинг ҳаммага аён бўлган, улар томонидан тан олинган қисми. Борлиқ ўзига реалликни ҳам, мавжудликни ҳам қамраб олади. Анъанавий фалсафий қарашларда борлиқнинг **учта соҳаси** ажратиб кўрсатилади. Уларга: **табиат борлиғи, жамият борлиғи, онг борлиғи киради**. Булар учун энг умумий белги, уларнинг мавжудлигидир.

Шунингдек, фалсафий адабиётларда табиат борлиғи ва жамият борлиғининг қуйидаги шакллари ҳам фарқланади. Табиат борлиғи одатда табиатдаги нарсалар (жисмлар), жараёнлар, ҳолатлар борлиғи сифатида тушунилади. У иккига бўлинади: азалий табиат борлиғи (ёки табиий табиат борлиғи, у инсондан илгари ва унинг иштирокисиз ҳам мавжуд бўлган) ва одам меҳнати билан ишлаб чиқарилган нарсалар борлиғи («иккинчи табиат» борлиғи, яъни маданият). Иккинчи табиат борлиғи эса, ўз навбатида, қуйидаги кўринишларда учрайди:

- инсон борлиғи (инсоннинг нарсалар оламидаги борлиғи ва одамнинг ўзига хос бўлган инсоний борлиғи);

- маънавий борлиқ (индивидуаллашган ва объективлашган маънавий борлиқ);

- социал борлиқ (айрим одамнинг тарихий жараёндаги борлиғи ва жамият борлиғи), у ижтимоий борлиқ ҳам деб аталади.

Борлиқнинг моддий шакли материя ўзига барча жисмларни, ҳодисаларни, жараёнларни ва уларнинг хусусиятларини қамраб олади. Бундан ташқари у тафаккурни ҳам, оламда мавжуд бўлган барча алоқадорликларни ва муносабатларни ҳам қамраб олувчи умумий фалсафий тушунчадир. Борлиқнинг моддий шаклига хос умумийликни ахтаришнинг бир йўналиши моддий оламнинг асосида ётувчи умумий моҳиятни ахтариш йўли бўлиб, юқорида қайд этганимиздек, субстанцияни аниқлаш йўлидир. Иккинчи йўл эса — моддий оламнинг асосий таркибига кирувчи «қурилиш элементларини»- субстратни ахтариш йўли. Учинчи йўл — ҳамма нарсанинг вужудга келтирувчи бош сабабчисини, ота моддани, яъни праматерияни ахтариш йўли. Мана шу йўл ҳақида махсус тухтаб ўтайлик.

Оламнинг субстанциясини ахтаришнинг бу узили гўёки мева истеъмол қилаётган киши, унинг келиб чиқишини ахтариб, дастлаб дарахтга, сўнгра унинг гулига, баргига, кучатига ва уруғига назар солганидек, атрофимиздаги моддий оламнинг ўзагида дастлабки яратувчи модда сифатида нима ётишини, яъни илк материяни, азалий материянинг «бобоколонини», «праматерияни» ахтариш узилидир.

Моддий оламнинг асосида ётувчи умумий моҳиятни ахтариш фалсафада материя ҳақидаги тасаввурларнинг майдонга келишига ва ривожланишига сабабчи бўлди. **Материя** тушунчаси моддий унсурга нисбатан ҳам, атомга нисбатан ҳам, праматерияга нисбатан ҳам умумийроқ бўлган тушунчадир. Материя оламдаги барча моддий объектларни, бутун объектив реалликни ифода этувчи энг умумий тушунчадир. Файласуфлар «Том маънодаги материя фақат фикрнинг махсули ва абстракциясидир» деб ёзишади. Файласуфлар барча моддий объектларга хос хусусиятларни умумий тарзда ифодалаш учун куллайдиган тушунча материя деб аталади. Демак, материя моддий объектларга хос энг умумий тушунча, фалсафий категориядир.

Албатта бу таърифларни бир ёқлама мутлақлаштириб тушунмаслик лозим. Бу таърифларда кўпроқ сезги аъзоларимизга бевосита таъсир этиши мумкин бўлган реаллик назарда тутилган.

XX асрнинг ўрталарига келиб, квант механиқаси, нисбийлик назарияси ва хозирги замон космологияси сохаларидаги илмий ютуқлар кишиларнинг объектив олам хақидаги тасаввурларини тубдан ўзгартириб юборди. Натижада, табиатшунос олимлар сезгиларимизга бевосита таъсир этишининг имкони бўлмайдиган реалликлар хақида ҳам тадқиқотлар олиб бора бошлади.

Оламнинг классик механиқа нуқтаи назаридан келиб чиқиб, нисбатан кичик тезликда ҳаракатланувчи систе-малар хақидаги илмий манзараси ўрнини янгича илмий манзаралар эгаллай бошлади. Бу эса материя хақидаги тасаввурларнинг янада ривожланишига шароит туғдирди. Бу ўзгаришларни хисобга олиб, марксист-файласуфлар бу таърифга сезгиларимизга бевосита ёки бивосита (яъни турли асбоблар; кўрилмалар воситасида) таъсир этувчи, деган кушимча киритишди. Шундай қилиб, бу таъриф гўё материянинг моддавий ва номоддавий шаклларини, яъни модда ва антимодда кўринишларини қамраб олувчи таърифга айланди.

Материалистлар материяни объектив реаллик, деб таърифлашади. Объектив реаллик инсон сезгиларига боғлиқ бўлмаган холда, ундан ташқарида мавжуд бўлган воқеликдир. Бу бутун мавжудликнинг субъектив реалликдан ташқаридаги қисми ҳисобланади. Объектив реалликнинг мавжудлиги қандай намоён бўлади? Бу саволга жавоб топишда, борлиқнинг ажралмас хусусиятларини ўрганишга тўғри келади. Ҳар қандай жисмнинг ажралмас хусусияти лотинча «атрибут» сўзи билан аталади. Борлиқнинг атрибутлари. Муайян жисмнинг айнан шу жисм эканлигини белгиловчи хусусиятлари унинг атрибутлари бўлади. Борлиқнинг ҳам бир қанча атрибутлари мавжуддир. «лар: ҳаракат, фазо, вақт, инъикос, онг ва бошқалар. Борлиқ ўзининг хоссалари, хусусиятлари орқали намоён бўлади. Энди борлиқнинг атрибутлари, яъни ажралмас туб хусусиятлари хақида тухтаб ўтайлик.

Борлиқнинг атрибутлари ичида унинг асосий мавжудлик узилини ифода этувчи хусусияти **ҳаракат** ҳисобланади. Чунки борлиқ ҳаракатсиз ўзининг структуравий яхлитлигини сақлай олмайди. Буни моддий борлиқ мисолида қараб чиқайлик. Фараз килинг, қаршимизда бирор жисм турибди. Агар ҳаракат бўлмаганида эди, ёруғлик нурлари шу жисмга урилиб бизга кайтмаган булар эди, яъни биз уни кўрмаган булар эдик. Шунингдек, бу жисмнинг яхлитлигини сақлаб турган молекулалар, атомлар, элементар заррачалар ўртасидаги ўзаро таъсирлар ҳам бўлмасди. Натижада бу жисмнинг

структуравий бирлигига путур етган бўлар эди. Теварак атрофимиздаги предметлар ва ходисалар ҳаракат туфайли ўзининг муайян тартибини ва бирлигини сақлаб туради, шу туфайли, ўсиш, ўлғайиш, равноқ топиш, ривожланиш мавжуддир.

Ҳаракат, бир томондан, моддий жисмлар ўртасидаги ва уларни ташкил этувчи элементлар ўртасидаги алоқадорликларнинг натижаси, бошқа томондан эса, улардаги ўзгаришлар сифатида содир бўлади. Шу нуқтаи назардан ҳам фалсафанинг ҳаракат бу умуман ҳар қандай ўзгаришдир, дейилган таърифи жуда ўринлидир. Ҳаракатнинг манбаи хақида гап кетганда, ана шу ўзгаришларнинг асосида ётувчи ўзаро таъсирлар ва улар орасидаги муносабатлар назарда тутилади.

Демак, ҳар қандай ҳаракатнинг манбаи шу системадаги ички ўзаро таъсирлар экан, ҳар қандай жисмнинг мавжудлигини, энг аввало, унинг ички алоқадорликлари таъминлайди.

Ҳаракатнинг турлари хақидаги мулоҳаза, асосан, ўзгаришларнинг хусусиятига асосланган. Ўзгаришлар оддий фазовий силжишдан тортиб, мураккаб ижтимоий ўзгаришларгача такомиллашиб борган.

Механиқ, химиявий, биологик, физик ўзгаришлар билан ижтимоий ўзгаришларни асло таққослаб бўлмайди. Тўғри, бу ўзгаришлар учун умумий бўлган фазовий силжишлар ҳаракат шаклларининг ҳаммасида ҳам, у ёки бу кўринишда намоён бўлиши мумкин. Лекин ҳамма ўзгаришни ҳам, фақатгина фазовий силжишдан иборат, деб бўлмайди. Масалан, Ернинг Қуёш атрофидаги, Ойнинг Ер атрофидаги ҳаракатини фазовий силжишнинг яққол кўриниши дейишимиз мумкин. Лекин Ер бағрида рўй бераётган мураккаб геологик жараёнларни, Ер сиртидаги биосферанинг яшаш узилини биргина механиқ силжиш билан изохлаб бўлмайди. Ҳаракатнинг шакли қанчалик мураккаб бўлса, у билан боғлиқ бўлган ўзгаришлар ҳам шу қадар мураккаб бўлади. Материянинг ташкилий структура даражаси қанчалик юқори даражада бўлса, унда фазовий силжиш ҳам шу қадар кам сезилади.

Ўзгаришларнинг шундай бир шакли борки, уни фалсафада ривожланиш деб аталади. Ривожланиш бу — муайян системанинг муайян вақт ва фазодаги яхлит, комплекс, орқага қайтмайдиган, илгариланма йўналишга эга бўлган, миқдорий ва сифатий ўзгаришидир.

Шу жиҳатдан ҳаракатнинг икки хил тури бир-биридан фарқ қилинади. Ҳаракатнинг биринчи тури жисмда унинг сифати ва турғунлигини сақлаган холда рўй берадиган ички ўзгаришларни ўз ичига олади. Яъни ҳар қандай жисмда бетухтов ички ўзгаришлар рўй бериб туради, лекин бу ўзгаришлар шу жисмнинг ташқи сифатига жиддий таъсир кўрсатмайди.

Атрофимизни қуршаб турган ҳар бир жисм молекулалардан, молекулалар эса атомлар ва элементар заррачалардан ташкил топган экан, бу жисмларнинг молекуляр ва атом тузилиш даражасида ҳам бетухтов ўзгаришлар рўй бериб туради. Шунингдек, ҳар бир жисм ўзининг атрофидаги бошқа жисмларнинг ва улардан таркалаётган нурланишларнинг таъсирига ҳам учраб ту-ради. Бундай ташқи таъсирларни ўзида инъикос эттириш жараёнида рўй берадиган ўзгаришлар ҳам бу жисмнинг сифатий ўзгариб кетишига олиб келмаслиги, унинг турғунлиги ва асосий сифати сақланиб қолиши мумкинлиги хақида хулоса чиқариш мумкин.

Биз юқорида қайд этган ички ва ташқи таъсирлар оқибатида рўй берувчи ўзгаришлар аста-секин тўпланиб, кейинчалик жисмда кескин сифатий ўзгаришнинг вужудга келишига ҳам сабаб бўлиши мумкин. Мана шундай ўзгариш, яъни жисмнинг

сифатини ўзгартирувчи ҳаракат иккинчи турдаги ҳаракатга киради ва у ривожланиш деб аталади.

Ривожланиш жараёни ҳам икки турда бўлади. Биринчи турдаги ривожланиш бўйича, жисмда ҳар қандай сифатий ўзгариш рўй беришига қарамасдан, уни ташкил этган материянинг сифатий тузилиш даражаси ўзгармасдан колаверади.

Масалан, нотирик табиатга мансуб бўлган Қуёшдаги равожланишни олиб карайлик. Олимларнинг тахминларига кўра, хозир сиртида 6 минг, ичида эса бир неча млн. даражали ҳароратга эга бўлган Қуёш бориб-бориб совийди ва қизил гигантга айланади, яъни Қуёшнинг марказидаги термоядро энергияси сўнгач, ички зичлиги пасаяди ва марказдаги тортишиш қуввати сусаяди. Оқибатда Қуёш шиша бошлайди ва Ер орбитасини ҳам ўз ичига олган ўлкан кизил юлдуз вужудга келади, у аста-секин совиб, қизил карликка, сўнгра эса «қора карликка», кейин бўлса нейтрон юлдузга айланади. Бундай ўзгаришлар натижасида борлиқнинг ташкилий структура даражаси ўзгармайди, яъни жонсиз табиат шаклидаги даражаси сақланади.

Жонли табиатнинг вужудга келиши, ўсимликлар ва хайвонот оламининг пайдо бўлиши, одамнинг шаклланиши, жамиятнинг вужудга келиши сингари сифатий ўзгаришлар эса, ривожланишнинг иккинчи турига киради.

Фалсафа фанида ҳаракатнинг бир-биридан сифатий фарқ қилувчи бир қанча бошқа шакллари ҳам ўрганилади.

Матералист бўлган файласуфлар ҳаракат шаклларини туркумлаганида, қуйидаги мулоҳазаларга таяниб иш юритадилар:

1) ҳаракат шакллари бир-бирлари билан сифат жиҳатидан фарқ қилиб, уларнинг ҳар бири материянинг ташкилий тузилиши даражаларининг муайян босқичида намоён бўлади;

2) материянинг ҳаракат шакллари бир-бири билан ге-нетик жиҳатидан, келиб чиқиши жахатдан кетма-кет боғланган, яъни ҳаракатнинг мураккаброқ шакллари унинг нисбатан соддароқ шаклларидан келиб чиққандир;

3) ҳаракатнинг юқори шакллари тарғибидаги куйи шакллари унинг юқори шаклларига ҳам мансубдир, аммо ҳаракатнинг юқори шакли ўзидан куйи шаклдаги ҳаракатга мансуб эмасдир. Шу мулоҳазаларга таянган холда, ҳаракатнинг бешта шаклини ажратиб олиш мумкин. Улар механик, физик, химиявий, биологик ва ижтимоий ҳаракатлардир.

Фалсафада ҳаракат шаклларини турғумлашнинг бир қанча бошқа кўринишлари ҳам бор. Айрим олимлар ҳаракат шаклларини ҳар бир фаннинг номи билан боғлаш керак, деб хисоблашади. Бундай қарашнинг хатолиги шундаки, фанларнинг кўпчилиги ҳаракат шаклини эмас, балки миқдорий муносабатлар ва холатларни акс эттиради. Масалан геодезия ёки геометрия, тригонометрия ёки топография, чизиқли алгебра қандай ҳаракат шаклини ўрганади? Кибернетика эса ҳам табиатда, ҳам жамиятда амал қилувчи бошқариш жараёнларини ўрганади, яъни бу фан битта эмас, балки бир қанча ҳаракат шаклларини қамраб олади.

Ҳаракат шаклларини турлаш бўйича қуйидаги табиий-илмий қонцепция ҳам диққатга сазовордир. Мазкур қонцепция бўйича ҳаракат шакллари қуйидагича турланади: физик ҳаракат (элементар заррачалар, майдон ва атомаларнинг ҳаракати), химиявий ҳаракат (атомлар ва молекулаларнинг ҳаракати) ва бунда ҳаракатнинг ривожланиши икки йўналишга ажралади, 1) ҳаракат ривожла-нишининг юқори йўналишида биологик ҳаракат шаклланади; 2) ҳаракат ривожланишининг куйи йўналишида эса геологик ҳаракат шаклланади, биологик ҳаракатнинг тараққиёти ижтимоий ҳаракатга олиб боради.

Яна бир бошқа қонцепцияда эса ҳаракат борлиқнинг ташкилий тузилиш даражаларига мос равишда турланган. Бу қонцепцияда ҳаракат шакллари учта синфга ажратилади: нотирик табиатда — элементар заррачалар ва майдон ҳаракати, тирик табиатда – ҳаётнинг намоён бўлиши, жамиятда – одамнинг фаолияти.

Ижтимоий ҳаракат бизга маълум бўлган ҳаракат шакллари ичида энг мураккаби бўлиб, унда инсоннинг онгли фаолияти, инсон тафаккури, ижтимоий гуруҳларнинг фаолияти, ўзаро муносабатлари, жамият миқёсидаги ижтимоий фикр биргаликда ҳаракатга келади. Бу ҳаракатни чизиқли, батартиб ҳаракатлар билан мутлақо таққослаб бўлмайди. Унинг келажагини башорат қилиш ҳам ўта мураккабдир.

Борлиқнинг асосий яшаш шаклларига фазо ва вақт киради. Фазо нарсаларнинг кўламини, хажмини, ўзаро жойлашиш тартибини, ўзлукли ёки узлуксизлигини ифодаласа, вақт ходисаларнинг кетма-кетлиги, жараёнларнинг давомийлигини ифодалайди. Маълумки, ҳар қандай моддий жисм жойга, куламга, хажмга эга. Фазо вақтнинг муайян лахзасида оламни ташкил этган нуқтаиларнинг ўзаро жойлашиш тартибини акс эттирса, вақт эса фазонинг муайян нуқтаисида рўй берувчи ходисалар кетма-кетлиги тартибини ифодалайди.

Фазо ва вақт тушунчалари, кўп холларда, форсий тил таъсирида ёзилган адабиётларда макон ва замон деб ҳам аталади. Бу тушунчалар фазо ва вақтнинг ташқи, нисбий хусусиятларинигина акс эттиради, ҳалос. Фазо нарсалар жойлашадиган жой маъносида, вақт эса ходисалар бўлиб ўтадиган муддат маъносида ишлатилади.

Фазо ва вақтни тушуниш бўйича субстанциал ва реляцион ёндашишлар мавжуд. Субстанциал қонцепция тараф-дорлари фазони нарсалар жойлашадиган идиш, бўшлик деб билишади. Уларнинг фикрича, ҳамма нарса фазо ичига жойлаштирилган. Фазо ўзига нарсаларни сиғдиривчи субстанция. Хеч нарсаси йўқ, яъни нарсалар солинмаган фазо ҳам бўлиши мумкин, дейилади. Реляцион қонцепция тарафдорлари эса, нарсалар фазовий ўлчамга эга, дейишади.

Хеч нарсасиз фазонинг бўлиши мумкин эмас. Бу фарқни релятивистик физика асосчиси Альберт Эйнштейн шундай тушунтирган эди. Фараз қилиб, бир казарма солдатларни кўз олдингизга келтиринг. Илгариги, Ньютон физикасига кўра, солдатлар чиқиб кетиши билан казарма бўш қолади, ана шу субстанциал қонцепциядаги фазодир. Янги физикага кўра, солдатлар чиқиб кетиши билан казарма ҳам йўқолади. Бу реляцион қонцепциядаги фазодир.

Фазо ва вақтнинг хусусиятлари. Фазо ва вақт борлиқ миқдорий ва сифатий жиҳатларни ифодалашига қараб, метрик ва топологик хусусиятларга эга. Фазо ва вақтнинг метрик хусусиятлари борлиқнинг миқдорий муносабатларини акс эттириб, ўлчанадиган, кўзга ташланадиган ва нисбий табиатли хусусиятларидир. Уларга қулам, бир жинслилик, изотроплик (анизотроплик) каби хусусиятлар киради.

Фазо ва вақтнинг топологик хусусиятлари эса, борлиқнинг туб сифатий жиҳатларини ифодалайди. Бундай хусусиятларга узуксизлик, боғланганлик, ўлчамлилик, компактлик, тартибланганлик сингари хусусиятлар киради. Вақтнинг топологик хусусиятларига орқага кайтмаслик, бир улчамлилик каби хусусиятлар қўшилади.

Фазо (вақт) нинг метрик ўзгаришлари борлиқ структурасини жиддий ўзгартира олмайди, топологик ўзгаришлар эса борлиқнинг сифатий ўзгаришига сабабчи бўлади. Масалан, бир боғланган системанинг кўп боғланган системага ўтиши фазо топологиясини тубдан ўзгартиради, яъни фазонинг икки нуқтаисини тўташтирувчи турлича йўллар пайдо бўлади. Бундай фазода катта идишнинг ичига кичик идишни сиКдириш мумкин бўлади.

Улчам даражаси кўп бўлган система ўлчов даражаси кам бўлган системага нисбатан кўринмас ва мураккаб бўлади. Шунингдек, фазо ва вақтнинг метрик хусусиятларини кучли ўзгариши топологик хусусиятларининг ўзгаришига олиб келиши мумкин. Масалан, фазонинг эгрилик даражаси кучли ўзгарса, бир боғланган фазо кўп боғланган фазога айланиши мумкин.

3-масала. Табиат ва жамият хақидаги конкрет фанлар борлиқнинг ўз предметларига мос келувчи муайян хусусиятларинигина ўрганади. Борлиқнинг умумий хоссалари хақида эса, фалсафа фани тадқиқот олиб боради.

Табиат объектларининг тузилиши хақида. Бизнинг теварак атрофимизни хилма-хил кўринишдаги, шаклдаги турли-туман моддий объектлар ўраб олган. Улар турли хил хоссаларга ва хусусиятларга эгадир. Бир пайтлар ҳамма жисмлар материянинг бўлинмас шакли атомлардан ташкил топгандир, деган тасаввур хукмрон эди. Атомларнинг мураккаб тузилганлиги хақидаги фаразлар бизнинг асримизга келиб узил-кесил тасдиқланди.

Хозирги замон фанларининг хулосаларига кўра, атрофимиздаги ҳар қандай жисм молекулалардан ташкил топган, молекулалар эса атомлардан тузилган. Атомлар мураккаб тузилган ядро ва электрон кобиклардан иборат. Атомнинг электрон қаватлари бир-биридан ва атом ядросидан муайян узоқликда жойлашган бўлади. Энг содда атом хисобланувчи водород атомининг ядроси битта протондан, мураккаброқ атомларнинг ядроси эса, протон ва нейтронлардан ташкил топади, протон ва нейтронлар кварклар ва уларни тўташтириб турувчи глюонлар (глюон-ёпиштирувчи деган маънони беради) дан ташкил топгандир.

Протон ва нейтрон нуклонлар (лот. nucleus — ядро, ўзак) ҳисобланади, нуклонлар ва хиперон (юн. hiper-устида, юқоридан ташқари) лар, барионлар (юн. barys-оқир) дейилади. Булар оқир заррачалар сифатида кучли ўзаро таъсирлар майдонида бўлиб, адронлар (юн. adros-кучли) группасига мансуб.

Органик ва анорганик моддалар молекула тузилиши билан бир-биридан фарқ қилади. Жонли организмлар органик моддалардан ташкил топган бўлади. Жонли организмларнинг тарғиби асосида хужайралар ва хужайра системалари ётади. Ер шари атрофини кўршаб турувчи биосферани бир бутун жонли система деб олиш мумкин. Микроорганизмлар, ўсимлик дунёси, хайвонот дунёси ва инсоннинг ўзаро алоқадорликлари бу биосферанинг мавжудлигини таъминлаб туради.

Ер шари ва ўз атрофида ҳаракатланувчи Ой билан бирга йилда бир марта Қуёш атрофини айланиб чиқади. Бу система ҳам биосферага ўз таъсирини ўтказади. Ер юзида минтақаларнинг фарқ қилиши, фаслларнинг алмашинуви ана шу система ҳаракати билан боғлангандир. Қуёш ва унинг атрофида ҳаракатланувчи сайёралар, уларнинг йўлдошлари, астероидлар, метеоритлар, кометалар ва кичик планеталар биргаликда Қуёш системасини ташкил этади. Қуёшдан энг узоқда жойлашган планета Плутон унинг атрофини 247 ярим йилда бир марта тўлиқ айланиб чиқади, яъни Ер йили — 365,25 кунга тенг бўлса, — Плутон йили 247та Ер йилига тенгдир.

Қуёш системаси миллионлаб юлдузларни ўз ичига олувчи Галактика (Сомон йўли) тарғибига киради. Унинг диаметри 94,6 млн. ёруғлик йилига тенг. Ундан кейинги система галактикалар тупи бўлиб, унинг диаметри 1 мегапарсекка тенг, у 30 тагача галактикани ўз ичига олади (1 парсек (3,26 ё. й). Кейинги система – галактикаларнинг махаллий тупи, унга 2 та гипергалектика ва 27 та митти галактикалар киради. Мажмуада 500 тагача галактика бўлади, унинг диаметри -5 мегапарсек. Галактикалар мажмуаси галактикаларнинг ўта мажмуасига бирлашади, унинг диаметри 40 ме-гапарсек бўлиб, ўзида 10 мингдан зиёд галактикани бирлаштиради. Ўта йирик мажмуалар коинотнинг

бошқа структуравий бирликларига киради. Коинотнинг радиуси эса 15 — 20 млрд. ё.й. тенгдир.

Бу системаларни фалсафий жиҳатдан умумлаштириб, борлиқнинг моддий кўринишларини турли хил структура даражаларига ажратиш мумкин.

Сифатий жиҳатдан материя икки хил шаклда, кўринишда учрайди: моддасимон ва номодда кўринишида. Материянинг моддасимон кўринишдаги шакллари иккига, модда ва антимоддага ажралади. Булар бир-бири билан чамбарчас боғланган бўлиб, улар тукнашганда кескин сифатий ўзгариш рўй беради, яъни модданинг моддавий кўриниши номоддавий кўринишга айланади. Материянинг номоддавий кўриниши ҳам икки хил шаклда учрайди: майдон ва нурланиш. Муайян майдондаги нурланишлар физик вакуумда (физик вакуум физик жисмлардан холи бўлган жой) моддий заррачаларнинг хосил бўлишига им-қон беради. Хуллас, булар ҳам бир-бири билан чамбарчас боғлангандир. Материянинг биз юқорида қайд этган кўринишларидан бошқача кўринишдаги турлари ҳам бўлиши мумкин. Уларнинг табиати хали фанга маълум эмас. Агар биз борлиқнинг моддий кўринишларини тўзи-лиши жиҳатидан турғумлаштирсак, борлиқнинг структура даржалари хақидаги хулоса хосил бўлади.

Табиат борлиқининг структура даражалари. Биз теварак атрофимизга назар ташласак, умуман борлиққа эмас, балки, муайян жисмларга, нарса ва ходисаларга кўзимиз тўшади. Сиз билан биз инсон сифатида Ер шарида истикомат қиламиз, ўзимизга мос келувчи улчовлар билан иш юритамиз. Биз одатланган ўлчовдаги катталикларни макроскопик катталиклар, деб хисоблаймиз ва бу макродунёни ташкил қилади.

Шу нуқтаи назардан борлиқнинг структура даражалари-ни микёсий-структура ва ташкилий-структура даржаларига ажратамиз. Борлиқдаги объектлар микёси билан фарқ қилувчи учта микёсий структура даражаларига ажралади. Улар: микродунё, макродунё ва мегадунё. Микродунё атом микёсидан кичик бўлган дунёдир. Бу дунёга атом структураси ва элементар заррачалар, атом ядроси, кварклар, кернлар киради. Бу дунёнинг яхлитлигини ва турғунлигини сақлаб турувчи иккита фундаментал куч мавжуддир, улар кучли ва кучсиз ядровий ўзаро таъсирлардир.

Кучли ўзаро таъсирлар атом ядросининг структуравий яхлитлигини сақлаб турса, кучсиз ўзаро таъсирлар атом структурасининг яхлитлигини таъминлайди. Молекулалар тузилишидан тортиб, Ер шарининг яхлитлигини сақлашгача хизмат қилувчи куч электромагнит ўзаро таъсирларидир.

Электромагнит ўзаро таъсирлари туфайли молекулали бирикмалар ва Ердаги барча ҳаётий жараёнлар ўзининг структуравий бирликларини сақлайди. Агар электромагнит ўзаро таъсирлари бўлмаганда эди. Қуёш нурлари (яъни электромагнит нурланишлари) Ерга етиб келмаган бўлар эди ва Ерда ҳаётий жараёнлар шаклланмаган булар эди.

Ер, унинг табиий йўлдоши Ой ва бошқа сайёралар Қуёш атрофида ҳаракатланади. Бу системанинг ва умуман бутун Коинотнинг структуравий яхлитлиги эса гравитацион ўзаро таъсирлари туфайли сақланади. Гравитацион ўзаро таъсирлари бириктириб турган дунё — мегадунё деб аталади.

Улар бир-бири билан чамбарчас боғлангандир, шунингдек, улар бир-бирига алмашиниши ҳам мумкин. Хозир мегадунё хисобланган коинотимиз бундан 15-20 млрд. йил муқаддам ўта кичик микроскопик объект бўлган, деган тахминлар бор. Шунингдек, биз микрообъект деб хисоблаётган элементар заррача нейтрон ўзининг ичида миллиардлаб юлдуз ва галактикаларига эга бўлган бутун бошли Коинот бўлиши ва аксинча, диаметри бир неча миллиард ёруғлик йилига тенг бўлган ўлкан Коинотимиз ҳам четдан кўзатаётган кишига

ўта кичик элементар заррача хисобланиши ҳам мумкин. Борлиқнинг структуравий тузилишини унинг сифатий ривожланиши нуқтаи наза-ридан олиб қарасак, моддий олам бу холда ҳам учта даражага ажралади. Унинг ташкилий структура даражаларини: анорганик дунё (нотирик табиат), органик дунё (тирик табиат) ва ижтимоий дунё (жамият) га ажратила-ди. Улар бир-биридан хилма-хиллиги, уюшганлиги, нисбий мустақиллиги ва фаоллиги билан фарқ қилади.

Анорганик дунё ёки нотирик табиатда физикавий ва химиявий алоқадорликлар хукмронлик қилади, шу туфайли нотирик табиатдаги қонуниятлар шу табиат фанлари доирасида чекланган бўлиб, тирик дунёга нисбатан пассив ва ташкилий уюшганлиги паст даражада бўлади.

Тирик табиатда яъни органик дунёда эса биологик алоқадорликлар ҳам қатнашганлиги сабабли унинг уюшганлик даражаси юқорироқ, фаолроқ ва мураккаброқ тузилган бўлади.

Ижтимоий дунё даражасида эса, юқорида айтилган алоқадорликлардан ташқари, жамиятга хос бўлган ижтимоий алоқадорликлар ҳам иштирок этади. Бундай дунёнинг тузилиши нихоятда мураккаб бўлиб, борлиқ бу даражада ўзининг ўта уюшганлигини, нисбий мустақиллигини ва юқори даражада фаоллигини намойиш қилади. Бу дунёнинг структуравий элементи бўлган ҳар бир инсон жамиятга хос бўлган барча алоқадорликларни ўзида акс эттиради ва ижтимоий муносабатларда, алоқадорликларда онгли равишда, мақсадга биноан, муайян мулжалларни олдиндан белгилаган холда ҳаракат қилади.

Табиат доимий ўзгаришда ва ҳаракатда, бир холатдан иккинчи холатга ўтишда, ривожланишда ва тараққиётда. Сиз ва бизнинг умримиз эса, ана шу чексизликнинг бир лахзаси, жисмимиз ва жонимиз ҳам азалий ва абадий ўзгаришлар жараёнидаги оламнинг мужизасидир. Бу оламда айнан сиз ва бизнинг дунёга келганимиз ҳам ана шундай мужизадир. Биз эса мана шу ёруғ оламда ўтганларнинг келажакдаги авлодлар билан боғланишида бир халқамиз, ҳалос ва айнан ана шундай бўлганлиги учун ҳам табиат, жамият, ри-вожланиш ва тараққиёт қаршисида доимий карздормиз. Бу карздорлик дунёга бизгача келганлар ва кетганлар, келадиганлар ва келмайдиганлар, кела олганлар ва кела олмаганлар рухи қаршисидаги чуқур масъулият хиссидир.

Инсон томонидан ном қўйилган дунёлар хеч қачон бир-биридан ажралиб, алоҳида холда мавжуд бўлмаган. Улар ҳам бир-бири билан узвий алоқадорликларда бўлади ва уларнинг бири иккинчисидан келиб чиқади. Одатда, камроқ алоқадорликларга эга бўлган система унга нисбатан кўпроқ алоқадорликларга эга бўлган системага қарганда мураккаброқ ва ташкилий жиҳатдан уюшганроқ бўлади. Бу ерда ҳам ана шу қоида амал қилади.

Анорганик дунёда инъикоснинг энг содда ва куйи шакли — механиқ инъикос фаолият кўрсатса, органик дунёда унга нисбатан мураккаброқ кўринишдаги биологик инъикос намоён бўлади. Бундай инъикоснинг ўзига хос бўлган томони танловчанлик, сесканувчанлик ва мақсадга мувофиқ ҳаракат қилишдир, жамиятда эса, инъикоснинг энг олий шакли социал инъикос фаолият кўрсатади. Бу инъикос ўзида инъикоснинг бошқа шаклларини ҳам қамраб олган бўлади. Онгли ва юқори доирада уюшган фаол инъикос, алоқадорлик, хатти-ҳаракатлар ижтимоий дунёга хосдир.

Борлиқ шаклий структура даржаларининг балки биз хали билмайдиган янада мураккаброқ турлари ҳам бордир, лекин улар хали бизнинг тушунчаларимиз доирасига сиғмайди. Хуллас, борлиқнинг ташкилий структура даражалари бир-биридан алоқадорликларининг сони ва сифати жиҳатидан, энергия ва информация алмашиш хусусияти билан, фаоллиги ва уюшганлиги даражаси билан фарқ қилади.

Ҳаёт нима? Борлиқнинг энг мураккаб шаклларидан би-ри ҳаёт ва унинг моҳияти хақида тухталайлик. Биз ҳаёт эканмиз, оламни биламиз. Ҳаётнинг хилма-хил турлари, шакллари борки, улар борлиқнинг моддий шаклини ҳаракатга келтиришда, бошқаришда асосий ўрин тутади. Ҳаётнинг энг мураккаб шакли инсон ҳаётидир. Бу инсон рухияти, онги, тафаккури билан чамбарчас боғланган. Ҳар бир одамга бир маротабагина ҳаёт кечириш имконияти берилган. Инсоннинг қадр-қиммати шу ҳаётни қандай ўтқазганлиги билан улчанади.

Одамнинг табиати ва ҳаёти у яшаётган жамиятдаги ижтимоий мухитга ҳам боғлиқ. Фаровон жамиятда инсонлар ҳам фаровон ҳаёт кечиришади. Қашшоқ жамиятда эса қашшоқлик томир отади. Демак, жамиятимизни қанчалик фаровон қилсак, унда яшайдиган инсонларнинг, келгуси авлодларимизнинг ҳаёти ҳам шунчалик бахтли ва фаровон бўлади.

Ҳаётнинг вужудга келиши ва моҳияти хақида ханузгача олимлар бир нуқтаи назарга келишмаган. Ҳар бир инсоннинг ҳаёти такрорланмас ва ўзига хосдир. Балки станокнинг бир детали ўрнига бошқа детални қўйиш билан натижа ўзгармас ёки бир ишчининг ўрнига бошқа ишчини қўйиш билан станок тухтаб колмас. Аммо бир отанинг ўрнини бошқа ота, бир дўстнинг ўрнини бошқа дўст бола олармикин? Шундай экан, ҳар бир одам такрорланмас ва ўз ўрнида қадрли. Инсонни, унинг ҳаётини қадрлаш муҳим ижтимоий вазифадир.

Инсоннинг яхши ҳаёт кечириши, бир томондан, у яшаётган жамиятга боғлиқ бўлса, иккинчи томондан, табиий мухитга боғлиқ. Бутун тарихий тараққиёт давомида инсон билан табиат ўртасидаги муносабат такомиллашиб борган. Инсон табиий мухитсиз, сув, хаво, қуёш ва тупроқсиз яшай олмайди. Бу унсурлар унинг тирикчилигини таъминлайди. Бундай қулай шароит инсон учун фақат Ер шарида мавжуддир. Ернинг ҳаёт тарқалган қисми биосфера деб аталади. Биосфера тирик организмларнинг ҳаёт кечириш мухитидир. Агар Ер шари Қуёшга яқинроқ жойлашганида, ер юзасидаги ҳарорат кўтарилиб кетган булар эди ва оқибатда ердаги намлик, сув йўқолар эди. Агар у Қуёшдан узоқда жойлашганида, ер юзасидаги ҳарорат пасайиб, ҳамма жой мангу мўзлик билан копланар эди. Хуллас, ҳар иккала холатда ҳам ер юзасида ҳаётнинг пайдо бўлишига имконият йўқолган буларди. Яна бошқа холни олайлик: Қуёш системаси Галактика марказига янада яқинроқ жойлашганда эди, ер юзасида кучли гравитация таъсирида нарсаларнинг вазни оғирлашиб, инсондек мураккаб жонзоднинг, балки умуман ҳаётнинг пайдо бўлишига шароит бўлмаган булар эди. Аксинча, Қуёш системаси Галактикамиз марказидан хозиргига нисбатан четда жойлашганда ҳам, гравитация кучининг заифлиги айрим химиявий ва биологик жараёнларнинг рўй беришига халакит берган булар эди. Бунинг оқибатида ер юзасида ҳаёт пайдо бўлмас эди. Демак, инсон ўзи учун энг қулай бўлган жойда яшайди ва бунга шукўр қилса арзийди.

Инсоннинг табиий мухитга таъсири қадимга даврларда ўта кучсиз бўлган. Даврлар ўтиши билан инсон кулида кудратли куч ва қувват манбалари туплангач, унинг табиатга таъсири сезиларли даражада ўзгара бошлади. Инсон атроф-мухитни ифлослантириб, биосферадаги табиий мувозанатни издан чиқара бошлади.

Бу масаланинг ечилиши инсоннинг ақл-идрок кучи билан боғлангандир. Инсон ақл-идрокининг оламга таъсир кўрсатиш чегараси ноосфера деб аталади. Инсон ўзлигини англамас экан, унинг сайёрамизга халокатли таъсири кучайгандан кучайиб, охир оқибатда унинг ўзини ҳам халокатга олиб бориши мумкин, деган илмий башоратлар бор. Ҳақикатан ҳам инсон фаолияти ақл-идрок билан оқилона бошқарилмас экан, у ер юзининг халокатини тезлаштириши муқарардир.

Хозирги замондаги экологик муаммолардан бири ҳам инсон фаолияти томонидан атроф-мухит ифлосланишининг олдини олиш ва бу халокатни тухтатиб колишдан иборат. Бу оламни кай даражада яхши билиб олишимиз ва унинг ҳаётига нисбатан масъулиятни англашимизга боғликдир. Инсон жамиятда ва табиатда тутган ўз ўрнини тўғри англаса, атроф мухитни ҳам авайлаб асрайди, ер юзини гуллатиб яшнатади.

Такрорлаш учун саволлар

1. Оламни кенг ва тор маъноларини айтиб беринг?
2. Олам ва одам боғликлиги нимада?
3. Оламни намоён бўлиш шакллари?
4. Борлиқ тушунчасига таъриф беринг?
5. Борликни намоён бўлиш шаклларини айтиб беринг?
6. Табиат борлиғига изоҳ беринг?
7. Борликнинг мавжудлик усуллари?
8. Табиат тушунчасига фалсафий таъриф беринг?
9. Табиатни структуравий даражаларини айтиб беринг?
10. Ўзбекистонда Экологик муҳит қандай аҳволда?

Таянч сўз ва иборалар:

Олам тушунчаси, Одам тушунчаси, Борлиқ тушунчаси,Табиат тушунчаси, Табиатни фалсафий тушуниш, Экологик тарбия, Экологик маданият, Ижтимоий муҳит,Борлиқ, мавжудлик, Реаллик, Ҳаракат, Фазо, Вақт, Материя, Нотирик ва тирик табиат, Макро, Мега, Микро, Ўзбекистон, табиий муҳит.

Мавзу: “Маънавият асослари”фанини ўқитишда педагогик технологик карта.

Мавзу	**ФАЛСАФАДА МЕТОД ВА МЕТОДОЛОГИЯ МУАММОСИ. ФАЛСАФИЙ ҚОНУН ВА КАТЕГОРИЯЛАР (2 соат)**
Мақсад	**Ўқитувчи:** Фалсафада метод ва методология тушунчаси талқини, ўзгариш, тараққиёт, ўзаро алоқадорлик, қонун ва категориялар каби тушунчаларни илмий-фалсафий мазмун моҳиятини, уни ўрганишнинг тарбиявий аҳамиятини

	тушунтиради. **Талаба:** ўрганиш, дарсда фаол иштирок этиш, конспект қилиб бориш. Топшириқларни бажариш.	
Вазифа	**Ўқитувчи:** мавзуга оид мультимедиа материалларини, оғзаки маълумотларни, тарқатма материалларни талабалар жамоа ҳолатида ўзлаштириб олишлари, ҳамда “Ақлий ҳужум”, муаммо пед.технологиялари орқали олам, борлиқ, табиат ва жамият ни тушунтиришнинг турли фалсафий методлари, методологик ёндошувларни мазмун моҳияти ҳақида талабаларнинг ўзлаштирган билимларини назорат қилиш. **Талаба:** метод,методалогия,ўзгариш,ҳаракат,тараққиёт ва ўзаро алоқадорлик тушунчаларини фалсафий англаб ўзлаштиришига эришиш.	
Дарс жараёнининг ташкил этилиши	1.Ташкилий қисм 2.Мақсад ва вазифаларни қўйиш 3.Ўрганилганларни умумлаштириш, такрорлаш, тизимлаштириш 4.Якун ясаш 5.Уйга вазифа	5 дақиқа 3дақиқа 57 дақиқа 10 дақиқа 5 дақиқа
Дарс жараёнининг мазмуни	Метод ва методология тушунчаси, ўзгариш ва ҳаракат, тараққиёт ва ривожланиш, ўзаро алоқадорлик каби тушунчалари ҳамда қонун ва фалсафий категориялар мазмун – моҳиятини тушунтириш. Шу билан боғлиқ қатор илмий – фалсафий масалаларни талабаларга етказиш. Уларнинг тарбиявий аҳамияти.	
Ўқув жараёнини амалга ошириш технологияси.	**Услуб**: оғзаки баён қилиш, “ақлий ҳужум”, “муаммо” пед технологияси. **Шакл**: маъруза, жамоада ва гуруҳларда ишлаш. **Восита**: презентация, тарқатма материаллари, нутқ. **Усул:** тушунтириш, кўрсатиш, сўраш, муаммоли савол. **Назорат**:, оғзаки назорат, кузатиш.	
Кутилаётган натижалар	**Ўқитувчи:** мавзуни барча талабалар томонидан ўзлаштирилишига эришиш. Талабалар фаоллигини ошириш. Талабаларда дарсга нисбатан қизиқишни кучайтириш. Ўз олдига қўйган мақсадига эришиш. **Талаба:** Мавзу ҳақида кенг фикрга, маълумотга эга бўлади.	

	Нутқи ривожланади, дунёқараши кенгаяди.
Келгуси режалар	**Ўқитувчи:** янги педагогик технологияларни ўзлаштириш ва дарс жараёнига татбиқ этиш, ўз устида мунтазам ишлаш. Ўтилаётган мавзу ҳаёт билан боғлаши, педагогик маҳоратни ошириш. **Талаба:** мавзу бўйича қўшимча адабиётлар билан танишиш, уларни ўрганиш.
Дил сўзлари	Эътиборингиз учун раҳмат, саломат бўлинг.

5-мавзу: ФАЛСАФАДА МЕТОД ВА МЕТОДОЛОГИЯ МУАММОСИ. ФАЛСАФИЙ ҚОНУН ВА КАТЕГОРИЯЛАР (2 соат)

1. Ўзгариш, ҳаракат, тараққиёт ва ўзаро алоқадорлик тушунчалари.
2. Қонун ва қонуният тушунчалари қонунларнинг объективлиги. Фалсафий қонунлар.
3. Ўзгаришлар ва тараққиёт жараёнида фалсафий категорияларнинг аҳамияти.
4. Ёшлар тарбиясида фалсафий категориялар тўғрисидаги билимларнинг аҳамияти.

АДАБИЁТЛАР

1. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка тахдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. - Т., «Ўзбекистон», 1997.

2. Каримов И.А. Баркамол авлод.Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. Т., «Ўзбекистон», 1997.

3. Каримов И.А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. Т., «Ўзбекистон», 1998.

4. Каримов И.А. Донишманд халқимизнинг мустаҳкам иродасига ишонаман. «FIDOKOR» газетаси, 2000 йил 8 июн.

5. Основы философии. Т., Ўзбекистон, 1998.

6. Фалсафа. Т., Шарқ, 1999.

1-масала. Оламдаги нарса ва ходисаларнинг ҳаракати, ўзгариши, бир холатдан иккинчи холатга ўтиб туриши, ривожланиши, улар ўртасидаги алоқадорлик ва ўзаро таъсир каби масалалар қадимдан мутафаккирлар, олимлар, файласуфлар ўртасида турли бахс, мунозара, тортишувларга сабаб бўлган. Чунки улар тўғрисида аниқ билимга эга бўлмасдан туриб, олам ва унинг тараққиёти, ривожланиш манбаи, ҳаракатлантирувчи кучлари тўғрисида ҳамда, энг асосийси, келажак хақида илмий тасаввурга эга бўлиш қийин.

Атрофимиздаги жамики нарса-ходисалар, яъни энг майда заррачалардан тортиб то Ер, Қуёш, Коинотгача барчаси, шу жумладан, кишилик жамияти ҳам, доимо ҳаракат, ўзгариш ва ривожланишдадир. Улар ўртасида абадий ўзаро боғлиқлик, ўзаро таъсир ва алоқадорлик мавжуд. Оламда ўз-ўзидан, тасодифий равишда хеч қандай ҳаракат ҳам, ўзгариш ҳам юз бермайди.

Боғланишларнинг турлари. Биз нарса ва ходисаларнинг ҳаракати, ўзгариши ва ривожланишига улар ўртасидаги боғланиш ва алоқадорлик, таъсир ва акс таъсир асос бўлади, деймиз. Албатта, оламдаги ҳар қандай боғланиш ҳам ривожланишга сабаб бўлавермайди. Чунки бу боғланишларнинг қўлами, моҳияти, таъсир кучи ва доираси турлича. Боғланишларнинг ана шу хусусиятларига қараб, зарурий ва тасодифий, ички ва ташқи, бевосита ва билвосита, муҳим ва муҳим бўлмаган ва хоқазо боғланишларга ажратиш мумкин.

Шунингдек, оламда бошқа воқеа ёки ходисалардан алоҳида, улар билан боғлиқ, ўзаро алоқадорликда ва таъсирда бўлмаган бирорта ҳам воқеа ёки ходиса мавжуд эмас. Демак, ўзаро боғланиш ва таъсир натижасида нарса ходисаларда ўзгариш содир бўлади. Лекин, барча ўзгаришни ҳар доим ҳам бирданига, яққол сезиш мумкин эмас. Чунки оламнинг намоён бўлиши турли даражада бўлганлиги сабабли, ўзгаришлар ҳам турличадир.

Масалан, янги туғилган чакалоқнинг бир хафта, бир ой, ярим йил мобайнидаги ўзгаришини, яъни ўлкайишини ёки бўлмаса, табиатдаги киш фаслидан бахор фаслига ўтишдаги ўзгаришларни оддий кўз билан яққол сезиш мумкин. Лекин бирон жонсиз предмет, масалан, Ер қаъридаги ички жараёнларни маълум даврдан кейин сезиш мумкин. Ана шу сабабдан ҳам одамлар зилзилалар, вулқонлар отилиши каби офатлар қаршисида лол, гоҳида эса Кафлатда колиб келмоқдалар. Яъни ташқи факторлар (инсон фаолияти, ёруғлик, иссиқлик, намлик, атмосфера босими) натижасида рўй берган ўзгаришларни кўз кўради, кулоқ эшитади. Хуллас, улар осон англаб олинади, очиқ-ойдин намоён бўлади. улардаги ўзаро боғлиқликни ҳам осон қуриш, илғаш мумкин. Ана шундай осон қуриш ва илғаш мумкин бўлган, очиқ-ойдин рўй берадиган воқеа, ходиса, натижага нисбатан «зохирийлик» тушунчаси, моҳиятини илғаш қийин бўлган ва мураккаб ички сабаблар натижасида кечадиган жараёнлар ва ўзгаришларга нисбатан «ботинийлик» тушунчаси кулланилади. Ўрта асрларда, айниқса тасаввуф фалсафасида бу икки тушунчага алоҳида эътибор берилган.

«Ҳаракат» тушунчаси «Борлиқ фалсафаси» мавзуида ёритилганлиги сабабли, бу ерда унинг қуйидаги қисқа таърифи билан чекланамиз: ҳаракат деб оламдаги ҳар қандай ўзгаришга айтилади. Ривожланиш тушунчаси эса қуйидан юқорига, оддийдан мураккабга томон илгарилаб борувчи ҳаракатни ифодалайди. Лекин бу жараён гох тўғри чизиқли, гох аста-секин кенгайиб борадиган спиралсимон шаклдаги ҳаракатдан иборат бўлиши мумкин.

Бунда доимий бир томонга, масалан, вақтнинг ўтмишдан келажакка томон ўтиши ҳам, лекин маконда воқеа ва ходисаларнинг такрорланиши, замонда орқага кайтишлар ҳам содир бўлиб туради. Баъзида тараққиётнинг маълум бир босқичида олдинги босиб утилган давр такрорлангандек бўлади, аммо бу илгаригидан фарқ қиладиган, бошқачароқ тарздаги такрорланишдир.

Хеч қачон бир хил тонг отмайди, деб бежиз айтмайдилар. Холбуки, ҳар қўни тонгда ўша Қуёш чиқади, ўша тоғу тошларни, боғу биёбонларни, биз яшаётган заминни ёритади. Одамлар ҳам, иш ва ташвишлар ҳам ҳамон ўша-ўшадек. Кимдир ишга шошади, кимдир ўқишга, кимдир яна илгариги кундек бекорчиликдан зерикади... Аммо дунё ўзгармадими бу бир куннинг ичида? унда минглаб болалар туғиладими, сон-саноқсиз жараёнлар рўй бериб, Ер сайёрасининг турли бурчақларидан бошқа жойларга қанчадан-қанча ахборотлар

таркатилмадими? Она замин ўз уки ва Қуёш атрофида айланишини давом эттирмадими? Буларнинг барчаси бир куну-тунда рўй берган ботиний ва зохирий ўзгаришларнинг намоён бўлишидир.

2.масала.Қонун тушунчаси.

Хўш, қонун ўзи нима? У киши ва умуман, жамият ҳаётида қандай аҳамиятга эга? Қонунни билмасдан, урганмасдан туриб яшаш мумкинми? Қонун тушунчаси кундалик ҳаётимизда нисбатан тез-тез ишлатиб туриладиган тушунчадир. Хусусан, физика ёки кимё қонунлари деймиз, табиат қонуни ёки бўлмаса, иқтисодий қонунлар, юридик қонунлар ва хакозо. Бозор иқтисодиётига ўтиш тамойилларининг учинчиси ҳам қонун тўғрисида бўлиб, унда барча сохада қонуннинг устуворлиги таъминланиши таъкидланади. Юқоридагиларни бирлаштириб турадиган, барчаси учун ҳам умумий бўлган хосса, хусусиятлар борми?

Энг аввало, шуни айтиш керакки, оламдаги барча нарса — табиат, жамият ва инсон тараққиёти маълум қонунлар асосида амалга ошади. Фанларнинг (ижтимоий, гуманитар, табиий ва хакозо.) асосий вазифаси ҳар бир соха бўйича тадқиқот ўтқазиб, қонунларни кашф қилиш ёки уларнинг амал қилиш хусусиятларини ўрганиш ва очиб беришдан иборат.

Қанча кўп қонун кашф қилинса, тараққиёт шунча тез бўлади. Тараққиёт қонунларини билмасдан туриб, ривожланишга эришиш қийин. Яқин ўтмишда иқтисодиётнинг ўзига хос қонунларини писанд килмай, турли хил съезд, пленум, қонференция қарорлари асосида экспериментлар ўтқазиб, барча учун фаровон ҳаёт коммунизм жамиятини барпо килмоқчи бўлишганини ва бундай сиёсат қандай оқибатларга олиб келгани барчага маълум.

Хозир мустақил Ўзбекистон барча ривожланган мамлакатлар сингари ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётига асосланган демократик давлат, фуқаролик жамияти барпо қилиш йўлидан бормоқда. Бунда умумбашарий қонунлар ва мамлакатимизнинг ўзига хос хусусиятлари эътиборга олинган.

Энди шундай савол: Нима учун инсон қонунни билиши керак? Бунда оддий мисолларга мурожаат қиламиз: ёз ойларида барча одамлар иссиқ кийимлар (этик, пальто, кулкоп ва хакозо.) сотиб олишади, утин ёки кумир Ғамлаб қўйишади. Нима учун? Чунки улар табиатнинг битта қонунини, яъни фаслларнинг ўзгариши, ёздан кейин кўз, ундан кейин киш келишини жуда яхши билишади.

Ёки яна бир, жунроқ бўлсада, мисол: сизга биров уйнинг 5-қаватидан ташласанг, фалон пул бераман деса, рози бўлмайсиз. Нима учун? Чунки сиз И. Ньютон кашф қилин «Бутун олам тортишиш қонуни»ни яхши биласиз. Балки билмассиз ҳам, хавонинг ўз жисмингиздан зичлиги камлигига эътибор килмассиз ҳам, дейлик. Аммо сиз бу холда омон қолишингиз қийинлигини, майиб бўлишингизни яққол тасаввур қиласиз.

Инсон қонунларни билиши, уларга амал қилиши доира-сида эркиндир. Эркинлик нима? Эркинлик англаб олинган заруриятдир. Ҳар қандай қонунга хос белгилардан бири зарурийлик, яъни объектив тарзда амалга ошиш, ўз-ўзидан намоён бўлишидир. Эркинлик эса ана шу зарурийликни англаб олиш ва унга амал қилишдан иборат фаолиятни англатади.

Юристларда шундай ибора бор: «Қонунни билмаслик жавобгарликдан ҳалос килмайди». Ана шу туфайли сиз юридик қонунларни қанча яхши билсангиз, ўзингизнинг фаолиятингизни шунга мослаб олиб борасиз. Демак, шунча эркин бўласиз. Бу холда сиз нима қонуний, нима эса қонуний эмаслигини яхши биласиз, қонунга хилоф кадамлар куймайсиз.

Юқоридаги фикрларни хулоса қилиб, қонунга қуйидагича таъриф бериш мумкин: Қонун оламдаги нарса ва ходисаларнинг муҳим, зарурий, умумий ва такрорланиб турувчи боғланишлари, ўзаро алоқалари ва муносабатларининг намоён бўлишидир. Энди қонуннинг белгиларига тўхталамиз:

- қонун турли-туман алоқадорликлар, боғланишлардан фақат муҳимларини, яъни шундай боғланишларни ифодалайдики, булар оламнинг мавжудлиги, ўзгаришлари ва ундаги нарса ҳамда ходисаларнинг моҳиятидан келиб чиққан бўлади;

- қонун зарурий боғланишларни ифодалайди, яъни тасодифий боғланишлар, гох пайдо бўлиб, гох йўқолиб кетадиган боғланишларга асосланмайди.

- қонун нарса ва ходисаларнинг умумий боғланишларини ифодалайди.

Қонун нисбатан барқарор, такрорланиб турувчи боғланишларни (муносабатларни) ифодалайди, яъни бир сафар юз бериб, иккинчи сафар юз бермайдиган боғланишларни қонун қамраб олмайди. Масалан, 2001 йили қишдан кейин бахор келиб, 2002 йилда кишдан кейин бирданига ёз келишини тасаввур қилиб бўлмайди. Чунки, бу табиат қонуни — фасллар ўзгариши қонуни доирасига кирмайди.

Табиат қонунларининг яна бир энг муҳим хусусияти — у объектив ҳарактерга эга, яъни у инсонга ҳам, инсониятга ҳам боғлиқ эмас. Бирор киши, хатто миллатнинг иродаси билан ҳам, табиат қонунига туб ўзгартириш киритиш ёки уни бутунлай йўқ қилиш мумкин эмас. Чун-ки бу қонунларнинг асосини ташкил қилин боғланишлар, муносабатлар объектив хусусиятга эга.

Оламдаги ҳар бир нарса ва ходиса бир-бирини тақозо қиладиган ва шу билан бирга, бир-бирини истисно қиладиган қарама-қарши томонлар бирлигидан иборат. Демак, воқелик ва ўзгариш жараёнида айният ва зиддиятнинг бўлиши ҳам одатий хол. Масалан, иссиқ ва совуқ, оқ ва қора, кеча ва кундуз, электрнинг мусбат ва манфий зарядлари, яхшилик ва ёмонлик, адолат ва жахолат ва хакозо. Қарама-қарши томонлар бир-бирини инкор этади ва шу билан бирга бири иккинчисини тақозо этади, бири иккинчисисиз мавжуд бўла олмайди. Фараз қилайлик, магнитнинг манфий заряди бўлмаса, у холда ушбу нарса магнит бўлолмайди.

Борлиқ нарса, воқеа ходисаларнинг турли-туманлигидан иборат. Лекин нарсалар қанчалик хилма-хил, турли-туман бўлмасин, улар ўртасида яқинлик, айнанлик мавжуддир. Масалан, стол ва стул сифат жиҳатидан турли нарсалардир. Лекин барибир улар ўртасида ухшаш томонлар, белгилар бор. Айтайлик, уларнинг ё ранги ёки бир хил материалдан ясалганлиги ёки бўлмаса, вазни ўхшаш бўлиши мумкин. Айният тушунчаси нарса ва ходисалар ўртасидаги ухшаш томонларни ифодалайди. Шу билан бирга нарса-ходисалар бир-биридан фарқ қиладиган томонлар, хусусиятлар, белгиларга ҳам эгадир. Айнан бир хил бўлган нарсанинг ўзи йўқ. Хатто дарахтнинг бир шохида ёнма-ён турган 2 барг ҳам бир-биридан фарқ қилувчи баъзи жиҳатларга эга. Хеч бўлмаганда, улар бир-биридан макондаги ўрни билан фарқ қилади.

Ҳаётдан мисол келтирадиган бўлсак, бир-бирига ташқи томондан тамомила ухшаш бўлган Хасан ва Хусанларда ҳам жуда кўп фарқ қилувчи хусусиятлар бор. Масалан, уларда феъл-атвор, қизиқиш тури, дунёқарашлар ҳар хил бўлиши, яъни уларнинг ички дунёлари фарқ қилиши мумкин. Демак, тафовут нарса — ходисаларнинг фарқ қилувчи томонларини ифодаловчи тушунчадир.

Қарама-қаршилик деб эса, нарса, воқеа-ходисаларнинг бир-бирини тақозо этувчи ва шу билан бирга бир-бирини инкор этувчи томонлари, кучларининг ўзаро муносабатига айтилади.

Қарама-қаршиликлар ўртасидаги муносабатни зиддият деган тушунча ифодалайди. Кўп холларда айният ва тафовутнинг зидлиги ва уларнинг бир махражга келиши, меъёрий ўзгаришлар туфайли ривожланиш, тараққиёт, янгиланиш жараёнлари амалга ошади. Тараққиёт шу маънода айният, тафовут ва зиддиятларнинг пайдо бўлиши, ривожланиши ва хал қилинишидан иборат бўлган абадий ва азалий мураккаб жараёндир.

Собиқ Иттифоқнинг мафкураси даражасига кўтарилган марксизмда асосан зиддиятга кўпроқ эътибор берилар эди. У мутлақлаштирилар ва жамиятга кучирилиб, асосан, антогонистик зиддиятлар тўғрисида гапирилар ва уларнинг ечилиши инсониятни бахтли ҳаётга олиб боради, дея хаёл қилинар эди. Холбуки, инсоният пайдо бўлибдики, унинг ҳаётида айният ва тафовут ҳам, зиддият ва қарама-қаршиликлар ҳам мавжуд бўлиб келмоқда. Одамзод зиддиятлар камроқ бўлган, кишиларнинг хилма-хил интилиш ва мақсадлари, бир-биридан фарқ қиладиган ғоялари уйғунлашган, барқарорлик устувор бўлган жамиятни қуриш учун бош котириб келмоқда.

Ану шундай интилишлар фанда «Қонфликтология» (қон-фликт — зиддият, логос-таълимот) деб аталадиган фалсафий йўналиш пайдо бўлишига олиб келган. Бу соха билан шуғилланадиган олим ва мутахассислар қонфлик-тологлар деб аталади. Улар қонфликтларни келтириб чиқариш эмас, балки уларнинг олдини олиш ва жамият учун фойдали тарзда хал қилиш йўллари ва узиллари устида бош котиришади.

Ҳар бир зиддиятнинг аниқланиши, хал қилиниши ўзгаришга, янгиланишга, бир сифатдан иккинчи сифатга, эскидан янгига ўтишга сабаб бўлади. Олам турли-туман бўлганлиги учун зиддиятлар ҳам хилма-хилдир. Масалан, ички ва ташқи зиддиятлар, асосий ва асосий бўлмаган зиддиятлар мавжуд. Улар ўртасида фарқ бўлгани билан бирга, мутлоқ чегара ҳам йўқ. Чунки амалда, ҳаётда улар бир-бирига ўтиши, биргалашиб кетиши ва тараққиётда турли хил ўрин тўтишлари мумкин.

Оламнинг мавжудлиги — миқдор ва сифат воқелиги тарзида ҳам намоён бўлади. Бунинг моҳияти шундан иборатки, нарса ва ходисалардаги сезиларли бўлмаган миқдорий ўзгаришлар аста-секин тўплана бориб, тараққиётнинг маълум бир босқичида меъёрни бузади ва сакраш йўли билан туб сифат ўзгаришларига олиб келади.

Моддий оламдаги хилма-хил нарса ва ходисалар бир-биридан ўз сифати билан ажралиб туради. Сифат нарсаларнинг ички ва ташқи муайянлиги бўлиб, унинг қатор хосса, белги, хусусиятлари бирлигини ифодалайди. Сифат нарса қандай бўлса, уни шундайлигича кўрсатиб беради, жисмнинг барча ташқи хоссаларини боғлиқликда намоён қилади.

Демак, сифат нарсанинг умумийлигини, яхлитлигини, унинг нисбий барқарорлигини, бир-бирига ухшашлиги ёки ўхшамаслигини ифодалайди. У кенг маънода нарсаларнинг турли-туман хоссалари йиғигдисидир. Лекин сифат ва хосса айнан бир хил маънодаги тушунчалар эмас. Сифатнинг ўзгариши, муқарар суръатда, хоссанинг ўзгаришига олиб келади. Бироқ хоссанинг ўзгариши ҳар доим сифатнинг ўзгаришига таъсир этавермайди, айрим хоссалар нарсаларнинг сифатига таъсир этмасдан йўқ бўлиб кетиши мумкин. Сифат пред-метнинг доимийлигини, нисбий барқарорлигини ифода этади.

Нарсалар сифат муайянлигидан ташқари, бир-биридан миқдорий томонлари билан ҳам фарқ қилади. Миқдор предметнинг хажми, ўлчови, оқирлиги, ҳаракат тезлиги ва шу кабилар билан тавсифланади. Табиат ходисалари каби ижтимоий ходисалар ҳам миқдорий томонга эга. Чунончи, сув ўз солиштирма оқирлигига, қайнаш ва музлаш даражасига эга. Бир ижтимоий тузум бошқасидан хусусияти жиҳатидангина эмас, балки ишлаб чиқарувчи кучлар тараққиёти, мехнат унумдорлиги, маданияти ва хоқазолар билан ҳам фарқ қилади. Ҳар қандай нарса миқдор ва сифат бирлигига эга. Табиатда фақат миқдорга ёки сифатга

эга бўлган, яъни сифати бўлиб миқдори, миқдори бўлиб аксинча, сифати бўлмаган нарсанинг ўзи йўқ.

Миқдор ва сифатнинг бирлиги, ўзаро боғлиқлиги меъёр тушунчасида ифодаланади. Меъёрнинг бузилиши предмет мавжудлиги мумкин бўлмаган холатга олиб келади.

Ҳар қандай нарса ва ходисага миқдор ва сифат ўзгаришлари хосдир. Миқдор ўзгаришлари билан сифат ўзгаришлари ўртасида қатъий қонуният мавжуд бўлиб, бу қонуният қуйидагича ифодаланади: миқдорий ўзгаришлар сифат ўзгаришларини тайёрлаб, ҳар бир аниқ холатда муайян туб сифат ўзгаришларини келтириб чиқаради ва шу холатда миқдор ўзгаришларининг сифат ўзгаришларига ўтиши содир бўлади. Оламдаги барча ўзгаришлар аста-секин содир бўладиган миқдор ўзгаришларидан бошланади. Миқдор ўзгаришлари муайян чегарада сифатнинг барқарорлигига таъсир этмайди. Миқдорий ўзгаришлар чегарадан чиқиши билан сифатнинг барқарорлиги бузилади. Натижада сифат йўқолиб, янги сифат юзага келади. Тараққиёт жараёнида миқдор ўзгаришлари туб сифат ўзгаришларига ўтиши билан бирга сифат ўзгаришлари миқдор ўзгаришларига ҳам ўтади. Миқдор ўзгаришлари билан сифат ўзгаришлари ўзаро чамбарчас боғланган бўлишига қарамай, улар айрим ўзига хос хусуссиятларга ҳам эга. Чунончи:

- биринчидан, миқдор ўзгаришлари доимо юз бериб туради. Хатто ходисалар сифатининг нисбий барқарорлиги даврида ҳам миқдорий ўзгаришлар аста-секин юз беради. Сифат ўзгаришларига ўтиш фақат маълум бир даврда бошланади;

- иккинчидан, миқдор ўзгаришлари маълум вақтгача нарсаларга муҳим таъсир кўрсатмайди. Сув нормал атмосфера босимида 100° гача суюклик холатини йўқотмайди, кейин эса буғга айланади, сифатини ўзгартиради. Демак, сифат ўзгаришлари ходисаларни тубдан ўзгартириб, унинг бошқа ходисага айланишини тақозо қилади;

- учинчидан, миқдор ўзгаришлари аста-секин амалга ошади ва кўп холларда сезилмасдан ўтади. Сифат ўзгаришлари эса анча тез, айрим холатда тусатдан содир бўлади;

- тўртинчидан, сифат ўзгаришлари миқдор ўзгаришларига қараганда туб ўзгариш бўлиб ҳисобланади.

Сакраш нима? Сакраш табиат ва жамиятда содир бўладиган сифат ўзгаришларини англатадиган фалсафий тушунча бўлиб, тараққиётнинг узлуксиз кўринишига қараганда анча тез ўтадиган жараёндир.

Сакраш миқдор ўзгаришларидан сифат ўзгаришларига ўтишда узлуксизликнинг узилишини билдиради. Сакраш нарса ва ходисаларнинг узлуксиз ривожланиш давомида тайёрланиб, шу узлуксиз ривожланиш моменти тугаб, узилиш содир бўлиши билан зарурий равишда юз беради. Сакраш бирданига, тусатдан бўладиган холатгина эмас, балки янги сифат элементлари кўпайиши орқали юз берадиган тадрижий жараён ҳамдир.

Сакрашнинг турлари ўз характерига кўра табиат ва жамиятда хилма-хил бўлиб, улар бир-бирларидан фарқ қиладилар. Жамият тараққиётидаги сакрашларнинг ўзига хос томони шуки, бу сакрашлар эски ижтимоий тузумни йўқ қилиш ва янги ижтимоий тузумни ўрнатилган ижтимоий жараёнлар, тадрижий ривожланиш орқали амалга ошади. Бундай сакрашларни икки турга бўлиш мумкин: биринчиси — портлаш йўли билан бўладиган сакрашлар, иккинчиси секин-аста, тадрижий йўл билан бўладиган сакрашлар. Биринчи тур сакрашларнинг ўзига хос хусусияти шундан иборатки, бунда нарса ва ходисаларнинг янги сифатга ўтиши нихоятда тезлик билан юз беради ва кутилмаган натижаларни, тасодифий жараёнларни бошлаб юбориши, хатто салбий холатларни келтириб чиқариши ҳам мумкин.

Сакрашнинг иккинчи турида эса, эски сифат элементларининг аста-секин йўқолиб бориши ва янги сифат элементларининг аста-секин тўпланиши натижасида янги сифат пайдо бўлади.

Шундай қилиб сакраш қуйидаги жиҳатларга эга:

- биринчидан, сакраш тараққиёт натижасида амалга ошадиган объектив ва қонуний жараёндир;

- иккинчидан, сакраш тадрижийликнинг узилиб, миқдор ўзгаришларидан туб сифат ўзгаришларига ўтишидир;

- учинчидан, сакраш эскини тугатиш ва янги сифатга мос келадиган холатларнинг вужудга келиши туфайли пайдо бўладиган зиддиятларни хал қилишдир;

- тўртинчидан, сакраш оламнинг ривожланиб, илгарилаб боришидир.

Ходисаларнинг сифат хусусиятларига ва уларнинг ривожланиш шароитига боғлиқ равишда эски сифатдан янги сифатга ўтиш турли шаклларда содир бўлади. Ҳар бир нарса, ходиса ўзининг аниқ инкор қилиш ўзилига, ўз навбатида аниқ сакраш шаклига эгадир.

Демак, ҳар қандай ўзгариш, ҳар қандай ривожланиш миқдор ва сифат ўзгаришларининг ўзаро бир-бирига ўтиши орқали содир бўладиган жараёнлардан иборат. Борлиқнинг ҳамма сохасида доимо эски, умри тугаётган нарса ва ходисаларнинг барҳам топиши, янги нарса ва ходисаларнинг вужудга келиш жараёни содир бўлиб туради. Бундаги эскининг янги билан алмашиниши инкор деб аталади.

Ўзгариш ва ривожланиш жараёнида ўз-ўзини инкор этиш тамойили нихоятда муҳим. Бунда ворислик – эскининг инкори ва янгиликнинг шаклланиши сифатида намоён бўлади. Ана шу жараёнларнинг доимий такрорланиши инкорни инкор қонунининг моҳиятини билдиради.

Мазкур қонунга мувофиқ объектив воқеликдаги нарса ва ходисаларнинг ривожланиши жараёнида эскининг янги томонидан инкор қилиниши рўй беради. Бироқ, аксарият холларда, эскилик бутунлигича инкор килинмайди, ундаги ижобий томонлар сақланиб қолади.

Инкор тушунчаси кундалик онгда «йўқ», сўзи билан кушилиб кетади, инкор килмоқ — «йўқ» демакдир, бирор нарсани рад этмоқдир. Лекин диалектикада инкор кундалик онгда ишлатиладиган тушунчадан фарқ қилади. Диалектикада инкор қилиш тўғридан-тўғри «йўқ» дегани эмас, яъни нарсани мавжуд эмас, деб эълон килмоқ ёки уни ҳар қандай узил билан йўқотиб ташламоқ эмас.

Инкорни диалектик тушуниш янгининг эски билан оддий алмашуви бўлмасдан, балки эскининг бағрида вужудга келиб, ундан фойдаланиб, қарор топишини тан олишдир. Диалектик инкорнинг муҳим икки жиҳати мавжуд: биринчиси, эскининг ўрнига янгининг келиши табиий-тарихий жараён бўлганлиги учун тараққиётнинг муҳим шарти хисобланса; иккинчиси, у янгини эски билан ворисий боғлиқ эканлигини ҳам ифодалайди.

Инкорни инкор қонунини тушуниш учун уни нега шундай деб аталишини изохламоқ лозим. Фалсафанинг бу таълимотини икки марта такрорланувчи инкорда ифодаланиши оламдаги нарса ва ходисаларнинг доимий равишда ўзгариб, бир холатдан иккинчи холатга ўтиб бориши ва оқибатда, ривожланиш узлуксиз эканлигидан келиб чиқади.

Бу қонунга кўра, ҳар бир мавжуд бўлган нарса ва ходиса ўзигача бўлган сифат ва миқдор инкор этилишининг махсули, шу билан бирга, ана шу нарса ва ходисаларнинг ўзи

ҳам шароитнинг ўзгариши, вақтнинг ўтиши билан инкор этилишга махкумдир. Демак, ҳар бир нарса ва ходисанинг ўзгариши ва ривожланиши ҳамиша икки ва ундан кўпроқ инкор этишлар билан амалга ошади. Инсоният тарихи – авлодлар алмашинуви тарихидир, дейилганида ҳам ана шундай хол назарда тутилади.

Инкорни инкорнинг яна бир муҳим белгиси шуки, тараққиётдаги даврийликнинг муайян халқасида, яъни навбатдаги инкор босқичида унинг олдинги босқичидаги баъзи белгилар такрорланади. Масалан, дон ўсимликдан яна донларга айланади, кейинроқ яна ўсимликка ва хоқазо.

Инкорни инкорнинг амал қилиши туфайли тараққиёт тўғри чизиқ шаклида эмас, доира шаклида бўлади, унинг охирги нуқтаиси бошланғич нуқтаига яқинлашади. Лекин бу яқинлашув унинг охирги нуқтаи билан тўхашиши бўлмасдан, балки юқори босқичда содир бўлиши сабабли тараққиёт спирал шаклга эга бўлади. Бу спиралнинг ҳар бир янги урами олдинги урамига нисбатан юқорироқ босқичда юзага келади.

Диалектик инкор янги билан эски ўртасидаги боғланишни буткул рад қилади, деб тушунмаслик керак. Янги қанчалик илғор бўлмасин, у йўқ жойдан пайдо бўлмайди, балки эскининг қобиғида аста-секин шаклланади. Шунинг учун ҳам кўп холларда эскидан янгига ўтилаётганда эски бутунлай ташлаб юборилмайди, балки унинг ижобий томонлари сақланиб қолади ва ривожланиш давом эттирилади. Демак, янги билан эски ўртасида ворислик мавжуддир. Инкорни инкор қонуни тараққиётда ворислик ва қайтарилувчанликнинг бирлигини тавсифлайди. Диалектик инкорнинг муҳим хусусияти ана шундан иборат.

Инкорни инкор қонуни мустақиллик ва бозор иқтисодиёти жараёнида рўй бераётган ходисалар моҳиятини илмий англашда катта аҳамият касб этади. Янги жамиятни барпо этишга қаратилган ўзгаришлар ҳамма нарсани бутунлай йўқ қилишни билдирмайди. Аксинча, бу — халқимиз тараққиёти жараёнида эришилган ижтимоий-иқтисодий, маданий, маънавий ютуқларни сақлаб қолиб, уларни янада бойитиб, ривожлантиришдан иборатдир. Мазкур жараённинг асосий тамойили Ислом Каримовнинг янгисини қурмасдан, эскини бузмаслик лозимлиги тўғрисидаги хулосасида яққол ўз асосини топган.

Ҳар қандай фаннинг ўзига хос қонунлари ва асосий тушунчалари бўлади. Масалан, физикада физик қонунлар, оқирлик, тезлик, куч каби тушунчаларга жуда кўп дуч келиш мумкин. Уларнинг аксарияти бу фан тарихида чуқур из қолдирган машхур олимларнининг номи билан боғланган. Масалан, физикада Ньютон, Фарадей, Авагадро ва хоқазо. Математикани эса Пифагор, ал-Хоразмий, Карл Гауснинг қонунларисиз тасаввур қилиш қийин. Худди шундай фалсафанинг фанлик макомини белгилайдиган асосий тамойиллар, қонунлар ва категориялар тизими ҳам бор. Уларни ўрганишдан аввал, қонун ва категория тушунчаларининг мазмунини аниқлаб олиш зарур. Анъанавий тавсифларга кўра, «Қонун» фалсафий категория сифатида нарса ва ходисалар ривожланиши жараёнидаги энг муҳим, зарурий, нисбатан барқарор, доимий такрорланиб турувчи, ички ўзаро боғланишлар, алоқалар, муносабатларнинг мантиқий ифодаси эканлигини кўриб ўтдик. Энди категорияларнинг моҳияти ва мазмуни билан қисқа танишайлик.

Категория ўзи нима? Бу сўз қадимга юнон тилидан олинган бўлиб: «изохлаш», «тушунтириш», «кўрсатиш», деган маъноларни англатади. Унинг мазмунидаги бундай хилма-хиллик қадимга даврларданоқ илмий тадқиқот йўналишига айланган.

Фалсафа тарихида уларни биринчи бўлиб, Арасту таърифлаб берган. У ўзининг «Категориялар» деган асарида уларни объектив воқеликнинг умумлашган инъкоси сифатида қараб, турғумлаштиришга ҳаракат қилин. Хусусан, унингча қуйидаги

категориялар мавжуд: «моҳият» (субстанция), «миқдор», «сифат», «муносабат», «ўрин», «вақт», «холат», «мавқе», «ҳаракат», «азоб-уқубат». Бу турғумлаштириш, ўз вақтида илмий билишда жуда катта аҳамиятга эга бўлган. Кейинчалик Арасту «Метафизика» асарида «моҳият», «холат» ва «муносабат» категорияларини ҳам изохлаган.

Умуман, категорияларни фалсафа тарихида илмий мавзу сифатида ўрганишни айнан Арасту бошлаб берганлиги эътироф қилинади. Маълумки, унгача Юнонистонда кўпроқ политика ва риторика (нотиклик санъати) фанлари системалашган, яъни фан сифатида тизимга туширилган эди. Чунки ўша даврда қўшинни, мамлакатни ва одамларни бошқариш учун сиёсат ва нутқ маданияти сирларини билиш катта аҳамиятга эга бўлган. Аммо ўша даврларда фалсафанинг қонунлари, категориялари ва асосий таянч тушунчалари муайян тизимга туширилмаган, изчил баён қилинган билимлар системаси сифатида шакллантирилмаган эди. Хатто Юнонистоннинг машхур олими ва мутафаккири Суқротни ҳам ана шундай, хали гўёки шаклланмаган фан билан шуғулланган ва ёшларни бу илм йўлига бошлаб, уларнинг нотўғри тарбиясига сабаб бўлганликда айблаган ҳам эдилар. Бу хол Суқротнинг буюк шоғирди Арастунинг мазкур фанни аниқ система тарзида ифодалашга киришиши учун туртки бўлган. Олим фалсафанинг қонун ва категорияларини биринчи марта системалаштирган, таърифлаган ва фал-сафани фан даражасига кўтарган. Ўша даврдан бошлаб фалсафа ўз қонунлари, тамойиллари, категориал тушунчаларига эга бўлган фанга айланган. Шарқда бу масалага Форобий, Беруний ва ибн Синолар ҳам катта аҳамият берганлар.

3.масала.XVII-XIX асрларга келиб, фалсафий категориялар таҳлилида янги давр вужудга келди. Хусусан, И. Кант қарашларида категориялар «сифат» (реаллик, инкор, чегаралаш), «миқдор» (бирлик, кўплик, яхлитлик), «муносабат» (субстанция ва хусусият, сабаб ва ҳаракат, ўзаро таъсир), «модаллик» (имконият ва имкониятсизлик, воқелик ва новоқелик, зарурият ва тасодиф) тарзида изохланган. Кантдан фарқли уларок, Хегел эса мантиқий категорияларни: «борлиқ» (сифат, миқдор, меъёр), «моҳият» (асос, ходиса, мавжудлик), «тушунча» (объектив, субъектив, абсолют ғоя) тарзида изохлаган.

Фалсафа фанининг категориялари хақидаги турли қарашларни умумлаштириб айтганда, уларнинг мантиқий тушунчалар сифатидаги қуйидаги тавсифлари бор: 1) объектив воқеликнинг инъикоси; 2) нарса ва ходисаларнинг ўзаро боғланиш ва алоқадорлигини мантиқий умумлаштирувчи билиш узили; 3) нарса ва ходисаларнинг ривожланиши билан ўзгариб турувчи мантиқий тушунча; 4) борлиқнинг мавжудлигидан келиб чиқадиган тарихий — мантиқий билиш даражаларидан бири. Кўпчилик мутахассислар категориялар олам, ундаги нарса ва воқеалар, уларнинг асосий ва такрорланиб турувчи алоқадорлигини ифодалайдиган кенг мазмундаги тушунчалардир, деган фикрга қўшиладилар. Бу маънода борлиқ, воқелик, ҳаракат, макон, замон, миқдор, сифат ва бошқалар фалсафанинг ана шундай категорияларидир.

Фалсафада ўз хусусиятларига кўра, «жуфт категориялар» деб аталадиган; умумий боғланиш ва алоқадорлик муносабатларини ифодаловчи тушунчалар ҳам бор. Улар нарса ва ходисаларнинг муайян йўналишдаги энг муҳим, зарурий, нисбатан барқарор, даврий такрорланиб турувчи боғланиш ва алоқадорлик муносабатларини ифодалайди. Фалсафа категориялари мазмунидаги ички бирлик, боғланиш, алоқадорлик ва муносабатларнинг яхлитлиги билиш жараёнининг узлуксизлигини таъминлайдиган умумий қонуният тарзида вужудга келган.

Алоҳидалик, хусусийлик, умумийлик. Улар нарса ва ходисаларнинг ривожланиш жараёнидаги макон-замон муносабатларини конкрет тарзда намоён қилади. Умумийлик – оламдаги алоҳида, индивидуал тарзда намоён бўлаётган нарса – ходисаларнинг турфа, хилма-хил умумлаштирувчи хосса ҳамда хусусиятларнинг муштараклашган холда намоён бўлишидир. Алоҳидалик ва умумийлик ўртасидаги боғланиш, алоқадорлик ва муносабат

«хусусийлик» категорияси орқали ифодаланади. Биринчидан, бу категорияларнинг мазмуни оламнинг бирлиги, уларнинг мантиқий ифодаси конкретлик бўлиб ҳисобланади. Иккинчидан, «алоҳидалик», «хусусийлик», «умумийлик» нарса ва ходисаларнинг макон-замон конкретлигини ифодалайдиган, нисбатан мустақил мантиқий тушунчалар тарзидагина намоён бўлиши мумкин. Зеро, уларнинг нисбатан мустақиллиги, ички бирлигининг намоён бўлиш шаклидир.

Фалсафий адабиётларда, билишнинг умумий тенденциясини алоҳидаликдан хусусийликка ва шу босқич орқали умумийликка ўтиш тарзида ёки аксинча, изохлаш кенг тарқалган. Вахоланки, фалсафий билишнинг асосий хусусияти ва мақсади ҳар қандай алоҳидаликнинг индивидуал хусусиятларини умумийликдан фарқлашдан иборатдир. Масалан, бозор иқтисодиёти муносабатларига ўтиш жамият тараққиётининг умумий қонунияти бўлса ҳам, бу жараён турли ижтимоий-тарихий макон ва замонда ҳар бир давлат учун ўзига хос бўлган моделни тақозо қилади. Алоҳидаликнинг умумийликдан фарқини аниқлаш асосида, махсус узил ва воситаларини қўллаш бозор стратегияси ва тактикасининг миллий хусусиятларини белгилашга ёрдам беради.

Алоҳидалик ёки, баъзи фалсафий адабиётларда кўрсатилганидек, яққоликни муайян хосса ҳамда хусусиятга эга бўлган нарса ва ходисаларнинг макон ва замондаги чегараланган конкрет холати, бошқача қилиб айтганда, ҳар қандай ходиса ва нарсанинг ички сифат муайянлиги, индивидуаллиги дейиш мумкин. Антик фалсафада алоҳидалик категориясининг мазмуни муайян турғунликка эга бўлган бирлик сифатида каралган (Афлотун, Арасту). Хегел, алоҳидаликни воқеаларнинг зарурий шакли, макон ва замондаги тафо-вутларнинг намоён бўлиш моменти сифатида қарайди.

Фалсафада миллийлик ва умуминсонийлик масаласида алоҳидаликнинг умумийликдан фарқини мутлақлаштириш натижасида муайян қарашлар вужудга келиши мумкин (Бу ҳақда «Осиёцентризм» ва «Европацентризм» тўғрисида эслаш кифоя).

Вахоланки, умуминсоният цивилизациясининг тадрижий ривожланишида муайян ички бирлик мавжуд бўлиб, маданият тарихида ҳар бир халқ, миллат ўз ўрни ва аҳамиятини намоён қилади. Шунинг учун умуминсоният цивилизацияси тарғибидаги миллий маданиятни мутлақлаштириш, муайян сиёсий манфаатларга асосланган бўлиб, буюк давлатчилик, шовинистик қарашлардан бошқа нарса эмас. Бу XX асрнинг 30-йилларида фашизм мафкурасини шакллантирган асосий сабабалардан бири эди.

Алоҳидаликни, умумий қонуниятлар тарғибидаги, элементларнинг индивидуал ривожланиш жараёни сифатида олиб қараш керак. Чунки ҳар қандай умумийлик, дастлаб воқеликнинг алоҳидалиги тарзида вужудга келади. Шунга кўра, ҳар қандай система ўз тарғибидаги нисбатан янги, алоҳида ходисаларнинг индивидуал ривожланишисиз содир бўла олмайди. Шундай қилиб, алоҳидалик воқелик ривожланишининг хилма-хил шаклларини вужудга келтиради.

Нарса ва ходисаларда алоҳидаликларнинг конкрет хусусиятлари ўртасидаги боғланишлар, бир томондан, умумийликни намоён қилиш билан бир қаторда, уларнинг муайянлиги ва мазмунини ҳам белгилайди. Иккинчи томондан эса, умумийликнинг конкретлиги алоҳидаликлар системаси тарзида намоён бўлади. Бу системага структурали ёндашиш билишнинг нисбатан тўлақонли бўлишини таъминлайди. Масалан, муайян жамиятдаги кишиларнинг ижтимоий муносабатлари ўзига хос бўлган йўналишларини вужудга келтирган. Яъни, иқтисодий, хуқуқий, сиёсий, диний экологик ва бошқа шу каби ижтимоий муносабатлар умумий маданият тарғибида «иқтисодий маданият», «хуқуқий маданият», «сиёсий маданият», «экологик маданият» ва бошқа нисбатан мустақил йўналишларга асос бўлган. Бу маданият йўналишлари нисбатан мустақил бўлса ҳам, бир-бирини тақозо қилади. Уларнинг ички бирлиги ва ривожланиш тенденцияси

умуминсоният цивилизацияси манфаатларидан келиб чиққан бўлиб, умумий тараққиёт даражасига мос келади.

Фалсафанинг бу категорияси билан «бутун», «қисм» «структура», «система», «элемент», категориялари ўртасида узвий боғлиқлик ва муайян фарқлар мавжуд. Яъни «алоҳидалик», «хусусийлик», «умумийлик» нарса ва ходисалар ривожланиш жараёнидаги боғланиш, алоқадорлик муносабатларининг яхлитлигини нисбатан мустақил ифодалаш бўлса, «бутун», «қисм», «структура», «система», «элемент», категориялари эса, уларнинг макон ва замондаги боғланиш муносабатларини жараён тарзида ифодалашдир. Шу нуқтаи назардан, бутунни умумийлик, қисмни ёки элементни алоҳидалик тарзида олиб қараш холатлари учрайди. Шунингдек, муайян ухшашлик бўлишига қарамасдан, системани умумийлик тарзида қабул қилиш мумкин эмас. Бунда система турли даражадаги умумийликларнинг мажмуи ҳам бўлиши мумкин. Умуман, нарса ва ходисаларни тарғибий жиҳатдан «бутун», «қисм», элемент»ларга ажратиш билишга хос нисбий ходиса бўлиб, унинг самарадорлигини таъминлайдиган зарурий шартдир. Шунга кўра, юқорида айтилган ҳар иккала категориялар тизими билишнинг босқичи сифатида эмас, балки узили сифатида олиб қаралиши керак.

Система, структура, элемент фалсафанинг муҳим категорияларидан бўлиб ҳисобланади. Система – грекча сўз бўлиб, мантиқий маъноси бутунлик, яхлитлик, элементлардан ташкил топган бирикма, деган маъноларни англатади.

Система категориясининг мазмуни, уни ташкил қилин элементларнинг структуравий муносабатларига мос келади. Шу нуқтаи назардан, билиш жараёнидаги системалаштириш, назарий фаолият сифатида, уларнинг ташкил қилинган тарғибий элементларини тарихий-мантиқий изчил тартибга келтириш билан изохланади. Хусусан, бу элементларнинг функционал фаолиятини, аҳамиятига кўра турғумлаштириш, муҳим методологик аҳамиятга эга, чунки инсоннинг борлиқни билиш фаолияти система структурасидаги элементларнинг мавжудлик холати ва ривожланиши объектив қонуниятларини ўрганиш асосида, уларни мақсадга мувофиқ ташкил қилишга қаратилган. Яъни, инсоннинг объектив реалликни назарий билишга асосланган: ташкиллаштириш, бошқариш, назорат қилиш фаолиятлари самарадорлиги ва мақсадга мувофиқлиги турли категориялардан унумли фойдаланиши билан характерланади.

Система — нарса ва ходисаларнинг боғланишлари, алоқадорлиги ва муносабатининг тартибли тадрижий ривожланишини ифодалайди. Структура эса, нарса ходисалар боғланиши, алоқадорлиги ва муносабатлари тизимининг макон ва замондаги бирлигини таъминлайдиган системанинг мавжудлик холатидир. Умуман, структура (лотин тилида тузилиш, тартиб деган маънони англатиб), системани ташкил қилин элементларнинг нисбатан турғун боғланиш, алоқадорлиги ва муносабатидир. Хозирги мавжуд фалсафий қарашларда структурани системанинг аспекти сифатида қараш устувордир. Системани ташкил қилин элементларнинг структуравий тузилиши унинг мавжудлик холатини ҳамда ривожланиш истиқболларини белгилаб туради. Масалан, табиатдаги атомларнинг тарғибий тузилишлари хусусиятларига қараб, моддий оламнинг хилма-хил кўринишлари, ДНК ёки РНК ларнинг ўзаро ички муносабатлари, хромосомалар хилма-хиллиги, тирик организмлар турли-туманлиги аниқланган. Улар умумлашган холда, моддий оламнинг объектив реаллиги тарзида мавжуд бўлса ҳам, моддийликнинг конкрет структурасига эга бўлган системалардир. Борлиқни ташкил қилин элементларнинг муносабатларига, макон ва замон хусусиятларига қараб, уларни «ички структура» ва «ташқи структура» га ажратиш мумкин.

Элемент системани ташкил қилин структуранинг ўзаро боғланиш, алоқадорлик, муносабат жиҳатларини таъминлайдиган нисбатан мустақил тарғибий қисмидир. Жамиятда элемент ижтимоий муносабатларнинг конкрет кўринишлари тарзида намоён

бўлади. Масалан, жамиятни яхлит система деб оладиган бўлсак, ундаги элемент алоҳида индивидлар, ижтимоий қатламлар, табакаларнинг онгли муносабатлари тарзида кўзга ташланади. Яъни, жамиятнинг ахлоқий, хуқуқий, сиёсий, иқтисодий ва бошқа муносабатлари структуравий тузилишни ташкил қилин. Ўз навбатида, системани тўлалигича билиш, унинг стуктуравий тузилишидаги ҳар бир элементнинг функционал фаолиятини алоҳида таҳлил қилишни тақозо этади.

Шуни алоҳида таъкидлаш кераки, инсонларнинг нарса ҳамда ходисаларга муайян манфаатлари ва эҳтиёжларига кўра ёндашишига қараб, ҳар бир элементни нисбатан мустақил система сифатида олиб қараш мумкин. Масалан, маънавият жамият структурасида, уни ташкил қилувчи муҳим элементларнинг бири ҳисобланади, лекин маънавиятни, махсус ижтимоий ходиса сифатида алоҳида олиб таҳлил қиладиган бўлсак, унинг ички элементлардан иборат мустақил системалигини кўрамиз. Шунга кўра, система, структура ва элемент нисбий тушунчалар бўлиб, категориялар сифатида, унга бўлган муносабат доирасида конкретлашади.

Шунинг учун «система», «структура», «элемент» каби фалсафий категориялар нарса ва ходисаларни билишга системали ёндашиш, структуравий таҳлил узилларининг умумметодологик асоси бўлиб ҳисобланади.

Элементларни системани ташкил қилишдаги структуравий аҳамиятига кўра: муҳим ва муҳим бўлмаган, асосий ва асосий бўлмаган элементларга ажратиб ўрганиш алоҳида аҳамиятга эга. Чунки ҳар қандай конкрет элемент, муайян системада макон-замон хусусиятларига кўра, ўз аҳамиятига эга бўлади. Бироқ, уларнинг аҳамиятини, юқорида кўрсатилганидек, турғумлаштириш мутлақо нисбий ҳамда шартли характерга эга бўлиб, муайян манфаатлар ва эҳтиёжлар асосида ёндашишдан келиб чиқади. Шунга кўра, конкрет макон ва замонда системани ташкил қилишдаги элементларнинг аҳамияти структуравий функциясида мукобилликлар вужудга келиб туриши билан изохланади. Яъни, системадаги унинг характерини белгилаб турган муҳим элемент, маълум вақтга келиб муҳим бўлмаган элементга айланиши ёки аксинча бўлиши мумкин.

Умуман, фалсафанинг система, структура, элемент категориялари нарса ва ходисаларнинг мазмунини, шаклини очиб беришда методологик асос бўлади.

Фалсафа фанидаги анъанавий тарзда ёзилган дарсликлар, ўқув қўланмаларидан фарқли уларок, бу категорияларни киёсий таҳлил қилишимиздан мақсад, бошқа жуфт категорияларнинг мазмунини очиб бериш имкониятини яратишдир. Чунки, «моҳият ва ходиса», «мазмун ва шакл», «сабаб» ва оқибат», «зарурият ва тасодиф», «имконият ва воқелик» категорияларининг мазмуни, юқорида кўрсатилган «алоҳидалик», «хусусийлик» «умумийлик», «бутун», «қисм», «структура», «элемент», категориялари мазмуни билан узвий боғлиқдир. Шунинг учун биз фалсафа категорияларини бир-бирини тақозо қилувчи, нисбатан мустақил билиш узилларининг яхлит системаси тарзида олиб қарашни лозим топдик. Лекин, бунинг учун ҳар бир категориянинг мазмунини алоҳида таҳлил қилиш зарур.

«Моҳият ва ходиса» категориясини олиб кўрайлик. Моҳият ўзида алоҳидалик, махсуслик, умумийликнинг мазмунини, сабабини, заруриятини, имкониятини, бутун, қисм, система, структура, элемент тарзида намоён қилади. Ходиса эса, уларнинг боғланиши, алоқадорлик ва муносабатларининг намоён бўлишидир. Моҳиятни алоҳидалик, махсуслик, умумийлик, бутун, қисмга мос келишига қараб, турғумлаштириб ўрганиш мақсадга мувофиқ. Бундан ташқари, субъект назарида аҳамиятига ва функциясига кўра, асосий ва асосий бўлмаган, нисбатан барқарор ёки ўзгарувчан моҳиятларга ажратиб, уларнинг ривожланиши жараёнида ўрнини алмаштириб туришларини эътиборга олиш зарур.

Нарса ва ходисаларнинг моҳиятини билиш уларнинг инсон эҳтиёжларини қондириш вазифаси ва мақсадларини конкретлаштиришдан иборат. Масалан, жамият усткўрмасининг сиёсий элементи бўлган давлатнинг мақсади ва вазифаси, уларни амалга ошириш узил ҳамда воситалари мамлакат худудида яшаётган кишиларнинг муайян ҳаёт шароитларини таъминлашдан иборат бўлиб, унинг моҳиятини ташкил қилади. Шунга кўра, ҳар қандай моҳиятни одамларнинг манфаатлари ва эҳтиёжларига, цивилизация келажагига боғлаб таҳлил қилиндагина, у аҳамиятга эга бўлади.

Нарса ва ходисаларни билиш ҳамда ўзгартиришга инсон муайян эҳтиёжлар асосида ёндошади. Бу ёндошиш субъектив ҳарактерга эга бўлиб, унинг конкрет эҳтиёжлари ва манфаатлари нуқтаи назаридан бахоланади. Масалан, чанқаган киши учун сув унинг чанқоқини қондириш, физик учун-агрегат холати, электр токини ўтқазиши ёки оптик хусусиятлари, химик учун, унинг H2O кимёвий бирикма сифати, тегирмончи учун тегирмон паррагини айлантириш хусусиятлари асосий моҳият ҳисобланади.

Нарса ва ходисалар доимий ривожланиб туриши жараёнида, уларнинг моҳияти ҳам, шунга мос тарзда ходиса ҳам ўзгариб туради. Моҳиятдаги ҳар қандай жўзъий ўзгариш ҳам, унинг муқарар ўзгарган ходисасида ифодаланади. Масалан, сувнинг электр токини ўтқазиш хусусияти, унинг температурасига боғлиқлиги аниқланган. Агар биз сувнинг температурасини маълум даражада кўтарсак, унинг электр токини ўтқазиш хусусиятини ўлчайдиган асбоблар бу ўзгаришларни қайд қилмаслиги мумкин. Лекин, бундан сувнинг моҳиятини ифодалайдиган электр токини ўтқазувчанлик хусусияти йўқолган, деган хулоса келиб чиқмайди.

Нарса ва ходисаларнинг моҳият ва ходиса тарзида боғланишлари макон ва замондаги муайян конкретлиги билан ажралиб туради. Моҳият ва ходиса ўз хусусият-ларига кўра система, структура ва элементларда ўзига хос тарзда намоён бўлади. Шунинг учун ҳар қандай ходисани ва моҳиятни таҳлил қилишда аниқ тамойилларга асосланиш лозим.

Мазмун ва шакл. Фалсафада мазмун ва шакл категорияси нарса, ходисаларнинг мавжудлиги ва ривожланиш жараёнини билиш узили сифатида муҳим аҳамиятга эга. Мазмун нарса ва ходисаларнинг ривожланиш жараёнидаги системани ташкил қилин элементларнинг структуравий боғланиши бўлиб, уни бошқа системалардан фарқини белгилайдиган алоқадорликлар ва муносабатла-рини ифодалайди.

Шакл эса – системани ташкил қилин элементларнинг структуравий боғланишлари, алоқадорликлари, муносабатларининг ифодаланишидир. Хозиргача фалсафий адабиётларда мазмун ва шакл ўртасидаги боғланишларни бир-биридан ажратиб таҳлил қилиш анъанавий ҳарактерга эга. Яъни, мазмуннинг ўзгариши шаклнинг ўзгаришига олиб келади, деган хулоса устувор бўлган. Вахоланки, системанинг элементлари структуравий боғланишларсиз, алоқадорликларсиз мавжуд бўлиш мумкин бўлмаганлигидек мазмун ва шакл ҳам бир-бирисиз мавжуд бўла олмайди. Биз фақат нисбатан мустақил бўлган мазмун ва шаклни билиш хусусиятига қараб, шундай мантиқий хулосага келишимиз мумкин. Бошқача қилиб айтганда, мазмун ва шаклдаги ҳар қандай жўзъий ўзгариш ҳам бир-биридаги ўзгаришларни тақозо қилади, фақатгина биз уларни билиб олган ёки билмаган бўлишимиз мумкин. Масалан, сувнинг агрегат холати, шакли ўзгариши билан унинг мазмуни ҳам ўзгаради. Яъни, сув буғ холатида чанқоқни қондирмайди, ўсимликларни суғориш учун ярамайди. Бундан ташқари, элементларнинг структуравий боғланишлари системанинг ҳарактерини белгилашидан келиб чиқиб айтадиган бўлсак, структуравий боғланишлар шакл сифатида системанинг мазмунини ҳам белгилаб туради. Шунга кўра, шаклни мазмунга нисбатан «икқиламчи» дейиш ноўриндир. Бунга ижтимоий ҳаётдан мисол келтирадиган бўлсак, демократия бошқаришнинг шакли сифатида жамиятнинг мазмунини белгилаб туради.

Фалсафада мазмун ва шакл категориясини бошқа категориялар тизимидан ажратиб олиб, нисбатан мустақил таҳлил қилинда, унга инсонларнинг муайян манфаатлар ва эҳтиёжлар асосида ёндашишларини алоҳида эътиборга олиш керак. Бу умуман мазмун ва шаклнинг объектив ҳарактерига путур етказа олмаса ҳам, уларни бахолашдаги субъектив, мукобил қарашларда ўз ифода-сини топади.

Сабаб ва оқибат. Нарса ва ходисаларнинг ички бирлиги, яхлитлиги ва тарихий тадрижий ривожланиш тамойилига кўра, уларнинг мазмуни ва шакли ўзгариб туради. Ўз навбатида, ҳар қандай системанинг элементлари ўртасидаги структуравий боғланиш конкрет мазмунга эга бўлиб, унга мос мазмунларда ўз ифодасини топади. Бошқача қилиб айтганда, мазмун ва шакл ўртасидаги алоқадорлик, боғланиш, муносабатнинг ҳарактери муайян сабабга асосланади. Яъни, нарса ва ходисаларнинг система шаклида намоён бўлиши, муайян сабаб оқибатидир. Демак, нарса ва ходисаларнинг тадрижий ривожланиши сабаб оқибат муносабатлари тарзида намоён бўлади. Шунга кўра, сабаб – бирор нарса ва ходиса ривожланиш жараёнининг оқибатидир.

Нарса ва ходисаларнинг ривожланиши жараёнидаги сабаб ва оқибат муносабатларини билишда, уларнинг макон ва замондаги тарихий ва мантиқий изчиллиги муҳимдир. Бошқача қилиб айтганда, бир томондан, ҳар қандай сабаб аввалги ходисалар ёки уларнинг ривожланиш оқибати тарзида намоён бўлади. Иккинчи томондан эса, бу оқибат кейинги ривожланишнинг сабаби бўлиб ҳисобланади.

Нарса ва ходисаларнинг ривожланиши асос бўлган сабаблар тизими мавжуд. Уларни шартли равишда: асосий ва асосий бўлмаган, муҳим ва муҳим бўлмаган сабабларга ажратиш мумкин.

Сабабнинг моҳияти аввалги ходисаларнинг оқибати сифатида вужудга келаётган ходисалар учун сабаблигидадир. Шунга кўра, сабабни бир вақтнинг ўзида оқибат тарзида қараш мумкин. Аниқроқ қилиб айтадиган бўлсак, ҳар қандай оқибат сабаб тарзида намоён бўлади. Шу билан бирга, сабабни нарса ва ходисаларнинг ривожланиш жараёнидаги макон ва замондаги даврий такрорланишдан фарқлаш кераш. Чунки, сабаб мавжудликнинг генетик боғланишларини, алоқадорликларини ифодалаши билан биргаликда, уларнинг истиқболларини ҳам белгилаб беради. Хегел тили билан айтганда, сабаб моҳиятнинг ҳаракатдаги мавжудлик холатидир. Сабаб фалсафий категория сифатида қуйидаги хусусиятларга эга:

1) унинг объектив ҳарактери нарса ва ходисаларнинг ички, тарғибий элементлари муносабатларига хос бўлиб, моҳиятнинг реал мавжудлик холатини ифодалайди;

2) сабабнинг конкретлиги нарса-ходисаларнинг хусусиятларидан келиб чиқади, ҳамда унинг индивидуаллигини таъминлайди;

3) сабаб умумий ҳарактерга эга бўлиб, хеч қандай нарса ва ходисанинг ривожланиши сабабсиз содир бўлмайди;

4) сабаб зарурий бўлиб, муқарар равишда, муайян оқибатларни келтириб чиқаради;

5) сабабнинг узлуксизлиги, бир томондан, турли сабабларнинг изчил боғланишларини, муносабатларини, иккинчи томондан, ҳар бир сабабнинг оқибат тарзида олдинги сабаб билан боғлиқлигини ҳарактерлайди.

Зарурият ва тасодиф. Объектив оламни билишда зарурият ва тасодиф категорияси муҳим фалсафий-методологик аҳамиятга эга. Зарурият – нарса ва ходисаларнинг вужудга келиши, шаклланиши ва ривожла-нишини таъминлайдиган шарт-шароитлар,

муносабатлар мажмуасидир. Тасодиф эса – заруриятнинг намоён бўлиш шаклидир.

Зарурият ва тасодиф категорияси оламни фалсафий билишнинг муштарақлигини ва самарадорлигини таъминлайди.Шу нуқтаи назардан, заруриятни турғумлаштирганда, унинг макон ва замондаги структуравий тузилишини ташкил қилин элементларини системали-структурали таҳлил қилиш лозим. Шунингдек, заруриятни сабаб-оқибат муносабатлари тарзида тушуниш лозим. Зарурият нарса ва ходисаларнинг муқарар ривожланиш қонуниятдан келиб чиқади ҳамда объектив сабаблар тизимига асосланади. Масалан, Ўзбекистон мустақилликка эришгандан кейин, бозор иқтисодиёти муносабатларига ўтиши тарихий обеъктив заруриятдир, унинг «ўзбек модели» асосида амалга оширилиши заруриятнинг конкрет намоён бўлишидир. Бунда тасодиф «субъективлаштирилган» жараён сифатида кўзга ташланса ҳам, объектив ходисадир. Чунки, Ўзбекистоннинг тарихий, ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ва маънавий ривожланишининг миллий хусусиятлари, бозор муносабатларига ўтишнинг ҳарактерини белгилаб беради.

Зарурият ва тасодиф, категориясига бошқа категориялар каби, уни аниқлаш ва бахолашга муайян субъект эҳтиёжлари, манфаатлари нуқтаи назаридан ёндашиладиган бўлса, муқобил қарашлар вужудга келади. Масалан, собиқ Иттифоқнинг парчаланиб, мустақил давлатларнинг вужудга келиши, айрим назариётчилар томонидан тасодифий ходиса деб бахоланиб, унинг зарурий, объектив қонуний ҳарактери инкор этилмоқда. Вахоланки, жамият тараққиётида хеч қандай империянинг абадий бўлмаслигини тарихий тажрибалар доимий исботлаб келган. Демак, бунда биз заруриятни кўриб турибмиз.

Зарурият ва тасодифнинг алоқадорлиги, боғланиши шундаки, улар бир-бирисиз мавжуд бўла олмайди, яъни заруриятнинг муқарарлиги тасодифга ҳам хосдир. Шунинг учун фалсафий адабиётларда тасодифларнинг муқарарлиги, тарихийлиги, сабабийлигини, қонунийлигини инкор қилувчи қарашлар ғайриилмийдир.

Имконият ва воқелик – фалсафанинг муҳим категорияларидир. Имконият нарса ва ходисаларнинг макон ва замондаги ривожланиш тенденциясини таъминлайдиган, муайян қонуниятларга асосланади. Воқелик эса, шу қонуниятларга асосланган ривожланишнинг намоён бўлишидир. Имконият ва воқелик категориясини ҳам, билишнинг умумий мантиқий тамойилларига кўра, бошқа категориялар билан боғлиқликда таҳлил қилиш муҳим аҳамиятга эга. Имконият нарса ва ходисалар ривожланиш жараёнининг ички бирлигини ифодалайди ва уларнинг ривожланиш шарт-шароитларини, сабабларини, зарурий қонуниятларини, моҳиятини ўзида мужассамлаштирган.

Имкониятнинг воқеликка айланиши қонуний ходисадир. Унинг реал, формал, мавхум имконият деб аталадиган шакллари бор. Ўзбекистон мустақилликка эришгандан кейин демократик хуқуқий жамият қуриши учун реал имкониятлар вужудга келди. Бундай имкониятлар И.А. Каримовнинг «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка тахдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари» асарида кўрсатиб берилди.

Имконият категориясини, унинг шарт-шароити билан аралаштирмаслик керак. Шарт-шароитлар оқибат, тасодиф, ходиса сифатидагина имкониятга таъсир қиладиган омиллар мажмуасидан иборат. Мавжуд воқелик тарихий генезисига кўра, ўзида бошқа воқеликнинг имкониятларини мужасамлаштирган бўлади. Масалан, бозор иқтисодиётининг хозирги босқичи реал воқелик сифатида, унинг кейинги ривожланиш имкониятларини намоён қилади.

Такрорлаш учун саволлар:

1. Метод ва методология тушунчаларига таъриф беринг?
2. Ўзгариш, ҳаракат, тараққиёт ва ривожланиш деганда нимани тушунасиз?
3. Қонун ва фалсафий қонунларга изоҳ беринг?
4. Қарама қаршилик зиддият тушунчаларига мисол келтиринг?
5. Ўзаро алоқадорлик ва таъсир деганда нимани тушунасиз?
6. Боғлиқлик нима, турларини келтиринг?
7. Категория ва фалсафий категорияларга изоҳ беринг?
8. Сабаб ва оқибат, имкон ва воқейлик, зарурият ва тасодифга мисол келтиринг?
9. Фалсафий қонун ва категорияларни ўрганишнинг аҳамияти нимада?

Таян сўзлар ва иборалар:

Ўзгариш тушунчаси, Ҳаракат тушунчаси, тараққиёт тушунчаси, Қонун, Қонуният, Объективлик, Фалсафий қонунлар, Ўзгаришлар жараёни, тараққиёт жараёни, Фалсафий категориялар, Ёшлар тарбияси, Метод, Методология, Тоқ ва Жуфт категориялар, Ривожланиш, Боғлиқлик, Ўзаро таъсир.

“Фалсафа”фанини ўқитишда педагогик технологик карта. 6-**мавзу.**

Мавзу	**ОНГ ВА РУҲИЯТ: ФАЛСАФАДА БИЛИШ МУАММОСИ. ФАН ФАЛСАФАСИ. (2 соат)**
Мақсад	**Ўқитувчи:** Онг ва руҳият, билиш ва билим, илмий билиш ва унинг шакллари, фан ва унинг тараққиёти каби масалаларни, уларнинг тарбиявий аҳамиятини тушунтиради. **Талаба:** мавзуни тинглаши, ўрганиши, дарсда фаол иштирок этиши. Топшириқларни бажариши.
Вазифа	**Ўқитувчи:** мавзуга оид мультимедиа материалларини, оғзаки маълумотларни, тарқатма материалларни талабалар жамоа ҳолатида ўзлаштириб олишлари, ҳамда “Ақлий

	ҳужум”, муаммо пед.технологиялари орқали Онг ва руҳият, билиш ва унинг босқичлари, фан ва Ўзбекистонда унинг ривожи каби масалаларни мазмун моҳияти таҳлил қилиш ҳамда булар ҳақидаги талабаларнинг ўзлаштирган билимларини назорат қилишдан иборат. **Талаба:** Мазкур мавзу ҳақида берилган билимларни яхши билиши, ўзлаштириб олишлари керак.	
Дарс жараёнининг ташкил этилиши	1.Ташкилий қисм 2.Мақсад ва вазифаларни қўйиш 3.Ўрганилганларни умумлаштириш, такрорлаш, тизимлаштириш 4.Якун ясаш 5.Уйга вазифа	5 дақиқа 2 дақиқа 60 дақиқа 8 дақиқа 5 дақиқа
Дарс жараёнининг мазмуни	Онг ва руҳият тушунчаси, келиб чиқиши, ўзаро боғлиқлиги, инъикос ва унинг шакллари, онг ва англаш, онг ва ахборот, онг ва тил, онглилик ва онгсизлик, онг ости ҳодисаси, онг шакллари, ижтимоий онг, индивидуал онг тушунчаларини, онг фаолияти, билиш ва унинг босқичлари, илмий билиш, фан ва унинг йўналишлари, Ўзбекистонда замонавий фан ривожи ва у билан боғлиқ масалаларни ёритиб бориш.	
Ўқув жараёнини амалга ошириш технологияси.	**Услуб**: оғзаки баён қилиш, “ақлий ҳужум”, “муаммо” пед технологияси. **Шакл**: маъруза, жамоада ва гуруҳларда ишлаш. **Восита**: презентация, тарқатма материаллари, нутқ. **Усул:** тушунтириш, кўрсатиш, ёздириш, сўраш, муаммоли савол. **Назорат**:, оғзаки назорат, кузатиш.	
Кутилаётган натижалар	**Ўқитувчи:** мавзу барча талабалар томонидан ўзлаштирилишига эришиш. Талабалар фаоллигини ошириш. Талабаларда дарсга нисбатан қизиқишни кучайтириш. Ўз олдига қўйган мақсадига эришиш. **Талаба:**	
Келгуси режалар	**Ўқитувчи:** янги педагогик технологияларни ўзлаштириш ва дарс жараёнига татбиқ этиш, ўз устида мунтазам ишлаш. Ўтилаётган мавзу ҳаёт билан боғлаши, педагогик маҳортни ошириш. **Талаба:** мавзу бўйича қўшимча адабиётлар билан танишиш,	

	уларни ўрганиш.
Дил сўзлари	Эътиборингиз учун раҳмат, саломат бўлинг.

6-мавзу: ОНГ ВА РУҲИЯТ: ФАЛСАФАДА БИЛИШ МУАММОСИ. ФАН ФАЛСАФАСИ.
(2 соат)

1. Онг ва руҳиятнинг шаклланиши ва ривожланиши ҳақидаги табиий-илмий тасаввурлар ва қарашлар.
2. Билим ва билиш фалсафий таҳлил мавзуи сифатида.
3. Илмий билишнинг моҳияти ва усуллари.
4. Ўзбекистон фани, унинг ташкилий тузилмалари, илмий ҳамкорликлари.

АДАБИЁТЛАР

1. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка тахдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. - Т, «Ўзбекистон», 1997.

2. Каримов И.А. Баркамол авлод — Ўзбекистон та-раккиётининг пойдевори. — Т, «Ўзбекистон», 1997.

3. Каримов И.А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. — Т., «Ўзбекистон»,1998.

4. Каримов И.А. Донишманд халқимизнинг мустаҳкам иродасига ишонаман. «FIDOKOR» газетаси, 2000 йил 8 июн.

5. Основы философии. — Т,. Ўзбекистон, 1998.

6. Фалсафа. Ўқув қўлланма.Т.1999

7. Фалсафа асослари. Т.2005

8. Фалсафа маъруза матнлари. Т.2000

1.масала. Онг нима? инсон азал-азалдан ўзигагина хос бўлган онгнинг нима эканлиги тўғрисида уйлаб, бахслашиб ке-лади. Бу бахсларнинг бир жиҳати, онг табиат махсўлими ёки инсон онги илохий яратилганми? деган масаладан иборат. Иккинчи жиҳати эса, инсон дунёни доимо бир хил англаганми? Яъни асрлар давомида инсон онги такомиллашиб келганми ёки ҳамон ўша-ўшами? деган муаммо билан боғлиқ.

Онгнинг табиатини англаш масаласи – энг кадимий фалсафий масалалардан бири, дейиш мумкин. Онгнинг моҳияти, унинг турли кўринишлари ўртасидаги муносабат каби масалаларни ўрганиш билан айнан фалсафа шуғилланади.

Онгни диний тушуниш уни илохий ходиса, худо яратган мўъжиза тарзида талқин қилишга асосланади. Кўпгина динларда инсон онги буюк илохий ақлнинг миттигина акс этиши, унинг намоён бўлиш шакли тарзида тавсифланади. Инсон танасидаги рух бизнинг истак ва фикрларимизнинг ташувчисидир. Жон ўлиши билан онг ҳам ўлади. Бундай қарашларнинг илдизи жуда кадимий бўлсада, улар ҳамон ўзининг кўплаб тарафдорларига эга.

Онг моддийликнинг мияда акс этиши деб тушунишда, унинг моҳияти инсон танаси фаолияти билан боғлаб талқин этилади. Бундай қарашлар ҳам кадимий илдизларга эга. XVIII асрга келиб онгни бевосита инсон мияси фаолияти билан боғлашга ҳаракат қилинган қарашлар ҳам шаклланди. Айни пайтда материалистик йўналиш номини олган бундай ёндашувлар доирасида онгнинг моҳиятини бўзиб талқин қилиш холлари ҳам пайдо бўлган. Фалсафа тарихида «Вульгар материализм» деб ном олган оқим намояндаларининг қарашлари бунга мисол бўла олади.

Хўш, онг тарихан қачон ва қандай омиллар таъсирида шаклланган? У ҳақикатан ҳам мия билан боғлиқми?

Онг тарихи инсоннинг инсон бўлиб шакллана бошлаши тарихи билан боғлиқдир. Узоқ вақт давомида инсон, унинг онги планетар, яъни ер шари доирасидаги ходиса сифатида қараб келинди. Хозирги замон фани масалага кенгроқ доирада ёндашиш зарурлигини кўрсатмоқда. Чунки фан далиллари инсон пайдо бўлишини фақат Ерда кечган жараёнлар билан чеклаб қўйиш тўғри эмаслигини, у коинот эволюциясининг табиий хосиласи эканлигини тобора чуқурроқ исботламоқда.

Онг тарихи Қуёш системаси ва унда миллионлаб йиллар давомида содир бўлган ўзгаришлардан ҳам айрича олиб қаралиши мумкин эмас. Айнан мана шу жиҳатдан олганда, онгнинг шаклланишини космик ходиса сифатида қараш ҳам мумкин.

Инъикос шакллари эволюцияси ва онг. Онг инъикоснинг олий шаклидир.. Инъикос муайян таъсир натижасида пайдо бўлади. Энг умумий маънода, ҳар қандай предметларнинг у билан таъсирлашувда бўлган бошқа предметларнинг таъсирини муайян тарзда акс эттириши билан боғлиқ хоссасига инъикос дейилади. Шу маънода инъикос ҳамма жойда мавжуд. Айни пайтда ҳар бир холатда у ўзига хос хусусиятга эгадир. Чунончи, нотирик табиатдаги инъикос билан тирик табиатдаги инъикос бир-биридан тубдан фарқ қилади. Нотирик табиатда инъикос оддийлиги билан ажралиб турса, тирик табиатда у мураккаб ҳарактер касб этади.

Шу билан бирга, нотирик табиатда инъикос пассивлиги, тирик табиатда эса, фаоллиги билан ажралиб туради. Тирик табиатда инъикос ташқи таъсир натижаларидан фаол фойдаланишни келтириб чиқарувчи ахборотли инъикос шаклини олади.

Айни пайтда ахборотли инъикоснинг ўзи тирик табиатнинг ҳар бир даражасида янада мураккаблашиб, ўзига хослик касб этади. Мана шундай мураккаблашув жараёни психик инъикоснинг шаклланишига замин яратди. Айнан психик инъикос даражасида воқеликка актив муносабат ҳам шаклланади, инъикоснинг илгарилаб боришидан эса, ўз навбатида, унинг ўзига хос, юқори шакли бўлган онгнинг пайдо бўлишига имконият яратди.

Онг ва мия. Инсон мияси нозиқ, мураккаб тузилишга эга бўлган тизимдир. Айнан унинг мураккаблиги онг пайдо бўлиши мумкинлигининг асосий шартидир. Бундай холат ҳам узоқ давом этган эволюциянинг табиий хосиласидир.

Аммо юксак даражада ташкил топган миянинг ўзи ҳам хали онг пайдо бўлиши учун етарли эмаслигини унутмаслик лозим. Бу мия нормал функционал фаолият кўрсатиши зарур. Ва нихоят, нормал функционал фаолият кўрсатувчи мия сохиби ижтимоий муносабатларга тортилган бўлиши шарт.

Шу ўринда вульгар материалистлар қарашларига яна бир марта мурожаат қилиш лозим. Агар улар ҳақ бўлганида эди, хайвонот оламига тушиб қолган инсон болаларида ҳам онг шаклланган бўлиши керак эди. Улар хайвонлар орасида бўлганида ҳам жигар сафро ишлаб чиқараверади. Аммо, мия онгни ишлаб чиқармайди. Бундан онгнинг ижтимоий-руҳий ходиса эканлиги ва у фақат жамиятдагина шаклланиши мумкинлиги хақидаги хулоса келиб чиқади.

Онг ва рухият (психика). Онг психик инъикоснинг ўзига хос, юксак шаклидир. Аммо, бу психика ва онг тушунчаларини айнанлаштириш учун асос бўла олмайди. Негаки, психика хайвонларга ҳам хосдир. Гап инсон психикаси хақида кетганда ҳам, у онг тушунчасига нисбатан кенг камровлилик касб этишини унутмаслик лозим. З. Фрейд фикрича, психика онгсизлик, онг ости ходисаларини ва онгнинг ўзидан иборат уч қатламдан ташкил топган. Инсон ҳаёти ва фаолиятида онг билан бир қаторда онгсизлик ва онг ости ходисалари ҳам муҳим ахмиятга эга.

Психологлар фикрича, инсон фарзандининг камол топа бориши билан бир қаторда кўплаб функциялар онг назорати остидан чиқиб автоматик ҳарактер касб этиши билан ҳарактерланади. Айтайлик, биринчи марта машинага утирганимизда, биринчи марта сурат олаётганмизда деярли барча ҳаракатларимиз онгнинг қаттиқ назорати остида бўлади. Хатти-ҳаракатларнинг онгсизлик сохасига кучиши бир томондан онг «юки» нинг енгиллашига хизмат қилса, бошқа томондан, онгнинг асосий кучи, қуввати, «диққати»ни, инсон ҳаёти учун муҳим бўлган ҳаракат, жараёнларга каратилишига имконият яратади.

Онгсизлик доирасига онг назоратидан ташқарида қолган сезги, тасаввур, инстинкт ва интуиция каби ходисалар ҳам киради. Ана шу хусусиятларни инобатга оладиган бўлсак, онгсизлик онг мавжудлиги ва ривожланишининг табиий шарти дейиш мумкин. Онг ости ходисалари ҳам психик жараёнларнинг муҳим буғинидир. З. Фрейд фикрича, улар онгсизлик билан онг ўртасидаги чегаравий сохадир.

Онгнинг тузилиши. Онг ўзаро алоқада бўлган турли унсур (элемент) лардан ташкил топган мураккаб маънавий тузилишга эга.

Онг инъикоснинг ўзига хос шакли экан, аввало, унда акс эттириладиган объект хақидаги муайян билимлар хиссий ва рационал шаклда ўз ифодасини топади. Демак, **билим** онг тузилишининг асосий унсуридир. Шунинг учун ҳам билимларнинг бойиб, чуқурлашиб бориши онг ривожланишини ҳарактерлайдиган муҳим белги сифатида юзага чиқади.

Онг тузилишининг яна бир унсури хилма-хил кўринишларда намоён бўладиган **кечинмалардир.** Уларда инъикос объектига муносабат гавдаланади. Билимларимизнинг чуқурлиги ва куламлилиги, хиссиётларимизнинг намоён бўлиши ёки бўлмаслиги интилишимиз — иродамизга боғлиқ. Ирода кучи оламни англаш жараёнида юзага келадиган ҳар қандай тўсиқларни енгиб ўтишга, кўзланган мақсад йўлида тинмай ҳаракат қилишга йўл очади.Ирода табиатнинг инъоми эмас.

Онг ва тил. Тил онгнинг инсонгагина хослигини исботловчи омиллардан биридир. Тил, бу энг аввало, муайян белгилар тизими демакдир. Аммо, тилнинг хусусиятларини шу билангина чеклаш тўғри эмас. Негаки, муайян белгилар тизими хайвонларга ҳам хос, улар ёрдамида жонзодлар ўртасида муайян ахборот алмашинуви содир бўлади.

Хатти-ҳаракат ёки бошқа белгилар ёрдамида узатилаётган ахборотнинг мазмуни муайян вазиятдаги холат билан белгиланган бўлади. Бундан фарқли уларок инсон нутқи, тили конкрет вазият, макон ва замондан холи бўлиши, унга боғлиқ бўлмаслиги ҳам мумкин. Бошқача айтганда, у ўзида ўтмишни, хозирги холатни ва истиқболни ҳам ифодалаши мумкин. Бу инсон тилининг бел-гилар тизими сифатида хайвонот дунёсида амал қиладиган белгилардан туб фарқини кўрсатувчи муҳим хусусиятидир.

Тил қайд қилинганидек, белгилар тизимидир. Фан юксак тараккий қилин хайвонларда ахборот узатишга хизмат қиладиган мураккаб белгилар тизими мавжуд эканлиги ва у хайвонот олами эволюцияси билан бир пайтда такомиллашиб борганлигини исботламоқда. Демак, тил йўқ жойдан, бирданига пайдо бўлиб колмаган. Онг инъикос шаклларнинг узоқ давом этган эволюциясининг табиий хосиласи бўлганидек, у билан узвий боғлиқ бўлган инсон нутқи ҳам ахборот узатишга хизмат қиладиган белгиларнинг мураккаблашиб бориши жараёнининг зарурий натижасидир.

Демак, тил белгилар тизими сифатида келиб чиқишидан қатъий назар фақат инсонгагина хос ва у онг билан узвий боғлиқдир. Негаки, тилда онг гавдаланади. Тил ёрдамидагина онг кишининг ўзи ва бошқалар учун воқеликка айланади. Тил фикрлаш қуроли, мулоқот воситаси сифатида доимий такомиллашув жараёнини бошидан кечирмоқда. Айни пайтда инсоният биз кундалик ҳаётда куллайдиган табиий тил билан бир қаторда мулоқотнинг ранг-баранглигини таъминлайдиган, фикрни ифодалашга хизмат қиладиган ўзига хос имо-ишоралар рақс, мусиқа «тилига» ҳам эга. Шундай бўлсада, улар сўзга кучгандагина англашилади, ундаги мазмун тушунарли бўлади.

Шу билан бирга миллий тиллар билан бир қаторда илм- фан ютуқларининг тез тарқалишида муҳим роль уйнайдиган интернационал тил фан тили, унинг тушунчалари ва формулалари ҳам борлигини унутмаслик керак. XX асрда кулланиш доираси тобора кенгайиб бораётган электрон хисоблаш машиналарининг «бейсик», «фортан» каби тиллари яратилди.

Онг ва тил муносабати хақида гап кетар экан, тил ўзига хос тарихий хотира ролини ўташини ҳам унутмаслик керак. Бу миллий тиллар мисолида айниқса, яққол кўринади. Зеро, миллат тилида унинг ўзлиги, босиб ўтган тарихий йўли, тафаккур тарзи акс этади, мустаҳкамланади. «Она тили, — деб ёзади Президентимиз, бу миллатнинг рухидир. Ўз тилини йўқотган ҳар қандай миллат ўзлигидан жудо бўлиши муқарар» .

Ўз-ўзини англаш, унинг шакллари. Инсон объектив воқеликни акс эттириш билан бир қаторда ўзи хақида фикр юритиш, рухида кечаётган жараёнларни таҳлил қилиш, хатти-ҳаракатларини назарий таҳлил қилишдек қобилиятга ҳам эга.

Ўзини ўзгалардан ажрата билиш, ўзига муносабат, имкониятларини бахолаш ўз-ўзини англаш сифатида намоён бўлади. Ўз-ўзини англашда ўзини билиш, бахолаш ва тартибга солишдек унсурларни ажратиш мумкин. Бу унсурлар ўз-ўзини англашнинг сохибига-субектига кўра фарқланувчи муайян шахс, ижтимоий гуруҳ, миллат, жамиятга хосдир.

Шахснинг ўз-ўзини англаши хақида гап кетар экан, у ўзини алоҳида организм, оила, ижтимоий гуруҳ, миллат, маданиятга мансублигини ва юқоридаги хусусиятларидан қатъи назар алоҳида ва бетакрор «Мен» сифатида англашдек босқичларни босиб ўтишини таъкидлаш зарур.

Шахснинг ўз-ўзини англаш жараёнида у мансуб бўлган **маданиятнинг** ўрни нихоятда катта. Зеро, айнан маданият халқ, миллат тўплаган тажриба, билимларни ўзида мужассамлаштирган холда шахс дунёқараши шаклланишига фаол таъсир ўтказади.

Шунинг учун ҳам шахс маданияти, хулқу одоби, онги, ўз-ўзини англашининг даражасини белгиловчи индиқатор сифатида намоён бўлади.

Шахснинг ўз-ўзини англаш жараёнига турли ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ва мафкуравий омиллар ҳам кучли даражада таъсир кўрсатади. Ана шундай хилма-хил таъсирлар мавжудлиги шахснинг ўз-ўзини англаши, бахолаши ва фаолиятини тартибга солиши, назорат қилишини таъминлайди. Акс холда озгина иқтисодий қийинчилик, кичкинагина ижтимоий муаммо шахс ҳаётини издан чиқариб юбориши, турли хил таъсирлар домига тортиши мумкин. «Мана шундай бир вазиятда одам, – деб ёзади И.А. Каримов, – ўз мустақил фикрига, собит эътиқодига, ўзи таяниб яшайдиган ҳаётий-миллий қадриятларга, шаклланган дунёқараш ва мустаҳкам иродага эга бўлмаса, ҳар турли мафкураларнинг босимига, уларнинг гох ошкора, гох пинхона кўринишдаги тазйикларига бардош бериши амримахол» . Буни тушуниб олиш бугунги кунда инсон онги ва қалби учун кўраш тобора кескинлашиб ва интенсивлашиб бораётган бир шароитда айниқса муҳимдир.

Онг ва ахборот. Кейинги йилларда «Информацион портлаш» тушунчаси ҳам тез-тез ишлатилмоқда. XX асрнинг энг муҳим ютуқларидан бири бу компьютерларнинг яратилганлигидир. Уларнинг яратилиши бир томондан инсон онги, тафаккури, куч қудратининг, иккинчи томондан, ана шу кучга тўшадиган юкнинг енгиллашишига хизмат қиладиган воситани яратиш йўлидаги ўринишларнинг натижаси бўлди. Хўш, буларнинг инсон онги ва тафаккурининг моҳияти билан нима алоқаси бор? Гап шундаки, ЭХМ лар ҳам инсон тафаккурига хос бўлган хусусиятларга эга. Бундай хусусиятларга, унинг тобора кўпроқ эга бўлиб бориши, ЭХМ фикрлай оладими, агар инсон ўзига хос хусусиятларини уларга тобора кўпроқ кўчириб бораверса, охир оқибатда, бир вақт келиб, у ўзи яратган ана шу қуролнинг кулига айланиб қолмайдими, деган саволларнинг кун тартибига куйилишига олиб келди. Инсоннинг фикрлаш жараёни онгсизлик, онглилик, кечинмалар, ижод каби ходисаларни қамраб олади. Компьютер эса бундай хусусиятларга эга эмас. Айрим тадқиқотлар натижаларига кўра, хозирги даврда фан сохасида эришилган натижалар ҳар ун йилда, информация олиш эса ҳар 3-4 йилда икки баробарга ошмоқда. Ана шундай шароитда инсон онги, унинг хотира қудрати бу ахборотларни ўзлаштира оладими, деган савол кундаланг булмоқда. Янги билимлар, ахборот оқими унчалик кучли бўлмаган яқин ўтмишда тиришқоқ киши инсоният билими эришган асосий натижаларни ўзлаштира олар эди. Бугунги кунда фақат фаннинг турли йўналишлари бўйича йилига бир неча миллион китоб нашр этилмоқда. Хисоб-китобларга кўра, инсон энг янги адабиётларни ўрганиб боришга ҳаракат қилганда ҳам, унинг ҳар бир ўқиган бетига ун минг ўқилмаган сахифа тўғри келар экан.

Кишиларнинг пайдо бўлган янги китобларнинг аксариятини жисмонан укиб улгурмаганлиги «информацион портлаш» келтириб чиқараётган оқибатларнинг бир кўриниши, ҳолос. Масаланинг яна бир жиҳати борки, бу инсон тўплаган билим, ахборотнинг маънавий эскириши, кераксиз бўлиб колаётганлигидир. Умумлаштириб айтганимизда, онгнинг моҳиятини, унинг коинот эволюциясининг табиий натижаси эканлигини тушуниш, у билан боғлиқ бўлган жараёнларни илмий талқин этиш олам ва одам бирлигини англаш имконини беради. Айни пайтда, онгнинг моҳиятини англаш инсоннинг ўзлигини, яшашдан мақсади, ҳаётининг маъно-мазмуни каби масалаларни чуқурроқ тушунишга йўл очади. Бу онг ва у билан боғлиқ масалалар амалий аҳамиятга эга эканлигидан далолат беради.

Ҳар бир кишига хос индивидуал онг бўлиши исбот талаб килмайдига хол. Шу билан бирга хилма-хил кишилар, турли-туман сохалар, гуруҳ, партия, миллат каби ижтимоий бирликлардан иборат жамият учун ҳам умумий англаш мезонлари ва меъёрлари борми? Жамият ягона жисм эмаску, унда яхлит англаш узили ва умумий онг

бўлиши тўғрисида гапириш қандай буларкин? деган саволлар ҳам учрайди. Бу саволларнинг тарихи узоқ.

Одамзод бир-бири билан алоқаларини тартибга солиб турадиган маънавий, ахлоқий мезонлар, умумий қараш ва интилишлар, манфаат ва мақсадлар ҳам борлигини англаганидаёк, ижтимоий онг мавжудлигига ишонган.

Жамият мураккаб ва серқирра ходиса. Унинг хилма-хил сохаларида содир бўлаётган ўзгаришлар кишилар онгида ўз аксини топмаслиги мумкин эмас. Ана шу жараённи ифодалаш учун, одатда, ижтимоий ва индивидуал онг тушунчаларини ишлатамиз. Хўш бу тушунчаларнинг фарқи нимада, улар қандай қонуниятлар асосида ривожланади?

Ижтимоий онг табиий ва ижтимоий воқеликнинг инъикоси, жамиятнинг муайян даврига ёки қисмига тегишли бўлган умумий хис-туйғулар, кайфиятлар, қарашлар, ғоялар, назариялар мажмуидир.

Ижтимоий онг туфайли жамиятнинг ўз-ўзини англаши содир бўлади, кечаётган жараёнларга муносабати шаклланади. Ижтимоий ўзгаришлар билан бир қаторда ижтимоий онг ҳам ўзгариб ривожланиб бораверади. Аммо бундан, асло, ижтимоий онгнинг тараққиёти фақат ижтимоий воқеликдаги ўзгаришларгагина боғлиқ эканда, деган хулоса келиб чиқмайди. Зеро, ижтимоий онг ўз тараққиётида нисбий мустақиллик ҳарактерига ва ижтимо-ий воқеликка фаол акс таъсир эта олиш хусусиятига ҳам эгадир.Ижтимоий онгнинг бундай хусусиятлари нималарда кўринади?

Аввало, ижтимоий онгга ворислик хос эканлигини таъкидлаш лозим. Бу ижтимоий онг шаклларининг ўз ривожланиш мантиқига, қонуниятларига эга эканлигида яққол намоён бўлади. Бундан ташқари, ижтимоий онг ривожида унинг турли шаклларининг ўзаро таъсири ҳам муҳим рол уйнайди.

Ижтимоий онгнинг моҳияти уни индивидуал онг билан солиштирганда янада яққол намоён бўлади.

Индивидуал онг муайян, гуруҳ, элат, миллатга мансуб бўлган айрим кишининг онги бўлиб, жамиятдаги воқелик ва реал борлиқнинг алоҳида олинган шахснинг онгида акс этишдир.

Ижтимоий ва индивидуал онгнинг моҳиятини чуқурроқ англаш учун улар ўртасидаги ухшаш ва фарқли томонларни тушуниб олиш мақсадга мувофиқдир.

Ижтимоий ва индивидуал онг ўртасидаги ухшашлик бир томондан, ҳар иккаласининг ҳам ижтимоий воқеликни акс эттиришида кўринади. Бошқа томондан, ижтимоий онг воқеликни индивид онги орқали акс эттиради. Ижтимоий онг билан индивидуал онг ўртасида фарқли томонлар ҳам мавжудки, улар қуйидагиларда кўринади:

Биринчидан, индивидуал онгнинг сохиби, субъекти алоҳида олинган индивид бўлса, ижтимоий онгнинг субъекти жамиятдир.

Иккинчидан, уларнинг фарқи шаклланиш шарт-шароитларида кўринади. Зеро, ижтимоий онг ижтимоий воқеликнинг инъкоси бўлса, индивидуал онг тараққиётига ижтимоий онг билан бир қаторда шу шахсгагина хос бўлган темперамент, ҳарактер каби хусусиятлар, унинг моддий ахволи, оилавий, диний, миллий-маданий мансублиги каби омиллар, ҳамда у бевосита тортилган ижтимоий муносабатларнинг ҳарактери ҳам муайян даражада таъсир кўрсатади. Бошқача айтганда, ижтимоий онгга куламлилик, кенг камровлилик, индивидуал онгга эса ўзига хослик, бетакрорлик хосдир.

Учинчидан, ижтимоий онг ижтимоий воқеликни акс эттирганлиги учун муайян қонуниятларга бўйсунади, улар асосида ривожланади. Индивидуал онг эса, айрим индивиднинг туғилиши билан шаклланиб, тараккий қилиб бориб, унинг вафоти билан барҳам топади. Аммо бу индивид онгининг бутунлай барҳам топишини ҳамма вақт ҳам англатавермайди. Чунки индивид онги у яратган асарлар, кашфиётлар шаклини олиб, кейинги авлодлар томонидан мерос сифатида қабул қилиб олиниши мумкин.

Тўртинчидан, индивидуал онг айрим сохаларда ижтимоий онгдан ўзиб кетиши ёки оркада қолиши мумкин. Фан тарихида кескин бурилишлар ясаган олимларнинг, жамият тараққиётининг истиқболларини олдиндан айтиб берган мутафаккирларнинг қарашлари индивидуал онг баъзан ижтимоий онгдан нечоқлик илгарилаб кетиши мумкинлигига ёрқин мисол бўла олади.

Ижтимоий онгнинг структураси ижтимоий муносабатлар ва кишилар фаолиятининг турлари билан белгиланади. Одамлар фаолияти қанчалик хилма-хил, уларнинг ижтимоий муносабатлари қанчалик бой бўлса, ижтимоий онг ҳам шунчалик бой ва мураккаб бўлади. Воқеликни акс эттириш даражасига кўра, ижтимоий онг одатий ва назарий онгга бўлинади.

Одатий онг ҳаётий тажриба асосида вужудга келган оддий хулосалар, қарашлар мажмуидан иборат бўлиб, кишиларнинг кундалик ҳаётидаги воқеаларни акс эттиради ва ривожланади. Унинг сохиблари – субъектлари алоҳида олинган шахсларнинг ҳаётий тажрибаси, қизиқишлари, қобилиятлари, билимлари, ҳаётда эгалланган мавқелари хеч қачон бир хил бўлмайди.

Одатий онгда назарий билимларга далил ва асос бўлиб хизмат қиладиган элементлар бўлади. Олимлар, санъаткорлар турли назариялар, бадиий образлар яратишда ҳаётий-кундалик онгга асосланадилар, ундан маънавий озиқ оладилар.

Одатий онгда халқ донишмандлиги, анъана ва урф-одатлар, кундалик турмуш қоида ва талаблари, табиат хақидаги билимлар, шунингдек турли уйдирмалар, нотўғри қарашлар ҳам ўз ифодасини топади. Кўп асрлик ҳаётий тажрибани ихчам шаклда ўзида мужассамлаштирган халқ маколлари бунга мисол бўла олади. Одатий онг соф холда учрамайди. Чунки, инсон фарзанди мурғақлик давриданоқ ўз атрофидагилар, сўнгра китоблар, таълим тизими ёрдамида инсон заковати эришган илмий билимларни ҳам ўзлаштиришга киришади. Бошқача айтганда, содир бўлаётган воқеаларга нафақат ўз тажрибаси, балки илмий билимлар нуқтаи назаридан ҳам бахо бера бошлайди, назарий онг таъсирида бўлади.

Хўш, назарий онг деганда нимани тушуниш керак?

Назарий онг деганда назариётчилар, олимлар ишлаб чиққан назарий қарашлар ва илмий билимлар тизими тушунилади. Одатий онгдан фарқли улароқ назарий онг ўзгарувчан ҳарактерга эга. Бу ўзгарувчанлик илмий билимларнинг шиддатли ривожланиши, воқелик хақидаги билимларнинг доимий чуқурлашиб ва кенгайиб бориши билан белгиланади. Шунингдек, одатий онгга воқеаларнинг ташқи томонини ифодалаш хос бўлса, назарий онг воқеаларнинг моҳиятини, ривожланиш қонуниятларини акс эттиради. Шунинг учун ҳам у одатий онгга фаол таъсир қила олади ва кундалик тажриба асосида хосил қилинган билимларни саралашга ёрдам беради.

Ижтимоий психология социал мухит, кундалик турмуш шароитлари таъсири остида вужудга келади ва ривожланади. Уни субектига кўра муайян ижтимоий гуруҳ, элат, миллат психологияси каби турларга бўлиш мумкин.

Миллатларнинг этносоциал бирлик сифатида шаклланишида ижтимоий-иқтисодий муносабатлар устувор аҳамиятга эга. Тарихга назар ташлар эканмиз, айрим худудда яшаган ахолининг доимий алоқада бўлиши, ўзаро таъсири, муносабати натижасида тилда, маданиятда умумийликнинг шаклланишга таъсир қилинлигини кўрамиз. Бундай шароитда психологияда ҳам ухшаш то-монлар юзага кела борганлиги табиий, албатта.

Алоҳида олинган бир миллатга хос бўлган психологик жиҳатларни ушбу миллат босиб ўтган тарихий йўлдан, халқаро иқтисодий, сиёсий, маданий муносабатлардан кидириш зарур. Ижтимоий воқеликнинг ўзгариши билан миллий психологияга хос бўлган хусусиятлар ҳам ўзгариб боради. Аммо бу ўзгаришлар нисбатан секин кечганлиги туфайли, у ҳамма вақт ҳам тезда кўзга ташланавермайди.Миллий психологияга хос жиҳатларни ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ўзгаришларни амалга оширишда инобатга олиш муҳим аҳамиятга эгадир. Бу амалга оширилаётган сиёсатнинг халқ кунглидан чуқур жой олишини ҳамда ушбу ўзгаришларнинг муваффакиятини таъминлайди.

Ижтимоий мафкура (идеология) ижтимоий психологиядан тубдан фарқ қилади. Ижтимоий психология социал гуруҳлар ҳаётини муайян хис-туйғулар, кайфиятларда бевосита акс эттирса, ижтимоий идеология социал гуруҳлар эҳтиёжлари, манфаатларининг ички моҳиятини, сабабини ҳар хил ғоялар, назариялар, таълимотлар шаклида акс эттиради. Шунинг учун ҳам у ижтимоий ҳаётга акс таъсир утказа олиш хусусиятига эга бўлади. Айни пайтда, идеологиянинг ғоялар тизими сифатида чиқишида, унинг ўзи учун катта хавф ҳам яширинганлигини таъкидлаш зарур. У реал воқеликдан, шу жумладан, кишилар рухиятида содир бўлаётган жараёнлардан узоқлашиб ҳаётилигини йўқотган ғоялар догмалар системасига ҳам айланиб қолиши мумкин. Бундай холларда мафкура тараққиёт тормозига айланиб, охир-оқибатда халокатга юз тутади.

Ижтимоий онг шаклларини фарқлаш мезонлари. Ижтимоий онг ва унинг даражалари хақидаги мулоҳазалар якўнида ижтимоий онгнинг ахлоқий, диний, эстетик, сиёсий, хуқуқий, фан, фалсафа каби шакллари ажратилишини таъкидлаш лозим.

Нима учун ижтимоий онгнинг айнан юқоридаги шакллари ажратилади? Бошқача айтганда, улар қандай мезонлар асосида фарқланади? илмий адабиётларда ижтимоий онг шаклларини фарқлашнинг тўрт мезони ажратилган.

Аввало, ижтимоий онг шаклларининг хилма-хиллиги объектив оламнинг турли-туманлигидан, воқеликнинг муайян томонларинигина акс эттиришидан келиб чиқишини кўрсатиш зарур. Содда қилиб айтганда, ижтимоий онг шакллари, биринчи навбатда, ўзларининг акс эттириш объектига кўра фарқланади.

Айни пайтда, ижтимоий онг шакллари бир-биридан воқеликни акс эттириш ўзилига кўра ҳам ажралиб туради. Масалан, хуқуқий онг нормалар, қонунлар, қоидалар воситасида, эстетик онг эса бадиий образлар ёрдамида воқеликни акс эттиришини бир қарашдаёк сезиш мумкин.

Ижтимоий онг шакллари ўртасидаги фарқни улар ривожланишининг ўзига хослигида ҳам кузатиш мумкин. Фан тараққиёти объектив олам хақидаги янгидан-янги билимларнинг юзага келиши, чуқурлашиб, кенгайиб бориши билан диннинг ривожланиши эса, унинг ижтимоий ҳаётнинг турли сохаларига, кишилар фаолияти ва турмуш тарзига таъсирининг усиб бориши билан характерланиши фикримизга далил бўла олади. Ва нихоят, ижтимоий онг шакллари бажарадиган функцияларининг ўзига хослиги билан ҳам ажралиб туришини таъкидлаш зарур. Бунда, ҳар бир ижтимоий онг шакли бажарадиган функциялар тизимида биттаси асосий, мар-казий, система яратувчи функция сифатида чиқиши кузатиладики, бошқа функциялар ана шу функция атрофида бирлашади. Фанда – билиш, ахлоқда – тартибга солиш, динда – дунёқараш, санъатда – тарбиявий

функциялар ана шундай система яратувчи функциялар сифатида чиқишини қуриш мумкин.

Ижтимоий онгнинг барча шаклларига билиш, тарбиялаш, қадрлаш каби функцияларнинг хослиги, айни пайтда, бундай ухшашликнинг дин ва фалсафа, ахлоқий ва хуқуқий онг ўртасида яна ҳам кучлилиги бунга мисол бўла олади.

Хулоса қилиб айтганда, юқорида қайд этилган мезонлар фақат биргаликда олингандагина, ижтимоий онг шаклларини фарқлашга хизмат қилиши, методологик аҳамиятга эга бўлиши мумкин. Кишилик жамияти тараққиётининг дастлабки босқичларида ижтимоий онгнинг ахлоқий, диний, эстетик, сиёсий, хуқуқий, фан, фалсафа каби шаклларининг ҳаммаси ҳам бўлмаган. Жамиятда муайян эҳтиёжлар ва маънавий ишлаб чиқаришнинг янги сохалари пайдо бўлиши билан ижтимоий онгнинг янги шакллари ажралиб чиқа бошлайди.

Шу нуқтаи назардан қараганда, юқорида айтилган ижтимоий онг шаклларини тугал деб хисоблаш хато булур эди. Жумладан, сўнгги пайтда кўпгина илмий адабиётларда экологик онгни ижтимоий онгнинг мустақил шакли сифатида ажратишга ўриниш расм бўлаётганлигини таъкидлаш зарур.

2масала Билиш ва билим. Фалсафанинг билиш масалалари ва муаммолари билан шуғулланувчи махсус сохаси — гносеология вужудга келган.

Инсон билиши нихоятда кўп қиррали, мураккаб ва зиддиятли жараёндир. Гносеология асосан, билишнинг фалсафий муаммоларини хал этиш билан шуғилланади. Ҳар бир тарихий давр жамиятнинг ривожланиш эҳтиёжларидан келиб чиқиб, гносеология олдига янги вазифалар қўяди. Гносеология олдида инсон оламни била оладими, деган масала кескин куйилади. Инсоннинг билиш имкониятларига шубха билан қарайдиган файласуфлар агностиклар деб аталади.

Билиш нима? Билиш инсоннинг табиат, жамият ва ўзи тўғрисида билимлар хосил қилишга қаратилган ақлий, маънавий фаолият туридир. Инсон ўзини кўршаб турган атроф-мухит тўғрисида билим ва тасаввурга эга бўлмай туриб, фаолиятнинг бирон-бир тури билан муваффакиятли шуғуллана олмайди. Билишнинг махсули, натижаси илм бўлиб, ҳар қандай касбкорни эгаллаш фақат илм орқали рўй беради. Шунингдек, билиш инсонгагина хос бўлган маънавий эҳтиёж, ҳаётий заруриятдир.

Кундалик фаолият жараёнида тажрибалар орқали билимлар хосил қилиш бутун инсониятга хос бўлган билиш усилидир. Билимлар бевосита ҳаётий эҳтиёждан, фаровон ҳаёт кечириш заруратидан вужудга келган ва ривожланган. Инсониятнинг анча кейинги тараққиёти давомида илмий фаолият билан бевосита шуғилланадиган ва илмий назариялар яратувчи алоҳида социал гуруҳ вужудга келди. Булар илм-фан кишилари бўлиб, илмий назариялар яратиш билан шуғилланадилар.

Билишнинг икки шакли: кундалик (эмпирик) билиш ва назарий (илмий) билиш бир-биридан фарқланади.

Кундалик билиш узиллари нихоятда хилма-хил ва ўзига хос бўлиб, бундай билимларни системалаштириш ва умумлашган холда кейинги авлодларга бериш анча мушкулдир. Хозирги замон Ғарб социологиясида халқларнинг кундалик билим хосил қилиш узилларини урганувчи махсус соха — этнометодология фани вужудга келди. Гносеология асосан назарий билиш ва унинг ривожланиш хусусиятларини ўрганиш билан шуғилланади. Назарий билишнинг объекти, субъекти ва предметини бир-биридан фарқлаш муҳим.

Билиш объекти. Тадқиқотчи олим, файласуф, санъаткор ва бошқаларнинг, умуман инсоннинг билимлар хосил қилиш учун илмий фаолияти қаратилган нарса, ходиса, жараён, муносабатлар билиш объектлари ҳисобланади. Билиш объектлари моддий, маънавий, конкрет, мавхум, табиий ва ижтимоий бўлиши мумкин. Билиш объектлари энг кичик зарралардан тортиб ўлкан галактикагача бўлган борлиқни қамраб олади. Билиш объектларига асосланиб, билим сохалари табиий, ижтимоий-гуманитар ва техник фанларга ажратилади.

Билиш субъекти. Билиш билан шуғулланувчи кишилар ва бутун инсоният билиш субъекти ҳисобланади. Айрим олинган тадқиқотчи олимлар, илмий жамоалар, илмий тадқиқот институтлари ҳам алоҳида билиш субъектларидир. Илмий фаолият табиат ва жамият моҳиятини билишгагина эмас, балки инсоннинг ўзига ҳам каратилиши мумкин. Инсон ва бутун инсоният айни бир вақтда ҳам билиш объекти, ҳам билиш субъекти сифатида намоён бўлади.

Билишнинг мақсади илмий билимлар хосил қилишдангина иборат эмас, балки билиш жараёнида хосил қилинган билимлар воситасида инсоннинг баркамоллигига интилиш, табиат ва жамиятни инсонийлаштириш, табиий ва ижтимоий гармонияга эришишдир. Фан — фан учун эмас, балки инсон манфаатлари учун хизмат қилиши лозим. Фаннинг ҳар томонлама ривожланиши билан турли илм сохаларининг ҳамкорлиги кучаяди, бутун илмий жамоалар билиш субъекти, янги илмий кашфиётлар ижодкорига айланадилар.

Билиш предмети субъектнинг билиш фаолияти қамраб олган билиш объектининг айрим сохалари ва томонларидир. Фаннинг ўрганиш сохаси тобора конкретлашиб боради. Табиатшунослик фанларини билиш предметига қараб ботаника, зоология, география, ихтиология ва бошқа сохалари вужудга келгандир. Тадқиқот предмети фанларни бир-биридан фарқлашга имкон берадиган муҳим белгидир.

Билиш даражаларини шартли равишда: куйи, юқори ва олий даражага ажратиш мумкин. Билишнинг куйи даражаси барча тирик мавжудотларга хос бўлиб, хиссий билиш дейилади. Хиссий билиш сезгилар воситасида билишдир.

Инсоннинг сезги аъзолари (қуриш, эшитиш, хид билиш, таъм билиш, тери сезгиси) бошқа мавжудотларда бўлгани сингари унинг нарсаларга хос хусусият, белгиларини фарқлаш, табиий мухитга мослашиш ва ҳимояланиши учун ёрдам беради. Билишнинг куйи босқичида сезги, идрок, тасаввур, диққат, хаёл ташқи олам тўғрисида муайян билимлар хосил қилишга ёрдам беради.

Билишнинг юқори босқичи фақат инсонларгагина хос бўлиб, ақлий билиш (рационал билиш) дейилади. Агар инсон ўз сезгилари ёрдамида нарса ва ходисаларнинг фақат ташқи хосса ва хусусиятларини билса, тафаккур воситасида нарса ва ходисаларнинг ички моҳиятини билиб олади. Моҳият ҳамиша яшириндир, у доимо ходиса сифатида намоён бўлади.

Тушунча. Ақлий билиш ёки тафаккур воситасида билиш хиссий билишни инкор этмайди, балки сезгилар воситасида олинган билимларни умумлаштириш, таҳлил қилиш, синтезлаш, мавхумлаштириш орқали янги хосил қилинган билимлардан тушунчалар яратилади.

Тушунчада инсоннинг хиссий билиш жараёнида орттирган барча билимлари мужассамлашади. Тушунча ақлий фаолият махсули сифатида вужудга келади. Нарса ва ходисалар моҳиятига чуқурроқ кириб боришда тушунча муҳим восита бўлиб хизмат қилади.

Ақлий билиш нарса ва ходисаларга хос бўлган белги ва хусусиятларни тасдиқлаш ёки инкор этишни тақозо этади. Тафаккурга хос бўлган ана шу тасдиқлаш ёки инкор этиш қобилиятига хукм дейилади. Хукмлар тушунчалар воситасида шаклланади. **Хукмлар** янги билимлар хосил қилишга имконият яратади, улар воситасида нарса ва ходисалар моҳиятига чуқурроқ кириб борилади. Шундай қилиб, хукм нарса ва ходисаларнинг туб моҳиятини ифодаловчи энг муҳим белги ва хусусиятлар мавжудлигини ё тасдиқлайди ёки инкор этади.

Хулоса ақлий билишнинг муҳим воситаларидан бири, янги билимлар хосил қилиш узилидир. Хулоса чиқариш индуктив ва дедуктив бўлиши, яъни айрим олинган нарсаларни билишдан умумий хулосалар чиқаришга ёки умумийликдан алоҳидаликка бориш орқали бўлиши ҳам мумкин. Бинобарин, тушунча, хукм ва хулосалар чиқариш илмий билишнинг муҳим воситаларидир. Бундай билиш инсондан алоҳида қобилият, кучли иродани тарбиялашни, нарса ва ходисалардан фикран узоқлашишни, диққатни бир жойга тўплашни, ижодий хаёлни талаб этади.

Билишнинг олий даражаси **интуитив билиш, қалбан билиш, ғойибона билишдир**. Ўзининг бутун борлиқини фан, дин, сиёсат ва санъат сохасига бағишланган буюк кишилар ана шундай билиш қобилиятига эга бўладилар. Интуитив билиш хиссий ва ақлий билишга таянади. Буюк шахсларнинг ғойибона билиши уларнинг доимий равишда фикрини банд этган, ечимини кўтаётган умумбашарий муаммолар билан боғлиқдир. Илмий билишнинг энг самарали усулларини аниқлаш гносеологияда муҳим ўрин эгаллаб келди. Ҳар бир фан ўзига хос билиш усулларидан фойдаланади.

3.масала. Илмий билиш факт ва далилларга, уларни қайта ишлаш, умумлаштиришга асосланади. Илмий факт ва далиллар тўплашнинг ўзига хос узиллари мавжуд бўлиб, уларни илмий билиш методлари дейилади.

Илмий билиш методларини ўрганадиган махсус соха — методология деб аталади. Илмий билиш методлари ўз ҳарактерига кўра: 1) энг умумий илмий методлар; 2) умумий илмий методлар; 3) хусусий илмий методларга бўлинади.

Энг умумий илмий билиш методлари барча фанлар учун хос бўлган методлардир. Бунга анализ ва синтез, умумлаштириш ва мавхумлаштириш, индукция ва дедукция, киёслаш ва моделлаштириш кабиларни кўрсатиш мумкин. Масалан, табиатшунослик фанларида кузатиш, эксперимент, таккослаш умумилмий методлар бўлса, ижтимоий фанларда тарихийлик ва мантиқийлик умумилмий методлар ҳисобланади.

Хусусий илмий методлар ҳар бир фаннинг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиқади. Масалан, сухбатлашиш, анкета сурови, хужжатларни ўрганиш социология фанига хос бўлган хусусий илмий методлардир. Бир фанда яхши самара берадиган илмий билиш методи бошқа фанда шундай самара бермаслиги мумкин. Илмий билишда тўғри методни танлаш билишда муваффакият гарови ҳисобланади. Бошқача қилиб айтганда, илмий тадқиқотда нимани ўрганиш керак, деган масала фан предметини аниқлашга имкон берса, қандай ўрганиш керак, деган масала эса илмий билиш методини тўғри белгилашга ёрдам беради.

Илмий билиш методлари ва илмий назария бир-бири билан узвий боғлиқдир. Илғор илмий назария фаннинг бутун тараққиёти давомида эришилган муҳим ютуқ бўлиб, у илгариги илмий қарашларни ижодий ривожлантириш, ўша ютуқларга танқидий нуқтаи назардан қараш орқали вужудга келади. Фан моҳиятан ўзи эришган ютуқларга шубха билан қарашни тақозо қилади.Фан, фалсафа сохасида эришилган ютуқларни мутлақлаштириш, уларга кўр-кўрона сиғиниш муқарар равишда догматизмни келтириб чиқаради. Фан эришган ютуқлар ҳамиша нисбийдир. Лекин бундай нисбийликни

мутлақлаштириш релятивизмни, фан ютуқларига ишончсизлик билан қараш эса, скептицизмни вужудга келтиради. Фан тараққиёти учун догматизм, релятивизм ва скептицизм жиддий халакит беради.

Илғор илмий назариялар маълум бир даврда илмий ва фалсафий қарашлар йўналишини ўзгартириши, илмийликнинг ўзига хос мезони бўлиши ҳам мумкин. Масалан, Чарльз Дарвиннинг эволюцион назарияси, А. Эйнштейннинг нисбийлик назарияси фалсафий ва илмий дунёқарашларда муҳим ўзгаришларни вужудга келтирди.

Гносеологияда ҳақикат тушунчаси муҳим ўрин тутади. Ҳақикат инсон билимларининг воқеликка мувофиқ келишидир. Ҳақикатни очиш ёки илмий ҳақикатга эришиш ҳар қандай илмий билишнинг асосий вазифаси ҳисобланади. Ҳақикат ўзининг мазмунига кўра мутлоқ ва нисбий бўлиши мумкин. Фан ҳақикати ҳамиша нисбий характерга эга бўлиб, уларнинг мажмуасидан мутлоқ ҳақикат вужудга келади.

Ҳақикат ўз мазмунига кўра ҳамиша объективдир. Яъни унинг мавжудлиги айрим кишиларнинг хохиш-иродасига боғлиқ эмасдир. У ҳамиша конкретдир. Хегель сўзлари билан айтганда, нимаики воқе бўлса, у ҳақикатдир, ҳақикат — воқеликдир. Ҳақикат мазмунининг конкрет характери жой, вақт ва шароитни эътиборга олишни талаб этади.

Гносеологияда табиий-илмий ва ижтимоий билишнинг ўзига хос хусусиятларини англаш муҳим аҳамиятга эгадир. Узоқ йиллар давомида табиатшунослик фанларига хос бўлган объективлик, холислик илмийликнинг муҳим мезони деб хисоблаб келинди. Бироқ XX аср ўрталарида фан-техника истиқболи инсоният олдида пайдо бўлган муаммолар табиатшунослик фанлари олдига қадриятли ёндашув вазифасини қўя бошлади. Ақлли мавжудот бўлган инсон ҳар қачон табиатни ўрганишда ҳамиша ўз манфаатларини кўзлайди. Табиат ресурслари чексиз ва битмас-туганмасдир, деган бир ёқлама қараш охир-оқибатда инсон томонидан табиатга нисбатан шавқатсиз муносабатни вужудга келтирди. XX аср охирларига келиб табиатга нисбатан инсонларча, қадриятли муносабатда бўлиш зарурияти чуқурроқ англана бошлади.

Ижтимоий фанлар ҳамиша мавжуд сиёсий тузум, даврнинг талаб ва эҳтиёжлари билан узвий боғлиқ равишда ривожланади. Ижтимоий билишда жамият ҳам билиш объекти, ҳам билиш субъекти сифатида намоён бўлади: инсоният ўз тарихини яратувчи ва ўз-ўзини билувчидир.

Табиатшуносликда нисбатан барқарор системалар билиш объекти ҳисобланади. Табиатдаги нарса ва ходисалар тадқиқотчига хеч қандай қаршилик кўрсатмайдилар. Ижтимоий билишда эса, нисбатан тез ўзгарувчи системалар билиш объекти ҳисобланади. Ижтимоий билишга хос бўлган муҳим хусусият шундаки, у моддий ишлаб чиқариш сохаларинигина эмас, балки жамиятнинг анча мураккаб маънавий ҳаётини, ижтимоий-сиёсий муносабатларни, қарашлар ва ғояларни ҳам ўрганади. Ижтимоий фанлар миллий ғоя ва миллий истиқлол мафкурасини шакллантиришда муҳим роль уйнайди.

Гносеологиянинг мақсад ва вазифалари, билишнинг моҳияти ва мазмуни тўғрисида зарур билимларга эга бўлиш мамлакатимизда билимдон, ҳар жиҳатдан етук баркамол инсон шахсини шакллантиришда алоҳида ўрин тутади. Миллий мустақиллик йилларида гносеология олдига қўйилаётган энг муҳим вазифалардан бири, илмий билимларнинг жамиятимиз тараққиёти, тинчлиги ва фаровонлиги учун хизмат қилишини таъминлайдиган омил ва механизмларни ўрганиш, улуғ аждодларимизнинг илмий билимларни ривожлантириш борасида орттирган тажрибаларини кенг оммалаштиришдир.

4-масала. Фан илмий билимлар тизимидир. Фан ўзининг илмий тушунча услублари ва методологиясига эга бўлган, оламни билиш ва ўзлаштиришнинг махсус узили, илмий билимлар тизимидир. Шунингдек, фан ижтимоий онг шаклла-ридан биридир.

Фаннинг моҳиятини инсон ва жамият ҳаётидаги ўрнини билишда унинг куйдаги хусусиятларини эътиборга олиш муҳимдир:

- инсон фаолиятининг ўзига хос тури;

- алоҳида ижтимоий институт сифатида фан илмий билимлар йиғиндиси;

- инсониятнинг маънавий салохияти, олам, табиат, жамият ва инсон тўғрисидаги тасаввур ва қарашларни шакллантиради;

- оламни ўзлаштириш ва ўзгартириш воситаси ҳисобланади.

Фаннинг мақсади. Фан ўз олдига илмий билимлар яра-тишни мақсад қилиб қўяди. Илмий фаолият моддий неъматлар ишлаб чиқариш фаолиятидан кескин фарқ қилади. Кишилар мехнат фаолияти, сиёсат, санъат, дин ва хоқазо сохалардаги фаолиятлари жараёнида ҳам би-лим орттиради. Лекин илмий билимлар изчиллиги, ти-зимлилиги ва ҳақикийлиги билан ажралиб туради.

Оламни илмий билиш оламга янгича муносабат, янгича қарашни тақозо этади. У оламни диний, бадиий, ахлоқий, сиёсий билишдан кескин фарқ қилади. Воқеликка илмий муносабат ҳар қандай ақидапарастлик ва фанатизмни (тақдири азалга ишонишни) истисно эта-ди. Илмий билиш аввал бошданоқ фалсафий дунёқараш билан узвий боғлиқ равишда вужудга келди. Фалсафа илм-фан хулосаларига таяниб, оламнинг янгича манза-расини яратиш имконига эга бўлди.

Илмий билишнинг даражалари эмпирик (тажрибага асосланувчи) ва назарий шаклларга бўлинади. Эмпирик билим асосан тажриба ва экспериментлар жараёнида олинадиган ва ҳақикийлиги тажрибалар жараёнида синаб кўрилган билимлардир. Билишнинг назарий даражасида илмий қарашлар, билимлар қатъи тизимга солинади. Ил-мий тушунчалар қатъий мезон асосида урганилаётган фаннинг кўпқиррали томонларини чуқурроқ ва тўлароқ билишга имқон беради.

Илмий билимлар хосил қилиш узилларига қараб, фан-лар экспериментал ва фундаментал фанларга ажратила-ди. Шунингдек, улар ўрганиш объектига қараб, табиий, ижтимоий-гуманитар ва техник фанларга бўлинади. Тадқиқот предметини чуқурроқ ўрганиш жараёнида фан-нинг янги соха ва тармоқлари вужудга келади. Масалан, табиятшунослик фанларининг ботаника, зоология, кимё, математика, физика каби сохалари; ижтимоий-гуманитар фанларнинг тарих, кадимшунослик (археоло-гия), этнография, социология, сиёсатшунослик, фалса-фа, этика, педагогика, психология, маданиятшунослик каби сохалари вужудга келди. Уларнинг ҳар бири яна қатор тармоқлардан иборатдир. Масалан, тарих фани-нинг қадимга дунё тарихи, ўрта асрлар тарихи, янги замон тарихи; фалсафанинг онтология, гносеология, аксиология, фалсафа тарихи каби.

Инсониятнинг кейинги икки юз йиллик тарихи давоми-да табиатни ўзлаштириш, инсон моҳиятини билиш, жами-ятни такомиллаштириш борасида эришган ютуқлари фан тараққиёти билан бевосита боғлиқдир. Инсон табиий ва ижтимоий мухитга яхшироқ мослашиш, табиатнинг сти-хияли кучлари олдида ожиз ва чорасиз бўлиб колмаслик учун фанга мурожаат қилади. Шунингдек, у фан туфайли ижтимоий муносабатларни ўз мақсад ва манфаатларига мос равишда такомиллаштиради. Фаннинг илмий билимлар тизими сифатида вужудга келиши инсон эҳтиёжлари би-лан боғлиқ бўлди.

Фаннинг вужудга келиши тўғрисида турлича қарашлар. Европацентризм ва Осиёцентризм. Фаннинг вужудга кели-ши ва ривожланишида Ғарб ва Шарқ мамлакатлари қўшган хиссаларни бирёқлама тавсифлаш, уларнинг бир-бирига кўрсатган ўзаро таъсирини инкор этиш ижтимоий-фалсафий тафаккур ривожида европацентризм ва осиёцен-тризм оқимларини вужудга келтирди.

Қадимга Шарқ жаҳон маданияти ва цивилизациясининг бешиги бўлгани, дастлабки илмий билимлар шарқ мамла-катларида вужудга келгани жаҳон олимлари томонидан эътироф қилинган. Қадимга Шарқ мамлакатларида (Хиндистон, Хитой, Миср, Хоразм, Бактрия, СуКдиёна, Шош, Афросиёб) астрономия, математика, табобат, фал-сафага оид илмий билимларнинг вужудга келиши кунда-лик ҳаётий эҳтиёж, деҳқончилик ривожи, инсон сало-матлигини мухофаза қилиш билан бевосита боғлиқ бўлган. Йил фаслларининг алмашувини билиш зарурати астрономияга оид илмий билимларни ривожлантиришга олиб келган.

Жаҳон фанининг вужудга келиши ва ривожланишига Шарқ олимлари муносиб хисса қўшганлар. Ижтимоий тараққиётнинг маълум бир даврларида Шарқ жаҳон фани ривожида етакчи мавқени эгаллаган бўлса, тараққиётнинг кейинги босқичларида бошқа мамлакатлар етакчи мавқени эгаллаган.

Осиё ва Европа мамлакатлари халқларининг жаҳон фа-ни ривожидаги ўрни ва нуфўзини бирёқлама бурттириш ёки камситиш назарий жиҳатдан хатодир. Фан ўз моҳияти билан умумбашарийдир. Ер юзидаги ҳар бир халқ катта-кичиклигидан қатъи назар, унга ўз хиссасини кушиб келди.

XIX асрнинг ўрталарида табиатшунослик фанларида қилинган буюк кашфиётлар (эволюцион назария, хужайра назарияси, энергиянинг сақланиши ва ўзгариши қонуни) фалсафий дунёқарашнинг ўзгаришига, жамият тўғрисидаги илмий назарияларнинг вужудга келишига туртки берди.

XIX асрнинг охирларига келиб, фаннинг муҳим сохаларида эришилган ютуқлар фан тараққиётида янги давр бошланганидан далолат берди. Физика сохасида оптика, термодинамика, электр ва магнетизмнинг урганилиши, кимё сохасида кимёвий бирикмалар хосса-ларининг урганилиши, Менделеев элементлар даврий ти-зимининг яратилиши, математикада аналитик геометрия ва математик анализ кабиларда яққол кўринди. Бу дав-рда социологиянинг мустақил фан сифатида ривожланиши ижтимоий зиддиятларни оқилона хал этиш ва жамият истиқболларини белгилаш имконини берди.

Европа олимларининг табиатшунослик фанлари сохасида эришган ютуқлари янги фалсафий таълимотлар-нинг вужудга келишига сабаб бўлди. Хусусан, И. Нью-тон томонидан физика сохасида қилинган кашфиётлар табиат ва жамиятнинг механистик манзарасини яратишга, Чарльз Дарвиннинг илмий кашфиётлари эса, бутун олам эволюцияси, оламнинг яхлит бирлиги, органик ва ноорганик табиат ҳамда жамиятнинг ўзаро боғлиқлиги тўғрисидаги фалсафий қарашларнинг шаклланишига олиб келди. Ўз вақтида ҳам табиатшунос, ҳам файласуф бўлган Р. Декарт, Ф. Бэкон томонидан илмий билиш ме-тодларининг, фаннинг буюк ўзгартувчилик ва яратувчи-лик қудратининг фалсафий асосланиши кейинги даврлар-да фан ва фалсафа методологияси учун мустаҳкам замин яратди.

XIX аср охири — XX аср бошларида жадидчилик ҳаракатининг етакчилари Бехбудий, Абдулла Авлоний, Фитрат, Абдулла Қодирий ва бошқалар ўлкада илм-фан ва маърифатни кенг ривожлантириш Ғоясини илгари сурдилар. Ўлканинг ўрта асрчилик бидъатларига қарши мавжуд сиё-сий тузумни ислох қилиш зарурлигини англаб етдилар. Жаҳоннинг илғор фан ва техника ютуқларидан ўлка ахолисини бахраманд этишга ҳаракат қилдилар.

Бироқ кейинги ижтимоий силсилалар оқибатида жадидчиларнинг маърифатпарварлик ҳаракатлари ривожлана олмади.

Мустабид тузум халқимизнинг илм-фан ва замонавий техника сирларини эгаллаши учун маълум шарт-шароит яратган бўлса ҳам, унинг бой маънавий меросидан бахраманд бўлиши, аждодларнинг илғор илмий-маданий анъаналарини ривожлантиришга имкон бермади.

Мустақиллик туфайли халқимизнинг кўп асрлик тарих-га эга бўлган маънавий-интеллектуал меросини ўрганиш, жаҳон илм-фани ва техникаси ютуқларидан бахраманд бўлиш, дунёнинг машхур илм даргохларида укиш-ўрганиш имконияти вужудга келди. Айниқса, бозор муносабатларига ўтиш, замонавий ишлаб чиқаришни ри-вожлантириш, баркамол инсонни шакллантиришда илм-фан ютуқларига таяниш ҳаётий заруратга айланди.

Республикамиз Президенти И.А. Каримов «Баркамол ав-лод — Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори», «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида...», «Тарихий хотирасиз келажак йўқ» каби асарларида илм-фанни ривожлан-тириш ислохотлар муваффакиятининг гарови, моддий фа-ровонлик асоси эканини ҳар томонлама исботлаб берди. Ўзбекистоннинг жаҳондаги тараккий этган мамлакатлар қаторидан муносиб ўрин эгаллаши, тараккий этиши, шубхасиз, унинг илм-фан салохиятига бевосита боғлиқдир.

Мамлакатимизда 1997 йили қабул қилинган ва собиткадамлик билан амалга оширилаётган Қадрлар тай-ёрлаш миллий дастури, «Таълим тўғрисида»ги қонун мам-лакатимиз илмий салохиятини юксалтириш, жаҳон андоза-лари талабларига жавоб бера оладиган мутахассис-қадрлар тайёрлаш вазифасини куйди.

Хозирги замон фанининг муҳим хусусиятлари. XX аср бошларига келиб, унинг ҳар томонлама ривожланиши фаннинг ижтимоий онг тизимидаги ўрни ва аҳамиятини янгича тушунишни тақозо этди. Хозирги замон фанига хос бўлган қуйидаги хусусиятларни кўрсатиш мумкин:

- фан ўзининг ўрганиш сохаларини кенгайтириб, мик-роолам, макроолам муаммоларини ўрганиш билан шуғуллана бошлади. Микро- ва макрооламни ўрганиш учун фан анъанавий узиллардан ташқари, янги узиллар-дан, махсус асбоблардан, математик моделлаштириш узилидан фойдалана бошлади;

- илмий билишнинг субъектив жиҳатларига алоҳида эътибор берила бошланди. Бу эса мутахасиснинг ўрганаётган сохасини чуқурроқ ва кенгроқ билишини тақозо этди;

- фалсафа ва фанда оламдаги нарса-ходиса ва жараёнларнинг қонуният ва тартиб асосида рўй бериши тўғрисидаги қарашлардан фарқли равишда ривожланиш тартиб ва тартибсизлик бирлигидан иборат экани эъти-роф килина бошланди;

- фан тараққиёти миллий доирадан чиқиб, тобора байналмилал ҳарактер касб эта бошлади. Унинг ютуқлари бутун инсониятнинг мулки сифатида англана бошлади;

- фаннинг инсонпарварлик ва тараккийпарварлик моҳияти тўлароқ намоён бўлди;

- фаннинг ривожи олимларнинг қадриятларни эъзозлаш ва бахолашда янгича мезонларни ишлаб чиқишни тақозо этди. Бу олимларнинг бирор-бир фан сохасини якка хукумронлик билан эгаллаб олмаслиги, илмий янгилик-ларни бошқалардан яширмаслиги, кучирмачилик қилмаслиги, ўз қадр-қимматини топтамаслиги кабиларда намоён бўлди;

- жаҳон микёсида илмий салохиятни, илм-фан ютуқларини бошқа мамлакатларга чиқариш моддий неъматлар чиқаришдан кўра фойдалироқ бўлиб қолди. Бу эса жаҳон микёсида

информацион жамиятни, инсоният-нинг бир бутун ҳамжамияти шаклланишининг муҳим омил-ларидан бири бўлиб қолди;

- табиий ва ижтимоий фанларнинг ўзаро узвий боғлиқлиги, таъсири кучайди. Табииатшунос олимлар-нинг ижтимоий фан ютуқларидан фойдаланиши инсон ва табиат ўртасидаги муносабатларни инсонийлаштиришда, табиатни мухофаза этишда муҳим аҳамият касб этди;

- фан умумбашарий ва умуминсоний муаммоларни хал этиш билан жиддий шуғуллана бошлади;

- фан инсоният ҳаётидаги қатор муаммоларни хал этибгина қолмай, унинг ҳаётига жиддий тахдид соладиган муаммоларни ҳам келтириб чиқарди. Олимнинг ўз илмий фаолияти учун жавобгарлигини ошириш, инсоният ҳаёти, тинчлиги учун тахдид соладиган илмий изланиш-ларни такиклаш, назорат қилиш хозирги замон фанининг муҳим муаммоларидан биридир.

Истиқлол ва фан. Ўзбекистонда миллий мустақиллик шароитида мамлакатнинг илмий-интеллектуал салохиятини янада кучайтиришга алоҳида эътибор берила бошланди. Президент И.А. Каримовнинг «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка тахдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари» асарида ҳамда нутқ ва маколаларида мамлакатимиз илм-фанини ривож-лантиришнинг асосий йўналишлари белгилаб берилди.

Айниқса, жаҳон илм-фани ривожига катта хисса қўшган улуғ аждодларимизнинг илмий меросини чуқур ўрганиш ва уларнинг анъаналарини ривожлантириш мақсадида Хоразмда Маъмун академиясининг қайтадан тикланиши маданий ҳаётимиздаги ўлкан воқеа бўлди. Шунингдек, илмий-тадқиқот муассасаларининг тарғибий тузилишида муҳим ўзгаришлар қилинди, замон талабла-рига жавоб берадиган янги олий ўқув юртлари, илмий-тадқиқот институтлари, Олий Аттестация Комиссияси ташкил этилди. Талабаларни олий ўқув юртларига қабул қилишнинг илғор узиллари, янги педагогик технология-лар жорий этилди.

Ўзбекистонда илм-фан кишиларининг малакаси, били-мини оширишга кўмаклашадиган жамғармалар ташкил этилди. Фан ривожининг хуқуқий асослари яратилди, илм-фан ходимларини ижтимоий ҳимоялашга эътибор ку-чайтирилди.

Фан тараққиётида анъанавийлик ва янгиланиш жараёни диалектикасини билиш, бу жараённи Ўзбекистон шарои-тида янада ривожлантириш давр талабидир. Фандаги анъанавийлик, бир томондан, уни тарихий илдизларидан узилиб колишдан сақласа, иккинчи томондан, мамлакат тараққиёти йўлида пайдо бўлган муаммоларни анъанавий узиллар билан хал этиш унинг ҳаётдан ажралиб қолишига олиб келади. Фан тараққиётида анъанавийлик ва янгиликни (новаторлик) узвий боғлаш муҳим муаммо-лардан биридир. Бошқача қилиб айтганда, анъаналардан бутунлай воз кечиш ҳам, анъаналар билан боқланиб колиш ҳам фан тараққиётига халакит беради.

Ўзбекистон фанига кириб келган муҳим янгиликлар унинг тарғибий тузилишидаги ўзгаришлардан ташқари яна қуйидагиларда намоён бўлади:

- фаннинг компьютерлаштирилишида;

- жаҳоннинг глобал муаммоларини хал этишда ўзбек олимларининг фаол иштирок этаётганида;

- илмий тадқиқотларда энг замонавий техника, ас-боб-ускуналардан ва илғор методлардан фойдаланилаёт-ганида;

- олимларимизнинг жаҳон тилларини ўрганишга раКбатлантирилишида;

- жаҳоннинг тараккий этган мамлакатлари олий ўқув юртларида мутахассис-қадрлар тайёрлаш йўлга қўйилганлигида;

- таълим-тарбия тизимининг тубдан ислох килинаётганида.

Ўзбекистонда демократик жараёнларни янада чуқурлаштириш, иқтисодий, сиёсий, маданий ва маъри-фий вазифаларни хал этишда фаннинг асосий вазифалари Президент И.А. Каримовнинг асарларида батафсил тав-сифлаб берилди. Фаннинг сиёсат, маданият билан боғлиқлиги, демократик жамиятда унинг таянч қадрият эканлиги ҳар томонлама асосланди.

Фаннинг ривожи ўз олдига куйган муаммоларни хал этишда илмий методлардан оқилона фойдаланишни тақозо этади. Хозирги даврда амалий ва назарий тадқиқотлар ўтқазишда қуйидаги усуллардан кенг фойдаланилмоқда: кузатиш, киёслаш, тавсифлаш, формаллаштириш, модел-лаштириш ва бошқалар.

XX аср фан-техника истиқболи инсониятнинг моддий ва маънавий ҳаётида туб ўзгаришларни вужудга келтирди. Инсоннинг табиат тақдири учун жавобгарлик хиссини янада оширди. Фан инсон ҳаётининг истисносиз барча сохаларига кириб келди, инсон ва жамият борлиқининг муҳим тарғибий қисмига, бевосита ишлаб чиқарувчи кучга айланди. Шу боисдан ҳам хозирги замон фанини «катта фан» деб аташ расм бўлди.

Кейинги юз йил давомида илмий фаолият билан шуғулланувчи олимлар сони беқиёс даражада усди. Агар XX аср бошларида бутун Ер юзидаги олимлар юз минг ат-рофида бўлган бўлса, хозирги пайтда уларнинг сони беш миллиондан ортиб кетди.

Фан ва техника сохасидаги истиқболий ўзгаришларни илмий кашфиётлар салмоғи ва сифатининг муттасил ортаётга-нида ҳам қуриш мумкин. Бутун инсоният тарихида қилинган илмий кашфиётларни юз фоиз деб оладиган бўлсак, унинг туксон фоизи XX асрга тўғри келди. Илмий информациялар ҳар ун-ун беш йилда икки мартага ортиб боряпти.

Ўзбекистонда кейинги йилларда фаннинг турли сохаларида фаолият кўрсатаётган олимлар, илмий ходимлар салмоғи ортди.

Такрорлаш учун саволлар:

1. Онг ва англаш деганда нимани тушунасиз?
2. Инъикос тушунчаси, унинг турларини биласизми?
3. Онг ва анлаш ҳақида қандай илмий фалсафий қарашларни биласиз?
4. Онг фаолиятига нималар киради.?
5. Онг қандай ижтмоий ҳодисалар билан боғлиқ?
6. Билим ва билиш нима?
7. Билишнинг қандай босқичлари бор?
8. Илмий билиш нима?
9. Фан нима? У қандай қонуният билан ривожланаади?
10. Ўзбекмстонда илм-фан тараққиёти даражаси қандай?

Таянч сўз ва иборалар:

Онг, инъикос, инъикос шакллари, руҳият, англаш, тасаввур, идрок, хаёл, орзу, ижод, талант, рефлекс,билиш, билим, ҳмссмй, ақлий билиш, тафаккур, илм, фан, ижтимоий – табиий билимлар. Замонавий билимлар ривожи.

“Фалсафа”фанини ўқитишда педагогик технологик карта. 7-**мавзу.**

Мавзу	**ФАЛСАФАДА ИНСОН ВА ЖАМИЯТ МУАММОСИ. МАЪНАВИЯТ, МАДАНИЯТ, ҚАДРИЯТ ВА ҒОЯЛАР ФАЛСАФАСИ. (2 соат)**	
Мақсад	**Ўқитувчи:** Инсон ва жамият тушунчаси ҳамда у билан боғлиқ ижтимоий масалаларни мазмун - моҳиятини, тарбиявий аҳамиятини тушунтириш. **Талаба:** мавзуни ўрганиши, дарсда фаол иштирок этиши. Топшириқларни бажариши.	
Вазифа	**Ўқитувчи:** мавзуга оид мультимедиа материалларини, оғзаки маълумотларни, тарқатма материалларни талабалар жамоа ҳолатида ўзлаштириб олишлари, ҳамда “Ақлий ҳужум”, муаммо пед.технологиялари орқали инсон ва жамият, маънавият-маданият,қадрият,ғоя каби тушунчаларнинг фалсафий мазмун моҳиятини талабалар томонидан ўзлаштиришига эришиш ҳамда билимларини назорат қилиш. **Талаба:** инсон ва жамият тушунчасини ҳамда шу билан боғлиқ масалаларни мазмун, моҳиятини чуқур англаб, чуқур ўзлаштиришига эришиш.	
Дарс жараёнининг ташкил этилиши	1.Ташкилий қисм 2.Мақсад ва вазифаларни қўйиш 3.Ўрганилганларни умумлаштириш, такрорлаш, тизимлаштириш 4.Якун ясаш 5.Уйга вазифа	5 дақиқа 2дақиқа 60 дақиқа 8 дақиқа 5 дақиқа
Дарс жараёнининг мазмуни	Инсон ва унинг келиб чиқиши, жиҳатлари, жамият тушунчаси, унинг соҳалари, таркибий тузилиши, жамият тараққиёти туғрисида турлича назариялар, маънавият, маданият тушунчаси, турлари, цивилизация унинг турлари,	

	қадрият ва унинг миллий, умуминсоний кўринишлари, ғоя ва мафкура, унинг жамият ва инсон ҳаётидаги урни ва роли ҳақида фалсафий билим беришдан иборат.
Ўқув жараёнини амалга ошириш технологияси.	**Услуб**: оғзаки баён қилиш, “ақлий ҳужум”, “муаммо” пед технологияси. **Шакл**: маъруза, жамоада ва гуруҳларда ишлаш. **Восита**: презентация, тарқатма материаллари, нутқ. **Усул:** тушунтириш, кўрсатиш, ёздириш, сўраш, муаммоли савол. **Назорат**:, оғзаки назорат, кузатиш, саволлар бериб туриш.
Кутилаётган натижалар	**Ўқитувчи:** мавзу барча талабалар томонидан ўзлаштирилишига эришиш. Талабалар фаоллигини ошириш. Талабаларда дарсга нисбатан қизиқишни кучайтириш. Ўз олдига қўйган мақсадига эришиш. **Талаба:** мавзуни чуқур тушуниш, янги билимлар орқали илмий таҳлиллар чиқара олиш, кенг маълумотларга эга бўлиш, дунёқарашни шакллантириш. Инсон ва жамият ва шу билан боғлиқ қатор тушунчаларни моҳиятини назарий – илмий ўзлаштириш ҳамда олган билимларини амалиёт билан қиёслай олиш салоҳиятини ҳосил қилиш.
Келгуси режалар	**Ўқитувчи:** янги педагогик технологияларни ўзлаштириш ва дарс жараёнига татбиқ этиш, ўз устида мунтазам ишлаш. Ўтилаётган мавзу ҳаёт билан боғлаши, педагогик маҳоратни ошириш. **Талаба:** мавзу бўйича қўшимча адабиётлар билан танишиш, уларни ўрганиш.
Дил сўзлари	Эътиборингиз учун раҳмат, саломат бўлинг.

ИНСОН ВА ҲАЁТ

7-мавзу: ФАЛСАФАДА ИНСОН ВА ЖАМИЯТ МУАММОСИ. МАЪНАВИЯТ, МАДАНИЯТ, ҚАДРИЯТ ВА ҒОЯЛАР ФАЛСАФАСИ. (2 соат)

1. Инсон оламнинг таркибий қисми.
2. Жамият тушунчаси, унинг моҳияти, мавжудлиги ва тараққиёти қонунлари.
3. Маънавият, маданият ва цивилизация тушунчалари.
4. Инсоният тарихини цивилизациялар тарихи тарзида тушуниш муаммолари.

АДАБИЁТЛАР

1. Каримов И.А. Ўзбекистоннинг сиёсий-ижтимоий ва иқтисодий истиқболининг асосий тамойиллари. — Т., «Ўзбекистон; 1995.

2. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка тахдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. Т., «Ўзбекистон», 1997

3. Каримов И.А. Биздан озод ва обод Ватан колсин. Т., «Ўзбекистон». 1996.

4. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда. Т., «Ўзбекистон», 1999.

5. Каримов И.А. Миллий истиқлол мафкураси — халқ эътиқоди ва буюк келажакка ишончдир. Т., «Ўзбекистон», 2000.

6. Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда. – Т., Ўзбекистон, 2000.

7. Тойнби А. Постижение истории. М., Наука, 1991.

8. Фалсафа ўқув қўлланма Э.Юсупов. Тошкент 1999.

9. Фалсафа маъруза матни Тошкент 2000

10. Назаров К. Аксиология: қадриятлар фалсафаси. — Т., Маънавият, 1998.

11 Эркаев А. Маънавият — миллат нишони. — Т., «Маънавият», 1999.

12. Бердяев А. Смысль истории. М., Наука 1990

1. масала

Фалсафада инсон муаммоси яхлит урганилар экан, унинг келиб чиқиши тўғрисида ҳам бир қатор қарашлар илгари сурилган. Бу муаммо таҳлилида фаразлар ва тахминларга таянишига ҳам тўғри келади. Хозирги замон фани нуқтаи назарига ерда ҳаёт бир миллиард йил илгари келиб чиққан. Маймунсимон мавжудодлардан инсоннинг келиб чиқиши бир неча миллион йил илгари бошланган. Фан тадрижилик назариясидан келиб чиқадиган бу хулосани тан олади. Аммо фалсафа учун бу етарли эмас. Социогинез муаммоси ҳам муҳим аҳамиятга эга. Муаммога фалсафий ёки илмий ёндашишнинг баъзи жиҳатлари етарли изохини топмагани учун инсоннинг келиб чиқиши тўғрисидаги фикралар диний билимлар билан ҳам тўлдирилиши мумкин. Француз антропологи Тейярде Шарден маймунсимон мавжудодлар билан аккли одам алоқадорлиги масаласи талқинида охиргача тушунтирилмаган, «етишмайдиган звено» борлигига эътиборни қаратади. Гап шундаки, деб такидлайди мутафаккир, инсон феномени ичкарида пайдо бўлди, яъни, инсоннинг келиб чиқиши «маймун одам» кўриниши орқали янги шакллни майдонга келтирмади, балки маймунсимонлардан одамга ўтиш турмуш фаолиятини ташқи намоён бўлишини субъективлаштириш, ичкарига кетиш орқали кечган. Инсон авлоди шаклланашининг биринчи даврлари ўз-ўзини англаш шаклда юз берган. Бу фаразда илмийлик эмас, мантиқийлик бор. Юқорида айтиб ўтилганидек антропогенез социогенезис кечмайди.

Антропогенез доирасида инсоннинг биологик табиати билан ижтимоийлиги нисбатини аниқлаб олиш зарур. Фалсафада бу муаммони ўрганиш инсоннинг энг қадимги тарихидан бошлаб, энг долзарб муаммо ҳисобланади. Негаки инсон айни бир вақтнинг ўзида ҳам жонли табиатга, ҳам жамиятга мансублиги ҳар доим кўпгина масалаларни,

келтириб чиқариши билан бирга тўғридан-тўғри, принципиал жиҳатидан дунёқараш масалаларини ҳам кун тартибига қўяди. Буни Арастунинг инсон «сиёсий хайвондир» сўзларида ифодаланган маънодан ҳам билса бўлади.

Ҳақикатдан ҳам Homosapiens (аккли одам) тўғри биологик жиҳатдан Homohofilis (қобилиятли одам), Homoerectus (тикка юрувчи одам) каби турларидан фарқ килинмасада, лекин бир хил сезиш аъзолари, қон айланиш ва х.к. эга.

Ушбу далилларга таянган ҳолда инсоннинг барча хатти-ҳаракатлари, орзу истақлари ва фаолияти турлари охир оқибатда биологияви тақазо этилган дейишига асос борми? Фалсафа тарихида бунга икки хил: инсон белгилувчи томонига кўра, биологик мавжудод ва инсон ижтимоий мавжудод, ижтимоийлик унинг биологияви табиатини охир-оқибатда белгилайди, деган жавоблар берилган.

Биринчи хил жавоб тарафдорларидан (Э.Уильсон, М. Рьюз ва бошқалар) хозирги замон социобиология илми далилларига таяниб шундай мулоҳаза юритишади: инсон хатти-ҳаракитинг асосий стереотип кўринишлари бўйича барча сут эмизувчиларга анча яқин. Ўзига хосликларига кўра эса инсон ўзининг бевосита ўтмишдошлари бўлган гуруҳга мансубдир.

Фрейд ва унинг тарафдорлари таъкидлашича, инсон ҳам бутун хайвонот дунёсида бўлгани каби хилма-хил инстинкт туфайли ҳаракат қилади. Биринчи, ўринда улар ичида инсон авлодини давом этириш туради. Шу билан бирга инсон ўзида фаолиятини маънавий, хуқуқий чекловчи ижтимоийлик сифатлар бўлгани учун бошқа хайвонлардан фарқ қилади.

Иккинчи, нуқтаи назарга кўра (академик Леонтьев) кўра, одам боласи инсон бўлиш қобилияти билан туғилади. Бу ўринда табиат томонидан белгиланган ва инсон томонидан давом эттирилган хусусиятлар соқов, кар, кўр бўлган болаларда қандай намоён устида ўтқазилганн тажриба якунлари ҳам катта аҳамиятга эга. Москва университети психология факулътетида ўтқазилганн тажриба жараёнида уларга дастлаб ёзиш кўникмалари ўргатилади. Ундан кейин эса улар секин-аста гапиришга, Бройл алифбоси бўйича ўқишга ўргатилади. Натижада улардан тўртаси университетни тугатган.

Кўриниб турибдики инсоннинг ижтимоий моҳиятини биринчи ўринга қўйиш жиддий асосга эга. Агар бунинг ёнига инсоннинг баъзи биологиявий хусусиятлари ҳам ижтимоий сабаблар билан белгиланиши қўшилса, дадиллар янада асосли бўлади. Мисол қилиб айтиш мумкинки, ер юзининг ижтимоий сиёсий, иқтисодий ривожланиши юксак бўлган минтақаларда одамларнинг эрта вояга етиши, соғломлиги, узоқ яшаши кўзатилади. Ривожланмаган ўлкаларда эса бунинг акси кўзатилади. Инсонни таҳлил этиш доирасида бу икки хил қараш бир-бирини тулдиришини ҳам унутмаслик лозим. Демак, инсон биоижтимоий мавжудод деб каролмоги лозим. Бу инсонда биологиявийликнинг ижтимоий тақазоланганлигини ва ижтимоийликнинг биологиявий заминларини борлигини кўрсатади.

Инсон ривожланишида биологиявий тадрижийликни ижтимоий маданий ривожланиш босқичига ўтиши билан юзага келган бу бирлик унинг моҳиятини белгилайди. Ҳар қандай жонли мавжудод сингари инсон ҳаётининг нихояси борлиги, бошқа мавжудодлардан фарқли равишда ўзининг охир-оқибатда ўлимга махкумлигини англаши ҳам фалсафий муаммолар доирасига киради. Бу тасодифий эмас. Инсон ҳаёти ва ўлими масалалари динларда ҳам марказий ўринни эгаллайди. Кишларда дастлаб ўлим туйғуси фақат кўрқувдан иборат эди. Кейинчалик диний тасаввурлар воситасида бу жараён эътиқод билан алмашди. Рух ўлмаслиги қайта-қайта таъкидланди.

Турли фалсафий йўналишлар ва мактаблар ҳаёт ва ўлим масалаларини турлича тушунтирганлар. Фалсафа тарихида айрим фалсафачилар учун бу масалалар шахсий ҳаёт тақдирини ҳал қилиш билан боғлиқ бўлган. М.Суқрот, Афлотун бу қарорда фалсафачи

учун ўз ҳаётини олийжаноблик билан тугатиш имкониятини кўрган. Ўзининг фикрича инсон маънавий мавжудод сифатида илохий моҳиятга эга. Маънавиятли инсонда ўлимдан қўрқиш туйғуси бўлмайди.

Бу масалалар ислом динида ҳам катта ўрин эгаллайди. Ҳаётнинг маъноси бу рухнинг саломатлиги, доимий рохат-фароғатга элтувчи мехнат ва билимдир. Суфий мутафаккирлар таълимотига ҳаётнинг маъноси, ўлим ва мангулик масалалари инсоннинг илохий моҳиятини билишга интилиши, ҳалол мехнат қилиб бошқаларга мехр-мурувватли, рахм-шавқатли бўлиши билан боғлиқ равишда еритилади.

Европадаги янги давр фалсафасида ҳам Шарқ фалсафаси таъсири остида бу масалаларга янгича қараш шаклланади. Табиий инсон ва янги Европачи инсон моделлари шаклланди. Янги инсон модели табиий инсон моделни ҳам ўзига сингдиради. Шу сабабли янги ижтимоий, маънавий инсон модели юзага келди.

Инсон ўзининг ижтимоий моҳиятига кўра биоруҳий мавжудотдир. Инсон моҳияти бундай тушуниш унинг мавжудлиги ва ҳаёт кечиришнинг қатор жиҳатларини назарий таҳлил қилишга имкон беради. Инсоннинг илк даражаларидан бошланган бетакрорликнинг энг узоқ давом этган даври ибтидоий жамоа босқичига тўғри келади. Фалсафа ва фанда бу босқични индивид тушунчасида ифодалаш қабул қилинган. Инсон индивид босқичда ўзининг жисмоний мавжудлигини таъминлашни биринчи ўринга қўяди. Унинг мустақиллиги ўзи мансуб бўлган уруғ жамоаси билан чекланади. Чунки индивиднинг барча эхтиежлари уруғ билан қондирилади. Уруғ аъзолари эса ўзларининг манфаат ва мақсадларини ажратмаган.

Уруғ жамоаси емирилиши билан аста-секин ижтимоий мехнат таксимоти, хусусий мулкчилик ва оиланинг келиб чиқиши билан инсон ривожланишида индивиддан юксак бўлган янги босқич келиб чиқишини таъминлади.

Инсоннинг индивид босқичи ибтидоий жамоа тузуми даврига тўғри келишдан унинг кейинги ривожи такрорий, алоҳидаликсиз кечади, деган хулосага келмаслик лозим. Булар ҳамма вақт объектив равишда инсон сифатларининг муҳим хусусиятларини ифодачиси бўлиб колаверади. Янги босқичда инсонлар мустақилл фаолият кўрсатувчи мавжудот сифатида бир-биридан фарқланади. Индивидуаллик тушунчасида ҳар бир инсон ҳаёти, фаолиятининг барча соҳаларида намоён бўладиган ўзига хосликлар ифодаланади. Индивидуаликда ижобийлик ўз аксини топади. Индивидуаллик алоҳида олинган инсоннинг аниқ хатти-ҳаракати, малакаси, лаёқати, одат ва кўникмаларини ифодалайди.

«Шахс» тушунчасида даставвал инсоннинг жамиятда тутган ўрни ва бажарадиган вазифалари ифодаланади. Шунга кўра, жамиятни ўрганадиган барча фанлар доирасига ҳам шахс масалалари киради. Табиий фанлардан фарқли равишда жамиятшунослик фанлари инсонни шахс сифатида олиб текширади.

Муайян маънода шахс-яхлит жамиятнинг алоҳида олинган ажралмас бўлагидир. Унда даставвал мавжуд ижтимоий муносабатлар ҳам бўлади. Ибтидоий тузум содда жамоатчилигининг инқирозига юз тутиши туфайли кишилар бир-биридан «ички» дунёси ва ижтимоий манфаатлари билан ўзаро фарқланиб шахс босқичига кўтарила борди. бунинг натижасида эга шахс билан жамият манфаатлари нисбати масаласи кун тартибига қўйилади. Инсон шахсининг шаклланишидаги биринчи босқич-оиладир. Оила биоижтимоий сифатга эга бўлган тузилма сифатида жамиятнинг бетакрор дастлабки бугинидир. Шахснинг шаклланиши, унинг сифатлари қарор топишида у интиладиган маданий-ижтимоий идеаллар ва бажариши лозим бўлган вазифаларининг ҳам ўрни каттадир. Буларни фалсафада инсоннинг ижтимоийлашуви йўли билан шахсга ўтиши деб аташ қабул қилинган.

Ижтимоийлашув натижасида инсоннинг био ва руҳий жиҳатларига мақсадга мувофиқ таъсир кўрсатилади.

Эркинчилик фалсафада бутун ижтимоий тарих давомида инсоният ва инсон шахси ҳаётининг ўткир муаммоларидан бири бўлиб келди. фалсафа тарихида эркинлик нима деб берилган саволга берилган жавоблар ичида даставвал уни воқеилик олам ривожланишининг заруриятлари билан боғлаш кўзга ташланади.

Кишилар кундалик ҳаётларида турлича кўринишдаги заруриятга дуч келишади. Улар ўз фаолиятида шу шароитдан келиб чиқишади. Шахс моҳиятининг кўпгина муҳим қирралари, унинг табиатидаги қатор жиҳатлари, имконияти бажариши лозим бўлган вазифалари, ҳаётий роллари хокимият тизимига, хуқуқий муносабатларига боғлиқ бўлади. Бошқача қилиб айтганда жамиятнинг демократиявийлик даражасига боғлиқ бўлади. Демократия цивилизация тонгидаек қарор топган қадрият ҳисобланади. Хозир Ўзбекистонда демократияни, унинг шарқона анъаналарини кенг ривожлантириш, қонунлар устуворлигини таъминлаш муҳим вазивалардан ҳисобланади.

2масала. Жамият нима?

Жамият — табиатнинг бир қисми, яъни ижтимоий борлиқ бўлиб, одамлар уюшмасининг махсус шакли, кишилар ўртасида амал қиладиган жуда кўплаб муносабатлар йиғиндиси, деган турлича таърифлар ҳам бор. Жамият муттасил равишда ривожланувчи, такомиллашиб борувчи мураккаб тизимдир. Ҳар бир янги даврда жамият моҳиятини билиш зарурати вужудга келади. Миллий мустақиллик туфайли жамият моҳиятини янгича идрок этиш эҳтиёжи пайдо бўлди. Президент Ислом Каримовнинг қатор асарларида жамият моҳиятини янгича тушунишнинг услубий асослари яратилди.

Жамият моддий ва маънавий омиллар бирлигидан иборат. Хозирга қадар адабиётларда моддий ва маънавий ҳаёт бир-биридан кескин фарқланар эди. Президент Ислом Каримов асарларида жамиятнинг моддий ва маънавий манфаатларини уйғунлаштириш ижтимоий тараққиёт асоси экани таъкидланган. Инсон маънавиятини юксалтириш орқалигина иқтисодий ривожланишга эришиш мумкин. Шунинг учун ҳам хозирги даврда ахоли маънавиятини юксалтиришга, миллий ғоя ва мафкура асосларини шакллантиришга катта эътибор бериляпти.

Жамиятнинг вужудга келиши. Кишиларни оила бўлиб, жамоа бўлиб уюшишга нима мажбур қилин, деган масала кадим замонларданоқ улуғ мутафаккирлар эътиборини жалб этган. Бу масалани диний тушуниш — уни илохий куч, худо билан боғлаб изохлашдир.

Дунёвий қарашларга кўра, одамлар ўзларининг моддий ва маънавий эҳтиёжларини қондириш учун биргаликда яшашга, жамоа бўлиб бирлашишга қўниккан. Кишилар ҳаётий тажриба, ақл ва тафаккур туфайли жамият бўлиб яшашнинг қулай, афзал ва зарурлигини тушунган. Бу жараёнда ўзаро муносабатларга киришган кишилар ана шу муносабатларни такомиллаштириш, янада ривожлантириш орқали маънавий камолотга эришган. Бу кишиларни бир бири билан яқинлаштирган, моддий ва маънавий эҳтиёжларини қондириш имконини берган.

Ижтимоий муносабатларнинг амал қилиш жараёнида одамларни уюштиришнинг тарихий шакллари — оила, давлат, жамоа (кишлоқ, шаҳар) вужудга келган. Одамлар ўртасида амал қиладиган ахлоқий, диний, илмий, фалсафий, хуқуқий, иқтисодий, мафкуравий каби муносабатларнинг барчаси бир сўз билан **ижтимоий муносабатлар** дейилади. Ижтимоий уюшмалар кишиларнинг моддий ва маънавий эҳтиёжларини қолдиришга ёрдам беради. Улар моҳиятан инсон ва жамият мавжудлигининг зарур шарти

ҳисобланади. Масалан, оила, давлат, таълим-тарбия, махалла, Ватан каби қадриятларсиз инсон ва жамият ўз моҳиятини йўқотади.

Инсоннинг моддий эҳтиёжлари озиқ-овқатлар, кийим-кечак, уй-жой, транспорт воситалари, ўзини ҳимоялаш, зурриёт қолдириш кабилардан иборатдир. Маънавий эҳтиёжларга оламни билиш, ўзликни англаш, дунёқараш, донишмандликка интилиш, билим, санъат, ғоя, мафкура гўзаллик билан, маънавий камолот йўлидаги интилишлар киради. Инсоннинг асл моҳияти моддий эҳтиёжларни маданий шаклларда қондирилишида яққол намоён бўлади. Илм-фан ва техника инсоннинг маънавий ва моддий эҳтиёжларини қондириш қуроли, муҳим восита бўлиб хизмат қилади. Инсон юксак маънавият туфайлигина ўз эҳтиёжларини маданий шаклларда оқилона ва тўлароқ қолдириш имконига эга бўлади.

Мамлакатимизда маънавият масалаларига алоҳида эътибор берилаётганининг сабаби ҳам ана шунда. Жамиятнинг моддий ва маънавий ҳаёти кишиларнинг моддий ва маънавий эҳтиёжлари билан узвий боғлиқ холда вужудга келди.

Жамиятнинг моддий ҳаётига қуйидагилар киради:

- кишиларнинг яшаши, шахс сифатида камол топиши учун зарур бўлган иқтисодий шарт-шароитлар;

- озиқ-овқат, кийим-кечак, турар-жой, ёқилғи, коммуникация воситалари;

- моддий неъматлар ишлаб чиқариш, таксимлаш, айир-бошлаш ва истеъмол қилиш;

- ишлаб чиқариш жараёнида кишилар ўртасида амал қиладиган иқтисодий муносабатлар мажмуи;

- моддий бойликлар, табиий захиралар.

Жамиятнинг маънавий ҳаётига оламни тушуниш, жамият ва инсон тўғрисидаги қарашлар, назариялар, таълимотлар, ғоялар, мафкура, ижтимоий онг шакллари, таълим-тарбия, ахборот воситалари, маданият, илм-фан муассасалари ва бошқалар киради.Жамиятнинг моддий ва маънавий ҳаётини бошқариш, кишилар ўртасидаги муносабатларни тартибга солишда турли сиёсий институтлар (давлат, сиёсий партиялар, ташкилотлар, турли уюшмалар) муҳим ўрин тутади. Жамиятни бошқаришнинг сиёсий-хуқуқий жиҳатлари ҳам муҳимдир. Жамият ривожи, кишиларнинг моддий ва маънавий эҳтиёжлари қондирилишида мехнат, мулк ва мехнатнинг ижтимоий таксимланиши беқиёс аҳамиятга эга. Мехнатнинг кишиларнинг қобилиятига қараб ижтимоий таксимланиши натижасида муайян касбкор билан шуғилланадиган тоифалар, гуруҳ, қатлам ва синфлар вужудга келади ва улар жамият структурасида ўзига хос ўрин эгалайди, жамият тараққиётига муайян хисса кўшади.

Жамият тараққиёти тўғрисидаги назариялар. Фалсафий тафаккур тарихида жамиятнинг моҳияти ва ривожланишига оид турли назариялар мавжуд. Хусусан, немис файласуфи Хегел жамиятнинг шаклланиши ва ривожланиш сабабларини мутлоқ рухнинг ривожланиши билан, Л. Фейербах дин билан боқлаган, ижтимоий тараққиёт сабабларини диний онг тараққиётидан излаган. Француз мутафаккири О. Қонт жамиятнинг ривожланиш сабабларини инсоният маънавий тараққиётининг уч босқичи (теологик, метафизик, позитив босқичлар) билан изохлаган. К. Маркс жамиятнинг ривожланиш сабабларини синфий кўраш ва истиқболий ўзгаришлар билан боқлаган, барча ижтимоий ходиса ва жараёнларни синфий нуқтаи назардан тушунтирган. Ижтимоий зиддиятларни сунъий равишда мутлақлаштирган ва зиддиятларни хал этишнинг асосий узили сифатида

ижтимоий инкилобни амалга оширишни, мулкдорлар синфини тугатишни таклиф этган. Ижтимоий амалиёт бундай назариянинг бир ёқлама ва хато эканини кўрсатди.

Жамият тараққиёти кўп босқичли жараён экани тўғрисидаги қарашлар АҚШ файласуфи О. Тоффлер томонидан илгари сурилган. Бундай қарашга кўра жамиятлар тараққиётига биноан, аграр жамият, индўстриал жамият, постиндўстриал жамиятга ажратилган. Адабиётларда жамият тараққиёти борасида цивилизацияли ёндашув ғояси илгари сурилмоқда. Бундай ёндашувга кўра ҳар бир халқ ўзининг бетакрор, ноёб, ўзига хос ва ўзига мос турмуш тарзини сақлаб қолган холда, бошқа халқлар тажрибаларидан ижодий фойдаланиш орқали ижтимоий тараққиётнинг ўзига хос моделини яратади.

Жамият ҳаётига барқарорлик ва беқарорлик ҳам хос.

Барқарорлик – жамият тараққиётининг тадрижий ривожланиши, ижтимоий тизимнинг муайян даражадаги бир тёкис фаолият кўрсатиш имкониятидир. У турғунлик тушунчасидан кескин фарқланади. Ижтимоий-сиёсий турғунлик тушунчаси жамиятдаги мавжуд сиёсий, иқтисодий, маънавий тизимнинг таназзули аломатидир.

Жамиятда барқарорлик беқарорлик билан, инқироз гуллаб-яшнаш билан алмашиб туриши ҳам мумкин. Жамиятнинг маънавий, иқтисодий, сиёсий, хуқуқий сохаларида муайян ютуқларга эришилгач, ижтимоий имкониятлар рўёбга чиқарилиб булгач, унинг бундан кейинги тараққиёти йўлида янги муаммолар туғилади ва уларни хал этиш вазифаси пайдо бўлади. Жамият аъзоларининг маънавий салохияти, миллий психологияси, табиий равишда мавжуд сиёсий тузум кишиларни бошқаришнинг ўзига хос усулларини ҳаётга тадбиқ этади. Инсоният ҳаёти тарихида жамият барқарорлигини таъминлашнинг монархияга асосланган, аристократик, тоталитар ва демократик узиллари тажрибадан ўтган.

Беқарорлик ички ва ташқи жараён ва тахдидлар натижасида вужудга келади. Беқарорлик бир ижтимоий-сиёсий тузумдан бошқа бир ижтимоий-сиёсий тузумга ўтиш даврида кескинлашиши мумкин. Жамият барқарорлигининг издан чиқиши кишилар психологиясидаги салбий ўзгаришларда, қонунларнинг ишламаслигида, ижтимоий бурчнинг адо этилмаслигида, ижтимоий идеалларнинг йўқолишида, ғоя ва мафкурага лоқайдликнинг кучайишида, турли жиноий гуруҳларнинг пайдо бўлишида, ижтимоий адолат мезонларининг бузилишида, давлат идораларининг ахолини бошқариш қобилияти кучсизланишида, турли зиддиятларнинг кескинлашувида ўз ифодасини топади.

Жаҳон тажрибаси ҳар бир мамлакат ва халқнинг ўз тараққиёт йўлини танлаш хуқуқига эга бўлиши умумий хавфсизлик ва ижтимоий барқарорликни таъминлаш гарови эканини кўрсатди.

4масала. Тараққиётнинг ўзбек модели – жамиятнинг тадрижий ривожланиш қонцепцияси сифатида. Ижтимоий ривожланишнинг ўзбек модели инсониятнинг ривожланиш борасидаги илғор тажрибасига, миллий давлатчилик тажрибаларимизга ва халқимиз менталитетига таянади.

Ижтимоий ривожланиш борасида халқлар одатда икки йўлдан — истиқболий ва тадрижий йўлдан борган. Инсоният тажрибаси ижтимоий ривожланишнинг кескин истиқболий ўзгаришлар йўли номакбул ва яроқсиз эканини, жамият-нинг тадрижий (эволюцион) тараққиёти барқарор — табиий ривожланиш йўли эканини кўрсатди.

Ўзбек моделнинг асосий тамойиллари куйдагилардир:

- иқтисоднинг сиёсатдан устуворлиги;

- давлатнинг бош ислохотчи эканлиги;

- қонун устуворлиги;

- кучли ижтимоий ҳимоялаш;

- бозор муносабатларига босқичма-босқич, тадри-жий йўл билан ўтиш.

Ўзбек моделининг ўзига хос хусусиятлари давлатчи-лик асосларининг, миллий қадриятларнинг қайта тикланиши, ўзликни англаш, умуминсоний қадриятларнинг устуворлиги, миллий менталитетимизга хос хусусиятларининг тикланиши ва ривожланиши, демократик қадриятларнинг ривожлантирилиши ва инсон хуқуқларининг кафолатланиши ва бошқаларда ўз ифодасини топмоқда.Ўзбек моделининг ҳаётийлиги жаҳон жамоатчилиги тамонидан эътироф қилинди. Ўзбекона тараққиёт йўли маънавий ҳаёт ва иқтисодий ривожланиши бир-бири билан узвий боғлиқликда амалга оширишда, маънавият, маърифат, маданиятга бўлган эътиборнинг кучайишида яққол кўзга ташланади.

Жамият ва оила. Жамият ва оила моҳиятан бир-бири билан узвий боғлиқ. Оилада жамиятнинг туб моҳияти ўз аксини топади. Шу маънода, оилани кичик жамият дейиш мумкин. Ҳар бир жамият аъзоси оила бағрида вояга етади, ижтимоий муносабатларни ўзлаштиради ва инсоний фазилатларни намоён этади. Баркамол инсонни шакллантириш, уни ҳаётга, мехнатга тайёрлаш оиланинг муқаддас вазифасидир. Оилани мустаҳкамлаш жамият барқарорлиги ва қудратининг муҳим шартидир. Шу боисдан ҳам давлат оилани ўз ҳимоясига олади. Жамиятдаги маънавий-ахлоқий мухитнинг соғломлиги кўп жиҳатдан оилавий маданиятга боғлиқ. Оила қандай бўлса, жамият ҳам шундай бўлади.

Улуғ мутафаккирлар жамиятнинг маданий даражаси аёлнинг жамият ва оиладаги ахволи, мавқе билан белгиланишини алоҳида таъкидлаганлар.

Оила муаммоларини илмий асосда ўрганилганлиги ва уларни оқилона хал этишни ўз олдига мақсад қилиб куйган республика «Оила» илмий-амалий марказининг ташкил этилганлиги ҳам давлатимизнинг оилавий муносабатларини такомиллаштиришга алоҳида эътибор бераётганидан далолат беради. Бу эса, ўз навбатида, ижтимоий ривожланишга ижобий таъсир кўрсатди.

Давлатнинг жамият ҳаётидаги ўрни ва аҳамияти. Давлат – жамиятни бошқариш, тартибга солиш, ижтимоий барқарорликни таъминлашга қаратилган алоҳида бир муассасадир. Давлат умуминсоний қадрият, инсоният маънавий тараққиётининг муҳим ютуғидир.Жамият маънавий салохиятининг юксалиб бориши билан сиёсий бошқариш шакллари ва узиллари ҳам такомиллашиб боради.Ўзгарган тарихий шароитда давлатнинг моҳияти, мазмуни ва вазифаларига янгича ёндашиш зарурати вужудга келади. Мустақиллик йилларида миллий давлатчилик анъаналарининг тикланиши билан давлатнинг ташкилотчилик, бош ислохотчилик фаолияти янгича мазмун ва аҳамият касб этди.

Президент И.А. Каримов томонидан ишлаб чиқилин тараққиётнинг ўзбек модели қонцепциясининг амалга оширилишида давлат хал қилувчи ўрин тутади. Жамият ҳаётида турли жамоалар, ташкилот ва уюшмалар ҳам фаолият кўрсатади. Уларни шартли равишда давлат ва нодавлат ташкилотларига ажратиш мумкин. Уларга сиёсий партиялар, сиёсий ҳаракатлар, касаба уюшмалари, ёшлар уюшмалари, турли жамғармалар, хотин-қизлар ташкилотлари, фахрийлар уюшмаси, махалла кумиталари ва бошқалар киради. Фуқаролик жамиятини барпо этиш — Ўзбекистон тараққиётининг бош мақсади. Фуқаролик жамияти кишиларнинг юксак ахлоқий-сиёсий ва хуқуқий маданиятига асосланадиган демократик жамият тараққиётининг юқори босқичидир. Бундай жамият эркин уюшмаларнинг

кўпқиррали алоқаси бўлиб, давлат қонунларини хурмат қилиб бажарувчи жамият тарғибига кирувчи элементлар-нинг нисбий мустақиллигига асосланувчи, турли зиддият ва ихтилофларни қонун доирасида ўзаро келишув, сабр-тоқат ва музокаралар орқали хал этишга асосланувчи жамиятдир.

Фуқаролик жамияти асосларини барпо этиш кишиларнинг юксак сиёсий ва хуқуқий маданияти, ижтимоий-сиёсий фаоллигига таянади. Мамлакатимизда махалла хокимият органларининг ташкил этилиши, улар ваколатининг кучайтирилиши халқимизнинг ўз-ўзини бошқариш, идора этиш маданиятини шакллантиришда муҳим аҳамият касб этади. Махалла кишиларда яхши инсоний фазилатларини камол топтириш, ўзўзини бошқариш, демократик қадриятларни рўёбга чиқариш мактабидир.

3-масала. Инсониятни ўраб турган мухитнинг тарғибий қисми бўлган одамзоднинг яратувчилик қобилиятини кўз-кўз қиладиган энг буюк неъматлар орасида маданият асосий ўринлардан бирини эгаллайди. Унда одамзоднинг иктидори, салохияти ва қобилияти ўзлигини намоён қилади.

Маданият кўпқиррали ижтимоий-тарихий ходиса бўлиб, инсоният маънавияти юксалиб боргани сайин мазкур тушунчанинг мазмуни тобора бойиб боради. Маданият инсон томонидан яратилган сунъий оламдир ёки иккинчи табиатдир, деган қарашлар ҳам йўқ эмас. Бунда одам зотининг яратувчилик қобилияти, иктидори ва шу асосдаги фаолияти ҳамда уларнинг натижалари назарда тути-лади.

Тарихдан жамият тараққиётининг муайян даврларида маданиятнинг нихоятда гуллаб-яшнаган даврлари бўлгани маълум.

Маданият инсон билимлари, кўникма ва тажрибаларини, маънавий салохиятини ҳамда амалий фаолият жараёнида инсон идеалларининг рўёбга чиқиши ва шахс сифатида камол топиш жараёнини ўзида акс эттиради.

Маданият ва цивилизация тушунчалари ўзаро боғлиқ бўлса-да, турлича мазмун ва хусусиятга эгадир. Баъзи олимлар маданият, ўзининг келиб чиқишига кўра, цивилизацияга нисбатан кадимийдир, у моҳиятан цивилизациянинг рухи, жонидир, деб хисоблайди. Масалан, А. Тойнби «Тарихнинг идрок қилиниши» асарида шундай фикрларни баён этади. Француз олими Р. Арон ҳам шунга яқин хулосага келади. Унинг фикрича, айнан маданият ва саноат сохасидаги таназзул аста-секин инсониятни кризислар боткоқига ботириши, бу эса, умумбашариятнинг келажагини хавф остига қўйиши ҳам мумкин.

Миллий маданият ривожида қуйидагилар катта ўрин тутади:

- миллатнинг ватани — миллат тарқалган ва у азал-азалдан яшаб келаётган худуд. Миллий маданиятнинг камол топиши, ривожи ва сақланиши учун энг асосий табиий омил бу Ватандир.

- миллатнинг тили. Мутахассисларнинг хисоб-китобларига қараганда, дунёда 2000 дан ортиқроқ тил-лар мавжуд. Кичик лахжаларни кушиб хисобланса, бу кўрсаткич янада ортади.

- миллатга мансуб кишиларнинг маънавияти, ахлоқи ва нафосати. Жаҳон миллатни ана шу жиҳатлар орқали танийди, бахолайди. Гоҳида маданият дейилганида, айнан ана шундай айтилмайдиган ва ёзилмайдиган қонуниятлар назарда тутилади.

- урф-одатлар, анъаналар. Ўз урф-одат ва анъаналарга эга бўлмаган миллат йўқ. Маънавий ҳаётнинг мана шу жиҳатлари орқали миллатнинг ўзлиги намоён бўлади. Урф-одат ва

анъаналарда миллатнинг тарихи, ўтмиши, маданий мероси ўз аксини топади. Ана шу хусусиятларини йўқотган миллат этноижтимоий бирлик сифатида йўқолади.

- қадриятлар. Миллатнинг маданият ва цивилизация жиҳатидан яратган барча бойлик ва маънавий меросини ифодалайди.

Маданиятда миллийлик ва умуминсонийлик. Жаҳонда 1600 дан ортиқроқ миллат яшайди. Улар учун бизнинг Она сайёрамиз умумий ватан бўлиб ҳисобланади. Ана шу умуминсоният жамоасининг ҳамжиҳат яшаши, биргаликда ва ёнма-ён фаолияти натижасида бутунжаҳон маданияти ва цивилизацияси шаклланган.

Шу билан бирга, муайян худуд, давлат ва минтақаларда ҳам бир қанча халқларнинг азал-азалдан ёнма-ён яшаб келаётганлигининг гувохимиз. Албатта, улар орасида табиий равишда ижтимоий, иқтисодий ва маданий алоқалар жараёни боради. Бу жараёнлар, ўз навбатида, умуминсоний ва байналмилал маданий тамойиллар асосида амалга ошади. Маданиятларни бир-бирига яқинлаштиради, улар ўртасидаги умумий жиҳатларнинг камол топишига олиб келади. Ана шу умумийлик билан алоҳидалик, яъни бутунжаҳон маданияти ва бирор-бир халққа хос бўлган маданият ўртасидаги мунтазам алоқа ҳам инсоният тарихи ва тараққиёти учун муҳим ҳисобланади.

Бу сохада умумбашариятга хос бўлган жиҳатларни биз маданиятдаги умуминсонийлик, миллатнинг ўзигагина хос бўлган хусусиятларни эса маданиятнинг миллийлиги деб атаймиз. Аслида эса миллийлик ва умуминсонийлик бир бутун маданиятнинг икки томони, бир-бирини тақозо этувчи жиҳатлардир. Маданият ана шу икки жиҳатнинг узвий алоқаси ва бир бутунлиги орқали намоён бўлади. Миллийлик — маданиятнинг жони, унинг миллат билан боғлиқ яшаш узили, миллатнинг унда намоён бўладиган рухидир. Умуминсонийлик эса маданиятнинг бутун жаҳонга хослиги, ана шундан келиб чиқадиган умумбашарий хусусиятлари, жамият ривожининг барча давр ва худудларга хос умумий тамойилларидир.

Маънавият ўзбек тилида кўп ишлатиладиган, шу билан бирга, энг кам ўрганилган тушунчалардан биридир. Худди шундай фикрни бошқа олимлар ҳам баён қилади:

Фанда, хусусан, фалсафада бу тушунчанинг кам ўрганилгани, аввало, шунда намоён бўладики, жуда кўп фалсафий тизимларда унга мутлақо эътибор берилмаган, уларнинг асосий тушунчалари — категориялар силсиласида унга ўрин ажратилмаган. Ўзбекистон мустақилликка эришгач, мамлакатнинг тараққиёт режалари тузилар экан, ривожланишнинг фақат иқтисодий жиҳатларига эмас, маънавият масаласига ҳам алоҳида эътибор берилди. Бу эътибор фақат назария сохасида эмас, амалиётда ҳам намоён бўлди. «Халқнинг маънавий рухини мустаҳкамлаш ва ривожлантириш, — деб ёзган эди Президент Ислом Каримов, Ўзбекистонда давлат ва жамиятнинг энг муҳим вазифасидир». Мамлакатимизда маънавият масалалари бўйича ўқув режалари ва дастурлар тузилди, ўрта ва Олий ўқув юртларида маънавият фани киритилди. Республика маънавият ва маърифат маркази тузилиб, барча вилоят, шаҳар ва туманларда унинг бўлимлари очилди. 1999 йилда Республика маънавият ва маърифат кенгаши тузилди.

Бошқа фанларда бўлгани каби, фалсафада ҳам ходисаларни ўрганиш, кўпинча уларни ифодалайдиган сўзларнинг келиб чиқишини аниқлашдан бошланади. «Маънавият» сўзининг негизида арабча «маъни» сўзи ётади. «Маънавий» сўзи маънига алоқадорликни билдирса, «маънавият» «маънавий» сўзининг кўпликдаги шаклидир.

«Маънавият» атамасининг негизида маъно сўзи ётар экан, унинг мазмуни, қўлами, тарғибини аниқлаб олиш маънавият атамасини тўлароқ англашга ёрдам беради. Маъно моҳиятнинг ифодаланиш шаклидир. Шу билан бирга, маънонинг ҳам ўз ифодаланиш

шакли бор. Бу шакл сўз ва ибора, тилдир. Маъно, бир томондан, моҳиятнинг шакли бўлса, иккинчи томондан, унинг ўзи сўз ва жумла учун мазмундир. «Чун Ғараз сўздин эрур маъни анга», деб ёзганида Навоий худди шуни назарда тутган эди.

Айни бир моҳиятга турлича маъно берилиши фақат фан эмас, адабиёт ва санъат учун ҳам хосдир. Кўпгина адабиёт ва санъат асарлари одамлар, танкидчилар, мутахассислар томонидан турлича талқин қилинади. Агар фанда мутахассислар моҳиятнинг кўп маънолилигидан бир маънолиликка қараб ҳаракат қилсалар, санъатда бир шакл ёрдамида кўпгина маъноларни бериш санъаткорнинг махоратидан далолат беради.

«Маънавият» сўзи қанчалик пурмаъно экани, унинг кўп қирралилиги тўғрисида Ислом Каримов шундай ёзади: «Ер, оила, ота-она, болалар, қариндош-уруғлар, қўни-қўшнилар, халқ, виждон, мустақил давлатимизга садоқат, инсонларга хурмат, ишонч, хотира, эркинлик – маънавиятнинг ана шундай маъноси кенг» .

Фалсафий тизимлар ва адабиётларда кенг кулланиладиган тушунчалар ичида «маънавият»га энг яқин турадигани «онг» тушунчасидир. Улар ўртасидаги муносабатлар шундай яқинки, маънавиятсиз онг ёки онгсиз маънавият бўлиши тўғрисида гап ҳам юритиб бўлмайди. Лекин, бундан «маънавият» ва «онг» айнан бир тушунча, деган хулоса чиқмайди.

Маънавият ва онг ўртасидаги муносабатларни ўрганиш онг тарғибига кирувчи бир қатор ходисалар билан маънавият муносабатини алоҳида-алоҳида таҳлил қилишга зарурат қолдирмайди. Шунинг учун онг тушунчасининг қўламини ва мазмунини аниқлаб олиш зарур.

Ижтимоий онгнинг турли шакллари, номидан ҳам кўриниб турганидек, шакл вазифасини бажарса, уларнинг мазмуни маънавиятни ташкил қилади. Бизнингча, баъзи изохлар билан, онг шакл ва маънавиятнинг мазмуни, деб қабул қилиш мумкин. Шу билан бирга, маънавият ҳам ўз тарғибидаги ходисаларга нисбатан шакл вазифасини бажариши мумкин.

Онг билан маънавият ўртасидаги муносабатларни шакл ва мазмунга киёсан аниқлаш маънавият моҳиятини ўрганишдаги дастлабки кадам, ҳалос. Навбатдаги вазифа эса, мазмунга киёсланаётган маънавиятнинг тарғибини аниқлашдир. Бу масаланинг муҳимлиги шундаки, маънавиятнинг ижтимоий ҳаётдаги ўрни ва аҳамияти кўп жиҳатдан унинг тарғибига боғлиқ. Шуниси ҳам борки, маънавият тарғиби, шу тарғибдаги ходисалар салмоғи турли халқлар, турли миллатлар маънавиятида турлича бўлиши мумкин.

Худди шунинг учун ҳам турли халқ ва миллатлар ўз миллий маънавиятига эга экани, айтилади. Миллий хусусиятларни ўрганишни миллий маънавиятнинг ўзига хос хусусиятларини ўрганишдан бошлашнинг сабаблари ҳам, бизнингча, худди шундадир. Келтирилган жумлада маънавиятнинг функцияларидан ташқари унинг тарғибига кирувчи унсурлардан асосийлари ҳам санаб утилган. Улар иймонирода ва виждон кабилардир. Иймон тўғрисида шуни айтиш лозимки, у музилмон Шарқи фалсафасига хос тушунча бўлиб, унинг бошқа тиллардаги эквивалентини топиш анча мушкул. Бу сўз кенг маъноли бўлиб, у ўз ичига эътиқод, ишонч, поклик сингари ахлоқий жиҳатлардан ташқари, ирода ва садоқат сингари руҳий сифатларни ҳам қамраб олади.

Маънавият тарғиби ранг-баранг ва жуда бой. Бу тарғибий қисмларнинг барчасини таҳлил қилиш учун жуда кўп вақт ва куч талаб қилинади. Бундан ташқари, маънавият тарғибига кирувчи онг, тафаккур, санъат, ахлоқ, адабиёт, дин, эътиқод каби кўплаб тушунчалар фалсафа, рухшунослик, этика, санъатшунослик, эстетика, адабиётшунослик каби фанларда таҳлил қилинган.

Шу билан бирга маънавиятнинг тарғибий қисмларини алоҳида-алоҳида таҳлил қилиш бу мураккаб ходиса тўғрисида тўла тасаввур бера олмайди. Чунки ҳар қандай бутунлик алоҳида-алоҳида қисмларнинг механиқ жамланмаси эмас, балки у уларнинг ўзаро таъсирга кириши натижасида вужудга келади. Маънавият ҳам ўз тарғибига кирувчи кўплаб унсурларнинг ўзаро таъсирга кириши оқибатида шаклланади.

Маънавият тарғибидаги муҳим бир қатлам билимлардир. Маънавият билимлар негизида шаклланади. Маъно сўзнинг мағзи бўлгани каби илмнинг мағзи билимдир. Инсонда ёки жамиятда билим қанча кўп бўлса, маънавий юксалиш учун шунчалик мустаҳкам пойдевор яратилган бўлади. Аммо пойдевор ўрнатиш уйнинг битганини билдирмагандай, билимлар миқдори ҳам ўз-ўзидан юксак маънавиятни билдирмайди. Билим — маънавиятнинг асоси, ҳалос.

Билимларнинг маънавиятга таъсири шундаки, улар маънавиятни юксалтиришга хизмат қилиш билан бирга, маънавиятга қарши каратилиши, маънавиятга путур ет-казиши ҳам мумкин.

Маънавият таркибидаги муҳим тарғибий қисмлардан бири ахлоқдир. У том маънода инсон билимларини, ақл-заковатини, куч-қувватини, бутун фаолиятини йўналтирувчи кучдир.

Киши хулқини фақат ахлоқ эмас, урф-одатлар, расм-русумлар, анъаналар каби ходисалар ҳам бошқаради. Улар эса ахлоқ таркибига кирмайдилар. Бу ходисалар ахлоқ таркибига кирмаса ҳам, маънавият таркибида сезиларли ўрин тутади. Урф-одат, расм-русм, анъана ва маросимларнинг маънавият билан ўзаро таъсири шундаки, оқилона жамиятнинг тараққиёт даражасига мос келадиган анъана ва маросимлар маънавиятни бойитишга, ривожлантиришга хизмат қилади.

Бир пайтлар халқнинг иқтисодий ва маънавий даражасига мос бўлган маросимларнинг баъзилари вақт ўтиши, иқтисодий ва маънавий тараққиёт туфайли шу халқ ривожига тўсиқ бўлиб қолиши мумкин.

Маънавият таркибидаги муҳим ходисалардан бири эътиқоддир. Эътиқод муайян ғояга, таълимотга бўлган қатъий ишончни англатади. Демак, эътиқод бўлиши учун аввало, ўша ғоя, таълимотнинг ўзи бўлиши лозим. ғоя ва таълимотларда одамларнинг, ижтимоий гуруҳларнинг манфаатлари акс этади. Лекин ғоя ва таълимотларнинг вужудга келиши учун манфаатларнинг мавжудлиги кифоя эмас. Миллий ёки ижтимоий ғоя вужудга келиши учун одамлар ўша мавжуд манфаатларни англашлари ҳам керак. Манфаатларни англаш даражаси ҳам турлича бўлиши мумкин. Одамлар ва ижтимоий гуруҳлар ўз манфаатларини чуқур англаб етгач, бу манфаатларни рўёбга чиқариш йўллари тўғрисида ҳам пухта тасаввур хосил қилинларидан кейингина, миллий ёки ижтимоий ғояни яратиш имкони туғилади.

Ижтимоий гуруҳлар мавжуд манфаатларни тўла англамаган ва уларни рўёбга чиқариш йўллари тўғрисида етарли билимга эга бўлмаган шароитда ижтимоий ғоя яратилса, у кўпчиликнинг онгига чуқур кириб бормайди. Эътиқодга таянмаган ва эътиқодга айланмаган ғоя кўрук сафсата бўлиб қолади. Эътиқод маънавият устунларидан биридир. Эътиқодсиз маънавият юксакликка кўтарила олмайди. Уни юксакликка қатъий ишонч, мустаҳкам эътиқодгина элтиши мумкин. Инсондаги энг кучли ва юксак туйғулардан бири эса мухаббатдир. Элга, диёрга, халққа мухаббат шунинг учун ҳам эътиқод тарғибидаги энг муҳим қисмлардан ҳисобланади.

Маънавият — очиқ тизим. Бутунлик сифатида маънавиятнинг энг асосий хусусиятларидан бири унинг очиқ тизим эканидадир. Маънавиятнинг асрлар ва минг йил-ликлар давомида

узлуксиз ривожланиб бориш сабаби ҳам худди мана шу очиқликда. Маънавиятни ташкил қилувчи унсурларнинг ҳар бири бойиб ва бошқа унсурлар билан мўтаносибликда ривожланиб боргани сари маънавият ҳам бойиб, ривожланиб боради. Бу ривожланиш шунингдек, эскирган унсурларнинг чиқиб кетиши ва янги унсурларнинг кириб келиши эвазига ҳам рўй беради. Агар жаҳондаги бирор халқ ўз маънавиятини бошқа халқлар маънавиятига қарши қўйса, ёки улардан ихоталаб олса, у таназзулга юз тутади. Ҳар бир халқ маънавияти бошқа халқлар маънавиятидан озиқланиб ва уларга озиқ бериб бойийди.

Маънавиятда миллий ва умуминсоний жиҳатлар ўзаро уйғун тарзда мавжуддир. Бу уйғунлик маънавият тарғибига кирган унсурларда миллий ва умуминсоний жиҳатларнинг узвий боғлиқлиги билан изохланади. Жумладан, ахлоқ, санъат, дин сингари ижтимоий ходисаларда ҳам миллий, ҳам умуминсоний жиҳатлар мавжуд.

Ўзбеклар ахлоқидаги орият, диёнат, катталарга хурмат, мехмондўстлик, мехнатсеварлик каби сифатларга уларнинг рухиятидаги самимийлик, инсоф, бағрикенглик, шарм-хаёлилик жиҳатлари, миллий адабиёт ва санъати кушилиб ўзбек маънавиятининг ўзига хос хусусиятларини шакллантиради.

Иқтисод ва маънавият. Жамиятнинг иқтисодий тараққиёти ва маънавий юксалиш ўртасидаги боғланиш турли олимлар ва файласуфлар томонидан турлича изохланган. Бу изохлар кўпинча бир-бирини мутлақо инкор қилувчи характерда бўлган. Маънавият ва иқтисодиёт ўртасидаги муносабатлар баъзан ялпи микёсда таҳлил килинса, баъзан маънавиятнинг муайян тарғибий қисмлари, хусусан, ахлоқ, мафкура, дин, рухият кабиларнинг иқтисодиётга ўтказадиган таъсири ўрганилган.

Иқтисодиёт ва маънавиятнинг ўзаро боғлиқлик даражаси, улар ўртасидаги ўзаро таъсирнинг ҳар бир йўналишидаги кучи ва давомийлиги турли даврларда турлича бўлган. Тарихга лоақал умумий тарзда кўз югуртириб чиқилса, уларнинг парвози ҳам, таназзули ҳам кўпинча бир пайтда юз берганини қуриш мумкин.

Маънавият иқтисодий жараёнларни ҳаракатга келтирувчи, ривожлантирувчи муҳим омиллардан хисобланса ҳам, унинг ўзи иқтисодиёт билан узвийликда юқори чўққиларга кўтарилиши мумкин. У иқтисодий тушкунлик даврида ҳам ривожлана олсада, унинг ҳақикий юксакликка кўтарилиши иқтисодий ўсиш, ривожланиш даврида юз беради. Бунга ғарб тарихи ҳам, Шарқ тарихи ҳам гувохлик беради.

Шарқдаги Уйғониш даврида маънавиятнинг гуллаб яшнаши иқтисодиётнинг барк уриб ривожланиши билан бирга кечди. Кейинроқ ғарб Уйғониш даврида ҳам маънавият ва иқтисодиёт биргаликда ривожланган эди. Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Маънавиятнинг иқтисодиёт тушкунликка учраган холларда ҳам ривожланавериши нисбатан қисқа даврда ва чекланган худудларда юз берган.

Бундан ташқари, маънавият иқтисодиётдан узоқлашар экан, аста-секин инқирозга юз тутган. Бунинг сабаби шундаки, жамият ҳаёти ўзаро бир-бири билан чамбарчас боғлиқ бўлган икки қисм — иқтисодий ва маънавий ҳаётга бўлинади. Уларни бир-бирига қарши қўйиш, бир-биридан ажратиш воқеликка зид бўлиб, охири муваффакиятсизлик билан тугайди.

Миллий маданиятнинг гуллаб-яшнаши халқларнинг цивилизациялашган тараққиёт йўлидан бориши ва ўзига хос цивилизация яратишида муҳим аҳамиятга эга.

Цивилизация тушунчаси алоҳида олинган бир халқ, худуд, жамият, давлат ва хатто жаҳонга, уларнинг ижтимоий- иқтисодий ва маданий тараққиётининг муайян босқичига нисбатан ҳам кулланилди. «Цивилизация» лотинча «цивилиус» сўзидан олинган бўлиб, айнан «фуқароликка оид» деган маънони англатади.

Мавжуд илмий адабиётларда цивилизацияга турлича таърифлар бериляпти: цивилизация маданий-техник тараққиётнинг юқори босқичи (бунда ёзувнинг кашф этилиши, техник кашфиётлар, саноат истиқболи цивилизациянинг муҳим белгиси сифатида талқин этилади); цивилизация — жамиятнинг муайян намунаси (бунда у формация тушунчаси билан айнанлаштирилади); цивилизация — инсониятнинг ёввойилик ва вахшийликдан кейинги тараққиёт даври.

Цвилизация ривожланишнинг муайян бир босқичида турган халқ ва мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ва маънавий ҳаётидаги сифатий ўзига хослигидир. Айрим тадқиқотчилар цивилизация асосини маданият, халқ, худуд билан боғласалар, бошқалари динни асос қилиб оладилар. Аслида эса уларнинг ҳаммаси ҳам цивилизациянинг тараққиётида ўз ўрнига эга. Ватанимиз тарихининг кейинги уч минг йилига назар ташласак, дунёвий билимлар ва диний қарашлар ёнма-ён яшаб келганининг гувохи бўламиз.

Маданият ва цивилизациянинг ўзаро боғлиқлиги. Цивилизация маданий ва маънавий ривожланишнинг махсули сифатида вужудга келади. Цивилизациялашган тараққиётгина миллий маданият равнақи учун кенг имкониятлар яратади. Миллий маданият цивилизациянинг асосий тарғибий қисмларидан биридир. Миллий маданиятдан узилиб қолган цивилизация охироқибатда инқирозга махкум бўлади. Масалан, хозир йўқолиб кетган Америкадаги майя цивилизацияси бунга мисол бўлади. Улардан бугун юздан ортиқ шаҳарлар вайроналари қолган. Бунга тарихдан янада кўплаб мисоллар келтириш мумкин.

Цивилизациянинг тарихий шакллари. Цивилизациялар ўз шаклига кўра Шарқ ва ғарб цивилизациялари, христиан ва музилмон цивилизациялари, худудий ва жаҳон цивилизацияси кабилардан иборат. Шарқ цивилизациясига хос бўлган қуйидаги муҳим хусусиятларни кўрсатиш мумкин:

- Шарқдаги барча дунёвий, диний ва фалсафий таълимотлар табиатга эхтиёткорлик билан муносабатда бўлишни, сабр-тоқатлиликни тарғиб этган;

- Одамлар орасида бағрикенглик, бирдамлик ва ҳамжиҳатлик рухи кучли бўлган;

- Миллий қадрият ва анъаналар эъзозланган;

- катталар ва ота-онага хурмат билан қарашга алоҳида эътибор берилган.

Ўзбекистон Шарқ цивилизацияси бағрида ривожланди. Ватан ва онанинг муқаддаслиги, жамоавийлик, ўзаро ёрдам, табиатга оқилона муносабат, мехнат севарлик, сабр-тоқатлилик, катталарга хурмат, камбағалпарварлик кабилар Шарқ цивилизациясига хос белгилардир.

Миллий мустақиллик йилларида ўзига хос тараққиёт йўлидан бораётган Ўзбекистон ўз миллий қадриятлари, маънавий мероси ва бой маданиятига таяниб, Ғарб ва Шарқнинг умумбашарий қадриятлари ва тажрибаларини ижодий ўзлаштириб, дунёвий цивилизация йўлидан бормоқда.

Ижтимоий-маданий тараққиёт мезони. Хозирги замон цивилизацияси ўзига хос хусусиятлар ва муаммоларга эга. Бунда энг муҳими жаҳон цивилизациясини сақлаб колиш ва уни янада ривожлантиришдир. Жаҳон цивилизациясини таназзулга олиб келадиган қатор тахдидларни бартараф этишда қуйидагилар нихоятда катта аҳамиятга молик:

- инсонни олий қадрият сифатида эътироф этиш;

- табиатни асраб-авайлаш;

- экологик хавфсизликни таъминлаш;

- оммавий кирқин қуролларини йўқ қилиш;

- давлатлар, халқлар ўртасидаги низоларни сиёсий йўл билан музокаралар орқали хал этиш;

- турли жиноий уюшмаларга барҳам бериш, халқаро тер-рорчилик ва гиёхвандликка, турли юкумли касалликларга қарши кўрашиш;

- кишиларда янгича дунёқараш ва сиёсий тафаккурни шакллантириш.

Бундай муаммоларни оқилона хал этиш учун турли мамлакат, минтақа ва халқлар ўртасида умумий ҳамжиҳатлик ва ҳамкорликка бўлган интилиш тобора ортиб бормоқда. Ислом Каримовнинг қатор асарлари ва нуқтларида таъкидланганидек, айрим минтақалардаги можаро ва зиддиятлар ўз вақтида оқилона хал этилмаса, жаҳон цивилизацияси ривожига салбий таъсир кўрсатиши мумкин.

Турли фалсафий тизимларда дунёнинг ижтимоий-маданий тараққиёт мезони турлича талқин этиб келинди. Хусусан, ишлаб чиқарувчи кучларнинг ривожланиш даражаси, техник ва технологик ютуқлар, табиий-географик омилга ижтимоий-маданий ривожланиш мезони сифатида каралди. Хозирги пайтда қатор фалсафий адабиётларда шахс маънавияти ва унинг эркинлик даражаси ижтимоий-маданий тараққиёт мезони сифатида кўрсатиляпти.

Жамият тараққиётига цивилизациявий ёндашув. Фалсафа тарихида жамият ривожига турлича ёндашишлар вужудга келди. Булар — формациявий ёндашув, кўпвариантли ёндашув, цивилизациявий ёндашув каби-лардир. Ижтимоий амалиёт, тарих тажрибаси инсоният жамияти тараққиётига формациявий ёндашишнинг бирёқлама, сунъий эканини кўрсатди. Хозирги замон Ғарб фалсафасида У. Ростоунинг иқтисодий ривожланиш назарияси кенг ёйилди. О. Тоффлер назариясига кўра, бутун инсоният тарихи уч катта даврга — аграр жамият, саноат жамияти ва постиндўстриал жамиятга (ахборот жамиятига) бўлинади.

Ижтимоий тараққиётга цивилизацияли ёндашиш ҳар бир халқ, мамлакат, минтақа тараққиётига ноёб ва такрорланмас жараён сифатида қарашга асосланади. Бундай ёндашиш моҳиятан формациявий ёндашишга зиддир. Цивилизацияли ёндашиш ҳар бир миллий маданиятнинг ўзига хослигини, ноёб ва бетакрорлигини сақлаган холда ижтимоий ривожланишнинг тадрижий йўлдан боришини эътироф этади ва жаҳон цивилизацияси ютуқларига таянади.

Республикамизнинг жаҳон цивилизациясига хос йўлдан бориши умуминсоний қадриятларнинг устуворлиги, миллий қадриятларга содиклик, инсонпарварлик ва ватан-парварликнинг уйғунлиги, халқаро қонун-қоидалар ва андозаларни хурмат қилиш, улардан ҳаётимизнинг барча сохаларида кенг фойдаланишни таказо этмоқда. Бу маънода тараққиётнинг ўзбек модели деб ном олган ривожланиш тамойили мамлакатимиз цивилизацияли тараққиётининг асосий жиҳатларини ўзида ифодалайди.

Миллий мустақиллик йилларида маданиятимизнинг бундан кейинги ривожланиш истиқболлари учун пухта замин яратилди. Бу, аввало куйдагиларда намоён бўлади:

- бой маданий меросимизни ҳар томонлама чуқур ўрганиш имкониятларининг яратилганлигида;

- Қадрлар тайёрлаш миллий дастўрининг ишлаб чиқилинлиги ва собиткадамлик билан амалга оширилаётганида;

- миллий маданиятларнинг равноқ топиши ва бир-бирини бойитиши учун қулай шарт-шароитлар яратилганида;

- жаҳон маданияти ривожига ўлкан хисса қўшган улуғ аждодларимиз меросини кенг тарғиб этишда;

- мамлакатимизда илм-фан ва техника салохиятини ривожлантиришга алоҳида эътибор берилаётганида;

- инсон интеллектуал салохиятининг ортиб бораётганида, юртимиз ободончилиги йўлида кўплаб тадбирларнинг амалга оширилаётганида.

Истиқлол ва миллий маданият ривожи. Миллий мустақиллик йилларида Ўзбекистонда яшаётган барча халқлар маданиятини ривожлантиришга, уларнинг маданий мероси ва қадриятларини асраб-авайлашга алоҳида эътибор берила бошланди. Бу жиҳатдан республикамизда озчиликни ташкил этадиган халқлар миллий маданий марказларининг ташкил этилиши катта аҳамиятга эгадир. 1991 йилда бундай марказларнинг сони унтага етмаган бўлса, бугунги кунда уларнинг сони 130 ортиб кетди. 1992 йилда мазкур марказлар ишини мувофиқлаштириб турадиган ташкилот - Республика байналмилал маданият маркази тузилди.

Ўзбекистондаги турли халқлар ва миллатларнинг умумий ғоя ва истиқлол мафкураси атрофида бирлашиши нихоятда катта аҳамият касб этади ва Ўзбекистоннинг жаҳон цивилизацияси томон ривожланишида муҳим омил бўлиб хизмат қилади.

Мавзунинг тарбиявий аҳамияти. Маданият ва цивилизациянинг асосий тамойиллари, қонуният ва хусусиятларини билиш — маънавий камолот манбаидир. Бу эса маданият ва цивилизациянинг ўзаро боғлиқлиги ва ўзига хос хусусиятларини илмий-назарий жиҳатдан чуқур идрок этиш баркамол инсон шахсини шакллантиришда катта аҳамият касб этади. Ёш авлодни юксак маданиятли ва умуминсоний қадриятларга хурмат ва садоқат рухида тарбиялаш миллий тараққиётнинг муҳим талаби, таълим-тарбия сохасида амалга оширилаётган ислохотларнинг бош вазифасидир.

Тараққиётимизнинг хозирги босқичида юксак маданиятли инсонни тарбиялаш, қонунчиликка амал қиладиган, фуқаролик бурчини адо этадиган, демократик жамият талабларига риоя қиладиган баркамол шахсни шакллан-тириш вазифаси турибди.

Қадриятлар тўғрисидаги фан — Аксиология (аксио — қадрият, логос фан, таълимот маъносини англатади) фалсафанинг шу масалани ўрганадиган ва у билан шуғилланадиган сохаси ҳисобланади. Қадриятлар фалсафаси — Аксиологиянинг кўпдан-кўп мавзулари мутахассисларимизнинг илмий изланишларида ўзига хос ўрин тутмоқда.

Қадриятлар тўғрисидаги ғарбда кенг тарқалган аксиология фани ривожланган мамлакатларда инсон қадри ва ҳақ-хуқуқларига доир кўпгина тамойилларнинг амалиёти учун назарий асослардан бири бўлган илмий сохалар қаторига киради.

Мустақиллик ва қадриятлар мавзуси. Истиқлол йилларида Ўзбекистонда бу мавзуга умуминсоний тамойиллар асосида ёндашиш шаклланди. Бундай қарашнинг вужудга келиши, қадриятларнинг ижтимоий ва маънавий янгила-ниши, жамият аъзоларининг камолоти ҳамда ёшлар тарбиясидаги аҳамияти масалаларига давлат микёсида юксак эътибор кўрсатилаётганлиги мазкур соха ривожининг бош йўналишидир. Қадриятларни мустақилликни мустаҳкамлашнинг маънавий омилларидан бири сифатида қадрланиши борасидаги ижобий жараёнлар тадқиқотларни кўпайтириш, уларга нисбатан масъулиятни янада оширишни тақозо килмоқда.

Истиқлол асрлар давомида шаклланган ўзига хос шарқона ва ўзбекона қадрлаш масалалари ва меъёрларини қайта тиклаш ҳамда замонавий талаблар даражасида такомиллаштиришни кун тартибига куйди. Мустақиллик истиқлол даврининг энг асосий қадриятидир. Зеро, мустақил бўлмаган мамлакатнинг қадриятлар тизими хеч қачон тўкис бўлмайди.

Қадрият ўзи нима? Қадрият тушунчаси нихоятда хилма-хил маънода, турли сохаларда кулланилади.

Қадриятнинг кундалик ҳаётдаги маъноси кишилар ўртасидаги мулоқотларда, оммавий ахборот воситаларининг хабарларида ўзига хос тарзда намоён булмоқда.

Табиат ва маданият буюмларининг инсон эҳтиёжини қондириши ва унинг мақсадларига хизмат қилиши таъкидланганида, асосан уларнинг фойдаси, қиммати назарда тутилади. Аммо буюмнинг қадри хисобга олинмаса, масаланинг аксиологик жиҳати очилмайди. Қадрият категорияси буюм ёки нарсаларнинг иқтисодий қимматини ифода-лайдиган тушунчадан фарқ қилади.

Шу маънода қадрият нарса ва буюмларнинг қимматига нисбатан кулланилмасдан, балки инсон учун бирор аҳамиятга эга бўлган воқеликнинг шакллари, холатлари, нарсалар, воқеалар, ходисалар, жараёнлар, холатлар, сифатлар, талаб ва тартиблар ва бошқаларнинг қадрини ва ижтимоий аҳамиятини ифодалаш учун ишлатиладиган фалсафий категориядир. Бу катего-рия ўзида қадрият объектининг нафақат қимматини, балки ижтимоий аҳамиятини, фалсафий-аксиологик маз-мунини, жамият ва инсон учун қадрини ҳам ифодалайди.

Қадрият, бахо ва қадр. Қадриятлар муаммосига бағишланган (асосан рус тилидаги) илмий-фалсафий ман-баларнинг кўпчилигида қадрият (ценность) тушунчасини бахо (оценка) тушунчаси билан киёслаш, уларга бир хил даража ва куламдаги тушунчалар сифатида қараш холлари учрайди. Бу икки тушунча киёсланаётганда, қадр тушун-часи эътиборга олинмайди. Балки, бундай холга рус ти-лидаги «оценка» ва «цена» сўзларининг ухшаш маъноли (кўпроқ иқтисодий) тушунчалар эканлиги сабаб бўлиши ҳам мумкин. Рус тилида қадр ибораси ишлатилмайди, унинг русча таржимаси йўқ. Қадр тушунчаси ўзбек тилида серқирра маъно ва мазмунга эга, у тилимиздаги баъзи ибора ва сўзларда ўзига хос шарқона фалсафий мазмун борлигидан далолат беради.

Қадриятнинг мазмуни ва аҳамияти «бахо» тушунчасида тўла-тўкис акс этмаслиги, турлича ифодаланиши ҳам мумкин. Қадриятнинг ҳақикий қадрини, мазмуни ва аҳамиятини бахосига қараб аниқлаш қийин бўладиган холлар ҳам учрайди. Аслида қадриятнинг қадрини билиш, унинг аҳамиятини англаб олиш ва бахолаш бир-бири билан узвий боғлиқ жиҳатларни ташкил қилади. Қадриятнинг аҳамияти англаб олинмаса, қадри тўғри тушунилмаса, унга тўғри бахо бериб бўлмайди.

Қадриятнинг объекти ва субъекти. Қадриятшуносликда қадрият тушунчаси билан бу тушунча боғланган объект ўртасида фарқ бор, деб қаралади. Агар қадрият берил-ган қадрни ифодалайдиган фалсафий тушунча сифатида каралмаса, унга таърифларнинг сон-саноқсиз бўлиши аниқ. Негаки, дунёда қадрланадиган нарсалар, ходисалар, воқеалар, жараёнлар, жойлар ва сифатлар, идеал ва мақсадлар нихоятда кўп. Қадрият тушунчаси эса уларнинг бирортаси учун тўғридан-тўғри исм, ата-ма ёки бевосита ном бўла олмайди, балки уларнинг қадрини англатадиган тушунча сифатида намоён бўлади.

Қадриятлар ва ижтимоий жараёнлар. Одамлар битта жамиятда, бир даврда ва ухшаш шароитларда яшаётган-ликларига қарамасдан, у ёки бу нарсанинг қадри тур-лича англаб олинади, тушунилади ва талқин қилинади. Ижтимоий жараёнлар таъсирида кишиларнинг

қадриятлар тўғрисидаги тасаввури, қарашлари ўзгаради, бу эса тараққиёт жараёнида одамларнинг турмуш шароитлари, ҳаёти ва маънавий киёфасидаги ўзгаришлар билан боғлиқдир.

Ана шунга кўра, ҳаммада ҳам қадрлаш туйғуси доимо бир хил бўлавермайди, ижобий ва салбий қарашлар, турли хил жиҳатлар ҳар қандай қадриятнинг қарама-қарши томонларини ташкил қилади. Ижобийлиги ва сал-бийлиги, бахоланиши ва аҳамиятига кўра бир-бирига мутлақо зиддек бўлиб кўринадиган яхшилик ва ёмонлик, ҳақикат ва ҳақсизлик, бахт-саодат ва Кам-кулфат, та-раккиёт ва таназзул каби тушунчалар ҳаётнинг бир-бирига зид ва чамбарчас боғланган томонларини ифода-лайди.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, қадриятлар жамият-нинг ривожи ва кишилар ҳаётининг турли даврларида турлича аҳамият касб этади, тарихий заруриятга мос равишда гох у, гох бу қадрият ижтимоий тараққиётнинг энг олдинги поқонасига чиқиб олади, бошқаларини хи-ралаштиргандай бўлиб туюлади. Натижада ижтимоий ри-вожланиш ва тараққиёт қонуниятларига мос равишда, олдинга чиқиб олган қадриятни барқарор қилишга инти-лиш нисбатан кучаяди. Масалан, юртни ёв босганида – озодлик, империя хукмронлиги нихоясида — истиқлол, уруш даврида — тинчлик, туткунликда — эркинлик, ка-сал ва беморлик онларида — саломатликнинг қадри ошиб кетади, уларга интилиш кучаяди.

Таълим тарбиянинг муҳим омиллари бўлган қадриятларнинг намоён бўлиш шакллари орасида ўз аҳамиятини, ижобийлик хусусиятларини доимий сақлаб қоладиганлари ҳам бор. Булар — инсон вужудининг тирик-лиги, умри ва ҳаёти, сихат-саломатлиги, мехнати, били-ми, муомаласи. улар инсон ва жамият бор экан, ўзининг ижтимоий аҳамиятини сақлаб колаверади. Афсуски, улар-нинг қарама-қаршиси бўлган касаллик, маъносиз ҳаёт ке-чириш, билимсизлик ва бошқалар ҳам тарихий жараёнларнинг ҳамрохи.

Қадриятлар тизими. Ҳар қандай жамият, ижтимоий-тарихий бирликлар (уруК, кабила, элат, халқ, мил-лат), ижтимоий субъектлар ва бошқалар ўзига хос қадриятлар тизимига эга бўлади. Бу қадриятлар тизи-мида асосий бўлмаган қадриятлар муайян қаторни таш-кил қилади, турли холатларда намоён бўлади. Жамият ривожининг муайян даври ёки бирор давлатда ҳам ана шундай қадриятлар тизими мавжуд бўладики, у ўша давр, жамият ва давлат кишилари, уларнинг фаолияти учун умумий мезон вазифасини ўтайди. Ҳар бир ижтимо-ий тарихий бирлик, синф ва партиялар ҳам ана шундай қадриятлар тизими асосида фаолият кўрсатадилар, улардан фойдаланадилар ёки уларга эришишнинг турли узилларини куллайдилар.

У ёки бу қадриятнинг аҳамиятини аниқлашда ана шун-дай тизимлар мавжуд эканлигини унутмаслик, унинг би-рор давр, ижтимоий бирлик, соха, жараён ва бошқалар учун қандай мавқега эга эканлигини назардан кочирмаслик лозим.

Қадриятларнинг намоён бўлиш шакллари. Бир қарашда қадриятларнинг шакллари сон-саноқсиз ва нихоятда тартибсизга ухшаб кўринади. Аслида эса башарият, олам, табиат ва жамиятда ажабтовур уйғунлик мавжуд. Қадрият шакллари ҳам уларга мос равишда ана шундай уйғунликда, қонуний боғланишда, умумий алоқадорликдадир. Бундай холатда уларнинг классифи-кациясида табиат ва жамиятдаги нарса, воқеа, ходиса, жараёнлар муайян куламда, қадрият шакллари эса улар билан боғлиқ холда намоён бўлади.

Макон ва замонда ушбу қадрият объектлари борлиқнинг бирор шакли, жиҳати, воқеликнинг бирор қисми, оламдаги нарсалар ва атроф-мухитнинг энг муҳим томонлари сифатида намоён бўлади. ушбу маънода қадриятларнинг умумбашарий, умумсайёравий ва минтақавий ҳамда бирор кичик худуд ёки жойга боғлиқ бўлган шаклларини. кўрсатиш мумкин. Бунда умумийлик, хусусийлик ва алоҳидаликнинг диалектикаси замонавий

атамалар «глобал», «зонал» ва «лоқал» қадрият объ-ектларининг ўзаро муносабати тарзида зохир бўлади.

Жамиятнинг яшаши, одамларнинг ҳаёт кечириши учун юқоридаги қадриятлар билан бирга жамиятдаги умумижти-моий ва умуминсоний қадриятлар ҳам муҳим аҳамият касб этади. Уларнинг жамият, унинг тузилиши, ижтимоий бир-ликлар ва ижтимоий онг шаклларига алоқадор туркумла-рини кўрсатиш мумкин. Масалан, жамиятнинг тузилишига хос миллий, синфий, ирқий ва бошқалар ёки ижтимоий онгнинг шаклларига боғлиқ: сиёсий, ҳуқуқий, ахлоқий, диний, ҳамда жамиятнинг асосий сохаларига боғлиқ: иқтисодий, ижтимоий, маданий, маънавий. Ижтимоий қадрият шакллари орасидаги фарқлар асло мутлоқ эмас, балки нисбийдир. улар орасида ўтиб бўлмас чегаралар йўқ.

Бугунги кунга келиб қадриятлар ибораси нихоятда машхур бўлиб кетди. Уни жуда кенг маънода ишлатиш, айниқса, маданий-маънавий ходисалар, урф-одатлар, анъаналар ва бошқаларга нисбатан умумий ном ёки ата-ма сифатида қўллаш холлари кўп учрамоқда. Кундалик мулоқотда қадри бор нарса, воқеа, ходиса, хусусият ва бошқаларни «қадрият» деб аташга кўпчилик ўрганиб қолди. Аммо ҳар бир сўз, атама ва тушунчанинг моҳияти ва мазмунини ўзига сиғдирадиган сифат чега-раси бор. У ёки бу тушунчадан ана шу мазмунга сиғмайдиган куламни талаб қилишнинг кераги йўқ. Зе-ро, қадрият тушунчасининг оммалашиб, машхур бўлиб кетганлиги жуда яхши. Лекин уни янада кенгроқ маъно-да ёки зарур бўлмаган холларда ҳам ишлатиш бу тушун-чанинг мазмунини хиралаштириши, унинг моҳиятини ифо-далайдиган сифат чегарасини саробга айлантириб қўйиши, қадрини тушириши мумкин.

Инсон қадри. Истиқлол инсон қадри, унинг манфаат ва эҳтиёжлари билан боғлиқ масалаларни долзарблашти-риб юборди. Инсон қадри унинг ижтимоий хусусиятлари, жамиятда амалга оширган фаолияти, бошқаларга ва ат-роф-мухитга муносабати, камолотга етганлиги, ижтимо-ий хусусиятларни ўзлаштириб олганлиги ва уларни маънавий киёфасида намоён қила олганлигида ҳам кўринади. Одам боласининг шахсга айланиши, ўз қадрини ва ўзгалар қадрини англаш жараёни узоқ йил-лар давом этади.

Умуман, одамзод наслининг хозирги авлоди учинчи минг йилликни кўтиб олаётган бугунги кунларда бутун дунёда қадрлаш фалсафасининг умуминсоний мезонларини амалиётда қўллашга эҳтиёж кучайди. Таассуфки, инсон зоти сайёрамизда яшаган илк давридан бошлаб қадр ва қадриятни устувор билганида, Ер юзининг замонавий манзараси бутунлай бошқача тус олган, кишиликни эко-логик бухронлар, уруш хавфи ва маънавий таназзул каби умумбашарий муаммолар кўтиб турмаган булармиди?

Бугунги кунга келиб, инсоният яна табиат ва одам-зод наслининг уйғунлигини сақлаб колиш учун қадр ва қадрият нихоятда зарур эканлигини англади. XX аср-нинг охирги ва XXI асрнинг бошланишидаги биринчи беш йилликлар БМТ томонидан «Инсон хуқуқлари ун йиллиги» дея эълон қилинганлиги, кишилик жамияти эса янги минг йилликка умуминсоний қадриятларни барқарор қилишга бел боғлаб ўтаётганлиги бежиз эмас. Хозирги Ўзбекистонда инсон манфаатлари ва ҳақ-хуқуқларини рўёбга чиқариш, қадрлашнинг умуминсоний тамойиллари-ни устувор қилиш билан боғлиқ фаолиятлар бутун жаҳонда бу борадаги умумий ҳамкорликни мустаҳкамлаш ҳаракатининг тарғибий қисмига айланмоқда.

Ёшлар ва қадрлаш тамойиллари. Инсоннинг бутун умри шахсий қадриятларни такомиллаштириш, ўз қадрини ка-молга етказиш, ўзгалар, жамият, замон ва ундаги со-дир бўлаётган ўзгаришлар қадрини англашга интилиш жараёнидан иборатдир. Ўз шахси ва бошқалар қадрини англаб етиш учун инсоннинг камолоти давомида шакл-ланган маънавий киёфаси ва дунёси эзгуликка хизмат қилиши, юксак ижтимоий сифатларга эга бўлиши, унинг ўзи эса ҳаётнинг моҳияти ва мақсадини тўғри англай-диган даражада

тарбияланган булмоқи лозим. Ушбу маънода, Суқротнинг «Ўз ўзингни англа!» — шиори Ғоят катта аҳамият касб этади.

Шахснинг қадри у яшаётган замон, ундаги жараёнлар, ижтимоий, тарихий шарт-шароитлар билан диалектик алоқадорликда намоён бўлади. Қадриятлар ёшларга ҳаёт мазмунини чуқурроқ тушуниш, жамият қонун-қоидаларидан тўғри фойдаланиш, ўзларининг хатти-ҳаракатларини ана шу маънавий мезонлар талабига мос-лаштириш имконини беради. Ёшлар, хусусан талабалар ва ўқувчиларни маънавий баркамол авлод вакиллари сифатида тарбиялаш ва шакллантиришда қадр ва қадрлаш туйғуси, қадриятлар кате-горияси, уларнинг моҳияти, мазмуни, намоён бўлиш шакллари тўғрисидаги билимларнинг мажмуаси бўлган замонавий аксиология, яъни қадриятшуносликнинг асосларини ўрганиш нихоятда муҳим.

Такрорлаш саволлари:

1. Инсонни келиб чиқиши ҳақида қандай қарашлар мавжуд?
2. Инсонни табиати ва моҳияти нимада?
3. Инсонни ижтимоий моҳияти нимада?
4. Инсон шахс индивид тушунчаларига таъриф беринг?
5. Жамият тушунчаси фалсафий маъноси?
6. Жамият қандай соҳаларга бўлинади?
7. Жамият тараққиёти тўғрисида қандай қарашлар мавжуд?
8. Маънавият маданият тушунчаларини фарқи нимада?
9. Цивилизация ва маданият тушунчалари фарқи нимада?
10. қадрият деганда нимани тушунасиз?

Таян сўз ва иборалар:

Инсон, Индивид, Шахс, Руҳият, Ижтимоийлашув, Жамият, муносабат, фаолият, Базис, Усқуртма, Маданият, Маънавият, Қадрият, Ғоя, Миллийлик, Умуминсонийлик, Ворисийлик, Цивилизация.

“Фалсафа”фанини ўқитишда педагогик технологик карта. 8-**мавзу**

Мавзу	**ГЛОБАЛ МУАММОЛАР ФАЛСАФАСИ. ЎЗБЕКИСТОНДА ТАБИАТ, ЖАМИЯТ ВА ИНСОННИ АСРАШ. (2 соат)**
Мақсад	**Ўқитувчи:** Глобал муаммолар тушунчаси,келиб чиқиши, ҳал этиш имкониятлари ва йўллари, инсоният келажаги муаммоси, ижтимоий башорат турлари, табиатни асраш инсонни асраш эканлигини фалсафий англашга эришиш. **Талаба:** ўрганиш, дарсда фаол иштирок этиш. Топшириқларни бажариш.
Вазифа	**Ўқитувчи:** мавзуга оид мультимедиа материалларини, оғзаки маълумотларни, тарқатма материалларни талабалар

	жамоа ҳолатида ўзлаштириб олишлари ҳамда “Ақлий ҳужум”, муаммо пед.технологиялари орқали талабаларга Умумбашарий муаммолар масаласи ва у билан боғлиқ ҳодисаларни,табиат ва уни асраш имкониятлари каби фалсафий муаммоларни аниқ ва ёрқин мисоллар билан тушунтириб бериш. Мавзу юзасидан талабаларнинг ўзлаштирган билимларини назорат қилиш. **Талаба:** Мавзу юзасидан чуқур илмий маълумотларга эга бўлиши ҳамда ўзлаштиришига эришиш.	
Дарс жараёнининг ташкил этилиши	1.Ташкилий қисм 2.Мақсад ва вазифаларни қўйиш 3.Ўрганилганларни умумлаштириш, такрорлаш, тизимлаштириш 4.Якун ясаш 5.Уйга вазифа	5 дақиқа 3дақиқа 57 дақиқа 10 дақиқа 5 дақиқа
Дарс жараёнининг мазмуни	Глобал муаммолар тушунчасини фалсафий таърифи, ушбу муаммоларнинг келиб чиқиш сабаблари, ҳал этиш имкониятлари, инсониятни бугуни ва келажагини башорат этишнинг илмий асослиги, аҳамияти ва сабоқлари, табиатни асраш инсон ва жамиятни асраш эканлигини ангалаш, табиатга эҳтиётқорана муносабатни тарбиялаш, олам ва борлиқни сақлаб қолишда маънавий-ахлоқий омилнинг ҳал қилувчи ролини эътирофи.	
Ўқув жараёнини амалга ошириш технологияси.	**Услуб**: оғзаки баён қилиш, “ақлий ҳужум”, “муаммо” пед технологияси. **Шакл**: маъруза, жамоада ва гуруҳларда ишлаш. **Восита**: презентация, тарқатма материаллари, нутқ. **Усул:** тушунтириш, кўрсатиш, сўраш, муаммоли савол. **Назорат**:, оғзаки, назорат, савол-жавоб, кузатиш.	
Кутилаётган натижалар	**Ўқитувчи:** мавзу барча талабалар томонидан ўзлаштирилишига эришиш. Талабалар фаоллигини ошириш. Талабаларда дарсга нисбатан қизиқишни кучайтириш. Ўз олдига қўйган мақсадига эришиш. **Талаба:** мавзуни чуқур тушуниш, янги билимлар орқали илмий таҳлиллар чиқара олиш, кенг маълумотларга эга бўлиш, дунёқарашни шакллантириш. Умумбашарий муаммолар ҳар бир инсон, фуқаро ва давлат, жамиятни вазифаси эканлигини англаши. Халқаро ташкилотларнинг вазифаларини билиб олишига эришиш.	

Келгуси режалар	**Ўқитувчи:** янги педагогик технологияларни ўзлаштириш ва дарс жараёнига татбиқ этиш, ўз устида мунтазам ишлаш. Ўтилаётган мавзуни ҳаёт билан боғлаши, педагогик маҳоратни ошириш. **Талаба:** мавзу бўйича қўшимча адабиётлар билан танишиш, уларни ўрганиш.
Дил сўзлари	Эътиборингиз учун раҳмат, саломат бўлинг.

8-мавзу ГЛОБАЛ МУАММОЛАР ФАЛСАФАСИ. ЎЗБЕКИСТОНДА ТАБИАТ, ЖАМИЯТ ВА ИНСОННИ АСРАШ. (2 соат)

1. Инсоният истиқболини белгиловчи энг уствор йўналиш, жараён ва муаммолар.
2. Умумбашарий муаммолар тушунчаси, келиб чиқиш сабаблари, асосий йўналиш ва намаён бўлиш хусусиятлари.
3. XX1 аср бошларида Ўзбекистон тараққиётининг асосий йўналиши ва хусусиятлари.
4. Умумбашарий муаммоларни ўрганишнинг тарбиявий аҳамияти.

АДАБИЁТЛАР

1. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка тахдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари – Т., «Ўзбекистон», 1997.

2. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда. — Т., «Ўзбекистон», 1999.

3. Каримов И.А. Донишманд халқимизнинг мустаҳкам иродасига ишонаман «Фидокор», 2000 йил 8 июн.

4. Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда. – Т.: «Ўзбекистон», 2000.

5. Каримова Г. Политико-экономические реформы в Ўзбёкистане: реалии и перспективы. Т., 1995.

6. Печчеи А. Человеческие качества. М. 1985.

7. Мамашоқиров С. Экологик таълим-тарбиянинг методологик масалалари. Т., 1993.

8 Фалсафа. Ўқув қўлланма.Т.1999

9. Фалсафа асослари. Т.2005

10. Фалсафа маъруза матнлари. Т.2000

Одамзод насли XX асрнинг иккинчи ярмида шундай му-аммолар домига тортилди-ки, эндиликда уларнинг ис-канжасидан кутулиб кетиш ёки кетмаслик бугунги кун-нинг энг долзарб масаласига айланди. Агар XX асрнинг биринчи ярми охирларида инсоният қаршисида асосан битта умубашарий муаммо — ядро халокатининг олдини олиш кундаланг бўлиб турган бўлса, II жаҳон урушидан кейин ахвол ўзгарди. Ахоли табиий ўсишининг юқори даражаси сақланиб қолиши, фан ва техника ютуқларидан тор манфаатлар йўлида фойдланишга ружу қилиниши ва бир қатор минтақаларда мураккаб экологик вазиятнинг вужутга келиши масалани чигаллаштириб юборди. Оқибатда инсониятнинг келажаги тўғрисида турли типдаги башоратлар келиб чиқди. Табиатга кишиларнинг зулими кучая борган сари табиий мувозанатнинг бузилиши оқибатида кишиларнинг яшаш тарзи, соғлиқи, ижтимоий мухитга бўлган акс таъсири тобора халокатли тус ола бошлади. Инсоният бундай тахликали холатдан фақатгина, ҳар қандай сиё-сий, минтақавий, ирқий, миллий, диний ва бошқа манфаатларини кейинга суриб, муштарак умуминсоний ман-фаатлар теварагида жипслашиш, зудлик билан таъсирли чоралар қўллаш орқалигина кутўлиши мумкин. «Бутун дунё ягона ва ўзаро боғликдир. Бизнинг муштарак бурчимиз ер юзини болаларимиз ва набираларимизга обод ва бахтиёр яшашлари учун муносиб қилиб қолдиришдир» .

Хозирги пайтда инсониятга хафв солиб турган умумбашарий муаммолар деганда бутун дунё, барча давлатлар ва халқларнинг иштирокисиз ечиш мумкин бўлмаган муаммоларга айтилади.

Бундай муаммолар қуйидагилардир:

- термоядро уруши хавфининг олдини олиш ва қуролланишни бартарф этиш;

- жаҳон иқтисодиёти ва ижтимоий ҳаётнинг ўсиши учун қулай шарт-шароит яратиш;

- иқтисодий колоқликни тугатиш; ер юзида қашшоқлик ва очликка барҳам бериш;

- табиий бойликлардан оқилона ва комплекс ёндашган холда фойдаланиш;

- инсониятнинг бахт-саодати йўлида фантехника ютуқларидан фойдаланиш учун халқаро ҳамкорликни янада фаоллаштириш; (энг хавфли касалликларга қарши кўраш, космосни ўзлаштириш;

- дунё оқеан бойликлари ва имкониятларидан унумлироқ фойдаланиш; озон қатламининг йўқолиш хавфининг олдини олиш ва х.к.);

- инсоният ва унинг келажаги тўғрисидаги ўзаро ҳамкорликда жиддий тадқиқотлар олиб бориш; киши организмининг тобора тез суръатлари билан ўзгараётган сунъий ва табиий мухитга мослашиш жараёнини илмий таҳлил қилиш.

Инсоният олдида ана шу хилдаги муаммоларнинг кундаланг туриб қолишининг ўзиёк кишилик цивилизацияси ўта мураккаб, ўта калтис бир жараённи бошидан кечираётганлигидан дарак беради. Умумбашарий муаммоларнинг баъзи бир гуруҳлари мавжудки, уларни хал қилишнинг ўзидаёк бутун планетамиздаги ижтимоий ҳаётнинг кейинги минг йилликдаги аниқ манзарасини чизиб бериш учун хал қилувчи аҳамият касб этиши мумкин. Бундай муаммолар шартли равишда уч гуруҳга ажратилади:

Биринчидан, хозирги пайтдаги мавжуд ижтимоий кучлар ўртасидаги зиддиятли муносабатлар (ижтимоий-иқтисодий системалар ўртасидаги, минтақавий зиддиятлар,

давлатлар, миллий ва диний низолар ва х.к.) бўлиб, булар шартли равишда «интерсоциал» муаммолар деб ҳисобланади. Улар уруш ва тинчлик, мехнат ре-сурсларидан фойдаланиш даражаси ва шу кабиларни ҳам қамраб олади.

Иккинчидан, «Инсон ва жамият» ўртасидаги муносабат билан боғлиқ муаммолар бўлиб, буларга илмий-техника тараққиёти (ИТТ); маориф ва маданият; ахоли кўпайишининг тез суръатлар билан илдам кетиши («Де-мографик портлаш», кишилар саломатлигини сақлаш, киши организмининг нихоятда тез ўзгариб бораётган ижтимоий мухитга мослашиши) шунингдек, инсониятнинг келажаги каби масалаларни киритиш мумкин.

Учинчидан, «инсон — табиат» муносабатларига эса хом-ашё ресурсларини тежаш, ахолини озиқ — овқат ва ичимлик суви билан таъминлаш, табиатни мухофаза қилиш каби муаммолар киради. Бу гуруҳ муаммолар ижтимоий омиллар тасирида вужудга келади, уларни хал қилишда эса ижтимоий омилларнинг ўрнини ва аҳамиятини тўғри англаган холдагина масаланинг туб моҳиятини тушуниш мумкин.

Худди шунингдек, соф ижтимоий глобал муаммоларнинг ечимида табиий омилларнинг бу жараёнга бевосита уланиб кетишини ҳам назардан соқит килмаслик керак. Ҳам ижтимоий, ҳам табиий омиллар асосида юзага чиқадиган умумбашарий (глобал) муаммолар бир бутунликни ташкил этиб, уларга ҳар томонлама (комплекс) ёндашиш кераклигини ҳаётнинг ўзи тақозо этмоқда. Бу эса, ўз навбатида, фалсафа фани зиммасига катта масъулиятлар юклайди.

Инсониятнинг келажаги тўғрисида тарихда турли-туман башоратлар мавжуд, улар бир неча хилларга бўлинади. Масалан, халқимизнинг илк тарихий қадриятларидан бўлган муқаддас «Авесто» ёзма ёдгорлиги ҳам умумий бир тарзда инсониятнинг келгуси истиқболини башорат қилиб, кишиларни муштарак мақсадлар томон йўналтиришга ҳаракат қилин. Бундай башоратлар диний мазмунга асосланган бўлиб, ўз даври учун катта аҳамият касб этган эди. «Авесто»да Зардушт ўлимидан сўнг 3000 йил ўтгандан кейин, эркин фаровонлик замони келади, Ахура Мазда қудрати Ахриман ёвузлиги устидан тўла ғалаб козонади, дея ишонч билдирилган эди.

Иккинчи хил башоратлар ўрта асрларда кенг тарқалган, хозирда ҳам Ғарб мамлакатларида кенг шухрат козонаётган бир қатор Ғарб футурологияси мазмунига эга. Ғарб футурологиясининг машхур намояндаларидан фон Карман, Е. Шервин, Г. Кан ва бошқалар инсониятнинг келгуси истиқболини, асосан, ядро халокати ёки бошқа бир умумбашарий глобал муаммолар билан боғлаб пессимистик манзараларни чизиб кўрсатишга уринадилар.

Кишилик жамиятининг келгуси истиқболи тўғрисида жиддий илмий башоратлар орасида 1968 йилда А. Печчеи томонидан асос солинган «Рим клуби» аъзолари бўлган Ж. Форрестер, Д. Медоўз, Я. Тинберган, А. Кинг ва бошқалар томонидан тайёрланган хисоботларнинг илмий аҳамияти нихоятда катта. Уларда инсониятнинг келгуси истиқболини шубха остида қолдираётган умубашарий муаммолар қўламининг кенгайиб бориши, кишилар томонидан табиатга килинаётган зуғумнинг мудхиш оқибатлари қандай бўлиши тўғрисида жиддий мулоҳазалар юритилади. «Рим клуби» аъзолари томонидан қилинган башоратлар илмий-фалсафий мазмунга эга бўлиб, унда асосан тажриба синовидан ўтган билимлар ва мантиқ қонунлари ва категорияларига суянган холда инсониятнинг келажаги тўғрисида муҳим илмий хулосалар баён қилинган.

Демак, инсоният тараққиётининг келгуси истикболини белгилашдаги энг муҳим белгилар сирасига умумбашарий муаммолар табиатини чуқур англаш, бу муаммоларнинг ечими умуминсоний муштарак манфаатлари йўлида ҳамжиҳатликда қилинган саъй-ҳаракатлар эканини алоҳида таъкидлаш лозим. Ана шундай мисоллар анчагина. Масалан, 1955 йил 31

январда Фредерико Жулио Кюри (у шу пайтда жаҳон илмий ходимлари федерацияси ташкилотининг президенти эди) Нобель мукофоти совриндори Бертран Расселга хат орқали мурожаат қилиб, ядро қуролининг жуда хавфли тус олаётганлигини, бу фалокатнинг олдини олиш учун фан арбоблари биргалик-да ҳаракат қилиши лозимлигини билдиради. Б. Рассел Ф. Кьюри таклифини қўллаб-қувватлаб, бу мурожаатга имзо чекувчи вакиллар бир хил сиёсий оқим тарафдорлари бўлиб колмаслиги, бунда жаҳондаги барча кучлар, ҳар бир халқ, жамият вакиллари иштироки зарурлигини таъкидлайди. Масалага бундай ёндашиш фалсафий тафак-кўр тараққиётининг янги босқичини бошлаб берган эди. Бу эса илмий-сиёсий адабиётларда «янгича тафаккур услуби» деб аталган ва жаҳоннинг энг атоқли олимлари А. Эйнштейн, Ф. Жулио-Кюри, М. Борн, Л. Полинг ва бошқалар томонидан имзо қўйилган манифестга асос қилиб олинган эди. Натижада 1955 йил 9 июл кўни Б. Рассел томонидан ўтқазилганн пресс конференцияда «Рассель-Эйнштейн манифести» номи билан шухрат қозонган, бутун ер юзи ахолисига, сиёсий ва давлат арбобларига қаратилган машхур чакирик эълон қилинган. У хозирги пайтда тинчлик ва қуролсизланиш учун кўрашувчи Пагуош ҳаракатини бошлаб берган эди. Манифестда «Биз янгича фикр қилишга одатланишимиз керак. Биз ўз-ўзимиздан у ёки бу гуруҳ мамлакатларининг ҳарбий калабасини таъминлаш учун нималар қилиш зарур деб эмас, балки ядро халокати ва унинг дахшатли оқибатлари қандай бўлиши мумкинлиги тўғрисида инсониятни огохлантириш учун нималар қилдинг деб сурашимиз керак», — деган сўзлар бор эди.

«Рассель-Эйнштейн манифести» чоп этилганига ҳам мана 45 йил ўтди. Бу вақт мобайнида ядро қуролларини ишлаб чиқиш ва синаб қуриш қўлами бир неча баробар кўпайди. Иккинчи жаҳон урушидан кейинги ўтган ярим аср мобайнида қуролланишга 16-18 трл. доллар маблағ сарфланди. Хозирги кунда ҳарбий сохалар учун ҳар йилига 1 трл. доллар миқдорида маблағ ажратилмоқда. Бир кунда қурол-яроққа ажратиладиган маблағ 3,4-3,5 млрд. долларни ташкил этмоқда. Таккослаш учун қуйидаги ракамларга мурожаат қиламиз. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг безгакка қарши кўраш тадбирлари учун бир йилда 28-30 млн. доллар ажратишини, Халқаро нуфузли ташкилот ЮНЕСҚонинг бир йиллик бюджети 950-980 млн. доллар миқдорида эканлигини хисобга олсак, масала ойдинлашади.

Ҳарбий-саноат ўз домига табиатнинг шундай ноёб бойликларини тортаяптики, бу сарф-ҳаражатлар ўсиш суръатининг тезлигига қараб беихтиёр ўз келажагимиз тўғрисида хомуш хаёллар оғушида қолмасдан илож йўқ. Бу соҳа фақат табиий ресурслар билан чекланиб қолмасдан, балки, ўта камёб ақл эгалари, талантли кишиларнинг ақлий фаолиятини ҳам ўз измига солиб, оқибатда, илмий-техника тараққиётининг инсоният манфаатига қаратилган йўналишига асосий тўсиқ бўлиб колмоқда.

Энергия ва ёқилғи ресурсларидан тежамли фойдаланиш муаммоси. Агар хозирги суръатда жаҳон иқтисодиёти давом этадиган бўлса, у вақтда саноат ва халқ хўжалигининг энергияга бўлган эҳтиёжи учун яқин йиллар ичида йилига 20 млрд. тонна ёқилғи талаб қилинади. Бу кўрсаткич 2025 йилда 35-40 млрд., XXI охирига бориб, 80-85 млрд. тоннани ташкил этиши тахмин этилмоқда.

Вужудга келаётган бу холатдан чиқиб кетишнинг йўли эса битта, у ҳам бўлса, ёқилғининг органик моддалар (нефть, кумир, газ ва х. к.) дан олинадиган энергия салмоғини камайтириб, ноорганик ёқилғи манбалар (ГЭСлар, АЭС, шамол электростанциялар, қуёш энергиясидан фойдаланиш, водород, гелий ва х.к.) дан олинадиган энергия миқдорини муттасил ошириб бориш. Қуёш энергияси, ГЭС ва шамол электростанциялар 2025 йилда бу эҳтиёжнинг 60%ини қондириши мумкин.

Яқин келажакда ривожланаётган мамлакатларда электр энергияси ишлаб чиқаришни тез суръатлар билан кўпайтириб бориш кўзда тутилмоқда. Бутун жаҳонда ишлаб чиқарилган

электр энергиясининг қарийиб 34% ана шу мамлакатлар ҳиссасига тўғри келади. Электр энергиясининг шу қадар тез суръатлар билан ишлаб чиқарилаётганлиги ён атрофидаги табиий ва ижтимоий мухитга таъсир этмасдан иложи йўқ. Масалан, гигант ГЭСларнинг кўрилиши ўз навбатида ана шу регионнинг, иқлим шароитига, ён атрофдаги шаҳар ва кишлоқларда халқ хўжалигининг кўпгина тармоқларига салбий таъсир ўтқазиши мумкин (масалан, экин майдонларининг қисқариши, мавжуд майдонларнинг шурланиши ва ишдан чиқишига олиб келиши мумкин). Атом электростанцияларининг чикиндиларини бартараф этишнинг экологик хавфсизлик масалалари ҳозирги даврнинг ечилиши мураккаб муаммоларига айланди. Айниқса, 1986 йил 26 апрель куни Чернобил АЭС IV блокининг ишдан чиқиши натижасида жуда катта миқдордаги радиациянинг ҳавога тарқалиши мазкур регионнинг яшашга мутлақо яроқсиз бўлиб қолишига сабабчи бўлди.

Инсоният олдида жаҳон иқтисодини устириш учун энергияга бўлган эҳтиёжни қондиришдан ўзга чора йўқ. Бироқ, бугунги кунда электр энергиясини ишлаб чиқариш жараёнида мавжуд табиий мухитга таъсир даражасини камайтирган холда энергияни кўпроқ ишлаб чиқариш масаласи кундаланг бўлиб турибди. Шунинг учун ҳам бу муаммони ижтимоий тараққиётнинг келажагини белгилаб берадиган энг муҳим омиллардан бири сифатида жаҳоншумул аҳамиятга молик муаммолар сирасига киритилишини ҳаётнинг ўзи тақозо этмоқда.

Хом-ашё ресурсларидан фойдаланиш ва экологик мувозанатни сақлаш муаммоси. Жаҳон статистик ахборот марказлари берган маълумотларга қараганда, XX асрнинг бошидан то хозирги кунгача ишлаб чиқарилган кўмирнинг 45%, темир рудасининг 57%, нефтнинг 76%, табиий газнинг 80% кейинги 25 йилга тўғри келар экан. Ана шундай холатни хом-ашёнинг бошқа турлари тўғрисида ҳам гапириш мумкин. Таҳлилларга қараганда, 90-йилларда ишлаб чиқарилган хом-ашё миқдори 60-70-йиллардагига қараганда 1,5-2 баробар кўпайган.

Ер юзида вужудга келган бундай холат, бир томондан, инсониятни хом-ашё ресурслари билан таъминлаш имкониятлари, хосилдор ерлар ва ичимлик суви манбаларининг камайиб бориши, шунингдек бошқа хом-ашё захираларининг камайиб кетиши каби бошқа бир қатор муаммоларни келтириб чиқаради.

Вужудга келган экологик вазият, табиий мухитнинг инсон организмига ва унинг ишлаб чиқариш фаолиятига таъсир этмасдан қолмайди. Бошқа томондан эса, фан-техника тараққиётининг кўлами асосида ижтимоий-иқтисодий тараққиёт даражасини хом-ашё ресурслари, фойдали қазилмалари билан етарли миқдорда таъминлаш муаммосини ҳам назардан соқит килмаслик керак. Мазкур муаммони ижобий хал қилиш учун, иқтисодчиларнинг таҳлилларига кўра, жаҳон мамлакатларининг ҳар бири ўзи ишлаб чиқарган ялпи миллий махсулотнинг 3-5% миқдорида маблағ ажратиши зарур. Демак, ҳар йили ўрта хисоб билан 650-850 млрд. доллар хажмида маблағ ажратилиши талаб этилади.

Жуда кўп ривожланган мамлакатларда **ичимлик сувининг** танкислигидан қийинчиликлар юзага чиқмоқда. Айни шу мамлакатлардан 42-45% км3 хажмида саноатдан чиққан ифлос оқава сувлар сув хавзалари, кул, денгиз, оқеан сувларини ўзининг заҳарли тарғиби билан бўлкамоқда. XXI аср бошларига келиб, тоза ичимлик сувларига бўлган эҳтиёж дунё микиёсида асримизнинг 90-йилларига нисбатан яна 2,3-2,5 баробар ошди.

Дунё оқеанинг ифлосланиши, жонли табиатнинг йўқотилиши янада хавфли тус олмоқда. Ҳар йили окенларга 12-15 млн. тоннага яқин нефть ва нефть махсулотлари тукилмоқда, шаҳарларнинг кенгайиши, са-ноат корхоналарини қуриш учун минг-минглаб гектар ер майдонлари ажратиб берилмоқда, урмонлар кесилиб яшил ерлар камаймоқда. Бу тенденция, айниқса, ривожлана-ётган мамлакатларда хавфли тус олмоқда. Дунёда ҳар йили 0,8% тропик урмонлар йўқолиб бормоқда, 200 минг км2 территориядаги тропик

урмонлар кесилиб қайта тикланмай колмоқда. Хозирги пайтда йилига 8,3 млн. гектар, ёки минутига 16 гектар урмон йўқотилмоқда. Табиий мувозанатнинг дунё микиёсида тез ўзгаришининг оқибати хозирнинг ўзидаёк инсоннинг яшаши ва фаолияти учун ўта зарур бўлган муътадил мухитнинг бузилишига олиб келмоқда.

Давримизнинг яна салбий белгиларидан бири шундаки, инсон фаолияти кўламининг микёси тобора биосферани тўла эгаллаб, эндиликда космосга ҳам таъсир эта бошлади.

Озиқ-овқат муаммоси ва биосфера. Нихоятда тез усиб бораётган дунё ахолисини озиқ-овқат билан таъминлаш муаммоси кейинги пайтларда жаҳоннинг бир қанча минтақаларида анча кескинлашди. Мавжуд маълумотларга асосан, дунё халқларининг 2/3 қисми доим озиқ-овқат тақчиллиги хукм сураётган мамлакат халқлари хиссасига тўғри келмоқда. Бу минтақаларда эқиладиган ер майдонлари ахоли жон бошига нисбатан камайиб, 0,2 га. ни ташкил этмоқда. Ҳолбуки, 1950 йилда бу кўрсаткич 0,5га. ни ташкил этган эди.

Озиқ-овқат захираларининг ўсишини, бир томондан, ишланадиган ер майдонларини кенгайтириш хисобига, иккинчи томондан эқилаётган майдонларнинг хосилдорлигини ошириш хисобига таъминлаш мумкин. Кейинги пайтларда хосилдорликни кўпайтириш устида жуда кўп ишлар килиниб, 80 — йилларнинг охирларига келиб дунё микёсида етиштирилган махсулот ўсишининг 90% хосилдорликни кўтариш хисобига тўғри келди. Аммо, бизга маълумки, бундай муваффакиятларга табиатга ҳаддан зиёд қилинган қаттиқ зулум қилиш натижасида эришилади. Жуда кўп ерлар бундай тазийққа дош бера олмасдан ишдан чиқа бошлади. Бу ерларни табиий холатига қайтариш учун имконият колмади.

Бундай тахликали холатнинг сабабларини **ахолининг табиий ўсиши** нихоятда тез суратлар билан кўпайгани, **уларнинг иш ва озиқ-овқат махсулотларига бўлган эҳтиёжларини қондириш**га бўлган интилиши билан табиий мухитнинг экологик мувозанатини сақлаш учун етарли маблағни топа олмаётганлигидан излаш керак.

Ривожланган ва кам тараккий этган мамлакатлар ўртасидаги тафовутни йўқотиш ҳам давримизнинг энг чигал жаҳоншумул муаммолари қаторидан ўрин олди. Ривожланган мамлакатларда замонавий технология, илғор ишлаб чиқариш малакаси ва инсониятнинг илмий-техника ютуқлари системалаштирилган билимлар захираси тўпланиб, шу билан бирга ахолининг табиий ўсиш даражасининг пастлиги бошқа мамлакатларга нисбатан ўз мамлакати ахолисининг иқтисодий яшаш тарзининг беқиёс даражада яхшиланишига олиб келди. Бу мамлакатларда олиб борилаётган иқтисодий сиёсатнинг ўзига хос томонлари шундаки, мазкур мамлакатларда индўстрлаштириш жараёни асримизнинг 70-йиллари бошидаёк тугалланиб, энг аввал АҚШ ва кейинчалик Германия, Япония ва бошқа ривожланган мамлакатлар ишлаб чиқариш тараққиётининг янада юқорироқ босқичига ўта бошлади. Бунда илмий-техника ютуқлари кўпроқ талабга мос ва юқори технологияни ривожлантиришга кўп эътибор берди, табиийки, оқибатда жуда катта фойда олина бошланди. Бундай ишлаб чиқариш жараёнида малакасиз ёки кам малака ва билимга эга бўлган ишчи кучларига эҳтиёж кескин камайиб кетади.

Бунда иқтисодий тараққиёт даражаси табиий ресурслар ёки ишлаб чиқарилган махсулотлар билан эмас, балки илмий-билим, технология, мураккаб машина ва ускуналар билан улчанади. Ривожланаётган мамлакатлар бу даражага етишиш учун бир қатор жараёнлардан ўтган.

Биринчидан, бу мамлакатлар табиий бойликлари хисобига орттирилган миллий даромад миқдорининг мамлакат ахолиси жон бошига тўшадиган салмоғи кескин даражада кўпайди.

Иккинчидан, мамлакат ахолисининг туғилишини чегаралаш, уларга сарфланадиган маблағни юқори технологияни эгаллашда зарур бўлган мутахассислар етказиш учун сарфлаш кўзда тутилди.

Учинчидан, илмий-тадқиқот, олий ўқув юртлари ва маорифга тараққиётни таъминловчи асосий манба сифатида қараб, биринчи даражали аҳамият берилди. Чунки юқори технологияни эгаллаш юқори малакали илм эгаларини талаб қилади. Ижтимоий тараққиёт даражасини белгиловчи энг асосий омил илмий тафаккур эса жамият аъзоларининг маърифатлилик даражасини белгилаб беради. Бу сохада, бутун жаҳон микёсида фан ва таълимга 3-4% ялпи миллий махсулотнинг миқдорида маблағ ажратилаётган бир пайтда, Ўзбекистонда бу кўрсаткич 8,3% миқдорда эканлиги кела-жакка катта умид билан қарашга имқон туКдиради.

XX асрнинг сўнгги ун йиллигида баъзи мамлакатлар ўртасидаги иқтисодий кўрсаткич орасидаги тафовут тобора кучайиб бораётганлигини кузатиш мумкин. Агар XX асрнинг 60-йилларида Хиндистонда ишлаб чиқариладиган ялпи ижтимоий махсулот жон бошига 50-70 долларни ташкил этган бўлса, Афғонистонда 60-70 доллар, Туркияда 243 доллар, Японияда 1400 доллар, АҚШда 3600-3800 доллар бўлган. 1994 йилги маълумотларга мувофиқ, ялпи миллий махсулот жон бошига: Хиндистонда 370 доллар, АфҚонистонда 80 доллар, Туркияда 3900 доллар, Бангладешда 125 доллар, Германияда 22 минг доллар, италияда 14,8 минг доллар, АҚШда 26 минг доллар, Жанубий Кореяда 8,7 минг доллар, Японияда 37000 доллар бўлган.

Демак, камбағал давлатларнинг камбағаллашиши янада кучайиб бормоқда. Бунинг бош сабабчиси, шу мамлакатлардаги **демографик** жараён эканлиги таъкидланмоқда. Ахолининг фақат миқдорий ўсишининг ўзи кўр-кўрона яхши яшаш тарзига олиб келавермайди. Бунинг учун мамлакат ахолисининг эътиқоди, миллий психологияси, қадрият ва анъаналарини хисобга олган холда фаол демографик сиёсат олиб бориш зарур.

Демографик муаммолар ва унинг фалсафий таҳлили. XX асрни «демографик портлаш» давридир, деган қарашлар кенг тарқалган. Бунда қолган барча жаҳоншумул муаммоларни келтириб чиқарувчи бош сабаблардан бири ҳам айнан ер юзида ахолининг тез суръатлар билан кўпайиши билан бевосита боғлиқ эканлиги назарда тутилади. «Демографик портлаш» тушунчаси ижтимоий-тарихий тараққиётнинг қисқа бир даврида, муайян минтақа ёки мамлакатда ва шунингдек, бутун ер юзида табиий туғилиш хисобига аҳоли миқдорининг нихоятда тез кўпайишини англатади.

Инсониятнинг олдида ана шундай хавф борлиги тўғрисида дастлаб инглиз иқтисодчиси Томас Роберт Мальтус (1766-1834 йй.) огохлантирган эди. У ўзининг «Ахолишуносликнинг қонунияти тўғрисида тажрибалар» номли китобида ахолининг геометрик прогрессия бўйича кўпайишини, унинг ҳаёт кечириши учун зарур бўлган моддий неъматларнинг кўпайиши арифметик прогрессия бўйича рўй беришини айтган эди. Мальтус бу жараённинг олди олинмаса, яқин келажакда, планетар масштабда, табиий мухит бериши мумкин бўлган моддий неъматлар миқдори билан жуда тез суръатларда кўпаяётган дунё ахолиси эҳтиёжи ўртасида зиддият вужудга келишини башорат қилин эди.

Дарҳақикат, бундан 6-8 минг йиллар олдин ер юзида 5 млн. атрофида одамлар истикомат қилишган, деб тахмин қилинади. Бу кўрсаткич эрамизнинг бошларида 230 млн., 1-минг йилликнинг охири 2-минг йиллик бошларида, яъни Беруний замонида 305 млн; 1500 йилда 440 млн; 1800 йилда 952 млн; 1900 йилда 1656 миллионни ташкил этган. XVI аср бошидан XIX аср бошигача, яъни уч аср мобайнида бу кўрсаткич 174 фоизга ошганлигини; 1900 йилдан то 1999 йилгача эса бу нисбат сал кам 4 баробар ошганлигини кузатамиз.

XX асрнинг иккинчи ярмида ер юзи минтақаларида ахолининг табиий кўпайиш суръатлари турлича бўлиб, бу ўз навбатида, Ер юзида минтақалар, мамлакатлар, халқлар салмоғининг кескин ўзгаришига олиб келмоқда. Масалан, 1800 йилда (Наполеон замонида) Франция ахолиси 27 млн. кишини, Ер юзи ахолисининг 3 фоизини ташкил этган бўлса, Филиппин ороллари да яшаётган ахоли 1,6 млн. киши миқдорида бўлиб, планета ахолисининг умумий салмоғига нисбатан 0,16 фоизни ташкил этарди. 1999 йил 13 октябр қўни Ер юзи ахолиси олти миллиардлик довони босиб ўтди. Франция ахолиси 56,2 млн. ни, Ер юзи ахолиси салмоғининг 0,94 фоизни, Филиппин ахолиси ҳам 65 млн. кишини ташкил этиб, жаҳон ахолисидаги салмоғи (1,05%) бўйича Франциядан ўзиб кетди. Бу борада миллиарддан кўп ахоли яшайдиган Хитой ва шу кўрсаткич томон бораётган Хиндистон алоҳида ўрин тутади. Хуллас, бу масала бир мамлкат доирасидан чиқиб жаҳон муаммосига айланди. У билан боғлиқ муаммоларни хал қилиш учун ҳам бутун жаҳонда муштарак фаолият олиб бориш зарур.

Ўзбекистон ва глобал муаммолар. Мамлакатимизнинг келажаги тўғрисидаги илмий-фалсафий башорат Президентимиз И. Каримовнинг бир қатор асарларида асосли равишда баён қилиб берилган. Бу асарларда Ўзбекистоннинг минтақамиздаги ўзига хос ўрни, ўлкан табиий ресурслари, демографик омил ва инсон салохиятини инобатга олиб, бой маънавий меросимиз, тарихий тажриба, миллий қадриятларимизга асосланиб, яқин келажакда мамлакатимиз, шубхасиз ривожланган давлатлар қаторидан муносиб ўринга эга бўлиши кераклиги башорат қилинган. Ислом Каримов тўғри таъкидлагани каби: «Жаҳон цивилизацияси хазинасига ўлкан хисса қўшган бой тарихимиз, буюк маданиятмиз, кўп авлодлар ҳаёти давомида вужудга келган беқиёс табиий ва ақлий имкониятларимиз, халқимизнинг юксак маданияти ва ахлоқий қадриятларимиз, заминимизда яшаётган одамларнинг мехнатсеварлиги, саховатлилиги, бағрикенглиги ва жаҳон ҳамжамиятида ўзига муносиб ўринни эгаллашга бўлган истаги бунинг гаровидир».

Албатта, мамлакатимизда собиқ Иттифоқдан мерос қолган энг глобал муаммо — Орол фожиаси эканлигини биламиз. Бу борада республикамиз минтақадаги давлатлар орасида кўпдан-кўп ташаббусларни ўртага ташлаб келмоқда. Шу билан бирга мамлакатимиз ахолиси ҳам муттасил усиб бормоқда.

Республикамизда «демографик портлаш» асосан, XX асрнинг иккинчи ярмида рўй бериб, бу жараён (бошқа бирор жиддий омиллар таъсир этмаса) XXI асрнинг дастлабки ун йилликлари охиригача давом этиши башорат килинмоқда. Республикамизда хозирги вазиятда вужудга келган ўзига хос «демографик вазият ғоят муҳим хусусиятлардан биридир, — деб қайд қилин эди Президент И.А. Каримов, — Жумхуриятимизда ахоли ва мехнат ресурслари ҳар йили юксак суръатлар билан ортиб бормоқда». Жумладан, 1980 йилда ахолининг бир йиллик табиий ўсиши 421161 кишини ташкил этди, бу кўрсаткич 1989 йилда 480621 кишини; 1997 йилда 580673 кишини ташкил этди.

Табиатни муҳофаза қилиш жараёнида вужудга келган муаммоларни илмий жиҳатдан ҳал қилишда табиат билан жамиятнинг ўзаро таъсири алоҳида аҳамиятга эгадир.Тирик организмларни мавжудлик шароитларини ва яшаш муҳити билан тирик организмлар ўртасидаги ўзаро боғлиқларни ўрганувчи фан экология дейилади.

Экология сўзи – грекча «ойкос» - уй, «логос» - фан сўзларидан ташкил топган.

. Табиат ва жамият бир-бири билан боғлиқ ҳолда бир бутунликни ташкил қилади.

Экология терминини 1866 йил немес зоологи Э.Геккель фанга киритган ва бу фан жуда кераклигини, кейинчалик кенг миқёсда ўрганишини айтиб ўтган.

Экология фани экологик системалар, понуляцияларни ўрганади ва уларни тадқиқ қилади.

Экологик системаларни биогеоценозлар деб юритилиши, бу биосферани алоҳида фаолият кўрсатувчи элементлари ҳисобланади.

Биогеоценоз нисбатан бир хил участкада жойлашган ва узоқ муддат давомида чиқиндисиз, ёпиқ ишлаб чиқариш жараёни амалга оширувчи ўсимликлар, ҳайвон ва микроорганизмлар понуляциялари йиғиндисига айтилади. Потенция – бу тирик организмларнинг у ёки бу биогеоценозда бирга яшаш учун қулай бўлган турларнинг бирликда ўзаро мослашган ҳолда яшаши.

Биогеоценозда организмлар озиқланиши бўйича 2 та группага бўлинади.

1. Автотроф – ноорганик моддалардан органик модда ҳосил қилувчи яшил ўсимлик.
2. Гетеротроф – бу инсон ҳайвон, микроорганизмлар. Улар органик модда синтез қила олмайдилар.

Биосферада модда алмашинув жараёни мавжуд бўлиб, бу бир неча млд йил давомида эволюцион ривожланиб келган моддалар айланма ҳаракатини эса 3 гуруҳ организмлар амалга оширади.

1. Продуцентлар – яшил ўсимликлар
2. Қонуниятлар – ўтхўр, йиртқич, порозитлар
3. Редуцентлар – парчаланаётган организмлардан озиқланувчи организмлар.
4. Ернинг чекланганлиги ва унинг сифат таркиби пастлиги билан боғлиқ хавф тўхтовсиз ортиб бормоқда. Республиканинг 447,4 минг км^2 ортиқ бўлган умумий майдонининг атиги 10% экин майдонини ташкил этади. Ўзбекистоннинг анча қисмини чўллар ташкил қилади. Марказий Осиё мамлакатлар орасида Ўзбекистонда аҳолининг зичлиги айниқса юқори бўлиб 1 км^2 га 51,4 киши тўғри келади. Бу кўрсаткич МДҲ давлатлари ичида энг юқориси.

Бизда аҳолининг ўсиши нисбатан юқори бўлиб, урбанизация ва ҳосилдор ерларни, уй-жой қуришга, корхоналар, тарнспорт коммуникациялари тармоғини барпо этишга ажратиб бериш жараёнлари жадал бормоқда.

XX аср охирида ерларнинг табиий равишда чўлга айланиши юқори даражада бораётганлиги етмаганидек, одамларнинг муносабати туфайли чўлга айланиб бориш жараёни шитоб билан давом этаётганлиги бу муаммони янада кучайтирмоқда.

Бу муаммони олдини олишга қарши чора тадбирлар олиб борилмаганлиги туфайли шамол ва сув таъсирида емирилиш тупроқнинг унумдорлигига салбий таъсир кўрсатмоқда.

Навоий вилоятидаги қолдиқлар сақланадиган жой ҳам экологик жиҳатдан хавфли ифлослантириш ўчоғи ҳисобланади. Бу ердаги радиоактив қумни шамол учириши хавфи бор.

Шу сабабли Ўзбекистонда табиатни муҳофаза қилишдаги ғоят муҳим вазифа ерларнинг ҳолатини яхшилашдан, тупроқнинг ифлосланишини камайтириш бўйича чора-тадбирлар мажмуини амалга оширишдан иборат.

Бу ўринда гап энг аввол табиий заҳиралардан фойдаланишни тубдан яхшилаш ҳақида бормоқда.

Ўзбекистоннинг экологик хавфсизлиги нуқтаи назаридан қараганда, сув заҳираларининг, шу жумладан ер усти ва ер ости сувларининг кескин тақчиллиги ҳамда ифлосланганлиги катта ташвиш туғдирмоқда.

Марказий Осиёда сув заҳиралари жуда чекланган. Йилига 73 куб километр сув келтирадиган Амударё ва 36 куб километр сув келтирадиган Сирдарё асосий сув манбаларидир.

Дарёлар оқими асосан Қирғизистон ва Тожикистон тоғларидан бошланади. Сув заҳираларининг кўпчилик қисмидан Марказий Осиёдаги барча республикаларнинг ерларини суғориш учун фойдаланилади. Шу муносабат билан минтақадаги барча давлатларнинг манфаатлари йўлида ҳамда экология талабларни, дарёлар дельталарида ва Орол денгизида мақбўл ҳаётий шарт-шароитларни яратиш мақсадида бу ерларда сувнинг ўтишини таъминлаш зарур.

Минтақанинг яна бир муаммоси сувни муҳофаза қилиш ва тежаш тадбирлари мажмуини амалга ошириш зарурияти билан боғлиқдир. Бу тадбирлар сувнинг исроф бўлишини энг кам даражага келтириш мақсадида суғориш тармоғининг режими ва ўлчаларини суғориш техникаси билан мустаҳкам боғлашни ўз ичига олади.

Сув заҳираларининг сифати энг муҳим муаммолардан биридир. 60 йиллардан бошлаб Марказий Осиёда янги ерлар кенг кўламда ўзлаштирилди. Саноат, сорвачилик комплекслари экстенсив ривожлантирилди. Урбанизация кучайди. Коллектор – зовур тизимлари қурилди ҳамда дарё сувлари суғоришучун муттасил юқори хажмларда олинди. Шу боис ҳавзалардаги сувнинг сифати тобора ёмонлаша борди.

Аҳоли пунктларини одатдаги водопровод суви билан таъминлаш кўрсаткичи республикада фақат кейинги беш йилликнинг ўзида тахминан 1,5 баробар ортди.

. Ичимлик сув таъминоти манбаларининг ифлосланиши республикада, айниқса, Орол бўйича касалликка чалинишнинг юқори даражасига сабаб бўлмоқда.

Орол танглиги инсоният тарихидаги энг йирик экологик ва гуманитар фожеалардан биридир.

Денгиз ҳавзасида яшайдиган қарийб 35 млн киши унинг таъсирида қолди.

1911-1962 йилларда Орол денгизининг сатҳи энг юқори нуқтада бўлиб, 53,4 метрли, сувнинг хажми 1064 куб қилометрни, сувнинг юзаси 66 минг км^{2}ни ва минераллашув даражаси 1 литр сувда 10-11 граммни ташкил этган эди. Денгиз транспорт, балиқ хўжалиги, иқлим шароити жиҳатидан катта аҳамиятга эга бўлган. Унга ҳар йили 56 км сув қўйилар эди.

1994 йилга келиб Орол денгизидаги сувнинг сатҳи – 32,5 метрг, сув ҳажми –400 км дан камроқ, сув юзасининг майдони эса 32,5 минг км тушиб қолди, минераллашув 2 баровар ортди.

Орол бўйида денгизининг қуриб бориши ва минтақанинг чўлга айланиши билан боғлиқ экологик фижиа бу ҳавзада яшаётган барча ҳалқларнинг дарду аламидир.

Сув заҳиралари билан боғлиқ бўлган муммолар мажмуаси кенг кўламли ва мураккаб кўп тармоқли ёндашув, минтақадаги давлатлар билан ҳалқаро ҳамжамият ўртасида ҳамкорликни ривожлантиришни талаб қилади.

Марказий Осиё давлатлар бошлиқларининг 1993 йил март ойида қизил ўрдада бўлиб ўтган учрашуви ана шу муаммоларни ҳал қилиш йўлидаги туртки бўлди. Бу учрашувда Орол денгизи танлигини ҳал қилиш юзасидан биргаликда ҳаракат қилиш тўғрисида битим имзоланди.

Орол муаммосининг бутун кескинлигини уни сақлаб қолиш юзасидан кечиқтириб бўлмайдиган чора-тадбирлар кўриш зарурлигини тушунган ҳолда, Марказий Осиё Республикаларининг ҳукуматлар, мўтаҳассислар ва минтақанинг илмий жамоатчилиги, ҳалқаро ташкилотлари 1995 йил 20 сентябрда Нукус шаҳрида Марказий Осиё давлатлари ва ҳалқаро ташкилотларнинг Орол денгизи ҳавзасини барқарор ривожлатириш муаммолари бўйича Декларациясини қабўл қилдилар.

Такрорлаш учун саволлар:

1. Инсониятнинг ҳозирги тараққиётини характерлаб беринг?
2. Глобал муаммолар деганда нимани тушунасиз?
3. Глобал муаммоларни келиб чиқиш сабаблари?
4. Инсониятни ташвишга солаётган муаммолар ҳал қилиш имкониятлари?
5. Миллий ва минтақавий хавфсизликнинг умуминсоний жиҳати нимада?
6. Экологик муаммоларни ҳал қилиш чора тадбирлари?
7. Ўзбекистонда орол муаммосини ҳал қилишда миллий ва ҳалқаро ташкилотларнинг роли нимада?
8. Жаҳон цивилизацияси тараққиётини белгилаб берувчи устувор йуналишларни айтиб беринг?

Таян сўз ва иборалар:

Инсоният истиқболи, уствор йўналиш, жараён ва муаммолар,Умумбашарийлик, Имконият, Оммавий қирғин қуроллари, Терроризм, Хавфли касалликлар, Экология, Орол, Халқаро ташкилотлар, БМТ, ЮНЕСКО, маънавий ахлоқий муҳит, Тарбия.

“Мантиқ” фанини ўқитишда педагогик технологик карта тузиб олиш

Мавзу: Мантиқ илмининг предмети ва аҳамияти.

Формал мантиқнинг асосий қонунлари. (2 соат).

Мақсад	**Ўқитувчи:** Мантиқ фанининг ўрганиш объектини, фаннинг предмети ва вазифалари унинг назарий ва амалий ахамияти тўғрисида тушунчалари бериши. **Талаба**: Ўрганиш, дарсда фаол қатнашиш, топшириқларни бажариш.
Вазифалар	**Ўқитувчи:** Мавзуга оид оғзаки маълумотларни талабалар томонидан жамоа ҳолатида ўзлаштириб олишлари ҳамда ақлий ҳужум орқали билиш нима? Унинг қадай шакллари мавжулиги, уларнинг ўзига хос томонлари ҳақидаги талабаларнинг ўзлаштирган билимларини назорат қилиш. **Талаба:** - Мантиқ сўзининг маъноси, унинг турлича талқинларини англаш ва таҳлил қила олиш даражасида ўзлаштириш; - Мантиқ илмининг ўрганиш объектини; - Билиш жараёни ва унинг босқичлари; - Ҳиссий билиш ва унинг асосий шакилларини ва уларнинг асосий хоссаларини; - Тафаккур ва унинг шакллари ва уларнинг ўзига хос хусусиятлари, мантиқ тўғри тафаккур шакллари ва қонунларини ўрганувчи фалсафий фан эканлигини онгли равишда англаб етишига эришиш.

Дарс жараёнининг ташкил этилиши	11. Ташкилий қисм 12. Мақсад ва вазифаларни қўйиш. 13. Ўрганилганларни умумлаштириш, такрорлаш ва тизимлаштириш 14. Якун ясаш 15. Уйга вазифа	- 5 дақиқа - 3 дақиқа - 57дақиқа - 10дақиқа - 5 дақиқа
Дарс жараёнининг мазмуни	Тафаккур мантиқ илмининг ўрганиш объекти. Ҳиссий билиш ва тафаккур. Мантиқ фанининг предмети. Мантиқ илмининг назарий ва амалий аҳамияти. Туғри тафаккурнинг асосий белгилари. Формал мантиқнинг қонунлари. Мантиқнинг фикрлаш маданиятини ўстиришдаги, мустақил фикр юритиш кўникмаларини хосил қилишдаги аҳамияти.	
Ўқув жараёнини амалга ошириш технологияси	**Метод:** оғзаки баён қилиш, “ақлий ҳужум”, “муаммо”…. **Форма:** Маъруза, жамоада ва гуруҳларда ишлаш. **Восита:** А3 форматдаги маълумотлар, чизмалар, нутқ. **Усул:** Тушунтириш, кўрсатиш, сўраш, муаммоли савол. **Назорат:** Кузатиш, оғзаки назорат, якка ва гуруҳий назорат, савол жавоблар.	
Кутилаётган натижалар	**Ўқитувчи:** Мавзуни қисқа вақт ичида барча талабалар томонидан ўзлаштирилишига эришади. Талабалар фаоллигини оширади. Талабаларда дарсга нисбатан қизиқиш уйғотади. Ўз олдига қўйган мақсадга эришади. **Талаба:** Тафаккур мантиқ илмининг ўрганиш объекти. Мантиқ фанининг предмети. Мантиқ илмининг назарий ва амалий аҳамияти. Туғри тафаккурнинг асосий белгилари. Формал мантиқнинг қонунлари. Мантиқнинг фикрлаш маданиятини ўстиришдаги, мустақил фикр юритиш кўникмаларини хосил қилишдаги аҳамияти. ҳақида янги билимларни эгаллайди. Нутқ ривожланади ва эслаб қолиш қобилияти кучаяди. Қисқа вақт ичида кўп маълумотга эга бўлади.	
Келгуси режалар	**Ўқитувчи:** янги педагогик технологияларни ўзлаштириш ва дарсда татбиқ этиш, такомиллаштириш. Ўз устида ишлаш. Мавзуни ҳаётий воқеалар билан бойитиш, боғлаш. Педагогик маҳоратни ошириш. **Талаба:** Шу мавзу юзасидан қўшимча материаллар топиш, уларни ўрганиш.	

Дарс жараёнининг бориши

1.	Ташкилий қисм	Саломлашиш, йўқлама
2.	Мақсад ва вазифаларни қўйиш	Талабаларга Мантиқ сўзининг мазмун моҳиятини тушунтириш. Мантиқ илмининг ўрганиш объектини тафаккур ташкил этишини, тафаккур билишнинг юқори босқичи эканлигини кўрсатиш. Билиш воқеликнинг инсон миясида субъектив образлар шаклида акс этишидир.

		Билишнинг икки шакли яъни ҳиссий ва тафаккур шаклларини, уларнинг асосий шаклларини англаш ва таҳлил қила олиш даражасида билимларга эга бўлишига эришиш. Формал мантиқ тўғри тафаккур шакллари ва қонунларини ўрганувчи фалсафий фан эканлигини билиб олишига ёрдам бериш. Тафаккур шакллари ва қонунларини ўрганиш, улардан онгли равишда фойдаланиш фикрлаш маданиятини ўстиради, хусусан фикрни тўғри қуриш малакасини ривожлантиради; баҳс юритишда ўзининг ва бошқаларнинг фикрига танқидий муносабатда бўлишига, суҳбатдошининг мулоҳазаларидаги хатоларни очиб ташлаш руҳида ёшларни тарбиялашга эришиш.
3.	Мотивация	Дарс сўнгида фаол талабалар рағбатлантирилади.
4.	Ўрганилганларни умумлаштириш, такрорлаш ва тизимлаштириш	1. Тафакурнинг аосий хусусиятлари нималардан иборат? 2. Тафаккур шакли нима? 3. Тафаккур қонуни нима? 4. Формал мантиқ нимани ўрганади? 5. Формал мантиқни ўрганиш қандай аҳамиятга эга? 6. Тафаккур қонунлари нималарни акс эттиради? 7. Айният қонунидан келиб чиқадиган асосий талаб нимадан иборат? 8. Нозидлик қонунининг моҳияти нимада? 9. Учинчиси истисно қонуни фикр юритувчи субъект олдига қандай талабни қўяди?
5.	Баҳолаш ва фаол талабаларни рағбатлантириш	Талабалар сони кўп бўлганлиги сабабли саволларга аниқ ва тўғри жавоб берган талабалар дарс сўнгида баҳоланади.
6.	Дил сўзлари	Эътиборингиз учун раҳмат, саломат бўлинг.
7.	Уйга вазифа	Мавзу юзасидан берилган адабиётлар бўйича семинар машғулотига тайёрланиш, янги маълумотларни ўзлаштириш.

1- мавзу. Мантиқ илмининг предмети, аҳамияти. Формал мантиқнинг асосий қонунлари.

(2-соат)

Режа:

1. Мантиқ илмининг тадқиқот объекти.

2. Тафаккурнинг асосий шакллари.

3. Формал мантиқнинг асосий қонунлари.

1-масала. «Мантиқ» арабча сўз бўлиб, маъноси бўйича «логика» сўзига мувофиқ келади. «Логика» атамаси эса, грекча «logos» сўзидан кслиб чиккан бўлиб, «фикр», «сўз», «ақл», «қонуният» каби маъноларга эга. Унинг кўп маънолиги турли хил нарсаларни ифода қилишида уз аксини топади. Хусусан, мантиқ сўзи, биринчидан, объектив олам қонуниятларини (масалан, «объектив мантиқ», «нарсалар мантиғи» каби ибораларда), иккинчидан, тафаккўрнинг манжуд булиш шакллари ва тараққиётини, шу жумладан, фикрлар ўртасидаги алоқадорликни характерлайдиган қонун-қоидалар йигиндисини (масалан «субьектив мантиқ» иборасида), ва нихоят, учинчидан, тафаккур шакллари ва қонунларини ўрганувчи фанни ифода этишда ишлатилади.

Мантиқ илмининг ўрганиш объектини тафаккур ташкил этади. «Тафаккур» арабча сўз бўлиб, ўзбек тилидаги «фикрлаш», «ақлий билиш» сўзларининг синоними сифатида қўлланилади. Тафаккур билишнинг юқори босқичидир. Унинг моҳиятини яхширок тушуниш учун билиш жараёнида тутган ўрни, билишнинг бошқа шакллари билан бўлган муносабатини аниқлаб олиш зарур.

Билиш воқеликнинг, шу жумладан, онг ходисаларининг инсон миясида субъектив, идеал образлар шаклида акс этишидан иборат. Билиш жараёнининг асосини ва охирги мақсадини амалиёт ташкил этади. Барча холларда билиш инсоннинг ҳаётий фаолияти билан у ёки бу даражада боғлиқ бўлган, унинг маълум бир эҳтиёжини кондириши мумкин бўлган нарсаларни тушуниб етишга бўйсундирилган бўлади. Билиш жараёнини амалга оширар экан, кишилар уз олдиларига маълум бир мақсадларни куядилар. Улар урганилиши лозим бўлган предметлар доираси, тадқиқот йуналиши, шакллари ва методларини белгилаб беради.

Билиш мураккаб, зиддиятли, турли хил даражаларда ва шаклларда амалга ошадиган жараёндир. Унинг дастлабки босқичини хиссий билиш - инсоннинг сезги органлари ёрдамида билиш ташкил этади. Бу босқичда предмет ва ходисаларнинг ташқи хусусиятлари ва муносабатлари, яъни уларнинг ташқи томонида бевосита намоён бўладиган ва шунинг учун ҳам инсон бевосита сеза оладиган белгилари ҳақида маълумотлар олинади.

Хиссий билиш 3 та шаклда: сезги, идрок ва тасаввур шаклида амалга ошади. Сезги предметнинг бирорта ташқи хусусиятини (масалан, рангини, шаклини, таъмини) акс эттирувчи яққол образдир. Идрок предметнинг яхлит яққол образи бўлиб, у мазкур предмет ҳақидаги турли хил сезгиларни синтез қилиш натижасида хосил бўлади. Алоҳида олинган сезгилардан фарқли уларок, идрок берилган предметни бошқа предметлардан (масалан олмани бехидан, нокдан ва шу кабилардан) фарқ қилиш имконини беради. **Тасаввур** эса аввал идрок этилган предметнинг образини маълум бир сигналлар (берилган предмет билан маълум бир умумийликка эга бўлган) таъсирида мияда қайта хосил қилишдан, ёки шу ва бошқа образлар негизида янги образ яратишдан иборат хиссий билиш шаклидир. Масалан, таниишнгизга ухшаган кишини учратганда танишингизни эслайсиз, ёки кўрмоқчи бўлган иморатингизни мавжуд иморатлар образлари ёрдамида яққол хис қиласиз.

Хиссий билишнинг барча шаклларига хос бўлган хусусиятлари каторига қуйидагилар киради:

Биринчидан, хиссий билиш объектнинг (предметнинг ёки унинг бирорта хусусиятининг) субъектга (индивидга, тўғрироги, унинг сезги органларига) бевосита

таъсир этишини тақозо этади. Тасаввур ҳам бундан истисно эмас. Унда образи қайта хосил этилаётган (ёки яратилаётган) предмет эмас, у билан боғлиқ бўлган бошқа предмет-сигнал таъсир этади.

Иккинчидан, хиссий билиш шакллари предметнинг ташқи хусусиятлари ва муносабатларини акс эттиради.

Учинчидан, хиссий образ предметнинг яққол образидан иборат.

Туртинчидан, хиссий билиш, конкрет индивидлар томонидан амалга оширилганлиги учун ҳам, ҳар бир алоҳида ҳолда конкрет инсоннинг сезиш кобилияти билан боғлиқ тарзда ўзига хос хусусиятга эга бўлади.

Бешинчидан, хиссий билиш билишининг дастлабки ва зарурий босқичи хисобланади. Усиз билиш мавжуд була олмайди. Чунки инсон ташқи олам билан узининг сезги органлари орқали боғланган. Билишнинг кейинги босқичи, бошқа барча шакллари сезгиларимиз берган маълумотларга таянади.

Бундан келиб чикадиган хулоса шуки, хиссий билиш тафаккур билан узвий боғлиқ. Хусусан, назарий билимларнинг чинлиги охир-окибатда эмпирик талкин қилиш йули билан, яъни тажрибада бундай билимларнинг объектини қайд этиш орқали асосланади. Ўз навбатида, хиссий билиш, умуман олганда, акл томонидан бошқарилиб туради, билиш олдида турган вазифаларни бажаришга йўналтирилади, ижодий фантазия элементлари билан бойитилади. Масалан, гувохларнинг берган курсатмалари асосида жиноятчининг портрети яратилади, яққол хис қилинади ва кидирилади.

Лекин, шунга қарамасдан хиссий билиш уз имкониятлари, чегарасига эга. У бизга алоҳида олинган предметлар (ёки предметлар туплами), уларнинг ташқи белгилари ҳақида маълумот беради. Унда мавжуд предметлар ўртасидаги алоқадорлик (масалан муз билан хавонинг ҳарорати ўртасидаги боғланиш) урганилмайди, предметларнинг умумий ва индивидуал, муҳим ва номуҳим, зарурий ва тасодифий хусусиятлари фарқ қилинмайди.

Бундан ташкари, баъзи холларда хиссиётимиз бизни алдаб куяди. Масалан, узоқдан сизга қараб юриб келаётган кишини танишингизга ўхшатасиз, лекин яқинроқ келганда унинг бошқа киши эканлиги маълум бўлади. Бошқа бир мисол. Энди танишган кишингиз ҳақидаги дастлабки таассурот (бу асосан унинг ташқи тамонидан кўринишига қараб хосил қилинади), у билан мулокотда бўлгандан кейин узгаради. Мана шу уринда «Кийимига қараб кутиб олишади, ақлига қараб кузатишади» деган мақолнинг хиссий билиш билан акл ўртасидаги ўзаро муносабатни, фарқни яхши ифода қилишини таъкидлаш лозим. Юқорида қайд этиб ўтилган холатлар билишда тафаккурга бўлган эҳтиёжни, унинг моҳиятини, билишда тутган ўрнини чукур англашга ёрдам беради.

Предмет ва ходисаларнинг моҳиятини тушунишга тафаккур ёрдамида эришилади. Тафаккур билишнинг юқори-рационал (лотинча ratio-акл) билиш босқичи бўлиб, унда предмет ва ходисаларнинг умумий, муҳим хусусиятлари аникланади, улар ўртасидаги ички, зарурий алоқалар, яъни қонуний боғланишлар акс эттирилади.Тафаккур қуйидаги асосий хусусиятларга *эга:*

1) Унда воқелик абстрактлашган ва умумлашган ҳолда инъикос қилинади. Хиссий билишдан фарқли уларок., тафаккур бизга предметнинг номуҳим, иккинчи даражали (бу одатда билиш олдида турган вазифа билан белгиланади) белгиларидан абстраклашган (фикран четлашган, мавхумлашган) ҳолда, эътиборимизни унинг умумий, муҳим, такрорланиб турувчи хусусиятларига ва муносабатларига каратишимизга имкон беради. Хусусан, турли кишиларга хос нндивидуал белгиларни (хулк-атвор, темперамент, кизикиш ва шу кабилардаги) эътибордан четда қолдирган ҳолда, улар учун умумий,

муҳим белгиларни, масалан, мақсадга мувофиқ. ҳолда мехнат қилиш, онгга эга булиш, ижтимоий муносабатларга киришиш каби хислатларни ажратиб олиб, «инсон»тушунчасини хосил қилиш мумкин. 2) Тафаккур борлиқни билвосита акс эттнради. Унда янги билимлар тажрибага ҳар сафар бевосита мурожаат этмасдан, мавжуд билимларга таянган ҳолда хосил қилинади. Фикрлаш бунда предмет ва ходисалар ўртасидаги алоқадорликка асосланади. 3) Тафаккур инсоннинг ижодий фаолиятидан иборат. Унда билиш жараёни борликда реал аналогига эга бўлмаган нарсалар-юқори даражада идеаллашган объектларии (масалан абсолют каттик жисм, идеал газ каби тушунчалар) ни яратиш, турли хил формал системаларни *куриш* билан кечади.Улар ёрдамида предмет ва ходисаларнинг энг мураккаб хусусиятларини ўрганиш, ходисаларни олдиндан куриш, башоратлар қилиш имконияти вужудга келади.

4) Тафаккур тил билан узвий алоқада мавжуд. Фикр идеал ходисадир.У фақат тилда-моддий ходисада (товуш тулкинларида, график чизикларда) реаллашади, бошқа кишилар бевосита кабул кила оладиган, хис этадиган шаклга киради ва одамларнинг ўзаро фикр алмашиш воситасига айланади. Бошқача айтганда, тил фикрнинг бевосита воқе бўлиш шаклидир.

2. масала. Тафаккурнинг асосий шакллари.

Тафаккур уч хил шаклда: тушунча, ҳукм (мулохаза) ва хулоса чиқариш шаклида мавжуд.

Тафаккур шакли фикрнинг мазмунини ташкил этувчи элементларнинг боғланиш усули, унинг структураси (тузилиши) дир. Фикрлаш элементлари деганда, предметнинг фикрда ифода қилинган белгилари ҳақидаги ахборотлар тушунилади. Тафаккур шаклининг табиатини конкрет мисоллар ёрдамида кўриб чиқамиз.

Маълумки, айрим предметлар, уларнинг синфи (тўплами) кишилар тафаккурида турли хил мазмунга эга бўлган тушунчаларда акс эттирилади. Масалан, «давлат» тушунчасида узининг майдонига, ахолисига, бошқарув воситаларига эга бўлган сиёсий ташкилот акс эттирилади. «Илмий назария» тушунчасида эса, предметларнинг бирорта соҳасига оид бўлган ва улар ҳақида яхлит тасаввур берадиган, маълум бир метод ёрдамида курилган тушунчалар системаси ифода этилган. Мазмун жиҳатдан турли хил бўлган бу тушунчалар мантиқий шаклига кўра бир хилдир: ҳар иккаласида предмет унинг муҳим белгилари орқали фикр қилинган. «уз майдонига эгалиги», «ахолисининг мавжудлиги», «бошқарув воситаларига эгалиги», «сиёсий ташкилотдан иборатлиги» давлатнинг муҳим хусусятлари хисобланади. Худди шунингдек, «предметларнинг бирорта соҳасига алоқадорлиги», «предмет ҳақида яхлит тасаввур хосил қилишга имконият бериши», «маълум бир метод ёрдамида курилиши», «тушунчалар системаси шаклида бўлиши» илмий назариянинг муҳим белгилари хисобланади. Агар тушунча акс эттираётган предметни А билан, унда фикр қилинаётган муҳим белгиларни, яъни фикрлаш элементларини а, в, с,..., п билан белгиласак, тушунчанинг мантиқий структурасини А (а, в, с,..., п) шаклида символик тарзда ифодалаш мумкин. Ҳукмларда предмет билан унинг хоссаси, предметлар ўртасидаги муносабатлар, предметнинг мавжуд булиш ёки булмаслик факти ҳақидаги фикрлар тасдиқ ёки инкор шаклда ифода этилади. Масалан «Темир-металл» деган ҳукмда предмет (темир) билан унинг хоссаси (металл эканлиги) ўртасидаги муносабат қайд этилган. «Ахлоқ хукукдан илгари пайдо бўлган» деган ҳукмда иккита предмет (ахлоқ ва хукук) ўртасидаги муносабат қайд этилган. Мазмун жиҳатдан турли хил бўлган бу ҳукмлар тузилишига кўра бир хилдир: уларда предмет ҳақидаги

тушунча (S) билан предмет белгиси ҳақидаги тушунча (P) ўртасидаги муносабат кайл этилган, яъни P нинг Sга хослиги тасдиқланган. Умумий ҳолда ҳукмнинг мантиқий структурасини (шаклини) S-P формуласи ёрдамида ифода этиш мумкин.

Хулоса чиқаришда ҳам юқоридагига ўхшаш холларни кузатиш мумкин. Масалан,

Дарахт - ўсимлик

Терак – дарахт

Терак - ўсимлик

ва

Ҳар бир химявий элемент уз атом оғирлигига эга

Мис - химиявий элемент

Мис уз атом оғирлигига эга

хулоса чиқариш кўринишлари мазмуни бўйича турлича бўлишига қарамасдан, бир хил мантиқий структурага эга. Ҳар иккаласида хулосани ташкил этувчи тушунчалар хулоса чиқариш учун асос бўлиб хизмат қилаётган ҳукмларда учинчи бир тушунча (биринчи мисолда-«дарахт», иккинчи мисолда — «химиявий элемент» тушунчаси) орқали боғланган.

Юқоридаги келтирилган мисоллардан тафаккур шаклининг фикрнинг конкрет мазмунидан нисбатан мустақил ҳолда мавжуд бўлиши ва, демак, ўзига хос қонуниятларга эгалиги маълум булди. Шунинг учун ҳам мантиқда уни алоҳида ўрганиш предмети сифатида олиб қараш мумкин.

Тушунча, ҳукм (мулохаза) ва хулоса чиқариш тафаккўрнинг универсал шакллари, унинг асосий структуравий элементлари хисобланади. Муҳокама юритиш ана шулар ва уларнинг ўзаро алоқаларга киришиши натижасида вужудга келадиган бошқа мантиқий структуралар (масалан, муаммо, гипотеза, назария, ғоя аргументлаш ва шу кабилар) да амалга ошади.

Муҳокама юритишда ишончли натижаларга эришишнинг зарурий шартлари каторига фикрнинг чин бўлиши ва формал жиҳатдан тўғри курилиши киради. Чин фикр деб, узи ифода қилаётган предметга мувофиқ келувчи фикр хисобланади (Масалан, «Темир-металл»). Хато фикр предметга мос келмайдиган фикрдир (масалан, «Темир-металл эмас»). Фикрнинг чин ёки хато бўлиши унинг мазмунига тегишли хусусиятларидир.

Фикрнинг чин бўлиши мантиқий фикр юритишнинг зарурий шарти бўлсада, ўз холича етарли эмас. Фикр муҳокама юритиш жараёнида формал жиҳатдан тўғри курилган ҳам бўлиши керак. Бу хусусият фикрнинг шаклига тааллуқли бўлиб, тафаккурда хосил бўладиган турли хил мантиқий структураларда, содир бўладиган ҳар хил мантиқий амалларда ўз аксини топади.

Тафаккур куп киррали жараён бўлиб, уни турли хил томонидан, хусусан, мазмуни ва шакли (структураси) бўйича, тайёр холида ёки келиб чикиши ва тараққиётида олиб ўрганиш мумкин. Буларнинг барчаси мантиқ илмининг вазифасини ташкил этади, унинг турлича методлардан фойдаланишига, ҳар хил йуналишларга ажралишига сабаб бўлади.

Кенг маънода манткни тафаккур шакллари ва қонунларини ўрганувчи фан деб аташ мумкин. Хозирги пайтда унинг формал мантиқ, диалектик мантиқ ва математик мантиқ каби йуналишларини фарқ қилиш мумкин. **Формал мантиқ,** тафаккўрнинг структурасини фикрнинг конкрет мазмуни ва тараққиётидан четлашган ҳолда, нисбатан мустақил равишда олиб урганади. Унинг диккат марказида муҳокамани тўғри куриш билан боғлиқ қоидалар ва мантиқий амаллар ётади.

Формал мантиқга тўғри тафаккур шакллари ва қонунларини ўрганувчи фалсафий фан, деб таъриф бериш мумкин.

Диалектик мантиқ, формал мантиқдан фарқли уларок, тафаккўрни унинг мазмуни ва шакли бирлигида ҳамда тараққиётида олиб урганади. Математик мантиқ эса тафаккўрни математик методлар ёрдамида тадкик этади. У хозирги замон математикасининг муҳим йуналишларидан бири бўлиб, тафаккўрни мантиқий хисоблаш деб аталадиган юқори даражада абстрактлашган ва формаллашган системада тахлил қилади.

Биз урганадиган фан формал мантиқ бўлиб, у хозирги пайтда узининг махсус формаллашган тилига, тўғри муҳокама юритиш учун зарур бўлган самарали мантиқий методлари ва усулларига, концептуал воситаларига эга. Тафаккўрни ўрганувчи бошқа фанлар, хусусан фалсафа, психология, физиология билан ҳамкорлик қилади ҳамда илмий билимлар системасида узининг муносиб ўрнига эга. Айникса, унинг билиш методи сифатидаги аҳамияти катта.

Тафаккур шакллари ва қонунларини ўрганиш, улардан онгли равишда фойдаланиш фикрлаш маданиятини устиради, хусусан, фикрни тўғри куриш малакасини ривожлантиради; бахс юритишда узининг ва бошқаларнинг фикрига танкидий муносабатда бўлишига, сухбатдошининг мулохазаларидаги хатоларни очиб ташлашга ёрдам беради. Муҳокамани тўғри куришга, формал зиддиятлар, хатоларга йул куймасликка эришиш, айтиш мумкинки, ўзига хос санъат-мантиқ санъати хисобланади. Бу санъатнинг назарий асосларини чукур эгаллаган кишигина унинг имкониятларини амалий муҳокама юритишда намойиш кила олади. Унинг таълим сохасидаги вазифалари ҳам жиддийдир. Укув жараёнининг самарадорлиги маълум бир даражада ишлатиладиган тушунчаларнинг, терминларнинг аник бўлишига, муаммоларнинг мантиқан тўғри куйилиши ва хал килинишига, мавжуд гипотезалар структурасини тўғри тахлил кила олишга, аргументлаш қоидаларидан тўғри фойдаланишга боғлиқ.

Фан учун формал мантиқ мураккаб муаммоларни ечиш воситасини беради. Бундай воситалар, одатда, илмий назариянинг структурасини ўрганишда, унда ишлатиладиган формализмнинг моҳиятини тушунтириб беришда, формал зиддиятлар бўлса, уларни аниқлашда муҳим аҳамиятга эга.

3-масала. Оламдаги нарса ва ходисалар ҳаракати ўзига хос ички қонунлар асосида юзага келади. Бу ҳаракатнинг инсон онгидаги инъикоси, яъни тафаккур жараёни ҳам ўзига хос объектив қонуниятлар асосида амалга ошади.

Фалсафада қонун тушунчаси нарса ва ходисаларнинг муҳим зарурий, умумий, нисбий баркарор муносабатларини ифодалайди. Формал мантиқда илмида қонун тушунчаси фикрлаш элементлари ўртасидаги ички, муҳим, зарурий алоқадорликни ифодалайди.

Мантиқий тафаккур икки турдаги қонунларга буйсунади. Улар диалектика қонунлари ва формаллашган мантиқ қонунларидир. Диалектика қонунлари объектив олам ва билиш жараёнига хос бўлган энг умумий қонунлар бўлиб, диалектик мантиқ илмининг

ўрганиш сохаси хисобланади. Формаллашган мантиқ қонунлари эса, фақат тафаккурдагина амал қилади. Диалектика қонунлари мантиқий тафаккўрни унинг мазмуни ва шакли бирлигида олиб урганса, формал мантиқ қонунлари эса, фикрнинг тўғри тузилишини, унинг аник, изчил, зиддиятсиз ва асосланган бўлишини эътиборга олган ҳолда урганади.

Формал мантиқ қонунлари (ёки тафаккур қонунлари) дейилганда фикрлашга хос муҳим, зурурий боғланишлар тушунилади. Тафаккур қонунлари объектив воқеликнинг инсон миясида узоқ, вақт давомида акс этиши натижасида вужудга келган ва шаклланган.

Бу қонунлар фикрлашнинг тўғри амалга ошишини таъминлаб туради. Улар тафаккур шакллари бўлган тушунчалар, мулохазалар (ҳукмлар) ҳамда хулоса чиқаришнинг шаклланиши ва ўзаро алоқаларини ифодалайди.

Тафаккур қонунлари юзаки караганда субъектив қонунлардек бўлиб туюлса ҳам, аслини олганда, объектив мазмунга эгадир. Бу қонунлар ҳамма кишиларнинг фикр юритишида бир хил амал килувчи умуминсоний қонунлардир. Уларни бузиш, алмаштириш, узгартириш, янгилаш мумкин эмас. Тафаккур қонунларига амал қилиш тўғри, тушунарли, аник изчил, зиддиятсиз, асосланган фикр юритишга имкон беради. Аниклик, изчиллик, зиддиятлардан холи булиш ва исботлилик (асосланганлик) тўғри тафаккурлашнинг асосий белгиларидир. Инсон тафаккурига хос бўлган муҳим хислатлардан бири фикрнинг аник бўлишидир. Маълумки, объектив воқеликдаги ҳар бир буюм, ходиса ўзига хос белги ва хусусиятларга эга. Бу белги ва хусусиятлар буюм ва ходисаларни бир-биридан фарқлашга, уларнинг ўзига хос томонларини аниқлашга ёрдам беради. Бу эса, уз навбатида, буюм ва ходисаларнинг инсон, тафаккурида аник акс этишини, ҳар бирфикр, мулохазанинг аник, равшан ифодаланишини таъминлайди. Фикрнинг ноаниклиги фикрдаги мантиқнинг саёзлашувига, мантиқсизликка олиб келади. Масалан, объектив ва субъектив сабаб ,тушунчаларининг моҳиятини аниқлаб олмасдан бирорта ходисанинг келиб чикиш сабаблари тўғрисида аник фикр юритиб бўлмайди. Шу сабабдан фикрдаги аниклик тўғри, тафаккурлашнинг асосий белгиларидан бири хисобланади.

Объектив воқеликдаги буюм ва ходисанинг жойлашиши, ўзаро муносабати ва боғланишида муайян тартиб, изчиллик, кетма-кетлик мавжуддир. Буюм ва ходисаларнинг бу хусусиятлари фикрлаш жараёнининг изчил амалга ошишида уз ифодасини топган. Тафаккурга хос бўлган изчиллик белгиси ҳар бир фикрнинг муайян тартибда ўзаро боғланган ҳолда баён этилишини талаб қилади. Фикрдаги изчилликнинг бузилиши, фикр маъносининг узгаришига олиб келади ва бундай фикрни тушуниб олиш кийинлашади. Масалан, бирорта файласуф - мутафаккирнинг умумфалсафий қарашларини урганмасдан туриб, унинг ижтимоий ёки ахлоқий таълимотининг моҳиятини тулик тушуниб бўлмайди.

Тафаккурга хос бўлган белгилардан яна бири фикрлаш жараённинг зиддиятсизлик хусусиятига эга булишлигидир. Бу белги ҳам объектив асосга эга. Маълумки, объектив воқеликда ҳар бир буюм ёки ходиса бир вақтнинг ўзида бирор сифатига кўра икки зид белгига эга бўлмайди. Масалан, бирор буюм бир вақтнинг ўзида ҳам бор, ҳам йук. була олмайди ёки инсон ҳам эътиқодли, ҳам эътиқодсиз була олмайди. Фикрда мантиқий зиддиятларнинг мавжуд бўлиши унинг ноаник, чалкаш, тушунарсиз бўлишига олиб келади.

Буюм ва ходисалар ўртасидаги сабабий боғланишлар тафаккурга хос бўлган асослилик белгисининг объектив негизидир. Инсон фикр юритиш жараёнида иложи борича чинлиги асосланган мулохазаларни баён қилишга интилади.

Демак мантиқ қонунлари деб фикрлар ўртасидаги шундай алоқага айтамизки, бунда мантиқий узгаришларни ҳар кандай конкрет фикр мазмуни Билан канчалик алмаштирсак ҳам тўғри муҳокама хосил булаверади. Формал мантиқда қоида ва қонунлар куп. Биз булардан турттасини мантиқнинг асосий қонуни деб атаймиз. Булар: айният қонуни , нозидлик қонуни, учинчиси мустасно қонуни,етарли асос қонуни.

Айният қонуни

Бирор буюм ёки ходиса ҳақида фикр юритилганда уларга хос бўлган барча муҳим белгилар, томонлар камраб олинади. Предмет ҳақидаги фикр неча марта ва кандай холатларда такрорланишига қарамасдан доимий, узгармас ва катъий мазмунга эга бўлади. Тафаккурга хос бўлган бу аниклик хусусияти айният қонунининг моҳиятини ташкил этади.

Айният қонунига кўра маълум бир предмет ёки ходиса ҳақида айтилган айни бир фикр айни бир муҳокама доирасида айни бир вақтда уз-ўзига тенгдир. Бу қонун формал мантиқ, илмида « А-А дир» формуласи билан ифодаланади.

Айният қонунининг асосий талаби қуйидагича: фикрлаш жараёнида турли фикрларни айнанлаштириш ва аксинча, ўзаро айнан бўлган фикрларга тенг эмас, деб қараш мумкин эмас. Бу мантиқий тафаккўрнинг муҳим шартларидан биридир. Фикрлаш жараёнида бу қонунни, билиб ёки билмасдан, бузиш холатлари учрайди. Баъзан, бу холат бир фикрнинг тилда турли хил ифодаланиши билан боғлиқ бўлади. Масалан: «диалектика қонунлари» ва «табиат, жамият ва инсон тафаккурининг энг умумий қонунлари» тушунчалари шаклига кўра турлича бўлса ҳам мазмунан айнандир. Тилда мавжуд бўлган омоним ва синоним сўзларнинг кулланиши ҳам баьзан турли фикрларнинг ўзаро айнанлаштирилишига, яъни нотўғри муҳокамага олиб келади. Масалан: фалсафий нуктаи назардан «сифат» тушунчаси, ўзига хос мазмунга эга бўлса, бирор хунарманд томонидан бу тушунча, бошқа мазмунда (ярокли, фойдали) қўлланилади.

Шунингдек у, бир тушунчага касб-хунари, ҳаётий тажрибаси ва дунёқараши турли хил бўлган шахслар томонидан турли мазмун юклатилишида ҳам намоён бўлади.

Бахс-мунозара жараёнида кандай қилиб бўлса ҳам ракибни алдаш ва ютиб чикиш мақсадида айният қонунининг талабларини атайлаб бузувчилар софистлар деб аталади; уларнинг таълимоти эса софистика дейилади.

Шунингдек, узбек халкига хос бўлган аския санъатида айният қонунлари атайлаб бузилишини, тушунчаларнинг уз маъносида эмас, балки кучма маъноларда кулланилишини кузатиш мумкин. Бу ўзига хос сўз уйини бўлиб, унда қўлланиладиган нозик кочиримлар аския айтувчининг махоратини курсатади ва тингловчиларнинг кулгусига сабаб бўлади.

Демак, ҳаётда, амалиётда тушунчанинг турли маъноларда кулланилишидан гаразли ёки бегараз, яхши ёки ёмон мақсадлар учун фойдаланиш мумкинлигини кўрамиз.

Айният қонуни тафаккурга, унинг барча элементлари, шаклларига хос бўлган умумий мантиқий қонундир. Бу қонуннинг талаблари тафаккўрнинг ҳар бир шаклига хос бўлган конкрет қоидаларда аник ифодаланади. Тафаккўрнинг тушунча, мулохаза (ҳукм), хулоса чиқариш шакллари, улар ўртасидаги муносабатлар шу қонунга асосланган ҳолда амалга ошади.

Нозидлик қонуни

Инсон тафаккури аник, равшан бўлибгина колмасдан, зиддиятсиз бўлиши ҳам зарур. Зидиятсизлик инсон тафаккурига хос бўлган энг муҳим хислатлардан биридир. Маълумки, объектив воқеликдаги буюм ва ходисалар бир вақтда, бир хил шароитда бирор хусусиятга ҳам эга бўлиши, ҳам эга булмаслиги мумкин эмас. Масалан, бир вақтнинг ўзида, ҳар хил шароитда инсон ҳам ахлоқли, ҳам ахлоқсиз бўлиши мумкин эмас. У ё ахлоқли, ё ахлоқсиз бўлади.

Бир вақтнинг ўзида бир предметга икки зид хусусиятнинг тааллуқли булмаслиги тафаккурда нозидлик қонуни сифатида шаклланиб колган. Бу қонун фикрлаш жараёнида зиддиятга йул куймасликни талаб куйилади ва тафаккўрнинг зиддиятсиз ҳамда изчил бўлишини таъминлайди.

Нозидлик қонуни айни бир предмет ёки ходиса ҳақида айтилган икки ўзаро бир-бирини истисно килувчи (қарама-қаршиёки зид) фикр бир вақтда ва бир хил нисбатда бирданига чин бўлиши мумкин эмаслнгини, Хеч бўлмаганда улардан бири албатта хато бўлишини ифодалайди. Бу қонун «А ҳам В, ҳам В эмас була олмайди» формуласи орқали берилади. Нозидлик қонуни қарама-қаршива зид мулохазаларга нисбатан қўлланилади. Бунда қарама-қаршимулохазаларнинг ҳар иккаласи ҳам бир вақтда хато бўлиши мумкин ўзаро зид мулохазалар эса бир вақтда хато бўлмайди, улардан бири хато бўлса, иккинчиси албатта чин бўлади. Қарама-қаршимулохазаларда эса бундай бўлмайди, яъни улардан бирининг хатолигидан иккинчисининг чинлиги келиб чикмайди. Масалан: «Аристотель-мантиқ фанининг асосчиси» ва «Аристотель-мантиқ фанининг асосчиси эмас»-бу ўзаро зид мулохазалардир. Бу зид мулохазаларнинг ҳар иккаласи бир вақтда хато бўлмайди. Улардан биринчиси чин бўлгани учун, иккинчиси хато бўлади. Ўзаро қарама-қаршибўлган «Бу дори ширин» ва «Бу дори аччиқ» мулохазаларининг эса иккаласи бир вақтда, бир хил нисбатда хато бўлиши мумкин. Чунки дори ширин ҳам, аччиқ ҳам бўлмаслиги, балки бемаза ёки нордон бўлиши мумкин.

Баъзида икки қарама-қарши фикр айтилганда мантиқий зиддият бўлмаслиги мумкин. Бунда бир масала юзасидан баён қилинган қарама-қаршификрлар турли вақтда ва турли нисбатда айтилган бўлади. Масалан: Талаба А. мантиқ фанидан имтихон топширмади» ва «Талаба А. мантиқ фанидан имтихон топширди». Бу зид мулохазалар турли вақтга нисбатан чин бўлади, яъни улар ўртасида зиддият бўлмайди.

Демак, фикрлаш жараёнида, вақт, муносабат ва объект бирлигининг сакланиши нозидлик қонунининг амал қилиши учун зарурий шарт-шароит хисобланади. Нозидлик қонуни тўғри фикр юритиш жараёнида амал қилади.

Мантиқ илми умуман ҳар кандай зид мулохазаларни таъкикламайди, балки бир масала юзасидан бир хил вақт ва муносабат доирасида ўзаро зид, қарама-қаршимулохазаларни баён қилиш мумкин эмаслигини таъкидлайди.

Формал мантиқ диалектик зиддиятлар билан мантиқий зиддиятларни чалкаштириб юборишни коралайди. Мантиқий тафаккурдаги зиддият билан реал хает зиддиятларини, яъни диалектик зиддиятни бир-биридан фарқлаш, уларни алмаштириб юбормаслик зарур. Чунки булардан биринчиси тафаккурда йул куйиб бўмайдиган зиддият бўлса, иккинчиси буюм, ходисалар тараққиётининг ички манбаини ташкил қиладиган диалектик зиддиятдир. Биринчиси субъектов, иккинчиси объектив зиддиятдир.

Нозиддлик қонунини билиш ва унга амал қилиш ракибнинг, сухбатдошнинг фикрларидаги мантиқсизликни аниқлаш, илмий тахлилни изчил ва чукур мантиқий асосда олиб бориш имконини беради

Истисно қонуни

Учинчи истисно қонуни нозидлик қонунининг мантиқий давоми бўлиб, фикрнинг тулик мазмунини камраб олиб баён қилинган икки зад фикрдан бирн чин, бошқаси хато, учинчисига урин йук эканлигини ифодалайди. Бу қонун «А В еки В эмасдир» формуласи орқали берилади. Учинчиси истисно қонуни тушунчалар ўртасидаги зид муносабатларни ифодалайди. Агарда зид муносабатлар тушунчанинг тулик, мазмунини камраб олмаса, икки зид белгидан бошқа белгиларнинг ҳам мавжудлиги маълум бўлса, унда учинчиси истисно қонуни амал килмайди. Масалан,

Талаба имтихонда «аъло» бахо олди. Талаба имтихонда «икки» бахо олди.

Бу мулохазалар муносабатида нозидлик қонуни амал қилади. Чунки бу мулохазаларнинг ҳар иккиси ҳам хато бўлиши ва талаба имтихонда «ўрта» ёки «яхши» бахо олиши мумкин.

Агар, «Талаба имтихонда «аъло» бахо олди» ва «Талаба имтихонда «аъло» бахо олмади», мулохазаларни тахлил қилсак, унда бу мулохазалардан бири чин, бошқаси хато, учинчисига урин йук эканлиги маълум бўлади. Чунки «яхши», «ўрта» ва «икки» бахолар-»аъло» бахо эмас.

Учинчиси истисно қонуни қуйидаги холатларда қўлланилади:

1. Алоҳида олинган якка буюмга нисбатан бир хил вақт ва муносабат доирасида ўзаро зид фикр билдирилганда.Масалан,

Тошкент-Ўзбекистоннинг пойтахти.

Тошкент-Ўзбекистоннинг пойтахти эмас.

Бу мулохазалар биргаликда чин ҳам, хато ҳам була олмайди. Улардан бири чин, иккинчиси хато, учинчи мулохазага урин йук. Учинчиси истисно қонуни ўзаро зид умумий мулохазалар доирасида амал килмайди. Чунки умумий мулохазаларда буюмлар синфига ва шу синфга мансуб ҳар бир буюмга нисбатан фикр билдирилади.

Масалан, Ҳамма файласуфлар нотикдир.

Хеч бир файласуф нотик, эмас.

Бу мулохазалардан, бирининг хатолигидан иккинчисининг чинлиги ҳақида хулоса чиқариб бўлмайди. Бундай холатда «Баъзи файласуфлар нотикдир» деган учинчи бир мулохаза чин хисобланади.

2. Сон ва сифатига кўра ўзаро зид мулохазалар баён қилинганда, буюм ва ходисаларнинг синфи ҳақида тасдиқлаб баён қилинган мулохаза билан шу синф буюм ва ходисаларининг бир кисми ҳақида инкор этиб баён қилинган мулохазалардан бири чин, иккинчиси хато, учинчисига урин бўлмайди.

Масалан:

Ҳамма файласуфлар табиётшуносдир.

Баъзи файласуфлар табиётшунос эмас.

Бу икки мулохаза бир вақтда чин ҳам, хато ҳам була олмайди. Улардан бири (Баъзи файласуфлар табиётшунос эмас) албатта чин, иккинчиси хато, учинчи мулохазага урин йук.

Демак, Учинчиси истисно қонуни:

1. Икки зид якка мулохазаларга нисбатан;

2. Умумий тасдиқ ва жузъий инкор мулохазаларга нисбатан;

3. Умумий инкор ва жузъий тасдиқ мулохазаларга нисбатан қўлланилади.

Учинчиси истисно қонунининг амал қилиши учун олинган зид муносабатларни ифодаловчи мулохазалардан бири тасдиқ, иккинчиси инкор бўлиши ёки тушунчалардан бири ижобий ва бошқаси салбий бўлиши шарт эмас. Олинган икки тушунча ёки мулохазанинг бир-бирини хажм жиҳатдан тулик инкор этиши кифоя. Масалан, эркак ва аёл тушунчаларининг ҳар иккиси ижобий бўлиб, инсон тушунчасининг тулик мазмунини камраб олувчи зид белгиларни ифодалайди.

Учинчиси истисно қонунида ҳам, нозидлик қонунидаги каби вақт, муносабат, объект айнанлигига риоя этиш шарт, акс ҳолда бу қонун уз кучини йукотади, фикрнинг изчиллигига зарар етади ва мантиқсизликка йўл куйилади.

Учинчиси истисно қонунини билиш муҳокама юритишда тўғри хулоса чиқариш учун муҳим бўлиб, ўзаро зид қарашларни аралаштириб юборишга йул кўймайди.

Етарли асос қонуни

Тўғри фикрлашга хос бўлган муҳим хусусиятлардан бири исботлилик, ишончлиликдир. Фикрлаш жараёнида буюм ва ходисалар ҳақида чин муҳокама юритибгина колмасдан, бу муҳокаманинг чинлигига хеч кандай шубха булмаслиги учун, уни исботлашга, асослашга ҳаракат қилинади. Бунда чинлиги аввалдан маълум бўлган ва ўзаро мантиқий боғланган му-лохазаларга асосланилади, яъни баён қилинган фикрнинг чинлиги аввалдан маълум бўлган, тасдиқланган бошқа бир фикр, мулохаза билан таққосланади. Тафаккўрнинг бу хусусияти етарли асос қонуни орқали ифодаланади.

Инсон тафаккурига хос бўлган бу қонунни биринчи марта немис файласуфи ва математиги Г Лейбниц таърифлаб берган. Унинг таъкидлашича, барча мавжуд, нарсалар узининг мавжудлиги учун етарли асосга эга. **Ҳар бир буюм ва ходисанинг реал асоси бўлгани каби, уларинг инъикоси бўлган фикр-мулохазалар ҳам асосланган бўлиши керак.** Етарли асос қонунининг бу талаби қуйидаги формула орқали ифодаланади: «Агар В мавжуд бўлса, унинг асосий сифатида А ҳам мавжуд».

Етарли асос қонунида тўғри тафаккўрнинг энг мухим хусусиятларидан бири бўлган фикрларнинг изчиллик билан муайян тартибда богланиб келиш хусусияти ифодаланади. Бу қонун аввалги кўриб утилган қонунлар билан ўзаро боғлиқ ҳолда амал қилади, Фикрлаш жараёнида берилган мулохазанинг чинлигини асослаш учун келтирилган чин мулохазалар мантиқий асос деб, берилган мулохазанинг узи эса мантиқий натижа деб юритилади.

Мантиқий асос билан объектив, хакикий реал асосни аралаштириб юбориш мумкин эмас. Асос ва натижа орасидаги мантиқий боғлиқликни сабаб ва окибат алоқадорлигидан фарқлаш зарур. Масалан, «Бу киши бемор» деган мулохазани «У шифохонада даволанаяпти» деган фикр билан асослаш мумкин. Аслида шифохонада даволаниш дастлабки мулохазанинг сабаби эмас балки окибатидир. Кўриниб турибдики, мантиқий асос ҳамма вақт ҳам ходисанинг сабаби билан мос келмайди. Фикрларнинг етарли асосга эга булишлигининг объектив манбаи фақат сабаб-окибат муносабатинигина эмас, шунингдек, фикрнинг изчиллиги, асосланганлигини, исботланган булиш хусусиятларини

ҳам, яъни объектив мазмуни сабаб-окибат муносабатларидан ташкарида бўлган бошқа муносабатларни ҳам уз ичига олади.

Фикр — мулохазаларни асослаш мураккаб мантиқий жарен бўлиб, унда бир ёки ундан ортик ўзаро боғланган муҳокамалар системасидан фойдаланилади. Кенг маънода бирор мулохазани асослаш деганда, шу мулохазанинг чинлигини тасдиқловчи ишончли ва етарли далилларнинг мавжудлигини аниқлаш тушунилади. Бу ишончли ва етарли далилларни шартли равишда икки гурухга: эмпирик ва назарий асосларга булиш мумкин. Булардан биринчиси асосан хиссий билиш тажрибага асосланса, иккинчиси аклий билиш, тафаккурга таянади. Эмпирик ва назарий билимларнинг чегараси нисбий бўлгани каби, эмпирик ва назарий асослар ўртасидаги фарқ ҳам нисбийдир.

Инсоннинг шахсий тажрибаси макон ва замонда чегараланган бўлиб, сезгилари берган маълумот эса ҳамма вақт ҳам тўғри бўлмайди. Шунга қарамасдан, мулохазаларни эмпирик асослашнинг аҳамияти катта, чунки билиш жонли хиссий мушохададан, бевосита кузатишдан бошланади. Хиссий тажриба инсонни ташқи олам билан боглаб туради. Назарий билим эса эмпирик базиснинг усткурмаси хисобланади.

Назарий асослашда кенг фойдаланиладиган усул-дедуктив хулоса чиқариш усули, яъни умумий чин мулохазаларга таяниб фикр юритишдир. Берилган мулохазани мантиқий усул орқали бошқа чин мулохазалар ёрдамида асослаш мумкин бўлса, унда берилган мулохаза чин, яъни асосланган бўлади. Бунда фикрлар ўртасидаги боғланиш умумийлик, хусусийлик ва яккалик ўртасидаги ўзаро борлиқликни ифодалайди. Масалан, тўгри тафаккур қонунларининг объектив ҳарактерга эканлигини, барча илмий қонунларнинг объектив ҳарактерта эга эканлиги ҳақидаги умумий чин мулохаза ёрдамида асослаш мумкин.

Умумий чин мулохазалар сифатида фанларнинг қонун-қоидаларидан, тушунчаларнинг таърифларидан, шунингдек аксиомалардан фойдаланилади. Буларнинг барчаси назарий асослашнинг рационал ёки демонстратив усуллари бўлиб, улар умумилмий аҳамиятга эга бўлган исботлаш методларининг асосини ташкил этади.

Шунингдек, асослашнинг субъектив ҳарактерда бўлган ва бевосита тажриба натижаларига ёки назарий фикр юритишга тааллуқли бўлмаган усуллари мавжуддир. Интуицияга, эътиқодга, авторитетларга ва урф-одатларга асосланиш шундай усуллар жумласига киради. Бу усуллардан кўпроқ кундалик онг даражасида фойдаланилди.

Шундай қилиб, тўғри тафаккўрнинг юқорида кўриб утилган қонунларининг ҳар бири чин билимга эришиш учун хизмат қилади. Бу қонунлар тафаккур жараёнида алоҳида-алоҳида ёки бирин-кетин эмас, балки : бир вақтда, биргаликда фикрлар боғланишининг ҳарактерига қараб амал қилади. Айният қонунига кўра фикрлаш жараёнида ҳар бир мулохаза катъий мазмунга эга бўлиши, айнан шу фикр доирасида ўзгармаслиги талаб қилинади. Бу талабнинг бузилиши фикрда мантиқий зиддиятларни келтириб чикаради. Зид мулохазаларнинг чин ёки хатолигини аниқлаш уларни мантиқий асослашни тақозо этади.

Демак, бу қонунларнинг талаблари бир-бирини тулдирган ҳолда, яхлит мантиқий тафаккурнинг чин бўлишини таъминлайди.

Мавзунинг таянч тушунчалари:

Мантиқ, хиссий билиш, тафаккур, тафаккур шакли, тафаккур қонуни, тўғри тафаккур, чин фикр, формал мантиқ, диалектик мантиқ, математик мантиқ. Тафаккур қонуни, тўғри муҳокама юритиш принциплари, тўғри курилган фикр, айният қонуни, нозидлик қонуни, учинчиси истисно қонуни, етарли асос қонуни, авторитетларга асосланиш.

Адабиётлар

1. Ислом Каримов. Узбекистан буюк келажак сари. - Т.: «Узбекистан», 1998.

2. Ислом Каримов. Тарихий хотирасиз келажак йук.. «Мулокот», 1998, №5.

3. Ислом Каримов. Баркамол авлод-Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. /Ислом Каримов. Хавфсизлик ва баркарор тараққиёт йулида: Т.6-Т.: «Ўзбекистон», 1998.

4. Ислом Каримов. Ўзбекистон XXI асрга интилмокда. - Т : «Ўзбекистон», 1999.

5. И.А. Каримов. Миллий истиклол мафкўраси — халк эътиқоди ва буюк келажакка ишончдир: «Fidokor» газетаси мухбири саволларига жавоблар.Т., Ўзбекистон, 2000.

6. М. Хайруллаев, М. Хакбердиев. Мантиқ., Тошкент. «Укитувчи» 1993, 1-боб, 4-боб.

“Мантиқ” фанини ўқитишда педагогик технологик карта тузиб олиш

Мавзу: Тушунча. Хукм. (2 соат).

Мақсад	**Ўқитувчи:** Тушунча ва хукмнинг тафаккур шакли эканлиги унинг назарий ва амалий ахамияти тўғрисида тушунчалари бериши. **Талаба**: Ўрганиш, дарсда фаол қатнашиш, топшириқларни бажариш.
Вазифалар	**Ўқитувчи:** Мавзуга оид оғзаки маълумотларни талабалар томонидан жамоа ҳолатида ўзлаштириб олишлари ҳамда ақлий ҳужум орқали Тушунча нима? Белги нима? Тушунчага мисол келтиринг каби соволлар бериш ўринли **Талаба:** - Тушунча. Хукмнинг тафаккур шакли сифатидаги маъносини англаш ва таҳлил қила олиш даражасида ўзлаштириш; - Тушунча- предметларнинг умумий, мухим белгиларини акс эттирувчи мантиқий шакл; - Тушунчаларни шакллантирувчи мантиқий усуллар;

	- Тушунчалар ўртасидаги муносабатлар; - Тушунчалар хажмлари устида амаллар - Хукмнинг таркиби ва асосий хусусиятлари; Оддий ва мураккаб хукмлар: - Хукмлар ўртасидаги муносабатлар; “Мантиқий квадрат” тушунчаси ва схемасини онгли равишда англаб етишига эришиш.	
Дарс жараёнининг ташкил этилиши	1. Ташкилий қисм 2. Мақсад ва вазифаларни қўйиш. 3. Ўрганилганларни умумлаштириш, такрорлаш ва тизимлаштириш 4. Якун ясаш 5. Уйга вазифа	5 дақиқа 3 дақиқа 57дақиқа 10дақиқа 5 дақиқа
Дарс жараёнининг мазмуни	Тушунча тафаккур шакли сифатида. Тушунча-предметларнинг умумий, мухим белгиларини акс эттирувчи мантиқий шакл. Тушунчанинг мазмуни ва хажми ва уларнинг турлари. Тушунчалар ўртасидаги муносабатлар. Хукм тафаккур шакли сифатида. Хукмнинг такиби ва асосий хусусиятлари. Оддий ва мураккаб хукмлар. Хукмлар ўртасидаги муносабатлар. “Мантиқий квадрат” тушунчаси ва схемаси.Савол фикрнинг махсус шакли сифатида.	
Ўқув жараёнини амалга ошириш технологияси	**Метод:** оғзаки баён қилиш, “ақлий ҳужум”, “муаммо”…. **Форма:** Маъруза, жамоада ва гуруҳларда ишлаш. **Восита:** А3 форматдаги маълумотлар, чизмалар, нутқ. **Усул:** Тушунтириш, кўрсатиш, сўраш, муаммоли савол. **Назорат:** Кузатиш, оғзаки назорат, якка ва гуруҳий назорат, савол жавоблар.	
Кутилаётган натижалар	**Ўқитувчи:** Мавзуни қисқа вақт ичида барча талабалар томонидан ўзлаштирилишига эришади. Талабалар фаоллигини оширади. Талабаларда дарсга нисбатан қизиқиш уйғотади. Ўз олдига қўйган мақсадга эришади. **Талаба:** Тушунча тафаккур шакли сифатида. Тушунча-предметларнинг умумий, мухим белгиларини акс эттирувчи мантиқий шакл. Тушунчанинг мазмуни ва хажми ва уларнинг турлари. Тушунчалар ўртасидаги муносабатлар. Хукм тафаккур шакли сифатида. Хукмнинг такиби ва асосий хусусиятлари. Оддий ва мураккаб хукмлар. “Мантиқий квадрат” тушунчаси ва схемаси.Савол фикрнинг махсус шакли сифати ҳақида янги билимларни эгаллайди. Нутқ ривожланади ва эслаб қолиш қобилияти кучаяди. Қисқа вақт ичида кўп маълумотга эга бўлади.	
Келгуси режалар	**Ўқитувчи:** янги педагогик технологияларни ўзлаштириш ва дарсда татбиқ этиш, такомиллаштириш. Ўз устида ишлаш. Мавзуни ҳаётий воқеалар билан бойитиш, боғлаш. Педагогик маҳоратни ошириш. **Талаба:** Шу мавзу юзасидан қўшимча материаллар топиш, уларни ўрганиш.	

Дарс жараёнининг бориши

1.	Ташкилий қисм	Саломлашиш, йўқлама
2.	Мақсад ва вазифаларни қўйиш	Талабаларга тушунча тафаккур шакли сифатидаги мазмун моҳиятини тушунтириш. Тушунчаларни шакллантирувчи мантиқий усуллар, тушунчанинг мазмуни ва хажми ўртасидаги тескари нисбат қонуни тушунтириш. Тушунчалар ўртасидаги муносабатлар ва уларнинг турларини курсатиш. Хукмнинг маҳияти унинг таркиби ва асосий хусусиятларини изохлаш. Оддий ва мураккаб ҳукмлар ва уларнинг турларини тушунтириш. Ҳукмлар ўртасидаги муносабатлар “Мантиқий квадрат” тушунчаси ва схемасини билиб олишига ёрдам бериш.
3.	Мотивация	Дарс сўнгида фаол талабалар рағбатлантирилади.
4.	Ўрганилганларни умумлаштириш, такрорлаш ва тизимлаштириш	1. Тушунча нима? 2. Тушунча қандай мантиқий усуллар ёрдамида ҳосил қилинади? 3. Тушунчанинг мазмуни ва ҳажми деганда нимани тушунасиз, улар ўртасида қандай муносабат мавжуд? 4. Тушунчани чегаралаш ва умумлаштириш амалларининг мақсади ва моҳияти нимада? 5. Ҳукм нима ва у қандай структурага эга? 6. Оддий ҳумнинг қандай турларини биласиз? 7. Мураккаб ҳукм деб нимага айтилади? Унинг қандай турлари бор? 8.” Мантиқий квадрат”нима?
5.	Баҳолаш ва фаол талабаларни рағбатлантириш	Талабалар сони кўп бўлганлиги сабабли саволларга аниқ ва тўғри жавоб берган талабалар дарс сўнгида баҳоланади.
6.	Дил сўзлари	Эътиборингиз учун раҳмат, саломат бўлинг.
7.	Уйга вазифа	Мавзу юзасидан берилган адабиётлар бўйича семинар машғулотига тайёрланиш, янги маълумотларни ўзлаштириш.

2-мавзу. Тушунча. Ҳукм. (2-соат).

Режа:

1. Тушунча тафаккур шакли сифатида. Тушунча хосил бўлишининг мантиқий усуллари.

2. Тушунчанинг мазмуни ва хажми. Тушунчалар ўртасидаги муносабатлар.

3. Ҳукмнинг моҳияти, таркиби ва асосий хусусиятлари.

4. Ҳукмларнинг турлари. Ҳукмларнинг сон ва сифат жиҳатидан бирлашган классификацияси.

Адабиётлар

1. Ислом Каримов. Ўзбекистон буюк келажак сари. - Т.: «Узбекистан», 1998.

2. Ислом Каримов. Тарихий хотирасиз келажак йук.. «Мулокот», 1998, №5.

3. Ислом Каримов. Баркамол авлод-Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. /Ислом Каримов. Хавфсизлик ва баркарор тараққиёт йулида: Т.6-Т.: «Ўзбекистон», 1998.

4. Ислом Каримов. Ўзбекистон XXI асрга интилмокда. - Т.: «Ўзбекистон», 1999.

5. И.А. Каримов. Миллий истиклол мафкўраси - халк эътиқоди ва буюк келажакка ишончдир: «Fidokon> газетаси мухбири саволларига жавоблар.Т., Ўзбекистон, 2000.

6. М. Хайруллаев, М. Хакбердиев-Мантиқ б-боб.

7. Ю.В. Ивлев.Логика, 4-боб.

8. И. Рахимов. Логикадан амалий машгулотлар ва методик тавсиялар.

3-боб.

9. Н.И. Кондаков. Логический словарь-справочник. Мавзуга оид мақолалар.

1- масала. Тушунча предмет ва ходисаларнинг умумий, муҳим белгиларини акс эттирувчи тафаккур шаклидир.

Белгилар деб, предметларни бир-биридан фарқ килувчи ҳамда уларнинг бир-бирига ўхшашлигини ифода килувчи томонларга, хусусиятларга айтилади. Ҳар бир предмет оламдаги бошқа предметлар билан (бевосита ёки билвосита) алоқада бўлганлиги учун куп белгиларга эга. Уларнинг баъзилари фақат битта предметга хос бўлган, унинг **индивидал, якқалик** белгиларини ташкил қилса, бошқалари предметнинг маълум бир гурухига тегишли бўлиб, **умумий белгилар** хисобланади. Масалан, ҳар бир киши фақат ўзигагина хос бўлган рухий кечинмалар ва шу каби индивидуал белгиларга эга. Шунинг билан бирга кишиларнинг маълум бир гурухига (мехнат жамоаси, миллат ва элат кабиларга тегишли) ёки барча кишиларга (мехнат қилиш, фикр юритиш кобилиятлари, ижтимоий муносабатларда иштирок қилиши ва шу кабилар) хос бўлган умумий белгиларга эга.

Индивидуал ва умумий белгиларнинг баъзилари предметнинг мавжуд бўлиши учун зарур бўлиб, унинг табиатини, моҳиятини ифодалайди. Бундай белгилар предметнинг **муҳим белгилари** дейилади. Масалан, давлатнинг мавжуд бўлиши унинг ўз майдони, ахолиси, хокимият органларига эга бўлишини тақозо этади.

Номуҳим белгилар предметнинг моҳиятини ташкил килмайди. Уларнинг йўқолиши билан предметнинг табиати ўзгармайди. Масалан, кайси иркда, миллатга, жинсга тааллуқли бўлиши индивиднинг инсон сифатида мавжуд бўлиши учун муҳим эмас.

Шуни ҳам айтиш лозимки, предмет белгисининг муҳим ёки номуҳим бўлиши, бизнинг предметга амалда кандай муносабатда бўлишимизга қараб ҳам белгиланади. Хусусан, бир муносабатда муҳим бўлмаган белгилар, бошқа муносабатда муҳим бўлиши мумкин. Масалан, кишининг лаёкати унинг кандай касбни танлаши учун муҳим бўлса, инсон сифатида мавжуд бўлиши учун муҳим эмас. Бундай муҳим белгилар предметнинг маълум бир муносабатдаги муҳим белгилари дейилиб, объектив муҳим белгилардан (предметнинг мавжуд бўлиши билан зарурий алоқада бўлган белгалардан) фарқ қилади.

Нихоят, предмет тухтовсиз ҳаракатда, тараққиётда бўлганлиги учун, вақт утиши билан унинг муҳим бўлган белгиси номуҳим бўлган белгига ёки, аксинча, номуҳим белгиси муҳим белгига айланиши мумкин.

Масалан, бевосита кузатиладиган фактлар эмпирик билиш босқичида муҳим аҳамиятга эга бўлса, назарий билиш босқичида унга камрок мурожаат қилинади.

Демак, тушунчада предмет узининг муҳим белгилари орқали фикр килиниб, бу белгилар предметнинг умумий ва индивидуал белгилари бўлиши мумкин. Масаян, «Ҳамза Хакимзода Ниёзий» тушунчасида предметнинг умумий белгилари (инсон, ёзувчи) билан бир каторда, индивидуал муҳим белгилари (хусусан, «Бой ила хизматчи» драмасининг муаллифи) ҳам фикр қилинади.

Тушунчанинг хиссий билиш шаклларидан тубдан фарқ қилишига алоҳида эътибор бериш зарур. Сезги, идрок ва тасаввур предметнинг яққол образларидир. Биз фақат бирорта конкрет предметни, масалан, узимиз ёзиб утирган каламни идрок қилишимиз ёки у тўғрисида тасаввурга эга бўлишимиз мумкин. «Умуман каламни идрок қилиб бўлмайди. Чунки тушунча предметнинг яққол образи эмас, балки абстракт образидир. Калам тушунчаси ўзида конкрет каламларнинг барчасини камраб олгани ҳолда, уларнинг ҳар бирига хос бўлган индивидуал белгиларни ташлаб юбориб, умумий, муҳим белгиларини ифода қилади. Айни пайтда бу белгилар каламни бошқа предметлардан, масалан, китобдан фарқ қилдириб турадиган специфик белиглар бўлиб ҳам хизмат қилади.

Тушунча предметнинг номуҳим белгиларидан четлашар экан, демак уни тўлалигича акс эттира олмайди. Бу маънода у хиссий билиш шаклларига нисбатан борликдан узоқроқда туради. Лекин, тушунча предметнинг муҳим белгиларини инъикос қилиши, моҳиятини акс эттириши билан хиссий билиш шаклларига нисбатан борлиқни чукуррок туларок ифода этади.

Тушунча, хиссий билиш шаклларидан фарқли уларок, инсон миясида тўғридан-тўғри акс этмайди. У маълум бир мантиқий усуллардан фойдаланилган ҳолда хосил қилинади. Бу усуллар таққослаш, анализ, синтез, абстракциялаш, умумлаштиришлардан иборат.

Таққослаш ёрдамида предметлар ўзаро солиштирилиб, уларнинг ўхшаш, умумий томонлари ва бир-биридан фарқ қилдирувчи индивидуал белгилари аниқланади.

Таққослаш анализни тақозо қилади. Чунки предметларни яхлит ҳолда солиштириб бўлмайди. Улар у ёки бу хоссасига кўра таққосланиши керак. Бунинг учун у хоссалар ажратилиши лозим. **Анализ** ёрдамида предмет фикран уни ташкил қилувчи кисмлар томонларга ажратилиб, ҳар қайсиси алоҳида урганилади.

Синтез анализга тескари усул бўлиб, у анализ давомида ажратилган қисмлар, томонларни фикран бирлаштириб, предметни бир бутун холига келтиришдан иборат. Синтез булмаса предмет ҳақида яхлит фикр хосил қилиб бўлмайди. Анализ ва синтез узвий боғлиқдир.

Тушунча хосил қилиш учун предметнинг юқоридаги усуллар билан аникланган умумий ва индивидуал белгиларининг муҳимлари ажратилиши, номуҳимлари четлаштирилиши лозим. Бу эса **абстракциялаш** ёрдамида амалга оширилади.

Умумлаштиришда предметлар уларнинг айрим умумий, муҳим хусусиятларига кўра синфларга бирлаштирилади ва шу тарика битта тушунчада бир жинсли предметларнинг барчасини фикр қилиш имконияти яратилади.

Тушунчанинг шаклланиши сўз билан узвий боғлиқ. Улар ўртасидаги алоқадорлик тафаккур ва тил ўртасидаги боғланишнинг конкрет тарзда намоён бўлишидир. Тушунчалар сўз ва сўз бирикмалари ёрдамида ифода қилинади. Масалан «талаба», «тарих факултети», «Узбекистан миллий университети» ва шу кабилар сўзлардан иборат. Лекин бундан тушунча ва сўз айнан бир хилдир, деган хулоса келиб чикмаслиги керак. Битта тушунча ҳар хил тилларда, баъзан бир тилда ҳам турли хил сўзлар билан ифода қилинади. Тилимиздаги омоним ва синоним ходисалари сўз ва тушунчанинг нисбий мустақил ҳолда мавжудлигидан далолат беради.

Шуни ҳам айтиш лозимки, сўзнинг куп маънога эга бўлиши баъзан фикр юритиш жараёнида тушунчаларни аралаштириб юборишга олиб келади. Шунинг учун ҳам фан ва техникада кўпроқ терминлардан фойдаланилади. Термин катьий битта тушунчани ифода килувчи сўз бўлиб, муайян илмий билиш сохасида бир хил маънода ишлатилади.

2-масала.Тушунча узининг мазмуни ва хажмига эга. Тушунчанинг мазмунини унда фикр қилинаётган предметнинг муҳим белгилари йигиндиси ташкил этади. Масалан, «фан» тушунчасининг мазмунини фаннинг муҳим белгилари, яъни унинг амалиёт билан алоқада эканлиги, предметларнинг бирорта соҳасига оид тушунчалар, қонунлар, принциплар шаклидаги объектив чин (хакикий) билимлар системасидан иборат бўлиши, дунёқарашнинг шаклланишида иштирок қилиши ва шу кабилар ташкил қилади.

Тушунчанинг хажми эса унда фикр қилинаётган предметлар йигиндисидан иборат. Масалан, юқорида мисол қилиб келтирилган «фан» тушунчасининг хажми мавжуд барча фанларни: математика, физика, мантиқ ва хоказоларни ўзида қамраб олади.

Тушунчанинг мазмуни ва хажми узвий боғлиқ бўлиб, у тушунчанинг мазмуни ва хажми ўртасидаги тескари нисбат қонуни ёрдамида ифодаланади. Бу қонунга мувофиқ тушунчанинг хажми кенгайтирилса, мазмуни тораяди ва аксинча хажми торайтирилса, мазмуни кенгаяди. Масалан, «Фан» тушунчасинг мазмунита «мантиқга оид булиш» белгисини кушиш билан хажм жиҳатидан ундан торроқ бўлган «мантиқ фани» тушунчасига утилади.

«Фан» тушунчасининг хажмини кенгайтириш билан мазмун жиҳатидан унга нисбатан торрок бўлган «ижтимоий онг шакли «тушунчаси хосил қилинади. Бунда фақат фанга хос бўлиб, бошқа ижтимоий онг шаклларида, масалан санъатда бўлмаган специфик белгилар тушунча мазмунидан чиқариб ташланади.

Бу қонун тушунчалар билан олиб бориладиган катор мантиқий амаллар асосида ётади.

Мантиқда тушунчалар мазмуни ва хажми бўйича бир канча турларга булинадилар. Хусусан, хажмига кўра якка ва умумий тушунчалар фарқ қилинади.

Якка тушунчанинг хажмида битта предмет фикр қилинади. Масалан, «Ер планетаси», ўзМУ асосий кутубхонаси» ва шу кабилар якка тушунчалардир. Умумий тушунчалар предметлар гурухини акс эттиради. «Планета», «Кутубхона» тушунчалари умумий тушунчалар хисобланади. Умумий тушунчалар акс эттирувчи предметларнинг микдори чегараланган ва чегараланмаган бўлиши мумкин. Масалан, «химиявий элемент» тушунчасида фикр қилинаётган предметлар сони чегараланган. Уларни хисобга олиш мумкин. «Юлдуз» тушунчаси хажмини ташкил килувчи предметлар сони эса чексиз, уларни хисобга олиб бўлмайди.

Фикр юритиш жараёнида айирувчи ва тупловчи тушунчаларни фарқ қилиш ҳам муҳим аҳамиятга эга. Айирувчи тушунча шундай умумий тушунчаки, у акс эттирувчи белгилар берилган синфнинг ҳар бир предметига хосдир. Масалан, «УзМУ талабалари иккинчи чакирик Узбекистан Республикаси Олий Мажлиси биринчи сессия материалларини урганмокда деган фикр УзМУнинг ҳар бир талабасига тегишли. Демак, «УзМУ талаба-лари» тушунчаси бу ерда айирувчи тушунчадир. «УзМУ талабалари иккинчи чакирик ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг биринчи сессияси якунларини муҳокама этишмокда» деган фикрда эса, «УзМУ талабалари» тушунчаси тупловчи тушунча сифатида иштирок қилади, чунки фикр уларнинг тупламига нисбатан билдирилган.

Мазмуни бўйича тушунчалар, аввалам бор, абстракт ва конкрет тушунчаларга булинадилар. Конкрет тушунчаларда предмет узининг белгилари билан биргаликда фикр қилинади. Абстракт тушунчаларда эса предметнинг белгилари ундан фикран ажратиб олиниб, алоҳида акс эттирилади. Масалан «Инсон», «Табиат» тушунчалари-конкрет тушунчалар, «кахрамонлик» (инсонга хос хусусиятни акс эттиради), «Гузаллик» (борликдаги предметларга хос хусусиятни ифода қилади) тушунчалари абстракт тушунчалардир,

Мазмуни бўйича яна нисбатсиз ва нисбатдош тушунчаларни ҳам ажратиш мумкин. Нисбатсиз тушунчалар нисбатан мустақил, алоҳида мавжуд бўлган предметларни акс эттиради. «Давлат», «Бадиий асар» ана шундай тушунчалардир.

Нисбатдош тушунчалар эса зарурий равишда бир-бирининг мавжуд бўлишини тақозо қиладиган предметларни акс эттиради. Масалан, «Укитувчи» ва «Укувчи», «Ижобий кахрамон» ва «Салбий кахрамон», «Сабаб» ва «Окибат» тушунчалари нисбат-дош тушунчалар каторига киради.

Баъзи холларда ижобий ва салбий тушунчалар ҳам фарқ қилинади. Ижобий тушунчаларнинг мазмунида предмет унга хос белгилар орқали фикр килинса, салбий тушунчаларнинг мазмунида предмет унга хос бўлмаган белгилар орқали фикр қилинади. Масалан, «Саводли киши», «Виждонли киши» - ижобий тушунчалар, «Саводсиз киши», «Виждонсиз киши» - эса салбий тушунчалардир

Объектив дунёдаги барча предмет ва ходисалар ўзаро алоқада бўлганлиги учун, уларни акс этирувчи тушунчалар ҳам ўзаро маьлум бир алоқаларда, муносабатларда мавжуд. Бу муносабатлар турли хил бўлиб, уларни аниқлаш учун, аввалambор, таққосланадиган ва таққосланмайдиган тушунчаларни фарқ қилиш лозим.

Таққосланадиган тушунчалар умумий белгиларга эга бўлган, мазмуни ва хажми жиҳатидан бир-бирига якин турган тушунчалардир. Масалан, «Металлург» ва «Ишчи» тушунчалари ана шундай таққосланадиган тушунчалар хисобланади.

Таққосланмайдиган тушунчалар эса, бир-бири билан узоқ алоқада бўлган, куп холларда моддий ёки идеал булишдан бошқа умумий белгига эга бўлмаган предметларни акс эттирувчи тушунчалардир. «Ижтимоий прогресс» ва «Зухро юлдузи», «Идеал газ» ва «Гўзаллик» тушунчалари таққосланмайдиган тушунчалар деб хисобланади. Мантиқда таққосланмайдиган тушунчалар ўртасидаги мантиқий муносабатлар урганилмайди. Таққосланадиган тушунчалар эса хажм жиҳатидан сигишадиган ва сиришмайдиган бўлади.

Сигашадиган тушунчаларнинг хажми бир-бирига бутунлай, тулалигича ёки кисман мос келади.Улар ўртасида уч хил муносабат мавжуд: мослик, кисман мослик ва буйсуниш. 1. Мослик муносабатидаги тушунчалар битта предметни (предметлар синфини) акс эттирувчи тушунчалар бўлиб, улар бир-биридан фақат мазмуни билангина фарқ қилади. Масалан,

«И.А.Каримов», «Ўзбекистон Республикасининг Президен-ти» тушунчалари худди шу муносабатда мавжуддир. Буни қуйидаги схема ёрдамида курсатиш мумкин.

А-И.А. Каримов.

В-Ўзбекистон Республикаси Президенти.

2. Кисман мослик муносабатидаги кисман умумийликка эга. Масалан: А-Спортчи.

В-Талаба.

Доираларнинг штрихланган кисми бир вақтнинг ўзида ҳам спортчи, ҳам талаба бўлганларни билдиради.

3.Буйсуниш муносабатида тушунчалардан бирининг хажми иккинчисининг хажмига тулик, кириб, уни ташкил килувчи кисм хисобланади. Масалан:

А-Фан.

В-Мантиқ.

Бу муносабатдаги тушунчалардан бири буйсундирувчи (А), иккинчиси (В) буйсинувчи бўлиб, улар жинс-тур муносабатида бўлади. Жинс тушунча предметларнинг бирорта синфини, тур тушунча эса шу синфга мансуб предметларнинг бир гурухини ёки биттасини акс эттиради. Мантиқда у ёки бу тушунчанинг жинс ёки тур эканлиги нисбий характерга эгадир. Ҳар бир тушунча ўзидан умумийрок тушунчага нисбатан тур, камрок умумлашган тушунчага нисбатан жинсдир. Масалан, миллий ғоя, ғоя, фикр тушунчалари ўртасида қуйидаги нисбат мавжуд: «Ғоя» тушунчаси «Фикр» тушунчасига нисбатан тур, «Миллий ғоя» тушунчасига нисбатан жинс бўлади.

Сигишмайдиган тушунчалар хажми жиҳатидан умумийликка эга бўлмаган тушунчалар хисобланиб, бир синфга кирувчи ҳар хил предметларни ёки предметлар гурухини акс эттиради. Уларнинг умумийлиги фақат ана шунда. Бу тушунчалар ўртасида ҳам уч хил муносабат бор: бирга буйсуниш, карама-каршилик, зидлик.

1. Бирга буйсуниш муносабати қуйидаги тушунчалар ўртасида мавжуддир.

А-Фан.

В-Мантиқ.

С-Физика.

Бунда «Мантиқ» ва «Физика» тушунчалари хажмлари жиҳатидан биргаликда «Фан» тушунчасининг хажмига буйсунади.

2.Карама-каршилик муносабатидаги тушунчаларнинг хажмлари бир-бирини истисно қилади. Улар предметнинг (предметлар гурухининг) қарама-қаршибелгиларини акс эттиради, яъни бири предметнинг маълум бир белгисини ифода қилса, иккинчиси уни инкор килувчи бошқа белгини акс эттиради. Карама-каршилик муносабатидаги тушунчалар узлари буйсунадиган тушунчанинг хажмини тулик эгаллай олмайди. Масалан, «Баланд буйли одам» ва «Паст буйли одам» тушунчалари «Одам» тушунчасининг хажмини тўлик коплай олмайди

А-Одам.

В-Баланд буйли одам.

С-Паст бўйли одам.

3.Зидлик муносабатидаги тушунчалардан бири предметнинг бирорта хусусиятини ифода қилса, иккинчиси уни инкор қилади ва мазмун жиҳатидан ноаник бўлиб колади. Зидлик муносабатидаги тушунчалар, карама-каршилик муносабатидаги тушунчалардан фарқли уларок, буйсундирувчи тушунчанинг хажмини тулик коплайди. Масалан,

А-Одам.

В-Баланд буйли одам,

С-Баланд буйли эмас одам.

Тушунчаларни умумлаштириш ва чегаралаш тушунчалар устида олиб бориладигани амаллар хисобланади. Улар тушунчанинг мазмуни ва хажми ўртасидаги тескари микдорий нисбат қонунига мувофиқ ҳолда амалга оширилади.

Тушунчани умумлаштириш- билиш жараёнида муҳим аҳамиятга эга. Бу амал натижасида бизнинг фикримиз яккадан умумийга, таркок тушунчадан кенгрок тушунчага қараб боради**.** Хажми кичикрок тушунчадан хажми каттарок тушунчага бориш умумлаштириш деб аталади. М. «ботаника» ва «биология»- Фан.

Тушунчаларни умумлаш натижасида умумий тушунчадан энг умумий тушунчаларга боради.Энг умумий тушунчалар категориялар деб аталади.

Хажми каттарок тушунчаларни, хажми кичикрок тушунчага келтириш чегаралаш деб аталади. Чегаралаш хажми кенг тушунчадан хажмига тор тушунчага (жинс тушунчадан тур тушунчага) фикран утищдан иборат. Чегаралаш амали якка тушунча хосил булгунча давом эттирилиши мумкин.

А - Жамики мавжудот

В- Хайвонот олами

С – Умурткалилар

Д – от

Е- кора байир.

Умумлаштириш ва чегаралаш фан ва амалий ҳаётда муҳим аҳамиятга эга бўлган фикрлаш операциясидир. Агар умумлаштириш орқали нарсалар ва ходисаларнинг муҳим, бир- бирига ўхшаш томонларини билсак, чегаралаш орқали ҳар бир нарсанинг ўзига хос, конкрет томонини биламиз. Уларнинг ички хусусиятини аниклаймиз.

3-масала. Ҳукм предметга маълум бир хоссанинг, муносабатнинг хослиги ёки хос эмаслигини ифодаловчи тафаккур шаклидир.

Ҳукмнинг асосий вазифаси предмет билан унинг хусусияти, предметлар ўртасидаги муносабатларни курсатишдир. Ана шунинг учун ҳам у доимо тасдиқ ёки инкор шаклдаги фикрдан иборат бўлади. Фикр юритиш жараёнида биз предмет ва ходисаларнинг оддий, ташқи хусусиятлари билан бирга уларнинг ички, зарурий боғланишларини, муносабатларини билиб борамиз. Предмет ва ходисаларнинг хусусиятларини кетма-кет урганиб, улар ҳақида турли абстракциялар хосил киламиз. Бу абстракциялар ҳукмлар ёрдамида ифодаланади. Билимларимиз турлича бўлгани учун, уларни ифодалайдиган ҳукмлар ҳам ҳар хил бўлади. Баъзи ҳукмларда аник, текширилган билимлар ифодаланса, бошқаларида хусусиятнинг предметга хослиги тахмин қилинади, яъни ноаник билимлар ифодаланади.

Ҳукмлар нисбатан тугал фикрдир. Унда конкрет предмет билан унинг конкрет белгиси ҳақида билим ифода қилинган булди.

Ҳукмлар воқеликка мос келиш даражасига кўра чин, хато ва ноаник (эхтимол, тахминий) бўлади. Объектив воқеликка мос келган, уни тўғри ифодалаган ҳукмлар чин, мос келмаганлари хато бўлади. Айни вакдда чинлигини ҳам, хатолигини ҳам аниқлаб бўлмайдиган ҳукмлар — ноаник ҳукмлар мавжуддир.

Ҳукмлар тилда гаплар орқали ифодаланади. Ҳукм мантиқий категория бўлса, гап грамматик категориядир. Ҳукмлар асосан дарак гап орқали ифодаланади. Фақат дарак гаплардагина фикр тасдиқ ёки инкор ҳолда бўлади.

Масалан, «Вақт оркага кайтмайди», «Ҳаёт-бу ҳаракат» каби гаплар ҳукмни ифода қиладилар.

Ҳукмлар тузилишига кўра оддий ва мураккаб бўлади. Оддий деб таркибидан яна бир ҳукмни ажратиб бўлмайдиган мулохазага айтилади. Таркибидан икки ёки ундан ортик ҳукмни ажратиш мумкин бўлган мулохазаларга мураккаб ҳукм дейиладк. Масалан, «Мантиқ илмини ўрганиш тўғри фикрлаш маданиятини шакллантиради» деган мулохаза оддий ҳукмни ифодалайди. «Мантиқ илми тафаккур шакллари ва қонунларини урганади», деган мулохаза мураккаб ҳукмдир. Бу мулохазанинг таркиби икки кисмдан: «Мантиқ илми тафаккур шаклларини урганади» ва «Мантиқ илми тафаккур қонунларини урганади», деган икки оддий ҳукмдан иборат.

Мулохаза (ҳукм) таркибида мантиқий эга ва мантиқий кесимни ажратиб курсатиш мумкин. Мантиқий эга-субъект (S) фикр қилинаётган предмет ва ходисани билдиради. Мантиқий кесим-предикат (P) предметга хос хусусиятни, муносабатни билдиради. Предикатда ифодаланган билимлар хисобига субъект ҳақидаги тасаввур бойитилади. Ҳукмнинг субъект ва предикати унинг терминлари деб аталади.

Ҳукмнинг учинчи зарурий элементи мантиқий богламадир.У субъект ва предикатни бир-бири билан боглайди, натижада ҳукм хосил бўлади. Оддий катьий ҳукмнинг формуласи қуйидагича ёзилади: S-P.

4-масала. Оддий ҳукмлар сифати ва микдорига кўра турларга булинади. Сифатига кўра тасдиқ ва инкор ҳукмлар фарқланади. Ҳукмнинг сифатини мантиқий боглама белгилайди. Тасдиқ ҳукмларда белгининг предметга хослиги, инкор ҳукмларда, аксинча, хос эмаслиги курсатилади. Масалан, «А. Орипов Ўзбекистон Республикаси Мадхиясининг муаллифидир»-тасдиқ ҳукм, «Математика ижтимоий фан эмас»-инкор ҳукм. Микдорига кўра оддий ҳукмлар якка, умумий ва жузъий ҳукмларга булинади. Бунда субъектда ифодаланган предметларнинг сони, яъни унинг хажмидан келиб чиқилади.

Якка ҳукмларда бирорта белгининг предметга хослиги ёки хос эмаслиги ҳақида фикр билдирилади. Масалан: «Ўзбекистон Республикаси мустақил давлатдир», «Ахмедов тарихчи эмас».

Умумий ҳукмларда бирорта белгининг якка предметлар синфининг ҳаммасига ёки ундаги ҳар бир предметга тааллуқли ёки тааллуқли эмаслиги ҳақида фикр баён қилинади. Масалан: «Ҳар бир инсон бахтли булишни хохлайди», ва «Хеч бир аклли одам вақтини бехуда сарфламайди». Жузъий ҳукмларда бирорта белгининг предметлар тупламининг бир кисмига хос ёки хос эмаслиги ҳақида фикр билдирилади. Масалан: «Баъзи файласуфлар нотикдир». «Купчилик талабалар дангаса эмас». Жузъий ҳукмларда «баъзи» сўзи «хеч булмаса биттаси, балки ҳаммаси» деган маънода қўлланилади. Шунга кўра «Баъзи тошлар тирик мавжудот эмас», деган ҳукм чин бўлади, чунки хеч бир тош тирик мавжудот эмас.

Маълум маънода якка ҳукмларни умумий ҳукмлар билан тенглаштириш мумкин. Чунки ҳар икки ҳукмда ҳам тупламдаги предметларнинг ҳар бирига нимадир тааллуқли ёки тааллуқли эмас, деб кўрсатилади. Якка ҳукмларда эса бу тўплам биргина предметдан иборат бўлади.

Мулохазаларнинг тўғри ёки нотўғрилигини аниқлашда ва баъзи бошқа холатларда оддий ҳукмларнинг микдор ва сифати бўйича бирлашган классификациям (асосий турлари) дан фойдаланилади. Улар қуйидагилардан иборат:

1. Умумий тасдиқ ҳукмлар. Улар бир вақтнинг ўзида ҳам умумий, ҳам тасдиқ бўлган фикрни ифодалайди. Масалан, «Ҳамма талабалар мантиқ илмини урганадилар». Бу ҳукмлар лотин алифбосидаги А ҳарфи билан белгиланади ва «ҳамма S-Pдир» формуласи орқали ифодаланади.

2. Умумий инкор ҳукмлар бир вақтнинг ўзида ҳам умумий, ҳам инкор бўлган фикрни ифодалайди. Масалан, «Хеч бир ишбилармон режасиз иш юритмайди». Бу ҳукм»Хеч бир S-P эмас» формуласи орқали ифодаланади ва лотинча Е ҳарфи билан белгиланади.

3. Жузъий тасдиқ ҳукмлар бир вақтнинг ўзида ҳам жузъий, ҳам тасдиқ бўлган фикрни ифодалайди. Масалан, «Баъзи талабалар масъулиятли». У лотинча I ҳарфи билан белгиланади ва «Баъзи S-P дир» формуласи орқали ифодаланади.

4. Жузъий инкор ҳукм бир вақтнинг ўзида ҳам жузъий, ҳам инкор бўлган фикрни ифодалайди. Масалан, «Баъзи талабалар спорт билан шугулланмайдилар». Унинг формуласи «Баъзи S-P эмас»бўлиб, лотинча О ҳарфи билан белгиланади.

Оддий ҳукмлардаги терминлар (S ва P) тушунчалар орқали ифодаланганлиги туфайли уларнинг хажмига кўра ўзаро муносабатларини аниқлаш мумкин. Ҳукмларда терминлар (S ва P) тулик ёки туликсиз хажмда олинган бўлади. Термин тулик хажмда олинганда унинг хажми бошқа терминнинг хажмига тулик мос бўлади ёки мутлако мос бўлмайди (уларнинг хажми бир-бирини истисно қилади). Термин туликсиз хажмда олинган бўлса, унда унинг хажми бошқасининг хажмига кисман мос келади ёки ундан кисман истисно қилинади. Оддий ҳукмларда терминлар хажми қуйидагича бўлади:

1. А - Умумий тасдиқ ҳукмларнинг субъекти ҳамма вақт тулик хажмда олинган бўлади. Предикати эса баъзан тулик, баъзан туликсиз хажмда бўлади. Масалан: «Ҳамма инсонлар тирик мавжудотдир».

Бу ҳукмнинг субъекти — «Инсон», предикати — «Тирик мавжудот» тушунчасидир, «Ҳамма» -умумийлик квантори. Бу ҳукмнинг субъекти тулик. хажмда олинган, чунки унда ҳамма инсонлар тўғрисида фикр билдирилган ва бу тушунча «тирик мавжудот» тушунчасининг хажмига тулик киришади. Унинг предикати тулик хажмда олинмаган, чунки унда тирик мавжудот-ларнинг бир кисми-инсонлар ҳақида фикр юритилади.

Умумий тасдиқ ҳукмларнинг баъзиларида S ҳам, P ҳам тўла хажмда бўлиши мумкин. Масалан, «Ҳамма мусулмонлар Ислом динига эътиқод қиладилар»

2.Е — Умумий инкор ҳукмларнинг субъекти ҳам, предикати ҳам тулик хажмда олинган бўлади. Масалан, «Хеч бир диндор эътиқодсиз эмас». Бу ҳукмда S — диндорларни, P — эътиқодсизларни ифодалайди, хеч бир — умумийлик кванторидир. Бунда ҳар икки терминнинг хажми бир-бирини истисно қилади

3. I — Жузъий тасдиқ ҳукмларнинг субъекти ҳамма вақт туликсиз хажмда олинади, предикати эса баъзан тулик баъзан туликсиз хажмда бўлади. Масалан: «Баъзи талабалар инглиз тилини билади» ҳукмнинг терминлари қуйидагича: S — талабалар, P — инглиз тилини биладиганлар, баъзи — мавжудлик квантори. Бу ҳукмда S ҳам P ҳам туликсиз хажмда олинган бўлиб, ҳар икки терминнинг хажми бир-бирига кисман мос келади

4. О — Жузъий инкор ҳукмларнинг субъекти ҳамма вақт туликсиз хажмда, предикати эса тулик хажмда олинади. Масалан, «Баъзи ёшлар хунарманд эмас». Бу ҳукмнинг терминлари S — ёшлар, P — хунарманд эмаслар, баъзи — мавжудлик квантори. Ҳукмнинг субъекти тулик хажмда олинмаган, унда ёшларнинг бир кисми ҳақида фикр юритилади, холос. ҲУКМНИНГ предикати эса тулик хажмда олинган. Унда хунармандларнинг ҳаммаси ҳақида фикр билдирилган .

Юқоридаги фикрларни умумлаштириб айтиш мумкинки, умумий ҳукмларнинг субъекти ҳамма вақт тулик хажмда, жузъий ҳукмларнинг субъекти туликсиз хажмда олинади. Инкор ҳукмларнинг предикати ҳамма вақт тулик хажмда бўлади. Тасдиқ, ҳукмларнинг предикати P < S бўлгандагина тулик хажмда бўлади, бошқа холларда эса туликсиз хажмда олинади.

Ҳукмларда терминлар хажмини аниқлаш катьий силлогизмни тўғри тузишда ва бевосита хулоса чиқаришда муҳим аҳамиятга эга.

Оддий ҳукмларда терминлар хажмини қуйидаги схема орқали яққол ифодалаш мумкин. Бунда «+» — тулик хажмни, «-» тўликсиз хажмни билдиради.

Предикатнинг мазмунига кўра оддий ҳукм турлари. Улар қуйидагилардан иборат: атрибутив ҳукмлар, мавжудлик ҳукмлари ва муносабат ҳукмлари. Атрибутив (сифат ва хусусият) ҳукмларда бирор хусусиятнинг предметга хослиги ёки хос эмаслиги аник каътий қилиб курсатилади. Шунинг учун атрибутив ҳукмларни бирорта предметнинг синфга кириши (мансублиги) ёки кирмаслиги (мансуб эмаслиги) ҳақидаги ҳукм деб таърифласа бўлади.

Масалан: «Ҳамма дарахтлар ўсимликлардир» ва «Хеч бир ўсимлик хайвон эмас». Биринчи ҳукмда дарахтларнинг ўсимликлар синфига кириши ҳақида фикр билдирилса, иккинчи ҳукмда ўсимликлар ва хайвонлар синфининг ўзаро хеч кандай умумийликка эга эмаслиги ҳақида фикр билдирилган.

Иккита, учта ва хоказо предметлар ўртасида муайян муносабатларнинг бўлиши ёки булмаслигини ифодалаган ҳукмларга муносабат ҳукмлари дейилади. Масалан: «Бутун булакдан катта». «Икки-учдан кичик сон». Биринчи ҳукмда «катталик» муносабати бутун ва булак ўртасида бўлиши тасдиқланса, иккинчи ҳукмда уч сони билан икки сонининг муносабати ҳақидаги фикр тасдиқланган.

Муносабат ҳукмлари сифатига кўра тасдиқ ёки инкор ҳукм турларига булинади. Тасдиқловчи муносабат ҳукмларда предметлар ўзаро муаян муносабатда эканликлари ҳақида фикр билдирилади. Инкор этувчи муносабат ҳукмларда эса предметлар ўртасидаги муаян муносабатларнинг мавжуд эмаслиги ҳақида фикр билдирилади.

Муносабат ҳукмлари микдорига кўра ҳам турларга булинади. Хусусан, икки уринли муносабат ҳукмлари микдорига кўра якка-якка, умумий-умумий, хусусий-хусусий, якка-умумий, якка-жузъий, умумий-жузъий, жузъий-умумий турларга булинади.

Масалан: «Укаси акасидан баланд» (якка-якка); «Группамизнинг ҳар бир студенти факультетимиздаги ҳамма укитувчиларни билади» (умумий-умумий); «Группамиздаги баъзи талабалар баъзи хинд кино юлдузларини яхши биладилар» (жузъий-жузъий). «Тарих укитувчиси группамиздаги ҳар бир талабани яхши билади» (якка-умумий); «Дустим баъзи масалаларни еча олади» (якка-жузъии): «Группамиздаги ҳамма талабалар инглиз тилини урганадилар» (умумий-якка); «Группамиздаги баъзи талабалар француз тилини урганадилар» (жузъий-якка); «Группамиздаги баъзи талабалар «Пахтакор» командасининг ҳар бир уйинчисини биладилар» (жузъий-умумий).

Уч уринли, турт уринли ва хоказо муносабат ҳукмлари ҳам юқоридаги каби турларга булинадилар.

Атрибутив ва муносабат ҳукмларидан бошқа яна мавжудлик ҳукмлари (Кутубхонада мантиқ дарслиги бор), айният ҳукмлари («А-В» кўринишда бўлган) ва модал ҳукмлар (эхтимол ёмгир ёради) ни курсатиш мумкин. Баъзи дарсликларда улар оддий катьий ҳукм турлари сифатида талкин қилинади. Биз бу ҳукм турларини алоҳида кўриб чикмаймиз, чунки мавжудлик ҳукмларини купинча атрибутив ҳукмлар кўринишида, айният ҳукмларини муносабат ҳукмлари кўринишида талкин қилиш мумкин.

Шунингдек, оддий ҳукм турлари сифатида ажратиб курсатувчи ва истисно килувчи ҳукмлар ҳам фарқланади. «Группамиз талабаларидан фақат 4 киши мусобакада катнашади». Бу ажратиб курсатувчи ҳукмдир. «Мантиқ тарихи» курсидан бошқа ҳамма укитиладиган фанлардан дарсликлар етарли». Бу истисно килувчи ҳукмдир.

Ҳукм терминлари бирдан ортик бўлса, мураккаб ҳукм деб аталади. Мураккаб ҳукмлар «ва», «ёки», «агар...унда» каби мантиқий богламалар, инкор қилиш ва модал терминларни кўллаш орқали икки ва ундан ортик оддий ҳукмларнинг ўзаро бирикишидан

хосил бўлади. Мантиқий богловчининг мазмунига кўра мураккаб ҳукмларнинг қуйидаги асосий турларини фарқ қилиш мумкин: бирлаштирувчи, айирувчи, шартли, эквивалент.

Бирлаштирувчи (конъюнктив) ҳукмлар деб икки ва ундан ортик оддий ҳукмларнинг «ва» «ҳам», «ҳамда» каби мантиқий богловчилар воситасида ўзаро бирикишидан хосил бўлган ҳукмларга айтилади. Масалан: 1.»Кунгирок чалинди ва дарс бошланди». 2.»А, Навоий шоир ва давлат арбоби бўлган». 3. «Муҳаммад Хоразмий ва Ахмад Фаргонийлар математика фанининг ривожланишига катта хисса кушганлар».

Биринчи бирлаштирувчи ҳукм икки мустақил оддий ҳукмнинг боғланишидан хосил бўлган. Иккинчи ҳукмда бир хил субъектга эга бўлган икки оддий ҳукм ўзаро боғланган. Учинчи бирлаштирувчи ҳукмда эса, бир хил предикатга эга бўлган икки оддий ҳукм ўзаро боғланган. Узбек тилида бирлаштирувчи ҳукмлар «аммо», «лекин», «бирок, каби богламалар ва (,) воситасида ҳам тузилади. Мантиқий богламалар конъюнкция белгиси, “^” орқали ифодаланади.

Конъюнктив (бирлаштирувчи) ҳукм таркибидаги оддий ҳукмларни «р» ва «q» шартли белгилари билан белгиласак, унда бу ҳукм»р^d формуласи орқали ифодаланади. Конъюнктив ҳукм таркибидаги оддий ҳукмлар чин ёки хато бўлиши мумкин. Таркибидаги ҳамма оддий ҳукмлар чин бўлганда, бирлаштирувчи ҳукм чин бўлади. Бошқа ҳамма холатларда эса, хато бўлади. Масалан, «Ёлгон гапириш ва угирлик қилиш жиноятдир» ҳукмидаги биринчи оддий ran «Ёлгон гапириш жиноятдир» чин бўлмаганлиги учун, бу ҳукм чин бўлмайди.

Айирувчи (дизьюнктив) ҳукм деб «ё», «ёки», «ёхуд» мантиқий богламалари воситасида оддий ҳукмлардан ташкил топган мулохазага айтилади. Бу богловчилар икки оддий ҳукмни ёки бир канча предикатларни, ёки бир канча субъектларни бир-биридан айириб туради. Масалан: «Кодиров фалсафа, ёки социология, ёки психология булимида укийди». «Иккинчи соатда ё математика, ёки чет тили дарси бўлади». Айирувчи борламалар «V» -дизъюнкция белгиси орқали ифодаланади. Айирувчи (дизъюнктив) ҳукмлар оддий ёки катъий турларга булинади. У оддий дизъюнктив ҳукм таркибидаги оддий ҳукмлардан бири ёки ҳаммаси чин бўлиши мумкин, катъий дизъюнктив ҳукмда эса таркибидаги оддий ҳукмлардан фақат биттаси чин бўлади. Оддий дизъюнктив ҳукм (pvq) формуласи билан, катъий дизьюктив ҳукм *p* v *q* формуласи билан белгиланади.

«Х.Х Ниёзий шоир ёки драматургдир». Бу оддий дизьюнктив ҳукм. «Абдуллаев мусобакада ё ютади, ютмайди». Бу катъий дизьюнктив ҳукм.

Шартли (импликатив) ҳукм икки оддий ҳукмнинг «агар...унда» мантиқий богламаси орқали бирикишидан ташкил топади. Шартли ҳукмнинг моҳиятини аниқлаш учун зарурий ва етарли шарт тушунчаларини фарқлаш зарур. Ходисанинг зарурий шарти деб, унинг мавжудлигини таъминлайдиган холатга айтилади. Агар ходисанинг шарти зарурий булмаса, ходиса ҳам бўлмайди. Масалан: «Агар ўсимлик сувсиз колса, у курийди».

Ходиса учун етарли бўлган шарт деб, ҳар сафар шу шарт бўлганда, уша ходиса кузатиладиган холатга айтилади. Масалан: «Агар ёмгир ёгса, унда уйларнинг томи хул бўлади». Шартлар «етарли, лекин зарурий бўлмаган», «зарурий лекин етарли бўлмаган», «зарурий ва етарли» бўлиши мумкин.

Шартли ҳукм таркибида асос ва натижа кисмлари фарқланади. Шартли ҳукмнинг «Агар» ва «унда» сўзлари оралигидаги кисми — асос, «Унда» сўзидан кейинги кисми — натижа деб аталади. «Агар ёмгир ёгса, унда уйларнинг томи хул бўлади» ҳукмида «Ёмгир ёгса» ҳукми асос, «уйларнинг томи хул бўлади» ҳукми — натижа хисобланади.

Демак, асосда курсатилган ходиса, натижада қайд этилган ходисанинг келиб чикиши учун етарли шартни ифодалаган ҳукм, шартли ҳукм дейилади

Шартли (импликатив) ҳукмлар «агар ... унда» мантиқий богламаси (_--) белги билан ифодаланади. Хозирги замон мантиқ илмида эса ( ) символи билан белгиланади. Бу символлар моддий импликация белгиси деб аталади. Шартли ҳукм эса импликатив ҳукм деб юритилади. Импликатив ҳукмнинг асоси - антецедент, натижаси-консеквент дейилади. Импликатив ҳукм антецедент-чин, консеквент-хато бўлган холатдан бошқа ҳамма кўринишларда чин бўлади:

Эквивалентлик ҳукмлари «агар ва фақат агар ... унда» мантиқий богловчиси ёрдамида икки оддий ҳукмнинг ўзаро боғланишидан хосил бўлади. Табиий тилда эквивалентлик ҳукми шартли ҳукм кўринишида ифодаланади. Бундай холатларда шартли ҳукмнинг эквивалент ҳукм эканлигини аниқлаш зарур бўлади. Агар шартли ҳукмнинг асоси натижада қайд этилган фикр учун зарурий ва етарли шарт хисобланса, унда бу ҳукм эквивалент ҳукм бўлади. Масалан» Агар берилган бутун сон жуфт сон бўлса, унда у иккига колдиксиз булинади».

Эквивалент ҳукмнинг мантиқий богловчиси (--) символи, яъни (моддий) эквивалентлик белгиси билан ифодалана.

Мулохазалар (ҳукмлар) ҳам тушунчалр каби таққосланадиган (умумий субъект ёки предикатга эга бўлган) ва таққосланмайдиган турларга булинади. Таққосланадиган мулохазалар сигишадиган ёки сигишмайдиган бўлади. Мантиқда икки мулохаза (p ва q) дан бирининг чинлигидан иккинчисининг хатолиги зарурий келиб чикадиган бўлса, улар ўзаро сигишмайдиган мулохаза (ҳукм) лар дейилади. Сигишмайдиган мулохаза (ҳукм) лар бир вақтда чин була олмайди. Сигишадиган мулохазалар айнан бир фикрни тулик ёки кисман ифодалайди. Сигишадиган мулохаза (ҳукм) лар ўзаро эквивалентлик, мантиқий буйсуниш ва кисман мос келиш (субконтрар) муносабатида бўлади.

Сигишмайдиган ҳукмлар карама-каршилик (контрар) ва зидлик (контрадикторлик) муносабатида бўлади. Мулохаза (ҳукм) лар ўртасидаги муносабатларнинг схематик ифодаси «мантиқий квадрат» деб аталади. Мантиқий квадрат орқали мулохаза (ҳукм) лар ўртасидаги чинлик муносабатлари аникланади. Масалан, «Ҳар бир жамият уз ахлоқий нормаларига эга». Бу А — умумий тасдиқ мулохаза (ҳукм). Е, I, О кўринишларда қуйидагича ифодаланади:

Е. Хеч бир жамият уз ахлоқий нормаларига эга эмас.

I. Баъзи жамиятлар уз ахлоқий нормаларига эга.

О. Баъзи жамиятлар уз ахлоқий нормаларига эга эмас.

Бу ҳукмлар таққосланадиган мулохаза (ҳукм) лар бўлиб, улар ўртасида чинлигига кўра ўзига хос муносабатлар мавжуддир.

Сигишмайдиган мулохаза (ҳукм) лар ўртасида карама-каршилик (контрар) ва зидлик (контрадикторлик) муносабатлари бўлади. Карама-каршилик муносабати мазмунига кўра турлича бўлган умумий ҳукмлар ўртасида мавжуд бўлиб, бу муносабатга кўра уларнинг ҳар иккиси бир вақтда чин була олмайди Бу ҳукмлар бир вақтда хато бўлиши мумкин; агар улардан бирининг чинлиги аник бўлса, унда бошқаси албатта хато бўлади. Юқоридаги мисоллардан А— мулохаза (ҳукм) чин, Е — мулохаза (ҳукм) хато эканлиги маълум бўлади.

Зидлик муносабати мазмуни ва хажмига кўра турлича бўлган мулохаза (ҳукм) лар ўртасида мавжуд бўлади. Бу мулохаза (ҳукм) ларнинг ҳар иккиси бир вақтда чин ҳам, хато ҳам бўлмайди. Улардан бири ҳамма вақт чин, бошқаси эса хато бўлади. Юқоридаги мисоллардан А — мулохаза (ҳукм) чин бўлиб, О — мулохаза (ҳукм) хатодир. Шунингдек, I — мулохаза (ҳукм) чин, Е — мулохаза (ҳукм) хатодир.

Сигишадиган мулохаза (ҳукм) лардан мазмуни бир хил, хажми турли хил бўлган ҳукмлар ўзаро бўйсиниш муносабатида бўлади. Бунда умумий мулохаза (ҳукм) лар буйсиндирувчи, жузъий мулохаза (ҳукм) лар буйсинувчи бўлади. Бўйсуниш муносабатида умумий ҳукмлар чин бўлса, уларга буйсинувчи жузъий ҳукмлар ҳам чин бўлади. Лекин жузъий ҳукмлар чин бўлганда, умумий ҳукмлар ноаник (чин ёки хато) бўлади. Юқоридаги мисолдан А -мулохаза (ҳукм) чин бўлгани учун унга буйсинувчи I — мулохаза (ҳукм) ҳам чин бўлади. Агар умумий мулохаза (ҳукм) лар хато бўлса уларга буйсинувчи жузъий ҳукмлар ноаник (чин ёки хато) бўлади. Мисолимизда Е — мулохаза (ҳукм) хато бўлгани учун, О -мулохаза (ҳукм) ҳам хато бўлади. Баъзи холатларда умумий ҳукмлар хато бўлса, жузъий ҳукмлар чин бўлади.

Кисман мослик (субконтрар) муносабати мазмуни ҳар хил бўлган жузъий ҳукмлар ўртасида мавжуд бўлади. Бу ҳукмлар бир вақтда чин бўлиши мумкин, лекин ҳар иккиси бир вақтда хато бўлмайди. Агар улардан бирининг хатолиги аник бўлса, унда бошқаси албатта чин бўлади. Юқоридаги мисолимизда О - мулохаза (ҳукм) нинг хатолиги аник бўлгани учун, I - мулохаза (ҳукм) чиндир.

Эквивалентлик муносабатидаги ҳукмлар ҳамма вақт чин бўлади, чунки уларда айнан бир фикр турли шаклда ифодаланади. Масалан, «А. Орипов Ўзбекистон Республикаси мадхиясининг муаллифи» ва «А. Орипов — Ўзбекистон Кахрамони» мулохаза (ҳукм) лари ўзаро эквивалентдир, яъни улар бир хил субъектга, лекин ҳар хил предикатга эга бўлган мулохаза (ҳукм) лардир.

Хуллас ҳукмларнинг чинлигига кўра муносабатини ифодаловчи юқорида курсатилган қонуниятлар билишда катта аҳамиятга эга.

Мавзунинг таянч тушунчалари

Тушунча, тушунчанинг мазмуни, тушунчанинг хажми, тушунчанинг мазмуни ва хажми ўртасидаги тескари нисбат қонуни, умумий тушунча, якка тушунча. айирувчи тушунча, тупловчи тушунча, абстракт тушунча, конкрет тушунча, нисбатсиз тушунчалар, нисбатдош тушунчалар, ижобий тушунча, салбий тушунча, тушунчанинг мантиқий тавсифи, таққосланадиган тушунчалар, таққосланмайдиган тушунчалар, сиғишадиган тушунчалар ва улар ўртасидаги муносабатлар (мослик, кисман мослик, оуйсуниш)» сигишмайдиган тушунчалар ва улар утасидаги муносабатлар (бирга буйсуниш, қарама-қаршилик, зидлик), тушунчаларни умумлаштириш, тушунчаларни чегаралаш,

Ҳукм, гап, субъект, предикат, богловчи, кванторлар, оддий ҳукм, мураккаб ҳукм, ҳукмда терминлар хажми, ҳукмларнинг модаллиги, мантиқий квадрат, савол, жавоб,

Такрорлаш учун саволлар.

1. Тушунча нима?

2. Тушунча кандай мантиқий усуллар ёрдамида хосил қилинади?

3. Тушунча ва сўз ўртасида кандай алоқа мавжуд?

4. Тушунчанинг мазмуни ва хажми деганда нимани тушунасиз, улар ўртасида кандай муносабат мавжуд?

5. Тушунчанинг кандай турлари мавжуд?

6. Тушунчалар ўртасида кандай муносабатлар бор?

7. Тушунчани чегаралаш ва умумлаштириш амалларининг мақсади ва моҳияти нимада?

8. Ҳукм нима ва у кандай структурага эга?

9. Оддий ҳукмнинг кандай турларини биласиз?

10. А, Е, І, О ҳукмларида терминлар кандай хажмларда бўлади?

11. Мураккаб ҳукм деб нимага айтилади? Унинг кандай турлари бор?

“Мантиқ” фанини ўқитишда педагогик технологик карта тузиб олиш

Мавзу: Хулоса чиқариш тўғрисида умумий маълумот(силлогизм). Аргументлашнинг мантиқий асослари. (2 соат).

Мақсад	**Ўқитувчи:** Хулоса чиқаришнинг умумий тавсифи, Дедуктив хулоса чиқариш тушунчаси ва унинг турлари, Индуктив хулоса чиқариш тушунчаси, турлари анология бўйича хулоса чиқаришнинг моҳияти, билиш жараёнида унинг назарий ва амалий ахамияти тўғрисида тушунчаларини бериш. **Талаба**: Ўрганиш, дарсда фаол қатнашиш, топшириқларни бажариш.
Вазифалар	**Ўқитувчи:** Мавзуга оид оғзаки маълумотларни талабалар томонидан жамоа ҳолатида ўзлаштириб олишлари ҳамда ақлий ҳужум орқалиХулос чиқариш деганда нимани тушунасиз? Хулоса чиқариш қандай ҳосил қилинади? Қандай холда тўғри хулоса чиқарилади? ҳақидаги талабаларнинг ўзлаштирган билимларини назорат қилиш. **Талаба:** - Хулоса чиқаришнинг умумий тавсифи; - Хулоса чиқаришнинг тузилиши; -Дедуктив хулоса чикариш тушунчаси; - Қатъий силлогизм таркиби. Силлогизм аксиомаси, умумий қоидалари, фигуралари ва модуслари; - Индуктив хулоса чиқариш тушунчаси, турлари: тўлиқ ва тўлиқсиз индукция.

	-Аналогия бўйича хулоса чиқаришнинг моҳияти; - Аргументлаш ва ишонч, эътиқоднинг шаклланиши жараёни эканлигини онгли равишда англаб етишига эришиш.	
Дарс жараёнининг ташкил этилиши	1. Ташкилий қисм 2. Мақсад ва вазифаларни қўйиш. 3. Ўрганилганларни умумлаштириш, такрорлаш ва тизимлаштириш 4. Якун ясаш 5. Уйга вазифа	5 дақиқа 3 дақиқа 57дақиқа 10дақиқа 5 дақиқа
Дарс жараёнининг мазмуни	Хулоса чиқаришнинг умумий тавсифи; Дедуктив хулоса чикариш тушунчаси; Қатъий силлогизм таркиби. Силлогизм аксиомаси, умумий қоидалари, фигуралари ва модуслари;Индуктив хулоса чиқариш тушунчаси, турлари: тўлиқ ва тўлиқсиз индукция.Аналогия бўйича хулоса чиқаришнинг моҳияти: Аргументлаш ва ишонч, эътиқоднинг шаклланиш жараёни,Ишонтиришнинг мантиқий омиллари.	
Ўқув жараёнини амалга ошириш технологияси	**Метод:** оғзаки баён қилиш, “ақлий ҳужум”, “муаммо”…. **Форма:** Маъруза, жамоада ва гуруҳларда ишлаш. **Восита:** А3 форматдаги маълумотлар, чизмалар, нутқ. **Усул:** Тушунтириш, кўрсатиш, сўраш, муаммоли савол. **Назорат:** Кузатиш, оғзаки назорат, якка ва гуруҳий назорат, савол жавоблар.	
Кутилаётган натижалар	**Ўқитувчи:** Мавзуни қисқа вақт ичида барча талабалар томонидан ўзлаштирилишига эришади. Талабалар фаоллигини оширади. Талабаларда дарсга нисбатан қизиқиш уйғотади. Ўз олдига қўйган мақсадга эришади. **Талаба:** Хулоса чиқаришнинг умумий тавсифи; Хулоса чиқаришнинг тузилиши; Дедуктив хулоса чикариш тушунчаси; Силлогизм аксиомаси, умумий қоидалари, фигуралари ва модуслари. Индуктив хулоса чиқариш тушунчаси, турлари: тўлиқ ва тўлиқсиз индукция. Аналогия бўйича хулоса чиқаришнинг моҳияти: Аргументлаш ва ишонч, эътиқоднинг шаклланиш жараёни,Ишонтиришнинг мантиқий омиллари ҳақида янги билимларни эгаллайди. Нутқ ривожланади ва эслаб қолиш қобилияти кучаяди. Қисқа вақт ичида кўп маълумотга эга бўлади.	
Келгуси режалар	**Ўқитувчи:** янги педагогик технологияларни ўзлаштириш ва дарсда татбиқ этиш, такомиллаштириш. Ўз устида ишлаш. Мавзуни ҳаётий воқеалар билан бойитиш, боғлаш. Педагогик маҳоратни ошириш. **Талаба:** Шу мавзу юзасидан қўшимча материаллар топиш, уларни ўрганиш.	

Дарс жараёнининг бориши

1.	Ташкилий қисм	Саломлашиш, йўқлама
2.	Мақсад ва вазифаларни қўйиш	Талабаларга хулоса чиқариш тафаккур шакли сифатидаги мазмун моҳиятини тушунтириш. Хулоса чиқаришнинг умумий тавсифи, тузилиши ва турларини тушунтириш. Дедуктив хулоса чиқариш, Силлогизм таркиби, аксиомаси,умумий қоидалари ,фигуралари ва модусларини курсатиш. Индуктив хулоса чиқаришнинг маҳияти унинг таркиби ва асосий хусусиятларини изохлаш. Анология бўйича хулоса чиқариш, анология-моделлаштиришнинг мантиқий асоси эканлигини тушунтириш. Аргументлаш ва ишонч, эътиқоднинг шаклланиш жараёни, ишонтиришнинг мантиқий омилларини билиб олишига ёрдам бериш.
3.	Мотивация	Дарс сўнгида фаол талабалар рағбатлантирилади.
4.	Ўрганилганларни умумлаштириш, такрорлаш ва тизимлаштириш	1. Хулоса чиқариш нима? 2. Хулоса чиқаришнинг структураси қандай? 3. Хулоса чиқаришнинг қандай турлари мавжуд? 4. Дедуктив хулоса чиқаришнинг асосий хусусиятлари нималардан иборат? 5. Оддий қатъий силлогизмнинг структураси қандай? 6.Силлогизм фигуралари ва модуслари қандай ҳосил бўлади? 7. Индукция ва тажриба ўзаро қандай аоқада? 8. Анология бўйича хулоса чиқаришнинг асосий хусусиятлари нималардан иборат? 9. Аргументлаш нима? 10. Ишонч- эътиқод қандай ҳосил бўлади?
5.	Баҳолаш ва фаол талабаларни рағбатлантириш	Талабалар сони кўп бўлганлиги сабабли саволларга аниқ ва тўғри жавоб берган талабалар дарс сўнгида баҳоланади.
6.	Дил сўзлари	Эътиборингиз учун раҳмат, саломат бўлинг.
7.	Уйга вазифа	Мавзу юзасидан берилган адабиётлар бўйича семинар машғулотига тайёрланиш, янги маълумотларни ўзлаштириш.

3- мавзу: Хулоса чиқариш тўғрисида умумий маълумот

(силлогизм). Аргументлашнинг мантиқий асослари.

Режа:

1. Хулоса чиқариш тўғрисида умумий маълумот.
2. Силлогизм моҳияти, аксиомаси ва қоидалар.
3. Силлогизм фигуралари, модуслари.
4. Индуктив хулоса чиқариш. Анология.
5. Аргументлашнинг мантиқий асослари.

Адабиётлар

1. Ислом Каримов. Узбекистан буюк келажак сари. - Т.: «Узбекистан», 1998.

2. Ислом Каримов. Тарихий хотирасиз келажак йук.. «Мулокат», 1998, №5.

3. Ислом Каримов. Баркамол авлод-Узбекистон тараккиётининг пойдевори./Ислом Каримов. Хавфсизлик ва баркарор тараккиёт йулида: Т.6-Т.: «Узбекистан», 1998.

4. Ислом Каримов. Узбекистан XXI асрга интилмокда. - Т.: «Узбекистан», 1999.

5. И.А. Каримов. Миллий истиклол мафкураси — халк эътикоди ва буюк келажакка ишончдир: «Fidokor» газетаси мухбири саволларига жавоблар.Т., Узбекистон 2000й

6. М. Хайруллаев, М. Хакбердиев.Мантиқ., 12-боб.

7. Ю.В. Ивлев.Логика, 9-боб.

8. И. Рахимов. Логикадан амалий машгулотлар ва методик тавсиялар, 7-боб.

9. В.Н. Карпович. Проблема. Гипотеза. Закон. Новосибирск, 1980

10. Н.И. Кондаков. Логический словарь-справочник. Мавзуга оид маколалалар.

11. Г.И. Рузавин. Научная теория: логико-методологический анализ. М., 1978.

1масала. Воқеликни билиш жараёнида инсон янги билимларга эга бўлади. Бу билимлар абстракт тафаккур ёрдамида, мавжуд билимларга асосланган ҳолда вужудга келади. Бундай билимларни хосил қилиш мантиқ илмида хулоса чиқариш, деб аталади.

Хулоса чиқариш деб бир ва ундан ортиқ, чин мулохазалардан маълум қоидалар ёрдамида янги билимларни келтириб чиқаришдан иборат бўлган тафаккур шаклига айтилади.

Хулоса чиқариш жараёни асослар, хулоса ва асослардан хулосага утишдан ташкил топади.Тўғри хулоса чиқариш учун, аввалам бор, асослар чин мулохазалар бўлиши, ўзаро мантиқан боғланиши керак.

Масалан, «Аристотель-мантиқ фанининг асосчиси» ва «Платон юнон файласуфидир» деган икки чин мулохазадан хулоса чиқариб бўлмайди. Чунки бу мулохазалар ўртасида мантиқий алоқадорлик йук.

Хулоса асослари ва хулоса ҳам ўзаро мантиқан боғланган бўлиши шарт. Бундай алоқадорликнинг зарурлиги хулоса чиқариш қоидаларида қайд қилинган бўлади. Бу қоидалар бузилса, тўғри хулоса чикмайди. Масалан «Талаба А — аълочи» деган мулохазадан «Талаба А — одобли», деб хулоса чиқариб бўлмайди.

Хулоса чиқариш хулосанинг чинлик даражасига кўра, аникроги, хулоса чиқариш қоидаларининг катьийлигига кўра ҳамда хулоса асосларининг сонига ва фикрнинг ҳаракат йуналишига кўра бир канча турларга булинади.

Мазкур классификацияда хулоса чиқаришни фикрнинг ҳаракат йуналиши бўйича турларга ажратиш нисбатан мукаммалрок бўлиб, у хулоса чиқаришнинг бошқа туплари ҳақида ҳам маълумот бериш имконини яратади. Хусусан, (дедуктив хулоса чиқариш зарурий хулоса чиқариш, индуктив хулоса чиқариш (тулик индукцияни хисобга олмаганда) ва аналогия эхтимолий хулоса чиқариш, деб олиб каралиши, бевосита хулоса чиқариш эса дедуктив хулоса чиқаришнинг бир тури сифатида урганилиши мумкин.

Дедуктив хулоса чиқаришнинг муҳим хусусияти унда умумий билимдан жузъий билимга утишнинг мантиқан зарурий характерга эгалигидир. Унинг турларидан бири бевосита хулоса чиқаришдир.

Фақат биргина мулохазага асосланган ҳолда янги билимларнинг хосил килиниши бевосита хулоса чиқариш деб аталади. Бунда асос мулохазанинг структураси, яъни субъект ва предикат муносабатларининг микдор ва сифат ҳарактеристикалари муҳим аҳамиятга эга бўлади. Бевосита хулоса чиқаришнинг қуйидаги мантиқий усуллари мавжуд:

Айлантириш (лот.-obversio) - шундай мантиқий усулки, бунда тасдиқ ҳукмларни инкорга, инкор ҳукмларни тасдиққа айлантириш йули билан хулоса чикарилади. Масалан Баъзи хайвонлар курукликда яшайди. Демак, баъзи хайвонлар курукликда яшамайди.

Бунда тасдиқ ҳукмлар умумий инкорга, умумий инкор умумий тасдиққа айлантирилади. Бундай пайтда фақат чегаралаш йули билангина тўғри хулосага келиш мумкин. Масалан. Ҳамма космонавтлар учувчи (тўғри). Демак, хеч бир учувчи- космонавт эмас (хато). Баъзи учувчилар космонавт эмас (тўғри).

Кисман(жузъий) инкорни жузъий тасдиққа, жузъий тасдиқни жузъий инкорга айлантирганда тўғри хулоса чикаверади. Бундан ташкари асослари мураккаб ҳукмлардан иборат бўлган ҳукмдан бевосита хулоса чиқариш мумкин: Агар товар ишлаб чиқариш тугатилса, киймат қонуни тугатилади. Киймат қонуни тугатилса , товар ишлаб чиқариш тугатилади.

Унинг схемаси : Агар А бўлса, В бўлади. Демак, В бўлса, А бўлади.

Бундан ташкари дедуктив хулоса чиқаришнинг предикатга қарама-қаршикуйиш ва мантиқий квадрат бўйича хулоса чиқариш каби шакллари мавжуд.

2. Алмаштириш (лот.-conversio) - шундай мантиқий хулоса чиқариш усулики, унда хулоса берилган мулохазадаги субъект ва предикатнинг ўрнини алмаштириш орқали келтириб чикарилади.

Алмаштиришда берилган мулохазадаги терминлар хажми эътиборга олиниши шарт. Агар берилган мулохазадаги терминлар хажмига эътибор берилмаса, хулоса нотўғри бўлиши мумкин: Масалан,

Ҳамма инсонлар тирик мавжудотлардир

Ҳамма тирик мавжудотлар инсонлардир

Хулоса хато, чунки берилган мулохазада Р - (тирик мавжудотлар) тулик хажмда олинмаган, хулосада эса тулик хажмда олинган. Юқоридаги асосдан «Баъзи тирик мавжудотлар инсонлардир» деб чикарилган хулоса тўғри бўлади.

Бундан ташкари дедуктив хулоса чиқаришнинг предикатга қарама-қаршикуйиш ва мантиқий квадрат бўйича хулоса чиқариш каби шакллари мавжуд.

2 масала. Маълумки, дедуктив хулоса чиқариш аслида силлогизм шаклида бўлади. Силлогизм кушиб хисоблаш, деган маънони англатади. Бу терминдан мантиқда, одатда, дедуктив хулоса чиқаришнинг кўпроқ ишлатиладиган тури хисобланган оддий катъий силлогизмни ифода қилиш учун фойдаланилади. Силлогизм хулоса чиқаришнинг шундай шаклики, унда ўзаро мантиқий боғланган икки катъий мулохазадан учинчи-янги катъий мулохаза зарурий тарзда келиб чикади. Бунда дастлабки мулохазалардан бири албатта ё умумий тасдиқ ёки умумий инкор мулохаза бўлади. Хосил қилинган янги мулохаза дастлабки мулохазалардан умумийрок бўлмайди. Шунга кўра силлогизмни умумийликка асосланган хулоса чиқариш, деб атаса бўлади. Масалан, қуйидаги мулохазалар берилган булсин:

Хеч бир хасис сахий эмас.

Баъзи бойлар хасисдир.

Бу мулохозалардан зарурий равишда - «Баъзи бойлар сахий эмас», деган учинчи мулохаза келиб чикади. Силлогизмнинг таркиби оддий катъий мулохазалардан ташкил топгани учун у оддий катъий силлогизм дейилади.

Силлогизмнинг таркиби хулоса асослари (praemissae) ва хулоса (conclusio) дан ташкил топган. Хулоса асослари ва хулосадаги тушунчалар **терминлар** деб аталади. Хулосанинг мантиқий эгаси — S - кичик термин (terminus minor), мантиқий кесим» — Р - катта термин (terminus major) деб аталади. Хулоса асослари учун умумий бўлган, лекин хулосада учрамайдиган тушунча — М -(terminus medius) ўрта термин деб аталади. Асосларда катта терминни уз ичига олган мулохаза катта асос, кичик терминни уз ичига олган мулохаза кичик асос деб аталади.

Терминларнинг катта ёки кичик деб аталиши улар ифодалаган тушунчаларнинг хажмига боғлиқ.

Ўрта термин катта ва кичик терминни мантиқий богловчи элемент хисобланади.

Силлогизм аксиомаси

Аксиомалар исботсиз чин деб кабул қилинган назарий мулохазалар бўлиб, улар воситасида бошқа фикр ва мулохазалар асослаб берилади. Силлогизмнинг аксиомаси хулосалашнинг мантиқий асосланганлигини ифодалайди.

Мантиқда аксиома бир неча марта амалиётда исботланган фикрлар маъносида ишлатилади. Бу маънода » инсондан олдин ер пайдо бўлган»,

« бутун уз булагидан катта» каби фикрлар аксиомалардир. Силлогизм аксиомаси инсон амалиётида миллион- миллион марта такрорлаш асосида вужудга келган тўғри фикрлардан хулоса уз-ўзидан келиб чикишини курсатади.

Масалан, А предмет В нинг ичида бўлса, В предмет С нинг ичида бўлса, демак, А предмет С нинг ичида бўлади. Агар А предмет В предмет ичида бўлса, В предмет С нинг ичида булмаса, демак, А предмет С дан ташкарида бўлади.

Демак, силлогизм аксиомасида маълум группа предмет тасдиқланса ёки инкор килинса, унга кирувчи ҳар бир предмет ҳам тасдиқланади ёки инкор қилинади. Инсон бир неча бор нарсаларнинг турларини ва бу тургa кирувчи гурухларнинг кисмларини билиб боради, улар ўртасидаги алоқа ва муносабатларни урганиб,уларнинг умумий хусусиятлари ҳақида фикр юритади, хулоса чикаради.

Силлогизм аксиомаларида фикр шакли ва мазмуни ўзаро узлуксиз, объектив боғланган бир бутуннинг айрим томонларини ифодалайди. Бу бир томондан, ҳамма умумийликка хусусийлик, жузъийлик ва яккалик хос эканлигини ва ҳар бир яккалик, жузъийлик, хусусийлик умумийлик хислатига эга бўлишини ифодаласа, иккинчи томондан, буюм ва белгининг ўзаро узвий боғланганлигини, яъни буюмлар жинси айрим ўзига хос белгига эга бўлса, албатта, бу белги шу жинсдаги ҳамма буюмлар учун ҳам хос белги бўлишини ифодалайди. Булар эса уз навбатида яккалик ва умумийлик ўртасидаги, микдор ва сифат ўртасидаги диалектик алоқадорликнинг тафаккур жараёнида ўзига хос намоён бўлишидир.

Силлогизмнинг умумий қоидалари

Хулоса асосларининг чин бўлиши хулосанинг чин бўлиши учун етарли эмас. Хулоса чин бўлиши учун яна маълум қоидаларга амал қилиш ҳам зарур. Бу силлогизмнинг умумий қоидалари деб аталади. Улар силлогизмнинг терминлари ва асосларига тааллуқли бўлган қоидалар бўлиб, қуйидагилардан иборат:

1. Силлогизмда учта термин: катта, кичик ва ўрта терминлар бўлиши керак. Маълумки, силлогизмнинг хулосаси катта ва кичик терминларнинг ўрта терминга бўлган муносабатига асосланади; шу сабабдан ҳам терминлар сони учтадан кам ёки ортик булмаслиги талаб қилинади. Агар терминлар сони учтадан кам бўлса, хулосаси янги билим бермайди.

2. Ўрта термин хеч бўлмаганда асослардан бирида тула хажмда олиниши керак.

Агар ўрта термин хеч бир асосда тулик хажмда олинмаса, четки терминларнинг боғланиши ноаник бўлади ва хулосанинг чин ёки хатолигини аниқлаб бўлмайди.

3. Катта ва кичик терминлар асосларда кандай хажмда олинган бўлса, хулосада ҳам шундай хажмда бўлиши керак.

Бу қоиданинг бузилиши кичик ёки катта термин хажмининг ноурин кенгайиб кетишига олиб келади.

4. Икки инкор ҳукмдан (асосдан) хулоса чиқариб бўлмайди. Масалан:
Ишсизлартадбиркорэмас.
Талабалар ишсиз эмас.

5. Икки жузъий ҳукмдан хулоса чиқариб бўлмайди.Масалан:

Баъзи аёллар тадбиркордир.

Баъзи давлат арбоблари аёллардир.

6. Асослардан бири инкор бўлса, хулоса ҳам инкор бўлади.Масалан: Хеч бир жиноят жазосиз колмайди.

Ватанга хиёнат қилиш жиноятдир

Ватанга хиёнат қилиш жазосиз колмайди.

7. Асослардан бири жузъий ҳукм бўлса, хулоса ҳам жузъий ҳукм бўлади. Масалан:

Яхши фарзанд ота-онасини хурмат қилади.

Баъзи ёшлар яхши фарзанддир.

Баъзи ёшлар ота-онасини хурмат қилади.

3- масала. Силлогазмнинг фигуралари ва модуслари

Оддий катъий силлогазмнинг структурасида ўрта терминнинг жойлашишига қараб силлогазмнинг туртта фигураси фарқ қилинади.

I фигурада ўрта термин катта асоснинг субъекти, кичик асоснинг предикати бўлиб келади.

II фигурада ўрта термин катта ва кичик асосларнинг предикати бўлиб келади.

III фигурада ўрта термин ҳар икки асоснинг субъекти бўлиб келади.

IV фигурада Ўрта термин катта асоснинг предикати, кичик асоснинг субъекти бўлиб келади.

Силлогизм асослари оддий катъий *ҳукмлар* (А, Е, I, 0)дан иборат. Бу ҳукмларнинг икки асос ва хулосада ўзига хос тартибда (тупламда) келиши модус деб аталади. «Модус» - шакл деган маънони англатади. Силлогизм фигураларининг ўзига хос модуслари мавжуд. *Ҳар* бир фигуранинг тўғри модусларини аниқлашда, тўғри хулоса чиқаришда силлогизмнинг умумий қоидалари билан бирга ҳар бир фигуранинг махсус қоидаларига ҳам амал қилинади. Фигураларнинг махсус қоидалари силлогизм терминларининг ўзига хос боғланиши асосида аникланади.

Оддий катъий силлогизмнинг биринчи фигураси қуйидаги махсус қоидаларга эга:

1. Катта асос умумий ҳукм бўлиши керак.

2. Кичик асос тасдиқ ҳукм бўлиши керак.

I фигуранинг туртта тўғри модуси мавжуд:

А А А, Е А Е, А I I, Е I 0.

Модусларнинг биринчи ҳарфи катта асоснинг, иккинчи ҳарфи кичик асоснинг, учинчи ҳарфи хулосанинг сифат ва микдорини курсатади. Фигураларнинг модусларини бир-биридан фарқлаш мақсадида, уларнинг ҳар бири алоҳида ном билан аталади.

А А А - Barbara модуси

А. Ҳамма илмий қонунлар объектив ҳарактерга эга.

А. Тафаккур қонунлари-илмий қонунлардир.

А. Тафаккур қонунлари объектив ҳарактерга эга.

ЕАЕ - Celarent модуси.

Е. Хеч бир диндор атеист эмас.

А. Имомлар диндордир.

Е Хеч бир имом атеист эмас.

АІІ - Darii модуси.

А Барча жиноятчилар жазога лойиклардирлар.

І. Баъзи кишилар-жиноятчидир.

І. Баъзи кишилар жазога лойикдирлар.

ЕЮ - Ferio модуси.

Е.Ахлоқли инсонларнинг хеч бири виждонсиз эмас.

І. Баъзи ёшлар ахлоқли инсондир.

О. Баъзи ёшлар виждонсиз эмас.

Силлогазмнинг биринчи фигураси оддий катьий ҳукмларнинг барча турлари бўйича хулосалар беради.

Оддий катъий силлогизмнинг П-фигураси қуйидаги махсус қоидаларга эга:

1. Катта асос умумий ҳукм бўлиши керак.

2. Асосларнинг бири инкор ҳукм бўлиши керак.

ІІ фигуранинг туртта тўғри модуси мавжуд:

АЕЕ, ЕАЕ, АОО, Е ІО.

АЕЕ - Camestres модуси

А. Ҳамма ҳукмлар дарак ran орқали ифодаланади.

Е. Савол дарак ran орқали ифодаланмайди.

Е. Хеч бир савол ҳукм эмас.

ЕАЕ - Cesare модуси.

Е. Хеч бир атеист диндор эмас.

А. Имомлар диндордир.

Е. Хеч бир имом атеист эмас.

АОО - Baroko модуси.

А. Ҳамма кушлар учади.

О. Баъзи мавжудотлар учмайди.

О. Баъзи мавжудотлар кушлар эмас.

EIO-Festino модуси.

Е Қонунларга амал килмаганларнинг хеч бири эркин эмас.

I. Баъзи фукаролар эркиндирлар

О. Баъзи фукаролар қонунга амал килувчи эмаслар.

Юқоридаги мисоллардан куриниб турибдики, силлогизм П-фигурасининг хулосалари фақат инкор ҳукмдан иборатдир.

Оддий катъий силлогизмнинг Ш-фигурасининг битта махсус қоидаси бор: кичик асос тасдиқ ҳукм бўлиши керак. III фигуранинг тўғри модуслари олтита: AAI, All, IAI, EAO, EIO, OAO.

AAI - Darapti модуси.

А. Ҳамма мантиқшунослар файласуфдир.

А. Ҳамма мантиқшунослар-илмли кишилардир.

I. Баъзи илмли кишилар файласуфдир.

All - Datisi модуси.

А. Ҳамма оддий катъий ҳукмлар хулоса асослари бўлади.

I. Баъзи оддий катъий ҳукмлар чин фикрдир.

I. Баъзи чин фикрлар хулоса асослари бўлади.

IAI - Disarms модуси.

I Баъзи файласуфлар мантиқшунос бўлган.

А. Ҳамма файласуфлар илмли кишилардир.

I. Баъзи илмли кишилар мантиқшунос бўлган.

EAO - Felapton модуси.

Е. Хеч бир партия дастурсиз иш юритмайди.

А. Ҳамма партиялар сиёсий ташкилотдир.

О. Баъзи сиёсий ташкилотлар дастурсиз иш юритмайди.

EЮ - Ferison модуси.

Е. Хеч бир диндор эътикрдсиз эмас.

I. Баъзи динлорлар-ёшлардир.

О. Баъзи ёшлар эътиқодсиз эмас.

OAO - Bokardo модуси.

О Баъзи одамлар рост гапирмайдилар.

А Ҳамма одамлар яхши яшашни хохлайди.

О Баъзи яхши яшашни хохловчилар рост гапирмайдилар.

III фигура модусларининг хулосалари фақат жузъий ҳукмдан иборат бўлади.

Оддий катъий силлогизмнинг IV-фигураси қуйидаги махсус қоидаларга эга:

1. Асосларнинг бири инкор ҳукм бўлса, катта асос умумий ҳукм бўлади.

2. Катта асос тасдиқ, ҳукм бўлса, кичик асос умумий ҳукм бўлади.

IV-фигуранинг бешта тўғри модуси мавжуд: AAI, AEE, IAI, EAO, EIO.

AAI - Bramalip модуси.

А. Халол одамларнинг ҳаммаси виждонлидир.

А. Ҳамма виждонлилар адолатли кишилардир.

I. Баъзи адолатли кишилар халол одамлардир.

AEE-Camenes модуси.

А. Кули очик одамлар сахий бўлади.

Е. Хеч бир сахий хасис эмас.

Е. Хеч бир хасис кули очик одам эмас.

IAI - Dimaris модуси.

I. Баъзи ёшлар спорт билан шугулланадилар.

А. Спорт билан шугулланганларнинг ҳаммаси соглом кишилардир.

I. Баъзи соглом кишилар ёшлардир.

EAO - Fesapo модуси.

Е. Хеч бир софист рост гапирмайди.

А. Ҳамма рост гапирмайдиганлар ёлгончидир.

О. Баъзи ёлгончилар софист эмас.

EIO - Fresison модуси.

Е. Хеч бир аклли одам илмсиз эмас.

I. Баъзи илмсизлар ёшлардир.

О. Баъзи ёшлар аклли одам эмас.

Силлогизмнинг IV-фигураси умумий тасдиқ, ҳукм кўринишидаги хулосани бермайди.

Аристотелдан бошлаб барча мантиқшунослар силлогазмнинг 1-фи-гураси ва унинг модусларига катта эътибор берганлар. Улар I-фигурани мукаммал, деб билганлар, унинг хулосаларини аник ва яққол деб хисоблаганлар. Силлогазмнинг бошқа фигураларини номукаммал деб, уларнинг хулосаларининг чин эканлигани аниқлаш учун 1-фигурага келтириш зарур, деб хисоблаганлар. Бу мантиқий амал бажарилганда модусларнинг номига эътибор берилади:

4- масала. **Индуктив хулоса чиқариш.**

Билиш, кайси сохада амалга ошишидан катъий назар-соглом акл даражасидами ёки илмий билишдами — доимо предмет ва ходисаларнинг хиссий идрок этиладиган хосса ва муносабатларини ўрганишидан бошланади. Уни фалсафада, мантиқда эмпирик билиш босқичи деб аташади. Бу босқичда субъект турли хил табиий жараёнлар, ижтимоий ходисаларда ўхшаш шароитларда маълум бир хусусиятларнинг такрорланишини кузатади. Бу ана шу тургун ҳолда такрорланиб турувчи хоссанинг айрим предметнинг индивидуал хоссаси эмас, балки маълум бир синфга мансуб предметларнинг умумий хоссаси бўлса керак, деган фикрга келишга асос бўлади. Масалан, кайси давлатда демократия принципларига яхши амал килинса уша давлат ахолисининг ижтимоий турмуш даражаси юқорилигини кузатиш мумкин. Шу асосда демократиянинг принциплари, шартлари яхши амал қиладиган ҳар кандай давлатда ахолининг турмуш даражаси юқори бўлади, деган хулосага келиш мумкин.

Мана шундай жузъий билимдан умумий билимга мантиқан утиш индукция шаклида содир бўлади (лотинча inductio-ягона асосга келтириш).

Индуктив хулоса чиқариш эмпирик умумлаштириш шаклида содир бўлиб, унда бирорта белгининг маълум бир синфга мансуб педметларда такрорланишини кузатиш асосида, шу белгининг мазкур синфга тегишли барча пердметларга хослиги ҳақида хулоса чикарилади.

Индукция асосида чикарилган хулосалар илмий билишда урнатилган турли эмпирик қонуниятлар, яратилган умумлашмалар тарзида уз аксини топади, предмет ва ходисалар ҳақидаги билимларимизни кенгайтиришига олиб келади.

Индуктив хулоса чиқариш билвосита хулоса чиқариш хисобланади, яъни унинг асослари иккита ва ундан ортик мулохазалардан ташкил топган бўлади. Улар, одатда, якка предмет ёки предметлар синфининг бир кисмини ифода қиладилар. Хулосада эса, бир мантиқий синфга мансуб предметларнинг барчасига нисбатан умумий ҳукм тарзидаги фикр хосил қилинади.

Демак, индуктив хулоса чиқаришда яккалик, жузъийлик ва умумийликнинг диалектик алоқасини кузатамиз. Айрим фактларни ифодалайдиган, жузъий ҳарактерга эга бўлган билимлар умумий билимларни хосил қилиш учун мантиқий асос бўлиб хизмат қилади. Такрорланиб турувчи тургун алоқалар, одатда, предметларнинг муҳим зарурий алоқаларидан иборат бўлгани учун, бу умумий билимлар қонуниятларни ифода қиладилар. Асослардаги якка ва жузъий фактлар ҳақидаги билимлар эса ана шу қонуниятларнинг намоён бўлишини қайд этадилар. Индуктив хулоса чиқариш кузатиш ва тажриба натижаларини умумлаштириш билан боғлиқ бўлади

Индуктив хулоса чиқаришнинг иккита тури: тулик ва туликсиз индукциялар фарқ қилинади.

***Тулик* индукция** индуктив хулоса чиқаришнинг шундай турики, унда бирорта белгининг маълум бир синфга мансуб ҳар бир предметга хослигини аниқлаш асосида, шу

белгининг берилган синф предметлари учун умумий белги эканлиги ҳақида хулоса чикарилади.

Тулик индукция предметларнинг кичик синфига, элементлари яққол кузга ташланиб турадиган, микдор жиҳатдан чекланган ёпик системаларга нисбатан хулоса чиқаришда ишлатилади. Масалан, Куёш системасига кирувчи планеталар, НАТОга аъзо давлатлар, бирорта шаҳарда жойлашган корхоналар ва шу кабилар ҳақида хулосаларни тула индукция йули билан олиш мумкин.

Тулксиз индукция шундай эхтимолий хулоса чиқариш турики, унда бирорта белгининг бир мантиқий синфга тегишли предметларнинг бир кисмига (бир нечтасига) хослигини (ёки хос эмаслигини) аниқлаш асосида, шу белгининг берилган синфга мансуб барча предметларга хослиги (хос эмаслиги) ҳақида хулоса чикарилади.

Туликсиз индукцияда фикримиз, худди тулик индукциядагидек, жузъийликдан (яккаликдан) умумийликка, камрок умумийлашган билимдан кўпроқ умумийлашган билимга қараб ҳаракат қилади. Лекин унда, тулик индукциядан фарқли уларок, хулоса кузатиш, тажриба давомида қайд этилмаган, урганилмаган предметларга ҳам тегишли бўлади. Туликсиз ин-дукциянинг эвристик моҳияти айнан ана шундадир.

Туликсиз индукцияда фикрмиз қуйидаги схемада курилади.

S_t предмети Р белгига эга

S2 предмети Р белгига эга

S_n предмети Р белгига эга

$. *$2*.,.,.. S_n предметлари С синфига тегишли

Эхтимол, С синфининг ҳар бир предмети Р белгига эгадир.

Туликсиз индукцияда хулосавий билимнинг эмпирик асоси тулик аникланмайди, ана шунинг учун ҳам ундаги амалга оширилган умумлаштириш туликсиз бўлади. Хусусан, унда берилган мантиқий синфга мансуб предметларнинг барчаси эмас, фақат S дан Sn гача бўлган кисмигина урганилади, холос. Ана шу урганилган предметларга бирорта Р белгининг хослиги (хос эмаслиги) кузатилса, унинг урганилаётган синфга мансуб барча предметларга хослиги (хос эмаслиги) ҳақида эхтимолий тарздаги хулоса чикарилади. Бу хулоса ихтиёрий равишда хосил килинмайди ва тасодифий ҳарактерга эга эмас, албатта. Жузъийликдан (яккаликдан) умумийликка утиш, яъни синфга тегишли айрим предметлар ҳақидаги билимдан синфга тегишли барча предметлар ҳақидаги билимга утиш мантиқан асослангандир.

Хусусан, пахта, бугдой, сут, металл прокати, газлама ва шу каби оммавий равишда ишлаб чикариладиган махсулотларнинг катта хажмининг сифати ҳақида улардан олинган кичкина намуналарни текшириш натижаларига таянган ҳолда фикр билдирамиз.

Бунда куп холларда хосил килган хулосавий фикрларимиз хакикатдан ёки хакикатга якин фикрдан иборат бўлади.

Уз-ўзидан равшанки, бу йул билан олинган хулосалар ҳамма вақт ҳам тўғри булавермайди. Баъзан чикарилган хулосалар хато ҳам бўлиши мумкин. Буни қуйидаги мисол тасдиқлайди. Качонлардир кимёгарлар металларнинг бир канчаси устида экспериментлар утказишиб, уларнинг киздирилганда олтингугурт билан бирикишини кузатишган ва шу асосда, «Барча металлар киздирилганда олтингугурт билан бирикади», деган хулосага келишган. Уларнинг муҳокамаси қуйидаги схема тарзида кечган.

Мис киздирилганда олтингугурт билан бирикади

Темир киздирилганда олтигугурт билан бирикади

Алюминий киздирилганда олтингугурт билан бирикади

Мис, темир, алюминий ..., металлар синфига кирувчи химиявий элементлар

Эхтимол, барча металлар киздирилганда олтингугурт билан бирикса керак.

Бу хулосанинг хатолиги маълум бир вақт утгандан кейин олтин устида эксперимент утказилганда маълум бўлади: у киздирилганда олтингугурт билан бирикмаган.

Биз кўриб чиккан хол бирорта белгининг айрим предметларда такрорланишига асосланиб, у белгини мазкур предметлар мансуб бўлган синфга тулалигича индуктив йул билан кучириш, яъни уни берилган синф предметларининг барчасига хос умумий белги, деб хисоблаш мантиқий заруриятдан иборат булишга даъво кила олмайди, деган фикрга олиб келади. Чунки белгининг бир канча предметларда такрорланиши оддий бир мосликдан иборат бўлиши, яъни тасодифий ҳарактерга эга бўлиши ҳам мумкин.

Демак, туликсиз индукция бўйича хулоса чиқаришга хос ху-сусиятлардан бири асослардан хулосанинг мантиқан келиб чикишнинг кучсиз бўлишидир.

Санаш орқали туликсиз индукция ёки оммабоп индукция объектив асосини инсонларнинг куп йиллик ҳаётий фаолияти, авлоддан авлодга утиб келаётган турмуш тажрибалари натижалари ташкил этади. Масалан, ёз жуда иссик келганда, кишда каттик совук бўлиши мумкинлиги, калдиргочларнинг учиб кетаётгани хавонинг совий бошлаганини билдириши ва шу каби хулосалар инсонларнинг оби-хавони узоқ йиллар давомида кузатишининг натижасидан иборат.

Кишиларнинг кундалик ҳаётий тажрибасига асосланган, соглом акл юритишга хос хусусиятларни ўзида мужассамлантиргани учун ҳам хулоса чиқаришнинг бу усулини оммабоп индукция деб аташади.

Оммабоп индукциянинг муҳим хислатларидан бири кузатилаётган холларга зид бўлган холнинг йуклигига ишонч хосил қилишдир. Яъни, бунда бирорта белгининг берилган синф предметларининг бир нечтасида такрорланишини қайд этиш билан чекланмасдан, уларга зид бўлган холнинг йуклиги ҳам аникланади. Бу, одатда оммабоп индукция асосида катъий хулосага келишдан олдин «Шошмай турчи, кани, яна бир текшириб кўрайлик!», деган фикрга суяниб иш қилишга ундайди, «Етти улчаб, бир кесиш»га чакиради. Ана шунинг учун ҳам оммабоп индукцияни халк донишмандлигининг намоён бўлиши турларидан бири, деб айтиш мумкин.

Шуни айтиш керакки, оммабоп индукциянинг хулосаси билиш субъекти учун кулай фактларни санаб курсатишга асосланганлиги боис, эхтимолий, тахминий фикр булишдан юқорига ута олмайди. У кушимча текширишлар утказишни, мавжуд холатлар ва холларда предмет табиатининг узгаришини аниқлаштиришни тақозо этади. Чунки кулай холларни, фактларни санаб курсатиш дастлаби индуктив умумлашмалар хосил қилишнинг зарурий шарти бўлса-да, уз холича етарли эмас.

Шундай қилиб, оммабоп индукция бўйича олинадиган хулоса эхтимолий ҳарактерга эга бўлади. Унинг чинлик даражасини ошириш учун катор методологик талабларга риоя этиш зарур, ана шундагина у тўғри муҳокама юритишнинг самарали воситасига айланади.

Илмий индукция эхтимолий хулоса чиқаришнинг шундай турики, унинг асосларида бирорта белгининг бир синфга мансуб предметларнинг бир канчасида такрорланиши қайд этилиши билан бир каторда, у белгининг сабабий алоқаси ҳақида ҳам маълумот мужассамлашган бўлади ва улар хулосада берилган предметлар синфига нисбатан хосил қилинган фикрда уз аксини топади. Оммабоп индукциядан фарқли уларок, илмий индукцияда бир синфга мансуб предметларда такрорланувчи белги шунчаки қайд этилиб колмасдан, балки у ҳақида туларок маълумотга эга булиш, унинг мавжуд бўлиши сабабини аниқлаш учун предметнинг бошқа белгилари билан бўлган алоқалари, хусусан, сабабий боғланишлари урганилади. Ана шунинг учун ҳам, яъни ходисаларнинг сабабини аниқлашга, уларни ифода этувчи қонунларни очишга каратилгани учун ҳам туликсиз индукциянинг бу турини илмий индукция деб аташади.

Маълумки, илмий билиш, фаннинг бош мақсади урганилаётган объектни ҳарактерлайдиган қонунларни очиш орқали унинг (объектнинг) табиатини, моҳиятини тушунтиришидан иборат. Бу эса, биринчи навбатда, ходисанинг (ёки унинг белгисининг) мавжуд булиш сабабини аниқлашни тақозо этади.

Шуни айтиш керакки, сабабий алоқадорлик ходисалар ўртасидаги умумий боғланишларнинг бошқа турлари (масалан, структуравий, функционал, генетик боғланишлар) каби ходисаларнинг табиатини белгилайди. Ана шунинг учун ҳам сабабий алоқадорликни ўрганиш ходисаларнинг моҳиятини тушуниш, турли жараёнларни олдиндан куриш, янгиликлар яратиш имконини беради.

Илмий индукция методлари

Ўхшашлик методи. Унда урганилаётган ходисанинг сабаби ҳақидаги хулоса шу ходисанинг бир канча кузатилаётган холларини солиштириш, уларнинг ўхшаш томонини аниқлаш асосида хосил қилинади. Масалан, кимёвий таркиби, зичлиги, оғирлиги, катталиги турлича бўлган маятниклар узунлиги бир хил стерженларга-илгакларга илинтирилиб, ҳаракатга келти-рилганда, бир хил тебраниш даврига эга бўлган. Бунда ходисанинг вужудга келиши кузатилаётган барча холларида ундан аввал келаётган холатларнинг фақат биттасигина такрорланади. Ана шунга таяниб, мазкур такрорланувчи холат кузатилаётган ходисанинг вужудга келишининг сабаби бўлса керак, де-ган тарзда эхтимолий хулоса чикарилади.

Тафовут методи. Бу метод фақат иккита хол-ходисанинг вужудга келган ва келмаган холларини таққослаш асосида ходисанинг сабабини аниқлаш усули бўлиб, унда мавжуд холлар бир-биридан фақат битта холат билан фарқ қилади: бирида у йук, иккинчисида — бор ва фақат ана шу холат бор ҳолдагина ходиса юзага келади. Ана шунинг учун ҳам мазкур холат кузатилаётган ходисанинг сабаби бўлса керак, деб тахмин қилинади, яъни эхтимолий хулоса хосил қилинади. Эхтимол, B холат d ходиса сабабидир.

Тафовут методидан билишнинг турли хил сохаларида кенг фойдаланилади. Масалан, яхши ишлаётган ва яхши ишламаетган корхоналар солиштирилиб, корхонанинг яхши ишламаслиги сабаби аникланади. Медицинада эса иккита хайвонлар гурухи - эксперимент утказилаётган ва назорат килувчи гурухлар киёс килиниб, эксперимент утказилаётган гурхда синалган препаратнинг самарадорлик даражаси аникланиши мумкин. Бунда ҳар иккала гурух бир хил шароитда сакланиб (A, C, D), эксперимент давомида биттасига B холати кушилади. Бу эса аввалги ҳолда йук бўлган d ходисасининг вужудга келишига сабабчи бўлади. Ана шунга асосланиб, «B холати d ходисаси сабаби бўлиши мумкин» деган хулосага келинади.

Йулдош узгаришлар методи. Бу метод ходисадан аввал келаётган холатлардан бирининг узгариши, колган холатлар узгармасдан колганда, ходисанинг узгаришига олиб келиши кузатиладиган шароитларда қўлланилади.

Йулдош узгаришлар методига мувофиқ, *бир холатнинг узгариши ходисанинг узгаришига ҳам олиб келса, шу холат кузатилаётган ходиса узгаришининг сабабидир.*

Йулдош узгаришлар методи ёрдамида жуда куп қонунлар, шу жумладан, физикадаги газнинг ҳарорати билан унинг зичлиги, тортишиш кучи билан масофа, иктисодиётдаги талаб ва таклиф ўртасидаги боғланишлар ва шу кабилар урганилади.

Ходисадан аввал келаётган холатларни А, В.Слар билан, бу холатларнинг узгариши даражасини 1,2,..., п билан, ходисани d билан белгиласак, йулдош узгаришлар методида муҳокама жараёнининг қуйидаги схема бўйича-амалга ошишини кўрамиз:

Эхтимол, с холат d ходиса сабабидир.

Колдиклар методи. Бу метод ўрганиш объекти мураккаб ходисадан иборат бўлиб, биттасидан бошқа кисмларнинг сабаблари аник бўлганда, анна шу колган кисмни вужудга келтирувчи сабабни топиш мақсадида қўлланилади.

Эхтимол, С холат z нинг сабабидир.

Колдиклар методини куллаш натижасида гелий, рубидий каби химиявий элементлар, Нептун планетаси топилган ва бошқа турли сохага оид куп ходисалар аникланган.

Демак, колдиклар методи моҳиятини шундай ифодалаш мумкин: *агар урганилаётган мураккаб ходисани ташкил этувчи ходисанинг (ёки ходисанинг кисмининг) битта холатдан бошқа холатлар билан алоқаси зарурий ҳарактерга эга булмаса, ана шу колдик холат мазкур ходисанинг (ходиса кисмининг) сабаби бўлиши мумкин.*

Илмий индукциянинг бошқа методлари сингари, колдиклар методи ҳам эхтимолий билим олиш воситаси хисобланади. Чикарилаётган хулосанинг чин булиш эхтимоли, биринчидан, ходисадан аввал келиб, унга таъсир утказаётган холатлар ҳақидаги билимнинг кай даражада бўлиши, иккинчидан, ҳар бир холат билан вужудга келаётган мураккаб ходиса ўртасидаги алоқадорлик зарурий ҳарактерга эга эканлигига аник ишоч хосил қилиш, учинчидан, конкрет ҳар бир холат билан у сабаби бўлиб хисобланаётган ходиса кисми ўртасидаги алоқадорликнинг таъсодифий эмаслигини аниқлаш ва шу каби омилларни хисобга олган ҳолда ортади.

Шундай қилиб, сабабий алоқадорликни аниқлашнинг биз кўриб чиккан индуктив методлари уз мантиқий структурасига кўра етарли даражадаги мураккаб муҳокама юритиш усуллари бўлиб, уларда индуктив умумлаштириш дедуктив хулоса чиқариш иштирокида амалга ошади. Хусусаи, дедукция тасодифий холатларни муҳокама жараёнидан чиқариб ташлаш (элиминация қилиш) йули билан (айирувчи-катъий силлогизмнинг tollendo ponens модуси асосида) индуктив умумлаштириш йуналишини белгилашга, унинг хулосасининг асосланганлик, ишочлилик даражасининг ортишига хизмат қилади.

Аналогия (грек. - мослик, ўхшашлик) бавосита хулоса чиқаришнинг бир туридир. Дедуктив хулоса чиқаришда фикр умумийликдан хусусийликка қараб, индукцияда хусусийликдан умумийликка қараб ҳаракатланса, аналогияда эса бир хусусий холатдан бошқа хусусий холатга қараб ҳаракатланади.

Аналогияда предметларнинг ўхшаш хоссаларига асосланиб хулоса чикарилади. Табиат ва жамиятда объектив турли-туманлик билан бир каторда, объектив ўхшашлик ҳам

мавжуддир. Улар инсон онгида уз ифодасини топади. Объектив реалликнинг турли сохаларига оид қонун ва қоидалар тузилиши жиҳатидан ўхшаш бўлса, улар акс эттирган вокеаликдаги турли нарса ва ходисалар ҳам маълум маънода ўхшаш бўлади.

Аналогия бўйича хулоса чиқариш объектив реалликнинг чексиз кўринишлари ҳамда унда мавжуд бўлган турли системаларнинг хоссалари, муносабатлари, структураларидаги ўхшашликларга асосланади. Масалан, сайёралар, давлатлар, ижтимоий тузумлар моҳиятида ўхшашлик бор. Билишда муҳим ва номуҳим хоссалар ўхшашлиги асосида аналогия бўйича хулоса чикарилади.

Аналогия воситасида бир предметдан (модеддан) бошқа предметга (прототипга) ахборот утказилади. Хулоса асослари моделга, хулоса прототипга тааллуқли бўлади. Масалан, кадимги грекларнинг «Дедал ва Икар» афсонасида айтилишича, ота ва бола кулликдан озод булиш учун узларига канот ясашади ва учиб кетишади. Бунда хулоса чиқариш қуйидаги кўринишда бўлади:

Куш тирик мавжудот, унинг каноти бор, у учади.

Инсон ҳам тирик мавжудот унинг каноти йук, у учмайди.

Инсоннинг ҳам каноти бўлса, у, эхтимол учади.

Аналогия бўйича хулоса чиқариш бошқа хулоса чиқаришлар каби асослардан, хулосадан ва асослар ҳамда хулоса ўртасидаги мантиқий алоқадан иборатдир. Унинг хулосаси эхтимолий шаклда бўлиб, кейинги текширишларни талаб қилади. Аник асослардан баъзан аник, баъзан эхтимолий хулоса чикади.

Аналогия УЗИНИНГ объектив асосига эга. Булар предметлар, уларнинг хоссалари ўртасидаги алоқалар ва муносабатлардир.

Моделдан прототипга утказилаётган ахборотнинг табиатига кўра аналогиянинг икки тури фарқланади: хусусиятлар аналогияси ва муносабатлар аналогияси.

Хусусиятлар аналогиясида икки якка предмет ёки бир турдаги икки предметлар синфи ўхшаш белгиларига кўра ўзаро таққосланади. Ўхшаш белгиларга асосланиб, бирида мавжуд бўлган белгининг бошқасида ҳам бўлиши мумкинлиги ҳақида хулоса чикарилди. Ухшатилаётган предметларни А ва В ҳарфлари билан, белгиларни а, в, с, ҳарфлари билан ифода қилсак, хусусиятлар аналогиясини қуйидаги формула орқали ифодалаш мумкин:

А предмети а, в, с, d белгиларга эга

В предмети а. в. с белгиларга эга

Эхтимол, В предмети d белгига эгадир.

Бу формула аналогия бўйича хулоса чиқаришнинг типик схемасидир. Унда бир предмет ҳақидаги билим шунга ўхшаш бошқа предмет ҳақидаги билимдан хулоса шаклида келтириб чикарилади.

Муносабатлар аналогиясида икки якка предмет, ёки бир турдаги икки предметлар синфи ўртасидаги муносабатларнинг ўхшашлигига асосланилади. Икки турдаги (a R d) ва (m Rj n) муносабатларни таққосласак, a-m га, d-n га ўхшаш эмас, лекин улар ўртасидаги R-R! муносабатларнинг ўхшашлиги бизга хулоса чиқариш имконини беради

Аналогияни турларга ажратганда хулосанинг аниклик даражасига ҳам эътибор берилади. Шу жиҳатдан аналогияни катъий (аник, катъий бўлмаган ноаник ва хато аналогияга ажратамиз. Катъий аналогиянинг ўзига хос хусусияти шундаки, кучиралаётган ва ухшатилаётган белгилар ўртасидаги алоқа зарурий бўлади. Аник фанларда, моделлаштиришда фикр катъий аналогия шаклида юритилади.

Аналогия моделлаштириш методининг манткий асосини ташкил этади. Моделлаштиришда (конкрет ёки абстракт) объектлар моделларда, яъни шартли образлар, схемалар, объектнинг кичрайтирилган нусхаларида тадкик этилади.

5 –масала. Мантиқ илмида исботлаш ва далиллаш тушунчалари ўзаро фарқланади. Далиллаш деб, бирор фикр, мулохазани ёки мулохазалар тизимини воқеликка бевосита мурожаат қилиш йули билан (кузатиш, тажриба-эксперимент ва хаказо асосида) ёки чинлиги аввалдан тасдиқланган бошқа мулохазалар ёрдамида асослаб беришга айтилади. Далиллаш бевосита ёки воситали бўлади. Бевосита далиллаш хиссий билишга, яъни куриш, тажриба-эксперимент орқали амалга оширилади. Воситали далиллаш эса, чинлиги аввалдан тасдиқланган бошқа мулохазаларга асосланади ва хулоса чиқариш кўринишида намоён бўлади. Далиллашнинг биринчи усули эмпирик, иккинчи усули назарий билимларга асосланади. Назарий ва эмпирик билимларнинг чегараси нисбий бўлганлиги каби, далиллашнинг юқоридаги икки усулга ажратилиши ҳам нисбийдир.

Далиллашнинг хусусий кўриниши мантиқий исботлашдир. **Мантиқий исботлаш** деб, бирор фикр, мулохазанинг чинлигини, чинлиги аввалдан тасдиқланган бошқа мулохазалар орқали асослашга айтилади. Исботлашдан мақсад-бирор фикрнинг чинлигини аниқлаш бўлса, далиллашдан мақсад ҳам фикрнинг чинлигини аниқлаш, унинг аҳамиятини ва муайян фаолият учун куллаш мумкинлигини асослашдир. Исботлаш жараёнида қўлланиладиган чин мулохазалар (асослар) берилган фикрнинг чинлигини тасдиқлаш учун хизмат қилса, далиллаш, ундан ташкари, далилланаётган фикрнинг бошқа шу каби фикрлардан афзалрок эканлигини асослаш учун ҳам хизмат қилади. Далиллаш учун келтирилган аргументлар (асослар) исботлаш учун келтирилган аргументларга нисбатан ранг-баранг бўлади. Далиллаш шакллари билан исботлаш шакллари бир-бирига айнан мос тушмайди.

Исботлаш хулоса чиқариш кўринишида амалга ошади. Далиллаш кўпроқ сухбат (диалог) кўринишида бўлиб, унинг иштирокчиларидан ҳар бири уз фикрининг чинлигини исботлашга, ракибининг фикрини рад этишга ва тингловчиларнинг узини ҳам фикр қилишга, уз фикрларига ишонтиришга ҳаракат қилади.

Далилиллаш жараёнида реципиентларга (лот - кабул килувчи) — тингловчиларга бирор фикрнинг тўғри ёки хатолиги асослаб берилади ва уларда шу фикрга нисбатан ишонч туйгуси шакллантирилади. Далилловчи шахснинг сўз санъатини кай даражада эгаллаганлиги, яъни нотиклик махорати тингловчиларда ишонч-эътиқоднинг шаклланишида муҳим рол уйнайди.

Фактлар ва бошқа далилларга таяниб юритиладиган фикр юксак ишонтириш кучига эга бўлади, кишиларда ишонч-эътиқодни шакллантиради. Билишнинг мақсади илмий асосга эга бўлган эътиқодни яратишдан иборат. Далиллаш ва исботлаш ишонч-эътиқодни шакллантириш воситасидир.

Кишиларнинг амалий фаолиятдаги муваффакиятлари улар куллаётган билимларнинг кай даражада чин бўлишига, яъни бу билимларнинг воқеликни канчалик тўғри акс эттиришига боғлиқ. Хато фикрлар предметларнинг реал алоқалари ва муносабатларини бузиб курсатади, билишда куп чалкашликларга олиб келади. Шунинг

учун ҳам билиш жараёнида ҳар бир фикрни тўғри куришга эришиш, унинг чинлигини далиллар билан курсата олиш, хато фикрларни эса рад кила билиш муҳим аҳамиятга эга.

Фикрнинг чинлигини тасдиқлаш учун уни ходисанинг (фактнинг) узи билан солиштириш мумкин. Лекин куп холларда билиш жараёнида натижаларининг чинлиги уларни илгари вужудга келган билимлар билан борлаш орқали аникланади. Буни амалга оширишнинг мантиқий усули исботлашдир.

Исботлаш бир ҳукмнинг чинлигини у билан боғланган бошқа чин ҳукмлар ёрдамида асослашдан иборат бўлган мантиқий амалдир. Унинг таркиби уч элементдан ташкил топган: тезис, аргументлар (асослар), исботлаш усули-демонстрация.

Тезис-чинлиги асосланиши лозим бўлган ҳукм, у исботлашнинг марказий фигураси хисобланади; бутун диккат-эътибор унинг чинлигини курсатишга каратилади. Тезис бир мулохазанинг ўзидан, ёки мулохазалар тизимидан, ёки теоремалардан, ёки аник фактларни умумлаштириш натижаларидан ёки ходисаларнинг сабабини курсатувчи мулохазалардан ва шу кабилардан иборат бўлади.

Аргументлар-тезиснинг чинлигини асослаш учун келтирилган ҳукмлар. Аргументлар бўлиб фактларни қайд килувчи ҳукмлар, таърифлар, аксиомалар, теоремалар, қонунлар ҳамда бошқа эмпирик ва назарий умумлашмалар хизмат қилади. Аргумент сифатида келтирилган фактлар, албатта, ўзаро борланган ва тезиснинг моҳиятига алоқадор бўлиши лозим.

Таърифлар ҳам чин ҳукмлар бўлиб, улардан аргумент сифатида фойдаланиш мумкин. Масалан, «Ҳаракат - бу ҳар кандай узгаришдан иборат» деган таъриф-чин ҳукмдир.

Аксиомалар чинлиги уз-ўзидан равшан бўлган, исботлашни талаб килмайдиган фикрлардир. Инсон тажрибасида куп марталаб такрорланганлиги учун ҳам уларни исботлаш зарур эмас.

Теоремалар ва қонунларнинг чинлиги исботланган бўлади, уларни хеч иккиланмасдан аргумент қилиб олиш мумкин.

Исботлаш усули-демонстрация тезис билан аргументлар ўртасидаги мантиқий алоқадан иборат. У хулоса чиқариш шаклида бўлади, яъни тезис аргументлардан хулоса сифатида мантиқан келтириб чикарилади.

Исботлашнинг икки тури мавжуд: бевосита исботлаш, бавосита исботлаш. Бевосита исботлашда тезиснинг чинлиги тўғридан-тўғри аргументлар билан асосланади, унда тезисга зид бўлган ҳукмлардан фойдаланилмайди. Тезис куп холларда якка ходисани ифода қилиб келади ва маълум бир умумий билимдан, масалан қонундан, аргумент сифатида фойдаланилиб, унинг чинлиги асосланади. Масалан «Ўзбекистон - мустақил давлатдир» деган ҳукм (тезис) нинг чинлиги «Ўзбекистоннинг мустақил давлат деб эълон килиниши, унинг халкаро микёсда эътироф этилиши» каби асослар ёрдамида исботланади.

Бавосита исботлашда эса тезиснинг чинлиги унга зид бўлган ҳукмнинг (антитезиснинг) хатолигини курсатиш орқали асосланади. Антитезис кандай шаклда ифодаланган бўлишига қараб апагогик исботлаш ва айирувчи исботлаш фарқ қилинади. Апогогик исботлашда тезис (а) ва антитезис (*а*) ўртасидаги муносабатга асосланилади. Масалан «Материя ҳаракатсиз мавжуд эмас» деган ҳукмнинг чинлигини асослаш учун унга зид бўлган «Материя ҳаракатсиз мавжуд» деган ҳукм олинади.

Раддия-исботни бузишга каратилган мантилий амалдир, Бирорта фикрнинг чинлигини рад этиш унга зид бўлган фикрнинг хатолигини курсатишдан иборат бўлганлиги учун, раддияни исботлашнинг хусусий кўриниши, деб хисоблаш мумкин. Раддия ҳам исботлаш каби тезис (рад килиниши лозим бўлган ҳукм), аргументлар (тезисни рад килувчи ҳукмлар) ва демонстрациядан (рад этиш усули) дан ташкил топган бўлади. Раддия бирорта масалани муҳокама қилиш яъни бахс, мунозара жараёнида учрайди. Бахс катнашчиларидан бири маълум бир тезисни илгари суриб, уни химоя қилса (пропонент), бошқаси унга карши чикди (оппонент) *хал* килинмаган, мунозарали масалалар буиича олиб бориладиган бахслар полемика хисобланиб, унда қарама-қарши тезислар асосланибгина колмай, балки танкдий анализ ҳам қилинади. Раддия уч хил усул билан амалга оширилади:

1) тезисни рад этиш;

2) аргументларни рад этиш;

3) демонстрацияни рад этиш.

I. Тезисни рад этиш

Тезисни рад этишнинг қуйидаги усуллари мавжуд:

1. Фактлар орқали рад этиш. Бу энг ишончли ва самарали усулдир.

2. Тезисдан келиб чиккадиган натижаларнинг хатолигини (ёки зиддиятли эканлигини) курсатиш орқали рад этиш.

Рад этишнинг юқорида курсатилган усуллари купинча биргаликда, бир-бирини тулдирган ҳолда қўлланилади.

Шундай қилиб аргументлашнинг мантиқий асосларини билиш ва бахс юритиш қоидаларига амал қилиш тафаккур маданиятини юқори даражага кутариш имконини беради.

Такрорлаш учун саволлар

1.Хулоса чиқариш нима?

2.Хулоса чиқаришнинг структураси қандай?

3.Хулоса чиқаришнинг қандай турлари мавжуд?

4.Дедуктив хулоса чиқаришнинг асосий хусусиятлари нималардан иборат?

5.Силлогизм фигуралари ва модуслари қандай ҳосил бўлади?

6.Илмий индукция нима?

7.Анологиябўйича хулоса чиқаришнинг асосий хусусиятлари нималардан иборат?

Мавзунинг таянч тушунчалари

Хулоса чиқариш, мантиқан келиб чикиш, асослар, хулоса, асосдан хулосага утиш, зарурий хулоса чиқариш, эхтимолий хулоса чиқариш, дедуктив хулоса чиқариш, индуктив хулоса чиқариш, аналогия, бевосита хулоса чиқариш, билвосита хулоса чиқариш, силлогизм, силлогизм фигуралари, силлогизм фигураларининг модуслари, силлогистик хулоса чиқариш қоидалари, силлогизм аксиомаси, кузатиш, тажриба, эксперимент, тулик индукция, туликсиз индукция, оммабоп индукция, илмий индукция, сабабий алоқадорлик, ўхшашлик методи, тафовут методи, йулдош узгаришлар методи, колдиклар методи, хусусиятлар аналогияси, муносабатлар аналогияси, моделлаштириш. Аргументлаш, ишонч-эътиқод, исботлаш, тезис, аргументлар, исботлаш усули, бевосита исботлаш, билвосита исботлаш, раддия, рад этиш усуллари, исботлаш ва рад этиш қоидалари.

Ахлоқшунослик” фанини ўқитишда педагогик технологик карта тузиб олиш

Мавзу: Ахлоқшуносликнинг тадқиқот доираси, мақсади ва вазифалари. Ахлоқнинг келиб чиқиши ва унинг тузилмаси. Қадимги дунё ва ўрта асрларда ахлоқий қарашлар. (2 соат).

Мақсад	**Ўқитувчи:** Ахлоқшуносликнинг тадқиқот доираси, мақсади ва вазифалари. Ахлоқнинг келиб чиқиши ва унинг тузилмаси. Қадимги дунё ва урта асрларда ахлоқий қарашлар унинг назарий ва амалий ахамияти тўғрисида тушунчалари бериши. **Талаба**: Ўрганиш, дарсда фаол қатнашиш, топшириқларни бажариш.	
Вазифалар	**Ўқитувчи:** Мавзуга оид оғзаки маълумотларни талабалар томонидан жамоа ҳолатида ўзлаштириб олишлари ҳамда ақлий ҳужум орқали Ахлоқ нима? Ахлоқнинг ҳулқ ва одобдан қандай фарқи бор? ҳақидаги талабаларнинг ўзлаштирган билимларини назорат қилиш. **Талаба:** -Ахлоқшунослик ахлоқнинг келиб чиқиши, моҳияти, тараққиёти ҳамда инсоннинг оила ва жамиятдаги ахлоқий муносабатларини ўрганадиган қадимий фалсафий фан. -Ахлоқшунослик уч ахлоқий ходиса-одоб,хулқ ва ахлоқнинг узвий маънавий босқич сифатида ўрганадиган фан. -Ахлоқ тузилмаси: ахлоқий онг, ахлоқий хиссиёт, ахлоқий муносабатлар. - Қадимги Шарқ ахлоқий тафаккурнинг бешиги эканлиги.	
Дарс жараёнининг ташкил	1. Ташкилий қисм 2. Мақсад ва вазифаларни қўйиш. 3. Ўрганилганларни умумлаштириш, такрорлаш ва тизимлаштириш	5 дақиқа 3 дақиқа

этилиши	4. Якун ясаш 5. Уйга вазифа	57дақиқа 10дақиқа 5 дақиқа
Дарс жараёнининг мазмуни	Ахлоқшунослик ахлоқнинг келиб чиқиши, моҳияти, тараққиёти ҳамда инсоннинг оила ва жамиятдаги ахлоқий муносабатларини ўрганадиган қадимий фалсафий фан.Ахлоқшунослик уч ахлоқий ходиса-одоб,хулқ ва ахлоқнинг узвий маънавий босқич сифатида ўрганадиган фан. Ахлоқ фақат инсонгагина ато этилган маънавий неъмат.Ахлоқ тузилмаси: ахлоқий онг, ахлоқий хиссиёт, ахлоқий муносабатлар. Қадимги Шарқ ахлоқий тафаккурнинг бешиги эканлиги.	
Ўқув жараёнини амалга ошириш технологияси	**Метод:** оғзаки баён қилиш, “ақлий ҳужум”, “муаммо”…. **Форма:** Маъруза, жамоада ва гуруҳларда ишлаш. **Восита:** А3 форматдаги маълумотлар, чизмалар, нутқ. **Усул:** Тушунтириш, кўрсатиш, сўраш, муаммоли савол. **Назорат:** Кузатиш, оғзаки назорат, якка ва гуруҳий назорат, савол жавоблар.	
Кутилаётган натижалар	**Ўқитувчи:** Мавзуни қисқа вақт ичида барча талабалар томонидан ўзлаштирилишига эришади. Талабалар фаоллигини оширади. Талабаларда дарсга нисбатан қизиқиш уйғотади. Ўз олдига қўйган мақсадга эришади. **Талаба:** Ахлоқшунослик ахлоқнинг келиб чиқиши, моҳияти, тараққиётини ўрганувчи фан. Ахлоқшунослик уч ахлоқий ходиса-одоб,хулқ ва ахлоқнинг узвий бирлигини ўрганадиган фан.Ахлоқ тузилмаси: ахлоқий онг, ахлоқий хиссиёт, ахлоқий муносабатлар. Қадимги Шарқ ахлоқий тафаккурнинг бешиги эканлиги. ҳақида янги билимларни эгаллайди. Нутқ ривожланади ва эслаб қолиш қобилияти кучаяди. Қисқа вақт ичида кўп маълумотга эга бўлади.	
Келгуси режалар	**Ўқитувчи:** янги педагогик технологияларни ўзлаштириш ва дарсда татбиқ этиш, такомиллаштириш. Ўз устида ишлаш. Мавзуни ҳаётий воқеалар билан бойитиш, боғлаш. Педагогик маҳоратни ошириш. **Талаба:** Шу мавзу юзасидан қўшимча материаллар топиш, уларни ўрганиш.	

Дарс жараёнининг бориши

1.	Ташкилий қисм	Саломлашиш, йўқлама
2.	Мақсад ва вазифаларни қўйиш	Талабаларга ахлоқшунослик ахлоқнинг келиб чиқиши, моҳияти, тараққиёти ҳамда инсоннинг оила ва жамиятдаги ахлоқий муносабатларини ўрганадиган қадимий фалсафий фан эканлигини тушунтириш. Ахлоқшунослик уч ахлоқий

		ходиса-одоб,хулқ ва ахлоқнинг узвий бирлигини тушунтириш. Ахлоқ тузилмаси: ахлоқий онг, ахлоқий хиссиёт, ахлоқий муносабатларни курсатиш. Қадимги Шарқ ахлоқий тафаккурнинг бешиги эканлигини изохлаш. Ўрта асрлар мусулмон Шарқи ахлоқшунослиги ва ундаги диний-хадисий йўналиш ва дунёвий-материалистик йўналишларни билиб олишига ёрдам бериш.
3.	Мотивация	Дарс сўнгида фаол талабалар рағбатлантирилади.
4.	Ўрганилганларни умумлаштириш, такрорлаш ва тизимлаштириш	1”Ахлоқшунослик” ибораси нимани англатади? 2. Одоб нима? 3.Ахлоқшунослик қайси ижтимоий фанлар билан яқиндан алоқадор? 4.Ахлоқнинг келиб чиқиши ҳақидаги икки хил фикрнинг асосий моҳияти нимада? 5. Дастлабки ахлоқий қонун-қоидалар қандай ахлоқий талабларни ўз ичига олади? 6. Ахлоқ тузилмаси қандай унсурлардан ташкил топади? 7. “Авесто”нинг ахлоқий аҳамияти нималарда кўринади? 8. Тасаввуф ва унинг ахлоқ фалсафаси сифатида намоён бўлиши қайси хусусиятларга асосланади?
5.	Баҳолаш ва фаол талабаларни рағбатлантириш	Талабалар сони кўп бўлганлиги сабабли саволларга аниқ ва тўғри жавоб берган талабалар дарс сўнгида баҳоланади.
6.	Дил сўзлари	Эътиборингиз учун раҳмат, саломат бўлинг.
7.	Уйга вазифа	Мавзу юзасидан берилган адабиётлар бўйича семинар машғулотига тайёрланиш, янги маълумотларни ўзлаштириш.

1-мавзу. Ахлоқшуносликниг тадқиқот доираси, мақсади ва вазифалари. Ахлоқнинг келиб чикиши ва унинг тузилмаси.

Кадимги Дуне ва ўрта асрларда ахлоқий қарашлар. (2 соат)

Режа:

1. Ахлоқшунослик фанининг тадқиқот доираси, мақсади ва бошқа фанлар билан алоқаси.

2. Ахлоқнинг келиб чикиши ва унинг тузилмаси.

3. Қадимги Шарқ ва Марказий Осиёда ахлоқий тафаккўрнинг ривожланиши.

4. Қадимги Юнон ва Румо ахлоқшунослиги.

АДАБИЁТЛАР

1. Каримов И.А. Ўзбекистоннинг сиёсий-ижтимоий ва иқтисодий истиқболининг асосий тамойиллари. Тошкент., «Ўзбекистон», 1995.

2. Каримов И.А. Ҳалоллик ва фидойилик фаолиятимизнинг асосий мезони бўлсин. Тошкент, «Ўзбекистон», 1994.

3. Ибн Сино. Баҳманёр ал-Озарбойжоний билан мунозара. «Соғлом авлод учун» журнали, 1996 йил, 3-4-сонлар.

4. Авесто. Аша алқови. «Соғлом авлод учун «журнали,1996 йил, 5-6- сонлар.

5. Конфуций. Панд-ўгитлар.»Соғлом авлод учун» журнали, 1997 йил, 5-6- сонлар.

6. Маҳмудов Т. «Авесто» ҳақида. «Гулистон» журнали, 1999 йил, 4-5-сонлар.

7. Аристотель. Никомахова этика. || Аристотель. Сочинения в 4-х томах, том 1, Москва, «Мысль», 1983.

8. Законы Ману. Москва, 1960.

9. Гусейнов А, Иррлиц Г. Краткая история этики, Москва, «Мысль», 1987.

10. Иванов В. История этики Древного мира. Ленинград, Издательство ЛГУ, 1980.

11. Крамер С. История начинается в Шумере, Москва, «Наука»,1989.

12. Философия и жизнь. Серия № 10, 1990, №3 1991, Москва, «Знание».

13. Хайдеггер М. Учения Платона об истине || Историко-философский ежегодник. Москва, «Наука», 1986.

1- масала. Ахлоқшунослик бир неча минг йиллик тарихга эга бўлган қадимий фан. У бизда «Илми равиш»,»Илми ахлоқ»,»Ахлоқ илми»,»Одобнома» сингари номлар билан атаб келинган. Оврўпода эса «Этика» номи билан машҳур, биз ҳам яқин-яқингача шу атамани қўллар эдик. Уни биринчи бўлиб юнон файласуфи Арасту муомалага киритган. Арасту фанларни тасниф қиларкан, уларни уч гуруҳга бўлади: назарий, амалий ва ижодий. Биринчи гуруҳга у фалсафа, математика ва физикани; иккинчи гуруҳга – этика ва сиёсатни; учинчи гуруҳга эса – санъат, ҳунурмандчилик ва амалий фанларни киритади. Шундай қилиб, қадимги юнонлар ахлоқ ҳақидаги таълимотни фан даражасига кўтарганлар ва «Этика» (ta ethika) деб атаганлар.

Ҳозирги кунда бу фанни илмий ва замонавий талаблар нуқтаи назаридан «Ахлоқшунослик» деб аташни мақсадга мувофиқ деб ўйлаймиз.

Ахлоқшунослик ахлоқнинг келиб чиқиши ва моҳиятини, кишининг жамиятдаги ахлоқий муносабатларини ўрганади. «Ахлоқ» сўзи арабчадан олинган бўлиб, «ҳулқ» сўзининг кўплик шаклидир. «Ахлоқ» ибораси икки хил маънога эга: умумий тушунча сифатида фаннинг тадқиқот объектини англатса, муайян тушунча сифатида инсон феъл-атвори ва хатти-ҳаракатининг энг қамровли қисмини билдиради. Ахлоқни умумий тушунча сифатида олиб, уни доира шаклида акс эттирадиган бўлсак, доиранинг энг кичик қисмини одоб, ундан каттароқ қисмини ҳулқ, энг қамровли қисмини ахлоқ эгаллайди.

Одоб – инсон ҳақида ёқимли таассурот уйғотадиган, лекин жамоа, жамият ва инсоният ҳаётида у қадар муҳим аҳамиятга эга бўлмайдиган, миллий урф-одатларга асосланган чиройли хатти-ҳаракатларни ўз ичига олади.

Ҳулқ – оила, жамоа, маҳалла-кўй миқёсида аҳамиятли бўлган, аммо жамият ва инсоният ҳаётига сезиларли таъсир кўрсатмайдиган ёқимли инсоний хатти-ҳаракатларнинг мажмуи.

Ахлоқ эса – жамият, замон, инсоният тарихи учун намуна бўла оладиган ижобий хатти-ҳаракатлар йиғиндисидир.

Бу фикрларимизни мисоллар орқали тушунтиришга ҳаракат қиламиз. Дейлик, метрода ёшгина йигит, талаба ҳамма қатори ўтирибди. Навбатдаги бекатдан бир кекса киши чиқиб, унинг рўпарасида тик туриб қолди. Агар талаба дарҳол: «Ўтиринг, отахон!» деб жой бўшатса, у чиройли аъмол қилган бўлади; четдан қараб турганлар унга ич-ичидан миннатдорчилик билдириб: «Барака топгур, одобли йигитча экан», деб қўяди. Аксинча, талаба ё тескари қараб олса, ёки ўзини мудраганга солиб, қарияга жой бўшатмаса, ғашимиз келади, кўнглимиздан: «Бунча беодоб, сурбет экан!» деган фикр ўтади, хуллас, у бизда ёқимсиз таассурот уйғотади. Лекин, айни пайтда, талабанинг қарияга жой бўшатгани ёки бўшатмагани оқибатида вагондаги йўловчилар ҳаётида бирор-бир ижобийми, салбийми – муҳим ўзгариш рўй бермайди.

Ҳулққа қуйидагича мисол келтириш мумкин: маҳалламиздаги оила бошлиқларидан бири имкон борича кўни-қўшниларнинг барча маъракаларида хизматда туради, ҳеч кимдан қўлидан келган ёрдамини аямайди, очиқ кўнгил, очиқ қўл, доимо ўз билимини ошириб боришга интилади, тиришқоқ, оила аъзоларига меҳрибон ва ҳ. к. Ундай одамни биз ҳушхулқ инсон деймиз ва унга маҳалламизнинг намунаси сифатида қараймиз. Борди-ю, аксинча бўлса, у кўни-қўшнилар билан қўпол муомала қилса, тўй- маъракаларда жанжал кўтарса, сал гапга ўдағайлаб, мушт ўқталса, ичиб келиб, оилада хотин-болаларини уриб, ҳақоратласа, уни бадхулқ деймиз. Унинг бадхулқлилигидан оиласи, баъзи шахслар жабр кўради, маҳалладагиларнинг тинчи бузилади, лекин хатти-ҳаракатлари жамият ижтимоий ҳаётига ёки инсоният тарихига бирор бир таъсир ўтказмайди.

Ахлоққа келсак, масала жиддий моҳият касб этади: дейлик, бир туман ёҳуд вилоят прокурори ўзи масъул ҳудудда доимо қонун устуворлигини, адолат қарор топишини кўзлаб иш юритади, лозим бўлса, ҳокимнинг ноқонуний фармойишларига қарши чиқиб, уларнинг бекор қилинишига эришади; оддий фуқаро наздида на фақат ўз касбини эъзозловчи шахс, балки ҳақиқий ҳуқуқ посбони, адолатли тузум тимсоли тарзида гавдаланади; у – умрини миллат, Ватан ва инсон манфаатига бағишлаган юксак ахлоқ эгаси; у, ўзи яшаётган жамият учун намуна бўлароқ, ўша жамиятнинг янада тараққий топишига хизмат қилади. Агар мазкур прокурор, аксинча, қонун ҳимоячиси бўлатуриб, ўзи қонунни бузса, шахсий манфаати йўлида оқни қора, қорани оқ деб турса, у ахлоқсизлик қилган бўлади: оддий фуқоро наздида биргина киши прокурор-амалдор эмас, балки бутун

жамият адолатсиз экан, деган тасаввур уйғонади. Бу тасаввўрнинг мунтазам кучайиб бориши эса, охир-оқибат ўша жамият ёки тузумни таназзулга олиб келади.

Албатта, ҳар учала ахлоқий ҳодиса ва уларнинг зидди нисбийликка эга. Чунончи, ҳозиргина мисол келтирганимиз прокурорнинг ахлоқсизлиги даражаси билан ўз якка ҳукмронлиги йўлида миллионлаб бегуноҳ инсонларни ўлимга маҳкум этган Ленин, Сталин, Ҳитлер, Пол Пот сингари шахслар орасида фарқ бор: агар прокурорнинг ахлоқсизлиги бир миллат ёки мамлакат учун зарар қилса, тоталитар тузум ҳукмдорлари хатти-ҳаракатлари умумбашарий миқёсдаги фожиаларга олиб келади.

Бу ўринда шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, ахлоқий тарбия натижасида одоблилик-хушхулқлиликка, хушхулқлилик – юксак ахлоқийликка айлангани каби, ахлоқий тарбия йўлга қўйилмаган жойда муайян шахс, вақти келиб, одобсизликдан – бадхулқлиликка, бадхулқлиликдан – ахлоқсизликка ўтиши мумкин.

Шундай қилиб, ахлоқшунослик мазкур уч ахлоқий ҳодисани бир-бири билан узвийликда ва нисбийликда ўрганади.

Ахлоқшунослик қадимда физика ва метафизика билан биргаликда фалсафанинг узвий (учинчи) қисми ҳисобланар эди. Кейинчалик (Арастудан сўнг) алоҳида фалсафий йўналишдаги фан мақомини олди. Бу фикрни қуйидагича кенгайтириброқ талқин этиш мумкин. Маълумки, фалсафанинг фанлар подшоси сифатидаги вазифаси барча табиий ва ижтимоий илмлар эришган ютуқлардан умумий хулосалар чиқариб, инсониятни хақиқатга олиб боришдир. Шундан келиб чиққан ҳолда, фалсафанинг тадқиқот объектини тафаккур деб белгилаш мақсадга мувофиқ. Ахлоқшунослик ахлоқий тафаккур тараққиётини тадқиқ этади ва амалиётда инсонни эзгулик орқали ҳақиқатга олиб боришга хизмат қилади. Шу боис уни ахлоқ фалсафаси ёхуд эзгулик фалсафси деб аташ мумкин.

Ҳозир у фалсафий фан сифатида уч йўналишда иш олиб боради, яъни ахлоқий тафаккур тараққиётини тадқиқ этар экан, у ахлоқни: 1) баён қилади; 2) тушунтиради; 3) ўргатади. Шунга кўра, у тажрибавий-баёний, фалсафий-назарий ва расмона-меъёрий табиатга эга. Қадимгилар уни амалий фалсафа деб атаганлар. Зеро соф назарий ахлоқшуносликнинг бўлиши мумкин эмас. У инсоният ўз тажрибаси орқали эришган донишмандлик намуналарини ҳикматлар, нақллар, матал-мақоллар тарзида баён этади, кишиларни ахлоқий қонун-қоидаларга ўргатади, уларга ахлоқнинг моҳиятини тушунтиради ва фалсафий хулосалар чиқаради

Ахлоқшунослик бошқа ижтимоий-фалсафий фанлар билан ўзаро алоқадорликда ривожланиб келмоқда. Айниқса, унинг нафосатшунослик (эстетика) билан алоқаси қадимий ва ўзига хос. Аввало, инсоннинг ҳар бир хатти-ҳаракати ва нияти ҳам ахлоқийликка, ҳам нафосатга тегишли бўлади, яъни муайян ижобий фаолият ҳам эзгулик (ички гўзаллик) ҳам нафосат (ташқи гўзаллик) хусусиятларини мужассам қилади. Шу боис Суқрот, Афлотун, Форобий сингари қадимги файласуфлар кўп ҳолларда ахлоқийликни ички гўзаллик, нафосатни ташқи гўзаллик тарзида талқин этганлар. Бундан ташқари, маълумки, саньат нафосатшуносликнинг асосий тадқиқот объекти ҳисобланади. Ҳар бир саньат асарида эса ахлоқнинг долзарб муаммолари кўтарилади ва санъаткор доимо ўзи яшаётган замонда эришилган энг юксак ахлоқий даражани бадиий қиёфалар орқали бевосита ёхуд билвосита акс эттиради. Демак, нафосатшунослик ўрганаётган ҳар бир бадиий асар айни пайтда, маълум маънода, ахлоқшунослик нуқтаи назаридан ҳам тадқиқ этилаётган бўлади.

Ахлоқшуносликнинг диншунослик билан алоқаси шундаки, ҳар иккала фан ҳам бир хил муаммо – ахлоқий мезон муаммосини ҳал этишга қаратилган. Чунки умумжаҳоний динлар вужудга келгунига қадар мавжуд бўлган маълум урф-одатлар ва қадриятлар муайян

диний қонун-қоидаларга, муқаддас диний китобларга катта таъсир кўрсатган. Айни пайтда, динлар ҳам ахлоққа ана шундай таъсир ўтказганлар.

Чунончи, ислом динини оладиган бўлсак, Қурьони карим, Ҳадиси шариф, Ижмоъ ва муайян фатволардаги мезонлар ҳамда талаблар мусулмон Шарқи миллатлари ахлоқий даражасининг шаклланишида катта аҳамият касб этган. Шунингдек, комил инсон муаммоси ҳар иккала фан учун умумий ҳисобланади. Фарқ шундаки, ахлоқшунослик бу муаммога замонавий тарбия нуқтаи назаридан ёндошади.

Ахлоқшуносликнинг ҳуқуқшунослик билан алоқаси узоқ тарихга эга. Маълумки, жуда кўп ҳолларда ахлоқ меъёрлари билан ҳуқуқ меъёрлари моҳиятан ва мазмунан бир хил бўлади. Шунга кўра, ахлоқни жамоатчилик асосдаги ҳуқуқ, ҳуқуқни эса қонунийлаштирилган ахлоқ деб аташ мумкин. Зеро, ахлоқшунослик билан ҳуқуқшуносликнинг тадқиқот объектлари кўп жиҳатдан ўхшаш, улар фақат ёндошув усули нуқтаи назаридан фарқ қилади, яъни ҳуқуқ меъёрларининг бажарилиши, одатда, махсус адлия идораларидаги лавозимли кишилар орқали, мажбурий санкциялар воситасида йўлга қўйилади: ахлоқ меъёрлари эса умумий қабул қилинган миллий урф-одатлар, жамоатчилик фикри ёрдамида, алоҳида белгиланган кишилар томонидан эмас, балки муайян ижтимоий гуруҳ, жамият томонидан амалга оширилади. Шунингдек, ҳуқуқшунослик касби учун муҳим бўлган амалий ахлоқ жиҳатларини ахлоқшуносликнинг ҳуқуқшунос одоби деб аталадиган махсус соҳаси тадқиқ қилади ва тавсия этади.

Ахлоқшунослик педагогика билан ҳам чамбарчас алоқада. Педагогикадаги шахсни шакллантириш, тарбиялаш, таълим бериш жараёнларини панд-насиҳатларсиз, одобнома дарсларисиз тасаввур қилиб бўлмайди. Шу боис ахлоқшунослик ўзининг назарий ва, айниқса, амалий жиҳатлари билан педагогиканинг асоси ҳисобланади. Зеро, маориф тизимидаги таълим-тарбия ўзини ҳар бир қадамда ахлоқий тарбия сифатида намоён қилади.

Қадимдаёқ ахлоқшуносликнинг руҳшунослик (психология) билан алоқаси алоҳида аҳамиятга эга бўлган. Зотан, бу иккала фан кишилар хатти-ҳаракати, феъл-атвори ва майл-истакларини ўрганади. Лекин бу ўрганиш икки хил нуқтаи назардан олиб борилади: руҳшунослик у ёки бу хатти-ҳаракат, феъл-атвор, сабабий асос (мотив) ларнинг руҳий табиати ва шаклланиш шарт-шароитларини очиб беради, ахлоқшунослик руҳшунослик тадқиқ этган ҳодисаларнинг ахлоқий аҳамиятини тушунтиради.

Ахлоқшуносликнинг ижтимоийшунослик (социология) билан алоқаси ўзига хос. Бу иккала фан инсон фаолиятини бошқаришнинг ижтимоий муруватларидан бўлмиш ахлоқни ўрганади. Лекин ахлоқшуносликнинг миқёси бу борада кенг. Маълумки, социология инсонларнинг оммавий хатти-ҳаракати ва уларнинг қонуниятларини фақат муайян ижтимоий тузум доирасидагина тадқиқ этади. Ахлоқшунослик эса, ўз моҳиятига кўра, лозим бўлганда, муайян ижтимоий тузум ёки давр доирасидан чиқиб, инсон ахлоқининг юксак ютуғи сифатида келгуси даврлар учун ҳам тарихий ва ахлоқий аҳамият касб этган шахсий, истисноли хатти-ҳаракатларни ҳамда уларнинг сабабий асосларини ўрганади.

Ахлоқшуносликнинг сиёсатшунослик билан алоқаси, айниқса, ўзига хос ва мураккаб. Чунки сиёсий кўраш қарама-қарши ахлоқий қоидалар ва талаблар кўрашини тақазо этади. Шахсий интилишлар билан давлат ва жамият манфаатларининг мослиги, мақсадлар ва воситаларнинг пок ёки нопоклиги муаммолари ўртага чиқади. Лекин, аслида сиёсат қай даражада ахлоқийлик касб этса, шунчалик у оқилона бўлади. Бу ҳозирги кунда ахлоқшунослик ҳам, сиёсатшунослик ҳам жиддий тадқиқ этадиган энг муҳим умумий муаммолардан биридир. Шунингдек, раҳбарлик одоби, партиявий одоб, этикет сингари ахлоқшуносликнинг муомала маданияти доирасига кирувчи махсус соҳалари ҳам сиёсатшунослик билан чамбарчас боғлиқ.

Бундан ташқари, кейинги пайтларда ахлоқшуносликнинг экология билан алоқаси тобора мустаҳкамланиб бормоқда. Тарихан ахлоқшунослик кўпроқ инсоннинг ўзи, ўзгалар ва жамият олдидаги мажбуриятларини таҳлил этиш билан шуғулланган, унинг табиатга бўлган муносабати диққат марказидан четда қолиб келган. Лекин, кейинги даврларда, айниқса, XX асрда табиатга нисбатан тор манфаатпарастлик доирасидаги ёндошувлар оқибатида пайдо бўлган экологик буҳрон манзарани ўзгартирди. Эндиликда глобал экологик муаммолар кўпроқ одамларнинг ижтимоий-ахлоқий нуқтаи-назарларига боғлиқ экани маълум бўлиб қолди. Шундай қилиб, ҳозирги кундаги экологик муаммоларни ҳал этиш ахлоқшуносликка бориб тақалмоқда. XX асрда экологик ахлоқшунослик деган махсус соҳа ҳам юзага келди. Лекин, бу - ахлоқшунослик экологияни тўлиқ ўз ичига олади, деган сўз эмас. Чунки бунда ахлоқий баҳолаш ва бошқариш объекти сифатида табиатнинг ўзи эмас, балки одамнинг табиатга бўлган муносабати майдонга чиқади.

Ахлоқшунослик ҳамма даврларда ҳам юксак аҳамият касб этиб келган фан. Фақат зулм ва зўравонликка, адолатсизлик ва ҳуқуқсизликка асосланган тоталитар тузумлардагина ёлғонга бўйсундирилган, сохталаштирилган ҳамда шу йўл билан унинг аҳамияти пасайтирилган. Мамлакатимиз мустақилликка эришиши шарофати билан яна ахлоқшунослик янги жамиятда тобора ўз юксак мавқеини эгаллаб бормоқда.

Шу ўринда Республикамиз Президенти Ислом Каримовниинг қуйидаги қимматли фикрларини келтириш жоиз: «Аслини олганда, ахлоқ – маънавиятнинг ўзаги», «Инсон ахлоқи шунчаки салом-алик, хушмуомалаликдангина иборат эмас. Ахлоқ – бу, аввало, инсоф ва адолат туйғуси, иймон, ҳалоллик дегани». Бу фикрлар, бир томондан, эски тузумдан қолган ахлоқсизлик кўринишларига лоқайд қаровчиларга ва ахлоқшуносликни енгил-елпи, иккинчи даражали фан сифатида тушунувчиларга адолатли зарба бўлса, иккинчи томондан, ахлоқнинг янги жамиятимиздаги улкан мавқеини ҳамда ахлоқшуносликнинг жиддий назарий тадқиқотларга суяниши кераклигини таъкидлайди. Зеро ҳозирги шароитда тоталитар тузум таъқиқи ёҳуд таъқибига учраган миллий ва умуминсоний ахлоқий қадриятлар ҳамда қадимий урф-одатларимиз, анъаналаримиз янги замон маънавий қадриятларини яратишда асос бўлиб хизмат қилиши мумкин.

Ана шу янгиланиш жараёнида ахлоқшуносликнинг ўз ўрни бор. Унинг олдида янги демократик ва ҳуқуқий давлат барпо этишга киришган мамлакатимиз фуқароларининг, айниқса, ёшларнинг ахлоқий даражасига масъуллик ва ҳар томонлама камол топган замон кишиси тарбиясини назарий асослашдек улкан вазифалар турибди. Уларни фақат қадимий ва ҳар доим замонавий бўлиб келган ахлоққа янгича ёндашувлар асосидагина амалга оширса бўлади. Айни пайтда, уларни ахлоқшунослик фани олдида турган вазифаларнинг бир қисми, таъбир жоиз бўлса, миллий ахлоқшунослик вазифалари деб аташ мумкин. Зеро фанимизнинг ҳозирги кунда умумжаҳоний глобал муаммоларни ҳал қилишдек муҳим вазифаси ҳам борки, у ҳақда алоҳида тўхталмасликнинг иложи йўқ. Улардан бири, энг муҳими сайёрамизда «этосфера» – ахлоқий муҳит даврини яратиш билан боғлиқ.

Маълумки, юзлаб асрлар мобайнида инсон кичик биологик олам сифатида катта биологик олам ичида, унинг бир парчаси, жонли организмлар подшоси, оқил ва ҳукмрон қисми сифатида яшаб келди. XIX асрнинг охиридан бошлаб, айниқса XX асрда у ўз тафаккур қуввати билан, илмий-техникавий инқилоблар туфайли ана шу биосфера ичида ноосферани-техникавий муҳитни яратди. Мана, ҳозирги кунда, қаранг, эрталабдан кечгача биз ўз техникавий кашфиётларимиз ичида яшаймиз-еймиз, ичамиз, юрамиз, ухлаймиз уларсиз ҳаётимизни тасаввур қила олмаймиз. Булар метро, автобус, телевизор, радио, телефон, эскалатор, плейер, лифт, компьютер, поезд, тайёра, теплоход, газ плиталари, электр асбоблари, заводлар, локаторлар, кимёвий дори-дармонлар ва ҳ. к. Бугун видео телефонда гаплашар эканмиз, юзлаб чақирим наридаги суҳбатдошимизни кўриш ва у билан гаплашиш учун от-уловда ёки пиёда борадиган бўлсак, неча кунлаб йўл босишимиз

кераклиги ҳақида ўйлаб ўтирмаймиз, тўғрироғи, бу эсимизга ҳам келмайди. Чунки техника бизнинг яшаш муҳитимизга айланиб қолган.

Фақат бугина эмас. Инсон эндиликда ўзи яшаётган бутун бошли сайёрага таъсир кўрсата бошлади. Ер тарихида инсон биринчи марта улкан геологик куч бўлиб майдонга чиқди. Инсоний тафаккур биосферадаги ўзгаришларнинг асосий сабабига айланди. Бу ҳақда ноосфера таълимоти асосчиларидан бири буюк рус олими В.И. Вернадский шундай деган эди: «Бутун геологик давр мобайнида яратилган, ўз мувозанатларида барқарорлашган биосфера инсон илмий тафаккури босими остида тобора кучлироқ ва теранроқ ўзгаришга киришди... Афтидан, инсон илмий тафаккури ҳаракатининг бу томони табиий ҳодиса бўлса керак... Ҳозир биз биосферадаги янги геологик эволюцион ўзгаришларни бошдан кечиряпмиз. – Биз ноосферага кириб боряпмиз». Аммо ноосфера фақат ижобий эмас, балки салбий ҳодиса сифатида ҳам намоён бўлмоқда. Атом, водород, нейтрон бомбаларининг кашф этилиши, ядро каллакли балеистик ракеталарнинг яратилиши ана шундай салбий ҳодисалардандир. Бундан ташқари, ноосферанинг вужудга келиши атмосферани, оламий океанни, ер ости ва ер усти сувларини, набототни, ҳайвонотни, ҳатто инсонни ич-ичидан кимёвий заҳарланишга олиб келди. Ҳозирги кунда тирик организмларнинг, ўсимликларнинг, ҳайвонларнинг кўпгина турлари жисман йўқ бўлиб кетиш арафасида турибди. Айниқса жой тополмай, океанда, кемаларда сўзиб юрган радиоактив чиқиндилар ёки уларнинг кимсасиз гўзал ороларга кўмиб ташланиши, кислота ёмғирларининг кўпайиб бориши сингари ҳодисалар бағоят хатарли. Афсуски, инсон кўра-била туриб, ўзи ўтирган шохга болта уришни тўхтатмаётир. Бу муаммоларнинг ҳал этилиши фақат атроф-муҳитни кимёвий заҳардан экологик тозалашнигина эмас, балки, энг аввало, глобал маънода, XXI аср кишиси онгини технократия заҳаридан фориғлантиришни тақозо этади. Яъни, улар инсоният олдида эндиликда экологик ҳодиса эмас, балки том маънодаги ахлоқий муаммолар сифатида кўндаланг бўлиб турибди. Машҳур австриялик этолог олим, Нобель мукофоти лауреати Конрад Лоренц: «Ёппасига ва тез ёйилиб бораётган жонли табиатга бегоналашиш ҳодисасининг асосий сабаби цивилизациямиз кишисидаги эстетик ва ахлоқий тўпосликдир», деган сўзлари шу нуқтаи назардан айни ҳақиқат.

Юқорида айтилганлардан чиқадиган хулоса битта: келажакда инсон ўзини ва ўз сайёрасини муқаррар ҳалокатдан қутқараман деса – XXI асрдан бошлаб этосфера даврига ўтиши керак; ахлоқийлик ҳар биримиз учун ҳар қадамда бугунги техникавий муҳит каби заруратга айлангандагина бунга эришиш мумкин. Бунда ахлоқшунослик фанининг ўрни ниҳоятда беқиёс.

Шунингдек, яна бир муҳим муаммо бу – биологик ахлоқшунослик. Мазкур ҳодиса сўнгги бир неча ўн йиллик ичида соф табобат муаммосидан тўлақонли ахлоқий муаммога айланди: эндиликда, бировнинг муайян аъзосини бошқа беморга жарроҳлик операцияси йўли билан ўтказиш орқали киши ҳаётини сақлаб қолиш ахлоқий нуқтаи назардан қандай баҳоланади, деган савол кун тартибида долзарб бўлиб турибди.

2- масала. Қадимий она сайёрамиздаги ҳаёт одатда уч оламдан иборат деб қабул қилинган. Булар – наботот, ҳайвонот ва башарият олами; уларнинг ўзаро муносабатлари заминимиздаги ҳаётнинг асосий омили ҳисобланади. Ҳар учаласига ҳам пайдо бўлиш, ривожланиш, ўзини муҳофаза қилиш, насл қолдиришга интилиш инстинкти берилган ва ҳаётининг бир кунмас-бир кун ўлим билан ниҳоя топиш қисмати белгиланган. Чунончи, ўсимлик уруғдан пайдо бўлади, ривожланади, синган шохлари ўрнини сирач чиқариб, даволайди – муҳофаза қилади, уруғини қолдириб, бир кун қурийди. Ҳайвон шу хусусиятлар билан биргаликда сезиш аъзолари ва қобилиятига ҳамда муайян даражада идрок этиш хислатига эга. Инсонда эса булардан ташқари мулоҳаза қилиш, фикрлаш қобилияти ва уят ҳисси, бир сўз билан айтганда, ақл бор. Уни Имом Ғаззолий олтинчи

сезги ёки иккинчи юрак, юрак ичидаги юрак деб атайди. Ана шу ақл ихтиёр эркинлигини, ихтиёр эркинлиги эса ахлоқни тақазо этади.

Бу фикрни ёйиброқ тушунтириш учун инсоннинг пайдо бўлиши тарихига назар ташламоқ жоиз.

Аввало, шуни айтиш керакки, инсоннинг пайдо бўлиши энг баҳсли муаммолардан бири ҳисобланади. Бу борада бир-бирига қарама-қарши икки қараш мавжуд. Бири – диний, иккинчиси – даҳрийча қараш. Диний-эътиқодий нуқтаи назардан одамни Худо яратган. Даҳрийча қараш эса, буни инкор этиб, одамни табиат яратган, у табиатнинг бир қисми, деган ғояни илгари суради. Улар орасида инглиз табиийётшуноси Чарльз Дарвин (1809-1882) фикрлари алоҳида эътиборга молик. У табиий турларнинг танлов йўли билан келиб чиқиши ҳақидаги эволюцион таълимотни яратди. Дарвин одам билан одамсимон маймунларнинг қардошлигини исботлашга уринди ва одам маймундан пайдо бўлган жонзот деган хулоса чиқарди. Дарвинча-даҳрийча қараш яқин-яқингача «социалистик лагерь» ҳудудига кирган мамлакатларда расмий, давлат ёндошуви сифатида ҳукм суриб келди. Тоталитар тузумга асосланган бу давлатлар таназзулга учрагач, яна инсонни Худо яратган деган фикр уларда етакчилик мавқеини эгаллади. Умуман, олганда, инсониятнинг интеллектуал тарихида, ҳатто нисбатан даҳрийлик асри бўлмиш XX асрда ҳам, инсонни Худо яратган, деган фикр камида тўқсон фойизни ташкил этади. Биз ҳам ана шу кўпчилик томонидамиз. Айни пайтда, камчилик билдирган ва билдираётган аксил фикр ҳам яшаш ҳуқуқига эга эканини тан оламиз.

Шуни ҳам айтиш керакки, баъзиларда, динийлик билан дунёвийлик бир-бири билан сиғишадиган ҳодисаларми, деган ҳавотирли савол туғилади. Биз унга «Ҳа!» деб жавоб берамиз. Улар на фақат сиғишади, балки бир-бирини тақозо этади. Хусусан, дунёвийлик динийликнинг мавжудлик шарти, яънибу дунё бўлмаганда, умумжаҳоний динлар ва муқаддас китоблар нозил қилинмаган бўлур эди. Улар бир-бири билан сиғишгани учун ҳам бугун биз Арастуга, Форобийга, Ибн Синога, Кантга, Улуғбекка, Ньютонга эгамиз. Ҳамма тушунмовчилик бизда ҳали ҳам шўролар давридан қолган сарқит-одатдан келиб чиқади: биз ҳали-ҳанузгача дунёвийликни эмас, даҳрийликни, дунёвий илмларни эмас, марксча-ленинча деб аталган сохта «фан»ни инкор этади. Дунёвийлик эса жамиятдаги динийликни ҳам, даҳрийдикни ҳам фуқароларнинг виждон эркинлиги сифатида қабул қилади. Шу боис бизнинг давлатимиз асло даҳрий давлат эмас. Франция, Олмония, Япония, АҚШ каби дунёвий давлат, таълим тизимимиз ҳам даҳрийликка эмас, дунёвийликка асосланади.

Ахлоқ ҳақида гап борганда, албатта унинг муайян тузилмаси, унга асос бўлган омиллар, унсурлар тўғрисида тўхталмаслик мумкин эмас. Ахлоқ тузилмасини, одатда, уч омил-асосдан иборат деб ҳисоблайдилар. Булар-ахлоқий англаш (ахлоқий онг), ахлоқий ҳис этиш (ахлоқий ҳиссиёт) ва ахлоқий муносабатлар (ахлоқий хатти-ҳаракатлар). Баъзи мутахассислар (чунончи, машҳур рус ахлоқшуноси А.И. Титаренко) ахлоқшунослик мезоний тушунчаларини (категорияларини), ахлоқий меъёрлар ва тамойилларни ахлоқ тузилмаси тарзида тақдим этадилар. Бизнинг нуқтаи назаримиздан бу фикр унчалик тўғри эмас. Чунки мазкур тушунчалар, тамойиллар ва меъёрлар кўпроқ ахлоққа эмас, балки уни ўрганадиган фанга – ахлоқшуносликка тааллуқлидир. Умуман, шуни айтиш керакки, ахлоқшунослик фанида анча-мунча чалкашликлар мавжудки, уларнинг сабабини мазкур фаннинг бошқа фанларга нисбатан алоҳида хусусиятларга эгалигидан, яъни унда кўп ҳолларда илмий-назарий жиҳатларнинг илмий-амалий томонлар билан омухталашиб кетганидан қидирмоқ лозим.

Шундай қилиб, ахлоқ тузилмаси уч асосий омилни: ахлоқий англаш, ахлоқий ҳис этиш ва ахлоқий муносабатларни ўз ичига олади. Айни пайтда ана шу омилларнинг тузилмадаги ўрни, тўғрироғи, мавқеи масаласида ҳам турли хил қарашлар мавжуд. Баъзи ахлоқшунослар ахлоқий англашни, бошқа бировлар ахлоқий ҳиссиётнинг ўзини асосий унсур деб талқин этадилар. Яна баъзи бировлар ахлоқий англаш-ахлоқий онгга етакчилик мавқеини берадилар. Хўш, аслида қандай қараш ҳақиқатга яқинроқ?

Аввало, шуни таъкидлаш керакки, жуда кўп ҳолларда ахлоқ тузилмасидаги мазкур уч омил-унсўрнинг бирортасисиз ахлоқ тушунчасини тасаввур қилиб бўлмайди. Бошқача айтганда, ахлоқни инсон кўзи олдида гавдалантирувчи ахлоқий муносабатларнинг ҳис этиш ва ахлоқий англашсиз юзага чиқиши, яъни мавжуд бўлиши мумкин эмас. Бундай ҳолат ахлоқий ҳис этишга ҳам, ахлоқий англашга ҳам тааллуқли. Зеро тузилмадаги бу уч унсур-омил бир-бирисиз камдан-кам мавжуд бўлади, доимо бир-бирини тақозо қилади.

Энди ахлоқий англашнинг тузилмадаги етакчилик мавқеига, тўғрироғи, асосий унсур сифатидаги ўрнига келсак, уни бу тарзда талқин этиш, бизнингча, тўғри эмас. Ваҳоланки, шўролар даврида ва ҳозирдаги рус олимлари орасида баъзи Ғарбдаги замонавий ахлоқшунослик йўналишларида ана шундай қараш ҳукмрон эканини кўрамиз. Аслида эса, тузилмада пойдевор унсур сифатида ахлоқий ҳиссиёт ёки ахлоқий ҳис этиш намоён бўлади. Тўғри, жуда кўп ҳолларда бирор бир ахлоқий қарорнинг амалга ошуви узоқ ёки қисқа вақт мобайнида ўша қарор оқибатлари тўғрисида онгли равишда хулоса чиқаришга, уларни аввалдан англаб етишга уриниш билан боғлиқ бўлади, яъни биз ўз хатти-ҳаракатларимизни ахлоқий англаш элагидан ўтказиб, фаолият кўрсатамиз. Лекин ўша англаб амалга оширилган ахлоқий қарор тубида, сўзсиз, ахлоқий ҳиссиёт ётади. Демак, ахлоқий ҳис этиш ахлоқий англаш учун материал вазифасини ўтайди.

Баъзан эса ўша «материал» – ҳиссиётнинг ўзи ахлоқий англашни четлаб ўтиб, муносабат тарзида намоён бўлади. Бунга инсоннинг фавқулодда ҳолатлардаги хатти-ҳаракати мисол бўла олади. Дейлик, юқори тезликда кетаётган автомобиль олдидан йўл ўртасига, коптокни қувиб, гўдак чиқиб қолди. Ҳайдовчи тормозни босиш баробарида, шу заҳоти машинасини кескин четга буради. Бола омон қолади, ҳайдовчи жароҳатланади, машина пачоқ бўлади. Бу ҳолатда ҳайдовчининг гўдакка нисбатан, меҳр-шафқати, ачиниш ҳисси, инсон боласини олий қадрият сифатида ҳис қилиши муҳим роль ўйнайди. ҳайдовчи ўз хатти-ҳаракатини «оқилона қарорга» келиши учун, «етти ўлчаб, бир кесиб» амалга оширмайди – ҳамма нарса бир лаҳзада рўй беради. Бунда англаш эмас, онг эмас, оний интуиция, ўз қавмдоши ҳаётини асрашдек табиий-биологик ҳиссиёт-инстинкт ҳал қилади, яъни мазкур ҳиссиёт том маънодаги англаш даражасига кўтарилиб улгурмасданоқ муносабатга айланади.

Хулоса қилиб айтганда, бизнинг ахлоқий ҳаётимиз, барча ахлоқий тажрибаларимиз, ахлоқий фаолиятимиз ана шу уч омил асосида рўёбга чиқади. Ахлоқий кодексларимиз, меъёрларимиз ва тамойилларимиз уларга асосланади. Лекин алдов, ёлғон, сохталик ва тоталитар ахлоқий зуғум ҳукмронлик қилган даврларда ёки мамлакатларда ахлоқий ҳиссиёт, ахлоқий англаш, ахлоқий муносабатлар қабул этилган кодекслар, меъёрлар ҳамда тамойилларга кўпинча тўғри келмайди. Расмий ахлоқий қонун-қоидалар билан ҳақиқий ахлоқий интилишлар орасида маънавий жарлик пайдо бўлади. Тилда бу қонун-қоидалар кўкларга кўтарилгани ҳолда, дилда, ич-ичдан уларга қаршилик ҳукм суради. Натижада жамият учун фожеа бўлган ахлоқий сўз билан ахлоқий фаолиятнинг алоҳида-алоҳида мавжудлиги рўй беради. Буни биз шўролар давридаги «коммунизм қурувчисининг ахлоқий кодекси» билан шу кодексни ҳаётга татбиқ этишга йўналтирилган гуруҳларнинг, «шу кодекс асосида яшаяпмиз» деган одамларнинг порахўрлигида, ташмачилигида, худбинлигида, ёлғончилигида кўрганмиз.

Биз шу ўрингача, эътибор қилсангиз, ахлоқни бутун инсоният учун умумий ҳодиса сифатида талқин этиб келдик. Зотан ахлоқ энг аввало, умуминсоний анъанавий ҳодисадир. Асосий ахлоқий қадриятлар, муштарак ахлоқий тушунчалар, ахлоқий тамойил ва меъёрлар барча минтақалар ҳамда миллатлар учун бир хил маъно касб этади. Чунончи, муҳаббат, эзгулик ва ёвузлик, яхшилик ва ёмонлик, виждон, бурч, инсонпарварлик, одамийлик, бахт, тўғрилик, ростгўйлик, сахийлик ва бахиллик сингари фазилат ҳамда иллатлар том маънода умуминсоний ҳодисалардир. Зеро ўзбекча эзгулик ёки ёвузлик, инглизча виждон, французча инсонпарварлик, арабча ёлғон, дейиш мумкинми? Албатта, йўқ.

Лекин, айни пайтда, ахлоқда умуминсонийлик хусусиятидан ташқари, минтақавийлик ва миллийлик хусусиятлари ҳам муҳим аҳамият касб этади. Минтақавийлик ва миллийлик хусусиятлари ахлоқнинг нисбатан кичикроқ қамровга эга бўлган кўринишларида – хулқий хатти-ҳаракатлар, одоб ва этикетда яққол кўзга ташланади. Чунончи, мусулмон минтақасида дастурхон устида бош кийимсиз ўтириш беодоблик ҳисобланади. Бунинг одобдан ташқари гигиеник-озодалик нуқтаи назаридан ҳам аҳамияти бор: овқатланиш пайтида рўмолсиз аёл ёки дўпписиз эркак бошидан соч толаси, кепак, чанг-гард таомга ёки дастурхонга тушиши мумкин. Насронийлар минтақасида эса аксинча дастурхон устида бош кийимни ечмаслик Худо инъом этган таом ва дастурхонга ҳурматсизлик саналади. Ёки америкалик йигит ўзи креслода ўтириб, оёқларини кулдон ва ичимлик ашёлари турган столчага чалкаштириб ташлаб, ором олади ва унинг учун бу табиий ҳол ҳисобланади. Ўзбек учун эса, столга ёки хонтахтага оёқ қўйиб ўтириш – ўта одобсизлик.

Ғарбу Шарқ минтақалари одобида яна бир катта фарқ борки, бу ҳозирги пайтда Ғарбда ҳуқуқнинг ахлоқдан, Шарқда ахлоқнинг ҳуқуқдан устуворлиги масаласи. Ғарб ёшлари, балоғатга етгач, ота-онага тенг ҳуқуқли фуқаролар сифатида муносабат қилади, ўзининг қарши фикрини тўппа-тўғри, ота ё онасининг юзига тик қараб, баён қилади ва буни инсон ҳуқуқларидан, шахс эркинлигидан фойдаланиш деб билади Шарқ ёшлари масалан, япон ёки ўзбек ота-онага тик гапиришни, тўғридан-тўғри қарши чиқишни анъанавий ахлоқий қоидаларнинг оёқ ости қилиниши деб тушунади, падари ё волидасига кўзини ерга тикиб, мулойим, ўз фикрини товуш кўтармай айтишни, баъзан эса сукут сақлашни афзал деб билади, уларга бўйсунишни бурч сифатида олиб қарайди. Афсуски, баъзи Ғарб мамлакатларида кекса авлодни ёшлар ҳуқуқий ҳаётига, эркинлигига ғов деб билиш ҳоллари мавжуд. Бунга кейинги пайтларда Англияда бир қанча ёшлар гуруҳларининг кўчада кетаётган қарияларни тутиб, дўппослашлари оқибатида юзага келган ўнлаб суд жараёнлари гувоҳлик беради.

Тўғри, шарқона этикет, одобий қонун-қоидаларнинг анъанавийлик билан боғлиқ, баъзи замонавий нуқтаи назардан нуқсли томонлари бор. Лекин, шунга қарамай, уларда инсонийлик ва меҳр- оқибат туйғулари ҳали ҳам мустаҳкам илдизга эга. Ғарбда эса ҳозирги пайтда бундай фазилатларни учратиш тобора ғайри табиий ҳолатга ўхшаб қолаётир. Шу боис ҳозирги пайтда Ғарбнинг ҳуқуқийлик тамойилини Шарқнинг ахлоқийлик тамойили билан уйғунлаштириш замонавий жамият тараққиётида муҳим роль ўйнайди.

3-масала. Илм дунёсидаги, ҳар қандай илмнинг тарихисиз назарияси бўлмайди, деган ҳикмат, айниқса, ахлоқшуносликка тааллуқли. Зеро ахлоқшунослик тарихи ахлоқий тафаккўрнинг вужудга келиши ҳамда унинг тараққиёти қонунларини ўрганади, маънавий меъроснинг улкан қисми бўлмиш ахлоқий таълимотлар, ҳикматлар, панд-ўгитларни замонавий жамият ҳаётига тадбиқ этиш ва тарғиб қилиш йўлларини таҳлил этади. Гарчанд ҳар бир ахлоқий концепция маълум бир мутафаккир мулоҳазалари ва фаолиятининг меваси бўлса-да, у, моҳиятан, муайян тарихий давр талабларидан келиб чиқади. Айни пайтда, турли одоб ва этикет қонун-қоидаларини ўз ичига оладиган ахлоқий тарғибот муаммолари, ахлоқий панд-ўгитлар ва меъёрлар талабларини бажариш, ахлоқий бошқариш соҳасига киради ҳамда ахлоқшуносликнинг одатда «амалий ахлоқ» деб аталадиган қисмини ташкил этади.

Дарҳақиқат, аввал айтиб ўтганимиздек, «Калила ва Димна»сиз, Конфуций ўгитларисиз, «Қобуснома»сиз халқ мақол ва маталларисиз бу фан тараққиётини тасаввур қилиш қийин. Шунингдек, муайян ахлоқий тизимни англаш, баҳолаш ҳам худди тарғибот сингари, маълум маънода адабиёт воситасида амалга оширилишини унутмаслик лозим.

Амалий ахлоқнинг дастлабки намуналари бундан уч ярим минг йил аввал дунёдаги биринчи ёзув бўлмиш мих хатда гилтахталарга ёзилган мақол ва маталлардир. Сомир (Шумер) алқовларида (гимнларида) деярли барча бош маъбудлар эзгулик, адолат, ҳақиқат ва яхшилик тарафдорлари бўлганлари учун ҳам мадҳ этилади. Чунончи, қуёш маъбуди Уту

ахлоқий меъёрларнинг бажарилишини махсус кузатиб турган, маъбуда Нанше эса, баъзи матнларда ҳақиқат адолат ва шафқат ҳомийси сифатида тасвирланади. Лекин, айни пайтда, маъбудлар томонидан ўрнатилган «Ме» деб аталган қонунлар рўйхатидан олам ҳаракатини тартибга солиш, унинг тўхтовсиз ва уйғун бўлишини таъминлаш мақсадида юқоридаги ахлоқий фазилатлар билан биргаликда – «ёлғон», «нифоқ», «гина», «кудурат», «қўрқув» тушунчалари ҳам ўрин олган. Шунингдек, сомирийларнинг мақол ва маталлари, ҳикмат-иборалари ҳам диққатга сазовор; уларнинг кўпчилиги умуминсоний ҳикматлар даражасига кўтарилган ва Шарқда бир оз бошқачароқ шаклда ҳозир ҳам қўлланилади. Бундан ташқари, турли ахлоқий муаммолар эса «Гильгамеш» эпоси достонларида кўтарилган.

Сомирликлар эришган илмий, бадиий, ахлоқий даража, ҳуқуққа оид ютуқлар бобилликлар ахлоқий қарашлари учун асос бўлди. Бобилонда сомирликларникига нисбатан бадиий юксак ва мукаммал «Гильгамеш» эпоси вужудга келди. Адолат ва ҳақиқатнинг ҳимоясини асосий мақсад қилиб олган Бобилон подшоси Ҳаммурапининг машҳур Қонунлар мажмуи эса қадимги Сомир қонунларининг тадрижий ривожи эди. Бу мажмуада заифларни, етим-есир ва камбағалларни адолат тамойили асосида ҳимоя қилиш асосий мақсад қилиб қўйилган; Ҳаммурапи унда ўзининг камбағалпарварлиги ва адолатпарварлиги билан фахрланади.

Қадимги Мисрда эса одоб-ахлоқ масалалари ўзига хос пандномаларда ифода топган. Улар орасида «Пхатотеп ўгитлари» бизгача етиб келган энг қадимий панднома ҳисобланади. Бундан деярли икки ярим минг йил аввал бешинчи сулола фиръавни Жадкара Исесидан вазир Пхатотеп қарилиги туфайли ўрнига ўз ўғлини тайинлашни илтимос қилади ва ўғлига атаб ўттиз етти насиҳатдан иборат мазкур пандномани ёзади. Унда ўша давр ахлоқий қонун-қоидалари, ўзни тутиш, муомала одоби сингари муаммолар кўтарилади, ахлоқий фазилатлар эса ҳикматлар ва насиҳатлар тарзида тарғиб қилинади. Ундаги ўгитлар юксак бадийяти билангина эмас, балки қулдорлик даври талабларини четлаб ўта олган умуминсоний демократик фикрлар тарзида, ҳақиқий донишмандлик ва инсонпарварлик намунаси сифатида ҳанузгача кишини ҳайратга солади: «Қимматбаҳо тошдек яшириндир оқилона сўз, ҳолбуки уни дон туяётган чўридан топиш мумкин». Агар нафақат Қадимги Мисрда, балки ундан бир неча минг йил кейинги Қадимги Юнонистонда ҳам қул эзгуликка, донишмандликка хос бўлмаган жонзот саналганини ва одам ўрнида кўрилмаганини ҳисобга оладиган бўлсак, Пхатотепнинг мазкур фикри инсоният ахлоқий тафаккур тараққиётида нақадар катта аҳамиятга эга эканини англаш мумкин.

Қадимги Туронзамин ва Эронзаминдаги ахлоқий тафаккур тараққиёти зардуштийлик динининг вужудга келиши билан боғлиқ. Тахминан бундан XXX аср муқаддам ёйила бошлаган бу диннинг Қадимги Хоразмда яратилган, «Авесто» деб аталган муқаддас китобида асосий ахлоқий фазилатлар ва иллатлар санаб ўтилади, талқин этилади. Унда зардуштийлик илоҳи Аҳура-Мазда – эзгулик, Аҳриман эса ёвузлик тимсоли сифатида намоён бўлади; эзгулик ва ёвузлик, ёруғлик ва зулмат, ҳаёт ва мамот ўртасидаги абадий кўрашнинг ибтидоси акс этади. «Абадий эзгулик», «Эзгу ният», «Эзгу тартиб», «Илоҳий тобеълик», каби эзгу тушунчалар реал маъно касб қилиб, инсонийлашган қиёфадаги маъбудлар сиймосида намоён бўлади, улар Аҳура-Мазда атрофида яхшилик уруғини сепиб юради. Бундай тушунчаларнинг акси эса Аҳриман атрофидаги ёвуз кучларда реаллашади. Ёвуз фикр тажассуми Апа Мана, сўлиш ва ўлим тимсоли Туарви ҳамда Зарик исмли девлар шулар жумласидандир.

Зардуштийлик динини маълум маънода ахлоқий эътиқод, унинг муқаддас китоби «Авесто»ни қадимги аждодларимиз амал қилган ахлоқий тушунчалар ва кўрсатмалар мажмуи дейиш мумкин. Буни ушбу дин пайғомчиси Зардуштнинг «Авесто» даги Аша алқовидан жой олган қуйидаги сўзларида яққол кўриш мумкин:

«Авесто» даги талқинлар инсоннинг реал ҳаёти билан боғлиқ эканлиги диққатга сазовор. Ундаги эзгулик руҳи – яратувчилик, ижодкорлик қуввати, Ёвузлик эса бузиш ва бузғунчилик кучи тарзида номоён бўлади.

«Авесто»да умри давомида эзгулик, яхшилик, поклик ва тозалик тамойиллари билан иш кўрган одам ўлгандан сўнг унинг руҳи роҳат-фароғатда бўлиши, гуноҳкор, фосиқ кишиники эса аксинча: азоб-уқубат ҳамда хунуклик комига маҳкум этилиши айтилади.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, «Авесто»да инсон олий жонзот тарзида талқин этилади. Айни пайтда ер кўкдаги барча неъматларни севиш, ардоқлаш инсоннинг муқаддас бурчи ҳисобланади. Озодалик, тозалик гигиеник тушунчадан ахлоқий ва илоҳий тушунча даражасига кўтарилади: сувни, атроф-муҳитни тоза тутиш, жониворларга, хусусан, итга учи ўткир суяк ёки қайноқ овқат бермаслик – уларга нисбатан шафқатни англатади; инсон шафқатли бўлиши керак. Буларнинг ҳаммаси «Авесто»да экологик ахлоқшуносликнинг дастлабки кўртаклари ҳам мавжудлигини кўрсатади. Бу муқаддас китобдаги турли-туман маъбудлар бизнинг тушунчамиздаги пир даражасидадир (масалан, темирчиликнинг пири-ҳазрати Довуд в.ҳ). Илоҳ эса – битта: Аҳура-Мазда, фақат унгагина сажда қилинади. Демак, яккахудоликни, тавҳидни тарғиб этишда ҳам биринчилик «Авесто»га мансуб. «Авесто»даги баъзи бир урф-одатлар ва иримларнинг ҳозирги кунда ҳам сақланиб қолганини кўришимиз мумкин. Исириқ тутатиш, қурбонлиқ учун сўйилган жон калласини даврадаги ўтағасилар олдига қўйиш одатлари ҳамда севимли Наврўз байрамимиз фикрларимизга далилдир. Хуллас, «Авесто» юқорида айтганимиздек, аждодларимизнинг ахлоқий эстетик қомуси, қадимий урф-одатларимизниниг ўзига хос мажмуи сифатида қимматлидир.

Қадимги Шарқ ахлоқшунослигида Қадимги Ҳиндистон ахлоқий тафаккури алоҳида ўринга эга. У тарихан ведачилик, йўга, жайнчилик, буддҳачилик, «Бхагавадгита» ва «Артхашастра» ҳамда локоята оқимларидан ташкил топган.

Ведачилик ахлоқшунослиги қадимги ҳинд жамиятини тўрт табақа-варнага бўлади; браҳманлар (коҳинлар), кшатарийлар (ҳарбийлар), вайшчилар (деҳқонлар, косиблар), шчудралар (қуллар). Машҳур «Ману қонунлари» да ёзилишича, браҳманнинг машғулоти – таълим бериш, Ведани ўрганиш, қурбонлик қилиш, садақа улашиш ва туҳфалар олиш; кшатарийлар фуқароларни қўриқлайдилар; вайшчилар чорва, тижорат, судхўрлик ва деҳқончилик билан шуғулланадилар; шудралар эса ана шу уч ижтимоий гуруҳга хизмат қилади. Ведачилик ахлоқига кўра, брахманлар туғма ахлоқий юксак одамлар, шчудралар эса туғма тубан ахлоқ эгалари ҳисобланади.

Лекин кейинги оқимларда, йўга, жайнчилик, айниқса, буддҳачилик ахлоқшунослигида, ахлоқий фазилатлар эгаси бўлиш инсоннинг зоти ижтимоий келиб чиқиши билан эмас, балки унинг шахсий камолоти билан боғлиқ, деган фикр илгари сурилади. Буддҳа таълимотига кўра, дунё изтиробга тўла ва энг муҳим муаммо ана шу изтироблардан қутилишнинг йўлини топиш. Нақл қилишларича, ўз тенгдошлари билан айшу ишратда умр кечирган шаҳзода Сидҳарта Гаутама кунлардан бирида сайр қилиб юриб, касал чолни ва жаноза маросимини кўради. Ҳар бир кишини касаллик, қарилик ва ўлим кутишини эшитиб, ларзага тушади, одамлардан қочиб, тарки дунё қилади ва тўрт эзгу ҳақиқатни англаб етади ҳамда уни одамларга етказади. Унинг қисқача баёни шундай:

1. Бу дунёдаги ҳаёт изтиробларга тўла.

2. Бу изтиробларнинг сабаблари бор.

3. Бу изтиробларга барҳам бериш мумкин.

4. Изтиробларга барҳам беришга олиб борадиган йўллар мавжуд.

Буддҳанинг тўртинчи ҳақиқати, айниқса, ахлоқшунослик нуқтаи назаридан муҳим. У Буддҳа ўтган ва ҳамманинг ўтиши мумкин бўлган нирванага (эҳтирос, нафрат, пушаймон аста-секинлик билан сўниб бўлгандан кейинги ҳолатга) етишиш йўлидир. У саккиз фазилатга эришувдан иборат: 1) тўғри қарашлар; 2) тўғри журъат; 3) тўғри хатти-ҳаракат; 4) тўғри нутқ; 5) тўғри ҳаёт тарзи; 6) тўғри жаҳд-жадал; 7) фикрни тўғри йўналтириш; 8) диққатни тўғри қаратмоқ. Шундай қилиб, саккиз йўл бир-бирини тақазо этувчи уч омил – билиш, хатти-ҳаракат ва диққатнинг бирлигидан иборат. Билим ва ахлоқ бу ўринда яхлитликка эга; фазилат билимдан (иллат эса билимсизликдан) келиб чиқади, шу сабабдан билимни фазилатсиз такомиллаштириш мумкин эмас. Шундай қилиб, буддҳачилик томонидан ведалар обрўси, браҳманларнинг истисноли ҳолати инкор этилади, жамиятни варналарга бўлиш қораланди. Шубҳасиз, бу ахлоқий тараққиёт кўринишларидан бири эди.

Буддҳачилик ахлоқшунослиги нафақат Ҳиндистонда, балки Қадимги Хитойда ҳам ўзига хос мавқе эгаллади. Лекин у ерда яна икки ахлоқшунослик йўналиши катта аҳамиятга ва қамровга эга эди. Улардан бири даочилик.

Даочилик таълимотининг асосчиси Лао-цзи (милоддан аввалги VI-V асрлар) йирик намоёндаси Чжуан-цзи (милоддан аввалги 369-286 йилар) ҳисобланади. Лао-цзига нисбат бериладиган «Дао дэ цзин» китобида даочиликдаги асосий йўналишларнинг моҳияти акс этган. «Дао – ҳамма нарсадан устун», «илдиз», «Ер ва осмоннинг онаси». «дунёнинг илк асоси», «ци» эса моддий асос, дао «дэ» ни – фазилатни ундан яратади. Шунингдек, «дао» йўл маъносини ҳам англатади. «Дао дэ цзин» ни «фазилат йўли» деб ҳам аташ мумкин.

Инсон мавжуд олам каби дао қонунлари асосида вужудга келган, у табиатнинг бир қисми, унинг вазифаси фазилат (дэ) йўлидан бориш. ҳар қандай сунъий аралашув, табиатнинг мувофиқлик тартибини ўзгартиришга интилиш-одамлар учун ҳалокатли, барча ёвузликларнинг, сон-саноқсиз бахтсизликларнинг манбаи табиат жорий этган қонунлардан чекинишдадир. Шу сабабли Лао-цзи наздида фаолият даога қарши қаратилган ва халққа зарар келтиради, унинг асосий ахлоқий тамойили «увэй» – фаолиятсизлик; донишманд кишининг «дао»си, бу – кўрашсиз фаолият. Лекин бу кўрашсиз фаолият аслида табиатга қарши бўлмаган фаол хатти-ҳаракат, фақат даога хос, табиат қонунларига мос фаолият.

Айни пайтда, Лао-цзынинг фикрича, донишманд билимини ошира бориб, уни одамларга тарқатмайди, фақат халқнинг фаровонлиги учун ишлатади; «Халқнинг билими кучли бўлса, уни бошқариб бўлмайди. Унинг емагини тотли, кийимини чиройли, уй-жойини тинч, ҳаётини қувончли қилиш керак». Ана ўшанда, яъни илм фан тараққий этмаса, цивилизация кириб келмаса, бир давлат қўшни давлатга кўз олайтирмайди, уруш бўлмайди. Хуллас, донишманд ибтидоий даврларни идеаллаштиради.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, даочилик ахлоқшунослигидаги асосий мақсад – одамларнинг табиат кўрсатган йўлдан боришига эришиш; тамойили – фаолиятсизлик; халқнинг бахти – унинг уруғчилик, қабилачилик муносабатларидаги тенглик ва соддаликка қайтишида; донишмандларнинг бахти эса мўътадиллик; хотиржамлик, табиатга яқинликдадир.

Даочиликнинг асосий рақиби ҳисобланмиш конфуцийчилик эса қора халқдан нодонлиги учун жирканади, уни ахлоқий ҳаётга номуносиб деб билади. Зеро, конфуцийчиликнинг ахлоқий идеали цзюн-цзи ҳимматли жўмард. Унинг юксак фазилатлари – фидойилик, софдиллик, садоқат, адолат. У муомала бобида мулойим, юксак мартабалиларга ҳурмат билан мурожаат қилади, халққа нисбатан эса ҳимматли, адолатли муносабатда бўлади.

Конфуций таълимотида асосий ахлоқий қонун, асосий ахлоқий тушунча-жэнь (инсонийлик). «Лунь юй» («Ҳикматлар») китобида шундай дейилади; «Кимки чин дилдан инсонни севишга интилса, у ёвузлик қилмайди». «ўзингга эп кўрмаган нарсани ўзгага муносиб кўрма, шунда давлатда ҳам, оилада ҳам ўзингга нисбатан ёвлик ҳис қилмайсан».

Демак, жэнь – ҳам жамият, ҳам оила аъзолари орасидаги муносабатларни белгилайдиган ахлоқий тамойил. У билан «сяо» – ота-онани, катталарни ҳурмат қилиш, «ли» – урф-одат, маросимларни эъзозлаш тушунчалари мустаҳкам боғлиқ. Айни пайтда «ли» тушунчасининг маъноси анча кенг, у давлатга бўлган муносабатни ҳам ўз ичига олади. Ҳоқон (император) – Осмон ўғли, у Осмон остидагиларнинг барчасига ота. Осмон остидаги тартиб-қоида эса қуйидагича: «Подшо–подшо, ота—ота, мулозим–мулозим, ўғил–ўғил бўлиши керак».

Фазилат эгаси бўлишнинг конфуцийчиликда икки хил йўли аниқ кўзга ташланади: халқ учун – урф-одатларга сўзсиз, ўйлаб ўтирмасдан бўйсуниш; ҳимматли жўмард учун эса ўзини ахлоқий жиҳатдан такомиллаштира бориш ва ахлоқий бурчини онгли равишда бажариш. Конфуцийчиликнинг ҳимматли жўмард тарбияси тизимидаги ҳикматлари ҳозир ҳам ўз аҳамиятини йўқотган эмас.; «Устоз, дебди: Ю, сен олти иллатнинг олти босқичини биласанми?» Цзин-лу: «Йўқ,» деб жавоб берибди. Устоз дебди; «Ундай бўлса, ўтир, айтиб бераман. Инсонпарварликни севиш-у, илм олишни севмаслик, иллат шундаки, бу – бефаросатликка олиб келади, донишмандликни севиш-у, илм олишни севмаслик иллат шундаки, бунда инсон ўз умрини майда ишларга сарфлайди, ҳақиқатгўйликни севиш-у, илм олишни севмаслик, иллат шундаки, бу – ўзига зарар етказишга олиб келади, тўғриликни севиш-у, илм олишни севмаслик, иллат шундаки, бу – қўполликка олиб келади; мардликни севиш-у илм олишни севмаслик, бу-исёнкорликка олиб келади, қатъийликни севиш-у, илм олишни севмаслик, бу-бошбошдоқликка олиб келади».

Қадимги Шарқ ахлоқшунослиги эришган ютуқлар шунчаки тарих бўлиб қолмади. Уларни ўзлаштириш натижасида, Шарқ билан яқин алоқа қилиш учун жуғрофий қулайликларга эга бўлан Қадимги Юнонистоннинг полисларида (шаҳар-давлатларида) ахлоқшунослик янги босқичга кўтарилди. Кейинчалик Қадимги Шарқда илгари сурилган ғоялар, қўлланган тушунчалар, назарий-амалий тажриба билвосита бутун Оврўпо учун ҳам аҳамият касб этди.

4- масала. Қадимги Юнон ахлоқшунослиги ҳақида гап кетар экан, асосан, тўрт буюк файласуфнинг номини тилга олиш одат бўлиб қолган; Суқрот, Афлотун, Арасту, Эпикур. Лекин, аслида, уларгача ҳам Қадимги Юнонистонда ахлоқшунослик борасида анча-мунча ишлар қилинган. Чунончи, Демокрит, Пифагор, Гиппий, Горгий сингари софистлар (донишмандлар) оқимига мансуб файласуфларнинг қарашлари диққатга сазовор. Мисол тариқасида Демокритнинг (тахминан милоддан аввалги 450-370 йиллар) қарашларини олиб кўрайлик. У донишмандликни энг юксак фазилат, ақлни эса ахлоқий хатти-ҳаракатнинг мезони деб билади ва донишмандни ахлоқли, нодонни ахлоқсиз одам сифатида таърифлайди. Демокритнинг фикрига кўра, инсон учун ҳаётдаги биринчи устоз эҳтиёж ва тажрибадир. Айнан шулар инсонни фойдали ва зарарли нарсаларни фарқлаш даражасига олиб келади.

Демокрит Қадимги Юнон файласуфлари ичида биринчи бўлиб инсоннинг ички дунёсига мурожаат қилди. У ниятни (хатти-ҳаракат сабабини) ҳаракатдан ажратади. Айни пайтда; «Номусли ва номуссиз одамни нафақат қилмиши, балки нияти орқали ҳам билиб олса бўлади», дейди мутафаккир. Демокрит ҳаё ва ишончни инсонни қинғир ишлардан қайтариб турувчи куч тарзида таърифлайди. Фақат руҳан заиф ва гумроҳ одамларгина ўз муваффақиятсизликларини маъбудлар, тақдир ва тасодифдан кўрадилар. Нодон ва ёмон одам лаззат, бахт ҳамда ҳаётнинг мақсади ҳақида нотўғри тасаввурга эга бўлгани учун ўзини бахтсизликка мубтало қилади.

Суқрот (милоддан аввалги 470-399 йиллар) қарашларига келсак, у, Конфуцийга ўхшаб, ахлоқ билан ҳуқуқни бўлинмас яхлитликда олиб қарайди: «Нимаики қонуний бўлса, ўша адолатдандир». Иккала мутафаккир ҳам ҳукмронликнинг яхши ёки ёмон деб

баҳоланишини фуқаролар тарбияси билан боғлайди, жасорат ва бетамаъ хизмат намуналарини ўз давлатлари ўтмишидан топади.

Суқротнинг фикрича, полис билан фуқаро ўз ҳуқуқлари жиҳатидан тенг эмас; улар ота билан ўғилга ўхшайди. Ахлоқнинг асосий моҳияти-ўзгармас ва абадий асл фазилат бўлмиш донишмандлик. У ахлоқий хатти-ҳаракат мезони ҳисобланган илоҳий ёзмишга мос келадиган бенуқсон фаолиятдир. Ахлоқнинг манбаи эса инсондан ташқарида, илоҳийдир.

Суқротдан фарқли ўлароқ, Афлотун (милоддан аввалги 427-347) ахлоқшунослиги учун, аксинча, ғоялар ва руҳ ҳақидаги таълимотлар асос бўлиб хизмат қилади. Афлотуннинг ғоялар таълимотига кўра, бизга кўриниб турган, биз қилаётган дунё бор-йўғи соялар ўйини, ҳақиқий дунёни кўриш учун эса инсон ақли ожизлик қилади. Инсон ғор деворига кишанбанд қилиб қўйилган туткунга ўхшайди, у фақат ҳақиқий борлиқнинг ноаниқ сояларини кузатади, ҳақиқий борлиқ эса соялар орқасида, кўринмайди. Уни инсон кўрмайди, бироқ ўша асл борлиқни кўра оладиган мангу – ўлмас руҳ мавжуд. Барча билимлар хотира натижасидир; руҳ ғоялар дунёсидан билганларининг баъзиларини эслайди ва вужуддаги ҳаётида бирор-бир диққатга сазовор янгиликни ўзига касб этмайди. Шундай қилиб, Афлотуннинг фикрича, ахлоқ, илоҳий асосга эга ва ахлоқий фазилат инсонга азалдан берилган.

Афлотун донишмандликни олий фазилат, руҳдаги ақлий қисмнинг намоён бўлиши деб билади ва давлатни бошқаришга лойиқ ягона тоифа сифатида донишманд-файласуфларни тан олади. Ёвқурлик – қўриқчиларга, давлатни ҳимоя қилувчи аскарларга хос. Руҳнинг ҳирсли қисми билан боғлиқ бўлган мўътадиллик ҳунарманд-косиблар, деҳқонларга, яъни. халққа хос. Улар аввалги табақага бўйсуниши шарт. Улардан сўнг қуллар туради. Қуллар ахлоқдан ташқарида, ҳар қандай фазилатдан йироқ, зотан уларнинг руҳга эгалиги гумон. Хуллас, Афлотуннинг ахлоқшунослиги қатъий диний табиатга эга. Айни пайтда у кўп жиҳатдан ведачилик ахлоқшунослигидаги ғояларни ўз ичига олади ва уларни ривожлантиради.

Афлотундан сўнг икки қадимги юнон алломаси – Арасту (милоддан аввалги 384-322 йиллар) ва Эпикўрнинг (милодан аввалги 341-270 йиллар) ахлоқ назариялари диққатга сазовор. Афлотуннинг шогирди Арасту биринчи бўлиб ахлоқшуносликни руҳшунослик билан сиёсатшунослик оралиғидаги алоҳида фалсафий фан сифатида тақдим этди ва унга (кейинчалик Оврўпода қабул қилинган) « Этика « деган номни берди.

Арастунинг ахлоқий қарашлари, асосан ўғлига бағишланган «Никомахнинг ахлоқ китоби» ва «Эвдемнинг ахлоқ китоби» ҳамда «Катта ахлоқ китоби» рисолаларида ўз аксини топган. Арасту Қадимги Юнон мутафаккирлари ичида биринчи бўлиб ихтиёр эркинлигини ахлоқнинг асоси сифатида олиб қарайди ва ахлоқий фазилатни Афлотунга қарама-қарши ўлароқ, руҳнинг туғма хусусияти эмас, балки касб этиладиган (ҳосил қилинадиган) сифат эканини айтади. У барча фазилатларни иккига бўлади: биринчиси, руҳнинг донишмандлик, тажрибакорлик, топқирлик сингари маънавий соҳа билан боғлиқ ақлий қисмига оид фазилатлар ва, иккинчиси, руҳнинг интилувчан (ихтиёрий) қисми – соф ахлоқ билан боғлиқ фазилатлар. Унинг фикрича, асосий фазилат адолатдир. «Фазилат, – дейди Арасту, – маълум маънода ўрталикдир, зеро, доимо ўрталикка интилади». Масалан, мардлик телбавор жасорат билан қўрқоқлик орасидаги ўрталик ва ҳоказо. Шунингдек, мутафаккир ниятга катта аҳамият беради ва уни ҳаракатнинг тамойили, бошланиши деб атайди. Лекин у пировард мақсад эмас, ниятнинг тамойили эса интилиш ва ақл, шу сабабли ният ақлдан, эс-ҳушдан ва одобдан ташқарида бўлмайди.

Арасту ақл-идрок фаолиятини ҳаёт ва фаолиятнинг олий шакли, ҳеч бир нарса билан қиёслаб бўлмайдиган қадрият деб ҳисоблайди. Олий ақл доирасида субъект ва объект,

фикр ва фикрнинг нарса ҳодисаси бир-бирига мос, яъни Олий ақл (Худо) тафаккур ҳақидаги Тафаккурдир. Гарчанд инсон ҳеч қачон илоҳий ҳаёт даражасига етиша олмасада, лекин унга, идеал сифатида имкон борича интилиши керак; инсон эришган комиллик доимо нисбий бўлади.

Шундай қилиб Арастунинг фикрича, ахлоқли инсон ақлий фазилатлар билан йўғрилган кишидир; ақлни инсон эмас, инсонни ақл белгилайди. Аёл зоти эса паст даражали, заиф, кўз ёшига эрк берадиган, ўзини тутолмайдиган инсон, уларда эҳтирос ақл-идрокдан юксак туради, иллатларга эркакларга нисбатан кўпроқ мойил бўладилар, шунинг учун ҳам донишмандлик уларга хос эмас; хотин эрга бўйсуниши адолат тамойилини бузмайди. Санъат, сиёсат ва илм фан озод кишилар учун. Қул, умуман, ахлоқдан ташқаридаги мавжудот.

Қулларни паст табақали кишилар, хатто жонли нарсалар қаторига киритиш Арастунинг инсон моҳиятини ижтимоий-сиёсий мавжудот сифатида тушунишидан келиб чиқади. Унинг учун жамиятдан, қабила, жамоа, давлатдан ташқаридаги одам – ё Худо, ёки ҳайвон. Шу боис ёт қабиладан келган, полис фуқаролиги ҳуқуқига эса бўлмаган қуллар одам ҳисобланмайди. Қул фақат озодликка эришгандагина инсонга айланади.

Юқорида кўрганимиздек, унинг наздида одамлар тенг эмас, тенглик тушунчаси Арастуга ёт. У фақат одамлар ўртасидаги дўстлик ва хайрихоҳликни тан олади.

Эпикур эса ўз қарашларида фалсафанинг амалий мақсадини, ахлоқий мазмунини таъкидлайди: «Инсоннинг бирор бир изтиробига даво тополмайдиган файласуфнинг сўзлари маъносиздир. Бадандан касалликни қува олмайдиган табобатдан ҳеч қандай фойда бўлмагани каби, руҳни (қалбни) даволай олмайдиган фалсафадан ҳам фойда йўқ«.

Эпикўрнинг фикрига кўра, инсонда танлов ихтиёри бор. У ҳам Демокрит каби эзгулик ҳақидаги таълимотни лаззат ва изтироб муаммосидан бошлайди. Унинг учун энг муҳими руҳий ҳотиржамлик. Дўстларидан бирига у шундай деб ёзади; «Заррин тўшагу тўкин дастурхонинг бўлиб, беҳаловат яшагандан кўра, похол тўшакда хотиржам ётганинг афзал!» Фазилатлар орасида Эпикур адолат билан донишмандликка алоҳида эътибор билан қарайди. Адолат тушунчасида мутлақлик ва нисбийлик ҳоллари мавжудлигини таъкидлаб ўтади: «Умуман, адолат ҳамма учун бир хил, чунки у одамлараро муносабатлардаги фойдали ҳодиса; лекин муайян мамлакатларнинг ўзига хослиги нуқтаи назаридан ва шунга ўхшаш бошқа шароитларда адолат барча учун бир хилда бўлолмай қолади.» Фазилатларнинг моҳияти инсонни лаззатга олиб боришдан, хотиржамликка ҳамда руҳнинг фаолиятли ҳолатига хизмат қилишдан иборатдир. Бахт эса ахлоқий ва жисмоний соғломликдан юзага келади.

Эпикур изтиробдан қочишни эмас, уни енгиш кераклигини таъкидлайди. Бунинг учун ахлоқий қатъият, фикр ёрқинлиги, фикр қудрати изтиробга қарши қўйилиши керак. Унинг ахлоқий идеали – ердаги ҳаётга нафрат билан қарамайдиган, аксинча, табиат билан ҳамнафас бўлиб, яъни табиат белгилаб берган ҳаётий мақсадга мувофиқ яшайдиган донишманд, файласуф. Айнан табиатга мувофиқликда, турли бидъат ва алдамчи фикрлардан қутилиб, ўз эҳтиёжларини табиий зарурат билан мослаштирган ҳолдагина донишманд тафаккур ва ички эркинлик борасида олий даражадаги лаззатга эришади. Донишманд ўз кучи меъёрини билади ва ундан оқилона фойдаланади. Унга бахт манбаи-фақат маънавий эзгуликда, дўстлик билан билимда бўлган нисбатан мустаҳкам ва узоқ муддатли лаззатда экани аён. Эпикур одамларнинг муносабатларида ҳаммасидан аввал тенглик ва ҳамфикрлиликка асосланган дўстликни қадрлайди. Фалсафа билан шуғулланиш ҳам худди дўстлик сингари руҳан хотиржамликка етишишга олиб келади.

Қадимги Шарқ ахлоқшунослиги эришган ютуқларни юксак назарий даражага кўтарган Қадимги Юнон ахлоқшунослиги жаҳоншумул аҳамият касб этди. Юнонлик

мутафаккирлар илк бор инсон шахсини, инсон хатти-ҳаракатига асосланган ниятни тадқиқ этишга ва ахлоқий қилмиш муаммоларини тушунтиришга уриндилар.

Қадимги Юнон ахлоқшунослари илмий анъаналарини Цицерон, Лукреций Кар, Сенека, Эпиктет, Марк Аврелий, Секст Эмпирик сингари Қадимги Румо мутафаккирлари давом эттирдилар.

Тит Лукреций Кар (милоддан аввалги 99-44 йиллар), Эпикур ахлоқий таълимотининг изчил ҳимоячиси сифатида, машҳур «Нарсаларнинг табиати ҳақида» деган достонида руҳ ва вужуднинг ажралмас алоқасини таъкидлайди, руҳнинг ўлиши тўғрисида фикр юритади, инсоннинг ўлим қўрқувидан халос бўлишида ахлоқий маъно борлигини айтиб ўтади. Ўлим қўрқувидан ва маъбудлар олдидаги қўрқувдан халос бўлган киши бахтли яшаши мумкин, ақл-идрок ва ҳис-туйғулар шарофати билан нарсалар ҳақида у ҳақиқий тасаввурга эришади.

Луций Анней Сенека (милоддан аввалги 5-милодий 65 йиллар) ҳам ёзувчи, ҳам ахлоқшунос файласуф. Унинг «Ғазаб ҳақида», «Шафқат ҳақида», «Бахтли ҳаёт ҳақида» сингари ахлоқшуносликка доир рисолалари кўпчиликка маълум. Айниқса, «Луцилийга ахлоқий мактублар» асари машҳур. Сенеканинг фикрига кўра, дунё моддий, бироқ, унда қандайдир жонли ибтидо ҳукмрон: уни ақл-идрок деймизми, табиат, башорат ёки тақдир деймизми-аҳамияти йўқ. Муҳими шуки, унинг ёзиғи албатта амалга ошади. Файласуф фазилатларнинг маъносини тақдирдан розиликда, унинг зарбаларига инсоний қадр-қимматни йўқотмай, мардона ва чидам билан дош беришда кўради.

Шундай қилиб, Қадимги Румо ахлоқшунослари ҳам инсон хатти-ҳаракатлари муаммосини ўртага ташлайди ва инсоннинг оламдаги ўрни ҳамда ҳаётнинг мақсадини белгилашга интиладилар. Бундай интилиш, айни пайтда, бутун Қадимги дунё мумтоз ахлоқшуносларига хосдир. Хуллас, Қадимги дунёнинг мумтоз ахлоқшунослари оддий ахлоқ-одоб қоидалари, панд-ўгитлар ва ҳикматлардан тортиб, то ахлоқшунослик назарияси тизимигача яратдилар.

ТАКРОРЛАШ УЧУН САВОЛЛАР

1. «Ахлоқшунослик» ибораси нимани англатади?

2. Одоб нима?

3. Хулқнинг одобдан фарқи нимада?

4. Ахлоқшунослик қайси ижтимоий фанлар билан яқиндан алоқадор?

5. Замонавий ахлоқшунослик олдида қандай муҳим вазифалар мавжуд?

6. Сомирликлар ва бобилликларнинг ахлоқий қарашлари нималарда ифодаланган?

7. «Авесто»нинг ахлоқий аҳамияти нималарда кўринади?

8. Ведачилик ахлоқшунослигида асосий эътибор нималарга қаратилади?

9. Буддҳачилик таълимотининг демократик хусусиятлари нималарда акс этади?

10. Даочилик ахлоқшунослигидаги ўзига хослик қай тарзда намоён бўлади?

11. Конфуций ва унинг издошлари илгари сурган асосий ғоялар нималардан иборат?

12. Арастугача бўлган Қадимги Юнон ахлоқшунослигининг ўзига хослиги нималарда акс этган?

13. Арасту ахлоқий таълимотининг мумтозлик моҳияти нимада?

14. Қадимги Румо мутафаккирларининг ахлоқий қарашларида қандай муҳим муаммолар кўтарилган?

ТАЯНЧ ТУШУНЧАЛАР

Ахлоқшунослик, Этика, Одоб, Хулқ, Ахлоқ, Ноосфера, Этосфера, Биологик ахлоқшунослик. Эзгулик, Ёвузлик, Фазилат, Иллат, Руҳ, Ихтиёр эркинлиги, Изтироб, Адолат, Донишмандлик, Дўстлик.

“Ахлоқшунослик” фанини ўқитишда педагогик технологик карта тузиб олиш

Мавзу:Ахлоқшуносликнинг асосий тушунчалари, ахлоқий тамойиллар ва меъёрлар. (2 соат).

Мақсад	**Ўқитувчи:** Ахлоқшуносликнинг асосий тушунчалари, ахлоқий тамойиллар ва меъёрлар унинг назарий ва амалий ахамияти тўғрисида тушунчалари бериши. **Талаба**: Ўрганиш, дарсда фаол қатнашиш, топшириқларни бажариш.	
Вазифалар	**Ўқитувчи:** Мавзуга оид оғзаки маълумотларни талабалар томонидан жамоа ҳолатида ўзлаштириб олишлари ҳамда ақлий ҳужум орқали Муҳаббат нима? Муҳаббатнинг қандай турларини биласиз? Нима учун оила илк тарбия маскани хисобланади? ҳақидаги талабаларнинг ўзлаштирган билимларини назорат қилиш. **Талаба:** -Муҳаббат-ахлоқшуносликнинг кенг қамровли мезоний тушунчаси; -Эзгулик мезоний тушунчаси; - Яхшилик ва ёмонлик; - Адолат, виждон, бурч, номус ва бошқа мезоний тушунчалар. - Ахлоқий тамойиллар ва уларнинг турлари; -Ахлоқий меъёрлар ва уларнинг инсон ҳаётидаги аҳамиятини англаб етишига эришиш.	
Дарс жараёнининг ташкил этилиши	1. Ташкилий қисм 2. Мақсад ва вазифаларни қўйиш. 3. Ўрганилганларни умумлаштириш, такрорлаш ва тизимлаштириш 4. Якун ясаш 5. Уйга вазифа	5 дақиқа 3 дақиқа 57дақиқа 10дақиқа 5 дақиқа
Дарс	Муҳаббат-ахлоқшуносликнинг кенг қамровли мезоний тушунчаси; Эзгулик	

жараёнининг мазмуни	мезоний тушунчаси; Яхшилик ва ёмонлик; Адолат, виждон, бурч, номус ва бошқа мезоний тушунчалар. Ахлоқий тамойиллар ва уларнинг турлари; Ахлоқий меъёрлар ва уларнинг инсон ҳаётидаги аҳамиятини англаб етишига эришиш, мустақил фикр юритиш кўникмаларини хосил қилиш.
Ўқув жараёнини амалга ошириш технологияси	**Метод:** оғзаки баён қилиш, “ақлий ҳужум”, “муаммо”…. **Форма:** Маъруза, жамоада ва гуруҳларда ишлаш. **Восита:** А3 форматдаги маълумотлар, чизмалар, нутқ. **Усул:** Тушунтириш, кўрсатиш, сўраш, муаммоли савол. **Назорат:** Кузатиш, оғзаки назорат, якка ва гуруҳий назорат, савол жавоблар.
Кутилаётган натижалар	**Ўқитувчи:** Мавзуни қисқа вақт ичида барча талабалар томонидан ўзлаштирилишига эришади. Талабалар фаоллигини оширади. Талабаларда дарсга нисбатан қизиқиш уйғотади. Ўз олдига қўйган мақсадга эришади. **Талаба:**. Муҳаббат-ахлоқшуносликнинг кенг қамровли мезоний тушунчаси; Эзгулик мезоний тушунчаси; Яхшилик ва ёмонлик; Адолат, виждон, бурч, номус ва бошқа мезоний тушунчалар. Ахлоқий тамойиллар ва уларнинг турлари; Ахлоқий меъёрлар ва уларнинг инсон ҳаётидаги аҳамияти ҳақида янги билимларни эгаллайди. Нутқ ривожланади ва эслаб қолиш қобилияти кучаяди. Қисқа вақт ичида кўп маълумотга эга бўлади.
Келгуси режалар	**Ўқитувчи:** янги педагогик технологияларни ўзлаштириш ва дарсда татбиқ этиш, такомиллаштириш. Ўз устида ишлаш. Мавзуни ҳаётий воқеалар билан бойитиш, боғлаш. Педагогик маҳоратни ошириш. **Талаба:** Шу мавзу юзасидан қўшимча материаллар топиш, уларни ўрганиш.

Дарс жараёнининг бориши

1.	Ташкилий қисм	Саломлашиш, йўқлама
2.	Мақсад ва вазифаларни қўйиш	Талабаларга муҳаббат-ахлоқшуносликнинг кенг қамровли мезоний тушунчаси мазмун моҳиятини тушунтириш. Эзгулик мезоний тушунчаси Яхшилик ва ёмонлик; Адолат, виждон, бурч, номус ва бошқа мезоний тушунчаларнинг мазмунини кўрсатиш . Ахлоқий тамойиллар: ватанпарварлик, инсонпарварлик, эркпарварлик, ҳақиқатпарварлик, жўмардлик, ўзбекчилик. -Ахлоқий меъёрлар ва уларнинг инсон ҳаётидаги аҳамиятини англаб етишига эришиш.
3.	Мотивация	Дарс сўнгида фаол талабалар рағбатлантирилади.
4.	Ўрганилганларни умумлаштириш,	1. Муҳаббатнинг ахлоқшунослик мезоний тушунчаси

	такрорлаш ва тизимлаштириш	сифатидаги моҳияти нимада? 2. Эзгулик ва ёвузлик мезоний тушунчаларининг ижтимоийлик хусусиятлари нимада? 3. Яхшиликва ёмонликнинг эзгулик ва ёвузликдан фарқи нималарда кўринади? 4. Адолатнинг жамият ва шахс ахлоқий ҳаётидаги ўрни қандай хусусиятлар билан белгиланади? 5. Нима учун Виждон ахлоқшуносликнинг энг муҳим мезоний тушунчаларидан ҳисобланади? 6. Бурч тушунчасининг ахлоқий моҳиятини қандай изоҳлаш мумкин? 7. Ахлоқийтамойилларнинг инсон камолотига таъсири қай тарзда рўй беради? 8. Шахс ҳаётида ахлоқий меъёрлар қандай ўрин тутади?
5.	Баҳолаш ва фаол талабаларни рағбатлантириш	Талабалар сони кўп бўлганлиги сабабли саволларга аниқ ва тўғри жавоб берган талабалар дарс сўнгида баҳоланади.
6.	Дил сўзлари	Эътиборингиз учун раҳмат, саломат бўлинг.
7.	Уйга вазифа	Мавзу юзасидан берилган адабиётлар бўйича семинар машғулотига тайёрланиш, янги маълумотларни ўзлаштириш.

2- маъруза. Ахлоқшуносликнинг асосий тушунчалари, ахлоқий тамойиллар ва меъёрлар. (2-соат)

Режа:

1. Ахлоқшунослик мезоний тушунчалари (категориялари) ибтидосининг ҳиссиётга бориб тақалиши.
2. Ахлоқшунослик асосий мезоний тушунчаларининг моҳияти.
3. Ахлоқий тамойиллар, меъёрлар ҳамда уларнинг инсон ва инсоният жамияти тараққиётидаги аҳамияти.

АДАБИЁТЛАР

1. Каримов И.А. Ўзбекистоннинг сиёсий-ижтимоий ва иқтисодий истиқболининг асосий тамойиллари. Т., «Ўзбекистон», 1995.
2. Каримов И.А. Ҳалоллик ва фидойилик фаолиятимизнинг асосий мезони бўлсин. Т., «Ўзбекистон», 1994.
3. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда. Т., «Ўзбекистон», 1999.

4. Каримов И.А. Донишманд халқимизнинг мустаҳкам иродасига ишонаман. «Фидокор» газетаси, 2000 йил, 8-июнь.
5. Аристотель. Никомахова этика; Большая этика.// (Аристотель. Сочинения в 4-х томах, т-4., М., «Мысль» 1983.
6. Газали Абу Ҳамид. Воскрешение наук о вере. М., «Наука», 1980.
7. Гегель Г. Философия права. М., «Мысль», 1990.
8. Словарь по этике. М., Политиздат, 1989.
9. Фромм Эрих. Душа человека. М., «Республика», 1992.

1- масала. Аввал биз ахлоқий ҳиссиётларни ахлоқий англаш учун муайян маънода материал экани тўғрисида бирров тўхталиб ўтган эдик. Бу ҳақда мумтоз файласуфлар ҳам эътиборга сазовар фикр билдирганлар. Чунончи, буюк инглиз мутафаккири Жон Локк, тушунчада нимаики бор экан, у бундан аввал ҳиссиётда мавжуд бўлган, деб таъкидлайди. «Табиат қонуни борасидаги тажрибалар» асарида у шундай деб ёзади: «Агар ҳиссиётдан ақлга нарсалар қиёфаси етказиб берилмаса, у ҳолда тафаккур учун ҳеч қандай материал берилмаган бўлади ва ақл билишин тараққий эттириши борасида тош, ёғоч, қум ва ҳоказо қурилиш материалларисиз меъмор бино қуришда қанчалик иш қила олса, шунчагина иш бажара билади». Ақлни идеаллаштириш, ҳиссиётни иккинчи даражали омил чифатида талқин этиш, афсуски, Локк ва унга ўхшаш баъзи мутафаккирлар фикрларини ҳисобга олмаслик кейинги даврларда, айниқса, кучайди. ҳегель сингари файласуфлар эса бутун борлиқни мантиқийлаштириш йўлидан бордилар. Лекин XIX асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб, Ғарб алломалари бу йўлнинг кўп жиҳатдан янглиш эканини англадилар. XX аср мутафаккирлари, руҳий таҳлил фалсафасидаги янги фройдчилик оқимининг атоқли намояндаларидан бири Карл Юнг шундай деб ёзади: «Ғарб кишиси» руҳий («психологик», сўзини эшитганида, унинг учун «у шунчаки руҳий» тарзида жаранглайди. Унинг учун «психе» – қалб қандайдир, ачинарли даражада кичик, эътиборга нолойиқ, шахсий, субъектив в.ҳ... Шу сабабли «руҳ» (қалб) ўрнига «ақл» сўзини ишлатишни маъқул кўради...» Бошқа бир ўринда: «... барча метафизик мулоҳазалар учун ижодий замин айнан қалбнинг (маънавийликнинг) кўзга кўринмас, етишиб бўлмас тарздаги инъикоси ҳисобланган онгдир...», деган фикрни билдиради. Дарҳақиқат, «юрак ва ақл», «ҳиссиёт ва онг» баҳсида Ғарб, айниқса, бизнинг XX асрда, сўзсиз, биринчиликни ақлга, онгга беради. Юқоридаги каби фикрлар истисноли ҳоллардир. Шу боис ахлоқшунослик нуқтаи назаридан муҳаббат ҳақида гап кетса, уни ҳиссиёт, деб яна бунинг устига, таърифлаш қийин бўлган туйғу, деб атайдилар ва уни тушунча тарзида олиб қарашдан чўчийдилар. Ваҳоланки, муҳаббат айнан ахлоқий ҳиссиёт ва ахлоқшуносликнинг бош мезоний тушунчасидир.

2- масала. Муҳаббат бош мезоний тушунча сифатида деярли барча асосий тушунчаларда ва тамойилларда ўз «ҳисса»сига эга. На эзгуликни, на яхшиликни, на ватапарварликни, на инсонпарварликни муҳаббатсиз тасаввур этиб бўлмайди. ўтган маърузаларнинг баъзиларида биз бу тушунчанинг моҳияти, турлари ҳақидаги Илоҳий Оғустин, Имом Ғаззолий, Эрих Фромм сингари мутафаккирлар фикрларини келтирган эдик. Қўшимча қилиб шуни айтиш мумкинки, у – инсонни ташқи ва тарнсцендентраль олам билан боғловчи, уни ёлғизликдан олиб чиқадиган буюк куч. Муҳаббатнинг объекти доимо гўзаллик, манфаатсиз гўзаллик. У – Оллоҳми, Ватанми, ёрми – муҳаббат эгасига ундан-да гўзалроқ нарса йўқ. Айни пайтда бир объектни севган киши бошқа объектларни ҳам севмаслиги мумкин эмас. Дейлик, ёрга бўлган ҳақиқий муҳаббат Ватанга, инсониятга муҳаббатни инкор этмайди, аксинча, барқарор қилади. Зеро «ўз-ўзича», якка, «худбин» муҳаббатнинг бўлиши мумкин эмас. Инсон ўзи ўзгага айланганида, ўзгани ўзига айлантира олганида ҳақиқий муҳаббат эгаси ҳисобланади. Мана шу объект билан субъект орасидаги фарқнинг йўқолиши энг буюк, энг мукаммал лаззатдир. Буни мавлоно Фузулий ниҳоятда гўзал қилиб, бир байтда шундай ифодалайди:

Ишқдир ул, нашаъи комилким, андандир мудом
Майда ташвири ҳарорат, найда таъсири садо.

Комил нашъа, комил лаззатга фақат комил инсонгина эриша олади. Демак, муҳаббат инсон ахлоқий ҳаётининг чўққиси, комиллик белгисидир. Шу боис ҳақиқий муҳаббат эгалари ёшлар томонидан доимо ахлоқий идеал тарзида қабул қилинади: Фарҳод ва Ширин, Ромео ва Жульетта, Отабек ва ҳ.

Шуни таъкидлаш лозимки, муҳаббат – олий туйғу, шу маънода у олий тушунча. Лекин уни тубан, қуйи нарса – ҳодисаларга нисбатан ҳам қўллаш ҳоллари учраб туради. Чунончи, Фромм сингари ғарблик мутафаккирлар, баъзи рус файласуфлари муҳаббат тушунчасини ўликка (некрофил), мол-дунёга, пулга нисбатан қўллайдилар. Уларга нисбатан «ўчлик», «ружу», «ҳирс» сингари тушунчаларни қўллаш маъқул эмасмикан?

Муҳаббат ҳам, ахлоқшуносликдаги кўпгина тушунчалардек, «жуфтлик» хусусиятига эга, унинг зидди – нафрат. Нафрат тушунчаси, албатта, муҳаббат сингари кенг қамровли эмас. У аксил муҳаббат тарзида намоён бўлган объектдан четлашиш, ундан бегоналашишни тақозо этади. Ҳазар, жирканч ҳисси нафратнинг кундалик турмушидаги тор, «майда» кўринишидир. Нафратнинг уларга нисбтан «йириклиги» унинг ижтимоий ҳодиса сифатида намоён бўлишидир. Айни пайтда, бу тушунча ғазабдан кескин фарқ қилади. У, ғазабга ўхшаб, ўз объектини йўқотишга интилмайди, ундан фақат юз буради. Кўринишдан, нафрат кишида ёқимсиз таассурот уйғотса-да, аслида у асосан иллат эмас, ахлоқий фазилат сифатида инсоннинг виждонлилигидан, ботиний жасоратидан далолатдир.

Нафратдан ташқари яна рашк тушунчаси борки, у –ижтимоий ҳодиса эмас, фақат жинсий муҳаббат билан ёнма-ён келади. Маълумки, муҳаббат эгаси ўз севгисини ва севгилисини қизғаниб, асраб қолишга ҳаракат қилади. Ана шу қизғаниш ҳисса меъёридан ошиб кетганда рашкка айланади. Рашк эса, уни қанчалик таъриф-тавсиф қилмайлик – меъёрнинг бузилиши, иллат.

Мезоний тушунчалар орасидаги яна бир жуфтлик – эзгулик ва ёвузлик, эзгулик ахлоқшуносликдаги энг асосий категориялардан. У инсон фаолиятининг асл моҳиятини англатади – Тангри иродасининг инсон қалбидаги тажассуми сифатида намоён бўлади. «Эзгу ўй, эзгу сўз, эзгу аъмол» учлиги «Авесто» дан тортиб, барча муқаддас китобларда етакчи ўринни эгаллаши ҳам шундан. Эзгулик – инсон шахсининг комилликка, бахтга, жамитяни эса юксак тараққёитга етказувчи воситадир. У инсоннинг ахлоқий фаолияти туфайли муайянлашади, юзага чиқади. Уни синфийлик ёҳуд партиявийлик қобиғига ўраш мумкин эмас. Чунончи, «синфий душманни», яъни бирор бир шахсни ёки гуруҳни фақат бошқа синфга мансуб бўлгани учун жисман йўқотиш, қанчалик бўяб-бўжалмасин, эзгулик бўлолмайди. У том маънодаги ёвузликдир. Шу боис тоталитар тузумларда эзгуликни бундай талқин этишнинг ноилмийлиги, сохталиги ҳозирги кунда ҳаммага аён.

Эзгулик ва унинг зидди ёвузлик одатий, кундалик ҳаёт мезонлари билан ўлчанмайди, улар ҳам муҳаббат сингари қамровли ва ижтимоийлик хусусиятига эга. Эзгуликнинг ахлоқий идеал билан боғлиқлиги ҳам шундан. Шу туфайли у амалиётда қаҳрамонлик, ватанпарварлик, инсонпарварлик, жасурлик сингари тамойилларни ўз ичга олади.

Шуни ҳам айтиш керакки, муҳаббат ва нафрат жуфтлик тушунчасида нафрат муҳаббатни инкор этмай, аксинча, унинг барқарорлигидан далолат берса, эзгулик ва ёвузлик жуфтлигида ҳар икки тушунча бир-бирини тамомила инкор этади. На фақат инкор этади, балки улар орасида ҳаёт-мамот кўраши кетади ва бу кўраш абадий кўраш сифатида, оламни ҳаракатга келтирувчи куч тарзида номоён бўлади.

Эзугулик ва ёвузликнинг яна бир ўзига хос томони шундаки, бу жуфтлик тушунча инсон фаоляитини баҳолаш хусуситяига эга. Уни одам боласининг улуғлиги ва тубанлигини ўлчайдиган муқаддас торозуга ўхшатиш мумкин. Инсоннинг комиллиги, жамиятнинг такомилга эришган-эришмагани шу мезон билан ўлчанади. Чунончи,

Сталиннинг ёвуз инсон, собиқ шўролар иттифоқини эса жамият сифатида «ёвузлик салтанати» деган ном билан аталиб келгани ҳеч кимга сир эмас.

Эзгулик ва ёвузлик ҳақида гап борганида, яхшилик ва ёмонлик нима, бу икки жуфтлик мазмунан бир эмасми, деган савол туғилади. Бу табиий. Чунки ҳозиргача бизга маълум ўзбек тилидаги барча ахлоқшуносликка доир адабиётларда эзгулик ва ёвузлик мезоний тушунчалар сирасига киритилмаган, у бор-йўғи яхшилик ва ёмонликнинг синоними тарзида тақдим этиб келинган. Тўғри, яхшилик тушунчасининг кўгина унсурлари эзгуликдан, эзгуликнинг баъзи унсурлари яхшиликдан жой олишини инкор қилиш мумкин эмас. Уларнинг зиддида ҳам шундай «сингишиб кетиш» мавжуд. Лекин бундай далилллар асло мазкур икки жуфтликни айнанлаштиришга асос бўла олмайди. Улар орасида қатъий фарқ мавжуд: эзгулик, юқорида айтганимиздек, ижтимоийлик хусусиятига эга, яхшилик эса ундай эмас. У асосан шахснинг одобига, ҳулқига боғлиқ бўлган ижобий ҳодиса. Зеро унда, мардлик, очиққўнгиллилик, ҳалоллик сингари ахлоқий меъёрлар тажассум топади. Бироқ у қаҳрамонлик, жасорат, ватанпарварлик каби тамойиллар даражасига кўтарила олмайди. Мисол тариқасида буюк шоиримиз Алишер Навоийнинг фаолиятини олайлик. У сурункасига ижодий меҳнатга умрини бағишлади, халқи учун, халқлар учун «Хазойин ул-маоний»дек, «Ҳамса»дек буюк асарлар яратди. Бу эзгулик – абадий, зеро Навоий асарлари миллионлаб одамларга юзлаб йиллар мобайнида завқ-шавқ улашиб, уларни комилликка чорлаб келмоқда. Айни пайтда, у кўплаб яхшиликлар қилди – муҳтож одамларга қарз берди, берган қарзидан кечиб юборди в.ҳ. Унинг бу яхшиликлари, ажойиб ижобий ҳодиса бўлгани ҳолда, ўткинчилик хусусиятига эга, шунингдек, қаҳрамонлик ҳам, буюк жасорат ҳам, ватанпарварлик ҳам эмас. Демак, яхшиликни йирик ижтимоий ҳодиса – эзгулик билан айнанлаштириш тўғри эмас.

Бу икки жуфтликнинг яна бир фарқли томони шундаки, эзгулик ҳеч қачон ёвузликка айланмайди, ҳар қандай замонда, ҳар қандай шароитда ҳам ёвузлик бўлиб қолверади. Яхшилик ва ёмонликда эса бундай эмас: бирор объектга қилинган яхшилик бошқа ҳар бир объект учун ёки яхшилик қилган субъект учун ёмонликка айланиши мумкин. Машҳур ўзбек халқ эртакларидан биридаги овчилар қувиб келаётган бўрини қопга яшириб, қутқариб қолган деҳқоннинг ҳолатини бунга мисол сифатида келтириш мумкин: бўри ўзига яхшилик қилиб, ўлимдан қутқарган одамни емоқчи бўлади, хайриятки, тулки деҳқоннинг жонига ора киради.

Хуллас, муайян ижтимоий чекланганлигига қарамай, яхшилик ва ёмонлик ҳам анча қамровли мезоний тушунчалардан.

Ахлоқшуносликнинг яна бир қамровли мезоний тушунчаси-адолат. Унинг эзгулик ва ёвузлик ҳамда яхшилик ва ёмонликдан асосий фарқи шундаки, адолатнинг ўзи бирор бир қадриятни англамайди, лекин қадриятлар орасидаги нисбатни белгилайди, уларни баҳолаш мақомига эга. Шу боис унда жамиятни тартибга солувчилик хусусияти бор; унда ҳам ахлоқий, ҳам ҳуқуқий талаблар мужассамлашган. Уни маълум маънода миқдор ўлчовчи ҳам дейиш мумкин: у талаб билан тақдирлашни ўлчаб турадиган тарозудир. Адолат бор жойда ижитмоий жабрга, бебошликка йўл йўқ. Адолатнинг мезонийлик хусусияти, айниқса, ҳуқуқда дарҳол кўзга ташланади. ҳуқуқ вазирлигининг ҳатто адлия вазирлиги деб аталиши, жиноятга яраша жазони белгиловчи, ҳукм чиқарувчи идораларнинг халқ суди, одил суд деган номлар билан юритилиши бунинг далилилдир. Лекин адолатни фақат ҳуққуий тушунча сифатида талқин этиш тўғри эмас. У, юқорида айтганимиздек, кенг қамровли ахлоқий тушунча. У на фақат фуқоролар орасидаги муносабатларни, балки давлат билан халқ, жамият билан шахс ўртасидаги алоқалар мезонини ҳам ўз ичига олади. Халқ орасида минг йиллар мобайнида одил подшо идеалининг яшаб келгани бежиз эмас.

Деярли бир ярим аср мойбайнида адолатсизликни миллий камситишни, миллий ифтихор ҳиссининг оёқ ости қилинишини, бегона ироданинг зўрлаб қабул қилдириш каби ҳолатларни бошдан кечирган халқимиз, эндликда, мустақилликка эришиб, адолатли фуқоролик жамияти тузишга киришди. Адолат бугунги кунда бизнинг мустақил, келажаги буюк давлатимизнинг моҳиятини англатувчи тушунчага айланиб бормоқда.

Ахлоқшуносликнинг ниҳоятда таъсир доираси кенг тушунчаларидан бири виждондир. Виждон – Зигмунд Фройд таъбири билан айтганда, ало мен, мен устидан назорат ўрнатиб, уни бошқариб турувчи иккинчи, юқора даражадаги мен. Агар уят ҳисси инсоннинг ташқи, жамиятга боғлиқлигидан келиб чиқса, виждон унинг ички ўз-ўзига боғликлигини намоён этади. Бу ички боғлиқлик ташқи боғликликка нисбатан теран ва доимийдир: уят маълум бир вақт ичида одамнинг ўз ножўя ҳаракати туфайли юзага келган ўнғайсизлиги бўлса, виждон азоби, бу оддий ўнғайсизлик эмас, балки қалбдаги, одамдаги одамийликка эътиқоднинг фарёди, талаби, уни қондирмас экансиз, ҳеч қачон азоб тўхтамайди. Уят билан виждонни, шу боис, денгиздаги муз тоғига – айсбергга ўхшатиш мумкин: юзага уят тарзида чиқиб турган қисми теранликдаги қисмидан юз, балки минг баробар кичик.

Виждон ҳам бошқа баъзи ахлоқшунослик мезоний тушунчалари каби баҳолаш хусусиятига эга. Лекин бу баҳолаш ҳеч қачон объектга қаратилмайди, у субъектнинг хатти-ҳаракатларини баҳолайди, яъни унда субъект ўзи учун ички объект вазифасини ўтайди. Баъзан жамият талаблари билан виждон ўртасида ихтиллофлар чиқиши мумкин. Бунда виждон эмас, жамият талабларининг ўткинчилик хусусияти, маълум маънода эскирганлиги айбдордир. Зеро виждон кўзга кўринмас, лекин улкан ва мутлақ айбсиз ахлоқий ҳодисадир.

Кўпинча виждон тушунчаси ўрнида иймон иборасини учратиш мумкин. Иймон аслида диниий тушунча. Лекин ҳаётда виждон тушунчасининг синоними тарзида ишлатилади. Масалан, кимнидир биров «иймонли одам» деганида, унинг мусулмонликка иймон келтирган-келтирмагани ҳақида ўйлаб ўтирмайди, бунинг устига, у одам мусулмон эмас, насроний бўлиши ҳам мумкин. Чунки гап бу ерда ўша одамнинг диндорлиги ҳақида эмас, балки виждонли, ҳалол, ростгўй эканлиги тўғрисида кетяпти. Шу маънода виждон билан иймонни эгизак тушунчалар дейиш мумкин.

Афсуски, одатда, кўпчилик адабиётлар виждон мезоний тушунчасига «субъектив» ҳодиса тарзида қараб адолат, бурч, номус сингари тушунчаларни унга қараганда ижтимоий аҳамиятлироқ деб баҳолаш, уларни, «тўрга чиқариш» ҳоллари тез-тез учраб туради. Ваҳоланки, виждонсиз одамдан ҳеч қачон адолатни ҳам, бурчга садоқатни ҳам, ор-номусни ҳам кутиш мумкин эмас. Виждонли одамларгина ҳақиқий эркин, демократик фуқоролик жамиятини ярата оладилар. Зеро виждон, энг аввало, ўзгаларга нисбатан бурч ва масъулиятни тақозо этади.

Яна бир муҳим мезоний тушунча – бурч. Бурч, моҳиятан, жамият, давлат ва шахсларга нисбатан муайян индивиддаги муносабат, улар олдидаги мажбурият. У юқорида айтганимиздек, виждон, эътиқод масъулият каби тушунчалар билан мустаҳкам боғлиқ. Умуман, ҳаётда инсоннинг ҳар бир хатти-ҳаракати замирида бурч тушунчаси – бурчга садоқат ёки хиёнат ётади. Бурчнинг инсонлик бурчи, мусулмонлик бурчи, насронийлик бурчи, фарзандлик бурчи сингари кенг қамровли, барча даврлар учун умумий бўлган тушунчалари ҳам, журналистлик бурчи, шифокорлик бурчи, олимлик бурчи каби касбий одоб доирасидаги тушунчалари ҳам мавжуд. Бурч тушунчасининг ўзига хос жиҳатларидан яна бири – унинг вақт ва жамиятда муайянлашиш хусусияти. Чунончи, бир тузум ё жамиятда ижобий ҳисобланган бурч талаблари иккинчи бир тузум ёки жамият учун салбий маъно касб этиши мумкин. Собиқ шўролар фуқаросининг ўша даврдаги мавжуд тузум олдидаги бурчи ҳозирги кунда ўта салбий ҳодиса сифатида баҳоланиши бунга ёрқин мисол бўла олади.

Ҳарбийлашган ва ўта мафкўравийлашган, яъни ягона мафкўра ҳукмронлик қилган жамиятларда эса бурч омма ҳамда шахс ҳаётида фожеий ҳодисага айланади. Ўта усталик билан йўлга қўйилган тарғибот натижасида бундай жамиятлар аъзолари оқни – қора, қорани – оқ деб қабул қиладилар. Буни умумбашарий миллий қадриятларни оёқ ости қилган бешафқат шўролар социализми ёки фашистларнинг миллий социализми яқол исботлаб берди. Юз минглаб, ҳатто миллионлаб одамлар алдандилар, кейинчалик, узоқ йиллар мобайнида виждон азобида яшадилар. Демак, жамият қуришда тоталитарчиликка

йўл қўйилиши ўша жамият аъзоларини бурчни нотўғри тушунишга ва бунинг оқибатида ахлоқсизликка олиб келади.

Шуни ҳам айтиш керакки, баъзи ҳолларда бурч шахснинг кўпгина майл-истакларига қарши боради: уни ҳузур ҳаловатдан турмуш лаззатларидан маҳрум этади. Масалан, Фурқат мустамлакачилар мафкўрасига хизмат қилганида, унинг ҳаёти роҳат фароғатда кечиши мумкин эди. Лекин у Ватан олдидаги, миллат олдидаги бурчни деб муҳожирликнинг оғир қисматига дучор бўлди: уни мустамлакачилар мамлакат ҳудудидан чиқариб юбориб, қайта киритмадилар. Фурқат ҳорижда вафот этди.

Баъзан бурч туфайли одамлар ўз севгисидан, жон-дилидан севган кишисидан кечишга ҳам мажбур бўладилар. Хуллас, бурч ахлоқшунослик мезоний тушунчалари ичидаги энг «қаттиқ қўл», энг «шафқатсизи».

Мезоний тушунчалардан яна бири – номус. Номус тушунчаси бир томондан, бурч билан боғлиқ бўлса, иккинчи жиҳатдан, қадр-қиммат тушунчасига алоқадир. Зеро номус моҳиятан шахснинг ўз қадр-қимматини англаб етиши, шу қадр-қимматнинг жамият томонидан тан олиниши ёки олинмаслига муносабати билан белгиланади. Гоҳо уни ор тушунчаси билан чалкаштириш, ҳоллари ҳам учраб туради. Лекин аслида, номусга нисбатан ор анча тор қамровдаги, нисбатан залворсиз тушунча. Чунончи, ориятли одам деганда, ўз сўзининг устидан чиқадиган, садақа тарзида қилинган мурувватлардан баланд турадиган шахс тушунилади. Беор одам эса – ўз шаънига айтилган гапларга парво қилмай, ишини бажариб кетаберадиган, айтилган-айтилмаган жойларга суқилиб кираверадиган сурбетнамо киши. Номуснинг эса тоши оғир – ижтимоийлик хусусиятига эга, кенг қамровли. Номус йўлида инсон ҳатто ўз ҳаётидан кечиши мумкин, одамлар ўз номуси, оила номуси, миллат номуси деб кўрашадилар. Бу ҳақда кўплаб бадиий асарлар яратилган. Меҳнат, спорт сингари соҳаларда жамоа номуси ҳам алоҳида аҳамиятга эга; шу ўринда номус обрў тушунчаси билан боғланиб кетади. Буларнинг ҳаммаси ўзини ҳурмат қилиш, ўзига нисбатан атрофдагиларнинг ҳурмат-иззатини йўқотмаслик учун ўз-ўзини назорат қилиш ҳиссидан келиб чиқади.

Биз юқорида кўриб ўтганларимиз – асосий мезоний тушунчаларнинг барчаси баҳолаш табиатига эга. Яна қатор муҳим ахлоқий тушунчалар борки, улар ўз ечимини талаб қилиши билан, яъни муаммолик хусусияти билан ажралиб туради. Идеал, бахт, ҳаётнинг маъноси, сингари тушунчалар шулар жумласидандир. Биз улар орасидаги энг қамровлиси бўлиши ахлоқий идеал тушунчасига нисбатан батафсилроқ тўхталиб ўтамиз.

Бир қараганда, идеалда ҳам баҳолаш хусусияти мавжуддек туюлади. Лекин аслида у қиёслашга асосланади. Антиқа томони шундаки, идеалда номавжуд, хаёлдаги инсонга, воқелика реал, мавжуд, ҳаётдаги ходисалар қиёсланади, яъни бор нарса йўқ нарса билан ўлчанади. Зеро идеал ҳаётда мавжуд бўлиши мумкин эмас – бу ҳаммага аён гап. Бунинг устига, идеал ҳозирги замонда ҳам, келажакда ҳам бўлмайди, унинг мавжудлик шарти-ўтган замон. Лекин, шунга қарамай, инсон идеал сари интилади, ўз ҳаётини унга қиёслайди, унга тақлид қилади. У инсон ҳаётидаги энг олий ахлоқий талабки, унинг бажарилиши шахсни комилликка етказади. Алббата, ҳаётда бундай бўлмайди, лекин инсон ана шу комилликни ўзига намуна билиб, идеалга интилиб яшаши жараёнида нисбий комилликка эришади.

Дунёвий идеал билан, тўғрироғи, ижтимоий-ахлоқий идеал билан диний идеал, бир қараганда, ўхшашдек кўринса-да, аслида кескин фарқ қилади. Чунончи, мусулмонлар учун-Муҳаммад алайҳиссалом, насронийлар учун – ҳазрати Исо, яҳудо динидагилар учун – ҳазрати Мусо идеал ҳисобланади. Улар идеал сифатида ҳеч қачон ўзгармайди, боқий. Ижтимоий-ахлоқий идеаллар эса ўзгариши мумкин ва кўп ҳолларда ўзгариб туради. Масалан, шўролар даврида ўша тузум асосчиси Ленин – энг юксак ахлоқий идеал сифатида талқин этиларди ва кўпчилик томонидан шундай қабул қиланарди. Ҳозир эса «Куч-адолатда!» деган шиорни ҳаётининг маъноси деб билган буюк аждодимиз Амир Темур кўпчилик томонидан ижтимоий-ахлоқий идеал, адолатли давлат раҳбарининг идеал тимсоли тарзида қабул қилинади. Демак, муайян тузум талабларидан келиб чиққан ҳолда,

ижтимоий-ахлоқий идеаллар ўзгариши мумкин. Фаолияти ниқобланган ахлоқсизликдан иборат бўлган. Ленин, Сталин, Ҳитлер каби ижтимоий идеалларнинг умри узоқ бўлмасада, ҳар ҳолда идеал эдилар, алданган кўпчилик уларни намуна деб билдилар.

Бундай салбий ҳодисаларга кармай, идеал, умуман, инсонният жамиятида, шахс ҳаётида ижобий, ёруғ маёқ вазифасини ўтаб келмоқда, бундан кейин ҳам унинг асосий вазифаси шундай бўлиб қолажак. Чунки идеалда ҳар бир инсон ўз бахтининг ҳиссиётли ирфодасини кўради, ҳаётининг маъносини унга қараб интилишда деб билади.

3- масала. Асосий мезоний тушунчалар – категориялар сингари ахлоқий тамойиллар ҳам ахлоқий англаш шаклларидан ҳисобланади. Уларда ахлоқий талаб нисбатан умумий тарзда кўзга ташланади.

Улар жамият томонидан шахсга қўйиладиган талаб тарзида намоён бўлиб, инсоннинг ахлоқий моҳиятини, унинг ҳаёти мазмунини, одамлар билан ўзаро алоқаларидаги асосий жиҳатларини белгилаб беради. Натижада тамойиллар, инсон хатти-ҳаракатининг умумий йўналишини кўрсатган ҳолда, кўпгина ахлоқий меъёрлар учун асос бўлиб хизмат қилади.

Ахлоқий тамойилларнинг энг қадимий ва энг муҳимларидан бири – инсонпарварлик. У – инсоннинг юксак ижтимоий вазифасини белгилайдиган ва барқарор этадиган ғоялар, қарашлар ва эътиқодлар мажмуи, шахс эрки, кадр-қиммати, унинг бахтли бўлиш ҳуқуқини талаб этиш имконининг мавжудлигига енгилмас ишонч. Инсонпарварлик тамойилини, Оврўпо Уйғониш мутафаккирлари дастлаб илгари сурганлар, деган фикр мавжуд. Аслида, инсонпарварлик даставвал Шарқда ўртага ташланган, инсонийлик, инсонпарварлик деган маънони билдирувчи «намлулу» сўзи бундан 3-4 минг йиллар аввалги қадимги Сомир мих хатларида учрайди.

Инсонпарварлик – умуминсоний қадриятлар сирасига киради. Уни шўролар давридаги синфийлик нуқтаи назаридан сохталаштириш пролетар диктатураси ва тоталитар социалистик тузум ҳамда улар ижодкорларининг инсонпарварлиги ҳақидаги афсоналар жуда қисқа умр кўрди. Социализм мафкўрачиларининг бу борадаги сайъ-ҳаракатлари ўша даврлардаёқ ноилмийлиги, ёлғонга суғорилганлиги билан кишиларнинг ғашини келтирган эди. Бундай инсонпарварликни халқ қабул қилмайди. Чунки у айнан ўта мавҳум «халқ» тушунчасига қаратилган, ваҳоланки инсонпарварлик марказида муайян шахс турмоғи лозим. ҳар бир шахс инсоний ҳуқуқларини таъминлаш учун кўрашиш – мана, инсонпарварликнинг асосий вазифаси. Бу борада умумбашарий маънавий қадрятларни устувор деб билган бизнинг давлатимиз ҳам мамлакат ичкарисида, ҳам дунё миқёсида кўзга кўринарли ишлар қилмоқда.

Агар инсонпарварлик тамойили шахснинг барча инсоний ҳақ-ҳуқуқлари ҳимоясида турса, яъни анча кенг қамровли ва умумий интилиш бўлса, эркпарварлик тамойили унинг маълум маънода муайянлашган бир қисми ҳисобланади. Эркпарварлик инсоннинг энг олий ҳуқуқи – эркин, озод яшаш ҳуқуқини ҳимоя қилиши билан муҳимдир. Зеро эрксиз инсон – асир, эрксиз миллат – қул, эрксиз мамлакат–мустамлака. Эркпарварлик, аввало, ўз миллати ўз Ватани эрки учун, қолверса, бошқа миллатлар ва ватанлар эрки учун кўрашни ҳаётининг мақсади қилиб қўйган инсонлар тамойилидир. Айни пайтда, бу тамойил кенг ижтимоий сиёсий маънода ҳам қўлланилади. Буни эркпарвар давлатлар фаолиятида кўриш мумкин.

Одатда, эркпарвар шахслар муайян даврнинг қаҳрамонларига айланадилар. Зеро улар ўзгалар эрки учун ўз эркини, ўз ҳаётини қурбон қилишдан ҳам чўчимайдилар. Бунинг ёрқин мисоли буюк инглиз мумтоз шоири Жорж Байрон сиймосидир. У инглиз бўлатуриб, ўз Ватани Англияда Ирландия озодлиги, ирландлар эрки учун кўрашди: кўпчиликнинг ҳайрати ва нафратига учради, Ватанни тарк этишга мажбур бўлди. ўз юртида эрк учун кўрашиш бахтидан маҳрум бўлган шоир ўзга ватанлар эрки учун кўрашга отланди, Италияни Австрия истибдодидан озод қилиш ҳаракатининг раҳбарларидан бирига айланди. Бу ҳақда у шундай деб ёзган эди:

Эрк учун Ватанда қилолмасанг жанг,

Сен қўшни ватанлар эрки деб кўраш;
Юнону Румонинг туған тут таранг,
Бошингни тика бил эрк учун саркаш!
Эзгулик йўлида бўлсанг қаҳрамон,
Сен инсон эрки деб кўрашсанг азот,
Бир, куни, сиртмоқдан гар қолсанг омон,
Жўмард деб алқагай сени одамзот!

Италиядаги озодлик ҳаракати мағлубиятга учрагач, у қадим Юнонистонни Туркия зулмидан озод қилиш учун кўрашди. У Юнонистонда, ботқоқлик ёнидаги Миссолунги шаҳрида оғир безгакдан вафот этди. Унинг ўлими ҳам истибдодга қарши шиорга айланди: қўзғолончилар: «Байрон учун!» деган жанговар ҳайқириқ билан жангга отилдилар. Беназир, Юнонистоннинг озод қилинган қисми генерал-губернатори, эрксевар қўмондон ва улуғ инсон хотирасига юнон халқи йигирма бир кун қора қийиб, мотам тутди. Ҳамма черковларда Байрон ҳаққига ибодат қилинди. Дарҳақиқат, эркпарварлик тамойилини ҳаётининг маъноси деб билган инсонларнинг маънавий умри боқий, улар келажак авлодлар учун идеал бўлиб қоладилар.

Энг маълум ва машҳур тамойил, бу – ватанпарварлик. У инсоннинг ўз Ватанига муҳаббатини, уни асраб-авайлашга бўлган иштиёқини англатувчи ахлоқий тушунча. Уни кўпинча Ватан душманларига қарши маънавий-мафкўравий қурол сифатидагина талқин этадилар.

Аслида эса, бу тамойилнинг қамрови анча кенг – у инсонпарваликнинг нисбатан муайянлашган шакли. У, энг аввало, ўз ватандошлари эркини асраш учун кўраш, инсон озодлиги йўлидан хатти-ҳаракатлардир. Ватан ҳимояси, бу – инсон ҳимояси, миллат ҳимояси. Лекин бу ҳимоя, юқорида айтганимиздек, фақат жанг майдонида эмас, балки барча соҳаларда намоён бўлади. ҳар бир соҳада Ватан эришган муваффақиятлардан қувонч, муваффақитсизликлардан қайғу ҳиссини туюш, Ватан билан ғурурланиш, унинг ҳар бир қарич ери, биносининг ҳар бир ғиштига, қадимий обидаларига, илм-фан ва санъатдаги ютуқуларига меҳр билан қараш, уларни кўз қорачиғидек асраб-авайлаш – булар ҳаммаси ватанпарварликдир.

Ҳозирги пайтда ёшларимизда ватанпарварлик туйғусини тарбиялаш, уларни Ватан маъносини теран англаб етишга ўргатиш, ватанпарварлик – юксак ахлоқий тамойил эканини тушунтириш фанизмнинг долзарб вазифаси ҳисобланади.

Яна бир муҳим ахлоқий тамойил, бу – миллатпарварлик. У маълум маънода, ватанпарварлик тамойилининг янада муайянлашган шакли. Зеро миллатни севиш кенг маънода Ватанни севиш дегани. Ватансиз миллатнинг бўлиши ёки расмона эркин ва бахтли яшаши мумкин эмас.

Лекин миллатпарварликни миллатчилик билан қориштириб юбормаслик лозим. Миллатчилик ўз миллатини ажратиб олиб, унга буюклик мақомини беришга интилиш бўлса, миллатпарварлик, бошқаларни камситмаган ҳолда, ўз миллати равнақи учун кўрашиш, бу йўлда, лозим бўлса, ўз ҳаётини ҳам фидо қилиш демакдир. У инсонпарварлик билан ҳам чамбарчас боғлиқ. Чунки ўз миллатини чин дилдан севмаган одам ҳеч қачон бошқа миллатларни сева олмайди.

Асл миллатпарвар – миллий ўзлигини англаб етган инсон. У ўз миллати билан фахрланади, ўз миллати билан бутун жаҳоннинг фахрланишини истайди. Чунончи, Навоий дўппи билан тўн кийган ўзбекни ҳар қандай шоҳ жамолидан афзал кўради:

Шоҳу тожу хилъатеким, мен томоша қилғали
Ўзбаким бошида қалпоқ, эгнида шардоғи бас.

Лекин Навоий шу фахрланиши, ғуруланиши баробарида ўзгаларга кибр билан қараган эмас, аксинча, ўзга тил вакили бўлмиш Жомийга бағоят ҳурмат-иззат кўрсатиб, унга, пирим, деб қўл берган.

Асл миллатпарвар инсонларнинг умри миллатнинг умри каби мангудир. Миллат йўлида ўз жонини тиккан Мунаввар қори, Беҳбудий, Фитрат, Чўлпон сингари минглаб фидоийларни ҳам ҳалқимиз ҳеч қачон унутмайди.

Шунингдек, тинчликпарварлик, жўмардлик сингари ахлоқий тамойиллар ҳам инсоният ҳаётида муҳим аҳамитяга эга. Чунончи, тинчликпарварлик урушнинг, қон тўкишнинг ҳар қандай кўринишини инкор этади. Баъзи улуғдавлатчилик ва буюкмиллатчилик руҳи ҳукмрон бўлган жамиятларда тинчликпарварлар қувғин қилинади, турмаларга ташланади. Лекин улар ўз тамойилларидан ҳеч қачон қайтмайдилар. Улар инсониятни барча баҳсли масалаларини тинч йўл билан ҳал қилишга чақирадилар, Ер юзида тинчлик ўрнатиш учун тинимсиз кўраш олиб борадилар. Жўмардлик тамойили эса Шарқда қадимдан мавжуд. Оврўпода уни альтруизм номи билан Огюст Конт илимий муомалага киритган. У кишида ўз қавмдошига айчиниш ҳиссидан, унга бахт ва фаровонлик тилаш туйғусидан келиб чиқади, моҳиятан беминнат хайрияга асосланади. Бундан ташқари, бизнинг миллий ахлоқшунослигимизда ўзбекчилик, меҳмондўстлик каби тамойиллар мавжуд. Улар миллатимизнинг энг яхши анъаналарига садоқат туйғусидан келиб чиқади ва ўзбек кишисига хос бағри кенглик, дўстга, меҳмонга борини бағишлашдек фидойилик хусусиятларини ўзида мужассамлаштиради. Айни пайтда, бу тамойилларни суистеъмол қилиши ҳоллари ҳам ҳозирги пайтда тез-тез учраб туради. Шунга қарамай, ўзбекчилик ва меҳмондўстлик тамойиллари халқимизнинг ўзига хослигини таъкидлайди. Жаҳоннинг жуда кўп халқлари бу тамойиллар эгаси бўлмиш ўзбек миллатига доимо эҳтиром, ҳавас ва ҳайрат билан миннатдорчилик билдирадилар.

Инсон ҳаётида ахлоқий меъёрлар ҳам катта аҳамиятга эга. Улар тамойилларга нисбатан анча содда, умумлашмаган, тор қамровли. Уларни кундалик ҳаётимизда маълум ахлоқий тамойилларнинг амалга ошиш мурватлари ҳам дейиш мумкин, улар ахлоқий талабларнинг энг оддий шакли сифатида рўёбга чиқади. Ҳалоллик, ростгўйлик, хушмомалалик, боодоблик, камтарлик сингари меъёрлар айниқса, диққатга сазовар. Шуни ҳам айтиш керакки, ҳалолликни унинг дастлабки тор диний мазмунида-қайси таом ҳаром-у, қайсиниси ҳалол, деган маънода тушунмаслик лозим. У аллақачон умуминсоний маъно касб этган меъёрга айланган. ҳалоллик, ростгўйлик виждон тушунчаси билан боғлиқ, инсоннинг ўзгага муносабати ўзига муносабатидек соф бўлишини талаб этувчи маъёрлардир.

Такрорлаш учун саволлар

1. Муҳаббатнинг ахлоқшунослик мезоний тушунчаси (категорияси) сифатидаги моҳияти нимада?
2. Эзгулик ва ёвузлик мезоний тушунчаларининг ижтимоийлик хусусиятлари нимада?
3. Яхшилик ва ёмонликнинг эзгулик ва ёвузликдан фарқи нималарда кўринади?
4. Адолатнинг жамият ва шахс ахлоқий ҳаётидаги ўрни қандай хусусиятлар билан белгиланади?
5. Нима учун Виждон ахлоқшуносликнинг энг муҳим мезоний тушунчаларидан ҳисобланади?
6. Бурч тушунчасининг ахлоқий моҳиятини қандай изоҳлаш мумкин?
7. Номус тушунчасининг ахлоқий ҳаётдаги аҳамияти нима билан белгиланади?
8. Идеалнинг моҳияти ва инсон ҳаётида тутган ўрни қай тарзда намоён бўлади?
9. Ахлоқий тамойилларнинг инсон камолотига таъсири қай тарзда рўй беради?
10. Шахс ҳаётида алоқий меъёрлар қандай ўрин тутади?

Таянч тушунчалар

Муҳаббат ва нафрат, Эзгулик ва ёвузлик, Яхшилик ва ёмонлик, Адолат, Виждон, Бурч, Номус, Идеал, Инсонпарварлик, Эркпарварлик, Ватанпарварлик, Миллатпарварлик, Тинчликпарварлик, Жўмардлик, Ҳалоллик, Ростгўйлик, Хушмуомалалик, Камтарлик.

“Ахлоқшунослик” фанини ўқитишда педагогик технологик карта тузиб олиш

Мавзу:*Оила, фуқаролик жамияти ва давлатнинг ахлоқий асослари*

ҳамда шахс ахлоқий тарбияси (2 соат).

Мақсад	**Ўқитувчи** Оила, фуқаролик жамияти ва давлатнинг ахлоқий асослари ҳамда шахс ахлоқий тарбиясининг назарий ва амалий ахамияти тўғрисида тушунчаларини бериши. **Талаба**: Ўрганиш, дарсда фаол қатнашиш, топшириқларни бажариш.	
Вазифалар	**Ўқитувчи:** Мавзуга оид оғзаки маълумотларни талабалар томонидан жамоа ҳолатида ўзлаштириб олишлари ҳамда ақлий ҳужум орқали Оила нима? Нима учун оила илк ахлоқий маскан хисобланади? Фуқаролик жамиятининг ахлоқий моҳияти нимадан иборат? каби саволларни бериш ўринли **Талаба:** -Никоҳ ва унинг моҳиятан ахлоқий муносабат экани. - Оила маънавий – ижтимоий муҳит эканлиги. -Оила илк тарбия маскани. - Ота –оналик ва фарзандлик бурчлари. -Фуқаролик жамияти оила билан давлат ўртасидаги ўзига хос босқич экани. -Ахлоқий тарбиянинг восита ва йўллари.	
Дарс жараёнининг ташкил этилиши	1. Ташкилий қисм 2. Мақсад ва вазифаларни қўйиш. 3. Ўрганилганларни умумлаштириш, такрорлаш ва тизимлаштириш 4. Якун ясаш 5. Уйга вазифа	5 дақиқа 3 дақиқа 57дақиқа 10дақиқа 5 дақиқа
Дарс жараёнининг мазмуни	Никоҳ ва унинг моҳиятан ахлоқий муносабат экани. Оила маънавий – ижтимоий муҳит эканлиги.Оила илк тарбия маскани.Ота –оналик ва фарзандлик бурчлари. Фуқаролик жамияти оила билан давлат ўртасидаги ўзига хос босқич экани. Ахлоқий тарбиянинг восита ва йўллари масалаларини англаб етишига эришиш,	

	мустақил фикр юритиш кўникмаларини хосил қилиш.
Ўқув жараёнини амалга ошириш технологияси	**Метод:** оғзаки баён қилиш, “ақлий ҳужум”, “муаммо”…. **Форма:** Маъруза, жамоада ва гуруҳларда ишлаш. **Восита:** А3 форматдаги маълумотлар, чизмалар, нутқ. **Усул:** Тушунтириш, кўрсатиш, сўраш, муаммоли савол. **Назорат:** Кузатиш, оғзаки назорат, якка ва гуруҳий назорат, савол жавоблар.
Кутилаётган натижалар	**Ўқитувчи:** Мавзуни қисқа вақт ичида барча талабалар томонидан ўзлаштирилишига эришади. Талабалар фаоллигини оширади. Талабаларда дарсга нисбатан қизиқиш уйғотади. Ўз олдига қўйган мақсадга эришади. **Талаба** Никоҳ ва унинг моҳиятан ахлоқий муносабат экани. Оила маънавий – ижтимоий муҳит эканлиги.Оила илк тарбия маскани. Ота –оналик ва фарзандлик бурчлари.Фуқаролик жамияти оила билан давлат ўртасидаги ўзига хос босқич экани. Ахлоқий тарбиянинг восита ва йўллари ҳақида янги билимларни эгаллайди. Нутқ ривожланади ва эслаб қолиш қобилияти кучаяди.
Келгуси режалар	**Ўқитувчи:** янги педагогик технологияларни ўзлаштириш ва дарсда татбиқ этиш, такомиллаштириш. Ўз устида ишлаш. Мавзуни ҳаётий воқеалар билан бойитиш, боғлаш. Педагогик маҳоратни ошириш. **Талаба:** Шу мавзу юзасидан қўшимча материаллар топиш, уларни ўрганиш.

Дарс жараёнининг бориши

1.	Ташкилий қисм	Саломлашиш, йўқлама
2.	Мақсад ва вазифаларни қўйиш	Талабаларга никоҳ ва унинг моҳиятан ахлоқий муносабат эканини тушунтириш. Оила маънавий – ижтимоий муҳит эканлиги.Оила илк тарбия маскани тушунчаларнинг мазмунини кўрсатиш . Фуқаролик жамияти оила билан давлат ўртасидаги ўзига хос босқич экани мисоллар билан курсатиш Ахлоқий тарбиянинг восита ва йўллари масалаларининг аҳамиятини англаб етишига эришиш.
3.	Мотивация	Дарс сўнгида фаол талабалар рағбатлантирилади.
4.	Ўрганилганларни умумлаштириш, такрорлаш ва тизимлаштириш	1.Оила ва унинг уч асосий жиҳати нималардан иборат? 2. Никоҳнинг ахлоқий моҳияти нимада? 3. Фуқаролик жамияти қандай тузилма? 4. Давлатнинг ахлоқий асослари қай тарзда кўзга ташланади?

		5. Муомала одобининг инсон ҳаётидаги ўрни қандай? 6. Касбий одоб шахс ва жамият ижтимоий ҳаётида қандай мавқе эгаллайди? 7. Ахлоқий тарбия нима ҳамда унинг асосий воситалари ва йўллари нималарни ўз ичига олади?
5.	Баҳолаш ва фаол талабаларни рағбатлантириш	Талабалар сони кўп бўлганлиги сабабли саволларга аниқ ва тўғри жавоб берган талабалар дарс сўнгида баҳоланади.
6.	Дил сўзлари	Эътиборингиз учун раҳмат, саломат бўлинг.
7.	Уйга вазифа	Мавзу юзасидан берилган адабиётлар бўйича семинар машғулотига тайёрланиш, янги маълумотларни ўзлаштириш.

3-маъруза. Оила фукаролик жамияти ва давлатнинг ахлоқий асослари ҳамда шахс ахлоқий тарбияси. (2-соат).

Режа:

1. Оила – илк ахлоқий маскан сифатида.
2. Фуқаролик жамияти ва давлатнинг ахлоқий моҳияти.
3. Ахлоқий маданият ва касбий одоб муаммоси.
4. Ахлоқий тарбия ҳамда унинг йўллари ва воситалари.

АДАБИЁТЛАР

1. Каримов И.А. Ўзбекистон буюк келажак сари. Т., «Ўзбекистон». 1998.
2. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда. Т., «Ўзбекистон». 1999.
3. Каримов И.А. Донишманд халқимизнинг мустаҳкам иродасига ишонаман. «Фидокор» газетаси, 2000 йил, 8-июнь.
4. Мустаҳкам оила йили давлат дастури. Халқ сўзи газетаси.2012.,13-феврал сони.
5. Гегель Г. Философия права. М., «Мысль», 1990.
6.Ф.Саифназарова. Ўзбек оиласи: ижтимоий ва маънавий қадриятлар.Т-2007.

1масала. Оилани фуқаролик жамиятининг, давлатнинг энг муҳим ҳужайраси дейишади. Чунки ҳар бир жамият аъзосининг, бўлажак фуқуронинг тарбияси оиладан бошланади. Оила уч жиҳатни: ўзининг бевосита кўриниши бўлмиш никоҳни; оилавий мулк ва анжомлар ҳамда улар ҳақидаги ғамхўрликни; болалар тарбиясини ўз ичига олади.

Аввало, никоҳ хақида тўхталиб ўтайлик. Қонунга биноан никоҳ тузиш шартларида энг муҳимлари – никоҳга кирувчиларнинг ўзаро розилиги ва уларнинг никоҳ ёшига етганликлари. Бизда йигитлар учун – 18, қизлар учун – 17 никоҳ ёшлари қилиб белгиланган. Бу – масаланинг ҳуқуқий томони. Унинг иккинчи – ахлоқий томони ҳам

борки, у севги билан боғлиқ. Никоҳ тузишдан аввал икки ёш орасида гоҳ очиқ севги – мунтазам учрашувлар, аҳду паймонлар қилиш ёки орқаворотдан бир-бирини ёқтириши ҳоллари бўлиши мумкин. Ҳар иккала ҳолда ҳам розилик ўзгармас шарт ҳисобланади.

Баъзан, қадимда Шарқ халқларида, шу жумладан ўзбекларда қизнинг ёки йигитнинг розилигисиз тўй қилиб юбора беришган, ота-оналар келишса – бас, деган фикрларни учратади киши. Айниқса, бундай гаплар шўролар даврида тинимсиз такрорланар эди. Ваҳоланки, бундай ҳол кам бўлган, уни мусулмончилик инкор этади. Ривоят қилишларича, пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссалом уйларига совчи келганида, қизлари Фотимадан доимо розилик сўраганлар ва рад жавоби олганлар. Фақат Ҳазрат Али совчи қўйганларида, Биби Фотима розилик берганлар. Демак, фарзанднинг розилигини олиш бизга пайғамбаримиздан қолган суннат.

Ҳозирги кунда ҳам кўпгина ёшларимиз совчи орқали турмуш қурадилар. Одатда совчи келиб кетгач, йигит билан қиз учраштирилади, иккаласи бир-бирини маъқул кўрсагина, фотиҳа қилиниб, тўй тараддуди кўрилади. Жуда кўп ҳолларда бундай ёшлар ўртасида кейинчалик ҳақиқий муҳаббат шаклланади. Абдулла Қодирий «ўтган кунлар» романида тасвирлаган Отабек билан Кумуш ўртасидаги севгини бунинг мумтоз намунаси деса бўлади. Очиғини айтиш керакки, муҳаббатнинг ҳам ўз даражаси бор: Лайли билан Мажнуннинг муҳаббати ҳамма севишганларга ҳам насиб этавермайди. Бундай романтиқ-сурурий севги реал ҳаётда камдан-кам учрайди. Бунинг устига, оилавий муҳаббат маълум маънода салобатли, кўпроқ яширин тарзда намоён бўлади.

Кейинги пайтларда никоҳ билан муҳаббатнинг ўзаро чиқишмаслиги ҳақида Ғарб мутафаккирлари тез-тез ёзадиган бўлиб қолганлар. Чунончи, Эрих Фромм индустриал жамиятда муҳаббат камдан-кам ҳам учрайдиган ҳодиса эканини, никоҳнинг асосида бошқа–молиявий, сиёсий, иқтисодий сабаблар ётишини таъкидлайди. Умуман, Ғарб оламида бундай ҳодиса анчадан буён мавжуд. Шу жиҳатдан Жорж Байроннинг «Дон Жуан» шеърий романидаги қуйидаги сатрлар диққатга сазовор:

Бу жуда қайғули ҳодиса шаксиз,

Инсоннинг кажлиги, жинояти бу;

Илдизи гар битта бўлса ҳам, ҳаргиз
Чиқишмас никоҳ ва муҳаббат мангу:

Сиркага айланган винодак, эсиз,

Никоҳ маст қилмовчи тахир, нордон сув,-

Вақт ундан жаннатий бўйни оладир,

Рўзғору ошхона ҳиди қоладир.

Гарчи бу сатрлар ярим киноя, ярим ҳазил қабилида бўлса-да, уларда маълум маънода ҳаётий асос бор. Агар муҳаббат ҳар икки томондан эъзозлаб, авайлаб-асралмаса, ундаги жаннатий бўйни йўқотиб қўйиш ҳеч гап эмас. Зеро дунёдаги ҳамма нарса -ҳодисалар каби муҳаббат ҳам парваришга муҳтож.

Никоҳ ўз моҳиятига кўра ахлоқий ҳодиса. Унда эҳтиролар ахлоққа бўйсундирилади. Оддий бирга яшашда эса табиий эҳтиётни қондириш биринчи ўринда туради, никоҳда у иккинчи даражали мавқе эгалайди.

Оиланинг яна бир жиҳати – унинг ўз мулкига эгалиги. Агар никоҳ оиланинг ботиний кўриниши бўлса, оилавий мулкни унинг ташқи кўриниши дейиш мумкин. Оиланинг мавжуд бўлиши учун ишлаб топиладиган маблағ ҳам зарур. Оила учун топиладиган ана

шу маблағ, шубҳасиз ахлоқий табиатга эга: оила бошлиғи оила аъзоларини ҳалол едириб-ичириши, кийдириши лозим. Оилани эркак киши бошқаради. У нафақат «топиб келади», балки оилавий мулкка хўжайинчилик қилиш, уни тақсимлаш ҳуқуқига ҳам эга.

Оилада боланинг аҳамияти ниҳоятда катта. Ота болада ўз жуфти ҳалолини, она эса севимли эрини кўради: болада эр хотиннинг муҳаббати предметлашади, жонланади. Бола – оилани тутиб турувчи жонли муҳаббат. Болалар оилада умумий оилавий мулк ҳисобига еб-ичадилар, тарбия оладилар.

Оилада болалар интизомли бўлиб ўсмоқлари, ота-онага бўйсинишлари лозим. Лекин бу интизом қулликка ўргатиш эмас, балки болаларига ҳос эрка-тантиқлик, ўзбошимчалик сингари салбий ҳусусиятларни йўқотишига хизмат қилиши керак. Ота-онага бўйсунишдан бош тортишга йўл қўйиш боланинг келажакда қўпол бадхулқ нокамтарин бўлиб етишувига олиб келади. Шу боис оила илк ахлоқий тарбия ўчоғи сифатида ҳам катта аҳамиятга эга.

Оила бузилиши ҳам мумкин. Бунинг турли сабаблари бор. Бири – оилани ахлоқий нуқтаи назардан бузилиши. Бунда болалар балоғатга етгач, эркин шахс сифатида янги оилага асос бўлишлари – ўғил болаларнинг уйлантирилиши, қизларнинг эрга берилиши назарда тутилади.

Уйлантирилган фарзандларга ҳам, эрга берилган қизларга ҳам янги оила қуриш ва уни моддий жиҳатдан дастлабки пайтларда муҳтожликдан сақлаб туриш учун етарли бўлган уй-рўзғор ашёлари ажратилади. Шунингдек, оиланинг табиий бузилиши ҳам мавжуд. Унда ота-онанинг, ёки отанинг вафоти туфайли оила мулкининг мерос бўлиб бир ёки бир неча фарзандга ўтиши муносабати билан оила бузилиши мумкин.

Бундан ташқари, никоҳ бекор қилиниши муносабати билан оила бузилади. Аслида никоҳ ҳам диний, ҳам дунёвий нуқтаи назардан бузилмаслиги керак. Лекин ўртада хиёнат содир бўлиши ёки яна бошқа бир хил сабаблар туфайли никоҳни фақат ахлоқий обрўга эга, қонун билан тан олинган идоралар, масалан суд, ва ваколатли руҳоний бекор қилиши мумкин, зеро у, айтганимиздек, ахлоқий ҳодиса. Ҳар бир жамият мана шу сўнгги турдаги оила бузилишига қарши кўрашади. Бундай оила бузилиши қанча камайса, у ўша жамият ахлоқий такомиллашиб бораётганини англатади.

2- масала. Дастлабки ахлоқ маскани бўлмиш оилалар йиғиндиси фуқаролик жамиятини, миллатни ташкил этади. Фуқаролик жамияти моҳиятан оила билан давлат ўртасидаги даража. Гарчанд, унинг тараққиёти давлат тараққиётидан кейинроқ рўй берса ҳаа, у албатта давлатни тақозо этади, яъни фуқаролик жамиятининг яшаши учун унинг олдида мустақил нимадир бўлиши керак. Фуқаролик жамияти замонавий дунёмизда вужудга келади, зеро, ҳозирги пайтдагина фуқаролар ҳуқуқи ҳақиқатан ҳам инобатга олинади. Фуқаролик жамиятида ҳар бир одам ўзи учун мақсад. Бироқ, у бошқалар билан ўзаро муносабатда бўлмасдан туриб, ўз мақсадига тўла эриша олмайди: бошқалар унинг мақсадга етишиши йўлидаги воситадир. Натижада ҳар бир алоҳида мақсад бошқалар билан ўзаро муносабатлар воситасида, уларнинг фаровонликка интилишини қаноатлантиргани ҳолда, ўзи ҳам қаноатланади. Бошқачароқ қилиб айтганда, фуқаролик жамиятида яхши, бадавлат, бахтли, ҳуқуқий яшаш учун бўлган ҳар бир фуқаронинг интилиши пировард натижада бутун жамиятнинг ўшандай яшашига олиб келади.

Фуқаролик жамияти, шундай қилиб, бир кишининг эҳтиёжини унинг меҳнати воситасида қондириши баробарида, шу меҳнат воситасида барча қолганларнинг ҳам эҳтиёжини қондиради. У ўз аъзоларининг шахсий эркинликлари ва ҳуқуқларини ҳимоя қилади, одил суд воситасида улар мулкига дахл қилинишига йўл қўймайди. Фуқаролик жамияти турли табақалардан ташкил топади. Улар орасида табақавий ёки синфий зиддият сингари ҳодисалар рўй бериши мумкин эмас. Чунки бунда шахс – давлат фуқароси, муайян инсон манфаатлари биринчи ўринда туради ва бу манфаатлар, айтганимиздек, ҳам ахлоқий, ҳам қонуний жиҳатдан ҳимоя қилинади.

Мамлакатимизда ҳозир эркин, демократик фуқаролик жамиятини тузишга киришганмиз. Бу жамият, маълум маънода, ғарбликлар тасаввуридаги фуқаролик

жамиятларидан фарқ қилади. Ғарбда бу борада эътибор асосан ҳуқуқий йўналишнинг устуворлигига қаратилса, бизда ахлоқий-маънавий йўналишнинг устуворлигини кўриш мумкин. Шу нуқтаи назардан олиб қараганда, биз қураётган фуқаролик жамияти Ғарб дунёси учун ўрнак бўлиши мумкин. Бу фахрланиш ҳиссидан келиб чиққан баландпарвоз гап эмас. Масала шундаки, Ғарб жамиятлари ҳозирги пайтда ахлоқийликни ҳуқуқийликнинг юқори босқичи сифатида қабул қилмоқдалар. Лекин улар учун «ахлоқий ўрин бўшатишдан» кўра «ҳуқуқий ўринни эгаллаб туриш» на фақат қонуний, балки завқлироқ туюлади. Бизнинг менталитетимизда эса, бунинг акси – ҳар бир «ахлоқий ўрин бўшатиш» ўзбек қалбига қувонч, ўз инсонлик бурчини бажарганлик ҳиссини тўлдиради.

Бундан ташқари, бизда фуқаролик жамияти қуришни маълум маънода тезлаштирадиган, Ғарб менталитетига хос бўлмаган маҳаллалар бор. Ўзбек маҳаллалари том маънода ахлоқий тарбиянинг маскани; оила катталари болага қанчалик тарбия бера олса, ўша оила яшаётган маҳалланинг тарбия борасидаги ҳиссаси ҳам шунча бўлади, десак хато қилмаймиз. Бунинг устига, маҳаллада халқимизнинг қадимий демократик анъаналари ҳозир ҳам ўз кучини йўқотган эмас. Маҳаллада яшаётган, ҳукумат аъзоси ҳам, миллионер тижоратчи ҳам, фаррош ҳам, одий ўқитувчи ҳам бир хилдаги маҳалладошлик ҳуқуқига эга. Чунончи, маҳалланиг оқсоқоли оддий ўқитувчи бўлиши мумкин ва кўп ҳолларда шундай ҳам. Ҳукумат аъзоси ёки миллионер эса, маҳаллада фақат маҳалладошлик «лавозимида» бўлади. Уларнинг фарқланиши фақат ахлоқий жиҳатлари билангина белгиланади. Ана шу хусусиятлари билан маҳалла ўз-ўзини бошқариш тузилмаси сифатида оиладан фуқаролик жамиятига ўтиш учун ахлоқий кўприк бўлиб хизмат қилади. Бундай оралиқ боғловчи тузилма, юқорида айтганимиздек, Ғарб оламида йўқ. Демак, шунга кўра ҳам, бизда фуқаролик жамиятига ўтиш нисбатан осонроқ кечади, деган фикр билдириш мумкин. Бу борада Республикамиз Президенти Ислом Каримовнинг: «Шу маънода маҳаллани ўз-ўзини бошқариш мактаби, таъбир жоиз бўлса, демократия дарсхонаси, деб аташ мумкин», деган сўзлари айни ҳақиқатдир.

Буюк олмон файласуфи Ҳегель давлатни ахлоқий ғоянинг воқе бўлиши деб таърифлайди ва табиий муносабатларни маънавий муносабатлар билан муқояса қилиб, оилани –ҳиссиётга, фуқаролик жамиятини – асабнинг таъсирланиш қобилиятига, давлатни эса ўзи учун асаб тизимига ўхшатади; у ўз ичида ботинан ташкил топган, бироқ унинг яшаши ўзида икки ҳолатнинг тараққий топиши билан боғлиқ, булар – оила ва фуқаролик жамияти. Давлат ақлнинг рўёбга чиқиши сифатида ҳар бир шахс ихтиёрига мосдир. Одатда, давлатнинг мақсади ўз фуқароларини бахтли қилиш деб ҳисобланади. Агар фуқаролар қийналса, уларнинг субъектив эҳтиёж-мақсадлари қондирилмаса, давлатнинг мустаҳкамлиги шубҳа остида қолади. Давлатнинг асоси – сиёсий тузум. Унинг тақдири ҳам ана шу сиёсий тузумга боғлиқ.

Кўпдан-кўп турли-туман бошқарув ва ташкилий институтлардан иборат бўлган давлатнинг энг муҳим ахлоқий вазифаларидан бири-тарбия. Давлат томонидан мактабгача бўлган ташкилотларда, мактабларда ва олий ўқув юртларида таълим билан қўшиб олиб бориладиган тарбия алоҳида аҳамиятга эга. Агар мазкур тарбияда оммабоп усулларнинг тоши босиб кетса, у ҳол мақтарли эмас; ёшларнинг ўзлигини англаган шахс бўлиб етишуви мушкуллашади. Шу боис имкон борича тарбияда индивидуал ёндошувга интилиш мақсадга мувофиқ.

Демократик тамойилларни амалга ошириш жараёнларида давлат, ҳамма фуқаро баравар тенг, деган усулда иш кўрмаслиги лозим; ҳамманинг ҳуқуқий тенглигини тан олган ҳолда, ижтимоий тенглаштириш тамойилига йўл қўймаслик керак.

Давлатнинг мавжуд бўлиш шарти, энг аввало, унинг суверенитетида. Бунда халқ ташқи оламга нисбатан мустақил бўлади ва ўз давлатини шу мустақиллик асосида тузади. Биз мустақилликка эришганимиздан кейин ўз давлатимизни қадимий давлатчилигимизнинг энг яхши анъаналари билан бирга замонавий демократик тамойиллар асосида қуришга киришдик. Давлатимиз ҳам маънавий-ахлоқий, ҳам жисмоний тарбияга катта аҳамият бериб келмоқда. 2000-йилнинг «Соғлом авлод йили» деб аталиши бежиз эмас; ёш авлод

тарбияси бизда давлат сиёсати даражасига кўтарилган. Мана, кўринишидан жуда оддий бир мисол. Ўзини энг инсонпарвар давлат деб эълон қилган Шўролар Иттифоқи бунёдга келганидан бошлаб, деярли ярим аср мобайнида бола туғилгач, онани уч ой ишдан озод қиларди; она уч ойлик чақалоқни боғчага ташлаб, ишга чиқишга мажбур бўларди, акс ҳолда у буйруқ билан ишдан бўшатиларди. Кейинчалик бу тарбия таътили 1 йил қилиб белгиланди. Бизнинг давлатимиз эса ташкил бўлгани баробаридаёқ бола тарбиясини юксак ижтимоий-ахлоқий ҳодиса сифатида эътироф этиб, янги туғилган бола тарбияси учун онага 3 йиллгача муддат берди. Уч йилгача онанинг иш жойи сақланиб туради. Шу биргина мисолнинг ўзиёқ тоталитар тузум давлати билан демократик давлат нақадар катта фарқ қилишини кўрсатиб туради. Тоталитар тузум давлати ёлғон, алдов – ахлоқсизлик институти. Биз танлаган демократик давлатнинг асосида эса юксак ахлоқийлик ётади.

3- масала. Давлат ва фуқаролик жамиятидаги ахлоқий юксаклик даражасини улар фуқаролари ахлоқий маданияти белгилайди. Ахлоқий маданият шахснинг жамият ахлоқий тажрибаларини эгаллаши ва бу тажрибалардан бошқа одамлар билан бўлган муносабатларида фойдаланиши, ўз-ўзини мунтазам такомиллаштириб бориши сингари жиҳатларни ўз ичига олади. Қисқаси, у шахс ахлоқий тараққиётининг белгиси ҳисобланади. Зеро ахлоқий маданият ахлоқий тафаккур маданиятининг қатор унсурларини ўз ичига олган тузилмадир. У шахснинг ўзгалар билан ўзаро муносабатларида намоён бўлади.

Ахлоқий маданиятнинг энг муҳим унсурларидан бири-муомала одоби. У моҳиятан ўзаро ҳамкорликнинг шаклларидан бири. Инсон зоти бир-бири билан ҳамкорлик қилмасдан, ўзаро тажриба алмашмасдан, бир-бирига таъсир кўрсатмасдан расмона яшаши мумкин эмас. Муомала одам учун эҳтиёж, зарурат, соғлом киши усиз руҳан қийналади, кайфияти тушиб боради. Бу ўринда буюк инглиз ёзувчиси Даниэл Дефо қаламига мансуб машҳур «Робинзон Крузонинг саргузаштлари» асарини эслашнинг ўзиёқ кифоя: Жумабойни топиб олган Робинзоннинг нақадар кувонишига ҳам сабаб ана шунда.

Муомала одоби бошқа кишилар қадр-қимматини, иззатини жойига қўйишни, анъанавий ахлоқий меъёрий талабларни бажаришни тақазо этади. Шунинг баробарида, у инсондаги яхши жиҳатларни намоён этиши, кўзга кўрсатиши билан ҳам ажралиб туради. Унинг энг ёрқин, энг сермазмун ва энг ифодали намоён бўлиши сўз, нутқ воситасида рўй беради. Сўзлаш ва тинглай билиш, суҳбатлашиш маданияти муомаланинг муҳим жиҳатларини ташкил этади. Шу боис муомала одоби ўзини, энг аввало, ширинсуҳанлик, камсуқумлик, босиқлик, хушфеъллилик сингари ахлоқий меъёрларда намоён қилади.

Муомала одобининг яна бир «кўзгуси» бу –инсоний қараш, нигоҳ. Маълумки, одамнинг қарашида, юз ифодасида, қўл ҳаракатларида унинг қай сабаблардандир тилга чиқмаган, сўзга айланмаган ҳиссиёти, талаблари ўз аксини топади. Чунончи, суҳбатдошининг гапини охиригача эшитмай, қўл силтаб кетиш – муомаладаги маданиятсизликни англатади. Баъзан қараб қўйишнинг ўзи сўздан ҳам кучлироқ таъсир кўрсатади. Дейлик, бир қурувчи уста ўз шогирдининг хатти-ҳаракатларидан норозилигини билдириш учун бош чайқаб, жилмайиб қўйиши мумкин. Иккинчи уста эса, бир лаҳза ўкрайиб қараш билан муносабатини ифодалайди. Биринчи уста юз ифодаси ва хатти-ҳаракати билан; «Оббо шоввоз-ей, сал шошилибсан-да, ҳа, майли, зарари йўқ, шунақаси ҳам бўлади», деган маънони англатса, иккинчи устанинг қарашидан; «Яна ишни расво қилибсан-ку, падарлаънат, қачон одам бўласан?!», деган сўзларни уқиш мумкин. Шубҳасиз, биринчи уста муомалада одобга риоя қилган бўлса, иккинчиси унинг акси – шогирдининг эмас, ўзининг одобсизлигини кўрсатмоқда.

Умуман олганда, муомала одоби кишиларнинг насиҳат ва одоб ўргатишсиз бир-бирига таъсири, тарбия ва ўз-ўзини тарбия воситаси сифатида диққатга сазовор. Шу сабабли ёшларимизда муомала одобини шакллантириш ҳозирги кунда жамиятимиз олдида турган муҳим вазифалардан. Бунда ота-онанинг, маҳалла-кўйнинг таъсири катта. Ундан фойдалана билаш керак. Зеро ахлоқий комилликка эришиш муомала одобини эгаллашдан бошланади.

Ахлоқий маданият яққол кўзга ташланадиган муносабатлар кўринишидан бири, бу – этикет. У кўпроқ инсоннинг ташқи маданиятини, ўзаро муносабатлардаги ўзни тутиш қонун-қоидаларининг бажарилишини бошқаради. Агар муомала одобида инсон ўз муносабатларига ижодий ёндошса, яъни бир ҳолатда бир неча муомала қилиш имконига эга бўлса, этикет муайян ҳолат учун фақат бир хил қоидалаштириб қўйилган хатти-ҳаракатни тақозо этади.

Этикетнинг қамрови кенг, у, маълум маънода, халқаро миқёсда қабул қилинган муомала қонун-қоидаларини ўз ичига олади. Масалан, сиёсий арбоб этикети, меҳмондорчилик этикети ва ҳ. к. Этикетга риоя қилишнинг мумтоз намунасини биз тез-тез телевизор экрани орқали кўриб турамиз. Президентимиз Ислом Каримовга ҳорижий мамлакатлар элчиларининг ишонч ёрлиқларини топшириш маросимларини эсланг. Унда фақат бир хил ҳолат, ҳалқаро миқёсда ўрнатилган қоида ҳукмрон. Уни Президентнинг ҳам, элчиларнинг ҳам бузишга ҳаққи йўқ. Ёки жуда оддий, кичкина бир мисол: дастурхонда тановул пайти, пичоқни ўнг қўлда ушлаш замонавий меҳмондорчилик этикетининг қатъий қоидаларидан бири саналади – уни бузиш атрофдагиларда ҳайрат ва истеҳзо уйғотади. Шу боис этикетни одат тусига айлантирилган, қатъийлаштирилган муомала одоби дейиш ҳам мумкин.

Этикет – такаллуфнинг майда-чуйда жиҳатларигача ишлаб чиқилган одоб қоидалари сифатида ижобий, кишининг кўзини қувонтирадиган муомала ҳодисаси. Лекин, айни пайтда, у асл ахлоқий асосини йўқотган мажбурий мулозамат тарзида ҳам намоён бўлади: этикет қоидаларини бажараётган киши аслида ўз хоҳиш-ихтиёрига қарши иш кўраётган бўлиши ҳам мумкин. Бу жиҳатдан у мунофиқликнинг бир кўринишига айланади. Масалан, сиз эрталаб ишга шошилиб, дарвозадан чиқдингиз, дейлик. Рўпарангизда танишингиз ёки қўшнингиз учрайди. Сиз кўришиб, ҳол-аҳвол сўрашиб уни: «Қани уйга кирамиз, чой қиламиз, бир ҳангомалашамиз», деб ичкарига таклиф қиласиз. Лекин, аслида, сиз унинг уйга киришини асло истамайсиз, вақтингиз йўқ, ҳатто, шу учрашганда кетган вақтингизни ўйлаб, питирлаб турибсиз. Демак, сиз ўз истагингизга қарши, этикет-мулозамат юзасидан ёлғон гапларни айтасиз, ҳунук эшитилса ҳам на чора – мунофиқлик қиласиз. Шунга қарамай, умуман олганда, этикет шахсни муайян тартиб-қоидага, қандай ички руҳий шароитда бўлмасин, босиқликка, мулойимликка ва сабр-тоқатга ўргатиши билан аҳамиятлидир.

Ахлоқий маданият касбий одобда ҳам яққол кўзга ташланади. Чунки инсон вояга етиб, бир касбнинг бошини тутгач, ўз касби доирасида одамлар билан мунтазам муносабатда бўлади. Бу муносабат, бир томондан, ҳамкасабалар даврасида рўй берса, иккинчи жиҳатдан, у касб талабига биноан учрашадиган турли тоифадаги одамлар билан юзага келади. Айни пайтда, касбий одоб ахлоқий маданиятнинг энг юксак шаклларидан бири, унинг жамият ахлоқий ҳаётидаги ўрни юксак. Шу боис касбий одобга бафуржароқ тўхталиш жоиз.

Ҳар бир жамиятда муайян гуруҳлар борки, эгаллаган касблари уларни бошқа жамиятдошларига нисбатан имтиёзли даражага олиб чиқади. Кўпчилик жамият аъзоларининг ҳаёт-мамотлари, соғлиги, маънавий соғломлиги, ҳуқуқий ҳимояси, илмий салоҳиятининг намоён бўлиши каби омиллар ўшандай имтиёзли касб эгаларининг ўз касбий бурч масъулиятини қай даражада ҳис этишларига, ҳалоллик ва виждон юзасидан иш кўришларига боғлиқлиги ҳаммага маълум. Чунончи, табобат ходимини, жарроҳни олайлик. Дейлик, у ҳар бир операция кунида бир неча кишини ҳаётга қайтаради; юзлаб одамлар унинг ёрдамига муҳтож, унга умид ва ишонч илинжи билан қарайдилар. Борди-ю, шахсий манфаат йўлида жарроҳ ўз беморига хиёнат қилса-чи, яъни, уни қасддан ҳалок этса-чи? Ким уни шундай қилмаслигини кафолатлайди? Ёки журналистни олайлик. У шахсий манфаати йўлида, касбининг камёблигидан фойдаланиб, бегуноҳ кишиларни маънавий азобга қўйиши, атайин жамият олдида шарманда қилиши ва шунинг ҳисобига ўзининг баъзи бир муаммоларини ҳал қилиб олиши мумкин эмасми? Мумкин. Зеро, то ҳақиқат юзага чиққунча, ноҳақ танқидга учраган шахснинг адои тамом бўлиши ҳеч гап эмас. Хўш, журналистнинг шундай қилмаслигини ким кафолатлайди? Шу боис бошқаларнинг қўлидан

келмайдиган ишларни бажара оладиганлар фаолиятида ўзбошимчалик, манфаатпарастлик, худбинлик ва касбни суистеъмол қилиш сингари иллатларга йўл қўймаслик учун, шунингдек, улар ахлоқий даражасини юксак босқичда туришини таъминлаш мақсадида кўп ҳолларда ўзаро қоидалар мажмуи яратилган. Бу қоидалар мажмуи, одатда, қасамёд ёки меъёрлар кўринишини олган. Уни бузиш ўта одобсизлик ва ахлоқсизлик, ҳатто жамиятга хиёнат тарзида баҳоланади. Бундай қасамёдлар жуда узоқ тарихга эга. Мисол тариқасида ҳозирги кунда ҳам ўз аҳамиятини йўқотмаган Қадимги Юнон Ҳакими ҳиппократ (милодгача V-IV асрлар) томонидан қисқа ва лўнда шаклда тузилган, табобат ходимлари касбий одоби, қонун-қодалари жамланган машҳур «Ҳиппократ қасами»ни келтириш мумкин.

Тарихда ўз душманини даволаган табиблар ҳам кўп учрайди. Чунончи, қадимги ҳинд эпоси «Рамаяна»да (II-аср) беҳуш ётган Лакшман бошида турган девлар шоҳининг хос табиби кечинмалари шу жиҳатдан муҳим. Табиб олдида икки йўл бор эди: бири – салтанат душманини муҳтож бемор сифатида даволаш, иккинчи йўл даволашдан бош тортиш билан уни ўлимга маҳкум этиш. Табиб узоқ мулоҳазадан сўнг, табиблик одоби қоидаларига бўйсунишни – Лакшманни даволашни афзал кўради. Зеро касбий одоб қонун-қоидалари талабига кўра, бемор тўшаги устидаги табиб учун дўст ёки душман деган тушунчалар ўз маъносини йўқотади, унинг қошида фақат тиббий ёрдамга интизор, шафқатга муҳтож, заиф инсон ётади. Даволаниб ҳаётга қайтган Лакшман девлар мамлакатининг тенгсиз буюк жангчиси ва салтанат валиаҳди Индиржидни жангда ҳалок этади ҳамда табиб фуқаро бўлган Ланка давлатининг таназзулига йўл очади. Лекин, китобхон табибни хиёнаткор ёки сотқин демайди, аксинча, унинг маънавий жасаратига, ҳалоллигига, касбий бурчига содиқлигига ҳайрат билан тасаннолар ўқийди. Ёки машҳур рус олими академик Андрей Саҳаровнинг тақдирини олайлик. Буюк назариётчи, физик, термоядро соҳасида тенги йўқ мутахассис, водород бомбасининг асосий кашфиётчиси, Ватан мудофаасини мустаҳкамлашдаги хизматлари учун ўнлаб орден ва медаллар соҳиби, икки марта Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, обрўли, бадавлат бу инсонга нима етишмасди? Нега у ҳаммасидан кечишга – оммавий қирғин қуролларини, жумладан, ўзи яратган водород бомбаси синовларига очиқ баёнотлар билан қарши чиқишга аҳд қилди. Натижада қатағонларга асосланган Шўролар тузуми уни илмий жамоатчиликдан ажратиб, пойтахтдан олисдаги Россия шаҳарларидан бирига бадарға қилди, унинг номини матбуотда ёки китобларда қайд этилишини таъқиқлади. Ваҳоланки, у ҳаммадан иззатлироқ яшай олиши мумкин эди. Саҳаров юксак ахлоқ йўлини танлади – олимлик бурчи, одоби талабларини бажаришни ҳар қандай бойлик, иззат-икромдан баланд қўйди. Буюк олим ўз кашфиёти инсоннинг энг олий ҳуқуқи бўлмиш – яшаш ҳуқуқига раҳна солиши мумкинлиги ва қисман солаётгани учун уни амалда қўлланилишига қарши кўрашди. У шўролар мафкўрасининг ўзини Ватан мудафааси қувватини сусайтиришга ҳаракат қилган салкам хиёнаткор фуқаро деб эълон этишига, бошига беҳисоб туҳматлар, таъна-дашномлар ёғдиришига сабот билан чидади, аҳдидан қайтмади, ёвузлик салтанати қўлида ўз олимлик истеъдодининг қўғирчоқ бўлишига, ҳарбий мурватга айланишига йўл қўймади. Охир-оқибатда у инсон ҳуқуқларининг жаҳон тан олган энг буюк ҳимоячиларидан бири сифатида бутун инсоният таҳсинига сазовор бўлди. Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин.

Булардан ташқари, муаллимлик одоби, ҳуқуқ-тартибот ҳодимлари одоби, муҳандис одоби сингари бирқанча касбий одоб турлари борки, улар ҳам жамиятда ахлоқий муносабатлар силсиласида муҳим аҳамиятга эга. Шуни ҳам айтиш керакки, барча касбий одоб қонун-қоидаларининг таъсир доираси, миқёси бир хил эмас. Баъзи бир касбий одобнинг бузилиши оддий одобсизлик доирасидан чиқиб, ахлоқсизликка айланиб кетади. Масалан, раҳбарлик одобидаги баъзи нуқталарга тухталайлик. Раҳбар қуйи лавозимдагиларга менсимай, қўпол муносабатда бўлиши, ўзига ишониб топширилган ҳудуд ёки ташкилотдаги оддий одамлар арз-додига, орзу-истакларига тўраларча совуққон қараши одобсизликка кирса, унинг шахсий бойлик орттириши йўлида коррупция воситасида мамлакат, вилоят ёки ташкилот манфаатларини қурбон қилиши ахлоқсизлик,

на фақат раҳбарлик касбига балки Ватанга ҳам хиёнат тарзида баҳоланиши мумкин. Баъзан касбий одобни касбий ахлоқ деб аталиши ҳам шундан.

Юқорида келтирилганлардан кўриниб турибдики, касбий одоб муаммоси, баъзилар ўйлаганидек, ахлоқшунослик нинг майда масалаларидан эмас. Уни ҳар томонлама ўрганиш касбий эркинлик ва касбий бурч муносабатини тадқиқ этиш XXI аср ахлоқшунослигида муҳим ўрин эгаллаяжак. Зеро касбий одоб шахс ва жамият ахлоқий ҳаётида ўзини амалий ахлоқ тарзида намоён этувчи маънавий ҳодиса сифатида баҳоланиши лозим.

4-масала. Инсоннинг ахлоқий ҳаёти унинг ахлоқий тарбияси билан чамбарчас боғлиқ. Зеро ахлоқий тарбия инсоннинг шахс бўлиб етишувини таъминлайдиган узлуксиз жараёнларидан бири. Унда индивид ахлоқий қадриятларни англаб етади, ўзида ахлоқий фазилатларни барқарор этади, ахлоқий тамойиллар ва меъёрлар асосида яшашга ўрганади. Ахлоқий тарбия инсоният тарихи мобайнида икки муҳим масалага жавоб излайди: булардан бири-қандай яшамоқ керак, иккинчиси – нима қилмоғ-у, нима қилмаслик лозим. Ана шу саволларга жавоб излаш жараёни ахлоқий тарбиянинг амалий кўринишидир.

Тарбия она қорнидан бошланади деган гап бор. Унинг асл маъноси, аввало, ота-онанинг ўзи ахлоқий тарбия кўрган бўлиши керак дегани. Зеро қуш инида кўрганини қилади: ота-она оилада юксак ахлоқ намунасини кўрсатиши лозим.

Шуни ҳам алоҳида таъкидлаш лозимки, ахлоқийлик инсонда фақат ахлоқий тарбия воситасидагина вужудга келади, деган моддиятчилик қарашлари кўп йиллар мобайнида ҳукмронлик қилиб келди. Тўғри, ахлоқий тарбиянинг аҳамияти ниҳоятда катта. Лекин ахлоқийлик инсонга унинг инсонийлик белгиларидан энг муҳими сифатида ато этилган илоҳий неъмат. Шу маънавий неъмат – асосни ахлоқий тарбия ёрдамида такомиллаштирамиз. Акс ҳолда маймун ва итлардан ҳам ахлоқий мавжудот тарбиялаб етказишимиз мумкин бўлур эди.

Шундай қилиб, ахлоқий тарбия инсон фарзандини такомилга, комилликка етказиш йўлларидан бири. Унинг воситалари кўп. Уларнинг бир қисми анъанавий тарбия воситалари бўлса, яна бир қисми замонавий воситалар. Одатда, ҳар икки турдаги воситалардан фойдаланилади. Чунончи, мактабгача бўлган ахлоқий тарбияда эртак ва ривоятлар воситасидаги анъанавий тарбия билан ўйинчоқлар ва ўйинлар воситасидаги замонавий тарбия муваффақиятли қўлланилади; бунда боланинг қизғанчиқлик, ғирромлик қилмасликка, ҳалол бўлишга ўйинлар ёрдамида даъват этилади. Болалар ахлоқий тарбиясида телевидение, радио, қўғирчоқ театри, кино санъати катта роль ўйнайди.

Умуман, ахлоқий тарбиянинг энг кучли воситаси-санъат. Бу восита аҳолининг барча табақасини, турли ёшдаги шахсларни қамраб олади. Айниқса, санъатнинг бадиий адабиёт тури кенг қамровли. Эртакдан тортиб, романгача бўлган жанрларда чоп этилган асарлар шахснинг ахлоқий шаклланишида улкан хизмат кўрсатадилар. Улар орқали китобхон тарбияланувчи сифатида эзгулик ва ёвузлик нималигини бадиий идрок этади; идеал танлашда ҳам уларнинг аҳамияти катта. Бундан ташқари, бадиий адабиётнинг бевосита ахлоқий тарбияга мўлжалланган ҳикоятлар, ривоятлар ва насиҳатлар мажмуалари борки, биз уларни, юқорида кўрганимиздек, пандномалар деб атаймиз: «Калила ва Димна», «Қобуснома», «Гулистон», «Зарбулмасал» сингари бундай мумтоз асарлар анъанавий ахлоқий тарбия воситаси сифатида неча асрлардан буён қанчадан-қанча авлодларга хизмат қилиб келди, бундан буён ҳам шундай бўлиб қолажак.

Ахлоқий тарбиянинг барча замонлар учун долзарб бўлган йўли бу – намунавийлик тамойили. Оилада, аввало, юқорида айтилганидек, ота-она болага ахлоқий намуна бўлиши керак. Мактабда ва олий ўқув юртида муаллимларнинг таълим бериш усулларидан тортиб, то «майда-чуйда» хатти-ҳаракатларигача ўз шогирдлари томонидан шахсий намуна тарзида қабул қилинишини назардан қочирмаслик лозим. Устоз-шогирдлик муносабатларидаги муомала одоби, ҳалоллик, ростгўйлик ёшлар ахлоқий тарбиясининг шаклланишини таъминловчи омиллардандир.

Ҳозирги пайтда ахлоқий тарбиянинг энг кучли замонавий воситаси сифатида телевидениени келтириш мумкин. У деярли барча санъат турларида яратилган асарларни

экранлаштириш ва экранда кўрсатиш имконига эга. Бундан ташқари, унда махсус ахлоқий тарбияга бағишланган мунтазам кўрсатувлар ҳам бериб борилади. Ўзбек тилидаги «Оталар сўзи-ақлнинг кўзи», «Ривоят», «Оқшом эртаклари» сингари кўрсатувлар бунга мисол бўла олади. Шу боис телевидение ҳеч қачон енгилтакликни тарғиб этувчи қўшиқлар, салкам порнографик рекламалар, инсон қалбини қатттиқлаштирадиган «ўлдир-ўлдир»лардан иборат видеофильмлар корхонаси бўлиб қолмаслиги керак.

Ахлоқий тарбиянинг ақлий-маънавий ва жисмоний тарбия билан қўшиб олиб борилиши мақсадга мувофиқ. Ўшанда жамиятимиз ҳар жиҳатдан камол топган фуқаролик жамиятига айланади. Мамлакатимизда бунинг учун барча ҳуқуқий-ижтимоий шарт-шароитлар яратилган.

Такрорлаш учун саволар

1. Оила ва унинг уч асосий жиҳати нималардан иборат?
2. Никоҳнинг ахлоқий моҳияти нимада?
3. Муҳаббат ва никоҳнинг ўзаро мос келиш-келмаслиги нималарга боғлиқ?
5. Фуқаролик жамияти қандай тузилма?
6. Давлатнинг ахлоқий асослари қай тарзда кўзга ташланади?
7. Муомала одобининг инсон ҳаётидаги ўрни қандай намоён бўлади?
8. Этикет нима?
9. Касбий одоб шахс ва жамият ижтимоий ҳаётида қандай мавқе эгаллайди?
10. Ахлоқий тарбия нима ҳамда унинг асосий воситалари ва йўллари нималарни ўз ичига олади?

Таянч тушнчалар

Оила, Никоҳ, Тарбия, Фуқаролик жамияти, Давлат, Ахлоқий маданият, Муомала одоби, Этикет, Касбий одоб, Ахлоқий тарбия. Мустаҳкам оила.

“Нафосатшунослик” фанини ўқитишда педагогик технологик карта тузиб олиш

Мавзу:*Нафосатшуносликнинг тадқиқот доираси, мақсад ва вазифалари. Нафосатли қарашлар тарихи. (2 соат).*

Мақсад	**Ўқитувчи** Нафосатшуносликнинг тадқиқот доираси, мақсад ва вазифалари. Нафосатли қарашлар тарихининг назарий ва амалий ахамияти тўғрисида тушунчалари бериши. **Талаба**: Ўрганиш, дарсда фаол қатнашиш, топшириқларни бажариш.
Вазифалар	**Ўқитувчи:** Мавзуга оид оғзаки маълумотларни талабалар томонидан жамоа ҳолатида ўзлаштириб олишлари ҳамда ақлий ҳужум орқали Нафосат деганда нимани тушунасиз? Ички нафосат нимани англатади? каби саволларни бериш ўринли **Талаба:** -Нафосатшуослик- нафосатнинг моҳиятини ўрганувчи фан эканлиги

	- Нафосатшуносликнинг фалсафий моҳияти. - Шарқ қадимги дунё нафосатшунослигининг бешигидир. - Қадимги дунёнинг мумтоз нафосатшунослиги. - Антик дунё нафосатшунослигининг жаҳон нафосат илми тараққиётига таъсири. -Ўрта асрлар мусулмон Шарқи нафосатшунослиги -Янги давр нафосатшунослиги каби масалаларни онгли равишда англаб етишига эришиш.	
Дарс жараёнининг ташкил этилиши	1Ташкилий қисм 2. Мақсад ва вазифаларни қўйиш. 3. Ўрганилганларни умумлаштириш, такрорлаш ва тизимлаштириш 4. Якун ясаш 5. Уйга вазифа	5 дақиқа 3 дақиқа 57дақиқа 10дақиқа 5 дақиқа
Дарс жараёнининг мазмуни	Нафосатшунослик- нафосатнинг моҳиятини ўрганувчи қадимий фан эканлиги. Нафосатшуносликнинг фалсафа, ахлоқшунослик, диншунослик, педагогика ҳақидаги фанлар билан алоқадорлиги. Шарқ қадимги дунё нафосатшунослигининг бешигидир.Марказий Осиё,Эрон ва Қадимги Хиндистон минтақаларидаги нафосатли қарашлар.Антик дунё нафосатшунослигининг жаҳон нафосат илми тараққиётига таъсири Ўрта асрлар мусулмон Шарқи нафосатшунослиги. Янги давр нафосатшунослиги	
Ўқув жараёнини амалга ошириш технологияси	**Метод:** оғзаки баён қилиш, “ақлий ҳужум”, “муаммо”…. **Форма:** Маъруза, жамоада ва гуруҳларда ишлаш. **Восита:** А3 форматдаги маълумотлар, чизмалар, нутқ. **Усул:** Тушунтириш, кўрсатиш, сўраш, муаммоли савол. **Назорат:** Кузатиш, оғзаки назорат, якка ва гуруҳий назорат, савол жавоблар.	
Кутилаётган натижалар	**Ўқитувчи:** Мавзуни қисқа вақт ичида барча талабалар томонидан ўзлаштирилишига эришади. Талабалар фаоллигини оширади. Талабаларда дарсга нисбатан қизиқиш уйғотади. Ўз олдига қўйган мақсадга эришади. **Талаба** Нафосатшунослик- нафосатнинг моҳиятини ўрганувчи қадимий фан эканлиги. Нафосатшуносликнинг фалсафа, ахлоқшунослик, диншунослик, педагогика ҳақидаги фанлар билан алоқадорлиги. Шарқ қадимги дунё нафосатшунослигининг бешигидир.Антик дунё нафосатшунослигининг жаҳон нафосат илми тараққиётига таъсири Ўрта асрлар мусулмон Шарқи нафосатшунослиги. Янги давр нафосатшунослиги ҳақида янги билимларни эгаллайди. Нутқ ривожланади ва эслаб қолиш қобилияти кучаяди.	
Келгуси режалар	**Ўқитувчи:** янги педагогик технологияларни ўзлаштириш ва дарсда татбиқ этиш, такомиллаштириш. Ўз устида ишлаш. Мавзуни ҳаётий воқеалар билан бойитиш,	

	боғлаш. Педагогик маҳоратни ошириш. **Талаба:** Шу мавзу юзасидан қўшимча материаллар топиш, уларни ўрганиш.

Дарс жараёнининг бориши

1.	Ташкилий қисм	Саломлашиш, йўқлама
2.	Мақсад ва вазифаларни қўйиш	Талабаларга нафосатшунослик- нафосатнинг моҳиятини ўрганувчи қадимий фан эканлигини тушунтириш.. Нафосатшуносликнинг фалсафа, ахлоқшунослик, диншунослик, педагогика ҳақидаги фанлар билан алоқадорлиги эканини кўрсатиш . Шарқ қадимги дунё нафосатшунослигининг бешиги эканлигини мисоллар билан курсатиш Ўрта асрлар мусулмон Шарқи нафосатшунослиги масалаларининг аҳамиятини англаб етишига эришиш.
3.	Мотивация	Дарс сўнгида фаол талабалар рағбатлантирилади.
4.	Ўрганилганларни умумлаштириш, такрорлаш ва тизимлаштириш	1.Нафосатшунослик фан сифатида қачондан ўрганила бошланган? 2. Нафосатшунсликнинг қандай категориялари мавжуд? 3. Нафосатшунослик воқликни қандай қонунит орқали ўрганади?
5.	Баҳолаш ва фаол талабаларни рағбатлантириш	Талабалар сони кўп бўлганлиги сабабли саволларга аниқ ва тўғри жавоб берган талабалар дарс сўнгида баҳоланади.
6.	Дил сўзлари	Эътиборингиз учун раҳмат, саломат бўлинг.
7.	Уйга вазифа	Мавзу юзасидан берилган адабиётлар бўйича семинар машғулотига тайёрланиш, янги маълумотларни ўзлаштириш.

1-мавзу. ЭСТЕТИКАНИНГ ПРЕДМЕТИ, ТАДҚИҚОТ ДОИРАСИ

ВА ВАЗИФАЛАРИ

НАФОСАТЛИ ҚАРАШЛАР ТАРИХИ

Режа:

1.Эстетика фанининг тадқиқот доираси ва мақсади.

2.Эстетиканинг фалсафий фан сифатидаги моҳияти.Эстетиканинг бошқа фанлар билан ўзаро муносабати.

3.Кўҳна Шарқ қадимги дунё нафосат илмининг бешиги сифатида

4. Қадимги дунёнинг мумтоз нафосатшунослиги (Юнонистон, Румо).

Адабиётлар рўйхати.

1.Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. – Тошкент: Ўзбекистон, 1996.

2.Каримов И.А. Донишманд халқимизнинг мустаҳкам иродасига ишонаман// Фидокор.- 2000.- 8 июнь.

3.Умаров Э. Эстетика.- Тошкент: Ўзбекистон, 1995.

4.Гегел Г. Эстетика, в 4-х томах. Т.1.- Москва: Искусство, 1968.

5.Гулыга А. Принципы эстетики.- Москва: Политиздат, 1987.

6.Нафосатшунослик. Маъруза матни. Ўз.Рес.ОУМТВ. Т-2002.

1-масала. Эстетика ёхуд нафосатшунослик энг қадимги фанлардан бири. Унинг тарихи икки ярим-уч минг йиллик вақтни ўз ичига олади. Бироқ у ўзининг ҳозирги номини XYIII асрда олган. Унгача бу фаннинг асосий муаммоси бўлмиш гўзаллик ва санъат ҳақидаги мулоҳазалар ҳар хил санъат турларига бағишланган рисолаларда, фалсафа ҳамда илоҳиёт борасидаги асарларда ўз аксини топган эди. «Эстетика» атамасини биринчи бўлиб буюк олмон файласуфи Александр Баумгартен (1714—1762) илмий муомалага киритган. Бунда у бошқа бир улуғ олмон файласуфи Лейбниц (1646-1716) таълимотидан келиб чиққан ҳолда муносабат билдирган эди. Лейбниц инсон маънавий оламини уч соҳага – ақл, ихтиёр, ҳиссиётга бўлади ва уларнинг ҳар бирини алоҳида фалсафий жиҳатдан ўрганиш лозимлигини таъкидлайди. Баумгартенгача ақлни ўрганадиган фан–мантиқ, ихтиёрни ўрганувчи фан эса-ахлоқшунослик (этика) ни фалсафада кўпдан буён ўз ўрни бор эди. Бироқ ҳиссиётни ўрганадиган фан фалсафий мақомдаги ўз номига эга эмасди. Баумгартеннинг бу борадаги ҳизмати шундаки, у «ҳис қилиш», «сезиш», «ҳис этиладиган» сингари маъноларни англатувчи юнонча aisthetikos–«ойэстетикос» сўзидан «эстетика» (олмонча «estetik»- «эштетик») иборасини олиб, ана шу бўшлиқни тўлдирди.

Баумгартен эстетикани ҳиссий идрок этиш назарияси сифатида илгари сурди. Лекин, кўп ўтмай, у гоҳ «гўзаллик фалсафаси», гоҳ «санъат фалсафаси» сифатида талқин этила бошланди. Эстетика фанининг энг буюк назариётчиларидан бири Ҳегел эса ўз маърузаларининг кириш қисмида ёзади: «Эстетика» деган ном муваффақиятсиз чиққани ва юзаки экани сабабли бошқа атама қўллашга уринишлар бўлди. Сўзнинг ўз-ўзича бизни қизиқтирмаслигини назарда тутиб, биз «эстетика» номини сақлаб қолишга тайёрмиз, бунинг устига, у одатий нутққа сингишиб кетган. Шунга қарамай, бизнинг фанимиз мазмунига жавоб берадиган ибора, бу–«санъат фалсафаси» ёки яна ҳам аниқроқ қилиб айтганда-«бадиий ижод фалсафаси».

Ҳегелнинг «эстетика» атамасидан кўнгли тўлмаганлигига жиддий сабаблар бор. Булардан бири–юқорида унинг ўзи айтиб ўтган фикрлари бўлса, иккинчиси–мазкур сўзнинг барча ҳис-туйғуларга тааллуқлилиги. Ваҳоланки, фанимиз фақат нафосатли ҳис туйғулар ва уларнинг зиддини назарда тутади. Айниқса, мана шу иккинчи сабабга кўра, «эстетика» атамасининг талабга жавоб бериши шубҳали. Бунинг устига аллақачон

фанимизнинг тадқиқот доираси санъат ҳудудидан чиқиб, инсон ҳаётининг деярли барча соҳаларига ёйилиб кетган. Шу боис биз «эстетика» атамасини илмий муомалага киритишни мақсадга мувофиқ деб ўйлаймиз. Зеро мазкур атамага асос бўлган «нафис», «нафислик», «нафосат» сўзлари ўз қамрови билан фанимиз талабига тўла жавоб бера олади. «Нафис» сўзи «Ўзбек тилининг изоҳли луғати»да-гўзал, нозик, латиф, ёқимли, бадиий жиҳатдан жуда юксак маъноларида изоҳланади. Бундан ташқари «эстетика» («эштетик») сўзи олмонлардаги ёки руслардаги каби бизда кенг ёйилиб, халқимиз нутқига сингишиб кетган эмас.

Энди фанимизнинг моҳиятини англатадиган «санъат фалсафаси» ва «гўзаллик фалсафаси» ибораларига тўхталамиз. Эстетика тарихида биринчи ибора тарафдорлари кўпчиликни ташкил этади. Лекин, юқорида айтиб ўтганимиздек, санъат фанимизнинг ягона тадқиқот объекти эмас. Ҳозирги пайтда техника нафосатшунослиги ва унинг амалиётдаги соҳаси дизайн, атроф-муҳитни гўзаллаштириш, табиатдаги нафосат борасидаги муаммолар билан ҳам бизнинг фанимиз шуғулланади. Шу боис унинг қамровини санъатнинг ўзи билангина чегаралаб қўйишга ҳаққимиз йўқ. Зеро бугунги кунда инсон ўзини ўраб турган барча нарса-ҳодисаларнинг гўзал бўлишини, ҳар қадамда нафосатни ҳис этишни истайди: биз тақиб юрган соат, биз кийган кийим, биз ҳайдаётган машина, биз учадиган тайёра, биз яшаётган уй, биз меҳнат қиладиган ишхона, биз юргизаётган дастгоҳ, биз ёзаётган қалам, биз дам оладиган томошабоғлар–ҳаммасидан нафис бир руҳ уфуриб туриши лозим.

Юқорида айтилганлардан келиб чиқсак, демак, «гўзаллик фалсафаси» деган ибора фанимизга кўпроқ мос келади. Негаки, фанимиз фақат санъатдаги гўзалликни эмас, балки инсондаги, жамият ва табиатдаги гўзалликни ҳам ўрганади. Шунингдек, гўзалликдан бошқа улуғворлик, фожиавийлик, кулгилилик, мўъжизавийлик, уйғунлик, нозиклик сингари кўпдан-кўп тушунчалар мавжудки, уларни тадқиқ этиш ҳам эстетика фанининг зиммасида. Лекин, бу ўринда, шуни унутмаслик керакки, мазкур тушунчаларнинг ҳар бирида гўзаллик, бир томондан, унсур сифатида иштирок этса, иккинчи томондан, уларнинг ўзи гўзалликка нисбатан унсур вазифасини ўтайди. Ана шу хусусиятларнинг воқеликда намоён бўлишини биз нафосат деб атаймиз.

Гўзаллик, кўрганимиздек, нафосатнинг бош, етакчи хусусияти ҳисобланади. Шу боис у эстетиканинг асосий мезоний тушунчаларидан бири сифатида тадқиқ ва талқин этилади. Зеро гўзалликнинг иштирокисиз юқоридаги хусусиятларнинг бирортаси нафосатдорлик табиатига эга бўлолмайди. Масалан, улуғворликни олайлик. У асосан ҳажмга, миқдорга асосланади. Бухородаги Арслонхон минораси ёхуд Минораи Калон улуғворлиги билан кишини ҳайратга солади, унга тикилар экансиз, қалбингизни нафосат завқи қамраб олади. Лекин худди шундай баландликдаги кимёвий корхона мўрисидан завқланолмайсиз. Ёки ёнбағирдан туриб, тоққа тикилсангиз нафосат завқини туясиз, аммо худди шундай баландликдаги шаҳар четида ўсиб чиққан ахлат «тоғи»га қараб завқланмайсиз. Чунки Арслонхон минораси меъморлик санъати асари сифатида гўзаллик қонуниятлари асосида бунёд этилган; тоғ эса табиат яратган улуғвор гўзаллик. Завод мўрисида ҳам, ахлат «тоғ»ида ҳам ҳажм, миқдор бору, лекин бир нарса–гўзаллик етишмайди. Минора билан тоғдаги ҳажмни салобатга айлантирувчи унсур, бу–гўзаллик. Фожеавийлик хусусиятида ҳам гўзалликнинг иштирокини кўриш мумкин. Мисол сифатида Лев Толстойнинг «Уруш ва тинчлик» романидаги Аустрлицда бўлиб ўтган рус ва француз қўшинлари тўқнашувидан сўнг, жанг майдонида ярадор бўлиб ётган княз Андрей Болконскийни эслайлик: бир қўлида байроқ дастасини ушлаганча кўм-кўк майсада мовий осмонга қараб ётган, оппоқ мундирли ботир йигит–байроқдор зобитнинг тепасига келган Наполеон уни ўлган деб ўйлаб, бу манзарадан ҳайратланиб: «Мана бу–гўзал ўлим!», дейди. Бу ўринда асар қаҳрамонининг ўлими- фожеавийлик, ўлимнинг қаҳрамонликка айланиши–улуғворлик; фожеавийлик билан улуғворлик хусусиятларининг омухталашуви натижасида эса гўзал манзара, қайғули ва улуғвор гўзаллик вужудга келган. Шунинг учун ҳам

Наполеоннинг ҳайротомуз хитоби бежиз эмас. Демак, эстетиканинг асосий тадқиқот объекти–гўзаллик, бироқ, санъат ҳам ўз навбатида эстетиканинг гўзаллик каби кенг қамровли тадқиқот объекти ҳисобланади.

Санъат эстетиканинг объекти сифатида ўзига хос олам. Унда нафосатнинг хусусиятлари бўртиб кўзга ташланади. Шунга кўра уни нафосатга бурканган ижтимоий ҳодиса дейиш мумкин. Санъат ҳаётни инъикос эттирар экан, инсоннинг ўзини ўзига кўрсатувчи улкан кўзгу вазифасини ўтайди. У инсонни ўргатади, даъват этади, гўзаллаштиради. Бу вазифаларни бажаришда эстетика санъатнинг кўмакчиси, етакчиси ҳисобланади. Эстетика бир томондан, санъатнинг пайдо бўлишидан тортиб, унинг турларию жанрларигача, санъат асарининг ички мурватларидан тортиб, санъаткорнинг ижодкорлик табиатигача бўлган барча жараёнларни ўрганади. Иккинчи томондан, санъат учун умумий қонун-қоидаларни ишлаб чиқади ва тадбиқ этади. Учинчи томондан, эса санъат асарини идрок этаётган киши руҳидаги ўзгаришларни нафосат нуқтаи назаридан тадқиқ қилади.

Шундай қилиб, эстетика санъатни тўла қамраб олади ва унинг ич-ичига кириб боради: бадиий асарнинг яратилиш арафасидаги шарт-шароитлардан тортиб, то у бунёдга келиб, асл эгаси-идрок этувчига етиб боргунигача бўлган ва ундан кейинги жараёнларни тадқиқ этади ҳамда улардан назарий хулосалар чиқаради. Зотан «Санъат фалсафаси» иборасининг сири ана шунда.

Эстетика-фалсафий фанлар таркибига кирувчи маҳсус соҳа. Фалсафани эса, ўзингизга маълумки, фанлар подшоси деб аташади. Дарҳақиқат, у фанлар подшоси сифатида барча табиий ва ижтимоий илмлар эришган ютуқларни ўз қамровига олиб, улардан умумий хулосалар чиқариб, шулар асосида инсониятни ҳақиқат томон етаклайди. Шу боис тафаккурни фалсафанинг тадқиқот объекти деб аташ мақсадга мувофиқ бўлади. Эстетика-фалсафий фан сифатида, барча санъатшунослик фанлари эришган ютуқлардан умумий хулосалар чиқариб, шу хулосалар асосида инсонни гўзаллик орқали ҳақиқатга етиштиришга ҳизмат қилади. Бундан ташқари эстетика ишлаб чиққан қонун-қоидалар барча санъатшунослик фанлари учун умумийлик хусусиятига эга. Масалан, услуб, ритм, композиция в. ҳ. борасидаги қонуниятлар барча санъат турларига тааллуқли. Ҳеч бир алоҳида санъат тури ҳақидаги фан бундай имтиёзга эга эмас. Масалан, адабиётшунослик ишлаб чиққан қофия назариясини мусиқа ёки меъморлик санъатига тадбиқ этиб бўлмайди.

Эстетиканинг фалсафий моҳиятини яна унинг санъат асарига ёндошувида кўриш мумкин. Маълумки ҳар бир санъатшунослик илми ўз тадқиқот объектига уч томонлама-назарий, тарихий, танқидий жиҳатдан ёндошади. Масалан, адабиётшуносликни олайлик. Адабиёт назарияси фақат адабиётгагина хос бўлган бадиий қонуниятларни, бадиий қиёфа яратиш усули ва воситаларини ўрганади. Адабиёт тарихи муайян тарихий-бадиий жараёнлар орқали бадиий адабиётнинг ривожланиш қонуниятларини очиб беради. Адабий танқид эса адабий-бадиий ижоднинг замонавий жараёнларини тадқиқ этади ва ҳар бир янги асарни баҳолайди, асар ижодкорининг ижодий ривожланишини кузатиб боради. Мусиқада ҳам, тасвирий санъатда ҳам ва ҳ. к санъат турларида шундай. Эстетикада эса тадқиқот объектига ёндошув уч эмас, биргина–назарий жиҳатдан амалга оширилади: тарих ҳам, танқид ҳам назарияга бўйсундирилади. Тўғри, эстетика тарихи деган ибора ва шу номда курслар ўқитилади. Лекин бу ном, ибора–шартли тарзда қўлланилади. Ваҳолангки, у фаннинг тарихи эмас, балки тарихан даврларга бўлинган нафосат назарияларининг таҳлилидир.

Маълумки, санъат асарининг мавжуд бўлиши учун тўрт шарт-унсур албатта зарур. Булар: ижодкор-бадиий асар-бадиий асарни идрок этувчи-воситачи. Юқоридаги мисол нуқтаи назаридан қарайдиган бўлсак: ёзувчи–роман–китобхон–танқидчи. Адабиётшунослик буларнинг ҳар бирини одатда алоҳида-алоҳида ўрганади. Дейлик,

ёзувчи Одил Ёқубов ижодий фаолияти ҳақида адабий портрет-алоҳида, унинг «Улуғбек хазинаси» романи тўғрисида тадқиқий мақола алоҳида, замонавий китобхоннинг диди, савияси ва талабларига бағишланган мулоҳаза-мақола алоҳида, «Улуғбек хазинаси» романига тақриз эса алоҳида ёзилиши мумкин. Эстетика фани ҳаммасини бирйўла, муайян тизим сифатида тадқиқ этади ва бу тадқиқот умумлаштирувчилик, назарийлик хусусиятига эга бўлади. Шундай қилиб, эстетиканинг фалсафий моҳиятини кўриб ўтдик. Энди унинг бошқа фанлар билан ўзаро муносабатларига тўхталамиз.

2-масала. Эстетика қадим-қадимлардан кўпгина фанлар билан мустаҳкам алоқада ривожланиб келган. Шулардан бири бўлган фалсафа ҳақида, улар орасидаги боғлиқлик тўғрисида юқорида айтиб ўтдик. Эстетика учун яна бир алоқадор, «қадрдон» фан ахлоқшуносликдир. Бу иккала фан шу қадар бир-бирига яқинки, ҳатто баъзи даврларда улар етарли даражада ўзаро чегараланмаган. Чунки инсоннинг хатти-ҳаракати ва нияти кўпинча ҳам ахлоқийликка, ҳам нафосатга тегишли бўлади, Яъни муайян ижобий фаолият ҳам эзгулик, ҳам нафосат хусусиятларини ўзида бирваракай мужассам қилади. Шу сабабли «Авесто», «Библия» ва «Қуръон» каби муқаддас китобларда, Суқрот, Афлотун, Форобий сингари қадимги файласуфлар таълимотларида ахлоқийликни-ички гўзаллик, нафосатни-ташқи гўзаллик тарзида талқин этганлар. Бундан ташқари, кўриб ўтганимиздек, санъат эстетиканинг асосий тадқиқот объектларидан ҳисобланади. Ҳар бир санъат асарида эса ахлоқнинг долзарб муаммолари кўтарилади ва ижодкор энг юксак ахлоқий даражани бадиий қиёфалар орқали инъикос эттиради. Бу инъикос бевосита ижобий қаҳрамонлар қиёфасида амалга ошса, билвосита салбий воқеа-ҳодисаларга муаллиф нуқтаи назари орқали рўй бериши мумкин. Яъни бирор бир бадиий асарда ижобий қаҳрамонлар, умуман, бўлмайди, лекин ундаги воқеа-ҳодисаларга ижодкор ўз замонаси эришган ахлоқий юксакликдан туриб баҳо беради. Шу боис мутлақо ахлоқсиз тарздаги бадиий асарнинг бўлиши мумкин эмас. Демак, эстетика ўрганаётган ҳар бир бадиий асар маълум маънода ахлоқшунослик нуқтаи назаридан ҳам тадқиқ этилаётган бўлади. Бироқ, бундай яқинлик, юқорида айтганимиздек, асло айнанликни англатмайди. Бу иккала фаннинг тадқиқот объектлари орасидаги фарқни биринчи бўлиб буюк Арасту назарий жиҳатдан исботлаб берган эди; у, эзгулик фақат ҳаракатда, гўзаллик эса, ҳаракатсиз ҳам намоён бўлади, деган фикрни билдиради. Дарҳақиқат, ахлоқийлик фақат инсоннинг хатти-ҳаракати, қилмиши орқали юзага келади; одам токи ҳаракатсиз экан, биз унинг на яхшилигини, на ёмонлигини биламиз; муаяйн хатти-ҳаракат содир қилинганидан кейингина биз уни ё эзгулик, ё ёвузлик, ё яхшилик, ё ёмонлик сифатида баҳолаймиз. Гўзаллик эса, ўзини ҳаракатсиз ҳам намоён этаверади. Олайлик, Кўкалдош мадрасаси. У ҳеч қачон ҳаракат қилмайди, лекин гўзаллик сифатида мавжуд, ҳаракатсизлигидан унинг гўзаллигига путур етмайди. Бундан ташқари, ахлоқнинг қонун-қоидалари, насиҳатлар, ҳикматлар умумийликка, барчага бир хилда тааллуқлик хусусиятига эга. Нафосат эса муайянликни, аниқликни ёқтиради. Масалан, ахлоқшуносликдаги «яхши одам» тушунчаси ҳаммага–аёлга ҳам, эркакка ҳам, ёшу-қарига ҳам тегишли бўлиши мумкин. Эстетикада эса, «гўзал одам» тушунчаси йўқ; ё «гўзал йигит», ё «гўзал қиз» деган тушунчаларгина мавжуд. Чунки, эркак кишидаги чиройли мўйлов фақат эркакнинг юзида, аёл кишидаги ҳуснлардан бири-кўкрак фақат аёл киши вужудида гўзалликка эга. Энди мўйлов бураб сўзлаётган аёлни-ю, сийнабанд тақиб юрган эркакни тасаввур қилинг! Бояги гўзалликлар хунукликка айланади-қолади. Шунингдек, гўзаллик бир вужудда ҳам фақат ўз ўрнини талаб қиладиган «ўта инжиқлик» хусусиятига эга. Шу жойда олмон нафосатшуноси Фехнер қўллаган мисолни келтириш ўринлидир. Унинг фикрича қиз боланинг юзидаги қизиллик унинг гўзаллигидан далолат беради. Бироқ, қизиллик унинг бурун устига кўчса–хунукликка айланади. Демак, ахлоқ учун–умумийлик, нафосат учун эса–муайянлик мавжудлик шарти ҳисобланади. Эстетика руҳшунослик (психология) билан ҳам мустаҳкам алоқада. Маълумки, инсоннинг руҳий ҳаётини ўрганар экан, руҳшунослик, ҳиссиётлар масаласига катта ўрин беради. Гўзалликни, санъат асарини яратиш ва идрок этиш ҳам, маълум маънода ҳиссиётлар билан боғлиқ. Масалан, оддий ҳарсанг тош кишида алоҳида бир ҳиссий таассурот уйғотмайди.

Лекин тошга ҳайкалтарош қўл урганидан сўнг, ундан ҳаёт нафаси, инсоний ҳиссиётлар уфуриб туради. Гап бунда тошга одам қиёфаси берилганида эмас, балки шу қиёфага бир лаҳзалик инсоний туйғуларнинг жамланганидадир; бошқачароқ қилиб айтганда, ижодкор тошга ўзи томошабинга етказишни мақсад қилиб қўйган ҳиссиётларнинг суратини чизади ва оддий тошни ҳақиқий санъат асарига айлантиради. Агар ижодкор-ҳайкалтарош ана шу ҳиссиётларни ўзи мўлжаллаган даражада томошабинга етказа олса ва томошабинда ўша ҳиссиётларга ё айнан, ё монанд туйғулар уйғота олса, мазкур ҳайкал ҳақиқий санъат асри ҳисобланади. Эстетика ҳайкалтарошдан ҳайкалга, ҳайкалдан томошабинга ўша ҳиссиётларнинг қай даражада ўтган-ўтмаганлигини, яъни, бадиий қиёфа қанчалик пухта яратилганлигини ўрганади ва шу асосда асарни баҳолайди. Руҳшунослик эса ана шу хиссиётларнинг ўзини ўрганади. Бундан ташқари руҳшунослик асар ғоясидан тортиб, то бадиий асар–нафосатли қадрият вужудга келгунга қадар бўлган ижодкорнинг ҳиссиётлар оламини ўрганади. Албатта, бу ўрганишлар алоҳида-алоҳида, мухтор ҳолда эмас, балки иккала фаннинг бир-бири билан ҳамкорлиги, бирининг иккинчиси ҳудудига ўтиб туриши воситасида рўй беради. Шу боис руҳшуносликка ҳам, эстетикака ҳам тенг алоқадор бўлган санъат руҳшунослиги ва бадиий ижод руҳшунослиги деб аталган йўналишлар мавжуд.

Шунингдек, эстетиканинг социология (ижтимоийшунослик) билан алоқадорлиги ҳам муҳим. Маълумки, ҳар бир санъат асари алоҳида инсон шахсига эътибор қилгани холда, жамиятни ижтимоий муносабатлар тизими сифатида бадиий тадқиқ қилади. Ҳатто инсон ва жамият бевосита акс этмаган манзара жанридаги асарда ҳам, ижтимоийлик жамият аъзоси–муаллиф қарашларининг билвосита инъикоси бўлмиш услубда ўзини кўрсатади. Зеро асар муаллифи ҳеч қачон ўзи мансуб жамиятдан четда «томошабин» бўлиб туролмайди. Чунончи, йирик асарлар социологик тадқиқотлар учун ўзига хос материал бўлиб ҳизмат қилади. Бундан ташқари, социология жамият билан санъатнинг ўзаро алоқаларини, санъатнинг ижтимоий вазифаларини ўрганади; санъаткорнинг жамиятдаги ўрни, мавқеи, ўқувчи ва томошабинларнинг ижтимоий демографик ҳолатларини тадқиқ этади; шахс ижтимоийлашувида санъаткор ва санъат асарининг аҳамиятини таҳлил қилади. Бу муаммоларни атрофлича ўрганиш учун маҳсус санъат социологияси соҳаси ҳам мавжуд. У–ҳам ижтимоийшуносликка, ҳам эстетикака бирдай тегишлидир. Айни замонда, муайян санъат асарлари, жанрлари ва турларининг жамиятдаги мавқеини аниқлаб берувчи маҳсус социологик сўров усуллари ҳам мавжудки, улар шубҳасиз, санъат тараққиётига, эстетиканинг санъат соҳасида тўғри йўналиш танлашига кўмаклашади.

Эстетиканинг диншунослик билан алоқаси алоҳида диққатга сазовор. Чунки дин ва санъат доимо бир-бирини тўлдириб келади ва кўп ҳолларда бири бошқаси учун яшаш шарти бўлиб майдонга чиқади. Бунинг устига, ҳар бир умумжаҳоний диннинг «ўз тасарруфидаги» санъат турлари бор: буддҳачилик учун-ҳайкалтарошлик, насронийлик учун-тасвирий санъат, мусулмончилик учун-бадиий адабиёт. Шунингдек, барча умумжаҳоний динлар ўз ибодатхоналарини тақазо этади. Ибодатхоналарнинг эса меъморлик санъати билан боғлиқлиги ҳаммамизга маълум. Умуман олганда, динлар деярли барча санъат турлари билан алоқадорликда иш кўради. Асрлар мобайнида, ана шу алоқалар натижаси ўлароқ, санъат асарининг ўзига хос кўриниши–диний-бадиий асар вужудга келди. «Абу Муслим жангномаси», Шоҳизинда меъморлик мажмуидаги иншоотлар, Кёлн жомеси, Рембрандтнинг «Муқаддас оила» асари, Ҳинди-Хитой минтақасидаги Буддҳа ибодатхоналари ана шундай диний-бадиий асарлардир. Уларда диний ғоялар бадиият орқали ифода топган. Эстетика бундай асарларни тадқиқ этар экан, албатта, диншунослик билан ҳамкорлик қилмай иложи йўқ: у ўша диний ғояларнинг моҳиятини, ҳар бир умумжаҳоний диннинг санъат олдига қўйган талабларини яхши билмоғи ва ҳисобга олмоғи лозим.

Эстетиканинг педагогика билан алоқасини биз тарбия муаммоларини ҳал қилишда кўрамиз. Чунки педагогика ҳам маълум маънода нафосат тарбияси билан шуғулланади.

Лекин бу тарбия алоҳида-алоҳида, мустақил қисмларга бўлинган ҳолда, турли ёш ва соҳалар учун маҳсус белгиланган тарбия тарзида, яъни муайян, аниқ чегараларда олиб борилади. Масалан, мактабгача тарбия, ўқувчилар тарбияси, спортчилар тарбияси в. ҳ. Педагогика ана шу соҳа ва ёшлар бўйича олиб борилаётган нафосатли тарбия муаммоларини ўрганади. Эстетика эса нафосат тарбиясининг умумий қонун-қоидаларини ишлаб чиқади, яъни, инсон туғилганидан бошлаб то ўлгунигача босиб ўтадиган босқичлар учун умумий бўлган тарбия фалсафаси сифатида иш кўради. Демак, рус нафосатшуноси М. Каган айтганидек, педагогика тарбия борасида тактик табиатга эга бўлса, эстетика унинг стратегиясидир.

Шунингдек, эстетика семиотика–белгилар ва белгилар тизими ҳақидаги фан билан ҳам алоқадор. Чунки санъат асари белгилар орқали намоён бўлади. Масалан, ҳарфлар, ноталар в.ҳ. Бошқачароқ қилиб айтганда, билиш ва баҳолаш фаолияти натижаларини, яъни семантик ва прагматик ахборотни ўзида мужассам қилган санъат асари ўша ахборотни етказиб беришга ҳам мўлжалланган. Ана шу санъатнинг белги билан боғлиқ томонини, коммуникатив-воситачилик жиҳатини семиотика ўрганади. Айни пайтда, фанимизда тузилмали-семиотик эстетика деб аталган назария ҳам мавжуд. Унда санъат маҳсус тил ёки белгилар тизими, алоҳида санъат асари эса ана шу тизим белгиси ёки ўша тизим белгиларининг изчиллиги сифатида олиб қаралади. Зеро бунда белги санъат асарини идрок этувчига етказиб берувчи ҳодиса тарзида ўрганилади.

Бундан ташқари, эстетика кибернетика, экология ва юқорида айтиб ўтганимиздек, барча санъатшунослик фанлари билан ҳам яқин алоқадорликда иш олиб боради.

Ҳар бир фаннинг инсон ва жамият ҳаётида ўзига хос амалий аҳамияти бор. Эстетика ҳам бундан мустасно эмас. Фанимиз, аввало, кундалик ҳаётимизда нафосат тарбиясини тўғри йўлга қўйиш борасида катта аҳамиятга эга. Эркин, демократик жамиятимизнинг ҳар бир аъзоси гўзалликни чуқур ҳис этадиган, уни асрайдиган нафис дид эгалари бўлишлари лозим; ҳақиқий бадиий асар билан савияси паст асарни фарқлай билишлари, «оммавийчилик санъати»ни рад қила олишлари лозим. Ана шу нуқтаи назардан қараганда, эстетика жамиятнинг барча аъзолари учун муҳим аҳамиятга эга.

Юқорида кўриб ўтганларимиздан шу нарса маълум бўладики, бугунги кун эстетика фани олдида улкан вазифалар турибди. Зотан биз қураётган фуқаролик жамияти аъзоси ҳар жиҳатдан камол топган, юксак нафис дид эгаси бўлмоғи лозим. Қолаверса, ҳозирги машинасозликни, авиасозликни, умуман, саноатни замонавий дизайнсиз тасаввур этиш мутлақо мумкин эмас. Бунда бевосита техника нафосатшунослигининг аҳамияти катта. Бундан ташқари, айниқса ёшларнинг нафосат тарбиясига алоҳида эътибор бериш– замоннинг долзарб талаби бўлиб бормоқда. Шу боис «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури»да узлуксиз

3-масала. Инсон табиатан бўш вақтга интилиб яшайди. Чунки бўш вақт мобайнида инсон жисман ва руҳан дам олиши, кундалик меҳнат-қорин тўйдириш ташвишидан фориғ бўлиш имконига эга. Бўш вақт инсонда ўйин ҳисси ўйғонишининг асосий омилидир. Санъатнинг вужудга келишида ўйиннинг аҳамияти катта эканлиги ҳаммага маълум. Демак, нафосатли англаш ва нафосатли фаолиятнинг тадрижий ривожида меҳнат билан бирга бўш вақт ҳам асосий омил ҳисобланади. Ички осойишталикни, меҳнат ва бўш вақтга асосланган муайян тартибни жамиятда қонун даражасига кўтариш эса давлат пайдо бўлганда рўй бериши мумкин. Давлат қанчалик ўз вазифасини адолатли ва мукаммал бажарса, бу жамият фаровонлигига олиб келади. Фаровон жамият эса ўз аъзоларининг бўш вақтини таъминлай олади ва пировард натижада нафосатли англаш ва нафосатли фаолият тараққиёти учун етарли имконият яратиб беради. Шундай қилиб, давлатчилик тизими пайдо бўлиши билан инсоннинг бадиий-нафосатли тараққиётида янги давр бошланди. Ана шу давр ибтидосини биз Месопотамия-Қўш дарё (Дажла ва Фрот дарёлари) минтақасида, ҳусусан, Сомир давлатида кўришимиз мумкин.

Сомир инсоният тарихидаги ҳозиргача бизга маълум бўлган илк қудратли давлат бўлган. Шубҳасизки, милоддан аввалги IV минг йилликда бу давлатнинг қудрати унинг маданиятида, фуқароларнинг бадиий нафосатли онгида ҳамда бадиий-нафосатли фаолиятида намоён бўлган. Сомирликлар биринчи бўлиб ёзувни кашф этдилар ва гил тахтачаларга қамиш қаламлар билан илк ривоят ва илк насиҳатларни ёзиб қолдирдилар. Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, ҳеч бир қадимги маданиятдан бизнинг давримизгача бу қадар кўп сонли ёзма ҳужжатлар етиб келган эмас. Санъат намуналарининг кўплиги жиҳатидан Сомирни орқада қолдирадиган Миср маданияти ҳам ёзма ёдгорликлар борасида Сомирга ён беради.

Қадимги Сомир тасвирий санъати асосан муҳрлар, идиш-товоқлардаги расмлар ва релефлардаги тасвирлардан иборат. Булар орасидаги энг қадимийси ва бизгача кўп миқдорда етиб келгани муҳрлардир. Илк сулолар давридаёқ Сомирда тош ўймакорлигининг бадиий-нафосатли тамойиллари ишлаб чиқилган ва мустаҳкамланган, сайқал бериш техникаси мукаммаллаша бошлаган. Шунинг учун уларга фақат моддий маданият намуналари эмас, балки санъат ёдгорликлари сифатида ҳам қараш мақсадга мувофиқ. Сомир муҳрларига разм солган ҳар бир киши уларда асотир ёки халқ оғзаки ижодига доир сюжетнинг ифодасини кўради: қанотли аждаҳоларнинг устида турган эркак билан аёл, етти бошли аждаҳони ўлдираётган паҳлавон, хаёлий мавжудотлар-қуш-одам ва одам-арслон устидан олиб борилаётган суд ва бошқа тасвирлар шулар жумласидандир.

Бу даврдаги сарғиш ва кўкимтир рангдаги юпқа сопол идишлар безакли ҳошиялар билан қопланиб, уларда ҳайвонлар, қушлар ва одамлар тасвирланган. Меъморлик соҳасида ҳам сомир санъатининг ажралиб турувчи томони–унинг улкан монументаллиги, асосий қурилиш материали сифатида ғиштнинг қўлланиши, бино ичидаги хоналарнинг номутаносиб ва кўндаланг жойлашуви, шунингдек, деворларни орнамент билан безалишидадир. Бу борада ибодатхоналарнинг қолдиқлари яхши тасаввур беради. Унда сиркорлик усули қўлланилган, ибодатхона минораси зинапояли.

Шуингдек, Сомир ҳайкалтарошлигининг энг қадимги намуналари анчайин қўпол ва ибтидоий. Ҳайкалтарош ҳали тош бўлагига инсон қиёфасини сингдириш маҳоратига эришмаган, шу сабабли одам ҳаракатсиз, қотиб қолган қиёфада акс эттирилади. Фақат унинг юзидагина санъаткорнинг бир оз эркин ҳаракат қилганини сезиш мумкин. Айниқса, бу доимо ифодавийлик билан ажралиб турадиган кўзлар тасвирида яққол сезилади. Релефларда акс эттирилган одамлар ва ҳайвонларнинг ифодаси ҳам ана шу ҳаракатсиз ва ибтидоий тасвир усулида яратилган.

Сомир санъатида бадиий адабиёт энг катта ўрин эгаллаган санъат тури ҳисобланади. Сомир адабиёти намуналарининг кўп қисмини достонлар ташкил этади. Улар бадиий жиҳатдан пухта ишланган, оҳангга, шеърий усулларга бой. Кўпчилиги баҳсга ўхшаш, ўзига хос диалог тарзида яратилган. Уларда гўзаллик тушунчаси фойдалилик билан боғлиқ ҳолда тасаввур этилган: нимаики фойдали бўлса, ўша гўзалдир деб тан олинган. Буни, айниқса, «Ёз ва қиш ёки Энлил деҳқонлар ҳомийси бўлмиш маъбудани танлагани» деб аталган достонда ёхуд «Инаннанинг ўзига эр танлаши» деган шаклан бир неча қатнашувчиларни ўз ичига олган шеърий песага ўхшаш достонда яққол кўриш мумкин. Биринчи достонда кўпроқ фаровонлик келтирувчи дарёлар ва анҳорлар назоратчиси Энтен, иккинчи достонда эса, чўпон Думузи гўзалроқ-фойдалироқ деб баҳоланади.

Сомирликларда ва умуман, нафосатли тафаккурнинг келиб чиқиши асотирномага (мифологияга) бориб тақалади. Маълумки, қадимги одам олдида турган турли хил масалалардан бири нафосатли табиатга эга бўлиш эди. Бу масалани ўзига хос ҳал этиш учун у дастлабки усул–мифологиядан фойдаланди. Шу боис асотирларни инсон яратган илк нафосат концепцияси, умумлашма деб аташ мумкин; фақат у назарий эмас, балки бадиий, тимсолий шаклда ифодаланган. Зеро асотирлардаги бадиий онг ўзи ҳақида,

ўзининг реал борлиқ гўзаллиги билан боғлиқлиги ҳақида фикр юритишга илк бор интилади. Бошқачароқ қилиб айтганда, асотир қадимги тарихда биринчи бор оламни бадиий борлиқ, сифатида тақдим этади.

Сомир адабиётидаги яна бир хусусият, унда эпик достонларнинг вужудга келишидир. Ҳозиргача 100 мисрадан тортиб 600 дан ортиқ мисрани ўз ичига олган тўққизта ана шундай достон мавжуд. Улар хажмидан қатъий назар, муайян бир қаҳрамонлик, муайян бир холатни ўз ичига олади. Бироқ, бундай эпизодлар бир-бири билан боғланмаган. Сабаби Сомир шоирлари бу алоҳида эпизодларга бирлаштириб яхлит асар ҳақида ўйламаганлар. Буни эса биринчи марта Бобилон шоирлари амалга оширганлар. Зеро, Гилгамеш ҳақидаги достон бунга мисол бўла олади.

Гилгамеш ҳақида сомирликлардан бизгача беш достон-қўшиқ етиб келган. Сомир эпосларини айтувчи бахшиларда қаҳрамонлик руҳиятига жуда жўн ёндошув мавжуд, улар индивидуал ўзига хослигидан холи ва жуда умумий қилиб тасвирланган. Сюжетлар эса, шартлилик кўп, ҳаракат кам бўлган анъанавий услубда баён этилган

Умумжаҳон нафосатшунослиги тараққиётига Қадимги Миср маданияти жуда катта ҳисса қўшган. Барча қадимги халқлар қатори мисрликлар ҳам гўзалликни ҳаётда деб билганлар ва уни фойдалилик мезони билан ўлчаганлар. Чунончи, қуёш маъбуди Атонга (милодгача XY аср) бағишланган алқовлардан бирида шундай дейилади;

Сенинг гўзаллигинг ўзи ҳаётдир,

Умр бағишлайди ҳар бир юракка.

Маълумки, Нил тошқини Қадимги Миср фаровонлигининг асоси бўлган. Фаровонлик эса, улар фикрича, гўзалликдир. Шунинг учун мисрликлар Нилни илоҳий дарё сифатида талқин этадилар. Қадимги Миср санъатининг жуда кўп турлари ана шу манфаатли гўзаллик асосида вужудга келган. Чунончи, маъбудлар учун қурилган ибодатхоналар, маъбудларнинг ва ўлимидан кейин маъбудга айланган фиръавнларнинг ҳайкаллари улардан шафқат, мўл-ҳосил, ризқу-рўз сўраш мақсадида бунёд этилган бўлса, халқ амалий санъати буюмлари эса кундалик ҳаётнинг гўзаллаштириш учун ҳизмат қилган. Айни пайтда баъзи санъат турлари манфаатсиз гўзалликнинг намунаси сифатида диққатни тортади. Аёлларнинг гўзал безаклари, тақинчоқлари, диний-бадиий қиссалар, эртаклар шулар жумласидан.

Мисрдаги энг қадимги бадиий ижод ёдгорликлари Y-IY минг йилликларга бориб тақалади. Улар сопол идишлардир. Уларнинг қўлда ишланганлигини сезиш қийин эмас; шакллари ва юзаси нотекис. Баъзан оддий ҳандасавий нақш билан безатилган. Кейинчалик улар кулолчилик дастгоҳида ишланиб мураккаб суратлар ва чизмалар билан безалган.

Қадимги Мисрда меъморлик юксак тараққиёт ва техник мукаммалликка эришган. Қадимги подшолар даврида Миср меъморчилигининг ўзига хос ажралиб турувчи улкан монументаллиги ишлаб чиқилган. Бу борада эҳромлар алоҳида ўрин тутади. Улар орасида Хуфу эҳроми ўзининг маҳобати билан ажралиб туради; баландлиги 146,6 тўрт томони энининг узунлиги (асоси) 233 метр. Эҳром деярли яхлит тош иншоот сифатида шундай аниқ ҳисоб-китоблар билан қурилганки, у Қадимги Мисрда математика юксак даражада ривожланганлигидан далолат беради.

Қадимги Миср ҳайкалтарошлари ҳам ҳудди меъморчилигидек, бадиий ижоднинг ҳақиқий ноёб асарлари ҳисобланади. Айниқса, Лувр музейида сақланаётган мирза Каннинг ҳайкали ўзининг реализми билан кишини ҳайратга солади. Мирза чордана қуриб ўтирибди. У тиззаларида ёзиш учун тайёрланган папирус варағи, ўнг қўлида қамиш қалам. Унинг катта қулоқлари динг, у эшитиб бажо келтиришга ўрганган. Кўзлари алоҳида диққатга сазовор-

улар бир неча хил материалдан ясалган; косаси-биринч, унга кўз оқини англатувчи ганч бўлаги ва тагига силлиқланган ёғоч қўйилган, биллур қорачиқ жойлаштирилган. Натижада улар тамомила тирик одам кўзларидек тасаввур уйғотади. Меъмор Рахотеп ва унинг хотини Нефрет ҳайкали ҳам ўзининг юмшоқ тасвири, ранглари, инжа нафосати билан ҳар бир томошабинга нафосат завқини беради. Бу ҳайкалларнинг кўпчилиги Қадимги Юнон мумтоз ҳайкалтарошлиги намуналаридан қолишмайди, балки кўз ифодасини берилиши билан улардан кўра жонли кўриниш касб этади.

Яна бир ажойиб ҳайкал, бу-Ахатетондаги хайкалтарош Тутмоснинг устахонасидан топилган Нефертити бошининг тасвири. Шоҳойим қиёфасида назокат, шоҳона ғурур ва нафислик беқиёс. Нефертети боши ҳудди ноёб гулга ўхшайди, у нозик бандга-бўйинга нисбатан бир оз оғирроқдай туюлади. Шоҳойим қиёфасида тенгсиз бир аёллик латофатини кўриш мумкин.

Қадимги Миср маданияти тараққиётида фақат нафосатли ғояларгина эмас, балки нафосат мезонлари ҳам муҳим ўрин эгаллаганлиги шубҳасиз. Бу қонун-қоидалар йиғиндисини биз маълум маънода эстетика рисолалар деб аташимиз мумкин. Афсуски, улар бизгача етиб келмаган. Фақат бир рисоланинг номигина сақланиб қолган: ибодатхона кутубхонаси рўйҳатида «Деворий рангтасвир ва мутаносиблик қонуни бўйича тавсия» деган ном учрайди.

Қадимги Мисрда театр томошаларининг мавжуд бўлганлигига ҳозир ҳеч қандай шубҳа бўлиши мумкин эмас. Қадимги Миср театри дастлаб дафн маросимидаги маъбудларнинг ўзаро диалоглари, шунингдек, турли маъбудлар шарафига ўтказиладиган халқ сайллари ва байрамларида ўша маъбудлар ҳаётидан олинган лавҳаларни саҳналаштириш натижасида бунёдга келган. Маъбудлар ролини коҳинлар ўйнаган. Бундай саҳналар Қадимги подшолик давридаёқ, яъни бундан 4,5-4 минг йиллар аввал ижро этилган. Ўшандай саҳна-песалардан бизгача биргинаси сақланиб қолган. Уни фанда «Мемфис илоҳиёти ёдгорлиги» деб аташади. Коҳинлар тасаввуридаги космология баёни бўлмиш бу матнда Мемфис маъбуди Пта томонидан оламнинг яратилиши ва Осирис ҳамда унинг ўғли маъбуд Гор ҳақидаги жуда қадимги мифологик сюжетлар, парчалар келтирилган. Ҳерадот юнонларнинг Дионисий мистерияларини Миср халқ диний байрамлари билан солиштириб, улар орасида шунчалик кўп умумийлик топадики, натижада юнонлар мисрликларнинг байрамлари ва урф-одатларини қабул қилганлар, деган хулосага келади. Драматик матнларни ўрганиш мисршуносларни Қадимги Миср театри ўзининг диний-илоҳий моҳиятига қарамай, фақат тор доирадаги диний мавзулар билан чекланиб қолган эмас. Чунончи, «Тобутлар матнлари»да, ундан кейин »Маййитлар китоби»нинг 78-бобида Гор ва бошқа мифологик персонажлар иштирок этган комедиядан парчалар сақланиб қолган. Унда маъбуд Горнинг элчиси қатор холатларда кулгили аҳволга тушиб қолади. «Маййитлар китоби»нинг 39-бобида ҳам Миср иблиси-илон Аппоп иштирок этган кулгили сценарийдан парча берилган.

У Қадимги Мисрда профессионал таетрларнинг, яъни дунёвий театрларнинг мавжудлигини исботлаши билан қимматли. Демак, Қадимги Юнон ва Қадимги Ҳинд театридан анча аввал ҳам Шарқда мавжуд бўлган экан.

Қадимги Мисрда мусиқа ва мусиқачилар ҳурмат-эътиборга сазовор бўлишган. Қадимги мисрликларнинг мусиқага катта қизиқиши билан қараганликларини бизгача етиб келган ёдгорликлар тўла исботлаб беради. Қадимги чолғу асбобларидан ташқари, бизгача чолғу чалаётган мусиқачиларнинг номлари ҳам сақланиб қолган.

Шундай қилиб, Қадимги Мисрда вужудга келган нафосатли ғоялар, ижодий тамойиллар, жанрлар кейинги даврлар нафосат илми ривожига ҳаракатлантирувчи маънавий куч сифатида таъсир кўрсатганига шубҳа йўқ.

Шарқда вужудга келган бошқа қадимги давлатларда яшаган халқлар илгари сурган нафосатли ғоялар ҳам катта аҳамиятга эга. Чунончи, муқаддас «Библиё» китобининг аввалги қисми бўлмиш «Аҳд ул-қадим»ни қадимги яҳудийлар дини билан боғлиқ Фаластин сўз санъатининг улкан ёдгорлиги деб аташ мумкин.. Унда ва кейинчалик қўшилган бошқа қисмларда қадимги адабиётнинг диний асотирлар, тарихий афсоналар, қаҳрамонлик эпоси шаклларида акс этганини кўриш мумкин. Уларда гўзаллик ҳақидаги тасаввур ўз ўзини диний-мифологик шаклда намоён қилади. Библиёдан ўрин олган асарларнинг кўпчилигида Сомир-Бобилон ва Мисрда илгари сурилган ғоялар таъсирини кўриш мумкин.

Қадимги туронликлар ва эронликларда ҳам атроф-муҳитдаги гўзалликни англаб етиш бошқа қадимий маданий халқлардаги каби инсоннинг ўз-ўзини англаш ва ўзлигини барқарор этиш жараёнларида рўй берди. Маълумки, қадимги Шарқда гўзаллик ахлоқий юксаклик билан моҳиятан бир тушунча сифатида олиб қаралади. Бу жиҳатдан «Авесто» ҳам истисно эмас; ундаги «гўзал», «чиройли», «қойилмақом» сўзлари «яхши», «эзгу», «беғубор» сўзлари билан маънодош тарзида келади.; «гўзал» дегани «яхши», «одамга фойдали» деган маънони англатади. «Авесто»да одатда «гўзал» сифатлаши «адл», «буғубор», «қудратли», «қўрқмас», «довюрак», «эзгу», зарур», сингари ижобий баҳолар билан ёнма-ён келади. Маълумки кўпчилик қадимги халқларда нафосатли ғояларнинг ибтидоси «гўзаллик ва эзгулик»нинг, «гўзаллик ва зарурийлик»нинг яхлитлиги билан боғланади.

«Гот»лардаги гўзаллик ҳақидаги тасаввур илоҳий нуқтаи-назардан адлликка, меъзонийликка, мутаносибликка, яъни уйғунлик тушунчасининг илк ибтидоий кўринишларига бориб тақалади. Зардушт «Гот»ларда ўз илоҳи Аҳура Маздани шарафлагани ва бу шарафлаш «мезонсиз эмас, балки мезоний сўзлар билан» амалга ошувини алоҳида таъкидлайди.

«Авесто»да фикр-сўз-аъмол учлиги яхлитликни ташкил этади ва бу яхлитликда сўз алоҳида ўрин эгаллайди. Зардушт учун Аҳура Маздани чиройли сўзлар билан ифода этиш-ёвуз сўзларни янчиш, яъни эзгулик воситасида ёвузликни янчиш демакдир.

Милоднинг давстлабки асрларида битилган Қадимги Хитой манбаларидан бирида Марказий Осиёдан, ҳусусан, Тошкент воҳасидан Хитойга борган артистларнинг кийимлари ва безаклари таърифланади. Унда ёзилишича, раққос-артистлар енги тор кўйлак, бошларига чўнғоқ (баланд) телпак кийганлар. Телпак тевараги тепага қайрилган, четларига майда қўнғироқчалар тақилган. Бундан ташқари, улар гулнусҳа, дурлар билан безалган дўппи ҳам кийганлар. Солномачи бу кийимлар қадимдан мавжудлигини, ҳанузгача ўзгармаганлигини таъкидланади.

Милодий IY-Y асрларга оид хитой мусиқий рисолаларида Бухоро (Анго), Самарқанд (Конго) ва Қанғлишжо ёки Қанғли (Сирдарёнинг ўрта оқими, Тошкент воҳаси) номли мақомлар мавжуд бўлганини кўриш мумкин. Хитойда машҳур бўлган хусюнсу Мавароуннаҳрда кенг тарқалган рақслардан бўлган, уни Самарқанд ва Китобнинг Шаҳрисабз минтақаларидан чиққан қиз-жувонлар ижро этганлар. Хусюнсу рақсида кичик, юмалоқ коптокни тепага отиб, гир айланиб, моҳирлик билан илиб олиб, оёқ тагига ташлаб, устига оёқ қўйиб, сирғалиб кетмасдан айланиб ўйнаганлар; сирғалиб кетмаслик ўйинчининг маҳоратини билдирган.

Эллинизм Ўрта Осий санъатида янги даврни бошлаб берди... у санъаткорни пластик чизгилар ва шакллари мусаффолиги дунёсига етаклади. Эллинизм ана шу дунёга табиатдан олинган уйғунликни ато қилди, санъаткорга инсон танаси чиройини ифодалаш учун восита бахш этди уни гўзалликни билиш мезонига айлантирди», деганида тамомила хақ эди.

Бундай манбалар «Авесто» яратилган икки улуғ дарё соҳилларидаги ва Ҳуросон, Форсистон минтақаларидаги нафосатли тасаввурлар, ғоялар ва санъат турлари қўшни

минтақалар халқлари нафосатли тараққиётига катта таъсир кўрсатганлигини исботлайди. Айниқса «Авесто»нинг Қадимги Хиндистонда нафосатли тасаввурлар ва ғояларнинг шаклланишида алоҳида ўрин тутиши диққатга сазовордир.

Қадимги Ҳиндистон фалсафий-нафосатли, диний-ахлоқий тафаккурида упанишадларнинг аҳамияти беқиёс. «Упонишад» сўзи тўғридан-тўғри «давра», «давра олмоқ»(устоз атрофида) деган маънони англатади. Лекин унинг иккинчи ботиний маъноси-«сирли билим», «яширин билим». Упанишадлар ведаларга бориб тақаладиган, уларни сирларини тушунтирадиган диний-фалсафий табиатга эга таълимотлар. Айнан милодгача бўлган YII асрларда вужудга кела бошлаган ана шу упанишадларда қадимги хиндларнинг нафосатли тасаввур ва қарашлари шаклланган. Упанишадлардаги нафосатли тасаввурлар ҳам ахлоқий қарашлар билан мустаҳкам боғлиқ.

Упанишадлар яратилган даврга келиб, қадимий Ҳиндистонда мусиқа санъати, қўшиқ, рақс, меъморлик ва тасвирий санъат тараққий топган эди. Бироқ, упанишадларда кўп холларда безаклар моддий ёки маънавий бўлишидан қатъий назар улар қораланмаса-да, умуман олганда, санъат ўткинчи хиссий лаззат, моддий ҳодиса тарзида талқин этилади. Асл донишманд абадий ҳақиқатга интилиши, ҳар қандай санъатдан юз ўгириши лозим. Зеро санъат, ҳусусан, тасвирий ва мусиқий санъат «алдамчи лаззат» беради; кимки унга ўрганиб қолса, «олий холатни ёдидан чиқаради».

Қадимги хинд нафосатшунослигида, ҳусусан, упанишадларда нур нафосати билан бирга сўзларда инъикос этган ранг нафосатига ҳам дуч келиш мумкин. Ранглар муқояса-зидлаштириш усулида нафосатли ҳусусият касб этади.

Қадимги Хитой нафосатшунослиги деганда, биз одатда, милоддан аввалги YII асрда милоднинг Y асригача бўлган даврни назарда тутамиз. Мана шу даврда Хитойда гарчанд нафосатли тафаккур мустақил фан мақомига эга бўлмаса-да, лекин асосий фалсафий-нафосатли тушунчалар шаклланган эди. Бироқ, дастлабки нафосатга доир тасаввурлар, ғоялар, тушунчалар бундан анча аввал, «Шуцзин»(«Тарихлар китоби»-милоддан аввалги XII аср), «Шицзин («Қўшиқлар китоби»-милоддан аввалги XI-YI), «Ицзи» («Ўзгаришлар китоби»-YIII-YII) милоддан аввалги асрлар) деб номланган ёдгорликларида учрайди. Уларни энг аввало мазкур китоблардан жой олган асотирлар-мифларда ва шеърий эпосларда кўриш мумкин.

«Шицзин»даги фолклор қўшиқларида муҳаббат ва дўстлик туйғулари ўзига хос, ранг-баранг ифода топган. Бу туғулар бежамаликдан, баландпарвозликдан, соҳталикдан йироқ. Ана шу халқ қўшиқлари хитой ёзма адабиётининг асоси бўлди-уч ярим минг йил аввал хитой ёзуви иероглифлари яратилди. Шуни айтиш керакки, иероглиф ёзув рангбаранг, базўр илғанадиган нозик ишораларни тасвирлашда мавҳум ва кўпёқламали тушунчаларни, турли маъно урғуларини ва қирраларини ифодалаш учун чексиз имкониятларга эга

Қадимги Хитой нафосатшунослигида икки йўналиш алоҳида ажралиб туради. Булар-даочилик ва конфуцийчилик. Даочилик йўналишининг муҳим белгиси, бу-фазо (космос) ва табиатнинг азалий ва абадий гўзаллиги; жамият ва инсон гўзаллиги даражаси эса ана шу борлиқ гўзаллигига қанчалик ўхшаш, яқин эканлиги билан белгиланади. Конфуцийчилик хулқий гўзаллик муаммосини ўртага ташлайди; ахлоқий-нафосатли идеал унинг энг муҳим белгиси саналади.

Даочилар учун ибтидо нуқтаси олам (космос) бўлса, Конфуций (милоддан аввалги 551-479 йиллар) ва унинг издошлари нафосатли муносабатларини ижтимоий-сиёсий қарашлардан келиб чиқиб шакллантирадилар. Конфуций «жўмард ўғлон» тушунчасини киритади. Жўмард ўғил энг аввало ахлоқий ва фуқаролик бурчларини чин дилдан намунали бажарувчи жамиятнинг идеал аъзоси. Жўмард ўғлон тарбиясининг асосини

Конфуций уч нарсада-«қўшиқ», «удум» ва «мусиқа»да кўради. Демак, донишманд нуқтаи назаридан тарбия нафосатли асосда олиб борилиши лозим.

Ҳулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, Қадимги Хитой эстетикаси ўрта асрларга келиб на фақат Хитойнинг юксак поғонага кўтарилган, балки Япония, Қурия, Вьетнам каби минтақаларнинг нафосатшунослигига ҳам асос бўлди.

4.масала. Қадимги юнон мумтоз фалсафаси ҳақида гап кетганда шу пайтгача эълон қиланган адабиётларда уни гўё Юнонистонда ўз-ўзидан пайдо бўлиб қолган ақлий юксаклик, яъни, юнонларнинг (оврўполикларнинг) бошқа ирқларга нисбатан буюклигидан далолат берувчи ҳодиса сифатида талқин этилади. Лекин, аслида қадимги Юнонистон фани ва маданияти Эрон, Бобилон, Қадимги Миср ва Қадимги Ҳиндистон сингари Шарқ мамлакатлари эришган ютуқлардан фойдаланиб, шу даражага кўтарилган. Қадимги Шарқ юнонлар учун улкан мактаб вазифасини ўтаган. Чунончи, Фалес, Пифагор, Демокрит, Ҳераклит, Суқрот, Афлотун сингари алломалар ана шу мактаб таълимотидан баҳраманд бўлиб, буюкликка эришганлар. Бунинг исботини деярли барча қадимги манбаларда, ҳусусан, юнонлардан қолган фалсафий, адабий, тарихий манбаларда кўриш мумкин.

Қадимги юнон мумтоз нафосатшунослиги деганда биз, асосан, уч буюк сиймони назарда тутамиз. Булар-Суқрот, Афлотун ва Арасту.

Суқрот (милоддан аввалги 469-399йиллар) жаҳон фалсафасида биринчи бўлиб антропологик ёндошувга асос солган мутафаккир, унгача фалсафага фақат космологик ёндошув ҳукмрон эди. У диққатни космос-фазога эмас, балки инсонга қаратди, инсонни амалий ҳатти-ҳаракати, ахлоқийлиги нуқтаи назаридан ўрганишга киришди. Суқрот ахлоқшунослик ва эстетиканинг, ахлоқ ва гўзалликнинг узвий алоқасини таъкидлаб кўрсатади. Унинг идеали-маънан ва жисман гўзал инсон. У инсонни санъатнинг асосий обьекти сифатида олиб қарайди, санъатнинг нафосатли ва ахлоқий меъзонлари масаласини ўртага ташлайди ҳамда шулар орқали ижодий жараённи очиб беришга уринади.

Санъат Суқротнинг фикрига кўра, тақлид орқали ҳаётни инъикос эттиришдир. Лекин бундай тақлид асло нусха кўчириш эмас. Ҳайкалтарош Поррасий билан суҳбатида мутафаккир санъаткор инсонни, табиатни, воқеликни умумлаштириш орқали қайтадан жонлантиради. Ҳайкал ҳам, яъни, тош ҳам, бошқа санъат турларидаги каби «қалбнинг холатини», инсоннинг руҳий-маънавий қиёфасини акс эттириши керак. Ахлоқий идеалгина инъкор этилишга лойиқ.

Қадимги Юнон нафосатшунослигида Афлотуннинг (милодгача 427-347) қарашлари диққатга сазовордир. Унинг нафосат борасидаги фикр-мулоҳазалари асосан «Ион», «Федр», «Базм», Қонунлар», «Давлат» сингари асарларида ўз ифодасини топган.

Афлотун Суқротдан фарқли ўлароқ, ғоялар муаммосини ўртага ташлайди. Унинг наздида асл борлиқ ана шу ғоялардан иборат. Умумий тушунчалар қанча бўлса, ғоялар ҳам шунча. Ғояларнинг ўрни нарсаларга нисбатан бирламчи; аввало ғоялар, ундан кейин нарсалар. Атроф-теваракдаги хис этилувчи нарсалар ҳиссиётдан юксак турувчи ғояларнинг инъикосидир. Афлотуннинг фикрига кўра, асл гўзаллик ҳис этилгувчи нарсалар дунёсида бўлмайди, у ғоялар оламига тааллуқли. «Давлат» асарида файласуф Суқрот ва Глаукон суҳбати асносида ғор ҳақидаги машҳур масал-афсонани келтирар экан, бизга кўриниб турган, биз яшаётган дунё бор-йўғи соялар ўйини ҳақиқий дунёни кўриш учун эса инсон ожизлик қилади. Инсон ғор деворига кишанбанд қилинган тутқунга ўхшайди, у фақат ҳақиқий борлиқнинг соясини кузата олади, ҳолос, ҳақиқий борлиқ эса ана шу соя ортида кўринмай қолаверади. Гўзаллик ҳам ҳақиқий борлиққа тааллуқли. Унга ҳиссиётлар ёрдамида етишиш мумкин эмас, фақат ақл орқалигина уни англаш мумкин; у-ўзгармас, замон ва макондан ташқарида. Бу ўринда Афлотуннинг ҳақиқий гўзаллик сифатида Худони назарда тутаётганини илғаш қийин эмас.

Ана шу нуқтаи назардан келиб чиққан ҳолда, Афлотун, санъаткорни ўзига хос нусҳа кўчирувчи сифатида талқин этади; у ҳис этиладиган нарсалар оламини акс эттиради, бу олам эса ўз навбатида, ғояларнинг нусҳаларидир. Демак, санъат асари-нусҳадан олинган нусха, тақлидга тақлиқ, соянинг сояси. Шу боис инъикоснинг инъикоси сифатида санъат, биринчидан, билиш қуроли бўла олмайди, аксинча, у алдамчи рўё, асл оламнинг моҳиятига етиб бориш йўлидаги тўсиқдир. Иккинчидин, у ахлоққа нисбатан бетараф туради, ҳатто ахлоқнинг бузилишига ҳам сабаб бўлиши мумкин. Учинчидан, томошабинни маънавий юксакликка эмас, балки руҳий касалликка олиб келади. Чунки у хис этилгувчи нарсалар оламини турли воситалар орқали инъикос эттирар экан, кўп холларда гўзалликка тааллуқли бўлмаган, ҳунуклик, шармандалик ва беҳаёликни ҳам ҳам тасвирлайди. Шу сабабли идеал давлатдан санъатнинг ўрин олиши шарт эмас. Лекин маъбудларга алқовлар, мардлик, ватанпарварлик туйғуларини уйғотадиган қўшиқлар бундан мустасно.

Афлотун илҳомнинг икки хилини келтиради, бири, — «тартибга солувчи», иккинчиси-«лаззат берувчи». Биринчиси одамларнинг «яхшиланишига» ҳизмат қилса, иккинчиси, «ёмонлаштиради». Хўш, шунинг учун нима қилиш керак? Файласуф ўзига хос цензурани таклиф этади; ёши элликдан ошган одамлар орасидан маҳсус «бахоловчи» кишиларни белгилаш лозим, улар давлат миқёсида бадиий ижодни назорат қилишни доимий амалга ошириб турадилар. Идеал давлатда кулгили асарларни (комедияларни) саҳналаштириш мумкин, фақат уларда ролларни муҳожирлар ва қуллар ўйнаши керак бўлади. Фожиани эса қатъий цензура асосидагина саҳналаштиришга руҳсат берилади.

Афлотун санъатнинг асл манбаини билимда эмас, илҳомда деб ҳисоблайди. Унинг наздида шоир «фақат илҳомланган ва жазавага тушган пайтида, унда эс-ҳуш йўқолганида ижод қилади; токи эс-ҳуши жойида экан, у ижод ва каромат қобилиятидан маҳрум». Шоир ўзи англамаган холда, телбавор, савдойи бир холатда ижод қилади. Шу боис санъат қонун-қоидаларини билишнинг ўзигина етарли эмас: санъаткор бўлиб туғилиши лозим.

Қадимги Юнон нафосатшунослигининг юксак чўққиси Арасту (милодгача 384-322) ижодидир. Унинг «Ҳитоб» («Риторика»), «Сиёсат», айниқса «Шеърият санъати» («Поэтика») асарларида эстетика муаммолари ўртага ташланган.

Арасту гўзаллик масаласини ўз тадқиқотлари марказига қўяди. У гўзалликни тартиб, мутаносиблик ва аниқликда кўради. Гўзалликнинг нисбатан юксак ифодаси эса, тирик жонзотларда, айниқса, инсонда намоён бўлади. Гўзалликнинг яна бир белгиси, Арасту фикрига кўра, миқдорнинг чекланганлиги. «Жонсиз нарсалар каби жонли мавжудотлар ҳам ҳажман осон илғаб олинадиган бўлишлари керак, дейди файласуф- Шунга ўҳшаш фабула ҳам осон эсда қоладиган чўзиқликка эга бўлиши шарт». Гўзалликнинг энг муҳим белгисини эса, Арасту узвий яхлитлик деб атайди. Унинг талқинига кўра, яхлитлик ибтидо, марказ ва интиҳодан иборат бўлади. Арастугача гўзаллик ва эзгулик айнанлаштирилар эди. Арасту эса биринчи бўлиб уларни фарқлайди; эзгулик фақат ҳаракат орқали, гўзаллик ҳаракатсиз ҳам воқе бўлади, деган фикрни ўртага ташлайди.

Арастунинг санъат ҳақидаги фикрлари устози Афлотун қарашларидан жиддий фарқ қилади. Унинг фикрига кўра, санъат асари, табиат асари сингари шакл ва материя (модда) бирлигидан иборат. Санъаткор онгида Оламий Ақлда мавжуд бўлган нарсалардан бошқа бирор нарсанинг мавжуд бўлиши мумкин эмас. Зеро табиат ва инсон фаолиятининг манбаи Оламий Ақлдаги ғоялар йиғиндисидир. Улар ё «табиатдаги» жараён, ёки «санъат» орқали ўзлигини намоён қилади. Санъат табиат ўз мақсадини амалга оширадиган шакллардан бири, холос. Лекин энг етук, мукаммал шакли. Санъат табиат охирига етказа олмаган нарсани охирига етказади. Чунки бунда унга инсоний зеҳн-идрок кўмаклашади.

Санъат табиатга тақлид қилади деганида, Арасту, санъат табиатниг фаолият усулини инъикос эттиришини назарда тутади. Санъат ана шу тақлид натижасида, табиатга ўхшаб организм яратади. Мазкур организм яратган санъаткор фаолияти санъат қонун-қоидаларига бўйсинади, у ҳақиқий ақл-идрокка эътиқод қилгувчи «ижодий одатдир».

Умуман олиб қараганда, санъатнинг тақлид обьекти одамларнинг ҳатти-ҳаракати, ҳатти-ҳаракат бўлганда ҳам, шунчаки эмас, балки уларнинг ахлоқий табиати акс этадиган қилмишларидир. Қисқача қилиб айтганда, нафис санъатнинг вазифаси инсоний табиатни ифодалаш, яъни унга тақлид қилиш. Лекин бу тақлиқ, бу инъикос воқеликдан шунчаки нусха кўчириш эмас, балки ижодий ёндошув асосидаги инъикосдир. Шу муносабат билан Арасту шеърият ва тарихан солиштириб, шундай дейди; «Шоирнинг вазифаси ҳақиқатан бўлиб ўтган воқеа ҳақида эмас, балки эҳтимол ёки зарурият юзасидан рўй бериши мумкин бўлган воқеа ҳақида сўзлашдир.

Арасту санъатнинг билиш табиати борлигини, у билишнинг ўзига хос тури эканини таъкидлайди ва бу билан устози афлотунга раддия билдиради. Биринчи муаллимнинг фикрига кўра, бадиий асар мазмуни аниқ-равшан, акс эттирилган нарса эса билиб олиниши осон бўлиши керак. Ҳудди ҳаётдагидек, идрок қилиниши лозим. Бироқ, бадиий идрок этиш учун нафосатли масофа зарур. Ана шу масофа туфайли бадиий реаллик алоҳида муҳтор тарзда, амалий ҳаётдагига айнан бўлмаган равишда идрок этилади. Бундай масофа бадиий тил, мусиқий композиция в. ҳ. воситасида яратилади. Бошқача айтганда, бадиият оламининг ўз замони, ўз макони, ўз тили мавжуд. Фақат ундаги мантиқ ҳақиқий ҳаёт мантиқини акс эттиради. Шу боис бадиий асар инсон томонидан қандайдир яқин, таниш ҳодиса сифатида идрок этилади ва масофа туфайли унда мушоҳада қилиш эрки сақланиб қолади. У ҳаяжонланади, қалби равшан тортади.

Маълумки, Пифагор биринчи бўлиб «фориғланиш»-«катарсис» тушунчасини моҳиятан диний маънода қўллаган эди. Арасту эса уни санъатга нисбатан ишлатади. Фориғланиш Арасту талқинига кўра, санъат ўз олдига қўйган мақсад, ҳусусан, фожеанинг (трагедиянинг) мақсади. У моҳиятан қўрқув ё ачиниш туфайли инсон қалбини салбий ҳиссиётлардан фориғлантиради. Натижада инсон, бир томондан, тақдир кўргиликларига ҳотиржам қарай бошласа, иккинчи томондан, бахтсизлик гирдобига тушганларга ўзида ҳамдардлик туяди. Яъни, санъат инсонни олижаноблаштириш, яхшилаш ҳусусиятига эга Масалан, сиздан ошнангиз тез кунда қайтиб бераман деб қарз олди-ю, лекин бир ой бўлса ҳам қайтаргани йўқ. Сиз ғазабдасиз. Ошнангизни энди бир боплаб шарманда қилмоқчи бўлиб юрибсиз. Шу орада театрга тушдингиз. «Қирол Лир» спектакли кетаётган экан. Лирнинг фожиаси, отасини жони дилидан севган Корделиянинг фожеаси-бўғиб ўлдирилган гўзал қиз эгилган, лекин синмаган ҳақиқат, адолат сизни ларзага солади. Сизда покизалик, ҳалоллик, тимсоли бўлмиш бу одамлар қисматига ачиниш, уларга ҳамдардлик ҳисси уйғонади, одатий турмушнинг икир-чикирлари, ташвишлари сизга саҳнадаги буюк инсонлар жасорати ва фожиаси олдида жуда майда кўринади; қарз олган ошнангиз ҳақидаги ўйларингиз эътиборсиз бир нарса бўлиб туюлади, кечаги ҳаёлларингиздан ўзингиз уяласиз, қисқаси сиз санъат асарини идрок этганинигиздан сўнг майда ҳислардан фориғланасиз, маънавий жиҳатдан кечагига қараганда бир бош юксакка кўтариласиз. Арасту айтган катарсис-фориғланиш мана шу. Санъат ана шу фориғланиш воситасида инсонни тарбиялайди.Шундай қилиб, антик давр нафосатшунослигининг юксак нуқтаси сифатида Арасту ижоди ҳанузгача кишилик тафаккурида ўз аҳамиятини йўқотган эмас. Қадимги дунёнинг мумтоз нафосатшунослигида Қадимги Румо мутафаккирларининг ҳам ўз ўрни бор. Чунончи Тит Лукреций Кар (милодгача 99-55 йиллар), Квинт Ҳораций Флакк (милодгача 165-8 йиллар)қарашлари диққатга сазовор. Тит Лукреций Кар ўзининг «Нарсаларнинг табиати» асарида санъатнинг келиб чиқишини табиатга тақлид деб изоҳлайди. Яъни, санъат инсонларнинг реал эҳтиёжларидан келиб чиққн. Унинг наздида санъат фақат лаззат, ором бермайди, балки, фойдалилик ҳусусиятига ҳам эга: у чунончи, нарсаларнинг табиати ҳақида билим беради. Қадимги Румо нафосатшунослиги, муайян ютуқларига қарамай, Арасту даражасидан юқори кўтарила олмади, кўпроқ Қадимги Юнон мутафаккирларига тақлидий ёндошувдан нарига ўта олмади.Умуман олганда, Қадимги дунё нафосатшунослиги, ҳусусан, унинг мумтоз даври кейинги даврлар нафосатли

тафаккур тараққиётига катта таъсир кўрсатди ва бу таъсирни ҳозир ҳам маълум маънода ҳис қилиш мумкин.

Такрорлаш учун саволлар.

1. «Эстетика» тушунчаси нимани англатади?
2. Нега биз бу фанни «эстетика» деб атаймиз?
3. Гўзаллик фалсафаси деганда нимани тушунамиз?
4. Нима учун эстетикани санъат фалсафаси деб аташади?
5. Эстетиканинг ахлоқшуносликка алоқадорлиги ва ундан фарқи нималарда кўринади?
6. Эстетика яна бошқа қайси фанлар билан ўзаро алоқадор?
7. Эстетиканинг амалий аҳамияти қай тарзда намоён бўлади?
8. Қадимги Сомирдаги дастлабки нафосатли ғоялар қандай келиб чиққан?
9 Қадимги Мисрда қайси санъат турлари вужудга келган?

Таянч тушунчалар.

Эстетика, эстетика, нафосат, гўзаллик, санъат, гўзаллик фалсафаси, санъат фалсафаси, нафосат тарбияси.

“Нафосатшунослик” фанини ўқитишда педагогик технологик карта тузиб олиш

Мавзу:*Нафосатли англаш ва нафосатли фаолият. Нафосатнинг муштарак мезоний тушунчалари. (2 соат).*

Мақсад	**Ўқитувчи** Нафосатли англаш ва нафосатли фаолият.Нафосатнинг муштарак мезоний тушунчаларининг назарий ва амалий ахамияти тўғрисида маълумотлари бериши. **Талаба**: Ўрганиш, дарсда фаол қатнашиш, топшириқларни бажариш.	
Вазифалар	**Ўқитувчи:** Мавзуга оид оғзаки маълумотларни талабалар томонидан жамоа ҳолатида ўзлаштириб олишлари ҳамда ақлий ҳужум орқали Нафосатли англаш нима ? Нафосатли англашнинг асосий унсурларига нималар киради? каби саволларни бериш ўринли **Талаба:** -Нафосатли англаш ва унинг асосий унсурлари. -Нафосатли: эҳтиёж, туйғу, дид, баҳо, қарашлар ва назариялар. - Нафосатли фаолият меҳнатнинг ўзига хос туридир. -Дизайн ва унинг нафосатли моҳияти. -Нафосат-нафосатшуносликнинг кенг қамровли муштарак мезоний тушунчаси каби масалаларни онгли равишда англаб етишига эришиш.	
Дарс жараёнининг ташкил этилиши	1Ташкилий қисм 2. Мақсад ва вазифаларни қўйиш. 3. Ўрганилганларни умумлаштириш, такрорлаш ва	5 дақиқа 3 дақиқа

	тизимлаштириш 6. Якун ясаш 7. Уйга вазифа	57дақиқа 10дақиқа 5 дақиқа
Дарс жараёнининг мазмуни	Нафосатли англаш ва унинг асосий унсурлари. Нафосатли: эҳтиёж, туйғу, дид, баҳо, қарашлар ва назариялар. Нафосатли фаолият меҳнатнинг ўзига хос туридир. Дизайн ва унинг нафосатли моҳияти. Нафосат-нафосатшуносликнинг кенг қамровли муштарак мезоний тушунчаси .Гўзаллик, улуғворлик, фожиавийлик ва кулгилилик тушунчалари.	
Ўқув жараёнини амалга ошириш технологияси	**Метод:** оғзаки баён қилиш, “ақлий ҳужум”, “муаммо”…. **Форма:** Маъруза, жамоада ва гуруҳларда ишлаш. **Восита:** А3 форматдаги маълумотлар, чизмалар, нутқ. **Усул:** Тушунтириш, кўрсатиш, сўраш, муаммоли савол. **Назорат:** Кузатиш, оғзаки назорат, якка ва гуруҳий назорат, савол жавоблар.	
Кутилаётган натижалар	**Ўқитувчи:** Мавзуни қисқа вақт ичида барча талабалар томонидан ўзлаштирилишига эришади. Талабалар фаоллигини оширади. Талабаларда дарсга нисбатан қизиқиш уйғотади. Ўз олдига қўйган мақсадга эришади. **Талаба** Нафосатли англаш ва унинг асосий унсурлари.Нафосатли: эҳтиёж, туйғу, дид, баҳо, қарашлар ва назариялар Нафосатли фаолият меҳнатнинг ўзига хос туридир. Дизайн ва унинг нафосатли моҳияти. Нафосат-нафосатшуносликнинг кенг қамровли муштарак мезоний тушунчаси. Гўзаллик, улуғворлик, фожиавийлик ва кулгилилик тушунчалари. ҳақида янги билимларни эгаллайди. Нутқ ривожланади ва эслаб қолиш қобилияти кучаяди.	
Келгуси режалар	**Ўқитувчи:** янги педагогик технологияларни ўзлаштириш ва дарсда татбиқ этиш, такомиллаштириш. Ўз устида ишлаш. Мавзуни ҳаётий воқеалар билан бойитиш, боғлаш. Педагогик маҳоратни ошириш. **Талаба:** Шу мавзу юзасидан қўшимча материаллар топиш, уларни ўрганиш.	

Дарс жараёнининг бориши

1.	Ташкилий қисм	Саломлашиш, йўқлама
2.	Мақсад ва вазифаларни қўйиш	Талабаларга нафосатли англаш ва унинг асосий унсурлари. Нафосатли: эҳтиёж, туйғу, дид, баҳо, қарашлар ва

		назариялар мазмунини тушунтириш.. Нафосатли фаолият меҳнатнинг ўзига хос тури эканини кўрсатиш Дизайн ва унинг нафосатли моҳиятини мисоллар билан тушунтириш, Нафосат-нафосатшуносликнинг кенг қамровли муштарак мезоний тушунчаси. Гўзаллик, улуғворлик, фожиавийлик ва кулгилилик тушунчалари каби масалаларининг аҳамиятини англаб етишига эришиш.
3.	Мотивация	Дарс сўнгида фаол талабалар рағбатлантирилади.
4.	Ўрганилганларни умумлаштириш, такрорлаш ва тизимлаштириш	1. Эстетик объектга нималар киради? 2. Эстетик субъектга нималар киради? 3. Эстетик онг нима? 4. Эстетик хузурланиш ва лаззатланиш нима? 5. Нафосатнинг асосий тушунчаларини аниқланг. 6. Гўзаллик тўғрисидаги фалсафий таълимотнинг асосчиси ким? 7. Санъатдаги гўзалликнинг манбаи нимада? 8. Табиат ва санъатдаги улуғворликни аниқланг.
5.	Баҳолаш ва фаол талабаларни рағбатлантириш	Талабалар сони кўп бўлганлиги сабабли саволларга аниқ ва тўғри жавоб берган талабалар дарс сўнгида баҳоланади.
6.	Дил сўзлари	Эътиборингиз учун раҳмат, саломат бўлинг.
7.	Уйга вазифа	Мавзу юзасидан берилган адабиётлар бўйича семинар машғулотига тайёрланиш, янги маълумотларни ўзлаштириш.

2-маъруза. Нафосатни англаш ва нафосатли фаолият.

Нафосатшуносликнинг муштарак мезоний тушунчалари. (2-соат).

РЕЖА:

1. Нафосатли англаш (эстетик онг) ва унинг тузилиши.
2. Нафосатли фаолият меҳнатнинг ўзига хос туридир.
3. Нафосатшуносликнинг муштарак мезоний тушунчалари.

АДАБИЁТЛАР

1. Каримов И.А. Ўзбекистоннинг сиёсий-ижтимоий ва иқтисодий истиқболининг асосий тамойиллари. Т., «Ўзбекистон», 1995.

2. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда. Т., «Ўзбекистон», 1999.

3. Каримов И.А. Донишманд халқимизнинг мустаҳкам иродасига ишонаман. «Фидокор» газетаси, 2000 йил, 8-июнь.

4. Умаров Э. Эстетика. Тошкент «Ўзбекистон. 1995. 183-225,227-232бетлар.

5. Шестаков В.П. Эстеическое категория. Москва. Наука.1993.

6. Махмудов. Т. Гузаллик ва ҳаёт. Тошкент. 1982.
7. Эстетика. Словарь. Москва. Изд. «Полит. Литература. 1989.
8. Хусанов Б. Талабаларга аудиторияда гузаллик мавзусини утиш услуби. Таълим ва тарбия журнали.1997й. 4-5сонлар.

1-масаланинг баёни: Инсон онгли мавжудот сифатида ўзини қуршаб турган воқеликка фаол муносабатда бўлади, нарсаларнинг хоссаларини, эстетик жиҳатларини ҳисобга олади. Нафосат (эстетика) қонунларига амал қилиш, яъни яратиш қобилияти инсон фаолиятининг моҳият ва мазмунини ташкил этади. Масалан, асалари ўзининг мум уяларини қура билиши билан ҳар кимни ҳам лол қолдиради, баъзи меъморлардан ҳам «ақлли»дир. Лекин энг лаёқатсиз меъмор энг моҳир асаларидан шу билан фарқланадики, у бажармоқчи, қурмоқчи бўлган уяни қуришдан аввал ўз миясида қуриб қўйган бўлади. Асаларининг ҳатти-ҳаракати табиий майл асосида борса, инсоннинг ҳатти-ҳаракати онгли фаолият орқали боради. Яъни қилмоқчи бўлган ишни аллақачон ўз миясида, онгида, тасаввурида, ҳаёлан англаб қуриб бўлган бўлади.

Инсоннинг бадиий фаолияти – санъат воқеликни инсон томонидан эстетик жиҳатдан идрок этилишининг энг олий кўриниши саналади.

Эстетик англаш объект манбаига нималар киради? Умумий маънода моддий оламдаги барча нарсалар эстетик англаш объекти саналади. Бу деган сўз оламда эстетик бўлмаган нарса, ходиса, буюмнинг ўзи йўқ. Муайян шароитда ҳар қандай нарса, ходиса, буюм эстетик табиатга эга бўлиб, эстетик муносабат ва эстетик баҳо объектига айланиб қолиши мумкин.

Шундай қилиб, эстетик объект – инсоний алоқалар ва муносабатларга киришган, бевосита идрок этиш объектига айланган, одамларнинг эстетик эҳтиёжларини қондиришга ҳизмат қиладиган воқеликнинг хилма-хил кўринишларидан иборат.

Эстетик объектни англовчи эстетик субъект ҳам бўлиши лозим. Акс ҳолда эстетик объект ўз қадрият қимматига эга бўлмайди. Эстетик субъект бу ИНСОН саналади.

Эстетик онг эстетик объект билан эстетик субъект ўртасидаги муносабат доирасида юзага келиб, шаклланди. Эстетик онг ҳам ижтимоий онгнинг шаклларидан бири. Эстетик онг объектив дунёга нисбатан бўлган инсон эстетик муносабатнинг субъектив томонидир.

Эстетик онг – маънавий-руҳий воқеа-ходислар мажмуи бўлиб, у ижтимоий ҳаёт заминида вужудга келадиган эстетик – хис, дид, фикр, орзу, қараш, назария тизимини англатади. Эстетик онг – ижтимоий ҳаёт билан бирга ўзгариб, такомиллашиб, ривожланиб боради.

Эстетик онг ижтимоий онгнинг шаклларидан бири бўлса ҳам у нисбий мустақилликка эга. Бу нисбий мустақиллик қуйидагиларда кўринади. Чунончи, эстетик онг ижтимоий онгнинг баъзи шаклларидан орқада қолиши мумкин. Масалан ижтимоий ҳаётда сиёсий етукликнинг юксак даражасига кўтарилган, лекин эстетик диди орқада қолган, турли соҳта «бадиий» маҳсулотни бемалол истеъмол қилаверадиган одамларни ҳали кўплаб учратиш мумкин. Бу ҳолат кишилар дунёқарашига салбий таъсир ўтказади, натижада Президентимиз «Фидокор» газетаси муҳбири саволларига жавоблари (2000 йил)да таъкидланганидек, бузғунчи, вайронкор ғоя ва мафкўра таъсирига тушиб қолади.

Эстетик онгнинг нисбий мустақиллиги кўринишларидан бири ворисийликдир. Эстетик онг яъни эстетик қарашлар, ғоялар, назариялар бўш ерда юзага келмайди. Улар жамиятнинг ўзидан олдинги эстетик ва бадиий онги заҳирасининг давоми сифатида амал қилади.

Шундай қилиб, эстетик онг ворисийлиги деганда ўтмишдаги эстетик қарашлар, ғоялар, назариялардаги келгуси тараққиёт учун хизмат қиладиган, ижобий бойликларни сақлаб-асрашни, уларни муайян давр онгига сингдириб юборишни тушуниш мумкин.

Эстетик онг ижтимоий ҳаёт инъикоси бўлиб, у жамият ҳаётида муҳим ўрин тутиб, ҳар томонлама таъсир ўтказади. Жамият тараққиётида бирор жабҳа, нарса, ходиса йўққи, улар эстетик дид, орзу ва қарашлардан четда бўлсин.

Эстетик онг бадиий онг билан чамбарчас боғлиқ. Улар гарчан бир-бирига яқин тушунчалар бўлсада, бир хил маъносини англатмайди. Эстетик онг воқеликни бутун борлиғича идрок этиб, қайта ишлаш жараёнида вужудга келса, бадиий онг санъатни яратиш ва идрок этиш жараёнида намоён бўлади. Бадиий онг бадиий асарлар тизимида ифодаланса, эстетик онгнинг акс этиши кўлами анча кенгдир. У инсон моддий ва маънавий маданиятининг барча қадриятларида ифода топади.

Жамиятнинг эстетик онги мураккаб тузилишга эга бўлиб у бир қанча қисмлардан иборат. Бу қисмлар қуйидагилар: эстетик хислар, эстетик орзулар, эстетик қарашлар ва эстетик назариялар. Эстетик онгнинг мазкур тизимлари ўзаро алоқадор ва боғланиб кетган. Биз қуйида анна шу тузилмаларни алоҳида-алоҳида қараб чиқамиз.

Эстетик хис-туйғулар. Хис-туйғулар инсон онгнинг ажралмас қисми бўлиб, эстетик онг соҳасида алоҳида ўрин тутади. Ҳис-туйғулар эстетик онгнинг пойдевори ҳисобланади. Хис-туйғулар асосан, инсоннинг ўз эҳтиёжлари қондирилмаслигига бўлган муносабати билан боғлиқ ҳолда вужудга келади.

Эстетик ҳис-туйгулар неча минг йиллар давомида инсон томонидан нафосатнинг табиий-шароитларини ўзлаштириши жараёнида шаклланган. Эстетик ҳис-туйғуларнинг ўзи ҳам мураккаб тузилишга эга бўлиб нафосат, ҳамоҳанглик, оҳанг, шакллар, уйғунлик, мослик каби тушунчалар билан бирга шодлик, ҳайратланиш, ажабланиш, роҳатланиш, хузурланиш, лаззатланиш, эҳтиром, завқ-шавқ, нафрат каби тушунчаларни қамраб олади.

Нафосат, олижаноблик, фожиа ва кулги ҳис-туйғулари энг мураккаб ва турғун ҳис-туйғулардир.

Эстетик хис-туйғулар кечинмалар жараёни сифатида содир бўлади. Кечинмаларнинг якуни эстетик хузурланиш ва лаззатланиш саналади. Эстетик хузурланиш ва лаззатланиш инсоннинг умумий, доимо ижобий бўлган сезги холати, яъни нарса, воқеа ва ҳодисалардан эстетик таъсирланишидир.

Эстетик лаззатланиш инсон ўз қилган ва қилаётган иши ва унинг натижаларидан қониқиш хосил қилишдир. Бу инсон фаолиятини фаоллигини оширишда муҳим роль ўйнайди. Маалан, бирор кимсага яхшилик қилиш, ёрдам бери шва анна шу ишидан лаззатланиши. Бу холат моддий ишлаб чиқариш, ижодий меҳнат… ва бошқаларда бўлади. Талаба яхши ўқиши, яхши баҳо олиши, жамоат ишларида қатнашиши, дўстига ёрдам бериши, бошига мусибат тушса ҳамдардлик қилиши ва бошқалардан ўзида қониқиш хисси хосил бўлиши хузурланиш ва лаззатланиш хис-туйгусини туғдиради…

Эстетик хис-туйғуларни ривожлантиришинсонда эстетик дидни тарбияланишига олиб келади. Эстетик дид мураккаб ва кўпқирралидир. Дид ибораси одамларни, айниқса ёшларни айрим соҳаларга-фанга, техникага, хунарга ва бошқаларга мойилликларини ифодалайди. Масалан, илмий фаолият билан шуғулланувга мойил одамни «фанга диди (фаҳми) бор»; «Техникага диди яхши» ва бошқалар.

Ҳозирги даврда эстетик тарбия вазифаларидан бири шуки, одамларда ривожланган эстетик дидни шакллантиришдир. Эстетик диди ривожланмаган киши атрофдаги ёмон

ярамас воқеа-ходисларга лоқайд бўлади. Шунинг учун ота-оналаримиз айримларга нисбатан «дидинг борми ўзи» шуни ҳам уддалай олмайсан иборасини ишлатади. Диди бор одам озода, тартибли бўлади ва буни бошқалардан ҳам талаб қилади. Манна аудитория, дидсиз талаба аудитория, доска холатига разм солмайди…

Эстетик онгнинг яна бир кўриниши эстетик орзу саналади. Орзуда инсон онгида фақат мавжуд нарсалар инъикос этибгина қолмай, балки яна келажакда нималар бўлиши керак ва бўлиши мумкинлигини ифодалайди. Орзу воқелик бағрида ётган имкониятларнинг маънавий-руҳий инъикоси. Орзу инсоннинг хохиш-истаги бўлиб, у ҳамма одамларга хос. Халқимизда «Орзуга айб йўқ» ибораси бор. Аммо орзу қандай бўлиши керак, бу муҳим масала. Яхши, ижобий нарсаларни орзу қилиш, ният қилиш муҳим…

Эстетик онгнинг таркибий қисмига эстетик қараш ва назариялар киради.

Эстетик қараш ва назариялар у ёки бу эстетик ходисларга тегишли ғоя ва тушунчалар, таълимотлардир. Эстетик назария – бу эстетик объектни бутунлай қамраб оладиган тамойиллар, қарашлар, тушунчалар, қоидалар, билимлар тизимидир.

2-масаланинг баёни: Эстетик фаолият асосини инсоннинг муайян талаб ва эҳтиёжлари ташкил этади. Талаб ва эҳтиёж – мураккаб, кўп қиррали ходиса. Муайян талаб – эҳтиёж бўлмаса, инсон фаолиятининг муайян шакли ҳам вужудга келмайди. Шу маънода талаб-эҳтиёжлар инсонни фаолиятга ундайди, фаолият эса янги-янги талаб эҳтиёжларни келтириб чиқаради. Эстетик фаолият инсон моддий ва маънавий фаолиятининг ўзаги, мағзи бўлиб, унинг барча шакллари инсон куч-қудратига қанот бағишлайди.

Эстетик фаолият нисбатан бадиий фаолиятда, яъни санъатда энг «тоза», «соф» ҳолда кўринади, ўзини намойиш этади. Санъат эстетик фаолиятнинг ихтисослашган кўринишидир. Санъат ўз табиатига кўра ижодий мақсадга қаратилган бўлиб, бу жараёнда ижодкор нафосат қонунларига риоя қилаг ҳолда ижод қилади.

Нафосатли фаолият моддий ишлаб чиқаришнинг барча соҳаларини -меҳнат шароити, меҳнат самараларини ҳам қамраб олади.

Меҳнатнинг эстетик жиҳатдан тўлақонли бўлиши объектив омилларга, қолаверса, ишлаб чиқариш жараёни қатнашчиларининг умумий ва эстетик маданияти даражасига боғлиқдир.

Ҳозирда инсон ишлаб чиқариш фаолиятида техник эстетика – дизайн тобора муҳим роль ўйнамоқда. Дизайнда мухандислик, илмий ва бадиий фаолият қоришиқ ҳолда намоён бўлади. Дизайн моддий ишлаб чиқариш муҳитини эстетик қайта қуришга, уни инсоннинг манфаатлари ва эҳтиёжларига мос келтиришга хизмат қилади.

Саноатда кенг истеъмол махсулотларидан тортиб, нодир дастгоҳлар ва асбобларни лойиҳалаш ва яратиш ишида турли-туман касб эгалари – мухандислар, технологлар, ишчилар, иқтисодчилар, бошқарувчилар, руҳшунослар, жамиятшунослар қатнашдилар. Бу ерда дизайнчи – мусаввир – лойиҳа яратувчи алоҳида мавқега эга. Унинг зиммасига эстетик қийматга эга бўлган махсулотлар ва меҳнат қуролларини яратиш бурчи юклангандир. Ҳозир истеъмолчиларнинг эстетик диди ўсиб бормоқда. Яъни ҳарид қилинаётган маҳсулот ҳам гўзал, ҳам сифатли бўлиши талаб-эҳтиёж даражасига кўтарилмоқда… Ишлаб чиқариш корхоналаридаги асбоб-ускуна, дастгоҳларнинг техник-эстетик жиҳати – дизайни ишлаб чиқариш самарадорлигига ижобий таъсир қилмоқда…

Эстетик фаолият илмий ижоднинг ҳам эстетик томонини ташкил қилади. Жуда кўп илмий тадқиқотчилар, атоқли олимларнинг гувоҳлик беришларича олимнинг салоҳияти, ижодий меҳнат натижалари ва самарадорлиги унинг эстетик маданият даражасига боғлиқ экан.

Эстетик ривожланмаганлик, лоқайдлик олимнинг ижодий куч-қудратини сўндиради, ақлий равнақига салбий таъсир ўтказади. Илм-фан билан бир томонлама шуғулланиш билан чекланиб қолмаслик керак, балки санъатдан ҳам лаззат олиш олим ижодига баракали таъсир ўтказади.

3-масаланинг баёни: Нафосат (эстетика)нинг асосий тушунчалари – гўзаллик, улуғворлик, фожиалилик, кулгилилик саналади. Бу тушунчаларнинг – гўзаллик, улуғворлик, фожиалилик, кулгилилик саналади. Бу тушунчаларнинг ҳар бири ўзига хос равишда инсонда турли эстетик ҳис-туйғуларни уйғотади. Энди анна шу тушунчаларнинг баъзи хусусиятлари тўғрисида фикр юритамиз.

Гўзаллик – эстетиканинг асосий тушунчаси. Гўзаллик нафосатнинг мағзи, асосий белгиси, бош хоссаси, асосий моҳиятини ташкил этади. Шу боис эстетикани гўзаллик ҳақидаги фан, гўзаллик фалсафаси ҳам деб юритилади.

Эстетик ҳис-туйғу аввало гўзаллик туфайли жўш уради. Мутафаккирларнинг таъкидлашича гўзаллик ҳақида фикр юритиш, уни баён қилиш ниҳоятда мураккаб ва машаққатли жараён.

Гўзал, ижобий ҳис-туйғу уйғотадиган нарсани, томонни кўрсатиш анча осон. Аммо ўша нарса нима учун гўзал эканлигини тушунтириб бериш қийин. Чунки гўзаллик мураккаб ва кўпқирралилик хусусиятига эга.

Юнон мутафаккири Афлотун илк бор «Нима гўзал?» ва «Гўзаллик нима?» деган саволларга ажратиш билан тарихга гўзаллик тўгрисидаги фалсафий таълимотнинг асосчиси бўлиб кирган.

Афлотун мутлоқ руҳ-ғоя гўзалликнинг намоён бўлишидир, деб таъкидлайди.

Аристотель эса гўзаллик моддий оламдаги мослик, аниқлик, ҳамоханглик, тартиблиликнинг намоён бўлишидир деб кўрсатилган. Арасту гўзаллик заминида инсон ва нарсанинг бир-бирига мувофиқлиги, мослиги, лойиқлиги ақидаси ётишлигини қайд этган. Ҳақикатан инсон идрок этмаган гўзаллик ҳеч нима, ҳеч қандай қадрият аҳамиятига эга эмас.

Гўзаллик хилма-хил даражада намоён бўлади. Табиатдаги гўзаллик, ижтимоий ҳаётдаги гўзаллик, фойдали амалий ҳаётдаги гўзаллик, бадий ижоддаги гўзаллик, санъатдаги гўзаллик ва бошқалар. Улар ўзаро бир-биридан фарқ қилади. Аммо улар ўртасида умумий ўхшашлик томонлар ҳам мавжуд. Гўзал нарсалар инсон амалий фаолиятига, манфаатларига мос бўлиб, уларни идрок этиш инсонда ҳайрат ва қувонч бағишлайди, шахснинг уйғун ҳамоҳанг ривожланишига, унда энг яхши инсоний фазилатлар таркиб топишига кўмаклашади.

Борликдаги гўзаллик санъат асарларида ҳам акс эттирилади. Буни биз санъатдаги гўзаллик деб атаймиз. Санъатда гўзаллик – ҳаётдаги гўзаллик инъикоси бўлиб, унинг битмас-туганмас манбаи – воқеликдаги гўзаллик саналади. Санъатдаги гўзалликни ижодкорлар яратадилар. Ижодкор шахсларнинг бошқа, оддий одамлардан фарқлари шундаки, улар бошқалар фаҳмлай олмаган гўзалликни ҳамма ерда кўра олиш, фаҳмлаш, сезиш, хис қилиш қобилиятига эгадидир.

Санъатда гўзалликни акс этиши ўзига хос хусусиятларга эга. Бу хусусиятлардан бири санъатда гўзалликнинг кўп қиррали эканлиги бўлса, иккинчи ҳусусияти санъатда гўзал ва хунук ходисларни акс эттириш мумкинлиги. Аммо санъатнинг ўзи ҳамма вақт ҳам гўзалдир. Табиат, борликдаги гўзалликни англаш, фаҳмлаш қанчалик муҳим бўлса, санъат асарларида ифодаланган гўзалликни англаш ҳам муҳимдир. Ҳар ким ҳам бу гўзалликни фаҳмлайвермайди…

Улуғворлик – тушунчаси ўзида эстетик ва ахлоқий сифатлар касб этиб, амалиётда кўп қўлланиладиган эстетик тушунчадир. Улуғворлик кўлами гўзаллик кўламидек чексиздир. Улуғворлик табиатда, жамиятда, инсон фаолиятида мавжуддир. Чунончи табиатдаги баланд тоғлар, қудратли шар-шаралар, чексиз океанлар, мовий денгизлар, тубсиз осмон ва бошқалар улуғворлик тимсоллари бўлиб, улар улканлик, буюклик, кенг кўламлик, тугамаслик жиҳатдан умумийликка эга. Табиатдаги улуғворлик инсонни заифликка эмас, балки унда табиат билан қўшилиб кетишига интилиш хиссини уйғотади. Улуғворлик баъзида инсонда қўрқинч хиссини ҳам уйғотади. Аммо бу қўрқув хисси инсонни камситмайди, балки тўсиқларни енгиб ўтишга туртки бўлади.

Улуғворлик санъатда, хусусан меъморчилик ва ҳайкалтарошликда алоҳида аҳамият касб этади. Масалан Миср пирамидалари, Самарқанд, Бухоро, Хива шаҳарларидаги меъморчилик обидалари, юнонларнинг Парфенони, римликларнинг Колизей ива бошқалар ўзларининг салобати, улуғворлиги билан кишини ҳайратга солади, кишида ўз кучига ишонч, кўтаринкилик хис-туйғусини уйғотади. Улуғворлик тушунчасини фақат кенг, катта миқёсини меъёр ўлчови билан англаш тўғри эмас. Чунки кўриниши, миқёси жиҳатдан улкан бўлмаган, аммо нафислиги билан улуғворлик касб этган обидалар куп. Булар Амир Темур даҳмаси, Шоҳизинда, Регистон майдони, Ички қалъа, Исмоил Сомоний мақбараси, Чор Минор, Шоҳи жаҳон обидалари шулар жумласидандир.

Ҳаётда улуғворликнинг акси бўлган тубанлик ҳам учраб туради. Тубанлик кишида кучли жирканиш, нафратланиш хиссиётини уйғотувчи вокеа-ходислар орқали изоҳланади.

Фожиавийлик ва кулгилилик тушунчаси ёрдамида ҳаётнинг мавжуд зиддият ва тўқнашувлари баҳоланади ва мушоҳада қилинади.

Санъатда фожиа қаҳрамонлари кўпинча ижобий тарзда тасвирланади. Фожиа қаҳрамонлари ўз даври орзу-умидларини ўзида мужассамлаштирган улуғвор шахс сифатида намоён бўладилар. Уларнинг тақдири кишида ачиниш хис-туйғусини уйғотади.

Фожиалиликда воқеий ҳаётнинг чуқур зиддиятлари: ҳаёт ва ўлим, озодлик ва тутқунлик, қонун ва бурч, шахсий ва ижтимоий манфаатлари тўқнашувлари акс этади. Бу тўқнашувларнинг қандай тугалланиши билан инсоният истиқболи, тараққиёт тақдири боғланган бўлади. Фожиа қаҳрамонлари кўпинча ижобий тарзда тасвирланиб, улар ўз даврининг орзу-умидларини ўзида мужассамлаштирган кучли, ёрқин, улуғвор шахс сифатида (қиёфасида) намоён бўладилар. Кўпинча фожиали воқеалар мазмунида қаҳрамоннинг мавжуд шарт-шароитларни тубдан ўзгартиришга фаол интилиши намоён бўлади. Бу масалада Шекспирнинг Гамлетини эслаш кифоя.

Фожиали воқеалар – қаҳрамон ҳаётида трагедик холат сифатида баён қилинади. Трагедик санъат асарлар ибтидоси қадим Юнонистонга бориб тақалади. Эсхил, Софокл, Эврипид қадимги дунёнинг трагедик санъаткорлари сифатида машхурдирлар. Эсхилни «Трагедиянинг отаси» деб юритилади.

Уйғониш даври трагедик санъат асарлари ижодкори сифатида Вильям Шекспир машхурдир. Унинг фожиавий асарларида кучли, жасоратли, ғурурли, эркин, барқарор инсон тимсоли гавдалантирилган. Бу ўринда Отеллони эслаш ўринли.

Инсон орзуларини рўёбга чиқариш учун бир умр интилади, кўрашади. Бунда у турли тўсиқларга дуч келади. Мана шу тўсиқлар, ҳаётдаги адолатсизликлар фожианинг туғилишига сабаб бўлади. Шу боис фожиа инсонга ҳамроҳ. Аммо фожиа асарини яратиш камдан-кам ижодкорга насиб қилади.

Кулгилилик ҳам инсоннинг дунё воқеа-ходисларига ўзига хос муносабатини англатади. Кулги ноинсоний, ноахлоқий иллатлар билан кўрашишнинг омилкор воситаси. Айни вақтда кулги инсоннинг куч-қудрати ва озодлиги тимсолини ҳам ифодалайди.

Кулгилилик санъатда комедия шаклида ўзининг тўла нафосатли (эстетик) ифодасини топади. Комедия мавзуини турли беуҳшовликлар, мувофиқсизлик, бир-бирига ўзаро мос келмасликларнинг турли-туман кўринишлари ташкил этади. Комедия салбий одамларни акс эттирувчи асар маъносини билдиради. Комедияга фақат қоралаш, инкор қилиш, танқид қилиш эмас, балки тўғридан-тўғри эзгулик ўрнатиш, қарор топтириш ҳам хос.

Ўзбек санъатида комик асарлар сирасига А.Қаххорнинг «Тобутдан товуш», «Оғриқ тишлар», Б.Раҳмоновнинг «Юрак сирлари», Э.Воҳидовнинг «Олтин девор» ва бошқалар кириб кўп йиллар давомида театр саҳналаридан тушмай келди.

Кулгининг бадиий шаклларидан бири масҳара (сатира) саналади. Унда ҳаётнинг салбий ходислалари устидан Кулиш орқади бу ходислар юксак инсоний орзуларга зид эканлиги бўрттириб кўрсатилади. Масҳара марказида доимо салбий вокеа-ходислар жойлашиб, унинг бутун фош қилиш кучи анна шуларга қарши қаратилган бўлади.

Санъатнинг кулги торасида ҳазил-ҳажв (юмор) ҳам муносиб ўринга эга. Ҳазил-ҳажвсиз Бирон-бир кулги асари яратилмайди. Ҳаёт икир-чикирлари, камчиликларини танқид қилаётган ижодкор ҳазил-ҳажв туйғуси орқали инсонни маънавий-ахлоқий комилликка эришувига ёрдам беради.

Кулги фақат фош этиш хусусиятигагина эга бўлмай, унинг бошқа томонлари – тарбияловчи кулги, кўнгилни юмшатадиган кулги, ачиниш ва меҳр-шафқат кўрсатиш кулгиси, ҳаётбахш ва дўстона кулги ҳам борлигини унутмаслигимиз лозим. Буларнинг ҳаммаси инсонда маълум ҳис-туйғуларнинг туғилишига олиб келади. Улар орқали инсонда лаззатланиш ёки нафратланиш туйғуси пайдо бўлади…

Такрорлаш учун саволлар

1Эстетик объектга нималар киради?

2.Эстетик субъектга нималар киради?

3.Эстетик онг нима?

4.Эстетик хузурланиш ва лаззатланиш нима?

5.Нафосатнинг асосий тушунчаларини аниқланг.

6.Гўзаллик тўғрисидаги фалсафий таълимотнинг асосчиси ким?

7.Гўзалликнинг намоён бўлиш даражаларини аниқланг.

8.Санъатдаги гўзалликнинг манбаи нимада?

9.Табиат ва санъатдаги улуғворликни аниқланг.

10. Фожиавийлик нимани акс эттиради.

11. Фожиавийликнинг акс эттирувчи асарлар ё ижодкорларини аниқланг. «Трагедиянинг отаси» деган номга сазовор санъаткорни аниқланг.

12. Комедия (кулгилилик) қандай маънони билдиради?

Таянч тушунчалар

Нафосатли муносабат, нафосатли онг. Нафосат туйғу. Нафосатли дид, Бадиий дид, Нафосатли фаолият. Нафосатли қараш, Нафосатли назариялар.

“Нафосатшунослик” фанини ўқитишда педагогик технологик карта тузиб олиш

Мавзу: Санъатнинг нафосатли моҳияти, унинг турлари. Шахснинг нафосатли тарбияси. (2 соат).

Мақсад	**Ўқитувчи** Санъатнинг нафосатли моҳияти, унинг турлари. Шахснинг нафосатли тарбиясининг назарий ва амалий ахамияти тўғрисида маълумотлари бериши. **Талаба**: Ўрганиш, дарсда фаол қатнашиш, топшириқларни бажариш.	
Вазифалар	**Ўқитувчи:** Мавзуга оид оғзаки маълумотларни талабалар томонидан жамоа ҳолатида ўзлаштириб олишлари ҳамда ақлий ҳужум орқали Санъат деганда нимани тушунасиз? Унинг нафосатли моҳияти нимада? Санъат турларини санаб беринг каби саволларни бериш ўринли **Талаба:** -Санъатнинг вужудга келиши ва унинг нафосатли моҳияти. - Санъат турлари. - Санъат турларининг ўзаро алоқадорлиги. -Бадиий ижод нафосатли фаолиятнингбир туридир. - Санъаткор ва миллий ғоя ва мафкура. - Шахс камолотида нафосатли тарбиянингахамияти каби масалаларни онгли равишда англаб етишига эришиш.	
Дарс жараёнининг ташкил этилиши	1Ташкилий қисм 2. Мақсад ва вазифаларни қўйиш. 3. Ўрганилганларни умумлаштириш, такрорлаш ва тизимлаштириш	5 дақиқа 3 дақиқа 57дақиқа

	4. Якун ясаш 5. Уйга вазифа	10дақиқа 5 дақиқа
Дарс жараёнининг мазмуни	Санъатнинг вужудга келиши ва унинг нафосатли моҳияти. Санъат турлари. Санъат турларининг ўзаро алоқадорлиги. Бадиий ижод нафосатли фаолиятнинг бир туридир. Санъаткор ва миллий ғоя ва мафкура. Шахс камолотида нафосатли тарбиянингахамияти.Нафосатли тарбиянинг йўналишлари ва воситалари.	
Ўқув жараёнини амалга ошириш технологияси	**Метод:** оғзаки баён қилиш, “ақлий ҳужум”, “муаммо”…. **Форма:** Маъруза, жамоада ва гуруҳларда ишлаш. **Восита:** А3 форматдаги маълумотлар, чизмалар, нутқ. **Усул:** Тушунтириш, кўрсатиш, сўраш, муаммоли савол. **Назорат:** Кузатиш, оғзаки назорат, якка ва гуруҳий назорат, савол жавоблар.	
Кутилаётган натижалар	**Ўқитувчи:** Мавзуни қисқа вақт ичида барча талабалар томонидан ўзлаштирилишига эришади. Талабалар фаоллигини оширади. Талабаларда дарсга нисбатан қизиқиш уйғотади. Ўз олдига қўйган мақсадга эришади. **Талаба**. Санъатнинг вужудга келиши ва унинг нафосатли моҳияти. Санъат турлари. Санъат турларининг ўзаро алоқадорлиги. Бадиий ижод нафосатли фаолиятнинг бир туридир. Санъаткор ва миллий ғоя ва мафкура. Шахс камолотида нафосатли тарбиянинг ахамияти.Нафосатли тарбиянинг йўналишлари ва воситалари. ҳақида янги билимларни эгаллайди. Нутқ ривожланади ва эслаб қолиш қобилияти кучаяди.	
Келгуси режалар	**Ўқитувчи:** янги педагогик технологияларни ўзлаштириш ва дарсда татбиқ этиш, такомиллаштириш. Ўз устида ишлаш. Мавзуни ҳаётий воқеалар билан бойитиш, боғлаш. Педагогик маҳоратни ошириш. **Талаба:** Шу мавзу юзасидан қўшимча материаллар топиш, уларни ўрганиш.	

Дарс жараёнининг бориши

1.	Ташкилий қисм	Саломлашиш, йўқлама
2.	Мақсад ва вазифаларни қўйиш	Талабаларга санъатнинг вужудга келиши ва унинг нафосатли моҳияти мазмунини тушунтириш.. Санъат турлари. Санъат турларининг ўзаро алоқадорлигини мисоллар билан кўрсатиш. Бадиий ижод нафосатли фаолиятнинг бир тури эканлигини. мисоллар билан

		тушунтириш, Шахс камолотида нафосатли тарбиянинг ахамияти. Нафосатли тарбиянинг йўналишлари ва воситалари ҳақида ва унинг аҳамиятини англаб етишига эришиш.
3.	Мотивация	Дарс сўнгида фаол талабалар рағбатлантирилади.
4.	Ўрганилганларни умумлаштириш, такрорлаш ва тизимлаштириш	1. Томошали санъат турларини аниқланг. 2. Эшитиладиган санъат турини аниқланг. 3. Санъат асарини идрок этиш нима? 4. Нафосатли идрок этиш объекти нима? 5. Нафосатли идрок этиш субъекти нима? 6. Мусиқа асарлари қандай идрок этилади. 7. Санъат ва ахлоқнинг бош мавзуси нима? 8. Санъат асарлари ахлоқийликдан ажралган бўлиши мумкинми? 9. Эстетик тарбиянинг омилларини аниқланг. 10. Эстетик тарбиянинг воситаларини аниқланг.
5.	Баҳолаш ва фаол талабаларни рағбатлантириш	Талабалар сони кўп бўлганлиги сабабли саволларга аниқ ва тўғри жавоб берган талабалар дарс сўнгида баҳоланади.
6.	Дил сўзлари	Эътиборингиз учун раҳмат, саломат бўлинг.
7.	Уйга вазифа	Мавзу юзасидан берилган адабиётлар бўйича семинар машғулотига тайёрланиш, янги маълумотларни ўзлаштириш.

3-маъруза. Санъатнинг нафосатли моҳияти, унинг турлари.

Шахснинг нафосатли тарбияси. (2-соат).

РЕЖА:

1. Санъатнинг вужудга келиши ва унинг нафосатли моҳияти.
2. Санъат турлари.
3. Бадиий ижод нафосатли фаолиятнинг бир туридир.
4. Шахс камолотида нафосатли тарбиянинг аҳамияти.

АДАБИЁТЛАР

1. Каримов И.А. Ўзбекистоннинг сиёсий-ижтимоий ва иқтисодий истиқболининг асосий тамойиллари. Т., «Ўзбекистон», 1995.

3. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда. Т., «Ўзбекистон», 1999.

4. Каримов И.А. Донишманд халқимизнинг мустаҳкам иродасига ишонаман. «Фидокор» газетаси, 2000 йил, 8-июнь.
5. Умаров Э. Эстетика. Тошкент «Узбекистон. 1995.
6. Шестаков В.П. Эстетическоя категория. Москва. Наука.1993.
7. Махмудов. Т. Гузаллик ва ҳаёт. Тошкент. 1982.
8. Эстетика. Словарь. Москва. Изд. «Полит. Литература. 1989.
9. Гоибов Н. Санъат тараккиётининг баъзи масалалари. Тошкент. Г. Гулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти. 1980.
10. Махмудов Т. Эстетика и духовные ценности. Тошкент. «Шарк». 1993.

1-масала. Санъат кенг маъноли тушунчадир. Масалан, қадимги юнонлар мусиқа, рақс, назм (шеърият)ни санъат деб билар эдилар. Ўрта асрларда эса санъат таркибига тасвирий санъат, касалларни даволаш ва дорихона ишлари ҳам киритилган. Бугунги кунда «санъат» сўзи «воқеликни бадиий тимсоллар воситасида ижодий акс эттириш», «ишнинг кўзини били шва маҳорат кўрсатиш жараёни», «бирор ишни бажаришдаги маҳорат даражаси» маъноларида қўлланилади. Чунончи деҳқончилик, темирчилик, ошпазлик, ўқитувчилик, ёзувчилик, рассомлик, врачлик, шофёрлик санъати ва бошқалар.

Санъат тушунчасининг бундай кенг маънода талқин этилиши бежиз эмас. Зеро, санъат инсон меҳнати, ақл-идроки билан яратилган, вужудга келган, ижод қилинган турини англатади. Ҳар бир санъат асарида шахснинг ўзига хос қобилияти, истеъдоди намоён бўлади. Санъат инсоннинг маҳорати билан чамбарчас боғланиб кетган.

Санъат ҳозирги даврга қадар инсоният тараққиёти билан боғлиқ ҳолда ривожланиб келган. Ўзбекистон худуди Испания, Сахрои Кабир ва бошқа манзилларда учрайдиган қояларга ўйиб туширилган ёввойи ҳайвонларнинг тасвирлари ҳозирги давр нуқтаи назаридан юксак эстетик қийматга эга. Хусусан, Ўзбекистон худудида Заравутсой, Сармишсой, Қорачарвоқсой, Тақатош, Тераклисой, Тутлисой, Чадаксой, Шўрбулоқсой каби ерларда ов манзараларини ифодаловчи тасвирий санъат ёдгорликларини учратамиз.

Санъат узоқ ўтмишда инсон меҳнати билан уйғун тарзда ривожланиб борган.

Инсониятнинг ибтидоси даври фақат қояларга ўйиб туширилган тасвирий санъат билан чекланмайди. Бу даврда бадиий фаолият афсонавий тафаккур тарзида ривожланган ва турли халқлар ўз афсоналарини яратганлар. Афсоналарда диний мазмун кенг ўрин олган. Юнонларнинг Зевс ва унинг фарзандлари ҳақидаги афсоналар бунга мисол бўла олади. Марказий Осиёда эса Митра, Анахита, Каюмарс, Эликбек ҳақидаги афсоналар яратилган.

Шундай қилиб санъатнинг вужудга келиши инсоният қадимги аждодлари меҳнат фаолиятини тасвирлаш тарзида (масалан ов қилиш) юзага келиб ривожланиб борган.

Санъат ҳиссиётлар, туйғулар билан тирик, у ҳиссий таъсир этиш, ибрат кўрсатиш, тарбия бериш қудратига эга.

Санъат инсонга воқеликни бадиий воситалар орқали янада тўлақонли, жозибали англашга ёрдам беради. Санъат асарлари инсонда ҳис-туйғулар, хилма-хил кечинмалар қўзғаб, инсон дилига, унинг руҳига таъсир ўтказади. Санъатнинг нафосатли моҳияти анна шунда намоён бўлади.

2-масала. Санъат асарлари яратиш бадиий ижод тури ҳисобланади. Улар инсоният бадиий маданиятнинг асосини ташкил этади. Демак, санъат ва унинг турлари бадиий маданиятда муҳим ўрин тутади. Узоқ давом этган тарихий тараққиёт натижасида санъат бир неча турларга ажралган. Булар адабиёт, меъморчилик, мусиқа, тасвирий санъат ва

бошқалардан иборатдир. Мазкур санъат турлари ўз ичида яна бир қанча турларга яъни жанрларга бўлиниб кетишини ҳам кўришимиз мумкин. Масалан, адабиёт халқ оғзаки ижоди, шеърият ва унинг турлари; проза ва унинг турлари; драма ва унинг турларига; тасвирий санъат – ҳайкалтарошлик, ранг-тасвир (мусаввирлик), графика ва бошқаларга бўлиниб кетади.

Мазкур санъат турлари бир-бирининг ўрнини босолмайди. Уларнинг ҳар бири мустақил, ўзича нодир ва бетакрор бўлиб, воқеликнинг бир томонини бевосита акс эттиради. Масалан, бадиий адабиёт ҳаётни кенг ва теран акс эттириб, инсон руҳий-ақлий томонларини очиб беришда бошқа санъат турларига нисбатан кенг имкониятларга эгалиги билан ажралиб туради.

Санъат турлари инсон дунёқарашини шакллантиришда ўзига хос турли вазифаларни бажариши билан ҳам бир-биридан фарқланиб туради. Чунончи, мусиқа – инсон ҳис-туйғу маданиятини; тасвирий санъат – инсон синчков кузатиш маданиятини; очиқ саҳна (эстрада) ва цирк санъати эса инсон кўнгил очиш, томоша маданиятини юксалтиришга хизмат қилади.

Турли тарихий даврларда, турли халқлар, мамлакатлар ҳаётида ўз даврининг бадиий қиёфасини белгилаб берадиган санъатнинг у ёки бу тури етакчи ўринни эгаллаган ва кенг ривож топган. Масалан, Қадимги Мисрда барча санъат турлари ривож топган бўлиб, улар орасида меъморчилик, Хиндистонда мусиқа ва рақс (шундан бўлса керак ҳозирги даврга қадар Хиндистонда мусиқа ва рақс, унга қўшилиб қўшиқ инсон ҳис-туйғусига нозик таъсир этиш қувватини сақлаб келаётир), Хитойда ранг-тасвир (шундан бўлса керак хозиргача Хитойда табиат кўринишлари ғоят нозик ва дидли суратда акс эттирилади), Эрон ва Туронда халқ амалий санъати (кулолчилик, гиламдўзлик ва заргарлик), Юнонистон ва Римда хайкалтарошлик равнақ топган эди. Милодий давр бошларида Рим ва Византияда тасвирий санъат, арабларда сўз санъати, ислом Шарқида илк Уйғониш даврида (IX-XII) бадиий маданиятнинг назм ва меъморчилик соҳалари (Минораи Калон, Сомонийлар мақбараси, Қутадғу билик ва бошқалар бунга мисол бўла олади) баланд чўққиларга кўтарилди. Оврўпо Уйғониш даврида Италияда тасвирий санъат (Леонардо да Винчи); Англияда театр санъати (Вильям Шекспир), Германияда мусиқа санъати, XIX асрда Русияда бадиий адабиёт (Пушкин, Лемонтов) ривожи яққол кўзга ташланади.

Энди санъатнинг айрим турлари, уларнинг жанр, инсон – ҳис-туйғусига таъсир этиш хусусиятлари ҳақида фикр юритамиз.

Санъат турлари орасида бадиий адабиёт алоҳида ўрин тутади. Бадиий адабиётнинг ўзига хос томони унинг сўз орқали намоён бўлишидир. Шунинг учун ҳам бадиий адабиётни сўз санъати деб ҳам юритадилар. Сўз санъати эса – оғзаки ва ёзма кўринишга эга. Сўз санъати дастлаб оғзаки шаклда юзагша келган. Хусусан халқ оғзаки ижоди – меҳнат қўшиқлари, достонлар, эртаклар бунга мисол бўла олади. Ҳозирда ўзбек халқи ҳаётида санъатнинг оғзаки шакли ўзбек бадиий сўз усталари, аскиячилар, бахшилар, достончилар, қизиқчилар, эртакчилар, алла, ёр-ёр ва алла айтувчилар ижодида сақланиб келмоқда. Улар кишиларга бетакрор нафис завқ-шавқ бағишлаб келаётганига ҳаммамиз ҳам гувохмиз. Мустақиллик йиллари санъатнинг бу турини тиклаш ва ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда. Чунончи, Ўзбекистон бахшиларининг анаъанавий кўриклари (бу санъат тури Ўзбекистонда, Самарқанд, Хоразм ва Сурхондарё вилоятларида нисбатан кенг ривожланган), «айнан жаҳон»нинг «халқ ижоди» кўрсатувлари, жойларда халқ ижоди дасталари кўриклари, аскиячилар кўриги (бу санъат тури кўпроқ Фарғона водийсида ривож топган) ўтказиб келинмоқда.

Ёзма адабиётнинг ҳам асосий моддий қуроли, тасвирий – ифода воситаси – сўздир. Сўз – фикр ифодаси, фикр баёнидир. Сўз туфайли инсоният тўплаган ақлий бойлик келажак авлодларга етиб келади. Сўз инсоният маданиятнинг энг муҳим таркибий қисми бўлиб, унинг воситасида моддий ва маънавий ту солган ёзма адабиёт санъатнинг ақлий тўйинтирилган турига айланди. Моддий ва маънавий олам, инсоннинг ақлий ва маънавий дунёси ёзма адабиётда энг теран, ҳар томонлама акс этади.

Ўзбек халқи ёзма сўзнинг буюк соҳиблари Навыоий, Машраб, Қодирий, Чўлпон, Ойбек ва бошқалар инсон ички дунёсининг бутун ранго-ранглиги, бойлиги, мураккаблигини ажойиб маҳорат билан ифодалаш қобилиятига эга бўлганликлари билан ажралиб турадилар. Санъат тури сифатида бадиий адабиёт ўзининг ички тизимига, кўриниши ва турига, услубига эга. Бу жиҳатдан бадиий адабиёт учта адабий тўрни – эпик (сочма эркин баён) лирик (шеърият) драматик кўринишларни қамраб олади.

Адабиётнинг эпик тури ҳақида сўз юритилганда ўзбек адабиётида Юсуф Хос Хожибнинг «Қутадғу билик», Фирдавсийнинг «Шоҳнома», Навоийнинг «Ҳамса» сига киритилган; «Хайратул аброр», «Фарход ва Ширин», «Лайли ва Мажнун», «Саъбаи сайёра», «Сади Искандарий» достонлари, А.Қодирийнинг «Ўтган кунлар», Чўлпоннинг «Кеча ва кундуз», Ойбекнинг «Навоий», Примқул Қодировнинг «Бобур», «Хумоюн ва Акбар» каби асарлари кўз ўнгимизда гавдаланади. Юқоридагиларнинг айримларида назм, айримларида насрий услубда воқелик юксак бадиийлик билан баён қилинган.

Бадиий адабиётнинг драматургия тури саҳналаштиришга мўлжалланган бўлиб, унинг асосини зиддият (конфликт) ташкил қилади. Драматик асарларда ўз олдиларига аниқ-равшан мақсад ва вазифалар қўйган иродали кишилар юзма-юз келиб тўқнашадилар. Уларнинг суҳбатлари (диологлари) орқали томошабинга таъсир ўтказилади.

Шундай қилиб, бадиий адабиётнинг турлари ўз навбатида бир неча хил ва кўринишларга бўлинади. Чунончи эпик тур – халқ эпоси – эпик достон, роман – эпопея (бир неча китоб-роман), роман, қисса; лирик тур – қасида, туюқ, рубоий, ғазал, шеър; драматик тур – фожиа (трагедия), комедия, драма каби кўринишларга эга эканлигини кўрамиз.

Энди икки оғиз сўз ҳозирги ёшларимизнинг санъатнинг бадиий адабиёт барча турларига муносабати, қабул қилиши ҳақида. Шуни афсус билан қайд этиш лозимки, аксарият ёшларимизнинг бадиий адабиёт намуналарини ўқишга қизиқиш даражалари паст, ҳатто йиллаб бирор ролини қисса, шеър ўқимайдилар. Қандай ёзувчи, шоир, драматург борлиги, бўлганлиги, қандай асарларни ёзганлигини билмайдилар. Шунингдек театрларимизга келувчи томошабинлар сонининг йилдан-йилга кмайиб борганлигини нима билан изоҳлаш мумкин. Албатта буларнинг ўз сабаби бўлиши мумкин. Аммо, энг ачинарлиси шундаки, бу жараён ёшларимизнинг нафосатли (эстетик) ҳис-туйғуси, дидининг ўтмаслашиб қолишига олиб келади…

Энди тасвирий санъат тури ҳақида фикр юритамиз. Тасвирий санъат тизимига мусаввирлик, ҳайкалтарошлик, чизиқли расм (графика) мансуб бўлиб, уларнинг вужудга келиши инсоният тарихининг энг қадимги даврларга бориб тақалади.

Тасвирий санъат ўзининг эстетик хислатларига ва эстетик мақомига эга бўлиб боргани сари унинг айрим туралари ва жанрлари ажралиб чиқа бошлади. Тасвирий санъат турлари ўзаро боғлиқ, бири иккинчисини тўлдириб туради. Гарчи тасвирий санъат турлари бир-биридан воқелик манзарасини ўзига хо сакс эттириши билан фарқ қилсада, лекин пировардида улар бир тизимга бирлашадилар.

Тасвирий санъат асарлари монументал ва дастгоҳ кўринишларига эга. Монументал дейилганда ҳажм жиҳатидан катта, меъморчилик, парк, боғ санъатига, шунингдек, бирор бир ботиний муҳитга мўлжалланган санъат асари тушунилади. Масалан, Амир Темур майдонидаги Амир Темур ҳайкали; Ўзбекистон Миллий боғи ва шоирлар ҳиёбонидаги Алишер Навоий ҳайкаллари бунга мисол бўла олади.

Дастгоҳ асари санъаткор томонидан эркин ижодий фаолият туфайли яратилиб, уларни ҳоҳлаган жойга музей ёки ўқув дарсхоналарига қуйиш ва намойиш этиш мумкин.

Тасвирий санъатнинг энг муҳим турларидан бири – ҳайкалтарошликдир. У жонли мавжудотлар - асосан инсонни, қисман жониворларни ҳажмли шаклларда акс эттиради. Мармартош, оддий тош, ҳарсангтош, ёғоч, метал, гипс ва бошқалар ҳайкалтарошлик учун моддий ашёлар сифатида хизмат қилади.

Хайкалтарошликда асосан инсон ташқи қиёфаси, унинг моддийлиги ёритилади. Айни вақтда инсоннинг ички дунёси, кечинмалари, фикр-туйғулари ҳам ундан ўрин олади. Яъни фикр ва туйғулар инсон танаси ҳаракати орқали берилади. Бу санъат турининг ўзига хос томони шундаки ҳаркатсиз ҳолатда ҳаркат таассуроти яратилади. Бу жуда қийин ва мураккаб. Хайкалтарошнинг санъати уни ярата олиш ва кўрсата олишда. Юқорида айтганимиз – Амир Темур, Алишер Навоий, Улуғбек, Бобу рва бошқа улуғ сиймоларнинг ҳайкаллари, аввало ҳаракат билан тўлиб тошган. Ёки бундай холни машхур Юнон ҳайкалтароши Мироннинг «Диск отувчи» асари ёки гўзаллик ва муҳаббат рамзи бўлган Афродитага бағишланган ҳайкалларда кўришимиз мумкин.

Ҳайкалтарошлик бизнинг ўлкада қадимдан ривож топган. Бунга Сурхондарё вилоятида Кушонлар даврига оид буддизмга хос хайкалтарошлик намуналари, Самарқанднинг қадимий ўрни Афросиёбдан топилган хайкалчалар мисол бўла олади.

Халқ қаҳрамонлари фан ва маданият арбоблари, фидойи кишиларга қўйилган ёдгорлик ҳайкаллари тарихий воқеаларни акс эттириб, тарғибот-ташвиқот, ахборот, тарбия, эстетик дидни ўстириш ва бошқа кўп вазифаларни бажаради.

Тасвирий санъатнинг яна бир муҳим тури мусаввирлик яъни рангтасвир санъати саналади. Бунда бўёқлар, чизиқлар ва улар аралашмасидан фойдаланиб, дунёнинг барча манзаралари акс эттирилади. Уларнинг марказида эса инсон туради.

Мусаввирликнинг наққошлик, ёдгорлик ва дастгоҳлик (намойиш этишга мўлжалланган) турлари мавжуд.

Тасвирий санъатнинг ўзига хос нафис бу тури инсоният тафаккурининг ноёб намунаси сифатида кишиларни неча асрлардан буён ўзига ром қилиб келмоқда. Ўзбекистон ҳудудида қадимдан рангтасвир санъати ривожланганлигини Афросиёбдаги деворий расмлар, Варахша ва Болалитепа тасвирий намуналаридан билиш мумкин. Улар ўтмиш аждодларимизнинг гўзаллик борасида эришган ютуқларидан ҳикоя қилибгина қолмай, балки шу билан бирга тарих сирларини очиб берувчи кўзгу вазифасини ҳам бажаради. Бу санъат турининг машхур вакиллари Леонардо да Винчи, Рафаэль Санти, Рембранд, Карл Брюллов саналади. Бу санъат тури бўйича ватандошларимиз ва замондошларимиз Камолиддин Беҳзод, Ўрол Тансиқбоев, Абдулҳақ Абдуллаев, Раҳим Ахмедов, Малик Набиев, Алишер Мирзаев ва бошқаларнинг ижоди диққатга сазовордир.

Юқоридагилардан ташқари ифодали санъат турлари ҳам бўлиб, унга безакли-амалий, меъморчилик ва мусиқа санъати турлари киради. Санъатнинг бу ижод турлари ўзининг ғоявий-эстетик бур-вазифаларини ифодали воситалар орқали амалга оширади.

Безакли-амалий санъат тури тасвирий санъат турига яқин туради. Фарқ шундаки, безакли-амалий санъат амалий мақсадларга мўлжалланган бўлиб, уларнинг бадиий қиймати фойдали-амалий қийматидан келиб чиқади.

Безакли-амалий санъат асосан маиший турмуш эҳтиёжларига хизмат қиладиган нарса-буюмлардан иборат. Бунда нарса-буюмнинг амалий ва эстетик хислатларига ғоявий-бадиий ифодалилилк қўшилиб санъат асари даражасига кўтарилади. Нарса – буюмга ўзига хос равишда – яъни мутаносиблик, вазн-оханг, томонлар тенглиги ва безак берилади. Безак эса нақш билан боғлиқ бўлади. Нақш нарса – буюмнинг бадиий шаклга айланишидир. Нақш инсонда қувонч ва қайғу, осойишталик ва безовталик каби туйғу ва кайфиятларни ифодалайди .

Ўзбек миллий нақши азалдан-масжид, минора, мақбара, мадраса каби меъморчилик ишларини амалга оширишда; амалий санъат – зардўзлик (Бухоро), гиламдўзлик (Хива), кулолчилик (Фарғона), дурадгорлик, тикувчилик ва бошқаларда безак вазифасини ўтаб келади. Бу соҳада ўзбек миллий санъати ўзига хос, такрорланмас хусусиятларга эга.

Санъат турлари орасида меъморчилик алоҳида ўрин тутади. У ҳам моддий, ҳам маънавий маданиятга тааллуқли. Донишмандлар меъморчиликни «қотишма» мусиқа ёки «тошдаги достон» деб таърифлаганлар. Меъморчилик давр қиёфасини ижтимоий-ифодали кўринишда яратади. Агар мусиқада қиёфа эшитиш орқали идрок қилинса, меъморчиликда қиёфа кўриш орқали идрок қилишга мўлжалланган.

Гап шундаки меъморчилик бинолари ва иншоатларини кўрар эканмиз, гўё тарихнинг «тош варақаларнинг» кўздан кечиргандай бўламиз. Бунда инсонда турли – хис-туйғулар юзага келади. Чунончи ғурурланиш, ўтмишга ҳурмат хисси ўтмиш тарих даҳшатли, суронли ходислари ҳаёлот дунёмизни чулғаб олиш хиссиёти каби холатни бошимиздан кечирамиз… Чунки, Самарқанд, Шаҳрисабз, бухоро, Хива, Қўқон шаҳарларида бунёд этилган меъморчилик обидалари ўзининг мазмундорлиги ва мўжизавийли жиҳатдан Миср сағаналари (пирамида), Афинанинг Акрополидан қолишмайди.

Ҳозирги меъморчилик айрим бинолар ёки уларнинг мажмуини (Регистон сингари) яратишга эмас, балки меъморчилик ижодининг олий кўриниши бўлган шаҳар бунёд этишга мўлжалланганлиги билан ажралиб туради. Мустақил Ўзбекистоннинг ҳар бир шаҳри меъморчиликнинг энг яхши намуналарини эркин режалаштириш асосида барпо этилмоқда.

Мусиқа санъатнинг ифодали тури тизимига кириб, воқеа-ходисаларни ифодали акс эттиради. Мусиқа эшитиш воситасида идрок қилинади. У инсон ички маънавий дунёсини, унинг туйғу ва кайфиятларини ифодалйди. У дунё тўғрисида туйғу ва кайфиятлар хосил қилади. Яъни мусиқа воқеликнинг хиссий туйғули қиёфасини яратади.

Мусиқа санъатининг куч-қудрати шундаки, у шодланиш, қайғуриш, ҳаёл суриш, бирдамлик, тушкинлик каби инсон руҳий холатларини намойиш эта олади.

Ўзбек миллий мусиқасининг дурдонаси бўлган «Шошмақом» халқининг мураккаб тарихи, кечинмалари, завқ-шавқи, қайғу-хасратлари, орзу-умидлари теран, чуқур, нафис, жозибали, эҳтиросли ифода этганки, уни тинглаган киши беихтиёр ширин ҳаёлот дунёсига шўнғиб кетади.

Ажойиб мусиқа асарлари чуқур фалсафий мазмун билан суғорилган бўлади, мусиқада ҳаёт ва ўлим, шахс ва жамият, эзгули ва зулм, қудрат ва заифлик каби масалалар акс этади.

Мусиқа санъатида куй асарнинг танасидаги қони, қалбидаги жони, юраги саналади. Мусиқа ижро этиладиган санъатдир. Мусиқа санъати ижро этилиш жараёнида жонланади, «тилга киради». Мусиқа инсонни тарбиялаш воситаси бўлиб, унда юксак фикр ва туйғулар, нафосат диди ва орзулар хосил қилади, дард, ғам-алам, ташвишлардан фориг қилади. Қани эслайлик, А.Қодирийнинг «Ўтган кунлар» романида Отабек нима учун тушкунлик, хорғинлик холатига тушганда қахваҳода созанда қандай куйни ижро этай деганда, Ўзбекистон халқ артисти М.Аҳмедов қойил-муқом, меъёрига етказиб куйлаган айрилиш, айрилиқ куйи «Ўртар»ни ижро этишни сўрайди… Бу ерда куй ва қўшиқ қўшилиб инсон ички туйғуси қат-қатларига кириб боради…

Ифодали санъат тизимида рақс, қўшиқчилик, санъатлари ҳам муҳим ўрин тутади.

Ҳозирги даврда томоша-қоришма санъат турлари – театр, очиқ саҳна (эстрада), цирк, кино, «ойнаи жаҳон» ҳам инсон эстетик хис-туйғусига таъсир этувчи, тарбияловчи сифатида катта аҳамият касб этган.

<u>3-масала.</u> Инсон ўзининг сезгиси, идроки, тасаввури, тушунчалари орқали ташқи дунёни «қиёфа» яъни образ шаклида англайди. Бадиий қиёфа манбаи ташқи олам ходисларидир. Бадиий ижод жараёнида санъаткор ташқи дунёни унинг бутун гўзалликлари билан қайта англайди, уни эстетик қадрият сифатида ифодалайди. Бадиий ижод жуда мураккаб бўлиб, ижодкор бадиий ҳис-туйғуси, дидининг утки рва юқори бўлишини воқеликнинг бошқалар англамаган нозик томонлар барча қирраларини унинг бутун гўзаллиги билан идрок этишини талаб қилади. Шундагина у юксак санъаткор даражасига кўтарила олади. Ўлмас, умри боқий асарлар яратади.

Санъаткорнинг ўзида акс эттирилаётган воқеликка нисбатан юксак хис-туйғу бўлмаса, у воқелик билан қўшилиб кетмаса, ўзи тасвирлаётган воқеа-ходиса, қиёфа (образ)га бефарқ, лоқайдларча бўлса ҳеч маҳал юксак бадиий санъат асарини ярата олмайди.

Санъаткор хис-туйғулари ўзи яратаётган қаҳрамонлари қиёфасига кириб, улар ҳаёти билан яшаса, ўзи йиғлаб уларни (қаҳрамонлари, образлари) йиғлатса, ўзи кулиб уларни ҳам кулдирса юксак бадиий асар яратилади.

Санъаткорнинг бадиий қиёфалар яратиш қобилияти унинг тасаввурлар ҳосил қилиш қобилиятидан келиб чиқади. Санъаткор ўз тасаввурларига худи воқеликнинг жонли ходислари каби муносабатда бўлади, ўзини ўз қаҳрамонлари ҳолатида кўради. Абдулла Қодирий ўз қаҳрамонлари билан худи жонли одамлар сингари гаплашган ва баҳслашган. Кумушга заҳар бериш ва унинг ўлими лавҳасини ёзаётиб Юм-юм йиғлагани хотираларида ёзиб қолдирилган.

Юқорида қайд этганимиздек санъаткор Абдулла Қодирий сингари дунёни, воқеликни, ходиса холатини, аввало эстетик нуқтаи назардан идрок этади ва баҳолайди, воқеликдан нафосат (ҳис-туйғуга таъсир этувчи холат)ни излайди. У воқеликда, ходисалар силсиласида бошқалар кўрмаган, ёрақмлай олмаган, хис-туйғусига таъсир этиб уни уйғотмаган, ҳаракатга келтирмаган нафосатни кўради ва идрок этади. Санъаткор нарсалардаги гўзалликни севади, ардоқлайди, уни ўзгалар билан баҳам кўришга ошиқади. Шу тариқа бадиий ижод маҳсули юзага келади. Санъаткор ўзи хис этмаган нарсани бадиий ижод маҳсули сифатида ярата олмайди. Агар яратса ҳам бундай асарлар юқори санъат асари даражасига кўтарила олмайди. Бундай санъат асарларининг умри калта бўлади.

Пухта ўйланган, ойлаб, йиллаб мияда пишитилган тасаввурлар ижод маҳсули умри боқий бўлади.

Санъаткорнинг ўткир фаҳм-фаросати унинг бадиий истеъдодлигини белгисидир. Унинг ҳаётий, ҳис-туйғули ва ақлий тажрибаси қанчалик бой ва хилма-хил бўлса яратган асарлари юксак нафосатли маъно-мазмун кашф этади.

Шундай қилиб, бадиий ижод билан ҳар ким ҳам шуғуллана олмайди. Унга истеъдод ва қобилият керак. Аммо, истеъдод ва қобилият ўз ўзича юзага чиқмайди. Уни юзага чиқарувчи томон меҳнат ва изланиш, ҳаётни ўрганиш, ундан таъсирланиш, ҳаёт лаззатини хис эта били шва уни бошқалар билан баҳам кўра билиш ва бошқалар. Мана шу маънода бадиий ижодни нафосатли (эстетик) фаолиятнинг махсус тури деб айтамиз.

Санъат турлари санъатга хос бўлган умумий белгиларга эга бўлган ҳолда уларнинг ҳар бири: адабиёт, меъморчилик, мусиқа, тасвирий санъат ва бошқалар ўзига хос муҳим кўринишда намоён бўлади. Мана шу санъат турлари идрок этиш жиҳатидан ҳам ҳар хил кўринишларга бўлинади. Чунончи кўз билан кўринадиган санъат асарлари – томошали санъат асарлари – томошали санъат турлари дейилади. Буларга тасвирий санъат, ҳайкалтарошлик, меъморчилик, бадиий фато асарлари киради. Мусиқани эса эшитиладиган санъат тури деймиз. Театр, рақс, кино санъатлари эса ҳам томошали, ҳам эшитиладиган санъат туридир. Шу билан бирга санъат турлари ўз тасвирий-ифодавий воситалар тизимига эга. Адабиёт сўз, тасвирий санъатда, ранг, ёруғлик, чизиқ, нур-соя, мусиқада – оҳанг, мақом, вазн, ҳайкалтарошликда – ҳажм, ўлчам, меъморчиликда-мутаносиблик тизими амал қилади. Санъат асарларининг юқоридаги хусусиятлари – уларни идрок этишда муҳим роль ўйнайди.

Санъатда идрок этиш деб, - адабиёт, театр, кино, тасвирий санъат асарларини томошабин ёки ўқувчи онгида акс этишига айтилади. Идрок этиш учун ўқувчи ёки томошабин тасаввур қобилиятига, мустақил тафаккур кучига, ҳис-туйғу маданиятига эга бўлиши керак. Санъат асарларини яратиш билан уларни идрок этиш бир-бирига айнан ўхшаш жараёнлар эмас. Уларнинг асосий фарқи шундаки, бадиий фаолият давомида санъаткор санъат асарини яратади, идрок этиш жараёнида эса бирор нарса яратилмайди. Идрокни «ижодга шериклик» дейиш мумкин. Ҳар қандай санъат асарнинг идрок этиш жараёнида санъат асари орқали ёзувчи, хайкалтарош, рассом ва ўқувчи, режиссёр ва томошабин ўрталарида пинхона учрашув содир бўлади.

Бадиий идрок эстетик идрокнинг энг «соф», намунали туридир. Санъат асарлари ва улардаги тасвирий – ифодали воситалар эстетик идрок объекти бўлса, томошабин, ўқувчи, эшитувчи бадиий идрок субъектидир. Бадиий идрок субъекти бўлиш учун инсонга бадиий қадриятларга нисбатан руҳий эҳтиёж туғилиши лозим. Идрок этувчининг эстетик эҳтиёжи, эстетик ва умуммаданий савияси, хис-туйғу маданияти, ҳаёт тажрибаси санъат асарларини самарали бадиий идрок этилишини таъминлайди.

Санъат асарларини идрок этиш инсонга ҳамма вақт ўзини яхши билиб олиш имкониятини туғдиради. Ўзи қизиққан санъат турлари асарларидан эстетик қониқиш ҳосил қилиш ўқувчини санъатнинг янги-янги қирраларини билиш, кашф этишга жалб этади. Инсон ўзининг эстетик эҳтиёжини қондирмай туриб, у дунё ҳақидаги янги билимларга ҳам, ахлоқий-эстетик камолотига эриша олмайди.

Бадиий идрок этиш қобилияти инсонда ҳис-туйғулар, хилма-хил кечинмалар қўзғаб, инсон дилига, унинг руҳига таъсир ўтказади.

Меъморчилик асарларини идрок этиш орқали одамлар турмуш тарзини, маиший ҳаёт ва ҳаёт фаолияти хусусиятларини, ижтимоий тузум табиатини, эстетик орзуни у ёки бу давр ижтимоий руҳиятини ва мафкўрасини инъикос этамиз. Меъморчилик ҳосил қиладиган билимлар мажмуининг аҳамияти шундаки, одамларда у яратилган маданий муҳит, ҳаёт тарзи, фикр ва туйғулари тўғрисида тасаввур пайдо қилади.

Хусусан, меъморчилик бинолари ва иншоатларини кўрар эканмиз, гўё тарихнинг «тош варақаларини» кўздан кечиргандай бўламиз, бошқа оламга кириб, уни ўз яхлитлигича англаймиз. Меъморчилик ўзининг ҳажмлари ва чизиқлари «тили» билан давр ва инсон ҳақида ҳикоя қилгандай бўлиб муайян хис-туйғу ва тасаввурлар ҳосил этади.

Самарқанд, Шаҳрисабз, Бухоро, Хива, Қўқон шаҳарларида меъморий обидалар ўзининг мазмундорлиги жиҳатидан Миср сағаналари (пирамидалари), Афинанинг Акрополи, Дехлидаги Шоҳжаҳон меъморий обидаларидан қолишмайди. Бугунги кунда ҳам мазкур меъморчилик обидалари, аввало ўзининг ажойиб ҳамоҳанглиги билан кишини ҳайратга солиб келмоқда. Анаъанавий миноралар мақбараларининг ҳаворанг гумбазлари билан масжид-мадрасалар ички безаклари билан қўшилиб, баркамол яхлитлик, умумий яхлитлик ҳосил этиб, инсонда ўтмиш ва бугун муносабатлари ҳақида тасаввур хосил этади.

Мусиқа санъатнинг ифодали тури сифатида эшитиш орқали идрок қилинади. Мусиқа асарлари инсон ички маънавий дунёсини, унинг туйғу ва кайфиятларини ифодалаб, тингловчи томонидан идрок этилади. У инсонда дунё ҳақида маълум туйғу ва кайфиятлар ҳосил этиши билан ажралиб туради. Яъни мусиқа асарлари туйғу ва кайфиятлар орқали идрок этилади. Ўзбек миллий мусиқасининг дурдона асарлари, хусусан «Шашмақом» ўзининг нафис, жозибали, эҳтиросли ифода усули билан идрок этувчи шахсда муайян хис-туйғу ва кайфиятлар туғдиради.

Мусиқа инсон фаолиятининг энг муҳим соҳалари билан алоқага киришади, меҳнат жараёнлари, маросимларда қатнашади, хордиқ чиқаришда эса яхши кайфият туғдиради. Мусиқа асарларини идрок этилиши ҳар бир кишини, умуман одамларни бирор мақсад-ниятга сафарбар этади, уларни ягона туйғу ва ғайрат астрофида бирлаштиради. Мана шунинг учун ҳам ўтмишда, масалан Катта Фарғона каналини барпо этишда созандалар, хофизлар, раққослар ва бошқа санъаткорлар фаол иштирок этиб, канал қазувчиларни маънавий-руҳий жиҳатдан қўллаб-қувватлаб турганлар…

Мусиқа инсонни тарбиялаш воситаси бўлиб, унда юксак фикр ва туйғулар, нафосат диди ва орзулар ҳосил қилади. Инсоннинг ижодкорлик қобилиятини оширади.

Ёзма ва оғзаки адабиётни идрок этиш ҳам мураккад жараён бўлиб, ўқувчидан кўпрок ижодий фаолликни ва мустақилликни, адабий матндан олинган ахборотни ўзининг маънавий дунёси ва ҳаётий тажрибаси билан қиёслашни талаб қилади. Мана шунинг учун ҳам ёзма адабиёт санъат асарини турли ўқувчилар турли равишда идрок этадилар. Баъзилар таъсирланса, баъзилар у даражада завқланмайдилар…

«Зерикарли» адабиёт ва санъат асарлари кишиларда хис-туйғулар уйғотмайди, ўқувчи томонидан идрок этилмайди. Зерикарли ифода санъатнинг ашаддий душмани.

Шундай қилиб, бадиий асар гўзаллик нуқтаи назаридан идрок этилса, ўқувчи ва томошабинда муайян хис-туйғу ва кайфиятларни уйғота олсагина бадиий қийматга эга бўлади, бундай асарларни қизиқиб идрок этилади. Ўқувчи бундай асарларни идрок этиш туфайли ўзи дуч келган муаммоларга жавоб топгандай бўлади ёки жавоб излайди.

4- масала. Эстетик тарбия ҳам кишиларда умуминсоний ва миллий қадриятларни қарор топтиришга хизмат қилади. Маълумки, ҳар қандай тарбия, жумладан эстетик тарбия ҳам инсон онгига, хис-туйғуларига, тасаввурига, эътиқодига, дунёқарашига, ҳатти-ҳаракатларига, хулқ-атворига таъсир ўтказишни ўз олдига мақсад ва вазифа қилиб қўяди.

Инсоният тараққиётининг турли даврларида эстетик тарбия турли мақсадларни кўзланган ҳолда олиб борилган. Чунончи, қадимги юнонларда эстетик тарбия мақсади

фуқароларнинг ҳар томонлама ривожланишига «руҳ ва бадан» ҳамоҳанглигини қарор топтиришга йўналтирилган эди.

Ўрта асрларда Шарқ ва Оврўпода эстетик тарбия илоҳий куч-қудрат манбаи бўлган Оллохга эътиқод қилиш ва «бу дунё» нинг ўткинчи, арзимас эканлигини инсон шаҳсига сингдиришни мақсад қилиб қўйган эди.

Ҳозирги мустақиллик шароитида мамлакатимизда эстетик тарбиянинг аҳамияти тобора ортиб бормоқда.

Аввалари эстетик тарбия ўта тор ва бир томонлама талқин қилинар эди. Эстетик тарбия санъат асарларини тўғри идрок этиш, бу билан алоҳида лаззатланиш ёки бирор санъат турини билиб олиб, муайян бадиий кўникмаларга эга бўлиш доирасида тушунилар ва талқин этилар эди. Баъзан эса эстетик тарбияга фақат одамларда юксак эстетик дид-фаросатни шакллантириш сифатида қаралар эди. Буларнинг барчаси бадиий-эстетик тарбиянинг вазифа ва мақсадлари доирасига киради. Бадиий ва эстетик тарбия бирдай эмас. Улар ўртасида умуммиллийлик ва фарқли томонлар бор. Бадиий тарбия эстетик тарбиянинг таркибий қисми. Бадиий тарбиянинг асосий мақсади – муносабатларни санъат воситалари ёрдамида шакллантиришдир. Эстетик тарбия фақат санъат билан чекланиб қолмайди. Эстетик тарбиянинг асосий мазмуни инсоннинг воқеликка эстетик муносабатини фаоллаштириш ва ривожлантиришдан иборат. Воқеликка бўлган инсон муносабатининг ҳар қандай кўриниши эстетик мазмундан ажралиб қолса, у асл инсоний моҳитятини йўқотади.

Эстетик муносабат дунёга кенг ва холис қараш, одамларда, табиат вокеа-ҳодисларида, энг аввало жамият, инсоният, тараққиёт учун хизмат қиладиган ижтимоий аҳамиятли бўлган фазилатларни кўра билиш қобилиятини тарбиялайди.

Эстетик тарбия инсонни эстетик онгини шакллантириш жараёнида уни ахлоқий, меҳнат, экалогик жиҳатлардан ҳам тарбиялаш вазифаларини қамраб олади. Энди анна шу вазифаларнинг баъзи жиҳатларини кўриб ўтамиз.

Санъат ва ахлоқнинг бош мавзуи инсондир. Санъат инсоннинг мақсад-манфаатлари, фикр-мулоҳазалари, ҳис-туйғулари, ички кечинмалари нуқтаи назаридан акс эттиради.

Санъат воқеликни акс эттириш жараёнида жамиятда амал қилаётган ахлоқий муносабатларни, одоб қоидаларини, ахлоқий ғоя ва қарашларни, инсон ички дунёсини, ахлоқий қиёфасини ҳам очиб беради. Шу боис санъат инсон ахлоқ-одобининг кўзгуси деб ҳам юритилади.

Инсон воқеликка бир вақтнинг ўзида ҳам ахлоқий, ҳам эстетик муносабатда бўлади. Эстетик ва ахлоқий тушунчалар инсон фаолиятини бошқариб туради.

Ахлоқий муаммолар мажмуи санъат, хусусан бадиий асар мазмунининг таркибий қисми саналади. Айниқса, бадиий адабиёт, театр, кино, тасвирий санъат асарларида муаммолар тугуни, тўқнашувлар, қаҳрамонлар феъл-атвори, ҳатти-ҳаракатлари ахлоқийлик билан суғорилган бўлади.

Ахлоқ санъатнинг мағзини ташкил этади. Санъат асарлари ахлоқ мазмунига эга бўлмаса, ўзининг инсонпарварлик хусусиятини йўқотади. Санъатда ахлоқий қоида ва ақидалар эстетик жиҳатдан қайта ишлаб чиқилади: гўзал ва хунук, улуғвор ва пасткаш, фожиали ва кулгили каби эстетик тушунчалар сифатида идрок этилади. Санъат асарларидаги бу холатларни эстетик жиҳатдан идрок этилиши инсон ахлоқий ва эстетик тарбиясига яқиндан ёрдам беради.

Эстетик тарбия билан экалогик тарбия ҳам ўзаро боғлиқ. Бу боғлиқлик инсоннинг табиатга беғараз, инсоний муносабатда бўлишида, жамият билан табиат ўртасида ҳамоҳанг алоқадорлик муносабатларини ўрнатишда намоён бўлади.

Эстетик томонсиз дунёқараш чала, бир ёқлама бўлиб қолади. Эстетик дунёқараш фалсафий ва ахлоқий ва бошқа дунёқарашларни бойитиб туради.

Эстетик тарбия, аввало одамларнинг эстетик дидлари шаклланишига катта таъсир ўтказади. Эстетик дидда инсон ақлий ва ҳиссий дунёси, орзу-умидлари, талаб эҳтиёжлари, мақсад-манфаатлари рўёбга чиқиши ифодаланади.

Эстетик тарбия яна ўз диққат эътиборини шаҳс эстетик эҳтиёжларини шакллантиришга қаратади.

Эстетик эҳтиёж фақат моддий ва маънавий гўзалликлардан лаззатланишгина эмас, балки ҳар қандай амалиёт соҳасига гўзалликни татбиқ қилишни ҳам билдиради. Шу боис эстетик тарбияни ҳаёт жабҳаларининг ҳаммасига ўқиш, меҳнат қилиш, илмий ва техник изланиши ва бошқаларга татбиқ этилишини ҳаёт тақазо қилади.

Шундай қилиб, эстетик тарбия – бу эстетик жиҳатдан ривожланган ва ижодий фаол бўлган инсон шахсини шакллантириш демакдир.

Миллий истиқлол ғоямизда таъкидланганидек, эркин фуқаролик жамиятини маънавий баркамол, эзгу ғоялар ҳаётий эътиқоди бўлган инсонларгина бунёд эта олади. Маънавий баркамол, комил инсон эса ўзида барча ижобий фазилатлар билан бирга эстетик жиҳатларни ҳам намоён этиши лозим. Мустақил Республикамизда эстетик тарбиянинг манбаи адабиёт, кино, мусиқа ва тасвирий санъат асарларини яратилиши ҳар томонлама рағбатлантирилмоқда.

Эстетик тарбия самарадорлиги эстетик тарбиянинг омиллари ва воситаларидан тўғри фойдаланиши талаб қилади.

Эстетик тарбия омиллари деб, шахснинг эстетик камолотига таъсир ўтказадиган ташқи ва ички шарт-шароитларга айтилади. Эстетик тарбия воситалари деб шахснинг воқеликка эстетик муносабатини ривожлантиришга хизмат қиладиган тарбиявий фаолият шаклларига айтилади.

Меҳнат эстетик тарбиянинг энг муҳим омили. Шахс ҳаётига меҳнатнинг эстетик таъсирини кучайтиришда ишлаб чиқариш жараёнларига кўпроқ эстетика техникаси (дизайн)ни кенг равишда жорий қилиш керак бўлади.

Меҳнат шароитлари ва воситаларига эстетик мазмун бахш этиш омили шахсни эстетик камол топтириш билан бирга, шахснинг фойдали-амалий вазифаларни ҳам кенгроқ доирада бажаришга сафарбар қилади. Эстетик мазмун меҳнат унумдорлигини, самарадорлиги ва сифатини оширишнинг муҳим омилидир.

Эстетик тарбиянинг энг муҳим омили – бу табиатдир. Табиат билан доимий муносабатда бўлмай туриб, эстетик жиҳатдан ривожланиш, эстетик тарбияни уюштириш мумкин эмас. Шахс онгида табиатнинг эстетик қадриятлари туйғусини шакллантириш инсон эстетик камолотининг ўзига хос заминидир. Ҳозирги экалогик инқироз ва ҳалокат ҳавфи ортиб бораётган шароитда эстетик тарбиянинг бу қирраси тобора кўпроқ аҳамият касб этмоқда.

Эстетик тарбия омиллари қаторида маиший турмуш нарсалари, тура ржой жихозлари, хоналар ва бошқалар жойлашуви, уларнинг ранглари, бўёқлари ва бошқа нарсалар муҳити алоҳида ўрин тутади.

Эстетик тарбия воситалари орасида санъат муҳим ўрин эгаллайди. Санъат воқеликка эстетик муносабатнинг энг муҳим шаклидир.

Санъатдан баҳраманд бўлиш, ундан лаззатланиш учун муайян даражада бадиий билимларга эга бўлмиш ҳам лозим. Санъатга интилиб яшаш, бадиий ижод маҳсулларини идрок этиш, завқ олиш қобилияти кўп жиҳатдан инсоннинг бадиий савиясига боғлиқ.

Эстетик тарбияда оила, мактаб, ўқув юртларининг ўзаро ҳамкорлиги ҳам яхши натижалар келтиради.

Эстетик тарбия ижтимоий фаол, ҳар томонлама ва ҳамоханг ривожланган шахсни, бошқача айтганда комил инсонни тарбиялаш мақсадига йўналтирилган.

Такрорлаш учун саволлар.

1. Санъат тушунчаси нимани англатади?
2. Санъатнинг нафосатли моҳияти нимада?
3. Санъат асарларини яратиш инсон фаолиятининг қандай турига киради.
4. Санъатга турларига қайсилар киради?
5. Тасвирий санъат турларини аниқланг.
6. Бадиий адабиёт қандай санъат турларга бўлинади?
7. Монументал санъат асари қандай асрлар сирасига киради?
8. Ҳаракатсиз холатдаги ҳаркатни акс эттирувчи санъат асарлари санъатнинг қайси турига киради.
9. Ўзбекистон худудида ранг тасвир санъати ривожланишини кўрсатувчи қадимий шаҳарларни аникланг.
10. «Тошдаги достон» ибораси қандай санъат асарларига нисбатан ишлатиб келинган.
11. Мусиқа санъатининг юраги, жозибаси нимада?

Таянч тушунчалар

Ижодкорлик ,истеъдод, тасвирий санат - ранг, ёруғлик, чизиқ, нур — соя , мусиқада - оҳанг, мақом, вазн , ҳайкалтарошликда - ҳажм, ўлчам , меъморчиликда - мутаносиблик . нафосатлн тарбия. санъат. замонавий комил инсон, омиллар. восналар.

ИЗОҲЛИ ЛУҒАТ – ГЛОССАРИЙ

Ақлий билимлар - инсон ўз тафаккури билан етишган билимлари. Улар ҳам ўз навбатида бир нечта турга бўлинади: (1) - ҳаётни куза-тиб ва таҳлил этиб ҳосил қилинган билимлар, (2) – мантиқий, яъни билган нарсаларини ўзаро фикрий қиёслаш ва таҳлил қилиш орқали ҳосил қилинган билимлар, (3) - амалий фао-лият жараёнида ва ёки ўрганиш билан ҳосил қилин-ган малака ва кўникмалар шаклидаги билим.

Айният тушунчаси - нарса ва ҳодисалар ўртасидаги ўхшаш томонларни ифодалайди. Шу билан бирга нарса-ҳодисалар бир-биридан фарқ қиладиган томонлар, хусусиятлар, белгиларга ҳам эгадир. Айнан бир хил бўлган нарсанинг ўзи йўқ.

Антик фалсафа - қадимги даврда эрамиздан аввалги 8 асрда Юнонистонда, эрамиздан аввалги 2 асрда Рим жамиятларида шаклланиб, эрамизнинг 6 асрига қадар ривожланиб келган фалсафий таълимотлар умумлашмаси.

Апологетика - юнонча apologetikos - ҳимоя килиш маъносини англатади. Илоҳиётда тафаккур далиллари ёрдамида диний таълимотни ҳимоя килиш ва оқлаш билан боғлиқ булган соха. Диннинг моҳиятини ақидалар тизими хусусиятлари, ахлоқий принциплари, ижтимоий ҳаётдаги роли ва аҳамиятини тахлил қилиш асосида уни фалсафий материалистик ва генетик танқиддан ҳимоя қилишни ўз олдига асосий вазифа қилиб қуяди.

Антисциентизм - яъни фан тараққиёти жамият ҳаётига салбий таъсир кўрсатишини асословчи фалсафий дунёқараш. Бундай дунёқараш экзистенциализм, франкфурт ижтимоий-фалсафий мактаби, Рим Клубининг бир қатор тармоқларини, баъзи диний-фалсафий оқимларнинг фанга муносабатини ифодалайди

Абу Мансур Мотуридий - (милодий 944 йилда вафот этган) калом илмининг ақл мақомига алоҳида эътибор қаратган Самарқандда Мотуридия мактабини яратган.

Абу Ҳанифа ан-Нуъмон - ҳанафия мазҳабига асос солган, барча ислом тарқалган ҳудудларда ўз мавқеига эга бўлган. Бу мазҳабнинг муҳим жиҳатлари калом ва илоҳиёт соҳаларининг пири Абу Мансур Мотуридий (вафоти 944 й.) нинг «Тавҳид» ва «Таъвилот» асарларида ва Бурҳониддин ал-Марғиноний (1123-1197) нинг «Ҳидоя» тўпламида ўзининг ёрқин ифодасини топган. Уларнинг асарларида ақл мақоми ва мантиқ илмига, илм ва далилга кенг ўрин берилган.

Абу Наср Форобий - (873-950) - мусулмон Шарқида Арастудан кейин «иккинчи устоз» унвонига муяссар бўлган йирик мутафаккир ва аллома. Унинг қаламига 160 дан зиёд асар мансуб бўлиб, улар асосан қадимги юнон олимлари асарларидаги табиий-илмий ва фалсафий муаммолар шарҳлаш ҳамда бу соҳаларнинг долзарб масалаларини таҳлил қилишга бағишланган.

Абу Райҳон Беруний - (973 — 1048) деярли барча фан соҳаларида ижод этган буюк қомусий аллома ва машҳур мутафаккирдир. У яратган 152 та асардан 28 таси бизгача етиб келган.

Абу Али ибн Сино - (980-1037) буюк аллома ва мутафаккир. У Бухоро яқинидаги Афшона қишлоғида туғилиб, Ҳамадон шаҳрида вафот этган. Ибн Синодан қолган маънавий меърос тахминан 280 номдан зиёдроқдир. Улар тиббиёт, фалсафа, мантиқ, психология, ахлоқ, мусиқа, фармакология ва бошқа соҳаларга бағишланган.

Асотир тафаккур - *Борлиқ моҳиятини идрок этишга дастлабки уриниш бўлиб, ибтидоий жамоа, қисман қадимги дунё ва ўрта асрлар одамининг фикрлаш тарзига хосдир. Бу даврларда аксарият инсонлар ғайб оламига оид нарса-ҳодисалар ва мавҳум тушунчаларни моддий воқелик ашёларидан ажратиб тасаввур қила олмайдилар*, мушрикликнинг *келиб чиқиш сабаби ҳам шунда*.

Анализ - бир бутунни қисмларга, бўлакларга, томонларга ва элементларга ажратиб, уларнинг ҳар бири нима эканлигини билишдир.

Баҳоуддин Нақшбанд - (1318-1389 йиллар) нақшбандия тариқатининг асосчисидир. Бу таълимотнинг моҳияти «Дил — ба ёру даст — ба кор» шиорида яққол ифодасини топган. Инсон Оллоҳ иноятн натижаси бўлиб, бу дунёни унутиб қўймаслиги лозим, унинг қалби доимо Оллоҳда, қўли эса меҳнатда бўлмоғи лозим.